

«ЦЕМЗАВОД» ДИКТАТУРА РЕЖИМИ ЖИНОЯТЛАРИНИ ФОШ ҚИЛАДИ

Собиқ маҳкум, Ўзбекистон қамоқхоналарида саккиз ярим йиллик умрини ўтказган ва турли воқеа ходисаларни бошидан кечирган Муҳаммадсолиҳ Абутовнинг “ЦЕМЗАВОД” номли асари Ўзбекистон қамоқхоналаридаги қийноқлар, вахшийликлар, азоб уқубатлар ҳақида хикоя қилади.

Ушбу асарда Абутов Ўзбекистондаги мавжуд бўлган ўнлаб қамоқхоналарнинг бири хисобланмиш Навоий вилоятида УЯ 64/46 Жазони ижро этиш муассасасидаги 3 ярим йиллик ҳаётини акс эттирган.

Бу асар Ўзбекистон қамоқхоналаридаги вахшийликлар ҳақида баён қилар экан кўз ўнгингиздан очликдан силласи қуриган, яшаш учун кураш олиб бораётган бир неча минглаб маҳкумларнинг турли хил кураш усуллари кўз ўнгингиздан кинолентаде ўтади. Бу асарда баён қилинган ҳолатлар мамлакатдаги барча қамоқхоналарда ҳукмрондир.

Жумладан: Маҳкумларни оммавий тарзда очликда сақлаш, яъни маҳкумларнинг сунъий усуллар билан очликда сақлаш.

Бу усулни қамоқхоналарда қўлланилишининг бир нечта сабаблари бор.

Биринчидан: Ўзбекистондаги қамоқхоналарда маҳкумларни сақлаш қоидаларига итоат этилиши устидан назорат қилиб борилмайди. Бир йилда бир марта, нари борса икки марта қамоқхонага ташриф буюрадиган Жазони ижро этиш муассасаларида қонунчиликка итоат этилишини назорат қилувчи прокуратура вакилларининг ташрифларидан аввал қамоқхоналарда кенг қўламда тайёргарлик ишлари олиб борилади, маҳкумлар ўртасида тарғибот ташвиқот ишлари олиб борилади ва прокуратура вакиллари қамоқхоналарга ташриф буюриб, маҳкумлар билан суҳбатлар қилишганда олдиндан тайёрланган маҳкумлар қамоқхоналарни дам олиш масканларидек таърифлаб берадилар.

Иккинчидан: Мамлакатда чуқур илдиз отган коррупция жинояти сабаб ИИБ ва Муассасалар раҳбарларига тегишли бўлган фирмалар орқали қуртлаган, эскириб, ачиб–бижиб кетган маҳсулотларни, ичи билжираб турган буханка нонларни қиммат нархларда қамоқхоналарга етказиб берилади ва маҳкумлар ўша сифатсиз маҳсулотларни истеъмол қилишга мажбур қилинадилар.

Учинчидан: Балким бу биринчи ва муҳим сабаб бўлса керак, маҳкумларни очликда сақлаш уларни бошқаришда жуда ҳам қўл келади.

Масалан, қамоқхоналарда очликдан азоб чекаётган маҳкумлар бир дона конфет ёки бир бўлак буханка бўлаги учун ўзи сингари азобланаётган маҳкумларга, асосан диний ва сиёсий маҳкумларни қийнашда, уларни хўрлаш, камситиш, калтаклаш, уларга қарши турли хил янги айбловлар расмийлаштирилишида фаол иштирок этадилар.

Очликдан силласи қуриган ва бир мартагина бўлсада тўйиб овқатланиш илинжида бўлган маҳкумлар диний ва сиёсий маҳкумларга қарши ғайриқонуний хатти–ҳаракатлар қилишга мажбурлансалар, муассасадаги қора рўйхатда турувчи маҳкумларнинг очлик азобидан кутқаришни сўраб қилган илтижолари фақатгина Аллоҳдан бўлади. Чунки уларни эшитувчи жонзот йўқ бу ўзбек зиндонларида.

Аксар асарларни ўқисангиз бу асар қайсидир бир кимсани тарғиботи учун дунё юзини кўрганлигини дарҳол сезасиз ва асарни охиригача ўқишга ўзингизни мажбур қила олмайсиз. “ЦЕМЗАВОД”да бунингдек тарғиботни, мажбурий ташвиқотни кўрмайсиз. Бу асарда ҳаққоний ҳолат қандай бўлса шундайича акс этган.

Асарда қамоқхона вакилларининг маҳкумларга нисбатан турли хил муносабатлари ёритиб берилган. Масалан Абутов жазо изоляторига қамалган пайтида тинмасдан Аллоҳга илтижо қилади ва очлигига барҳам беришини ўтиниб сўрайверади. Шу пайт кечагина уни аёвсиз калтаклаган қамоқхона ходими камера кармошкасини очиб, Абутовга каттагина бир бўлак буханка нон узатади. Ваҳоланки Абутов Аллоҳга нола қилаётганини у қамоқхона вакили эшитиши мумкин эмасди. Абутов овоз чиқармасдан нола қилаётганди.

Шунингдек бу асарда қийноқлар ҳақида батафсил баён қилинган бўлиб, қийноқларнинг деярли кўплаб турлари ҳақида хикоя қилинган.

Масалан: Маҳкумларга руҳий ва жисмоний қийноқ қўллаш мақсадида хавонинг жазирама иссиқлиги—ю, иззиллатма совуқлигига қарамасдан ташқарида марш қилган ҳолда Ўзбекистон мадҳиясини тинимсиз қўлашга мажбур қилиш;

Диний маҳкумларнинг намоз ўқишларига қарши кенг кўламда тарғибот ишлари олиб бориш, уларни намоз ўқишларига тўсқинлик қилиш мақсадида муассаса вакиллари ва гадлар томонидан ваҳшиёна қийноқларга солишлар;

Диний ва сиёсий маҳкумлардан тинимсиз равишда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов номига ўзининг диний экстремизмга ва терроризмга алоқадорлигини “тан олиб”, бу жиноий қилмишларидан пушаймонлик билдириб, такрор ва такрор “ТАВБА ХАТИ” ёзишга мажбур қилишлар;

Диний ва сиёсий маҳкумларни сохта айбловлар билан жазо изоляторларига қамаш;

Гадлар ва бошқа “қулоқ” маҳкумларнинг диний ва сиёсий маҳкумларнинг ваҳшийларча калтаклашларига, азоблашларига шароитлар яратиб бериш;

Амнистия қарори чиқишидан олдин қамоқхоналарда олиб бориладиган “террор” ҳаракатлари сабаб, юқоридан жўнатилган қора рўйхатда бўлган маҳкумларга нисбатан сохта айбловлар расмийлаштириб, уларни амнистия актига асосан жазодан озод қилмаслик;

Жазо муддати оз қолган пайтда қайтадан сохта айблар расмийлаштириб, ҳимоя ҳуқуқи бузилган ҳолда, маҳкама ичкарасида суд қилиб, диний ва сиёсий маҳкумларнинг жазо муддатларига кўшиб беришлар;

Жиноят Кодексининг 221–моддасига асосан “қамоқхона ички тартиб қондасини бузган”ликда айблаб, жазо муддати тугаши арафасида янгитдан очилган жиноят иши юзасидан кўшиб берилган жазо муддатини ўташ давомида ушбу жиноят иши материаллари билан танишиш, ушбу ҳукмга қарши ўз муносабатини билдиришга тўсқинлик қилишлар;

Халқаро Қизил Хоч вакилларининг қамоқхоналарга ташрифи арафасида қамоқхоналарда олиб бориладиган тарғибот ишлари, бу Халқаро ташкилот вакилларини алдаш мақсадида асосан доимий қийноқларга солиб келинадиган диний ва сиёсий маҳкумларни бошқа қамоқхоналарга юбориб, яшириш ҳолатларини мисол қилиш мумкин.

Муҳаммадсолиҳ Абутовни Ўзбекистон ҳукумати “ваҳҳобий” дея талқин қилиб келади. Лекин Абутов ўзининг асарида бирор–бир диний оқимларга алоқаси йўқлигини баён қилган, балким Ўзбекистонда мавжуд деб кўрилатган барча диний оқимларни танқид қилиб, уларнинг камчиликлари ҳақида ошкора гапиради.

Масалан: “Хизб–ут–Тахрир”чиларнинг “Халифатнинг келиши яқинлашди” дея талқин қилишларини ва шу тарғиботга ўзлари ҳам ишонишларини, қамоқхонада ўзи билан бирга жазо муддатини ўтаётган “Хизб–ут–Тахрир”чилар билан муҳокама қилишини тасвирлаши билан ўқувчиларга очиб беради.

Ушбу асарни ўқир экансиз, биргина Муҳаммадсолиҳ Абутов эмас, бугунги ўзбек қамоқхоналарида йиллар давомида азобларга солинаётган минг–минглаб “вахҳобий”лар, “террор”чиларнинг аслида ҳеч қандай диний эстремисти оқимларга, террористик гуруҳларга алоқаси йўқлигини гувоҳи бўласиз.

Бугунги кунда АҚШ, Буюк Британия, Франция, Германия каби мамлакатлар Ўзбекистон ҳукуматини терроризмга қарши кураш йўлидаги ҳамкори сифатида кўриб мамлакатдаги инсон ҳуқуқларининг оммавий равишда бузилишига кўз юмиб келаётгани ҳеч кимга сир эмас.

Ўз асарида Абутов юқорида санаб ўтилган қийноқлар натижасида қамоқхоналардаги маҳкумлар ўзликларини йўқотиш ҳолатларини асосли тарзда баён қилиб берган.

Абутовнинг асарида 2000 йил декабрь ойидан бошлаб 2004 йилнинг май ойигача бўлган муддат акс этган бўлсада бугунги кунча ҳамон қамоқда қолиб келаётган Самандар Қўқонов, Муҳаммад Бекжон, Рустам Усмонов, Қўқондаги тарихий “Ҳавоқанд” жоме масжиди имом хатиби, 1994 йилдан буён қамоқда бўлган Тоштемир Нурматов (Муҳаммадражаб Махсум қори), 1972 йилда Сурхандарё вилоятининг Денов туманида туғилган “Хизб–ут Тахрир”нинг Марказий Осиё бўйича вакили Хафизуллоҳ Носиров сингари маҳкумларнинг, Мамадали Маҳмудов сингари собиқ сиёсий маҳкумларнинг ўша пайтлардаги қамоқхона ҳаётлари батафсил баён қилинган.

“ЦЕМЗАВОД” асари ўзбек зиндонини кўрмаганлар учун балким тушунарсиздек, зерикарли туюлиши табиий ҳол. Чунки асарда маҳкумларни азоблаш усулларига қайта қайта мурожаат қилинган ҳолатлар мавжуд. Лекин ўзбек зиндонини кўрган, унинг азобларидан тотиб кўрган инсонлар ўз фожеаларини қайтадан яшагандек бўладилар. Мен ҳам ушбу асарни ўқишни бошлаганимдаёқ ўзимни яна қайтадан аёллар қамоқхонасидадек ҳис қилдим. Фақатгина муассаса вакиллариининг исми, шарифлари, гадларнинг исмлари, лақаблари ўзгача ҳолос.

Бундан ўн йиллар олдинги воқеаларни эслаб қоғозга тушириш, ўша пайтда бошидан ўтказган қийинчиликларни, азобларни яна янгитдан кунма–кун тиклаш ва уни асар ҳолатига келтириш Абутов учун осон кечмаганлигини билган ҳолда ушбу асарни китоб ҳолида чоп қилиб, Ўзбекистонда тарқатиш умуман имконсиз деб биламан.

Лекин ўзбек диктаторининг жиноятларини фош қилувчи бунингдек асарлар келажакда фильмлар яратиш учун тайёр сценарий десам муболаға бўлмайди. Келажакда бу асар тарихчилар учун, бугунги кунлар ҳақида ўрганиб, асарлар яратишларига яқиндан кўма беради ва диктатура режимининг жиноятларига ҳуқуқий баҳо беришлари учун катта ҳисса қўшади деб ўйлайман.

Мўътабар Тожибоева

Собиқ сиёсий маҳкума

«Ўтюрмаклар Клуби» инсон ҳуқуқларини

ҳимоя қилиш Халқаро ташкилоти раҳбари



ЖИЭМ 64/46

«Цем завод»

Бу китоб 2000 йил декабр ойидан 2004 йил май ойигача Навоийдаги 46 сонли зонада кўрган кечирган азоб уқубатларим ва ИАК режими мусулмонлар бошига солган мислсиз қийноқлар хақида ҳикоя қилувчи воқеъий қиссадир.

Муаллиф

Муҳаммадсолиҳ Абутов

Саҳвий

Кириш:

Бисмиллоҳир роҳманир роҳим:

Буюк Аллоҳга ҳамдлар ва расулига саловоту саломлар бўлсин.

Бу китоб менинг Товоқсой зонасидан қайта суд бўлиб, уч ярим йиллик қўшимча муддат олиб келган Навоийдаги 46 зонада кўрган кечирганларим қиссасидир.

Бу китобдаги воқеалар ва қаҳрамонлар тўқима эмас. Бу қисса қаҳрамонлари ҳали кўпчилиги тирик ва бу воқеаларга гувоҳлар орамизда ҳали кўплаб топилади. Китобни «ЖИЭМ 64/46» (46 сонли Жазони Ижро Этиш Муассасаси) ёки қисқача «Цем завод» деб номладим.

Бу зона ёнида цемент заводи борлиги учун бу зонани маҳкумлар тилида «Цемзавод» деб аталади. Китоб ёзилиш услуби солнома шаклида бўлиб, кунлар, ойлар ва йиллар кетма–кетлиги ва воқеа ҳодисаларнинг саналарга уйғунлиги шу воқеаларга гувоҳ бўлган муаллиф тилидан бадий шаклда тасвирланади.

Золим ИАК (Ислом Абдуғаниевич Каримов) мусулмонларга кўп азоб уқубатлар қилган диктатордир. Менинг бу китобим унинг зулму–зўравонликларини қисқача ҳикоя қилади.

Бу қиссада шу зонада ўтган уч ярим йиллик умрим ажойиботлари ва мусулмонларга қилинган ноинсоний қийноқлар зикр қилинади. Ўқувчилар учун унчалик тушунарли бўлмаган баъзи русча арестантлар ишлатадиган сўзларни биринчи марта ишлатилганида қисқача изоҳлаб ўтганман.

Аксарият қамоқни кўрмаган одамлар ва асосан ҳозирги ёшлар ўзбек диндорларининг мустақиллик йилларида кўрган сон–саноқсиз азоб уқубатларни билмайдилар. Мана шу қатлам вакиллари ва умуман қамоқни кўрмаган ҳар бир инсон бу китоб билан танишса, у қамоқхоналарда диндорларга қандай зулмлар қилинганлиги ҳақида оз бўлсада тасаввур ҳосил қиладилар деган умиддаман.

Бу китобда турли диний гуруҳлар орасидаги ақидавий ихтилофлар ҳақида ҳам қисқача маълумотлар берилади. Шубҳасиз, ИАК режими Жиноят Кодексининг 159 моддаси билан оммавий қамаган бу диндорлар орасида ҳам ўзаро, турли хил келишмовчиликлар, ихтилофлар оз эмас эди.

Умуман олганда мен бу китобни ИАК давридаги зулмлар ҳақида ҳикоя қилувчи, бир тарихий асар бўлиб қолишидан умидворман.

Агар бу китобда ўша жабру зулмларни тўлиқ ва мукамал бутун даҳшати ила тасвирлай олмаган бўлсам, бунинг учун узр сўрайман. Зеро бу азобларни тўла тасвирлашнинг ўзи имконсиздир.

Китобда ўша пайтда турмада ёзилган ва ўша воқеъларга доир бошқа пайтларда ёзилган шеърларим ҳам илова қилинган. Бу шеърларда ўша воқеъликлар ва даҳшатлар ўз аксини топган.

Бизнинг бошимизга тушган бу имтихонлар, оғир қийноқлар бугунги кунда ҳалиям давом этмоқда. Ҳалиям минглаб биродарлар шу каби ноинсоний қийноқлар остида қолмоқдалар. Ана шуларнинг аҳволидан оз бўлсада хабардор бўлишни истаганлар учун ҳам бу китобга мурожаат қилишлари айтилиб келинган.

Китобда эҳтимолий йўл қўйилган баъзи воқеъа ҳодисаларнинг содир бўлган вақти – ой, йилларидаги ноаниқликларга ва бошқа эҳтимолий хатоларга ўқувчилардан узр сўрайман.

Зероки, ўн беш йил олдинги воқеъларни кунма–кун ойма–ой, аниқ–тиниқ эсда қолдириш албатта имконсиздир. Айниқса қийноқлар, азоблар, хўрликлардан иборат бўлган ҳодисалар жамламасини яна хотирада тиклашнинг ўзи ҳам бир азоб.

Баъзи шахслар исмлари хавфсизлик нуқтаи назаридан ёзилмади. Баъзи зобитларнинг исм–фамилияларини унутганим учунгина ёза олмадим.

Асосийси бу китоб золимлар қилаётган зулмлар ҳақида дунё жамоатчилигига жар солувчи, мазлумлар аҳволидан ўзгаларни хабардор қилувчи китоблардан биридир. Бу китобдан кейинги менинг шахсий ҳаётимга доир бошқа воқеъа ҳодисалар «Мустақиллик шарофати» номли китобимда ёритилган.

Биз бу улкан имтихонлардан қандай ўтганимизни Аллоҳнинг Ўзигина билади. Мен ўзимни барча қилган хато–ю гуноҳларимга Аллоҳга истиғфор айтаман. Ўша пайтдаги имтихонлардаги ажримни зоя қилмаслигини тилаб қоламан. Аллоҳу Таолодан барча мазлумларга нажот ва золимларга Ўзи кифоя қилишини тилаб қоламан.

Мухаммадсолиҳ Абутов.

22 май 2016 йил

Швеция

I - ҚИСМ
Тоштурма
(1 сонли тергов изолятори)
(СИ 1)

2000 йил. Декабр

Тоштурмадаги биринчи овулдаги транзит хаталардан бирида ўтириб, этапни кутар эдим. Бу хаталар транзит бўлгани учун бу ерга ҳар куни ўнлаб маҳкумлар турли зоналардан келар ва шунингдек, ўнлаб маҳкумлар турли зоналарга этап бўлишарди.

Мен Товоқсойда 5 йил ўтирганимдан сўнг менга нисбатан Ўз. Жиноят Кодексининг 221 моддаси билан янги жиноий иш очилган ва уч йилу олти ой янги муддат қўшиб, жазони қаттиқ режимли Муаассасада ўташлик белгилаб қўйилгани учун бу ерга транзит хатага келгандим.

Тор хонада олти кишилиқ икки қаватли темир каравотлар бўлиб, камерада ўттизтадан ошиқроқ эдик. Ётишгамас ҳатто ўтиришга жой йўқ эди. Шунга қарамасдан бу тор ерда кўп турмасдан одам камайиб қоларди. Кутилмаганда яна беш ўнтаси келиб тўлиб қоларди.

Одатда этапга кечаси чақириб қолгани учун, кўпинча маҳкумлар ухлаб ётган бўлса, у бу кимни нарсасини кўтариб чиқиб кетишарди. Баъзилар ботинкасини авайлаб юришарди. Лекин, уни қўйишга жой бўлмагач, барибир қўриқлаб ўтириш имконсиз эди. 2000 йил 28 ноябрда рамазон кирди. 28 декабрда рамазон хайити бўлди. Мен 15 кун рўзани Тоштурмада, шу камерада тутдим. Ифторликка сув ва озроқ нон ердим. Сахарликка ҳам сув ичардим. Мени умуман иштаҳам бўғилганди.

Мен бу хатада кўп турмасам керак деб ўйлагандим. Мени Жасликқа 64/71 сонли Қорақалпоғистонда Устюрт чўлида янги очилган зонага этап қилишларини айтишганди. Мен ўшани кутардим.

Жаслик дегани у пайтда маҳкумлар орасида ўз даҳшати билан донг чиқарган зона эди. У ерга асосан диндорларни олиб борилаётганини ва у ерда маҳкумларга нисбатан ашаддий қийноқлар қўлланилаётганини кунда, кунора эшитардик. Ўзи очилганига бир йил бўлмаган бу зонага борган маҳкумлардан қанчаси калтак зарбидан оламдан ўтгани хабари маҳкумлар орасида тез тарқаларди. Мен ўша ерга кетишим керак эди.

Менга у ерга боришлиқ унчалик қўрқинчли эмасди. Сабаби мен СИ 9 деб номланган Нукус Турмасида олти ой ўтирганман ва Жасликда қўлланиладиган оёқни товонига дубинка билан уриш, ечинтириб шмон қилаётганда уч-тўртта мент биргаликда тепкилаши каби қийноқларни аллақачонлар ўз танамдан ўтказгандим.

Бу каби қийноқлар менга 1996 йилдан таниш эди. Лекин, у пайтларда турмадаги дубахлар намозга унчалик қаттиқ қаршилик кўрсатишмасди. Намоз ўқишликка рухсат бор эди. У пайтлар ҳали Ўзбекистоннинг бошқа турмаларида бугунгидек қийноқлар йўқ эди.

Нукус турмаси маҳкумлар тилида қизил (кисил) турма эди. Мен бу турма азобини кўрганман. Тор хоналарда клапа деган қора жониворлар чақиб баданимизни бутунлай яра қилиб ташлаган эди. Сув йўқ ва ҳаво йўқ камераларда иссиқда сасиб, терлаб ўтирардик. Бу кунлар азобини Тоштурмага боргач унутдим. Чунки, у ерда режим йўқ эди. Анчагина эркинлик бор эди. Товоқсойда эса у пайтларда қўлқўрулганлар зонага қарашарди. Бу қора зона ҳисобланарди. Бу зонада беш йил ўтиргач, янги срок олиб, энди яна ўша Нукусга СИИга боришимни кутардим. У ердан эса Жасликқа этап бўлишим керак эди. Ҳар ҳолда бу баъзи дубахлар тарафидан менга айтилган гап эди. Мен ҳам бунга ишонардим.

Чунки, Тавоқсойда мени ментлар назоратига тушишимга сабаб бўлган қатор воқеалар бўлиб ўтганди. Бу муҳим воқеаларга алоҳида тўхталаман. Шу сабабга кўра улар мени озодликка чиқишимга йўл қўймасдан яна қайта жиноий иш очиб, муддат беришганди. Мен янги муддат берилганда Тошкент Вилояти Бўстонлик райони маркази Ғазалкент шаҳрида КПЗда ўтиргандим. Тавоқсойдан шу ерга олиб келиб суд қилишганди.

Катта суд залида бурчакдаги қафасда ёлғиз ўзим ўтиргандим. Мени кўриқлаб келган ментдан бошқа одам йўқ эди. Мен 1996 йилда бўлган Тўрткўлдаги судни эслардим. У суд залида тумонат одам бўлганди. Ўшанда мени 7 йилга қамашганди. Судья аёл мени қамашликка мажбур эканлигини ва буни Тошкентдан қўнғироқ қилиб айтишганини адвокатим орқали менга айттириб юборганди. Ғазалкентда эса ҳайҳотдек залда ёлғиз ўтирдим. Суд ва унинг котибаси келиб суд бошлади.

Эсимда Раёно деган судья аёл менга қараб, «Сенга неччи йил берай?» деб сўраганди. Мен беш йил ўтирганимдан кейин яна судланмоқда эдим. Қилган жиноятим йўқ эди. Буни судья ҳам тушунарди. У менга муддат беришга мажбур эди. Мен қаттиқ йўтал тутиб гапиролмай қолгандим. «Қамроқ беришингизни сўрайман» дедим овозим хирриллаб.

Хуллас, судья менга уч ярим йиллик қамоқ жазоси тайинлади. Бу модда бўйича у 5 йил бериши ҳам мумкин эди, инсоф қилди шекилли, қамроқ берди. Шундай қилиб мен Тоштурмада ўтирардим. Жасликқа равона бўлишимни кутардим. Томоғимдан овқат ўтмасди. Мени қаттиқ ғам босганди. Бу ғам битта эди, Жасликда намоз ўқитмаслигини эшитгандим. Намоз учун қалтаклашини эшитгандим.

У пайтларда Тавоқсойда ҳам қалтаклаш бошланган пайтлар эди. Мен Тавоқсойда 5 йил ўтирган маҳкум сифатида у ерда мен учун унчалик катта муаммо йўқ эди. Лекин, «Жасликда намоз ўқишдан тўссалар ва намоз ўқиганим учун урсалар нима қиламан экан?» деган қайғу бор эди.

Камерада ҳамма кулиб, бир бири билан гаплашиб юрсада, мен ғамгин эдим. Овқат емасдим. Қизиғи шундаки, рўза тутсамда, умуман оч ҳам бўлмасдим. Ўша камерада йигирма кун ўтирган бўлсам, озроқ нон қавшаганимдан ташқари туз тотмасдан этапга чиққанман.

Мен катта синовга руҳан тайёрланардим. Мен эътиқодимда намоз ўқимасликни куфр деб санаган шахс эдим. Энди мен намоз ўқимасдан қандай яшашимни тасаввур қилолмасдим. «Калтакларга чидолмасам нима бўлади? Наҳотки, намозни йиғиштириб қўйсам-а?!» деб, даҳшатга тушардим.

Намоз ўқиганлик учун бунчалик синов келишини олдин ўйламаган эканман. Тўғри, сийрат китобларида Макка мушриклари аввалги мусулмонларни намоздан тўсганлигини ўқиганмиз. Лекин, буни ўз ҳаётимизда ҳам бўлишини ўйламаганмиз. Қолаверса, синовлар турли хил бўлади. Лекин, намоздан тўсишлик каби синовлар ҳар доим ҳам бўлавермайди. Ислом тарихида бунақа синов жуда кам бўлган. Чунки, намоз имондан кейинги улкан фарздор.

Бу фарздан тарихда бирорта ҳукмдор тўсганлиги маълум эмас. Саҳобалар даврида Маккада бу каби синов бўлган бўлса, кейин, Даҳрийлик ҳукмронлик қилган даврларда бўлган. Аммо, энди эса, Мустақил Ўзбекистонда ўзини мусулмон санайдиган раҳбарлар даврида бўлаётган эди. Мен нега намозга тўсқинлик қилишини тушунолмасдим. Терроризмга ва экстремизмга қарши курашни намозга нима алоқаси бор?! Ахир намоз қандайдир террористик ташкилот ўйлаб топган нарсга эмаску?! Мени бунга ақлим етмайди.

Хуллас, мен намоз ўқимасдан яшашдан кўра, шу йўлда калтак еб, ўлишни орзу қилардим. Мен ўша пайтларда ҳали ўттизга кирмаган ёш йигит эдим. Бундан беш йилини қамоқда ўтказгандим. Оиласиз ва қари ота–онамдан бошқа қайғурадиган ҳеч нарсам йўқ эди. Мен уларга хизмат қилолмаганимдан афсусланардим ва ўлиб кетсам, улар мен учун яна қайғуришларини ўйлаб афсусланардим.

Намоз ўқиганлик учун калтаклаб ўлдиришса бу шарафли ўлим эканлигини ўйлаб, Аллоҳдан сабру сабот тилардим. Чунки, бу синов дунё тарихида мусулмонларга жуда оз бўлган. Бу синов менга дуч бўлаётганди. Мен ундан шараф билан ўтишим ёки намозни тарк этиб яшашим керак эди. Мен учун бундай яшашдан маъно йўқ эди. Лекин, калтак еб ўлиш ҳам осонмаслигини тушунардим. Лекин, менда бошқа чора йўқ эди.

Мен келажакда мени нималар кутишини билмасдим. Мен Роббимдан фақат «Мени золимлар қўлида хор қилмасдан жонимни ол» деб илтижо қилардим. Мени юрагим ғамга тўла эди. Агар хатада одамлар бўлмаганда тўйиб–тўйиб йиғлаб олардим, лекин, буни ҳам имкони йўқ эди. Камерада ғала–ғовурдан бирор лаҳза тиним йўқ эди. Мен «Мана бугун чакиради, мана эртага чакиради» деб бу ерда 20 кунча ўтириб қолдим. Бу кунларда ўнлаб маҳкумлар турли ерлардан келиб, уч–тўрт кун туриб, яна турли зоналарга этап бўлишди. Биттаси мени ботинкамни ҳам илдириб кетибди.

Мен турмада маҳкумлар учун зарур бўлган ашқол–дашқолларни тўрвамда ўзим билан олиб юрардим. Бу ҳамма маҳкумга хос ҳолат албатта. Лекин, бу сафар мен тирик қолишимга кўзим етмасди. Шу сабабли, менга бу ашқол–дашқолларни унчалик кераги йўқ деб ўйлардим. Ўзим ҳам озиб–тўзиб кетдим. Мени этапга чақиришганида тўрвамдаги баъзи нарсаларни ҳам ташлаб, ҳатто миска–қошиқни ҳам олмасдан, оёғимга шиппак кийиб этапга чиқдим. Мен Жасликқа отланаётгандим. Жасликқа борадиган поезд эса Нукусга бориши учун Тўрткўлдан ўтарди.

Мен ўзим туғилган, шу ерда масжид қуриб, имомлик қилган ва юзлаб шогирдлар тайёрлаган, ота–онам ва қариндош–уруғларим яшаётган шаҳарни поезд тирқишидан бўлсада кўришга отланаётгандим. Шунингдек, бу сафарим Жасликда якун топса, у ерда ҳаёт билан видолашсам, уйимга жасадимни олиб келишлари яқинроқ бўлишини ўйлардим. Бу каби маҳзун ҳаёллар билан мен Тоштурмадаги камерадан этапга кетиш учун бошқа маҳкумлар билан бирга коридорга чиқиб, кўлимни бошимни орқасига қўйиб, деворга қараб турдим. Мен кутаётган синов ва даҳшатлар ва ниҳоят мен кутаётган шарафли ўлим сафари эди бу.

Тоштурмага бориб кўрганлар билади, бу турма нозирлари у ер – бу ерга этап қилмоқчи бўлган маҳкумларни бир кун олдин камерадан чиқариб олиб, биринчи қаватдаги катта ичи куруқ ердан иборат камераларга қамаб қўядилар. Бу камералар худди кўйларни қамайдиган кўйхонага ўхшайди. У ерда пол бўлмайди. Куруқ ер ва узунчоқ камералар бўлиб, эни беш метрлар бўлса, узунлиги ўн ёки ўн беш метрча келади. Икки тарафида темирдан курсилар ўрнатилган бўлиб, бу курсиларга кўп бўлса, 20 киши жойлашади. Одатда буларга юзлаб одамни тикишади. Шу қоронғу ва зах ерда эрталабгача ўтириш керак. Бу ерда бурчакда бир очик хожатхонаси бўлиб, устида крани бор. Шу ердан сув ичиш мумкин.

Жой бўлмагани учун маҳкумлар весмешоклари устига ёки ерда чўзилишади. Бири–бирига суяниб ухлаб ҳам олишади. Хуллас, бу ерда баъзилар темир кружкасига сув олиб, латта–путталарни ёқиб, чефир ҳам ичиб олишади. Ҳамма чеккани сабабли нафас олиб бўлмайди. Шу ерда ўтириб тонг оттирилади. Бу ердагиларга одатда овқат, нон берилмайди. Ҳамма ўзида борини кавшаб ўтиради, ёки оч ўтиришади. Этап ёз кунлари қийин бўлади. Чунки, ёзда иссиқда кўп одамлар ўлиши ва ич кетиш каби ҳолатлари кўп бўлган.

Баъзи бир юқори мартабали маҳкумларгина катта пул эвазига этапдан олдин бу ерга келиб ўтирмасдан камерасида ўтиришади. Маҳкумларни олиб кетадиган пайтда уларни олиб чиқишади. Биз кабиларга эса бу зах хонада кўплаб тунларни ўтказиш насиб этган. Аммо, қишлиги сабабли, этаплар нисбатан осонроқ эди. Қишда совуқдан бошқа муаммо йўқ.

Бизни этап 85 кишидан иборат бўлиб, булар барчаси бир зонага кетишар экан. Мен ҳали Жасликқа борадиган этапдаман деб ўйлардим. Бу ерда бир четда ўтириб намозларни ўқиб олдим. Маълумки, одатда сафарда намозлар қаср қилиб жамлаб ўқилади. Бу жуда катта қулайлик ҳисобланади. Буни озодликдаги инсонларга тушуниш қийин. Маҳкумлар бу яхши тушунишади. Намозни сафарда қаср қилиб жамлаб ўқишга рухсат берган Зотга ҳамдлар бўлсин.

Эрталаб кундузи соат ўнларда бизни камерадан чиқариб, вокзал деб аталадиган майдонга сафлаб ўтказишди. Кейин бир нозир қоғоз кўтариб келиб, маҳкумлар фамилияларини бирма бир ўқийди. Кимни фамилияси ўқилса, у ўрнидан туриб, ўзига алоқадор маълумотни қолган қисмини, яъни исми, фамилиясини ва Жиноят Кодексининг қайси моддаси бўйича судланиб, қанча муддатга қамоқ жазосига ҳукм қилинганини ўзи айтиши керак бўлади. Атрофда кўлида дубинка ушлаб турган бошқа нозирлар имиллаб қолган маҳкумни дўқ–пўписа қилиб савалашга тушади. Шундай қилиб, кимни фамилияси чиқса ўтиб, бошқа ерга ўтиради. Бу контрол проверка деб аталадиган жараёндир.

Кейин, бу камерада бошқа камерага тикишади. Шу ерда ҳаммага биттадан буханка нон ва биттадан консерва улашишади. Бу йўлда ейиш учундир. Энди ментлар бу камерада кимлар ўтирганлигини фамилиялари билан аниқ билишади. Бу камерада аниқ бир зонага кетадиганларни жамланган бўлади. Яна ўша полсиз тақир хонада курсида ўтириб кутамиз. Пешиндан кейин, вокзалга «воронок» деб аталадиган, кузови темир қопланган зековоз Зил машиналари кириб келади. Кейин бизни чиқариб, машинага миндиришади. Бу пайтда нозирлар маҳкумларни санаб туришади.

Зековоз ичи икки бўлакка бўлинган бўлиб, ҳар икки бўлакни алоҳида темир эшиклари бор. Бу эшиклар қулф билан беркитиб қўйилади. Ҳар бўлакни ичида икки тарафида курси бўлиб, унга ўртача ҳар тарафида беш киши ўтирса бўлади. Лекин, бу ерга 20 киши тикилади. Курсилар ораси торлигидан ўтирган пайтда нариги маҳкумнинг тиззаси сизни икки оёқ орасига кириб туради. Сизники ҳам шундай. Буни устига қўлимизда сумкалар бўлади.

Тепасида ҳаво кириши учун сеткалик очик ер бор. Бу бўлак деганимиз эни бир метрга етмайдиган узунлиги уч метрча ердир. Иккинчи бўлакка ҳам шундай қилиб тўлдирилади. Битта зековоз қирқтача маҳкумни сиғдира олади. Бу маҳкумлар ўтирган ерни эшиги бекитилиб, ўша ерда қуролли нозирлар ўтиришади. Шундай қилиб бир неча машина тўлдирилади. Мана шу пайтда машина ичида ўтириш қаттиқ азоб бўлади. Иссиқ кунларда кўплаб одамлар димиқиб ўлиб қолишади.

Жасликдан маҳкумларни Нукус турмасига этап қилишаётганида ўлиб қолганлигини эшитганман. Улар диний маҳкумлар бўлиб, шу зековозда иссиқда машина ичида Нукусгача олиб борилган. Устюртдаги иссиқ олови уларни куйдириб ўлдирган. Албатта, бу Зонанинг бошликлари атайин қилган ишдир. Чунки, уни ичига солиб қуёшда қўйса ҳар қандай одам икки–уч соатда ўлади.

Биз ўша машиналарда Тоштурмадан чиқиб, Темир йўл вокзалига бордик. Унчалик узоқ бўлмаган бу йўлни икки соатда босиб ўтдик. Маҳкумлар учун алоҳида вагон бўлиб, бу вагон махсус бир жойда туради. Уни атрофида миршаблар итлар билан қуршаб олиб, кейин маҳкумларни туширишади. Машина билан вагон ораси йигирма ўттиз метрча келади. Шу масофани икки тарафида қуролли ментлар туришади. Улар «тез–тез» деб бақариб туришади.

Машинада битта маҳкум тушса, то у вагонга минмагунча бошқаси тушмайди. У маҳкумни битта мент қўлидан ушлаб олиб юради. Бу хавфсизлик учун қилинади албатта. Вагонга жойлашгач, у ерда яна камерасифат хоналар бор. У ерда энди ментлар эмас, солдатлар туришади. Солдатлар у камера – бу камерага киритиб, қулфлаб қўйишади. Вагонни маҳкумлар столыпин деб аташади. Ҳар камерага ўнтачадан маҳкум тикилади. Улар уч қаватли тахта ётоқларга чўзилиб ётиб олишади.

Биринчи қаватда одатда уч–тўрттаси ўтиради. Вагонни ойнаси беркилган бўлади. Ташқарини кўриш амри маҳолдир. Шу ерда ўтириб, консервани солдатга бериб очдириб, буханка билан еб олдик. Бу бизнинг бир суткадан бери еган биринчи овқатдир. Мен иштаҳасиз бўлиб қолганим учун кўп ея олмадим.

Бу вагонда ўтириб сигарет чекишни бошланади. Одатдагидек, нафас олиш имконсиз бўлади. Солдатлар ёш йигитлар бўлиб, улар Ички ишлар тизимларида хизмат қилаётган ўсмирлардир. Уларни муомаласи ментларга нисбатан анчагина яхшироқ бўлади. Лекин, улар ҳам жиноятчиларни ташийвериб анчагина қўрс муомалага ўрганиб қолишган, тезда гапга кўнавермайдилар.

Бизнинг вагондаги муаммомиз хожатга чиқишдир. Одатда хожатхонага маҳкумларни биттадан олиб боришади. Баъзида қайсарроқ солдат унамай қолса маҳкумларга қийин бўлади. Вагонда мен намозни таяммум билан баъзан хожатхонада таҳорат қилиб ўқиганман. Ўша ўтирган тарафимга қараб қаср қилиб, жамлаб ўқиганман. Биз вагонда икки–уч соат ўтиргач, уни поездга улашди, поезд йўлга тушди. Бу поезднинг бошқа вагонларида оддий пассажирлар кетишади. Табиики, улар шу поездда улар билан бирга юзлаб қаттиқ режимли зонада жазони ўташга кетаётган маҳкумлар борлигини билмайдилар.

Биз ўтирган поезд Тошкентдан чиқиб, шимолга кетди. Чарчаб ҳолдан тойган маҳкумлар мудрашга тушдик. Мен Жасликга бориш учун Нукусга бориш кераклигини билардим. «Бу поезд Нукусга борадими?» деб сўрасам, солдат «Билмайман» деб жавоб берди. Каттасидан сўрасам у «Бухорога боради» деди. Хуллас, мен қаерга боришимни тасаввур қилолмадим. Жасликка боришим учун бу поезд Нукусга боришини ва йўлда Тўрткўлдан ўтишини билардим. Аммо, солдатлардан жўяли гап чиқмади.

Мудраб ўтирган маҳкумлар ўтирган вагонни қаердадир қолдириб, поезд жўнаб кетди. Тунги қий–чувлардан уйғониб, солдатдан «Қаерга келдик?» деб сўраганимда у «Навоийга» деб жавоб берди. Мен Жасликка эмас, Навоий шаҳрига келганимни тушундим. Тунда ҳали уйкуга тўймаган маҳкумлар ғала–ғовури бошланди. Навоийга тушишимизни айтишди.

Ўша пайтда мен демак, мени Жасликка эмас, Навоийга этап қилишганини тушундим. Бу билан негадир унчалик хурсанд бўлмадим. Поездда ўтиб кетсамда бир бора юртимни кўриб қоламанми, деб ўйловдим. У режа амалга ошмади. Бу Навоийси қанақа ерлиги–ю, у ерда мени нималар кутаётгани ноаниқ эди.

Навоий шахри

46 сонли зона

Карантин

Аллоҳга таваккал қилиб, солдатлар камерамиз эшигини очгунича кутдим. Кейин, ҳаммамизни яна зековозга бирма–бир санаб миндиришди. Яна атрофимизда итларни ушлаб ментлар туришди. Зековозда яна аввалгидек ўтириб, қайсидир зонага кетдик. Биз совуқда қалтираб тўрваларимизни кўтариб, «Бўл, ҳа бўл!» деб ҳайқириб турган ментларнинг садолари остида вагондан тушиб, зековозга минган пайтда декабрнинг ўрталари эди. Бу пайтгача мен Товоқсойда беш йил жазо ўтаб қўйган эдим.

Мен олдин Жиноят Кодексининг 173–моддаси билан айбланиб 7 йилга қамалгандим. Бу суд Қорақалпоғистон Олий Суди судяси Анажон исмли аёл томонидан Тўртқўлда бўлиб ўтган. 1996 йил июлида бўлиб ўтган бу судда 7 йил қамоқ жазосига ҳукм қилиндим. Шу йили августда амнистия чиқди.

Бу амнистияга кўра муддатимни тўртдан бир қисми камайтирилди. Ҳали у пайтда Нукус турмасида эдим. Товоқсойга борганимда эса, мени ўша етти йиллик муддатимдан беш йил қолганди. Буни бир ярим йилини ўша амнистия сабабли кесилди. Ярим йил ўтиргандим. Бу беш йилни Товоқсойда ўтадим.

Кейин, қайта суд қилиб Жиноят Кодексининг 221–моддаси, яъни жазони ижро этиш муассасаси маъмуриятининг қонуний талабларига бўйсунмаслик моддасига биноан яна уч ярим йиллик қамоқ муддати олдим. Шу муддат билан Навоий 46–сонли маҳкумлар тилида «Цемзавод» деб юритиладиган зонага кириб келдим. Бу пайтда янги асрнинг янги йилига ўн кунча қолганди. Бу пайтда турмалар Жиноят Кодексининг 159–моддаси билан қамалган маҳкумларга тўла эди.

Маълумки, 1999 йил 16–февралдаги Тошкентдаги портлашлардан кейин, мамлакат бўйлаб Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 155–моддаси – «Терроризм», 158–моддаси – «Ўзбекистон Республикаси Президентиға тажовуз қилиш», 159–моддаси – «Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий тузумига тажовуз қилиш», 244–модданинг 1–қисми – «Жамоат хавфсизлиги ва жамоат тартибига таҳдид соладиган материалларни тайёрлаш ёки тарқатиш», 244–модданинг 2–қисми – «Диний экстремистик, сепаратистик, фундаменталистик ёки бошқа таъқиқланган ташкилотлар тузиш, уларга раҳбарлик қилиш, уларда иштирок этиш» ва 244–модданинг 3–қисми – «Диний мазмундаги материалларни қонунга хилоф равишда тайёрлаш, сақлаш, олиб кириш ёки тарқатиш» каби, қатор моддалар билан оммавий қама–қамалар бошланганди.

Турмаларда қонлар оқарди. Терговларда ва подвалларда қийноқларнинг мисли кўрилмаган турлари қўлланиларди. Зоналарда диндор маҳкумларга алоҳида кечаю–кундуз қийноқлар тизими амалга жорий қилинган бўлиб, булар шу ўтган бир йилдан ошиқ муддатда нафақат Ўзбекистонда, балким Халқаро жамоатчилик эътиборига тушиб улгурганди.

Турли хил инсон ҳукукини ҳимоя қилувчи ташкилотлар бу қийноқлар ҳақида жумла жаҳонга жар солиб улгурганди. Телевизордан кечаю–кундуз турли хил суд жараёнларини кўрсатишарди. Муллаю имомлар чиқиб, ноқонуний гуруҳларга аъзоликни ҳаромлиги ҳақида фатволар беришарди.

Бу қий–чувлар пайтида мен 2000 йил охирида Жасликка бораяпман деб ўйлаб, лекин, у ергамас Навойига, келгандим. Менинг бу сафарги жиной моддам 221–модда бўлиб, Жазони Ижро Этиш Муассасаси маъмуриятининг қонуний талабларига бўйсунмаслик деб аталарди. Бу моддага биноан асосан бир пайтлар қора зоналардан блатнойларни раскрутка қилишган. Мен ўша пайтда 159–модда билан эмас, мана шу модда билан келгандим. Аммо, менинг қамалишим сабаби аввал бошдан мутлақо диний бўлиб, у пайтларда 159–моддалар қўлланилмасди.

Бизни кутиб олгани ментлар қўлларида дубинкалар ва итлар билан келишганди. Уларнинг одатлари шу эдики, этапга янги келганларни шу биринчи кундан духини олиб қўйиш учун шунақа дўқ–пўписалар қилишарди. Биз билан 80та маҳкум келган бўлиб, улар орасида Чирчикда положенияга қараган Қаҳрамон деган ўрта бўйлик дўмбоқдан келган йигит ҳам бор эди. Мен Товоксойда ўтирганим учун ўғри ақидасидан хабардор эдим. Мен уларни тилини билардим. Анча–мунчаси билан таниш билиш эдим. Бу поездда мен билан уч–тўртта ваҳҳобийликда айбланган ва уч–тўртта хизбут тахрирликда айбланган диндор маҳкумлар ҳам келишганди. Шунингдек, карантинда ҳам улардан бир қанчаси бор экан. Мен буларни поездда унчалик танимаган бўлсамда, кейинчалик яхшигина таниб олгандим.

Бизлар минган вораноклар ярим соатдан кўпроқ муддатда қаергадир келиб тўхтади. Машинада келаётганимизда бошқа маҳкумлар бу зонани 46–сонли зоналигини ва бу Ўзбекистондаги ашаддий қизил зоналардан бири эканлигини ва блатнойларни синдириш учун атайин шу зонага олиб келишларини гапириб келишди. Қаҳрамонни ҳам бу ерга синдириш учун олиб келишган экан. Бу ерда бошқа ўғри оламидаги машҳур кимсалар ҳам синганлигини гапиришди.

Бу ерда гадларни бошлиғи Гера деган асли Каттақўрғонлик кимса эканлигини ва у ҳам қачонлардир блатной бўлганлигини ва энди гад бўлиб олиб, бошқаларни синдириш билан машҳурлигини ҳам йўлда билиб олдим. Демак, Жасликка бормасамда, ундан кам бўлмаган қаттол бир зонага келганимни англагандим. Шунингдек, бу зонани хозияни Азиз Бозорович Мардонов деган асли тожик кимса эканлигини ҳам билдим.

Қаергадир тўхтаб машиналар эшиклари очилгач, ментлар бизларни зековоздан тушира бошлашди. Машинада чиқмагунча ичкарида бирон нарса кўринмасди. Эшикни олдиға борганда ментлар кўринди. Катта темир дарвоза ланг очик бўлиб, машинадан тушган маҳкумлар тўрваларини олдиға икки қўлини бошини орқасига қўйиб, ерга чўккалаб ўтириб олишганди. Атрофда итларни ушлаб қўлларида дубинкалари билан бошқа дубахлар қичқириб туришарди. Ҳали қоронғулиги учун катта чироқларни ёқиб қўйишганди. Кўзларимиз бу чироқлар ёруғида кўрмай қоларди. Машинадан тушган маҳкумни дубинка билан уриб, то ўша белгиланган ерга бориб ўтирмагунча савалашарди. Бир–иккита дубинка еб олиб сафга бориб чўккаладим.

Бу ер зонанинг вокзали эди. Бу ерга чўккалаб ўтириб олгач, атрофни кузатдим. Ҳали тонг ёришмабди. Бомдод кирган ёки кириш вақти яқинлашган пайт эди. «Бомдодгача қаергадир борсак, ўша ерда ўқиб оламан» деб қатъий ният қилиб қўйдим. Икки тарафда катта темир дарвоза бўлиб, бу майдон шу икки дарвозанинг ораси эди. Машиналар ташқарида турарди.

Ичкаридаги дарвоза ҳам очиқ бўлиб, ундан нарида беш-ўнта гадлар бизга қараб туришарди. Гад деб маҳкумлар ичидаги Тартибни Сақлаш Бўлимига (ТСБ) аъзо маҳкумларга айтиларди. Улар қўлларида қора белбоғча тақиб, унга оқ билан ТСБ деб ёзиб олишганди.

Совет даврида буларни қўлларида қизил белбоғча бўлиб, унга СПП Сотрудники Право Порядка деб ёзилган. Уларнинг олдида бурни узокдан бўлсада узунлиги билиниб турган Гера турарди. Миллати татар ёки бошқа бўлган бу кимса, асли исми Герман бўлган. Уни Гера деб чақиришарди. Фамилияси Жумаев эди. Лекин, ўзбек эмасди. Гера ўша пайтда элликка яқинлашган қорни катта одам эди. У деярли русча гапирарди, аммо ўзбек тилини ҳам тушунарди.

Бизларни ерга чўккалаб ўтқазиб бўлишгач, катта лейтенант қўлида қоғозларни кўтариб фамилияларни ўқий бошлади. Яна ўша юқорида айтилган тартиб бўйича кимни фамилияси чиқса, у исми-шарифини, туғилган йилини ва Жиноят Кодексининг қайси моддаси билан судланиб, қанча муддатга озодликдан маҳрум қилинганлигини ўзи айтиши ва ўрнидан туриб бошқа сафга бориб ўтириши керак эди.

Ҳаммамизни текшириб бўлгач, ментлар бизни турғазишди. Тўрваларни кўтариб, саф бўйлаб ичкарига юра бошладик. Атрофимизда дубинкаларни кўтариб нозирлар юришарди. Ичкарига киргач, ментлар аксарияти шу ерда қолишди. Бизларни Гадларга топшириб, кетишди, бир икkitаси қолди.

ТСБлар бизни ҳайдаб зонанинг нариги чеккасидаги Изоляторга олиб боришди. Улар йўлда устимиздан кулишар ва масҳара қилишарди. «Блатнойларинг бўлса чик, кўрайлик» деб ҳайқиришарди. Ўзлари ҳам қачонлардир блатной бўлган бу бебурдлар энди гад бўлишганига уялмасдилар. Ўғри ақидасида «порядочность» деган тушунча бор. Маҳкумлар (Мужиклар) «порядочный» бўлишни «честь», ор-номус деб, ҳисоблашади. Бу гадларда эса бундай тушунчалар қолмаган эди. Уларнинг ҳаёти синган ҳисобланади. Шунга улар ўзлари беномус, синган, бир пуллик одам бўлгани каби, бошқаларни ҳам синдиришга ҳаракат қилишади. Қолаверса уларга бу хизмати учун зонада қорни тўядиган овқат ва чекишга сигарет топиш имкони бўлади.

Бу зона эса очлик ҳукмрон зона эди. Мен буларни кейинроқ тушундим. Бизни изоляторга олиб бориб, турли камераларга бўлиб ташлашди. Маълумки, Изолятор деган алоҳида жазо маскани зонанинг бир четида бўлиб, у ерда тартиббузар маҳкумларни жазолашади. Мени Товоқсойда ҳар йили икки марта изоляторга қамашарди. Ўзлари у бу баҳонани топиб қамашарди.

Мен у ерда ҳам МХХ назоратидаги маҳкумлар жумласиндан бўлганман. Бунақаларни ҳеч бирор нарса қилмаса ҳам ушлаб қамашарди. Икки марта изоляторга қамалган маҳкум амнистияга тушмасди.

Бу камашлар шунинг учун қилинади. Шу сабабли мен Товоқсойда амнистияга тушмагандим. Олдинги тушиб қолганим ҳали Нукус турмасидаги пайтимда Изоляторга қамаб айб қўйилмагани учун ноилож тушуришган шекилли. Кейинчалик уни ўрнига уч ярим йил қўшиб беришди.

Товоқсойда кўп изоляторда ўтирганим учун Навоийни 46–зонасидаги изоляторни солиштириш имкони бор эди. Товоқсой умумий режим ва бу ерда қаттиқ режим бўлгани учун бўлса керак, бу ерда камералар тор, ичида суви ва хожатхонаси йўқ экан. Бу ерга бизни «Тонг отгунча ўтирасинлар» деб киритишганди. Шу ерда бизга эрталабки каша ва нон пайкаси тарқатишди. Баландер деб номланган овқат ташувчи маҳкумлар келиб, изолятордагиларга овқат бериб кетишади.

Мен шу орада таяммум қилиб, бомдодни ўқиб олдим. Камерада яна бир намозхон бор экан. У Тошкентлик Ҳизбут Таҳрирчи бўлиб, исми Ҳамидуллоҳ экан. Ҳажга ҳам боришга улгурган бу ҳожи ҳизбут узун чопонда келганди. У энди қамалганлардан эди. Негадир унга қаттиқ режимли зонада ўташга ҳукм чиқарганди.

Кейинчалик билсам юзлаб биринчи марта қамалганларни қаттиқ режимли зонага ҳукм қилишган экан. Менимча сабаби зона етишмаганидан бўлса керак. Чунки, 1999 февралидан кейинги ўтган муддат ичида Республиканинг барча вилояти ва шаҳару қишлоқларидан оммавий қама–қамалар бўлганди.

МХХ назоратида турган диндорларга ҳизбутларни варақаси ташланиб ёки бошқа нарса билан қамашди. Зоналарда намозга таъқиқ қўйишди. Олдин Товоқсойда намозхона бор эди. Уни масжид деб атардик. Ўша ерда намоз ўқиларди. Кейин уни беркитиб, у ерга ҳам маҳкумларни ётқизишди. Бу бизни сал хотиржам ўқиб олинган намозимиз эди. Бундан кейин бунақа намоз ўқишлик орзу бўлишини биз ҳали билмасдик.

Қаҳрамон бу сафар бизни камерада эди. Мен унга озроқ насиҳат қилган бўлдим. Бу золимларни талабини агар у талаб исломга зид бўлмаса бажариб бўлсада тирик қолиш кераклигини ва бу билан одам ҳеч қандай синган ҳисобланмаслигини айтдим. Ўғри йўлидаги тушунчаларни эмас, динга қараб иш тутса яхшилигини айтдим. У анча чўкиб қолганди. У руҳан синганди. Жисмонан мажруҳ бўлганди.

Уни айтишича катта опаси зонага келиб, шу кеча шу ерда тунаганмиш. У Тоштурмадан уйига хабар бериб, «Мени ўлдиришмоқчи. Зонага бориб хўжайин билан гаплашинг» деган прогон (Хабар) юборган экан. Опаси келиб бошлиқ билан учрашибди. Бошлиқ унга «Уканг тирик қоламан деса, айтганимизни бажарсин» дебди. Опаси билан бошлиқ учрашганлигини унга ментлар айтган экан. Гера эса унга санчастан индамасдан айтган ишни қилиши лозимлигини ва шундай қилмаса уни бошига Бахтишкани куни тушишини айтибди.

Бу зонада «Бахти голубойглаз» лақабли Тошкентлик маҳкум калтаклаб ўлдирилган. Уни ўлиги яқинда чиққан бўлиб, бу воқеа маҳкумлар оламида катта шов–шув бўлганди. Бахтийни ўлими тафсилотларини мен кейинчалик билганман. Бахти шу Герани қўлида ўлдирилган блатнойлардан бири эди.

Урганч турмаси положенеси ва кейинчалик Зарафшондаги тубиклар зонасига қараган Хивалик Ботир «қозоқ» ҳам шу ерда ўлдирилган эди. Қозоғистонлик Ботир асли ўзбек бўлиб, лақаби «қозоқ» бўлган. У бу ерга келганда ўз қорнини ўзи пичоқ билан кесиб, ичак–чавоқларини чиқариб ташлаган экан. Одатда бу нарса блатнойларни уларни уриб, мажбурлаб синдирмасин деб қиладиган иши эди.

Бунақа пайтда уни ўлмаслиги учун санчастьга ётқизиб даволашлари лозим эди. Лекин, бу сафар ундай бўлмаган. Бир–иккита блатнойни ўлишига ГУИИндан оғзаки рухсат бўлган эди. Агар у ердан рухсат бўлмаса, бошлиқ ўзича ўлдириши даргумон эди. Ботир «қозоқ»қа зудлик билан медицина ёрдами кўрсатиш ўрнига ичакларини тепкилаб, уриб устига сийиб ташлаган экан. У ўша кечаси жон топширган. Лекин, у синмасдан ўлган эди.

Қаҳрамон эса ўлим ва ҳаёт рўбарў келганида ҳаётни танлаганди. Бу тўғри қарор эди. У кейинчалик ҳам бошқалар каби виждонсиз гад бўлмади. Тўғри, у қўлига ТСБ деб ёзилган лентани тақиб юрди. Аммо, ундан мужикларга зарар етмасди. У ТСБлар ичида виждонли ТСБ бўлиб қолди. Балки, у энди ўғри оламида катта даражаларга эришолмас, лекин у инсон сифатида ўзини йўқотмай қола олди. Бу эса катта нарса эди.

Зонадаги маҳкумлар маънавий жиҳатдан турли қатламга ажралади. Булардан бири тоза, руҳан ва жисман жиноятчи кимсалар бўлиб, улар учун қадрли нарсани ўзи қолмаган, инсонийлигини йўқотган кимсалардир.

Яна бири ўғри тоифасига мансуб бўлган ва шу ақидадаги «Чест Кодекс»ини ушлаган маҳкумлардир. Буларни синдирилгани гад бўлади. Синмагани қора зоналарда блатнойлик қилишади. Қора зоналар қолмаган бугунги кунда булар барчаси синиб кетди.

Учинчи тоифа – диндорлар гуруҳи бўлиб, булар табиатан тоза одамлардир. Буларда на руҳан ва на жисмонан жиноят қилиш ҳисси йўқ. Булар у бу гуруҳга мансубликда айбланган диндор ёшлардир. Булар ўғри йўлини мутлақо билмайдилар. Булар динни ҳам унчалик тушунмайдилар. Лекин, булар жиноятчилар эмас эди. ИАК уларни жиноятчи сифатида қамаганди. Режим уларни энг ашаддий жиноятчи деб ҳисобларди. Булар ичида инсоний хулқ атворида юқори даражага етганлари ҳам, нуқсонли кимсалар ҳам бор. Улар орасида мардлари бор, кўрқоқлари бор. Сахийлари бор ва бахиллари бор. Улар оддий одамлардир.

Яна бир тоифа эса, маънан бузуқ кимсалардир. Буларни «гей» деб аташади. Булар 46–сонли зонада ҳар бир отрядда мужиклар билан бирга яшашар экан. Товоксойда уларнинг бараги алоҳида эди. Гейлар бу ерда катта имтиёзга эга эдилар. Улар ишга чиқмасдилар. Отряд бошлиғи улардан диндорларга қарши фитна уюштиришда фойдаланарди.

Қолаверса, улар отряддаги бузуқлар билан жинсий алоқалар қилиб юришарди. Булар орасида юриш–туришида аёлдан мутлақо фарқи йўқ даражадагиларини кўрганман. Булар маҳкумлар театри бизга пьесалар қўйиб берганида, ўша ролларда аёллар кийимида чиқиб, аёл ролини ўйнашарди. Айтиш керакки, мен аёлга бунчалик ўхшайдиган эркакларни (агар эркак бўлсалар) борлигини аввал кўрмагандим. Мен Тўрткўлда пайтимда умуман гей деганни кўрмагандим. Бундайлар бу зонада кўп экан.

Бу тоифалар ичида энг хорланган қатлам диндорлар қатлами эди. Бу қатлам инсоний жиҳатдан буларни барчасидан устуни ҳам эди. Айни дамда барча тоифани қаҳру–ғазабига дучор бўлганлар ҳам шулар эди. Булардан бошқа мужиклар узоқроқ юришарди. Тўғри, ўғри–каззоблар ичида буларни ақидасини ўрганиб, улар томонга ўтганлар ҳам бўлди. Аммо, улардан асосан ҳамма ўзини олиб қочарди. Улар ҳали ҳизбут кимлигини тушунмас ва ҳаммани бирдан «вовчик» дейишарди. Бу ваҳҳобий деган мазмунни билдиради.

Биз изоляторда тушлик қилдик. Мен бундай овқатларни емасдим. Товоқсойда беш йил ўтириб, баланда емагандим. У ерда ўзимиз овқат пишириб ейишга имконият бўлган эди. Ўша пайтлар тақводорлик қилиб, зонадаги овқатларни емасдим. Уларни гўштини ҳалоллигига шубҳам бор эди. Бу ерда ҳам бу биринчи тушликни емадим. Тоштурмада ҳам анчадан бери овқат емаганим ва рўза тутганим учун тамоман ҳолдан тойган эдим. Мен келажакда нима бўлишини билмасдим. Нонни еб кифояландим. Тушлик пайтида камерада пешинни таяммум билан, қаср қилиб ўқидим.

Мен ҳали ўзимни сафарда деб ҳисоблардим. Ҳали мени намоз ўқиганимни ташқаридагилар билмаганди. Уларни муносабати қандай бўлишини билмасдим. Ҳар ҳолда яхши бўлмаслиги аниқ эди. Тушликдан сўнг яна изолятордан олиб чиқишди. Қўлларимизга сумкаларимизни беришди. Сумкалардаги кўп нарсалар йўқолганди. Менда–ку ўзи ҳеч нарса бўлмаган бўлса, бошқалар сигарет ва чойлар билан келишганди. Уларни нарсалари ғойиб бўлганди.

Биздан ечиб олинган фуқаролик кийимларини ҳам шу ердаги дневалнийлар гумдон қилишганди. Бу кийимлар кейинчалик зонага олиб кириб, маҳкумларга чой ва сигаретага сотилишини мен кейинроқ билганман. Хуллас, бизни сафга тизиб, карантин отрядга ҳайдашди. Бу отряд зонанинг ўртасида бўлиб, у ерга янги келганларни ўн кун – ўн беш кунча бошқалардан алоҳида сақлашарди.

Бу карантин одамни тинкасини куриладиган ва кибру ҳаво эгаларини мулла минган эшак каби мулойим қилиб қўядиган маскан экан. Бу ерда жазонинг кўз кўриб, кулоқ эшитмаган турлари бор эди. Бу ерга ўз навбатида блатной бўлган ва кейинчалик гадга айланган Витя деган кимса бригадир эди. Узун бўйли қотмадан келган бу йигит бир пайтлар кибру ҳавоси Иблисдан кам бўлмаган блатной бўлгани кўриниб турарди.

Бугун ҳам у ўзини президент каби тутарди. Аммо, энди блатной эмас, синган гад эди. Ментлар олдида қилпанглаб, итоаткорона турарди. Лекин тан олиш керак, у маҳкумларга дўқ уришда устаси фаранг эди. Унга бу карантин отрядда ҳукмронлик қилиш ваколати берилганди. Унинг қўлида яна тўрт–бешта гадлар ТСБлари бўлиб, булар янги келганларни кечаю–кундуз қийнаш билан шуғулланишарди.

Уларнинг иши маҳкумларга Ўзбекистон давлат мадҳиясини ёдлатиш ва зона хўжайини номига «Мени ТСБликка қабул қилинг» деган аризани ҳар бир маҳкумдан ёздириб олиш ва диний маҳкумларни Президент номига «Тавба хати» ёздириш ва қийнаш каби "шарафли" вазифалардан иборат эди. Булар ўз вазифаларини айтилганидан ортиқча бажаришга ҳаракат қилишарди. Шу туфайли улар бу ерда шоҳона ҳаёт кечиришарди. Очлик ҳукмрон бу зонада улар тўқ яшашарди. Уларга сигарета ва чой доим тайёр эди.

Карантин баракда биздан олдинги этапда келган маҳкумлардан диндорлари қолган бўлиб, булардан бири Эрк партияси раисининг укаси Муҳаммад Бекжон экан. Бири ҳизбут Таҳрир амири Ҳафизуллоҳ Носиров эди. Бошқа яна беш–ўнта диндор маҳкумлар бор эди. Одатда бу ерда ўн кунча сақлаб, кейин отрядга чиқариб юборишса, диндорларни 20 кундан бир ойча сақлашарди. Бу ерда катта қийноқлар бўлиб, баракка борганидаги қийноқлар буни олдида ҳолва эди.

Бизни гуруҳни бу ерга олиб келиб, карантин барак ичига киритишди. Асрга яқин бўлгани учун у ерда кечки овқат беришди. Маҳкумлар шу ерда турган столда ўтириб, овқат ейишади. Бу тала–тўп ичида менга ҳали эътибор беришмаганди. Мен овқат емадим. Шу ердаги ТСБлар ичида узун бўйли маҳкум кўзимга таниш туюлди. Уни исмини сўрасам Ҳамдам дейишди. Мен уни эсладим. У Қўқонлик бўлиб, Таҳиатошда хизмат қилганида бир солдатни уриб, ўлдириб қўйгани учун қамалганди. 1996 йилда мен у билан Нукус турмасида бир хатада ўтиргандим. Жуда бемаъни ва бемаза кибрли кимса эди. Уни ўшандан кейин кўрмагандим.

Мана орадан олти йил ўтиб, СИ 9 турмаси маҳкумлари шу ерда учрашдик. Энди у гад эди. Мен энди унинг ҳукмронлиги остидаги маҳкум эдим. Ўша пайтда мен билмаганман. Аммо, у ўзи кейинчалик менга айтиб берганида билдимки, у мени дарров таниган экан. Лекин анчагача буни менга билдирмаган. Карантин баракка келишимиз билан сумкаларни қўлимиздан йиғиштириб олишди. Бу ерда хожатхона йўқлиги учун бизни учинчи секторни хожатхонасига олиб боришарди.

Зонада тўртта сектор бор эди. Ҳар бир секторда тўрттадан отряд бўлади. Атрофи девор ва симлар билан ўралган бўлиб, бу сектордан унисига ўтиш имконсиз эди. Мана шу секторда хожатхона ва ювиниш хонаси бор эди. Хожатхонасида бир вақтда ўнта одам ўтирарди. Орасида бир–биридан тўсиб турадиган тўсиқ йўқ эди. Ҳар отрядга 250 кишига тўғри келарди. Мана шу ўнта одам ўтирадиган хожатга мингта одам эрталабдан кечгача навбат кутарди.

Зона Сталин даврида қурилган бўлиб, бараклари паст эди. Аслида эллик маҳкумга мўлжалланган бу баракларда бугун икки юздан ортиқ маҳкумлар жойлаштирилганди. Темир караватлар уч қават бўлиб, учинчи қаватдагилар томга яқинлигидан бошини кўтара олмасди. Табиийки, учинчи қаватда асосан диндор маҳкумлар жойлаштириларди. Шунда ҳам жой етмай қолгани учун икки маҳкум орасига учинчи маҳкумни ётқизишарди. Мана шундай секторни хожатхонасига карантиндаги юздан ортиқ маҳкумлар келиб навбат кутиб турардик.

ТСБлар ювиниш хонасида диндор маҳкумларни таҳорат олиб қўймасин деб кузатиб туришарди. Ювиниш хонасида ўртада бир узун труба ўтган бўлиб, уни тешикларидан сув оқиб турарди. Маҳкумлар навбатда туриб, талашиб тортишиб, юз–қўлини ювиб олардилар. Таҳорат қилганга ўхшаб ҳаракат қилганларни ушлаб олиб кетишарди. Уларни калтаклаб намоз ўқиш ва таҳорат қилиш маън қилинганлигини тушунтиришарди. Мен карантинда ҳеч катта хожатга чиқолмаганман. Овқат емаганим ва «Тез–тез» деб бақириб туришлари одамни у ерда ўтиришга имкон бермасди.

Карантин маҳкумлари эрталабдан кечгача стадионда строевой шаг қилиб юардик. Мен Армияда хизмат қилгандим. У ерда ҳам шундай бир ойлик карантин бўлганди. Ўша Армияда ҳам пол ювмаган солдатларни гаупвахта деган ерга юборишарди. У ерда итдек калтаклаб туғилганига пушаймон қилишарди. Мен ўша пайтларни умримнинг энг оғир ва қора кунлари сифатида эслайман. Мен кўп марта гаупвахтада ўтиргандим. Аммо, мени ҳали бу зонада гаупвахтадан ҳам оғирроқ кунлар кутарди. Мен буни билмасдим.

Мен беш йил Товоксойда ўтирган бўлсам, шу муддат давомида у ерда минглаб шунақа текширувлардан ўтгандим. Лекин, бу ерни текшируви ҳам ўзига хос экан. Зонада беш мингтача маҳкумлар бўлиб, ҳаммаси отрядма–отряд навбати билан бу стадионга келиб ўтиради. Юзлаб гадлар буларни сафини текислаб, ҳар отряд ўз жойига ўтирғизади. Ўша ўтирган отрядларни кейин, зонадаги навбатга янги тушган зобитлар гуруҳи бирма–бир санаб чиқади. Бу санок бирор соатдан кўпроқ вақтни олади. Кейин санок тугагач, стадион олдида турган ё зона бошлиғи ёки муовинларидан бирига ҳисобот беришади.

Кейин бир дирижёр маҳкум чиқиб, аввалига у ўша турган зобитга қараб эгилиб таъзим қилади. Ундан рухсат олгач, беш минг кишилик оломонни олдида туриб, қўлини кўтариб у ёқ – бу ёққа ўйната бошлайди. Отасига таъзим қилмаган бу ўғри–каззоблар ментларга таъзим қилишарди. Аллоҳдан ўзгага таъзим қилиш мумкин эмас ширклигини табиийки бу бадбахтлар тушунишмасди.

Биз карантин отряд эса чеккада турардик. Бизни уларга аралаштиришмасди. Шу ҳолатда туриб ҳайратда кузатардим. Ҳалиги дирижер қўлини кўтарганида зонадаги маҳкумлар жўр овоз бўлиб мадҳия куйлашни бошлашди.

Мен мадҳияни матнини билмасдим. Аммо, бу зонада шунақа куйлатишини эшитгандим. Товоксойда бунақа қўшиқ куйламасдик. Мени ҳайратга солгани шунча одам овози битта бўлиб чиқаётганида эди. Қўшиқ тугагач, дирижёр маҳкум зобитга қараб таъзим қилди. Унга қўшиқ ёқмади шекилли, дирижёр яна жойига қайтиб, қўлини силкита бошлади. Яна беш минг кишилик маҳкумлар оломони қўшиқ куйлашга тушди.

Биз янги келган карантин отряд маҳкумлари ҳали жим турардик. Бизга олдимизда турган ТСБлар бизга қараб, «Сизлар ҳам шу мадҳияни ёдлашларинг шарт. Буни ёдламаганлар карантиндан чиқмайди» деб маълумот бериб туришарди.

Айтилган мадҳия яна бошлиққа ёқмади шекилли, дирижёр яна қўл силкита бошлади. Хуллас, ўн мартача мадҳия қайта–қайта куйлангандан сўнг маҳкумларни отрядга қайтариш бошланди. Бу жараён янаям қизиқ экан. Совет давридаги Армия солдатлари ҳарбий параддан ўтаётганда чаладиган мусиқани шу ерда баланд овозда қўйишар экан.

Маҳкумлар худди парадда кетаётган солдатлар каби тепарокда турган зобитлар олдидан строевой шаг билан ўтишарди. Бу мусиқа садолари остида то зонадаги барча маҳкумлар кетиб бўлгунича биз жойимизда турдик. Кейин бизни яна стадионда у ёқдан – бу ёққа юргиза бошлашди.

Биз билан бирга келган ўнча диний маҳкумлар ва уларга қўшиб, шу карантин отрядда аввалдан юрган бештача маҳкумлар бошқалардан алоҳида ажратиб олиниб, ерда чўккалаб юришга буюришди. Булар Муҳаммад Бекжон, Ҳафизуллоҳ ва бошқа яна бир неча диндорлар эди. Биз билан келганлар ҳам улар билан бирга катта майдонда чўккалаб юрардик. Бу пайтда мен Муҳаммад Бекжон ва Ҳафизуллоҳ билан қисқа–қисқа гаплашишга улгурдим. Биз озроқ бўлсада танишиб олгандик.

Намозларни қандай ўқиш масаласида улардан сўрасам, улар «Икки намозни жамлаб, қаср қилиб ўқиямиз» дейишди. «Таҳоратни қандай қилаяписизлар?» десам, Алишер деган йигит, чўнтагида кесакни чиқариб кўрсатди. Таяммумни қилишга имкон бўлмагани учун, у қаердандир кесак топиб чўнтагига солиб олган экан. Бу кесакка таяммум қилиб, намозни имо–ишора билан ётган пайтда ўқишар экан. Мен изоляторда намозларни жамлаб, имо–ишора билан ўқиб олгандим. Энди шом ва хуфтонни қайғуси тушаётганди. Бу ерда яна нималар бўлишини билмасдим.

Карантин отрядни кечки овқатга чақирди. Соат олтида кечки овқат берилар экан. Ҳали шомгача анча вақт бор эди. Овқат пайтида мени бригадир Витя чақирди. Унга кимдир айтганми билмадим, мени муштраб уришга тушди. Русчалаб бақириб, «Бу ерда мен бор эканман, никакой намаз или пост nebudeť» деди. Ўша пайтда рамазон ойи эди.

Ўша йили 28 декабрда рамазон хайити бўлди. Мен Тоштурмада рўзани ярмини тутгандим. Бу ерда тутолмадим. Мен зовхоздан калтакни еб, индамасдан келиб ўтирдим. Вазият шунақа эдики, одам қандайдир журъатини йўқотар экан. Мен бировдан калтак еганимда нимадир қаршилик қилишга одатланган одам, бу ерда индамасдан шунга рози бўлиб ўтиргандим. Умумий кўркув ҳисси мени ҳам чулғаб ола бошлаганди.

Аввал айтганимдек «Намозга қаршилик қилишса, уларга бўйсунмасдан барибир ўқийман ва калтаклаб ўлдиришса шаҳид кетаман» деб келган одамда энди шунақа мутеълик ҳисси пайдо бўлганди. Жон менга ҳам ширинлик қила бошлаганди.

Умумий кўркув ҳисси шунчалик кучли эдики, барча маҳкумлар итоаткор эдилар. Шунча зулмга биров заррача қаршилик кўрсатишни хаёлига келтирмасди. Мени гарчи улар айтсада, намозни тарк этиш ниятим йўқ эди. Лекин буни очикчасига айтишга журъатим ҳам йўқ эди.

Мендан олдин келганлар ҳам имо–ишора билан ўқиб юрганлигини кўриб, мен ҳам шунақа йўлни ушлашга ва очикчасига қаршилик қилмасликка ихтиёр этгандим. Овқатдан кейин, диндор маҳкумларни уборкага мажбурлашди. Бошқаларга эса ташқарида сигарет чекишларига рухсат берилди. Мен ҳамма диндор маҳкумларни итоаткорлигини негадир тушуна олмасдим. Бу итоаткорлик мени ҳам шунга мойил қилганди. Мен улардан ўрганганим каби шомни хуфтонга қўшиб ўқишга ният қилиб олдим.

Шом бўлиб қолган бўлсада, бизга бу карантин баракда тинчлик йўқ эди. Бирон дақиқа ўз ҳолимизга тинч қўйишмасди. Хожатга бориб келганимизда ТСБлар диндор маҳкумларга қараб туришарди. Улар бизни таҳорат қилиб қўймасин деган хавотирда кўздан қочиришмасди.

Бу зонада намоз ўқишлик ва рўза тутишлик мумкин эмасди. Намоз ўқишни ҳам жиноят саналишини мен олдин умуман билмагандим. «Қандай кунларга қолдим, эй Худо» дердим ичимда. Зонада кечки уйку вақти соат 22.00да бўлади. Аммо, бизга то ўшангача тинчлик беришмади.

Карантин отряддаги ТСБлар биттама–битта бизни чакириб, қоғоз ва ручка беришди ва мадҳияни ёздиришди. «Бунни ёдлаб айтмасанглар шу ердан чиқмайсизлар» деб дўқ уришди. Кейин ҳаммага мажбурлаб зона бошлиғи Азиз Бозорович Мардонов номига ариза ёздиришди. Бу аризада «Мени Тартибни сақлаш бўлимига олишингизни сўрайман» деб ёзилганди. Бу дегани мен гад бўлишни истайман дегани эди. Бу ўғри ақидасидаги одамга "западло" бўлган амал эди. Бу ўзи на қонунга ва инсонийликка зид бўлган зулм эди.

Бундан ташқари ИАК номига кечирим сўраб «Тавба хати» ёздиришди. ИАКдан кечирим сўраб хат ёзишга келсак, мен Ҳафизуллоҳдан ва бошқалардан сўраганимда улар ҳам ёзганликларини эътироф этишди. Бу хатни аслида уларга бу ерга келгунларича уриб, мажбурлаб, ёздиришган экан. Бу ерда ёзиши ёки ёзмаслигини фарқи ҳам йўқ экан.

Қизиғи шундаки, мен ИАКдан узр сўраб хат ёзмагандим. Бунга ҳожат ҳам бўлмаганди. Энди булар мажбурлашганда шу ердагилар қаторида ёздим. Кейин ҳам бунақа хатни кўп ёздиришган. Бунни ёзмаган маҳкум қолмаган. Бу хатлар ИАКга бормаслиги аниқ эди. Лекин, булар маҳкумларни қийнаш учун яхши баҳона эди. Бунни ёзгандан сўнг ҳам бошқа баҳона топиб қийнашарди. Буларни ҳаммаси учун шу ерда анчагина вақтимиз кетди.

Зонага ухлаш командаси "отбой" бўлган бўлсада, карантин отрядда ҳали ариза ёзиш билан банд эдик. Ваниҳоят ҳамма ётгач, диндор маҳкумларни хожатхона тозалашга, карантин отрядни полини ювишга ва шунга ўхшаган ишларга мажбурлашди. Ниҳоят бирор соатдан сўнг бизга ҳам ётишга рухсат беришди. Оёқларим шунақа оғрир эдики, ўзи қувватим қолмаган, тамоман ҳолдан тойган эдим. Мадҳия ёзилган қоғозни чўнтакка солиб, ухлаш учун карантин отряддаги икки қаватли тахта каравотлар устига чиқдик. На матрас ва на ёстиқ ва ётишга жой йўқ эди.

Ҳамма маҳкумлар итдек чарчагани учун кийим бошини ечмасдан, кимдир бошини кимнидир оёғига қаратиб ухлашарди. Бу ерда ухлаш шунақа экан. Бир чеккага чўзилиб олгач, Алишердан кесагини сўрадим. Бошқалар ухлаб ётгани учун у ҳам энди чўзилиб, ўша кесакка таяммум қилиб олди ва менга узатди.

Кесакка таяммум қилиб қайтариб бердим. Кейин шу ётган еримда имо–ишора билан намозларни жамлаб, қаср қилиб ўқидим. На рукуъ ва на сажда имкони йўқ эди. ТСБлар бош кўтаришга қўймасди. Қибла қайдалиги ҳам маълум эмасди. Шу ётганимча намозни пичирлаб ўқирдик. Қалла кўтариш мумкин эмасди.

Бу Карантин отряддаги биринчи куним эди. Бу мени даҳшатга солган, тамоман гангитиб қўйган бир кун эди бу кун. Бу кун бу зонадаги ўтказажак уч ярим йиллик хорликка тўла умримнинг биринчи кунини эди. Мен тахтага бош қўйишим билан уйкуга кетдим. Ҳатто кесакни қарзга оладиган кунларгача етиб боришим мумкинлигини ўйлашга на имконим ва на хоҳишим йўқ эди.

Зоналарни солиштирадиган бўлсак. Товосой бу зонадан анчагина яхши эди. Биринчидан, у аҳоли яшайдиган посёлка ичида қурилган бўлиб, атрофида аҳоли яшарди. Бу зона эса чўлда қурилганди. Атрофида қовжираган қумдан бошқа нарсаси йўқ эди. Навоий шаҳаридан унча узоқ бўлмаган масофада жойлашганига қарамадан атрофи чўл эди. Зона ёнида Цемент заводи бўлиб, уни узун миноралари бизга кўриниб турарди. Совет даврида бу ердаги маҳкумлар шу цемент заводда ишлаган дейишади. Бу зоналар ҳаммаси Сталин даврида қурилган бўлиб, бир қаватлик паст уйлар эди.

Товоқсойда аксинча икки қаватлик бараклар эди. У ерни атрофи қум эмасди. Тоғли район эди. Бу қаттиқ режимли зона эди. Бу ерда маҳкумларни қийнаганда ҳам овозини биров эшитмайдиган ер эди. Товоқсойда аҳоли зонадаги воқеаларни эшитадиган масофада эди. Бу ерда ичимлик суви муаммо эди. Товоқсойда суви яхши эди. Бу ерни шароити ёмонлигидан ҳам қаттиқ режимли зонага айлантиришган бўлса ажабмас.

Товоқсойда беш йил ўтириб кўп нарсани кўришга улгурдим. У ерда ментлар маҳкумлар билан одамдек гаплашишарди. Навоийдаги 46–зонада эса маҳкумларни итчалик ҳам қадрли йўқ эди. Бу ерда Азиз Бозорович Мардонов деган кимсаси хўжайин эди. Бу полковник унвонидаги кимсаси ўша пайтда ёши эллик бешлар атрофидаги бўйи икки метрча келадиган семиз киши эди. Биз уни зонадан у ёқ – бу ёққа ўтиб қолганида узоқдан кўрганмиз.

Бу одам совет даврида ақли киргани учун ҳам бу зонада қаттиқ тартибли совет гаупвахтаси режимини ўрнатганди. Ҳатто ўша солдатлар парадда шагат қилаётганда қуйланадиган жанговар мусиқа ҳам бу кимсага ўша даврларни эслатиб турадиган бўлса ажабмас. Булар мустақилликка ҳали унчалик тушунолмаётган кимсалар эди.

Буларнинг динга муносабатидан ҳам шуни тахмин қилишимиз мумкинки, булар деярли динсиз атеистлар эдилар. Кибру ҳавоси жуда катта одам эди бу полковник. Бу кимсаси кўп маҳкумни бу ерда руҳан ва жисмонан синдирган одамдир. Бу кимсаси ислом ва мусулмонларнинг қотили ва ИАК режимининг жиноятларига шерик манфур кимсадир.

Эрталаб карантин баракдаги ТСБлар бақирганидан уйғониб кетдик. Маҳкумлар ҳаммаси шошиб–пишиб иккинчи қаватдаги тахта қараотлардан туша бошлашди. Кеча кўп строевой шаг юрганимга оёқларимни қимирлатсам оғрирди. Лекин, начора? Тепадан тушиб, ташқарига югурдим. Ҳамма маҳкумлар ташқарида барак олдида туриб эрталабки бадантарбия қилишарди. Совуқда қалтираб бадантарбия қилдик. Бу ўн беш минутча давом этди.

Бу зонада шу ҳар куни эрталаб бадантарбия қилишар экан. ТСБлар бақирғидан «Тез бўл» деган шовқинларидан шошиб чиқиб, ҳамма бадантарбия қилишга тушиб кетарди, кейин Мадҳия айттиришади. Беш–ўн марта мадҳия айтиб, кейин юз–қўлни ювишга, хожатхонага олиб боришади. У ерда эса таҳорат қилиб қўймасин деб диндорларни кузатиб туришади. Бомдод намозини ўқишга умуман имконият йўқ экан. Хожатхонадан келиб, нонуштага таёрланамиз. Бу карантин баракда маҳкумлар овқатни шу ерда ейишади. Бошқалар эса ошхонага бориб ейдилар.

Биз эса карантинда энди бир кун яшаётган маҳкумлар эдик. Биз ҳали зонага киргунимизча анча муддат бор эди. Карантинда мен бир кун рўза тутолганман халос. Овқатни олдида ўтириб, емай бошқасига бериб туриб кетгандим. Нонуштадан кейин бизни яна шагат қилишга стадионга олиб чиқишди. Мен намозни имо–ишора билан бўлсада ўқиб олиш учун имконият бир озгина уч минутча бўш вақт излаётгандим. Аммо, шуни иложи йўқ эди. Бошқалар ҳам шу аҳволда эдилар.

Қиш куни бўлгани учун ҳали кун чиқишига анча бор эди. Соат олтида подём берилганди. Еттидан бошлаб биз стадионда шагат қилишни бошладик. Мен ўша куниси охирги икки ойдан бери ўзимда очликни ҳис қилдим. Тоштурмадан келганимдан буён ҳали овқат емагандим. Менда олдин шу очлик ҳисси йўқ эди, бу очлик ҳисси кейинчалик мени то қамоқдан чиқиб кетмагунимча тарк этмади.

28 декабрда рамазон хайити бўлишига оз қолганди. Лекин, биз рўза тутолмасдик. Изоляторга келганимнинг иккинчи куниси рўзани тўхтатиб, нон ейишни бошладим. Энди нонуштада еган парча нон менга кифоя қилмасди. Аммо бошқа ейдиган нарса йўқ эди. Бу ердаги овқатни эса гўштини ҳалолмас деган ақидада емасдим. Аммо, бу тақводорлигим узоққа бормади.

Бизни менинг эски танишим Қўқонлик Ҳамдам олиб чиқиб шагат қилдиарди. Мен сафда турган еримда унга савол бердим. У ҳали ўзини мени танимаганга олиб юарди. Мен ундан «Сен Нукус турмасида ўтирганмисан?» деб сўрадим. У бир қаради—да «Кейин гаплашамиз» деб қўйди.

Шундай қилиб, эрталабки шагат пайтида беш минут танаффус берилди. Мен бир чеккада тик туриб имо–ишора билан аста бошни қимирлатиб бомдодни ўқиб олдим. Бу каби намоз ўқишни умримда ҳаёлимга келтирмагандим. Одамзод ҳар нарсага кўникар экан. Ҳар нарсага шариятда имкон ва рухсат бор экан. Намозни имо–ишора билан ўқишликни олдин мен касал одамга рухсати борлигини билардим. Лекин, бизни аҳволдаги мазлумларга ҳам шундай имкондан фойдаланшишини мен билмасдим. Буни менга ҳаётни ўзи ўргатди. Мен ҳали намозни тарк этганим йўқ эди. Мен уни тарк этиш ниятим ҳам йўқ эди. Мен уни ўқишни давом эттирардим. Лекин, бу ўқишлик билан олдингилари орасида катта фарқ бор эди.

Мен Роббимга намоз ўқишга имкониятим бўлган пайтларда бу вақтни қадрини билмаганим учун узр сўрардим. Мен бу ҳолатни катта синовлигини тушунардим. Буни имон йўлидаги синовлардан бир боскичи деб билардим. Мен намозни таркини куфр деб эътиқод қилардим. Шунинг учун ҳам мен уни тарк этиб, яшашим имконсиз эди. Лекин, ҳозирча тарк этмасдан амаллаб ўқиётгандим. Менга келажак қандай бўлиши даргумон эди. Лекин, бир енгиллик бўлишини умид қилардим. Мен озодликка чиқишни эмас, шу турмада намозни ўқиб яшай оладиган шароит бўлишини орзу қилардим. Биз ғарибларда бундан бошқа орзулар йўқ эди.

Карантиндаги иккинчи кун бошланди. Бу кун одатдагидек, эрталабки текширув билан бошланди. Текширувда Карантин отряд бир чеккада турдик. Бошқалар стадионни тўлдириб, мадҳия куйлашди.

Навоий чўл зонаси бўлгани учун бу ерда қиш совуғи шамоллик бўлар экан. Шамол шунақа эсадики, озгина совуқни ҳам шамол билан қаттиқ совуққа айлантириш мумкин экан. Бу ерда турганлар ҳаммаси бушлат кийиб олишганди.

Шамол кириб бутун баданни қалтиратарди. Бу бушлатлар ичида энг эскисини диндор маҳкумларга беришганди. Титилиб увадаси чиқиб кетган бушлатларни кўриб, буларни нега ташлаб юборишмас экан деб ҳайрон қолгандим. Бу бушлатлар юз йил олдин кийилганга ўхшарди назаримда. Буларни атайин диндорларга кийгизашарди. Бу юқоридан берилган оғзаки буйруққа асосланганди.

Буйруқлар ичида қонунийсидан кўра ноқонунийси кўп бўлса керак. Бўлаётган қийноқларни бирорта қонунда тополмайсиз албатта. Демак, бу қийноқлар юқоридаги кимнидир оғзаки буйруғига асосан бўларди. Бу кимдир эса, шунақа катта ҳукумат эгаси эдики, уни буйруғини бажаришга ИИБ ва МХХларнинг тўла куч ва имкониятлари жалб қилинганди. Бу буйруқлар ғайриқонунийлигига қарамасдан айтилганидан кўра кўпроқ ва қойилмақом қилиб бажариларди.

Карантин отрядни текширувдан сўнг стадионда олиб қолишди. Бугун бизга ломка процедураси деб аталадиган амалиётлардан навбатдагиси ўтказилиши режаланганди. Бунга кўра, бизни гадлар яшайдиган 100 (сотовой) сонли баракни орқасига олиб ўтишди. Бу барак штабни олдида бўлиб, ментлар ўзларига қулдек хизмат қиладиган ТСБларни ўзлари ўтирадиган ерга жойлаштиришганди. Булар бошқа маҳкумлардан алоҳида яшашарди.

Бу ерда фақат шу сотовой отряд деб аталадиган гадлар отряди бор эди. Буларни ва штабни хожатхонаси шу ерда бўлиб, буни канализацияси орқа томонидан пиёдалар юриб тушиши учун зинапоя қилинганди.

Хожатхонани олдида янги этап бўлиб келган 80 кишини саф қилишди. Шу ерда туриб ҳар бир одам навбати билан шу хожатхонани зинасидан ерга тушиши ва одамни ахлатини челақда олиб чиқиб, уни юз метрча бир ерга олиб бориб, шу ерга янги экилган дарахтлар тагига қуйиши керак эди. Бу ломкани номи говно ташишлик дейиларди. Бу ўғри ақидасига содиқ бўлган блатнойларни синдириш учун қилинадиган махсус амалиёт эди. Буни на қонунга ва на одамгарчиликка алоқаси йўқ эди.

Бундан кўзланган мақсад маҳбусларни кибрини синдиришлик уларни хорлаш ва итоаткор махлуққа айлантириш эди. Бу ҳам сон-саноксиз зулмнинг бир тури эди. Говно ташишини Чирчикни положенеси бўлган Қаҳрамонни ўзи бошлаб берди. Унда энди кибр қолмаганди. Башараси калтак зарбидан ёрилиб кетгани учун бошини бинт билан санчастанда ўраб юборишганди. У бутун Карантин давомида шу бинтни ечмай юрди. Бошқалар ҳам навбати билан говно ташишди.

Бу бемаъни ишни қилиш муҳим бўлса керакки, зонадаги тезкор бўлим раҳбари Шавкат деган мент ва уни муовини узун бўйли тожик бола (исми эсимда йўқ) келиб кузатиб туришди. Булар ҳар бир маҳбусни говно ташиганини қайд қилишади экан. Бу дегани бу ишни қилган маҳбус зонага киргач, блатнойлик қилолмас экан. Бу ишни қилган одамларга ўғри ақидасига кўра братвалик қилиш ҳуқуқи берилмас экан.

Биз билан борган этапда руслар ва арманилар ҳам бор эди. Аммо, асосан ўзбеклар эдик. Ҳамма бу ишни бажаришди. Отказчик топилмади. Бу нарса учун ярим кун вақт кетди. Шу билан тушликка карантин баракка кетдик.

Баракда мени Нукус турмасидан танишим бўлган Ҳамдам ТСБ чақириб олди. Уни олдида ўтириб бир пас гаплашдим. Мана энди сен билан гаплашсак бўлади деди у менга сенсираб тиржайиб қараб, «Энди сен ҳам мен билан тенг бўлдинг» деди. Мен ҳайрон бўлдим. «Бу нима деганинг?» десам, «Сен Товоксойдан келдинг бу ерга, қора зонадан келдинг. Мен эса гад эдим. Сен мендан устун эдинг ўша пайтда. Энди сен бугун говно ташидинг ва кеча запреткада тош тердинг, энди мен билан тенг бўлдинг, энди гаплашсак бўлади» деди.

Бу болани аҳмоқлигини аввалдан билардим. Бу гаплари ҳам сафсатадан бошқа нарсамасди. У менга ўзини тарихини айтиб берди. Нукус турмасида 9 йил муддат олиб, Зарафшонга кетибди. У пайтда Зарафшон қора воровской пайти экан. Шу ерда братвага қўшилиб блатнойлик қилибди. Кейин, бу блатнойларни ҳаммасини бу ерга 46-зонага этап қилишиб, Зарафшонни синдиришган. Буларни эса бу ерга мана шунақа ломка қилиб киритишган. Бу бола бу ерга келиб гад бўлиб олиб, ўзи билан бирга келган блатнойларни синдирган экан.

Бу ерда Зарафшон зонасини положенеци бўлган Ботир қазоқ ўлдирилганди. Бу одам ва у билан келган братвалар кўпчилиги калтак еб итдек хорланиб бўлсада, ломкадан ўтиб зонага киришган, гадлик қилишмаган. Ҳамдамбой эса гадликга киришиб кетган экан. Баъзи одамлар табиатан шунақа бўлади. Улар ҳукмронликка интиладилар, бошқалар устидан раис бўлишга интилади. Бу учун вазият талаб қилган ҳамма нарсани қилишади. Вазият братва бўлишни талаб қилса, улар блатной бўлишади. Вазият гадликни талаб қилса, улар билагига гадларни лентасини тақишади. Аслида бу фақат Ҳамдамга тегишли сифат эмас албатта.

Кўпгина ўзини зиёлиман деган ва умри галстук тақиб ўтган кимсалар ҳам худди шундай қилишади. Улар олдин ўзларини даҳриймиз дейишарди. Компартия иқтидорда пайтида шундай дейишлик уларга обрў ва амални кафолатларди. Кейин, коммунизмни бозори касодга учраганда буларни барчаси бир думалаб «демократмиз» деб қолишди. ИАК ҳам худди шундай қилган буқаламунлардан бири эди. Жамиятда афсуски, бундайлар кўп эди. Бу Кўқонлик Ҳамдам бу каби буқаламунлар поғонасининг энг қуйи қатламидаги вакили эди халос.

Мен унга юзига қараб «Ҳамдам биласан мен намозхонман ва менга сени ёрдамнинг керак. Мени бу ерда нималар кутади билмайман. Сен эскидан танишимсан мен намоз ўқишимга шароит керак» дедим. У менга қараб тиржайиб, «Бу гапни сен айтмадинг мен эшитмадим тушундингми?» деди. «Нега» десам, «Мен сенга ҳеч қандай ёрдам беролмайман. Мени бу юришимга қарама, қўлимдан ҳеч нарса келмайди. Мен ўзи зўрға юраман кунимни кўриб» деди у. Ҳар ҳолда бу гапи ҳақиқатга ўхшарди. «Менга раҳмат дегин, сени шу илтимосингни уларга бориб айтмаганимга» деди у. Мен унга қараб «Сен ҳам одамсанку ахир. Намоз ўқишни нимаси жиноят? Мен сендан ноқонуний нарсани сўрамаяпману» дедим. У эса «Бўл тез чик бу ердан, бошқа олдимга келма» деб бақирди. «Бўпти» деб чиқиб кетдим. Бошқа у билан гаплашмадик. Лекин, у мени намоз ўқишга ёрдам сўраганимни бригадири Витяга айтмади. Бу нарса у билан мени орамизда қолди.

Зонада даҳшатли кўрқув ҳукмронлик қиларди. Бу кўрқувни даҳшати ўлимдан каттароқ эди. Мен ўлимдан кўркмасдим. Аниқроғи мен ўлимга таёрланиб келгандим. Лекин, ўлиш осонмас экан. Ўлим келса ўлиб кетиш эҳтимол осондир? Лекин, бу ердаги кўрқувни енгиб кўркмай туриш имконсиз эди.

Мен худди Сталин даврида қатағонлар даврида яшаётгандек ҳис қилардим ўзимни. Бу нима, бу 21 асрми ёки 37 йилларми? Шунга тушунолмасдим. Мен шу кунларда ҳам шунақа зулмлар бўлиши мумкинлигига авваллари ишонмас эдим. Биз фақат бунақа зулмлар ўша тарихда қолиб кетган деб ўйлардим.

Тушликни шундоқ очиқиб едим, мискани тагигача ялаб қўйдим. Одатда бу ердаги гўштларни емасдим. Тақводорлигим бунга йўл қўймасди.

Энди бу тақводорликдан асар қолмаганди. Овқатни едиму лекин, тўймадим. Мени ошқозоним энди иштаҳага кирганди. Лекин, ейишга овқат йўқ эди. Ташқарига чиқариб, ўн киши ўн кишидан қилиб ажратиб, ҳар бир гуруҳга биттадан гадни тайинлашди.

Бизга қўлимиздаги мадҳия ёзилган қоғозни беришиб, шунга қараб мадҳия куйлатишди. Бу маҳкумлар ичида русийзабонлар ҳам бор эди. Бечоралар бу тилни умуман тушунишмасди. Бизга гадлар бақириб мадҳия айтишни буюрарди. Баъзилар шу бақирикни эшитиб ёдлаб олади деб атайин шундай қилишарди.

Бир армани чол ҳам қамалиб қолган экан. Унга қараб на кулишни ва йиғлашингни билмайсан киши. Бечора у ҳам кўрқувдан дағ-дағ қалтирарди. Лекин, у мадҳияни айтолмасди. Уни ёдлаш нари турсин у умуман ўзбекча гапларни айта олмасди. Гадлардан бири Тошкентлик Алишер экан. У русча гапирарди. Исмани Алёша деб чақирарди. У арманига қараб куларди. Арман чолга «леча» деб лақаб қўйди. Ара Леча деб чақирарди.

Мен бу лаънати мадҳияни аввал ҳеч ўқимаган эканман. Бу матнни турган битгани ширк мазмунидаги шеър экан.

Ўзбекистон Республикаси Давлат Маҳфияси тўғрисидаги қонунни 2-моддасида шундай дейилади: Ўзбекистон Республикасинг Давлат маҳфияси Ўзбекистон Республикаси Давлат суверенитетининг рамзидир. Ўзбекистон Республикасининг Давлат маҳфиясига зўр эҳтиром билан қараш Ўзбекистон Республикаси ҳар бир фуқаросининг ватанпарварлик бурчидир...

Бу дабдабали бурчни бизга ҳис қилдириш учун мана шундай уриб, калтаклаб ўргатишарди. Умуман ўзбек тилини билмайдиган ва Ўзбекистон фуқароси бўлмаган маҳкумларни ҳам калтаклаб мадҳияни ёдлатишарди. Бу мадҳияга шу пайтгача бефарқ бўлган бўлсам, ўшандан кейин бунга нисбатан менда нафрат пайдо бўлган. Бу нафрат мени ҳалигача тарк этган эмасдир.

Асосийси эса бу мадҳия матнини тавҳидга зидлигидир.

Абдулла Орипов қаламига мансуб мадҳия матни:

Серқуёш ҳур ўлкам, элга бахт, нажот,
Сен ўзинг дўстларга йўлдош, меҳрибон!
Яшнагай то абад илму фан, ижод,
Шухратинг порласин токи бор жаҳон!

Олтин бу водийлар — жон Ўзбекистон,
Аждодлар мардона руҳи сенга ёр!
Улуғ халқ қудрати жўш урган замон,
Оламни маҳлиё айлаган диёр!

Бағри кенг ўзбекнинг ўчмас иймони,
Эркин, ёш авлодлар сенга зўр қанот!
Истиқлол машғали, тинчлик посбони,
Хақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

Олтин бу водийлар — жон Ўзбекистон,
Аждодлар мардона руҳи сенга ёр!
Улуғ халқ қудрати жўш урган замон,
Оламни маҳлиё айлаган диёр!

Мен бу мадҳия деган балони ёзганга ҳам, уни мажбурлаб ёдлатганларга ҳам лаънатлар айтаман. Бу бемаъни матн туфайли биз қанчалик калтаклар еб, азобу уқубатлар чекдик. Бу ердаги баъзи сўзларни бузиб, мазмунини ўзгартириб айтардик. Мен бу матнни шу карантинда ёдлаганман. Мадҳияни зонада бўлганим уч ярим йил мобайнида тинимсиз айтишга мажбур қилинганман. Қамокдан озод бўлганимдан буён ҳам Ўзбекистон мадҳиясига нисбатан нафрат билан яшаб келаяпман.

Маҳкумлар бу мадҳияни ёдлаб, ТСБчи Алешага имтиҳон топширишлари керак эди. Буни биздан олдинги этапда келган ва ҳалигача карантинда қолаётган диндорларга нисбатан қўлланилганда гувоҳ бўлганман. Мен уларга «Буни айтиш ширкку, қандай айтдинглар?» десам, улар «Амаллаб ўтиб олдик» дейишди. Аммо, улар ҳам доимо матнни бузиб ширк жойларини бошқа сўзга алмаштириб айтишар экан. Масалан «аждодлар мардона руҳи сенга ёр» деган иборани ўрнига «аждодлар мардона руҳи сенга ёт» деб ўзгартириб айтарканлар. Албатта, мен ҳам матнни бузиб айтардим. Бошқа иложи йўқ эди. Бизнинг соф исломий ақидамизда боболар руҳи бизга мадад бериши, ёр бўлиши рад қилинади. Лекин сўфиларда бундай ақида бор.

Мана бугун ҳам мадҳия ёдлаш маросими ўтказилмоқда. Бу маросим икки соат давом этгач, яна строевой шаг қилдиришди. Кейин ҳаммамизни сафга тизиб, сафни бир бошидан бошлаб ҳар бир маҳкумни ўртага чиқариб, билагига ТСБ деб ёзилган гадлар тақадиган лентани бирма бир тақиб, ҳаммага кўз-кўз қилиб қайта ечиб шундай қилиб чиқишди. Бу нимага кераклигини сўраганимизда, гадлар «Ҳар бир маҳкум ТСБ лентасини таққан бўлиши шарт» деб жавоб беришди. Бу ҳам аслида уларнинг тушунчасида блатнойларни синдириш амалиётларидан бири эди.

Стадионда шагат қилавериб, шунақа чарчардикки, олдинлари ҳеч бунчалик чарчамаган эканман. Солдатлик пайтимдан бери бунақа юрмаган эдим. Карантинда икки кундан бери шунақа юриб, бутун баданим қакшаб оғрирди. Энди орамиздаги диндорларни яхшироқ таний бошладим. Улар билан бир сафда юриб, унча мунча гаплашиб олишга имкон топилди.

Намозларни баъзида, текширув учун тикка турғазиб қўйишган пайтида тик турган ҳолатда имо-ишоралар билан ўқиб олардик. Баъзида, намоз ўқиётганимизни ТСБлар пайқаб қолишмасин деб диндорлардан икки-учтамыз худди бир биримиз билан гаплашаётгандек туриб олардик, кимдир гапириб, бошқаси тинглаётгандек бўлиб, ўша тинглаётганлар намозини ўқиб оларди. Қиблага қараб эмас, қайси тарафда ТСБ йўқ бўлса, ўша тарафга қараб имо-ишора билан ўқирдик намозни. Каллани сал қимирлатсак рукуъ ва яна қимирлатсак сажда ҳисоблардик.

Карантиндаги диндорлар ёки 159лар доим бирга юрганимиз учун ўзаро бир-биримизга қандайдир биродарлик ҳисси билан қарар эдик. Бизларни ўғри каззоблардан алоҳида ишлатишарди. Отбойдан кейин ҳам улар ухлаб қолсада, бизга тинчлик беришмасди. Айниқса, ҳизбутлар амири Ҳафизуллоҳ Носировни ва Муҳаммад Бекжонни кўп қийнашарди.

Бизни қамоқхонага олиб келганларида улар карантинга келганига ўн кундан ошган экан. Бошқалар зонага чиқиб кетишгану, буларни олиб қолиб ҳалигача қийнашаётган экан. Ҳафизуллоҳ ҳақида Товоқсойда пайтимда бир вилоят газетасида «Амирнинг қамалиши» деган мақолани ўқигандим. Қандайдир прокурор томонидан ёзилган бу мақолада Ҳафизуллоҳ амир бўлганлиги ва Халифат қурмоқчи эканлиги ва Ҳизбутлар тўплаган пулларни ўзлаштирганлиги ҳақида, ва ниҳоят уни ушлаб қамаганларини ёзишганди.

Ёши мендан икки уч ёш кичикроқ бўлган бу йигит бўйи пастроқ тўлишган гавдалик экан. У Сурхондарёлик эшонлардан бўлиб, Андижон жомеъси имоми Абдували қорининг шогирдларидан бўлган экан. Мен у ҳақида у бу маълумотларни эшитгандим. Хусусан уни ҳизбут таҳрирга аъзо бўлганини эшитиб, Қори ака хафа бўлганлигини ва «Мендан бир оғиз сўрамабдида» деганлиги ҳақида эшитгандим.

Мен Ҳафизуллоҳдан кейинчалик шу ҳақда сўраганимда у ўзи ҳам бу воқеъани гапириб берганди. Ўртадаги одам унга қори акани бу гапини етказганида у қори акани гапи Қуръондаги «Фиръавн: "Мен рухсат бермай туриб унга иймон келтирдингларми?" (Аъроф сураси 123 оят) деган оятга ўхшайди. У кишидан сўраб, имон келтирилмайди» деб жавоб берган экан. «Мен бунга у одам қори акага етказишини билиб туриб айтдим» деганди ўшанда Ҳафизуллоҳ. Мен унга «Бу оятни қори акани гапига умуман алоқаси йўқку? Нега бундай дедингиз?» десам, «Уни гапи худди шунга ўхшайди» деганди у.

Мен унга Ҳизбут Таҳрир деган гуруҳни эшитганимни ва бу тоифага умуман қаршилигимни айтганман. Бунга у табиий қараган. У билан орамизда салом-алик то мен зонадан чиқиб кетгунимча сақланиб қолди. Лекин, биз бир-биримизга умуман тўғри келмайдиган қарашлардаги одамлар эдик. Шундай бўлиб қолдик.

Карантиндаги танишганларимдан бири Алишер деган махкум бўлиб, у Ўзбекистон Ислоний Ҳаракатига алоқадорликда айбланиб, йигирма йилга қамалган экан. Унинг тарихи қизиқ эди. Ўзи диний саводи бўлмаган ва лекин диний тушунчаси бор, намозларни омин деб овоз чиқариб ўқир экан. Масжид имоми буларни ваҳҳобийлар деб милицияга чақибди. Милиция чақириб уни ва ака-укаларини сўроқ-савол қилиб қийнар экан. Булар ўша пайтда Тоҳир Йўлдош Тожикистонда эканини эшитишган экан. «Ўша ерга борсак, намозимизга тўсиқ бўлмас» деб маҳалладаги диндор йигитлар бир қанчаси бир кечада оила болачақасини ташлаб, ўша ёққа кетишган экан.

Тоҳир Йўлдош ўша пайтларда Афғонистонда экан. Тожикистондаги қароргоҳида эса Жума Намангоний ва Абдували Йўлдошев деган Наманганлик амирлари бор экан. Буларни олдига келган ваҳҳобий ақидадаги намозхонлар омин деб овоз чиқариб айтишса, улар бунга тўсиқ қўйишибди. Булар ҳайрон бўлиб, «Бизга шундай тўсиқлар бўлгани учун қочиб келгандик, агар сизлар ҳам тўсиқ қўйсангизлар бу ерда нима қиламиз?!» дейишибди. Хуллас, Тоҳирчилар билан булар орасида катта жанжал бўлган экан. Шундан кейин уларни майда гуруҳларга бўлиб, ҳар томонга жўнатишган экан.

ЎИХ билан салафийлар орасида бу каби жанжаллар кейин ҳам доимо бўлиб тургани маълум. Тоҳир Йўлдош мутаассиб мазҳабчи бўлган. Шу туфайли у бошқаларни ҳам мазҳабга киришга мажбурлаган. Бу каби воқеаларни мен «ЎИХнинг жиноятлари» номли китобимда батафсил ёзганман. Алишернинг хикоя қилишича унинг укалари ва яна ўн бештача одам ЎИХдан қочган эканлар. Йўлда бир қишлоққа яқинлашганда Алишер қишлоққа бориб, бирор егулик олиб келиш учун тушиб кетган экан.

Қишлоқда уни тожик милиционери ушлаб, машинасига солиб шаҳарга олиб кетиб қамашган экан. Кейинчалик уни Ўзбекистон МХХга сотишган. МХХнинг назоратида у 20 йилга қамоқ жазосига ҳукм қилган экан. Ўзбекистонда ҳеч қандай жиноят қилмаган ва фақат Тожикистонга бориб келгани учун 20 йилга қамалганди у. Қочганларнинг қолганлари оч наҳор кетишаётганда уларни Тоҳир Йўлдошни буйруғи билан Абдували Йўлдошев ва бошқалар келиб отиб ташлашган экан. Ўша пайтда 17та мусулмон йигитни ЎИХ томонидан отилгани катта шов-шув бўлганди. Мен буларни эшитиб ҳайратда қотиб қолганман. Мен ЎИХни ИАКдан ҳам баттарроқ золимлигини ўшанда англадим. Мен уларни мужоҳидлар деб ўйлардим. Улар фитначи мутаассиб мазҳабпарастлар экан.

Мен карантинда танишганим яна бир Жиноят Кодексининг 159 моддаси билан қамалган махкум Муҳаммад Бекжон эди. Бу киши Хоразмлик бўлгани учун у билан шевада гаплашардик. Мен унга «Адаш ака» дер эдим. У ҳам менга «Адаш» деб мурожаат қиларди. У сочларига оқ аралаган, ориқ, узун бўйли одам эди. Ундан бу ерга қандай келиб қолганини суриштирганимда у ўзини Киевдан ушлаб келганликларини гапириб берганди. ИАК у кишини акаси учун қамаган экан, акасидан қасд олиш учун. У билан казо-казолар келиб штабга чақиртириб, тез-тез учрашиб туришарди. Ҳар сафар штабдан қайтгач, «МХХ полковниги фалончиев келибди. Ундай деди, бундай деди» деб гапириб берарди. Муҳаммад Бекжон жуда пастфёъл хокисор инсон эди. Мен у билан кейин бирга ишлаганман. Дробилкада замбилда шебен ташиганмиз. У тез озодликка чиқишига ишонарди. «Чиқсам китоб ёзаман. Китобимда сиз ҳақингизда ҳам ёзаман» дерди у. Бугун мен китобимда уни эслар эканман, унинг шу орзуси рўёбга чиқишини Аллоҳдан сўраб қоламан.

Карантинни иккинчи куни кечаси янги этапдаги диндор махбусларни яна штабга чақиришди. У ерда биз билан тезкор гуруҳ бошлиғи Шавкат тожик ва япалоқ юзли қорачадан келган Баҳодир исмли уни муовини суҳбатлашди. Айтишим керакки, менга одамга ўхшаб кўрингани шу Шавкат эди. Бошқасини муомаласида на одамгарчилик ва на қонунийликдан асар йўқ эди. Шавкат эса, табиатан ювош одамга ўхшарди. У мендан уч тўрт ёш катта эди.

Мени урмаган ва ё сўкмаган мент қолмаган бўлсада, шу Шавкатдан калтак еганимни эслолмайман. Лекин, шубҳасиз у бошқаларга буюрган бўлиши мумкин. У баъзида хожатхонага кирганда билагини очиб, кўлини ювган диндор махбусни ТСБ тутиб келтирилганида кўриб қолса, урарди. Кейин, Витяга олиб бориб топширарди. Витя эса ўзи уриб чарчагач штабга олиб борарди. Санакул намозхонларни шахсан ўзи калтаклар ва бошқаларга урдирарди. Санакулни динга нисбатан нафрати чек чегараси йўқ эди. Мен шундай одамни ер қандай кўтариб турганига ҳайрон қолардим. Унақаларни ер ютиб кетиши керак эди. Лекин, ер ҳам Эгаси буюрмаса ютмас экан.

Зонадаги режимниклар каттаси Салим деган лўлига ўхшаган одам эди. Салимни мўйловини кўрганда кўркмайдиган махбус йўқ эди. Салим кўлидаги бир қанча режимниклар билан зонани бошқарарди. ТСБлар мана шу Салимга бўйсунитарди. ТСБларни каттаси эса Гера эди. Бригадирлар ҳам шу Герага бўйсунитардилар. Бригадир ва зовхозлар махбусларни ишлатадиган ва баракда ётқизиб турғизадиганлар эди. Қора зоналарда блатнойлар қиладиган ишни бу ерда мана шулар қилишарди. Хуллас, улкан зулм маскани эди бу зона. Бунинг бошлиғи азиз Бозорович Мардонов деган кўк кўз полковник эди.

Бунақа зоналардан Ўзбекистонда 20 тадан ошиқроқ зона бўлиб, буларни ГУИН бошқарарди. ГУИНни бошлиғи эса Ражаб Қодиров деган генерал эди. Уни режим бўйича муовини эса ўтган йили Женевада БМТнинг инсон ҳуқуқлари қўмитаси Ўзбекистондаги аҳволни муҳокама қиляётганда давлат делегацияси вакили бўлиб Акмал Саидов ёнида бирга келган полковник Карим Шодиев эди. Мен у билан Товоқсойда пайтимда учрашгандим. Бу одам Ўзбекистондаги зоналарни синдирган ва блатнойларни ўлдирганлиги билан машҳур эди.

Кейинчалик у диндорларни ўлдириш билан машҳур бўлди. Бу хизматлари оқибатида ГУИН бошлиғи лавозимига кўтарилди. Кейинчалик Женевага келиб, Ўзбекистонда қийноқлар йўқ деб маъруза ўқиб кетди. Дунёда одам қуригандек, ИАК режими бу Шодиевдек жаллодни Женевага юборганига мен ҳайрон бўлдим. Бу одам Жасликдаги жинойтларга ва барча зонадаги бўлаётган қийноқларга бевосита масъул одамдир. Бу одам ИАК режимининг МХХ ва ИИВдаги амалдорлари орасида, энг катта жинойт қилган жинойтчилардан биридир. Шубҳасиз бу жинойтчиларнинг тепасида ИАКни ўзи туради.

Карантиндаги бундай ғайриинсоний қийноқларни қўлланиши аслида бу зонада 1999 йилги Тошкентдаги портлашларидан кейингина содир бўлмаганди. Бу зоналар олдиндан синган қизил зоналар бўлиб, бу ерда асосан қора зоналардаги блатнойларни синдирилари. Бу зонага қора зоналардан этап қилинган блатнойлар шу каби ломкалардан ўтиб, синиб гадга айланишарди.

Гадларни маҳкумларнинг фаоллари дейиларди. Буни совет даврида замполит деб аталадиган, мустақилликдан сўнг эса тарбиявий ишлар бўйича бошлиқ муовини деб аталадиган катта лейтенант зобит шундай тушунтирарди. «Бу фаоллар (гадлар) бошқа маҳбусларни уришга қандай ҳукуки бор? Нега булар бу зонада хўжайиндек яшашадию, бошқалар уларга бўйсунушади?». Бу каби саволларга албатта жавоб берилмасди. Бундай саволларни уларга беришнинг ўзи имконсиз эди.

Зонанинг промка деб аталадиган қисми бўлиб, жыл зона билан промка ўртасини катта девор ўраб турарди. Темир дарвозадан саф бўлиб чиқилса, нариги тарафда катта худудда промзона бор эди. Буни бошлиғи Жонпўлат деган майор эди. Бу ерни гадларини ва бригадирларини каттаси Шокир деган Хатирчилик кимса эди. Биз карантинда пайтимизда замполит келиб бизлар билан учрашди. Унинг ёши мен қатори қатори бўлиб, маҳбусларни қийнашди ҳали унчалик суяги қотмаганди. Ўзи табиатан қўрқоқ ва нисбатан мулойимроқ одам эди. Ўзи замполитлар доим шунақа кишилардан бўлади.

Армияда ҳам шунақа хотинак замполитимиз бор эди. У биз солдатларга совет идеологиясидан маърузалар қиларди. Мен Москва Вилоятида Серпухов шаҳрида хизматда бўлганман. Биз хизматни тугатганда сўнг икки-уч йил ўтиб, Совет Империяси кулади. Аммо, бу империя тарбиялаган кимсалар ҳали давлат амалларида ўтиришарди. Шу сабабли бўлса керак, ҳали зоналарда ўша советчасига ишлаш тизими давом этарди. Фақат эндиги замполитлар «тарбия бўлими бошлиғи» деб аталарди. Бу бўлим бошлиғи - ўзи ҳали тарбияга мухтож катта лейтенант биз билан учрашди. У карантиндаги бўлаётган қийноқ жараёнларини кўриб туриб индамасди.

Аксинча, у ҳаммамизга тахминан қуйидагича маъруза ўқиди:

«Биз Мустақилликка эришганимиз туфайли мана шундай гуллаб яшнаётимиз. Бизни келажагимиз буюк. Бизни муассасамизда маҳбусларни ҳақ-ҳуқуқлари тўла таъминланган. Бу ерда маҳкумлар тарбияланади.

Бу тарбия тўрт хил шаклда бўлади:

1. Меҳнат билан тарбиялаш. Мана промзонада ишласанглар, тарбияланасиз. Меҳнат маймунни одамга айлантирган деган экан Маркс. Демак, сизларни ҳам одамга айлантиради.
2. Таълим билан тарбиялаш. Мана зонамизда библиотека бор. У ерда турли китоблар бор. Ҳурматли юртбошимизни ҳамма китоби бор у ерда. Истаган пайтда бориб ўқишингиз мумкин. Бундан ташқари зонада ҳар ҳафта бир кун кечки соат 8 дан 9 гача тарбия соати бўлади. Бу соатда барча маҳбуслар жим ўтириб, маърузачини эшитиши шарт.
3. Маданий тарбия. Зонамизга мустақиллик шарофати билан Обид Асомов, Мирзабек Холметов, Насиба Абдуллаева, Юлдуз Усмонова ва бошқа санъаткорлар ташриф буюриб туришади. Уларни муассасамиз бошлиғи ҳурматли полковник Азиз Мардонов сиз маҳбуслар учун таклиф қиладилар. Бу концертлар учун муассаса ҳисобидан уларга катта пул тўланади. Шундай қилиб бу ерда сизлар озодликда учрашмаган артистларни кўришингиз мумкин. Уларни концертини эшитиб, маданий тарбия оласиз.

4. Жарима изолятори. Тарбиянинг яна бир тури муассаса раҳбариятига бўйсунмайдиган маҳбусларни изоляторга қамаб тарбиялашдан иборат. Бу ерга кирган маҳбуслар пайкаси ярмига қисқартирилади. Зонадаги маҳбусга 80 грамм нон берилса, изоляторда 40 грамм нон берилади. Бу эса, маҳбусни тарбиялайди».

Замполит маърузаси қисқа мана шу мазмунда бўлди. Бу тарбия воситаларини ичида уриш ва калтаклаш йўқ эди. Замполит ҳар ҳолда уни санаб ўтмади. Лекин, бу калтаклаш асосий тарбия воситаси бўлиб, бошқалари буни олдида ҳолва эди. Очлик ҳам катта тарбиявий аҳамияти бор эди. Фақат бу тарбия акс реакция бериб, очлик одамни ҳайвонга айлантирарди. Бу тарбия бу зонадаги асосий курол бўлиб, шу парча нон учун маҳбуслар гадлик қилишга рози бўлишарди. Шу парча нон учун сотқинлар маҳбусларни штабга сотишарди.

Зонадаги ментларни ўз таъсир доираси бўлиб, улар маҳбуслар эгаллаб турган «мансаб»ларни пуллашарди. Масалан ТСБларни Санакул тайинларди. Бу учун ТСБлар уйидагилар келганида Санакулга доля бериб туриши лозим эди. Бригадирлар ва баракдаги зовхозларни Шавкат назорат қиларди. Ошхонага, медсанчастга, промзонага ва туркумларга масъул бўлган ТСБлар Азиз Бозоровни ўзига қарарди.

Шунингдек, зонага кирган барча маҳбуслар ҳақида маълумотлар ўрганилиб, қандайдир каттароқ амалдор қамалиб келган бўлса ундан пул ундириш учун турли босимлар қилинарди. У эса табиийки, тинч юриши учун яқинларини чақириб, муассаса амалдорларига пул бердирарди. Шунинг ҳисобигагина улар тинч яшашарди. Режимник Салим лўлига ҳам ТСБлар узатиб туришарди. Пул узатмаган маҳбусга тазйиқ бошланади. ТСБларни қора зонага этап қилиш билан қўрқитишарди.

Маълумки, маҳкумлар қора зонага (Чирчик) боришга қўрқишарди. Гадларга у ерда қийин бўлиши аниқ эди. Шунинг учун бу маҳбусларни барчасини танкаси бор эди, суянган тоғи бор эди. Баъзида, булар орасида конкурент бўлиб қоларди. Биттасни ҳимоясидаги маҳкумни бошқаси этапга қўярди. Ёки, унисини ҳимоясидагини бошқаси изоляторга тикарди. Маҳкумлар эса улардан қутулиш учун яна узатишарди. Кўзга кўринмайдиган аммо, катта пул айланадиган коррупция маскани эди бу зона. Булар ҳаммаси маҳбусларни қонини ичишга уста эдилар.

Диндор маҳбуслар у бу ментларнинг пуллик ҳимоясидан маҳрум эдилар. Сабаби, улар МХХ назоратида бўлиб, уларга қилинадиган муомалани МХХ назорат қиларди. Ментлар ичида 159лардан ҳам пул ундирганлари бўлган. Баъзи бойваччалар уйларида келганда у бу кимга узатиб туришган. Баъзи пулдор 159лар эса шахсий адвокат ёллаб, улар орқали ўзларини зонадаги ҳаётини енгиллатишга уринишган.

Рустам Банк ва Самандар Қўқонов каби пулдор амалдорлар шулар жумласидан эди. Баъзи машҳур сиёсий маҳбуслар зонадан ташқарида улар ҳақида шов-шувлар кўп бўлаётгани учун ва уларни нафақат Ўзбекистон балки, халқаро ҳамжамият танигани учун ҳам қайсидир маънода ҳимояланган бўларди. Бундай маҳбуслар билан ГУИНдан ёки МХХ бошқармасидан келган кимсалар учрашиб туришарди. Шу сабабли уларга маҳаллий ментлар унчалик тазйиқ қилмасдилар.

Ёзувчи Мамадали Маҳмудов ва Журналист Муҳаммад Бекжонлар шулар жумласидан эди. Бошқа нисбатан ўзига тўқроқ маҳбуслар ҳам зонадаги ментларга пул бериб нисбатан тинч яшашга уринишарди. Ҳатто отрядник деган энг паст поғонадаги зобит ҳам маҳбуслар кўлига қараб турарди. Ким учрашувга кириб чиқса унга ҳеч бўлмаса икки пачка сигарета бериши лозим эди. Бу ўша маҳбусни шу зонада нисбатан тинч юриши учунгина қилинарди. Зонадаги диндор маҳбуслар асосан кўпроқ учрашувга кириб туришарди. Уларни эса юқорида санаб ўтганлардан ташқари баракдаги ТСБлар зовхозу бригадирларгача талашарди.

Бу ерда пул билан ҳам 159ларга катта ёрдам қилиб бўлмасди. Ўғри каззобларга эса пул билан амнистияга тушириш ёки, муддатини қискартириш ва ёки муддатини учдан икки қисмини ўтаган бўлса, қайта суд қилиб манзил колонияга чиқариш каби енгилликлар бор эди. Бу албатта пули бор маҳбуслар учун эди халос. Оддий камбағал маҳбусларга эса, Аллоҳдан ўзга, ҳеч кимдан ҳеч қандай ёрдам бўлмасди. Мен мана шу охириги тоифадан эдим. Менда қари ота онамдан бошқа ҳеч кимим йўқ эди. Улар ҳам мени кўришга зонага келолмас эдилар. Менда на пул ва на адвокат ва на ментлардан ҳомий бўлган эмас. Менда Аллоҳдан ўзга ёрдамчи йўқ эди. Менга Аллоҳни ўзи кифоя қилди. Алҳамдулиллоҳи роббил оламин!

Карантинни иккинчи кунни ҳам бомдодни қазосини ва пешин ва асрни жамлаб, кечки текширув пайтида бирор соатча тик турган пайтимизда ўқиб олдим. Бошқалар ҳам шундай қилишди. Намоз ўқиётганимизни лабларимиз пичирлашидан ва бир нуқтага қараб турганимиздан англаш мумкин эди. Бунақа қилиб бир нуқтага бир неча минут қараб туриш учун ТСБлардан холи пайт керак эди. Шунақа пайтни ўзи йўқ эди. Бирор дақиқа ўз ҳолимизга қўйишмасди. Строевой шаг қилиб, оёқлар қаттиқ чарчаган ва доимий оғриқ тинчлик бермасди.

Очлик борган сари забтига олиб, қорин курғур ҳеч тўймасди. Бу қорин балосини мен зонага чиққач тўхтаса керак деб хом хаёл қилган эканман. Очлик мени уч ярим ўтирган бўлсам шу зонада шунча йил таъқиб этди. Мен бу зонада очлик азобиға учраганим каби ҳаётимда бошқа учрамадим. Мен очлик азобини инсонни инсонийлигидан чиқараоладиган даражадаги азоблар жумласидан санайман.

Очлик ҳақида ҳали келажакда ҳам кўп нарсаларни ёзаман иншааллоҳ. Ҳозирча биз Карантинни иккинчи кунини тугатардик. Кечаси отбойдан сўнг тахта супага кўтарилиб ҳамма ётган маҳбуслар каби бушлатга ўралаб ётганимдан бир пас ўтиб Алишерга ўхшаб чўнтагимга кесак солиб юрганим учун, ўша кесакни олиб ими жимида таяммум қилдим. Қаттиқ чарчаганим ва уйқу босаётганига қарамасдан ухлаб қолмаслик учун ҳаракат қилардим. Ёнимдагилар ухлагач, секин узала тушиб ётган ҳолимда бошни қимирлатиб намоз ўқирдим.

Бу намозлар биттаси шомни уч ракат фарзи ва бошқаси хуфтонни икки ракат фарзи эди. Охирида бир ракат витр ўқирдим. Ҳаммаси имо ишора билан чўзилиб ётган ҳолда қилинарди. Нариги учта намозни кечки текширувда тик турганимизда ўқирдим. Бомдод казо бўларди.

Гарчи бу қиш кунлари бўлгани учун соат олтида подём бўлиб, турган бўлсакда, шу орада намоз ўқиб олишга холи вақт бўлмасди. Қий-чув бўлиб, ўн беш минутча эрталабки бадантарбия билан шуғулланиш шарт эди. Кейин, сафга туриб ювинишга борардик.

ТСБлар бақирғи остида тез-тез юз-қўлни ювиб чиқиб, эрталабки нонуштага карантин отрядга кирардик. Нонуштадан сўнг тозаликка мажбурлашади. Кейин, ташқарида стадионда строевой шаг юрамиз. Агар икки дақиқа имкон топганда шу пайтда намоз ўқиса бўлади.

Баъзида имо ишора билан ўқиб, баъзида шу имконни тополмай ўқиёлмай қазо қилардим. У пайтларда қуёш чиқиши эрталабки саккизларга қараб чиқарди.

Аммо, тун қоронғусида шу икки дақиқа имон тополмай ўз ёғимга ўзим қоврилиб, намозни ўқимасдан қазо қилган пайтим бўлди. Бунақа пайтда қазосини пешин ва асрга қўшиб кечки текширув пайтида ўқиб олардим. Бу пайтда бирор соатча 80та одамни тўрт қатор бўлиб сафда туришга тўғри келарди. Шу пайтда ўртарокда туриб ўқиб олса бўларди. Бу намозларда рукуъ ва сажда бўлмасди. Шу қараб турган томонни қибла деб ният қилардим. Шу туришда пичирлаб ўқиб олардим.

Мени атрофимни ўраб турган бошқа 159 биродарлар имкон қадар менга бошқалар гапирмаслиги учун ҳаракат қилишарди. Ўз навбатида мен уларни тўсишга ҳаракат қилардим. Мен намозларни шундай қилиб ўқиганман. Бу намозлар қабул бўладими йўқми, билмайман. Бу намозларни бунданда яхшироқ ўқишга мен қодир эмасдим.

Агар мен қўрқоқлик қилиб ўша пайтда тўлиқ ўқимаганим учун Аллохдан шу гуноҳларим учун мағфират сўрайман. Мени намозларимда бугун ҳам хатою нуқсонлар тўладир. Мен барча хатою нуқсоним учун Роббимга истиғфор айтаман. Намозида нуқсони бўлмаган кишилардан ҳаққимга мени ҳам шулар каби намоз ўқийдиган бўлишимни сўраб дуо қилишларини умид қилиб қоламан.

Карантинни иккинчи куни шундай тугаган эди.

Карантинни учинчи куни ҳам одатдагидек подём билан бошланди.

Мен учун муаммо шундаки, мен подёмдан олдин тура олмасдим. Агар тура олганимда ўша ётган еримда чўнтагимдаги кесакни олиб таяммум қилиб бомдодни шу ётган еримда имо-ишора билан пичирлаб бўлсада ўқиб олардим. Лекин, мен ҳеч қачон соат олтидан илгари туролмаганман.

Карантиндаги тартиб шуки, подём бўлгандан сўнг тезда ҳамма югуруб кўчага чиқиши керак. Орқада қолганларни ТСБлар тепиб, уриб чиқаришади. Ташқарида эса декабрнинг сахарги совуқ хавосида туриб бадан тарбия қилинади. Кейин, ҳамма сафга туриб мадҳия куйлаш бошланади. Мен мадҳия матнини деярли ёдлаб қолгандим. Ким ёдлаган бўлса имтиҳон топшириши шарт эди. Эрталаб уни беш ўн марта такрорлаб кейин қўшни секторни хожатхонасига ҳайдашади.

Бу сектор наркоманлар сектори бўлиб, бу ерда уларга алоҳида отряд бор эди. Булар бошқаларга аралашмасдан алоҳида яшашарди. Уларни секторидаги хожатхонага карантин бориб турарди. У ерда навбат кутиб хожатга чиқиб, умивалнигидан юз–қўлларимизни ювиб олардик. Сув жуда совук, қўл уриш имконсиз эди. ТСБлар эса таҳорат қилиб олмасин деб кузатиб туришарди. У ердан карантин отрядга қайтгунимизча ярим соат ўтарди. Карантинни нонуштаси шу ерда бўларди. Бу ерга ошхонадан овқат катта бочкаларда олиб келинардик. Шу ерда мискаларга солиб беришарди.

Йигирматача одам сиғадиган узун курсида навбати билан ўтириб овқатланардик. Бошқалар навбат кутиб ташқарида туришарди. Карантин овқат еб бўлгунича соат саккизлар бўларди. Кейин, ҳаммамизни сафга тизиб, стадионга строевой шаг қилишга олиб кетишарди. Бирор соатча юргач, у ерда текширув бўлганда турадиган ерга олиб келиб турғизиб қўйишарди. Шу ерда туриб, бошқа отрядларни келишини кутардик. Ҳар куни аҳвол шу эди.

Шу ерда туриб бомдодни ўқиб олардик. Агар кун чиқиб кетган деб гумон қилсак, қазосини ўқирдик. Бу ўқишлик имо–ишора билан бўларди. Шу пайтда ТСБлар гапириб қоладиган бўлса, бошқалар уни гапга тутиб чалғитишга уринарди. Бу унга намоз ўқиётганимизни билдирмаслик учун қилинардик.

Янги вазиятга тезда ўрганиб олгандик. Мен намозни ҳар қандай ҳолатда ҳам ўқиш мумкинлигини ўшанда тушунгандим. Тўғри, бу намозлар қиблага қараган ҳолда, рукуъ ва саждалари билан адо қилинмасди. Лекин, бу намозлар худди қимирлашга имкони йўқ касални намози каби имо–ишоралик намозлар эди. Биз жасадимиз соғ бўла туриб, қалтис вазиятда шунақа намоз ўқирдик. Мен намоз ўқишга ҳам монеълик қиладиган имтихонлар бўлишини кутмагандим. Аммо, бизга шунақа имтихон рўбарў бўлганди.

Эрталабки текширувга Азиз Бозорович Мардоновни ўзи келди. Бу кимсани шапкасини Гитлерга ўхшатиб кийишидан ва кибру ҳаво билан юришидан ўша мутакаббир кимсалиги кўриниб турарди. Бу кимса дунёда эришган озгина мансаб ва амалини шу ўз шахсини улуғлашга ва бошқаларни хорлашга ишлатарди.

У штабдан келгани учун аввал Карантин отряд олдидан ўтди. Бизларни ТСБлар уни олдида қалтираб тик туриб, шапкасини ечиб салом беришди. Бизга ҳам шапкаларни ечиб, уларга жўр овоз бўлиб салом бердиришди. Бу ердаги одатга кўра ментларни кўрган маҳбус шапкасини ечиб агар ўтирган бўлса ўрнидан туриб унга салом бериши керак экан. ТСБлар команда беришда совет услубида «раз два три!» деб команда беришарди. Шу «три» деганда биз жўр овоз бўлиб салом беришимиз лозим эди. Салом матни ассалому алайкум шаклида тоза исломий бўлиб, мен уларга бунақа саломни ҳайф деб билардим. Мен «сом алайкум» иборасини ишлатардим. Кейинчалик билсам диндор маҳкумлар ҳам «сом» дерканлар.

Маълумки, Салом алайкум деганда, «Сизга тинчлик тилайман» деган маъно бўлса, «сом алайкум»да, «Сизга ўлим тилайман» деган маънода эди. Мен бу зонадан то чиқиб кетгунимча уларга «сом алайкум» деб келганман. Мен ҳозир ҳам уларга «сом тилайман» халос. Бу каби майда деталларни албатта, ТСБлар ҳам ментлар тушунмасдилар. Аниқ эътибор бермаган одам сом билан саломни фарқини билмайди.

Бизни усти бошимиз исқирти чиқиб кетган кийимлар эди. Ўғри каззобларга тозароқ кийимлар беришарди. Уларни биздан кўра юқориоқ ва қадрлироқ эканлигини кўрсатиб қўйиш учун атайин шундай қилинади.

Полковник Мардонов олдимишга келиб, кибр билан ҳаммага назар ташлаб чиқди. Чирчикни положенеси Қаҳрамон уни олдида қўл қовуштириб турарди. Мардонов бизга қараб «Қандай жалоба бор?» деди. Табиийки, золимни каттасига ким ҳам шикоят қиларди? Маҳбуслар «Йўқ ҳаммаси яхши», деган одатдаги жавобни айтишди. «ТСБлар айтган ҳар қандай ишни қилиш шарт» деди бизга насиҳаомуз оҳангда Мардонов. «Кимки, блатнойлик қилса, билсинки, оёғини остида ўт ёнади. Мен сизларга кўп нарсани гапириб ўтирмайман. Айтганимизни қилган одамгина тирик чиқади бу ердан» деди, дўк урган оҳангда. Бўйи икки метр келадиган, қорни катта, шапкасини қайириб кийганидан негадиргитлерга ўхшарди у.

Бу зонадаги одамларни истаса ўлдирадиган, истаса тирилтирадиган ва ўзини чексиз ҳукумат ва кудрат эгаси деб биладиган шахс эди у. У бу дунёни яратган Зот унданда ва у ибодат қиладиган ИАКданда кудратли ва мутлақ чексиз ҳукумат эгаси эканлигини билмасди. Буни билганида намозга қаршилиқ қилмаган бўларди.

Бир оздан сўнг эрталабки текширув бошланди. Майдонда тўлиб турган маҳбуслар санаб чиқилгач, Мардоновга ҳаммаси борлиги ҳақида рапорт берилди. Кейин, дирижёр чиқиб, Мардоновга таъзим қилди. Ундан рухсат олгач, майдонда турган маҳбусларга қараб қўлини силкита бошлади. Мадҳия куйлаш бошланди. Мадҳияни ўн мартача куйлатиш ҳар текширувда шарт эди. Ҳар сафар айтиб бўлгандан сўнг, дирижёр унга қараб турарди. У калласини силкитса яна бошқатдан бошланарди.

Карантин отряд ҳам энди мадҳия куйлашга қўшила бошлаганди. Мадҳия куйлаш маросими охирига етгач, маҳкумлар яна жанговор мусиқа садолари остида отрядларига қараб йўл олишарди. Биз эса шу ерда стадионда қолиб строевой шаг юардик. Қақшаган оёқлар яна бир пас тургач оғриқ билинмай кетарди. У томондан бу томонга, бу томондан у томонга тинмасдан шагат қилардик.

Тинка мажолимиз тамоман қуриганда перекур беришарди. Бу пайтда бир четда туриб маҳбуслар сигарета чекишарди. Сигарета ҳам зонада дефицит бўлиб, маҳкумларнинг асосий қисми мохорка чекишарди. Бу мохоркани «самосат» деб аташарди. «Самосат» деган нарсани мен илгари кўрмагандим, шу ерда кўрдим. Самосати бор маҳбус энг "бахтли" одам ҳисобланарди. Уни ўраш учун қоғоз етишмасди. Мана шу қоғозни ТСБлар улашарди. Бу қоғоз зонага келадиган махсус "Вақт" деган газетадан қирқиб олинарди.

«Вақт» газетаси ГУИН (Ўзбекистон Ички Ишлар Вазирлиги Жазони Ижро Этиш Бош Бошқармаси) томонидан чиқариладиган ва фақат маҳкумларга, қамоқхоналарга оид янгиликлар ёзиладиган ва фақат Ўзбекистон зоналарига тарқатиладиган газета эди. Бу газетада турли зоналардаги маҳкумларнинг турли хил олди қочдидан иборат асосан ИАКни ва зона бошлиқларини мақтайдиган нарсаларни ёзишарди. Бу газетани зонада ит ҳам ўқимасди. У ҳар бир отрядга келиши биланоқ, Зовхоз уни ўзи олиб ТСБларга ва унга яқинроқ маҳбусларга тарқатарди. Бу газета қалин ва қорамтир қоғоз бўлиб, уни ҳарф ёзилмаган ерини олиб маҳкумлар ўшанга самосат ўраб чекишарди.

Баъзида, учрашувга кирган одамлар сал юпқароқ газеталар олиб чиқишарди. Унда у газета талаш бўлиб кетарди. Бу газеталарни қора ҳарф ёзилган ерини оддий маҳкумларга беришарди. Қора ерида сиёҳи борлиги учун у чекканда аччиқ бўларди. Шунинг учун газетани оқ ерини ТСБлар олиб, қора ерини бошқа маҳкумлар беришарди чекишлари учун. Унга самосатни солиб, тупуги билан клейлаб ёпиштириб уч–тўрт киши биргалашиб чекишарди. Бу қоғоз ҳам топилмайдиган матоҳ бўлгани учун, кимнинг қоғози бўлса, "бой" одам ҳисобланарди. Қоғози бор одамни атрофини ўраб олиб, ҳамма ундан шу газета парчасини беришни сўрашарди. Агар у саховатлироқ бўлса, бу қоғоздан улашарди, акс ҳолда йўқ.

Агар кимгадир бу қоғозни тоза еридан берса, бу демак, ўша кишига катта ҳурмат белгиси эди. Агар ҳарф ёзилган еридан берса, унда ҳам раҳмат деб кетасиз. Бу зонадаги тартиб шундай эди. Бу қоида махсус сунъий тақчиллик уюштириб, пайдо қилинганди. Зонани очликда ушлаб туриларди. Мана шу очлик ва етишмовчилик маҳкумларни ҳар нарсага мажбур қиларди.

Шу куни тушликкача шагат қилдик. Тушликдан кейин бизни Зонанинг стадиони олдида бурчакда жойлашган Санчастьга олиб боришди. Бу санчасть дегани ҳам бошқа бараклар каби бир хил стилда ва узунлик ва кенгликда қурилган бино эди. Бу бинолар қурилиш стили битта эди. Узунлиги эни ўн метр ва эллик метрча келадиган узун бино бўлиб, усти ёғочдан қиялаб ёпилганди. Бу ёғоч устига эса тупроқ тўшалиб, усти сомон сувоқ қилинганди.

Бараклар устидаги сувалган томлардан ўтлар кўкариб кўринарди. Бу каби томни бекитиш ҳам Сталин пайтида қилинган бўлиб, уйни арзон битишини таъминларди. Бинонинг баландлиги икки метрдан сал юқорироқ эди. Ичкарига кирганда томга қарасангиз, томи текис ёпилган эмасди.

Бинонинг ўртаси баландроқ ва икки томони пастлаб кетган ва ёмғир–қор ёққанда ичига ўтмасдан оқиб кетиши учун ўша пайтда шундай қилинганди. Бинонинг ўртасида ва икки томонидан эшиклар бўлиб, атрофи яна деразалар билан тўла эди. Бу каби бинодан биттаси Штаб эди. Биттаси Санчасть эди. Биттаси кутубхона ва қишки клуб ҳисобланади. Секторларда шунақа бинолардан иккитадан жойлашганди. Бу бинонинг бир тарафида бир отряд иккинчи тарафи бошқа отряд эди. Шунинг учун бир секторда тўртта отряд бор эди. Аниқроғи шунақа иккита бино бор эди.

Биз санчастьга келганда биттама–битта оғирлигимизни ва бўйимизни ўлчашди. Мен ўшанда 81 кг эдим. Мен Товоқсойда 90 кг атрофида бўлганман. Бу ерга келгунимча 9 килога камайган эканман. Мен ҳали уч ойдан сўнг 57 кило бўлишимни билмасдим. Бунга ҳали анча бор эди. Бизни ўлчаб тарозига тортиб кўргунича кечки текширув пайти бўлди.

Мен санчастьда ҳам ТСБлар ва бригадир деган касофатлар борлигини кўрдим. Касал маҳкумлар даволанадиган ерда ҳам булар тартиб сақлашар экан. Буларни каттаси бригадири бу ерга катта пул эвазига жойлашиб, санчастьни начальниги майор Юсуф деган кимсага пул узатиб турарди. Ўзи эса бошқа маҳбусларни Тошкентга сангородга этап қилиш учун улардан ундирарди.

Шундай қилиб бу ерда маслакратлар бойваччалар мазза қилиб яшашарди. Касал маҳбусларни бу ерга ётқизиш бепул амалга ошмасди. Зонада пул йўқлиги учун сигарета пул вазифасини бажарарди. Масалан бир ҳафта санчастанда ётиш баҳоси икки блок филтрли сигарета эди. Ўша пайтларда хон деган сигаретлар чиққанди. Лекин, диний маҳбуслар шу сигарета бериб ҳам санчастанда ётолмасдилар. 159 ларни у ерга ётиши маън қилинганди. Бу қонидани бузиш мумкинмаслигини ҳамма биларди. Сангородга кетиш ҳам жуда қийин масала эди. Пулдорларга албатта қулай аммо, бизга имконсиз эди.

Мен санчастанда ҳам режим борлигига ҳайрон қолдим. Бу ерда ҳам отбойда ётиб, подёмда туришар экан. Касаллари ҳам текширувга чиқишар экан. Бу ерни зонадан сал фарқи бу ердаги маҳкумларни калтаклашмасди. Яна бу ерда овқати сал қуюқроқ эди. Зонадаги каша эса сувдан фарқи йўқ эди. Овқатига келсак, эрталаб ва кечкурун каша берилади. Номи каша дейиладиган бу овқат аслида шўрвага ўхшаган сув бўлиб, ичида перловка бор йўқлигини излаб кўрса албатта топса бўларди. Овқатини чой ичадиган кружкада ичардик. Каша дегани шунақа эди. Кечки каша билан эрталабки кашани фарқи йўқ эди. Тушликка эса том маънодаги шўрва бериларди. Бу шўрвани ичида гўшти ёки молни оёғи ва калла почаси солинган бўларди. Албатта, картошка ҳам изласа топиларди.

Бир столда ўн маҳкум ўтирар ва ўш кишига бир қозон овқат қўйиларди. Бу қозон ичидаги масаллик тақсимлаганда тўрт кишига етарди. Масалан ҳар бир маҳкумга биттадан картошка ва гўшт ва қовоқ етмасди. Шу сабабли шунақа нарсаларни ҳаммага етиши учун алоҳида бир ерга олиб майдалаб ҳаммани косасига солинарди. Баъзида шу тақсим устида жанжал чиқарди. Нонни ҳам олдиндан кесиб қўйишарди. Шу кесувчи касофатлар адолатсиз кесишарди. Четдаги бўлак бошқасида каттароқ бўларди. Шу нонни четидаги бўлагини устида маҳкумлар орасида уруш жанжал бўларди. Бу бўлакни ҳар доим битта одам олмаслиги учун навбатма–навбат алмаштириб туриларди. Баъзи столларда мана шундай адолат бор эди. Бу ерда адолат қила олишлик эса жуда қийин иш эди.

Мени бу китобимни ўқиётган кишилар мана шунақа майда–чуйда нарсаларга эътибор бераётганим ва ўшандай шароитда тақводорлик мақомида туролмаганим учун мени масхара қилишлари мумкин.

Бу каби нарсаларга олийжаноб инсонлар умуман эътибор бермаган ва олийжаноблик қилган бўлишлари мумкин эди эҳтимол! Мен эса ожиз банда шундай олийжаноб бўла олмадим. Мен яна ўшандай олийжанобни ўша ерда учратганимни эслаёлмайман ҳам. «Қорин қайғуси одамни ҳайвонга айлантиришини кўрдим» деганда шуни назарда тутгандим.

Мен бир бурда нон илинжида гей бўлганларни кўрдим. Мен столда қолган суякларни олиб чўнтагига солиб, шимиб юрганларни кўрдим. Мен бошқани нонини ўғирлаб еганларни кўрдим. Мен нон устида ҳатто диндор тақводорларни ўзаро урушганларини кўрдим. Нон ҳаёт–мамот масаласи бўлиб, одамни одамгарчиликдан чиқарар экан. Кимки, бу гапларни бекор деб ҳисобласа, мени гапларимни аксини исботласа, мен адашган бўлсам хурсанд бўлардим. Мен очлик масаласига бу китобда ҳали яна кўп мисоллар келтираман, иншааллоҳ.

Кечки текширувдан сўнг Карантин отрядда мадҳия ёдлаш имтиҳони топшириш бўлди. Бу имтихондан Муҳаммад Бекжон ва Ҳафизуллоҳлар ўтишганди. Бизни этапдан келганлар ҳам топширишди. Армани чол ва бошқа бир неча маҳкумлар табиийки ёдлай олишмаганди. Уларни ёдлашга мажбур қилишарди. Мадҳияни ёддан айтганларни эса эртага штабда учрашув кутаётганлигини айтишди. Бу зулм масканидаги учинчи кунимиз ҳам тугаб борарди. Мен аллақачон бир дунё маълумотларга эга бўлишга улгургандим. Кунни кеча менда бу зона ҳақида тасаввур йўқ эди.

Мен намозларни ҳам бир амаллаб ўқиётгандим. Агар буни ўқиш деб айтилса албатта. Хуллас, шу кунни тепада эмас, шом қоронғулигида намозларни шомни вақтида хуфтонни ўқидик. Баъзида жамъи таъхир бўлса, баъзида жамъи тақдим бўларди. Бу учинчи кунимиз эди. Мадҳия деган балодан кутулгандик. Уни кечаю кундуз строевой юрганда ўқирдик. Овоз чиқариб ўқитиб ёдлатишарди.

Лаънати мадҳияни тугатиб, намозларни эртароқ ўқиб, бу кунни сал кўнглим ёришиб, отбой бўлганда тепадаги тахта супага чиқдим. Бу каби оғир ва хорликка тўла ҳаётда ҳам одамзод қалбига қандайдир хурсандлик берувчи ҳис туйғулар пайдо бўлар эканда. Менда икки метр нарида ётган Алишерга қараб кулимсираб қўйдим.

Шунча йил муддатга қамалган ва қилган жинояти йўқ бу йигит негадир доимо жуда хурсанд юрарди. Мен эса уч кун деганда бугун сал жилмайган эдим. Алишер табиатан оптимист эди. У мендан беш ёшлар кичик ва боксер эди. Жисмонан бақувват бўлган бу йигит, бу ерда ТСБларга индамай итоат қиларди. Аслида уришадиган бўлса, бу ТСБлардан ўнтасини ура оладиган бола эди. Лекин, у энг итоаткор маҳкумлардан бири эди.

Отбой командаси бўлганда фақат ўғри каззоблар ётишарди. Диндор маҳкумларга улардан ётгандан сўнг уларга яна хожатхонани тозалатишарди. Шу сабабли бир қанча диний маҳкумлар албатта хожатхонага кетади. Бир қанчаси шу карантин отрядни тозалашарди. Бир қанчаси эса шу отрядга сув таширди. Бу баракда миска ювишга сувни бачокда ўша туалет деб аталадиган ердаги крандан олиб келинарни. Сувни ташиш бу ишлар ичида обрўлироғи эди. Ҳафизуллоҳ хожатхона ювишга кетарди. Муҳаммад Бекжон сув таширди. Энди бу уларнинг орасидаги ёшга қараб ҳам тақсимланган бўлса эҳтимол. Муҳаммад Бекжон Ҳафизуллоҳдан йигирма ёш каттароқ эди.

Умуман зонадаги диний маҳкумлар бошқалардан бир соат кейин ётардик. Ўшанда яна кесакка таяммум қилиб, намоз ўқиб олардик, ёки кечаси сувга қатнаганлар таҳорат қилиб олишга ҳам улгурарди. Мен ҳам бир–икки марта сув ташишга борганман.

Бу пайтда янги 2001 йилга бир неча кун қолганди. Декабрни совуқ изғиринли кунлари эди. Совуқ ва очликда қийналиб, кечаю–кундуз шагат қилиб мадҳия куйлардик. Эртасига яна одатдагидек кун бошланди. Лекин, бу сафар кўчага қор ёққан экан.

Бизни подёмдан олдин уйғотиб, кўчага ҳайдашди. Кўчада қор тозаладик. Подёмда бошқалар туриб чиқишди. Яна бадантарбия қилиб эрталабки нонуштани едик. Энди очлик ёмон забтига олганди. Бу нонуштаси бир чўмич сув аралаш каша бўлиб, парча нон билан шуни ердик.

Тонг ёришмасдан бизни штаб олдига олиб боришди. Эрталабки текширувгача шу ерда турдик. Маълум бўлишича кечаси тунда янги этап келган экан. Бу этапда 120 маҳкум бор экан. Булар ҳозирча Изоляторда бўлиб, энди уларни карантин отрядга келиши учун жой керак экан. Бу ерда бизлар ҳали судралиб юргандик. Орамизда мадҳия ёдламаганлар бор эди. Бу янги келган маҳкумларни ҳам бошларига бизлар кўрган кунимизни солишлари учун бизларни зонага, отрядларга тарқатишлари лозим эди.

Одатда Карантинда маҳкумлар ўн кунгача қолар экан. Лекин, янги йил олдидан Тоштурмани бўшатишмоқда экан, шунинг учун ҳам маҳкумларни турли тарафдаги зоналарга тарқатишарди. Навоий 46 зонага ҳам янги маҳкумлар келганди. Биз эса изоляторда ётган кунимиз билан ҳисоблаганда бу зонада бешинчи кунни ўтказаётгандик. Маҳкумлар келиши муносабати билан бизларни отрядларга тарқатишга буйруқ бўлибди.

Энди кимни қайси отрядга тушишини шу ерда штабда Санакул ҳал қилар экан. Бизга кўшиб олдинги этапдан қолган Ҳафизуллоҳ ва Муҳаммад Бекжонларни ҳам олиб келишганди. Айтишларича шу ҳафтада яна этап келар экан. Янги йилдан олдин этаплар кўпайиб қолгани учунгина бизлар беш кун деганда баракларга тақсимлаб юборилдик. Биз штабни олдида бирма–бир Санакулни кабинетига чақирилиб, у бизни у ё бу отрядга борасан деб тақсимлади. Менга 9–отрядга боришимни айтди. Бу учинчи сектордаги тўртта отряддан бири эди. Бу сектор ишламайдиган маҳкумлар сақланадиган отряд эди.

Биринчи ва иккинчи сектордаги баракларда промзонага борадиган маҳкумлар яшашарди. Мени ва яна Муҳаммад Бекжони ҳам шу учинчи секторга тақсимлашди. Муҳаммад Бекжон 12–отрядга тушди. Учинчи секторда 9 ва 11 битта бинодаги иккита отряд эди. 12 ва 13 битта бинода жойлашганди. Бу бинолар олдин айтганимдек, узун бир бино бўлиб, ўртада ва чеккасида кирадиган эшиклари бор эди. Ҳафизуллоҳни иккинчи секторга 4–отрядга юборишди.

Диндор маҳкумларни промкага чиқаришмас экан. Фақат уч–тўртта макумгина промкага чиққан бўлиб, уларга ўша ерда каттиқ тазйиклар қилинарди. Ҳафизуллоҳ ҳам ишлайдиганлар отрядига юборилганди. Унга каттиқ назорат ўрнатилган бўлиб, уни бошқа ҳизбийлар билан аралашмаслиги учун ҳам ҳаракат қилинарди. Уни зонада ҳам ҳизбутларга амир деб ўйлашарди.

Бу тақсимот маросими эрталабки текширувгача давом этди. Кейин, яна қайтиб келиб шу ерда турдик. Тушликкача штаб олдида дийдираб туриб, тинимсиз шагат қилиб турдик, қимирлашга ҳолимиз йўқ эди. Кўчада изғирин совуқ тинчлик бермасди. Ўша турган еримизда қимирлаб турардик. Штаб изоляторга яқин бўлгани учун янги маҳкумларни запреткага ҳайдашаётганини ва ҳамма ёғи чанг–тупроқ бўлиб қайтиб келганлигини кўрдик.

Армани чолга «Мадҳияни ёдламасанг карантинга қайтараман» деб дўқ урган эканлар, у ёдлашга ваъда бериб чиқибди. Бир ойдан сўнг у мадҳия имтихонини қайта топширар экан, бир ойгача баракда ёдлаши керак эди. Албатта, ёдламай қаерга ҳам борарди. Бу ширк калималарини миллати ва динидан қатъий назар ёдламаган маҳкум қолган эмас. Руслар, арманилар, араб ва Покистонлик ва бошқа миллатлар вакиллари маъносини тушунмасда ёддан айтардилар.

Мадҳияни ёдламасдан, куйламасдан зонада яшашни иложи йўқ эди. Уни отрядда ҳам кечаю— кундуз тинмай айттиришарди. Мени тушунмайдиганим шуки, буни ватанни севдириш учунми ёки ватанга нафрат уйғотиш учун қилинадими шуни билолмасдим! Мени билганим шуки, мадҳияни шу каби ёдлаган бирорта маҳкум ватанни севиб қолган эмас. Аммо, менга ўхшаб нафрати зиёда бўлганига шубҳам йўқ.

Таксимот тугагач, стадионда шагат қилдик. Кечки текширувдан сўнг бизга ужин беришди. Кейин эса ашқол—дашқолларимизни олиб ташқарида саф бўлдик. Кечки соат 8лар атрофида бўлса керак, ҳамма отряддаги зовхозлар келиб карантиндаги ўзларини отрядларига берилган маҳкумларни олиб кетишди. Мен ва яна икки—уч маҳкум 9—отрядга қараб кетдик. Карантин балосидан қутқарган Аллоҳга ҳамду санолар айтдим. Биродарлар билан ўзаро кўз—қиримизни ташлаб хайрлашдик.

Шундай қилиб, кечаси учинчи сектордаги 9—отрядга кириб келдим. Мени келишим билан зовхоз отрядникни хонасига олиб кирди. Бу зовхоз ҳам бир пайтлар қора зоналарда блатнойлик қилган ва бу ерга келиб синган Мурод исмли Тошкентлик маҳкум эди. У мени қайси модда билан қамалганимни суриштирди.

Мени қамалган моддам Жиноят Кодексининг 221—моддаси эди. Бу блатнойлар қамаладиган модда эди. Мурод мени диний маҳкум эмас экан деган фикрга борди назаримда. У мени Товоқсойдан келаётганимни ҳам билди. Мен бу блатнойлар тилида шевасида жаргонда гапирардим.

Бу тилда янги қамалган диний маҳкумлар гапиролмасди. Бу нарса баъзи собиқ блатнойларда менга нисбатан муносабатни кескин ўзгартирарди. Мен уни ўта озгиндан келган сокин ва гад бўлсада, одамгарчилигини йўқотмаган деб эслайман. У маҳкумларни урмасди, унда нормал муомала сақланиб қолганди. У билан ўн беш минутча гаплашдик.

У менга отрядда одам кўплигини ва жой йўқлигини айтиб, «Кимдир учрашувда бўлса, шуни ўрнида ётиб юрасан» деди. Эртага отрядник келиб мен билан танишишини ва бу отрядда маҳкумлар ишламаслигини ва бу ерда турли туман маҳкумлар — ногиронлар ва қариялар бараги эканини айтди. Мен ундан «Менга овқат ейишга миска, қошиқ берасизларми?» деб сўрасам, У «Бу ерда ҳамма ўзига ўзи топади бундай нарсаларни» деб жавоб берди.

Бу зонада столовойга борадиган маҳкумлар отряддан ўз товоқ ва қошиғини кўтариб сафга тизилиб борарди. Бунинг учун миска ва товоқ бўлиши лозим эди. Менда бунақа нарсалар йўқ эди. Борини ҳам Тоштурмага ташлаб келгандим. Шунда мен энди нимса қиламан деб ҳайрон бўлдим.

Бу отрядда мени кўзимга ташланган биринчи нарса шуки, уч қаватли темир каравотлар тепасигача одам бўлиб, тор отрядда юришга имкон йўқ эди. Одам шунақа кўп эдики, қимирлаш имконсиз эди. Агар ҳар бир отрядда шунақа бўлса, бу минг кишига мўлжаллаб қурилган зона қандай қилиб беш минггача маҳбусни ўзига сиғдираётганини тушуниш мумкин эди.

Мени бу отряддаги диний маҳкумлар кутиб олишди. Лекин, озроқ гаплашишгач, улар мени статям 159–эмаслигини ва мен Товоқсойдан раскрутка билан келаётганимни тушунишди. Улар мени эски каторжанин эканлигимни ва булар каби янги 159 эмаслигимни билдилар. Баъзилари мени диний маҳкум эмас, умуман ўғри каззоблар жумласидан деб ўйлашган. Мен бу тунда ҳали тузукроқ биров билан танишаолмадим.

Ҳеч нарсани тушунмасдан туриб соат ўнда отбойга команда бўлди. Бугун гарчи нисбатан ўзимни эркинроқ ҳис қилсамда, лекин хотиржам ҳис қилмадим. На ётишга жойим ва на бирор тайинли нарсам бор эди. Мени бу кун ҳали гангиш тарк этмади. Одамни бунчалик кўплиги жуда нохуш вазиятни туғдирарди. Отрядда кечаю–кундуз шунча одам промкага ҳам чиқмасдан шунақа қилиб ётишар экан.

Мен бировни ўрнига ётиб, бу куни ҳисобида биринчи марта хожатхона тозаламасдан, отбой командаси бўлиши билан ухладим. Бу кимнидир омонат жойи бўлиб, у кимса учрашувга кетган экан. Эртага қаерга ётишим даргумон эди. Эртага овқат ейиш учун миска ва чойга кружка топишим керак эди. Навоий 46–зонанинг карантини тугаб отряддаги ҳаётим бошланганди. Бу ҳаёт карантиндан осонроқ бўлади деган гумонда эдим.

Аммо, карантинданда оғирроқ азоблар борлигини кейинроқ билдим.

II қисм

Навойи 46 сонли зона

9 отряд

Янги йилга тўрт–беш кун қолганда биз янги отрядларга келиб улгургандик. Рамазон хайитига икки кун қолганди. 2001 йил рамазон хайити 28–декабрда бўлган. Бу зонада одатда байрамларни тантана билан нишонлашсада, шу йилги хайит деярли дабдабасиз ўтди.

Шунақа икки байрам бир келиб қолса биттасида ош бериб, биттасида оддий ҳар кунги таом билан ўтказаркан. Шу йилги хайитда ош бўлмаганди. Бу байрам мен учун умуман байрамга ҳам ўхшамаганди. Рамазондан қазоларим қолган бўлиб, уларни ўлмасам ҳали бир вақти келганда ўтарман деб ўйлардим.

Янги йил байрамига санокли кунлар қолганди. Маҳкумлар янги йилга таёргарлик қилишарди. Бу зонада янги йилни байрам қилишар экан. Секторлар эшиги очилиб, бошқа отрядлардаги маҳкумлар билан учрашиш мумкин бўлар экан. Янги йил куни кечаси отбой бўлмас экан. Расман отбой эълон қилинсада, барибир тунда телевизор кўриб чиқишга рухсат бор эди. Маҳкумлар ўша тунда то эрталагача ухламасдан телевизор кўриб чиқишар экан. Тушликка ош берилар экан. Хуллас, бу кунни маҳкумлар орзиқиб кутишарди.

Бу янги йил нафақат янги йил балки янги аср боши эди. Инсоният мелодий санани санашни бошлаганидан бери икки минг йил яшаб кўйганди. Учинчи минг йилликни бошламоққа таёрланарди. Демак, бу кунни кутиб олишга зонада ўзига яраша тайёргарлик кетмоқда эди. Менга эса ҳали янги йил қайғуси тушмаганди. Мен ҳали бу ерда жойлашиб олишим муаммо бўлаётганди.

Эрталаб подём бўлиши билан баракдаги маҳкумларни ташқарига қувиб чиқишди. Бу ерда одам жуда кўп эди. Тўртта отряддан камида минггача маҳбус чиқарди. Улардан бир қисми хожатхонага шошарди.

Хожатхонани эса маҳкумлар кирмасинлар деб ТСБлар кўриклаб туришарди. Ментлар бақриб отрядларга кириб қолган қутган маҳкумларни тепиб ташқарига чиқаришарди. ТСБчилар отрядидан ҳар тонгда бир неча ТСБлар турли секторларга бориб, отряддаги ТСБлар билан биргаликда баракни ташқарига қувиб солардилар. Битта иккита ментлар ҳам юрарди. Баъзида Салим режимник келиб қоларди.

Ташқарида ўн беш минутча турли хил машқлар бажарилади. Қотиб ётган таналарга қиздириб бадантарбия қилинади. Кейин, барча отрядни сафга тизиб, мадҳия куйлатишади. Мадҳиясиз бирор кун бўлган эмасди. Мадҳия эрталабдан бошланиб, икки–уч марта айтгач, ичкарига киришга рухсат берилади. «Тезда ётган каравотингни тузатиб, миска қошиқни олиб, ташқарига чик» деб буюришарди. Отрядни уборка қилишар экан. Менда эса миска қошиқ йўқ эди. Каравотни тузатиб, ташқарига чиқиб, хожатхонага бордим.

Хожатхона умумий бўлиб, сектордаги тўртта отряд маҳбуслари бу ерга келишарди. Ўтирадиган тешиклари ўнта эди. Енгилроқ хожат учун шу ўнта одам ўтирган ерда олдида пастда ариққа ўхшаган бетондан қилинган тешик бор эди. Унга ҳам юзлаб маҳкумлар навбат кутиб туришарди. Бу ўнта тешикка ўтиришга муваффақ бўлган маҳкумларни орасида бирорта беркитиб турадиган нарсани ўзи йўқ эди. Уларнинг орқаси очиқ, бир–бирига кўриниб турарди. Бунга улар ҳеч хижолат бўлишмас эди.

Боз устига ўзаро гаплашиб ўтиришарди. Оғзиларида сигаретаси ёки самосат ўралган қоғози бўлиб, уни бир–бирларига қолдиришарди. Яъни, кимдир ўтириб чека бошласа икки тарафидаги ундан қолдиришни сўрашарди. Бу закарини ушлаган қўли билан ўша самосатни ушлаб яна уларга қолдирарди. Булар чекишарди. Мухтарам ҳизбий дўстларимиз ҳам шундай хожатхонада ўтириб, гурунглашиб, самосатни чекиб ўтиришарди.

Бу амалдан уларни на мазҳаби ва на манҳажни қайтармасди. Мени эса жуда тақвosi торроқ одам эдим. Товоқсойда мен бенамозлар ичган косада чой ичмасдим. Менга ўхшаган тақводорни стереотиплари чил парчин синди бу ерда. Бу зонада тақвони мен ушлаган ва тушунган шакли билан яшаш имконсиз эди. Мени ўзим ўша ўзим ўзгаларга таълим берган ҳаёт тарзини ушлаёлмай қолдим. Мен ҳам қайсидир маънода сингандим.

Эртaroқ келиб енгил хожат учун баъзилар, подёмдан олдин туришар экан. Лекин, подёмдан олдин туришни маън қилиб қўйишди. Сабаби, баъзи намозхонлар олдинроқ туриб таҳорат қилиб олишган экан. Зонада таҳорат қилишлик мумкин эмасди. Намоз ўқишлик ҳам запрет эди. Мен амаллаб енгил хожатга чиқиб, кейинги хонадаги умивалникка ўтдим. Бу ерда ҳам катта навбат бор эди. Трубадан оқаётган сувга беш–ўнтаси қўл узатиб, ҳамма бир вақтда юз–қўлини ювишарди. Амаллаб юз–қўлимни ювиб олдим. Ташқарига чиқиб, изғиб юрган маҳкумлар орасида четга девор олдига бориб, таяммум қилдим.

Ҳали тонг ёришмагани учун ғира–ширада узокдаги одамлар унчалик кўринмасди. У бу ерда тўпланиб турганлар бор эди. Кейин, билсам шу тўпламни ичида намоз ўқиб олишар экан. Масалан кимдир тикка туриб имо–ишора қилиб калласини силкитиб намоз ўқийди. Уни атрофида беш–ўнта маҳкум туриб суҳбатлашиб туришади. Шундай қилиб бошқаси ўқийди. Бу ТСБлар кўриб қолмаслиги учун ҳийла эди.

Мен ҳам чеккада ўтириб намоз ўқидим. Бу намоз рукуъ саждаси бўлмасада, нисбатан осойишроқ ўқилди. Ўтирган ҳолда имо–ишора билан ўқидим. ТСБлар келиб бақириб ҳаммани сафга чақира бошлаганда мен намозимни тугатгандим. Бу зонадаги ҳаётни бошланиши эди.

Бу сектордаги баракларда бир неча маҳкумлар билан танишдим. Булар баъзилари Тovoқсойдан таниган маҳкумлар эди. Бир неча Тўртқўллик земляклар бор экан. Тўртқўлдан бўлганим учун улар мени излаб топиб гаплашиб кетишди. Мен уларни озодликда танимаган эканман. Тўртқўлликлар ичида на ваҳҳобий ва на ҳизбий йўқ эди. Улар турли жиноий моддалар билан қамалган маҳкумлар эди.

Табиийки, мен бир қанча диндор маҳкумлар билан танишдим. Булар ҳизбут Таҳрирчилар ва ваҳҳобийлар эди. Ваҳҳобий деганларни кўзга кўрингани Наманганни Чортоғидан бўлган Обидхон Асқаров эди. Уни укаси Зайниддин Асқаровни кейинчалик Туркиядан ушлаб келиб қамашганди. Кейинчалик унинг қамокдан ўлиги чиққан. Мен 9 отрядда бўлсам, Обидхон Асқаров рўпарамиздаги 12 отрядда эди. У ерда Мамадали Маҳмудов ва Самандар Қўқоновлар бор эди.

Мамадали Маҳмудов билан мени Муҳаммад Бекжон таништирганди. Муҳаммад Бекжон Мамадали Маҳмудовга устоз деб мурожаат қиларди.

Самандар Қўқонов узун бўйли, қариганига қарамасдан ўша пайтларда анчагина тетик одам эди. У ва бошқа маҳкумлар билан маълум бир муддат бу зонада енгиллик пайти ҳам бўлганда шу секторда пайтимизда кўп гаплашганмиз. 159лар орасида Муҳаммад Бекжон, Мамадали Маҳмудовга ўхшаган диндор бўлмаган маҳкумлар ҳам бор эди. Албатта, буларга ҳам диндорларга қилингани каби алоҳида тазйиқлар қилинади. Булар ҳам 159 билан қамалганлар бўлиб, булар муҳолифатчилар ва ИАК режимига сиёсий рақиблар эди.

Умуман олганда ҳар бир отрядда элликка яқин диний маҳкум бор эди. Булардан камида ўттизтаси ҳизбут Таҳрирчилар, қолганлари ваҳҳобий, акрабий, нурчи, таблиғчи, ва бошқалар эди. Акрабийларни оммавий қамаш тахминан 2004 йилларга тўғри келсада, унга ҳам бу ғоя тарғиботчиси бўлмиш Акрам Йўлдошев ва унинг атрофидаги бир неча ғоядошларини бир неча йиллар олдин қамашганди.

Мени нонуштага борганимда мискама йўқлиги учун, овқат ея олмадим. Бу ерда ҳамма ўзига ўзи миска–қошиқ топиши керак экан. «Қаердан топамиз?» деб, у бу кимдан суриштираман, «Шу ерда маҳкумлар сотишади» дейишди. Бу ерда кечки овқатдан сўнг сектор бозорга айланар экан. Маҳкумлар миска қошиқ ва нос сигарет каби нарсаларни сотиб олишар экан. Пул йўқлиги учун пайка нонни бериб олишар экан. Ўз ейдиган нонини бериб, нос ва сигарета олишар экан. Мен эса нонга тўймасдим. Очлик қийнар эди. Лекин, нонимни олиб келиб, миска олдим. Бошқа иложим йўқ эди. Қошиқни эса Наманганни Косонсойдан бўлган Баҳодир исмли ҳизбий совға қилди. Баҳодир билан ёшимиз тенг эди. Қорачадан келган бу йигит олий маълумотли врач экан.

Яна битта Бухоролик Акмал деган врачимиз ҳам бор эди. У ЎИХга алоқадорликда айбланиб қамалганди. Бу икки врач ҳам тўққизинчи отрядда эди. Мен Товоқсойда ўтириб чефирист бўлишга улгурган эдим. Мен ҳалигача чефир ичаман. Лекин, бу зонада чефир ичишга имконим бўлмаганди. Мени эрта тонгдан кружкасига чефир дамлаб, битта сигаретни самосатни қоғозга ўраб тутаётган ҳизбийлар чефирга таклиф қилишди. Бу ҳизбийлар каттаси Абдувоҳид деган Тошкентлик йигит эди. У кеча учрашувга кириб чиққанди. У менга битта дона қоғозга ўралган конфет берди.

Мен аввалига бу ерда учрашувга кирган одам шунақа қилса керакда деб ўйладим. Бу бир дона конфетни бировга бериш уят эди. Товоқсойдан келганим учун ҳали бу зонага тушунолмаётгандим. Кейин эса, шу бир дона конфетни бировга бериш ҳам осонмаслигини тушунганман. Сабаби фақат саккиз кило нарсанигина зонага киришига рухсат бериларди.

Бир килодан ортиқ қандни олиб киролмасдик. Бир кило қанд эса ичида бўлса қирқ эллик дона бўлар ва уни биттадан тарқатганда ҳам шу диний маҳкумларни ўзига етмасди.

Воҳидни устидаги бушлати илма–тешиқ бўлиб кетган бўлиб, жуда жуда хунук кўринарди. У мени тасаввуримда мана шу бушлати билан қотиб қолганди. Мен ҳозир ҳам уни шу ҳолатдагина тасаввур қиламан. Ўзи ҳамма диндорларга эски–туски чувринди бушлатларни кийдиришганди. Меники ҳам ундан ортиқ бўлмасада, уникадан тузукроқ эди.

Асли исми Воҳид бўлган бу ҳизбий йигит узун бўйли бақувват, ёши мендан анча ёш, одамлар билан тез муомалага кира оладиган, очиқ юзли йигит экан. Мен улар билан чефир ичдим. Абдувоҳидни самосатидан бир икки тортдим. Бу мени тақво ҳақидаги тасаввурларимни бузилганидан дарак эди. Ҳизбийлар сигаретни мубоҳ деб тушунарди. Мен ҳаром деб билардим. Аммо, Абдувоҳидга самосатидан сўраганимда у индамасдан берганди.

Абдувоҳид мени ваҳҳобийликда айбланиб қамалганимни ва масжидда имом бўлганимни ва бу ерга Товоқсойдан келганимни биларди. Буларни олдинроқ гаплашганда айтгандим. У «Сигаретни сиз ҳаром деб биласизку» деганида, мен унга «Шу масалада Набаҳоний мазҳабидаман» дер эдим. Мени аслида уни ҳалолу–ҳаромлиги қизиқтирмасди. Мен гангиб қолган ва ўзимга келолмаётгандим. Бу мени биринчи сигарета чекишим ҳам эмасди. Мен олдин Армияда пайтимда ва ундан кейин ҳам сигарета чекардим. Кейин, хужрада ўқиганимда чекмаганман. Кейин, шу Навоийда яна самосат чекишни бошладим. Бу то озодликка чиққунимча давом этган.

Мени Навоийда сигарета чекишим хабари Товоқсойга етиб борганди. Бир куни у ерда ўтирган укамдан хат олдим. У мендан «Сиз Ҳизбут бўлибсиз экан ва сигарета чекаясиз экан. Шу ростми?» деб, сўраганди. Мен унга «Сигарета чекишим росту лекин, ҳизбут бўлганим ростмас» деб жавоб ёзиб юборгандим.

Мен ҳозир ҳам Швецияда снус деб аталадиган биздаги носга ўхшаган нарсани чекаман. Бу нарса кичик пакетчада бўлади. Уни тилни тагига эмас, тишни устидаги милкга қўйиб шимиб юрилади. Бунақа нарсани мен Европани бошқа давлатларида кўрмаганман. Францияга борганимда магазинларидан тополмагандим. Бу нарса фақат шу Швецияда бор экан ҳалос. Бу биздаги носни замонавий хили бўлса керак.

Мени қиссамни ўқиётганлар мени адашиб, авлиё деб ўйлаб қолмаслиги учун ҳам ва кимлигимни аниқроқ билиб боришлари учун ҳам буларни ёзаяпман. Мен ҳам ўз савобу гуноҳларим билан яшаётган оддий одамман. Бир пайтларда шунақа тақводорлик иддаоим бўлгани рост. Бугун эса тақвони ўшандай тушунмайман. Хуллас, шу куни Воҳид менга ўзини семейкасига таклиф қилди. Мен улар билан бирга чой ича бошладим. Бу уч–тўртта маҳкумни бор–будини ўзаро баҳам кўришини англатарди. Хуллас, мен мана шу ҳизбийлар билан семейка (ОДНОХЛЕБНИК) бўлдим.

Менда на пул ва на ортимдан келадиган одам бор эди. Мен ҳеч кими йўқ (БЕДОЛАГА) камбағал эдим. Мен уларга уйидагилар олиб келган нарсаларни улар билан баҳам кўрардим ҳолос. Товоқсойда йиллаб учрашувга кирмаганман. Бу ерда ҳам кирмасам керак деб ўйлардим.

Қари ота онамдан бу ерга келолмасдилар. Бир акам алкаш бўлиб кетган. Ичмаган куни йўқ эди. Охир—оқибат у ишлагани Россияга кетди ва шундан бери дараги йўқ. Катта акам билан умуман муносабатимиз яхши бўлмаган. У менга доим қаршилик қилган коммунист эди. Тўғри, у Товоқсойга келиб кетган. Аммо, мен ундан бу ерга келишини кутмасдим.

Укам Саид Камолни эса, 1999 йилги портлашдан сўнг, оммавий қама—қамалар бошланганда 19 феврал куни уйга келган милиция ходимлари хизбутларни варақасини ташлаб қамашганди. Ўшанда у 13 йил муддат олган. Мен буни Товоқсойда телевизордан кўргандим. Буни кўриб каттиқ афсуслангандим. Ота онам қариганда уларга хизмат қиладиган одам қолмаганига афсусландим.

Қизиги шундаки, у ҳам мен ўтирган Товоқсойга этап бўлиб келганди. Ўшанда мен у зонада анча танилган шахс эдим. Этап келганда бир кунча ўтирадиган Изоляторга кириб укам билан учрашдим ва ундан «Сен хизбут бўлдингми?» деб сўрадим. У «Йўқ менга варақа ташлаб қамашди» деганди.

Диндор маҳкумларни уйдан тез—тез яқинлари йўқлаб келиб туришарди. Шунга бўлса керак, уларда чой сигарета доим топиларди. Бошқа маҳбуслар конченный рецидивистлар бўлгани учун уларни орқасидан келадиганлар ҳам кам эди. Бу зонада эса сунъий тақчиллик барпо қилинган бўлиб, эҳтиёжлар одамни ҳар нарсага мажбур қиларди. Маҳкумлар бир озгина чой ва самосат учун бошқаларни кийимларини носки ва турсисини ювишарди. Баъзилар шу нарсаларни ўз пайка нонини емасдан сотиб оларди.

Зонада қадимги замонда тиш ювадиган порошок солинадиган оқ пластик идиш бўлиб, шу чой ва самосатни ўлчайдиган нарса эди. Бир кишига кийимларини ювишга берганда унга бир баклашка самосат ва бир баклашка чой бериларди. Бу баклашка дегани ўша порошок солинадиган идишни номи эди. Шу нарса учун одамлар бировларни кийимини юварди. Шу йўл билан улар ўзларига чой ва сигарет топишарди. Бошқа уларга бунақа нарсаларни олиб келадиган одамлари йўқ эди. Одатда диндор маҳкумлар бундай ишлар билан шуғулланмасдилар.

Мен миска сотиб олишим учун нонни столовойдан баракка олиб келганимда йўлда ТСБлар шмон қилиб нонни олиб қўймаслиги учун қўлтиқ тагига яширишни ўргатишганди. Қишда бушлатни тагида унчалик билинмасди. Аммо, текширувда олиб қўйиши мумкин эди. Нонлар олинса маҳкумлар шу куни оч қолишарди. Ўзи у нонни еса ҳам очлик йўқолмасди. Мен шу зонада очликни каттиқ ҳис қилганман. Борган сари озиб—тўзиб борардим. Ҳеч тўймасдим.

Бу отрядга келган куним эртасига нонуштадан кейин отрядник чақирди. Бу зонада отрядник деганлари ўзини генералдек тутадиган кибрли кимсалар экан. Товоқсойда уларни биров одам ўрнида кўрмасди. Бу зулмга асосланган зонада уларга катта имтиёзлар ва ҳуқуқлар берилганди.

Бу отрядник ёши мен билан тенг экан. Лекин, уни ўзини тутиши ва бақириб сўкиб ҳақоратлаши ортиқча эди. Мен бу иблисни бир умр ёдимда сақлаб яшайман. Мен Роббимдан ундан шу дунёда қасосимни олишни насиб этишини сўрайман.

Албатта охиратдан яна ундан оладиганим кўп. У мени шу биринчи кунидек масхара қилиб, қулиб ҳақоратлаганди. Уни менга қилган муомаласи ҳали ҳолва экан. Мен буни кейинроқ тушундим. Уни олдидан чиққач, бу отрядда барча маҳкумлар, шконкада ўтириб чой ичар эканлар. Чойни қайнатиш учун эса, отрядни чеккасида бир алоҳида жой бўлиб, уни олди тахта билан тўсилган экан. Чойхоначи деб аталадиган маҳкум у ерда туриб, ким унга таниш бўлса, ё бирор нарса берса, ўшани чойнагини олдин қайнатиб бераркан.

Бу чой қайнатувчини уч–тўртта кипитилниги бўлиб, буни ҳам шу маҳкумлар уйларида заказ қилиб, олдиришар экан. Маҳкумлар катта чойнаклар топиб, унга қайнатишга беришарди. Қайнаган сувни олиб кетиб, ичига чой солиб столовойдан олиб келган нони бўлса, шуни ейишарди. Буям тирикчиликни бир тури эди. Улар ҳам доимий очликка маҳкум эдилар. Очлик одамни ҳар нарсага мажбур қиларди.

Ўғри–каззоблар ичкарида ўтириб чой ичиб телевизор кўришарди. 159 билан қамалганларни эса ташқарига олиб чиқиб, мадҳия куйлатишарди. Мени статям 159 бўлмагани учун бу отряддаги ТСБлар мени ташқарига ҳайдамай қўйишди. Бир–икки марта ўзим уларни ёнига чиқдим. Улар ташқарида туриб мадҳия куйлаганда мен ичкарида ўтиришимга қандайдир виждоним қийналди. Чиққанимда улар «Сиз кетинг. Нима қиласиз бу ерда сизни чақиришмаган бўлса?» деб қайтаришганди.

Менга унчалик эътибор қаратилмаганига бир томондан озроқ хурсанд ҳам эдим. Лекин, бу хурсандчилигим узокқа бормади. Бу отряддаги диндорлар орасида Нодир деган Тошкентлик йигит бор эди. Обид қори акани жамоатидан бўлган бу йигит гапирганда ҳам қироат билан гапирарди. У қуръонни Судайсий қироатида ўқирди. Мен унга баъзида сектор ичида юрган пайтимизда қуръон ўқитиб тинглаб ўтирардим.

Ўша пайтларда Обид қори ака бекиниб юрган пайтлар бўлган. Уни тополмагач МХХ буларни уйини мусодара қилиб, олмоқчи бўлган экан. Шунда бу йигитлар уйни ҳимоясига чиқишган эканлар. Кейин буларни ушлаб баъзиларини қамашган экан.

Доктор Акмал Бухорий эса диний илми йўқ эди. У ва доктор Баҳодир мендан Воқеъа ва ар Роҳман сураларини шу ерда ёд олишди. Бу ерда қуръон китоби йўқ эди. Маҳкумлар билганларини билмаганларига ўргатардилар. Бу ўргатишлик ё оғзаки ва ёки парча қоғозга ёзма шаклда бўларди. Мен бу отряддагилар ичида илмироғи бўлиб чиқдим. Улар мендан қуръонни парча қоғозга ёзиб, уларга ўқитишни илтимос қилишди. Мен арабча қуръон оятларини ёза олишимни шу ерда билганман. Одатда олдин бунга эҳтиёж бўлмаган учун билмасдим.

Кейин, у ерда кимгадир у сурадан, кимгадир бу сурадан парча ёзиб беришга тўғри келарди. Улар ёдлагач, бу парчаларни ёкиб ташлашарди. Шу тариқа кимлардир қуръонни анча бунча ёдлашга муваффақ бўлишди. Ўз навбатида турли ақидавий масалаларда суҳбатлар бўларди.

Ҳизбий биродарлар билан келишмайдиган мавзуларда гаплашмасдик. Лекин, уларга ҳам тўғри келадиган мавзуларда ўзаро суҳбатлар бўларди. Бу нарсалар ташқаридан қараганда кўзга кўринмайдиган суратда амалга ошириларди.

Ҳизбийларни аксарияти олдин ҳужраларда ўқишган ва кейин ҳизбий бўлишгани учун уларнинг кўпи куръон ўқишни баъзи диний масалаларни билишарди. Бундан ташқари ҳизбийлар ўзлари орасида варақага ёзилган матнни тарқатишарди.

Бу матнда ташқаридан келган қандайдир хабарлар бўларди. У ё бу масалани таҳлили ва уларни ўз йўлида мустаҳкам бўлишга чорлайдиган ҳикоялар ва мисоллар ва шунга ўхшаган нарсалар бўларди. Бу хабарлар баъзилари учрашувга кириб чиққан ҳизбийлар тарафидан варақага ёзиб тарқатиларди. Улар орасида ўзаро алоқалар мустаҳкам эди.

Бу ерда ҳам ҳар куни диний маҳкумларни, намоз ўқиганларни ушлашса, ТСБлар отрядникка ёзиб беришар экан. Отрядник кабинетида уриб сўкиб, баъзида штабга олиб борар ва Санакулни олдига киргизарди. Санакул намозга қаттиқ қаршилиқ қиларди. У намозхонларни ўн–ўн беш суткага изоляторга қамаб, уриб, калтаклаб оч қўйиб, қийнаб чиқарарди. Бу нарса бутун зона бўйлаб давом этарди. Бизни отрядимиз ҳам бундан мустасно эмасди. Намоз ўқишга қаршилиқ қилишлиқ ТСБларга ҳам қулай ўлжа эди. У намоз ўқиётган диндорни ушласа ё уни штабга олиб бориш билан кўрқитиб бирор нарсасини олар ёки штабга олиб бориб калтаклатиб ё қаматиб юборарди.

ТСБлар сигаретаси тугаб қолса, «Бирортасини ушламасам бўлмайда» деб овга чиқарди. Қўлга тушган намозхон ҳам унга бир пачка сигарета бериб қутулганига хурсанд эди. Аммо, сигарета ҳамма вақт ҳам топилмасди.

Диндор маҳкумларга учрашувга кирса зонага олиб чиқиши мумкин бўлган юк миқдорини саккиз кило қилиб қўйилганди. Ўғри каззобларга қанча бўлсада мумкин эди. Бу саккиз кило нарсани ўтказиш қонуни эса, шу зонада умумий очлик ва танқисликни ушлаб туриш учун жорий қилинганди.

Юқорида таъкидлаганимдек диндор маҳкумлар уйидан тез–тез келишарди. Уларга бир йилда икки мартага узоқ муддатли уч кунлик учрашув мумкин эди. Бу муддат ичида уларнинг аксарияти албатта учрашувга кириб туришарди. Шунингдек, яна икки марта посилка ва бандерол олиш каби имкониятлари бор эди. Уйидагилар агар имкониялари бўлтиб келиб туришса ва маҳкумларнинг «пули» бўлса, тўқ яшашлари мумкин эди.

Саккиз килолик режим ўрнатилгач, буларни имконлари камайган. Аммо, барибир ҳали умуман қуриб битмаганди. Шу сабабли ТСБлар одатда диндор маҳкумларни овлашарди. Уларда эса сигарета ва чой билан қутулиб қолишарди. Буям улар учун тирикчиликнинг бир тури эди.

Мени тушунганим шу бўлдики, бу ерда намозларни у бу ерда ўтириб имо ишора билан ўқиб олса бўларди. Бу ерда Карантиндаги каби кечаю–кундуз қаттиқ назорат остида бўлмасдик. Менга эса моддам 159 бўлмагани учун ТСБларнинг унчалик эътибори катта эмасди. Мен намозларни у бу ерга ўтириб бошимни қимирлатиб ўқийдиган бўлдим. Бунга ҳам анчагина хурсанд эдим.

Турмадаги ҳаёт ҳақида мен бир қатор шеърлар ёзганман. қуйида шулардан бирини эътиборингизга ҳавола қиламан.

Лагер ҳаёти

Саратон, – қиздирар саҳро куёши,
Маҳкумлар қочишга жой тополмайди.
Ҳар кимда бир ташвиш, қотади боши,
Ким тамаки, кимдир чой тополмайди.

Ҳамма одамда бор ташвиш–муаммо,
Дилларда яшайди бир илинж–туйғу.
Ҳар кимни миллати дини бўлакдир,
Лекин, барчасида бор битта орзу.

Одамзод тушса гар, бу карахт ҳолга,
Қадру–қимматлар ҳам поймол бўларкан.
Йўқдир ҳеч эътибор, кексага–чолга,
Фикру зикринг нон, чекиш, чой бўларкан.

Бор экан бу жойни тартиб қонун,
Бўларкан доимий фуқароси ҳам.
Йўқ уларда уй–жой, оила, фарзанд,
Шу ерда яшайди, улар “хотиржам”.

Субҳдан–шомгача, ҳар хил эрмаклар,
Бу ерда бекадр–энг бебаҳо неъмат.
Йиллаб шу аҳволда, минглаб одамлар,
Ўтади беҳуда умр–ҳаёт, –вақт.

Бу ерда ҳам бордир, “камбағалу–бой”.
Бордир алоҳида”пул–воситаси”.
Кимда кўпроқ бўлса, сигарет–носвой,
Бу “мамлакат”–да шу, “бойлик”–эгаси.

Бу ерда ўғрию–жосус–фирибгар,
Тиламчи сурбет кўп, ажабланмайсан.
Бу ерга йиғилган жиноятчилар,
Шуларни биттаси, бўласан сен ҳам.

Ана шу муҳитда, яшар одамзод,
На маъно, на мантиқ, бор ҳаётида?
Кутишар бир куни, бўлишни озод,
Бошқа нарсаси ҳам, йўқ бисотида.

Кунлар, ойлар, йиллар ўтаверади,
Тонг отар, кун ботар – ҳар кун шу аҳвол.
Ўлган ўлар, қолган кутаверади,
Буни тушунтириш ҳам, амри-маҳол.

Шуларни ичида яшаб, бизлар ҳам,
Жазо муддатимиз ўтаб борамиз.
Кутиб умид билан, илтижо қилиб,
Хайрли оқибат, сўраб борамиз.

.....

Мени зонадаги 3–секторнинг 9–барагидаги иккинчи куним охирласада, ётишга жойим йўқ эди. Бу отрядда одам ниҳоятда кўп бўлиб, уч қаватли шконкаларни учинчи қаватидаги ҳар бирида иккита маҳкумни орасига биттадан диндор маҳкумни ётқизганди. Мени ҳам бу кеча мана шундай икки кишини орасига ётқиздилар. Бу иккаласи аниқ матрас устида каравотда ётарди. Мен ўртадаги темир устида ётардим. Бошқа диний маҳкумлар ҳам шундай эди. Бизда на матрас ва одял ва ёстиқ бор эди. Биз кийимларимизни ечмасдан ётардик. Бизни улар орасига ётишимиз албатта уларга ёқмасди. Улар зовхозни айтганига ноилож бўлиб, унга индамасдилару, лекин, бизни униси бу ёққа сурса, буниси у ёққа суларди.

Маҳкумлар битлаб кетган ва кечаси билан қашинардилар. Мени ҳам бит босган бўлиб, бир томондан улар қонимни ичиб уйку беришмасди. Бу иккаласини орасида ётишни ўзи азоб эди. Бу инсон зоти тарихида бўлмаган кўз кўриб, қулоқ эшитмаган азоб эди. ИАК деган золим минглаб маҳкумларни қамаб, турмаларни тўлдириб юборганди. Энди уларга одамдек яшашга имкону шароит яратиб беришга ожиз эди. Шунга қарамай уларни озодликка қўйиб ҳам юборишмасди. Додингни кимга айтишни билмасдинг. Осмон узоқ ер қаттиқ эди.

Бу ноинсоний муносабат эди. Бу уларга ҳам бизга ҳам зулм эди. Кечаси билан ухлолмасдан, бушлатга ўралиб ётиб мудрардик. Учинчи қават шундай шипни ёнида бўлиб, каллани кўтариш имконсиз эди. Нафас олишга ҳаво етмасди. Барақда одам кўплигидан иссиқ ва сассиқ бўларди. Айниқса, қиш кунлари бўлгани учун ҳамма иссиқроқ кийимлар кийишарди. Бу ерларда ҳаммом деган нарса ҳар отрядга ҳафтасига бир кун бўлар экан.

Товоқсойда истаган куни бориб чўмилиш имкони бор эди. Бу ерда ҳар отрядни ўз ювиниш куни бўлиб, бошқа куни ҳаммомга бориш имконсиз эди. Зонадаги ҳаммомга шу отрядда пайтимда борганман. Бу ҳаммом дегани кичкина иккита хонадан иборат ер бўлиб, бу ерда тўрт–бешта души бор. Сув оқиб туради. Унинг тагида беш–ўнтадан маҳкум навбати билан ювинишга туради. Ҳаммаси онадан туғилган пайтидагидек бўлиб олишади. Товоқсойда ўғрилар одатига кўра мужиклар доим ҳаммомга турсида киришарди. Бу ерда на ўғрини тушунчаси ва тўғрини ва на динни тушунчаси бор эди. Буларда на уят ва на ҳаё ва на одамгарчилик қолмаганди. Диндорлар эса трусиларда киришарди.

Лекин, истайсанми йўқми униси ё бунисини авратига кўз тушарди. Бунданда ёмони тор ерда тикилинча баданлар бир бирига тегиб кетарди. Жуда ифлос ерлар эди. Жуда ифлос шароитлар эди. Такводорлар бунақа ерга тушиб қолсалар гангиб қолишлари аниқ эди. Мен ҳам шунақа гангиб, ҳали ўзимга келолмай юрардим. Чўмилмасдан яшаш ҳам имконсиз эди. Чўмилишга бориш ҳам шунақаларни орасида юришга тўғри келарди. На чора? Инсон зоти ҳамма нарсага кўникар экан. Вазиятга мослашар экан.

Ҳаммомга ҳафтада бир куни борардик. Шу сабабли бирортамиз жунуб бўлиб қолсак, чўмилиш имконсиз эди. Ўшандай пайтда деворга ғусл нияти билан таяммум қилардик. Бу ҳолат то яна чўмилишга имкон бўлгунча давом этарди. Чўмилишга имкон янаги ҳафтада бўларди. Баъзида, отрядник жазо сифатида намоз ўқиганда қўлга тушган маҳкумга ҳаммомга боришни маън қилиб кўярди. Мана шунда қаттиқ жазо бўларди. Менга ҳам бир ой ҳаммомни маън қилишганда, ачиб–бижғиб, қуртлаб кетганман. Битлар еб қўйишганди. ТСБлар истаган пайтда ҳаммомга бора олардилар. Зонада бошқа маҳбусларга бундай имконият йўқ эди.

Диндор маҳкумлар ўзаро ҳазиллашиб у бу кимни таяммум қилаётганлигини кўрсак, фалончи девор ушлаб қолибди деб кулишардик. Мана шундай зона эди бу. Мен бунақа ерни борлигини тасаввур ҳам қилолмаганман. Мен ўйламаган ва кутмаган балога учрагандим. Иккинчи ва учинчи кечаларда мана шундай икки маҳкум орасида ётиб тонг оттирдим. Бунақа уйку уйку бўлмасди. Жуда ҳам жисмонан ҳам руҳан эзилардим.

Тўртинчи куни зовхозни олдига бориб, «Менга бир жой бермасанг бўлмайди» дедим. У «Жой йўқ, бўлса берардим, лекин иложи йўқ, одам кўп, жой йўқ» деди. Мен унга «Ундай бўлса бир илтимос, мени кимнидир ўрнига ётқиз, лекин, бир каравотда ўзим ётай. Икки одам орасига эмас» дедим. У «Отрядникка айт» деди у. «Хўп» дедим. Отрядник келганида олдига кирдим. Бу ифлос бизни одам ўрнида кўриб гаплашмас эди. Бу отряд ишламайдиган безделникларни бараги деди у.

«Сенлар ишламай фақат еб ётибсизлар бу ерда. Шунинг учун жой йўқ. Агар промкага чиқсанг, ана биринчи секторга борсанг жой бор. У ерда ҳамма ишлайди. Уларга биттадан каравот берилади» деди. Мен унга «Майли мен кетаман шу ёққа, мени ўтказинглар промкага» дедим.

Мен одамга ўхшаб яшайдиган шароит излаётгандим. Бундай шароит ўша ишлайдиганларда бўлса ишламоқчи эдим. Лекин, қазони қарангки, мени ишга ҳам чиқаришмади. Шундай қилиб Зонага янги 2001 йил кириб келди. Бир кун олдин 30 декабрда ҳаммамизни қишки клубга йиғиб, зонанинг зобитлари ҳаммаси йиғилиб, маъруза қилишди. Клубга ТСБлар ҳамма маҳкумларни мажбурлаб олиб боришар экан. Бозоров қисқа маъруза қилгач, замполит сўз олди.

У зонада янги йилни кутишга катта таёргарлик бораётганлигини ва ош берилишини ва ҳаказо тадбирлар бўлишини маълум қилди. Янги йил муносабати билан қанча маҳкумга қандай мукофотлар берилгани айтилди. Бошқа зобитлар ҳам сўзга чиқиб бир йил ичида қилган ишлари ҳақида қисқача ҳисобот бердилар. Бири олиб бири қўйиб ҳаммаси Азиз Бозоровичга раҳматлар айтишди. Янги йил кечаси Мирзабек Холметов ташриф буюриши маълум қилинди. Қарсақлар.

Бунақа пайтларда зонадаги маданият бўлимида ишлайдиган маҳкумлар чиқиб маъруза қилишар экан. Маданият бўлимидаги маҳкумларни замполит назорат қиларди. Рустам Усмонов у ерда ишлайдиган маҳкумларни каттаси экан. «Рустам банк» деб номи чиққан бу банкирни лақаби чувалчанг эди. У чиқиб, маҳкумлар номидан Азиз Бозоровичга маҳкумларга кўрсатилаётган ғамхўрликлар учун мингдан минг ташаккурлар айтди.

Обидхон Аскаров ҳам бу бўлимда ишлар экан. У мен яшайдиган секторда эди. Уни эски замондан бери қамалганлигини ҳамма биларди. У ўша тўқсонинчи йилларда қамалганди. Унга аавалига уч йил муддат бериб, кейинчалик бир неча марта қайта қайта раскрутка қилишганди. Бу одам бу ерда мана шу тарбиявий бўлимга ўтган экан. У диндор маҳкумларга маъруза қиларди. Мен бу кишини у бу ерда гапирган гапларини эшитиб, уни диний илмдан беҳабар эканига амин бўлдим. Лекин, у қуръонни яхши ўқирди.

У оратор эди. Касби адабиёт ўқитувчиси бўлган бу киши гапга уста эди. Лекин, у гапларни ақидани тушунган одамлар эшитса, бу гапирувчида буни илми йўқлигини тушунарди. У ментларга хизмат қилаётганига озроқ хижолат ҳам бўларди. Айни пайтда уни бошқа чораси ҳам йўқ эди. Лекин, у нисбатан холис одам эди. Кўп йиллар ўтирган ва руҳан чарчаганди. У маърузасида ҳизбут таҳрирдан қайтишни ва ҳаказо шунга ўхшаган маърузаларни қиларди.

Хайруллоҳ Ҳамидов деган кимса ҳам 47 зонада худди шунақа ерда ишлаганини айтганди. Бизга эса бунақа ерда ишлаганлар кимлиги маълум эди.

Бу маданият бўлимидагилар битта видео ишлашган экан. Бу видеони бизга қўйиб беришди. Видео бошланишида бир маҳкум овози янграй бошлайди. Бу ҳизбутлардан бўлган маҳкум тарбиявий бўлимга ўтиб олганди. У кинода бу зонага келаётганда қўрққанлигини айтади. Аммо, қараса уни ҳеч ким урмабди. Уни меҳрибон зобитлар кутиб олиб, унга янги кийим бош кийдиришибди. Қараса зона худди паркка ўхшар экан.

У истироҳат боғида юрганидек ҳис қилибди ўзини. Унга яхши овқатлар беришибди. Уни ювинтиришибди. Унга кутубхонада илм олишга имконият беришибди. Унга Юлдуз Усмоновадек артистларни концертини кўришдек бахтга муяссар қилишибди шу зонада. Хуллас, бу кимса бахтли экан. Бу бахтга албатта мустақиллик шарофатидан эришган экан. Бунинг учун ИАКга ва Азиз Бозоровичга ташаккурлар айтар экан.

Кинонинг мазмуни мана шулардан иборат эди. Сценария муаллифи Рустам банк эди. Бозорович мамнун эди. Зобитлар ҳам қарсак чалишарди. Фақат биз хурсанд бўладиган нарсани кўрмасдик. Қарсак чалишга мажбур эдик. Чалмасак чалдиришарди. ТСБлар ёнимизда туриб қарсакни эслатиб туришарди. Қарсак ҳар қандай зўравон тузумни безаб, айбини бекитиб турувчи воситадир. Бу ИАК кўп ишлатадиган воситадир. Буни унинг куллари ҳам ишлатишарди.

Эртасига 31 декабрь куни зонада дам олиш бўлди. Мужиклар Промкага бормадилар. Эрталабки текширувдан сўнг мадҳия айтилди. Ва соат ўнга қараб секторлар эшиги очилди. Зонадаги катта колонкадан мусиқа садоси янграй бошлади. Бу қарнайдан бу байрамда кимга қандай благодарност эълон қилингани ва ёки кимга қўшимча учрашув берилгани ва ҳаказо мукофотлар ўқиб эшиттира бошлади.

Бир йилда бир марта бўладиган мўъжиза юз берди. Бошқа секторда яшайдиган маҳкумлар бу сектордаги таниш билишларини кириб учрашишга имконият берилди. Стадионда соат фалонда тўп қайсидир команда тўп ўйнаши маълум қилинди. Хуллас, омон–омонлик бошланди. Бу эркинлик атиги бир кун бўлди халос.

Шу куни намозларни чеккароқда рукуъ ва сажда билан ўқишга имконият бўлди. Бу бу ерга келганимдан бери рукуъ ва сажда билан ўқилган биринчи намозим эди.

Хуллас, бу кунни ҳамма маҳкумлар чинакамига байрам қилиб кутиб олишди. Ҳамма ўз таниш–билишини излаб у сектордан бунисига ўтиб бориб келишди. Ҳафизуллоҳни олдида Ҳизбутлар тўпланишди. Лекин, у назоратда бўлгани учун кўп ҳам туролмасди.

Мен уни олдига бориб икки минут салом–алик қилдим. Бундай шароитни борлиги ҳаммани қувонтирарди. Маҳкумлар бир–бирларига бирон нарса улашишга интиларди. Ҳамма хурсанд эди. Қаттиқ зулм остида турган одамларга бир кун эркинлик берилса ана шунда ҳақиқий байрамни кўрасиз. Биз Товоқсойда бунақа байрам шароитида йиллаб яшаганимиз учун ҳам байрамларни ҳис қилмасдик.

Янги йилни байрам қилиш ҳаром дерсиз балким?! Байрамини ўзи билсину бизга у пайтда янги йилми, эски йилми буниси қизиқ эмасди. Бизга бир кунлик эркинлик муҳим эди. Бу эса қувонишга арзийдиган нарса эди. Бундай байрамларни ёмон жиҳатлари ҳам борлиги кўзга ташлана бошлади. Тушликка одатдагидан анча кеч чиқдик. Буни устига бир чўмич ошни деб қорнимиз очликдан хуштак чалиб турди. Табиийки унга тўймасдик. Қий–чув бўлиб ошни тарқатишда ҳам маҳкумлар кўзлари қозонга олазarak бўлиб боқарди. Ужин эса яна ўша ҳамма биладиган ярим чўмич сувли каша эди.

Кечқурун бизни зонанинг ошхонасига олиб киришди. У ерга Мирзабек Холметов деган масхарабоз келармиш. Жой йўқлигидан ҳамма у ерга сиғмасди. Барибир мажбуран ўтирдик. Масхарабоз бир четда туриб анчагача алжиради. Бизга кўринмасди ҳам. Фақат овозини эшитардик. Шундай қилиб тўю–томошалар тугади. Баракка келиб апил–тапил намозларни ўқиб олдик. Кеч бўлиб қолгани учун тезда ётишга буйруқ берилди. Намозларни чеккароқда кўздан панада ўтириб, ёки тик туриб ўқишга имкон шу куни бўлди. Янги йилдан эса яна ўша ўша режимда ҳаётимиз давом этди.

Ментлар сархуш бўлиб ичиб олишганди. Улар ичган пайтда бизга нисбатан одамдек муомала қилишар экан. Кошки эди, ментларни барчаси кечаю кундуз ичсаю бизлар шунақа эркин юрсак деб орзу қилдим. Яна аллақайси ерга ётганимча очликдан овқат сўраётган ошқозонни овозини эшитмаслик учун аёлни бошимдан ошириб уйқуга кетдим.

Зонанинг кундузи вақт жуда оғир ўтарди. Кундуз куни бизни сектор ишга чиқмасди. Шу сабабли, эрталабки текширувдан кейин, бизни сектордан зонанинг турли ерига уборкага одам олиб кетарди. Секторни ичини у бу ерини тозалаш ёки оқлаш ва суваш каби ишларга жалб қилишарди. Айниқса зонанинг у бу ерини супурушга олиб кетгани ёмон эди. Куни билан қаердадир дайдиб тозалаб юриш керак бўларди.

Бунақа ишларга асосан 159 лар жалб қилинсада, табиийки, бошқалар ҳам борарди. Агар бундай ишлар топилмай 159 лар баракда қолсалар, унда уларни отрядда ўтказмасдан ташқарига олиб чиқишар ва тушликкача серкуёшни куйлатишарди. Ҳатто, уларга қараб команда бериб турадиган ТСБлар ҳам безор бўлиб кетишарди. Баъзида улар алмашиб униси кириб чой ичиб олса, бошқаси чиқиб, «раз, два, три» деб турарди. Бу команда тугаши билан 159 билан қамалган маҳкумлар жўр овоз бўлиб куйлашни бошлашарди. Бошқа отрядлар олдида ҳам шу аҳвол эди. 159ларга алоҳида кучли нафрат ва зулм бор эди. Бу зулм кечаси отбойдан кейин ҳам бирор соатча давом этарди. Эрталаб подёмдан олдин бошланарди.

159ларни соат олтидан олдин уйғотиб, ташқаридаги қорни куратишар ёки бошқа у бу уборкага жалб қилишарди. ТСБларга қаршилик кўрсатганларни отрядникка олиб киришарди. У истаса савар ва истаса штабга олиб бориб калтаклатарди.

Штабда режимниклар тезкор қидирув бўлими вакиллари тунги навбатчиликда қолишарди. Одатда улар тунда ичиб олишар ва бирма–бир 159чи маҳкумларни тунда штабга чақиртиришарди. Бу тунги чакирув маҳкумлар учун айниқса даҳшатлироқ бўларди. Баъзида, беш–ўнта маҳкумни у ё бу режимник чақириб, биттама–битта кабинетида урар ва масхара қиларди. Бошқалари эса калтак ейишга навбат кутиб туришарди.

Худди шу тахлит барча маҳкумлар калтак еб чиққач, баракка қайтаришарди. Тунги соат учда келиб ётиб, эрталаб яна шу азобда кун ўтказиларди. Штабга чақириладиганлар асосан намоз ўқиб қўлга тушганлар ва ёки ТСБларга қаршилик кўрсатганлар ва ёки уйидан посилка ва бандерол келганлар бўларди.

Бошқа маҳкумларга уйидан посилка келса, ёзги клуб деб аталадиган маданият бўлими маҳкумлар ўтирадиган ерга олиб тарқатишарди. 159ларга келган посилкаларни тунда штабда режимниклар ёки тезкор бўлим зобитлари тарқатишарди. Эсимда менга ўша пайтда кичкина бандерол юборишганди. Мен бу зонага келгач уйга хат ёзиб шу ерга келганимни маълум қилгандим. Албатта, мен ота–онамни қийнамаслик учун уларга бу хатда яна янги муддат олганимни ёзмадим. Мен уларга фақат Товоқсойдан шу ерга келганимни айтгандим.

Нафақадаги қари ота–онам менга бир посилка юборишибди. Бу кичкина посилкада маҳкумлар учун зарурий бўлган носки труси, дафтар ручка ва қотган нон бор эди. Вазни уч килоча бўлган бу қутичани тезкор бўлим бошлиғи муовини Баходир мени кўзим олдида очди. Мен штабга кечаси отбойдан кейин боргандим. Бошқа отряддаги 159ларга ҳам посилка келган экан. Уларни ҳам чақиргани учун Штабда ўнтача маҳкум йиғилиб боргандик.

Баходир ҳар бир маҳкумни яхшироқ таниб олиш учун олдин озроқ гаплашарди. У куни билан ухлаб кечаси навбатда ўтиришга келгани учун уйқуси йўқ эди. Биз эса куни билан итдек югуриб юриб, кечаси яна бу ерда туришимиз керак эди. У мендан Товоқсой ҳақида у бу нарсаларни сўраб, суриштириб, ниҳоят қутини очди. Қўли билан у бу нарсани кўтариб кўрсатиб, «Бу мумкин ва бу мумкинмас» деб ажрата бошлади. У қотган нонларни кўрсатиб «Бу мумкинмас» деди.

Мен нонни кўриб, оч қорним баттар қалтираб, очиқиб кетганди. «Баходир» дедим унга қараб, «Шу труси майкани ол. Нонни бер мен очман» дедим. У менга қараб «Йўқ, бу мумкинмас» деди ва нонларни олиб ёнидаги челақка ташлади. Шунақа жоним чиқиб кетдики, мен уни бу ерда начальниклигини ҳам унутиб, бақириб гапира бошладим. Бунақа муомалани у кутмаганди.

Мен Товоқсойда ментларга одатда шундай муомала қилардим. Буни ҳам ўша Товоқсойдаги ментлардан ортиқ ери йўқ эди. Лекин, бу ерда қаттиқ зулм ҳукмронлиги учун булар булар маҳкумларни қул қилиб олганлиги учун бунақа муомалани кўтаришмасди. «Нон мумкинмас» деди у кўзларини бақрайтириб. «Латта путталарингни олиб чиқ бу ердан!» деб буюрди. Менга эса бу труси майкадан кўра ўша нонлар муҳимроқ эди. Мен бир марта тўйиб овқат ейишни орзу қилардим. Қолган қутган нарсаларни олиб кабинетдан чиқдим. Аламим ўнта бўлиб, коридорда турган маҳкумлар олдида келиб турдим. Бошқалар ҳам бирма бир кириб чиқишди.

Шу штабда мени Хонқалик бир узоқроқ қариндошим дневалний бўлиб ишларди. У мени бир келганимда ўзи сўраб суриштириб, танишгандик. Маълум бўлишича у акамни хотини янгамни қандайдир қариндошларидан экан. У наркоманлиги бўлиб қамалган экан. Хуллас, ўшани шу ерда кўриб қолдим. Мен унга қараб, «Сен билан гаплашайлик» дедим. У штабда дневалний бўлгани учун биздек хору зор эмасди. Одамга ўхшаб кийинарди. ТСБлар уни танирди. У менга «Юр» деб биз турган ердан ташқарига, штабни олдига олиб чиқди. Мен ундан шу посилка ичидаги нонни олиб ташлаб юборганини ва мен очлигимни айтиб, «Менга ёрдам бер, шу нонни олиб чиқиб бер» дедим.

Бу антиқа илтимос балки бошқа пайтда қизиқарли туюлиши мумкин. Бу қандайдир пасткашликка ўхшаши мумкин. Лекин, бу ўта муҳим масала эди мен учун. Мени бир умр эсимдан чиқмайдиган иш қилди бу узоқ қариндошим. У ментни олдига кириб «Пақирни тўкиб келаман» деб олиб чиқди. Унинг ичидаги нонларни алоҳида бир пакетга солиб қўйиб, пақирни қайтариб ментни кабинетига киргизиб қўйди. Бошқалар олдида у менга пакетни бера олмасди. Шу сабабли ҳамма посилкасини олиб бўлгач, у ТСБдан сўраб мени олиб қолди. «Ўзим олиб бораман буни баракка» деб олиб қолди. Ментларга чой бериб чиқиб, мени ўзи ўтирадиган ерга олиб борди ва қўлимга ўша нон солинган пакетни тутқазди. Мен унга мингдан минг раҳматлар айтиб, штабдан чиқиб отрядга кетдим. Йўлда борар эканман пакетни очиб қотган нонларни ея бошладим.

Ментлар бошқа маҳкумларни ҳам қотган нонларини ҳам ташлаб юборган экан. Бу дневалний қариндошим уларни ҳам менга берганди. Мен бошқа биродарга келган нонларни ҳам олиб кетгандим. Уларни ота–онаси «Ўғлим есин» деб юборган нонларни мен олиб кетганимга афсусланардим. Уларни ўзлари ҳам оч ва шу нонга муҳтож эдилар. Мен буни уларга беролмасдим. Биз улар билан бошқа–бошқа сектор ва отрядларда яшардик. Мени эса хурсандлигимни чеки–чегараси йўқ эди. Мени штабдан бараккача ўзим келдим. Йўлда тинмасдан нон кавшардим. Мен қандайдир эркин эдим. Тунги соат икки ё учда барак ёнига келиб, ичкарига киргим келмасди. Нонни еб тўймасдим. Тангрига ҳамдлар айтиб, бошқаларни ҳам қотган нонларини мен олиб келганимга истиғфор айтардим.

Хуллас, нонимни ётиғим остига қўйиб, уйкуга ётдим. Эрталаб қолган нонларни Абдувоҳидга бердим. Бу нонни семейкадаги учта хизбий братишкам билан бирга едик. Бу нон тарихини уларга айтдим. «Баъзи нон бўлаклари меники эмас, ўша қайсидир отряддан борган хизбийларники» дедим. Хуллас, ўшаларга дуо қилиб нонларни едик. Бу менга биринчи марта посилка келганидаги содир бўлган воқеа эди. Ҳали келажакда бунданда ажойиброқ воқеалар кутаётганлигини мен у пайтда албатта билмас эдим.

Зонанинг маҳбуслар учун деярли фалажланиб қолган ва маҳкумларга мутлақо манфаат келтирмайдиган қисми бу – санчасть эди. Санчастьга боришлик ўзи катта муаммо бўларди. Кимдир у ерга бормоқчи бўлса, зовхозга бир кун олдин ёздириб қўярди. Эрталабки текширувдан кейин отряддаги зовхоз ТСБни чақириб, шу рўйхатдаги маҳкумларни санчастьга олиб боришни тайинларди. Бошқа отрядларда ҳам шундай қилишарди. Шу сабабли эрталабдан барча сектордан ўттиз қирқта маҳкум чиқиб, санчастьга йўл оларди. Йўлда ҳам мадҳия куйлашга мажбур қилинарди. Санчастьга борганда у ердаги ТСБлар ҳаммани сафга тизиб қўярди. Юз – икки юз маҳкум врачга учрашишга келарди.

Табиийки, бу ердаги икки–учта врачни буларни қабул қилишга вақту имконияти бўлмасди. Медицина ёрдамига мухтож маҳкумлар туриб–туриб, оввора бўлиб қайтиб кетардилар. Баъзида у бу ТСБлар ҳаммага қандайдир аналгинми аспиринми деган таблеткани тарқатиб, орқага қайтариб юборардилар. Бу ерга келиб бирор марта одамга ўхшаб докторга учраб дардимни гапириб, даволанганимни эслай олмайман. Менинг дарду–аламларим табиийки, шеър бўлиб қоғозга тушарди. Бу шеърларни баъзиларини мен зонадан уйга юборишга муваффақ бўлганман. Лекин, кўплари йўқолиб кетганди.

Шу омон қолган шеърларимдан биттасини эътиборингизга ҳавола этаман.

Ё раб, Сенга айтмай, кимга айтаман?,
Ғамлар юрагимни вайрон айлади.
Зулм ҳаддан ошди, сиғмас дилимга,
Ақли–хушим олиб, ҳайрон айлади.

Нечук ҳасратларда куйди, бу диллар,
Баён қилолмайди сўзласа тиллар,
Ғурбатдаги ғариб ман, неча йиллар,
Қайси айбим учун, сарсон айлади.

Бир тафаккур қилиб қарайман гоҳи,
Қуръон, узоқ тарихларнинг гувоҳи,
Нима бўлган эди–айтинг, гуноҳи,
Юсуфни, ким банди зиндон айлади?!

Булбуллар ҳам айрилгай, гулзориндан,
На фойда эндиги оҳу–зориндан,
Йироқ тушса ким, эл–юрти–ёриндан,
Ҳасрат ўти бағрини қон айлади.

Ё раб, дилимизга, сабру–сабот бер,
Бир тақволик, офиятлик ҳаёт бер,
Икки дунёда ё Роббим нажот бер,
Банданг Сенга, арзин аён айлади!

Мен қуръондан ўқиб, қилдим дилга жо,
Кимда бўлса Ҳақдан, хавф–ила рижо,
Кимки, сабр қилиб қилса илтижо,
Аллоҳ, мушкулларин осон айлади!

Ё раб, Ўзингдирсан ёлғиз Илоҳим,
Ҳузурингдир, балолардан паноҳим,
Кечир фазлинг билан, кўпдир гуноҳим,
Гарчи Санга, Саҳвий исён айлади!

2001 йил Январ

2001 йил йил январиди Навоийда зонада қиш қаттиқ совуқ келди. Бу ерда қор кўринмасди. Совуқни даражаси ҳам балки унчалик каттамасдир билмадим. Аммо, тинмай эсадиган изғирин ёмон эди. Биз маҳкумлар жуда юпун кийингандик. Бошқалар топса фуқаролик ички кийимларини кийишлари мумкин эди. Бизга мумкинмас эди. Бизга зонада бериладиган кийимни кийиб, устидан роба ва устидан чириган бушлат кийишга рухсат бор эди халос.

Шу йили бутун Республика бўйлаб қама–қамалар авжига чиққанди. Телевизорда кунда–кунора мамлакатнинг у бу шаҳари ва вилоятдан «мустақиллигимизни кўролмайдиган қора кучлар, динимизни ниқоб қилиб олиб, ёшларни йўлдан урганлиги ва аллақайси масжидда кимларгадир қуръондан таълим берганлиги ва қайсидир диний оқимга кимларнидир аъзо қилганлиги» ҳақида кўрсатувлар бериларди.

Одатда бунақа кўрсатувларни бошланиши олдидан баракдаги ҳамма маҳкумларни телевизор олдида мажбуран йиғиб, кўришга мажбур қилинарди. Ҳар икки кунда бир шунақа кўрсатувлар кўрардик. Диний пешволар чиқиб, бири олиб бири қўйиб, Мустақиллик шарофатида Ўзбекистон гуллаб яшнаганлигини ва буни кўролмайдиган қора кучлар мамлакатда турли фитналар чиқаришга уринаётганлиги гапирардилар.

Ўша пайтларда Муфтий Абдурашид Баҳромов эди. Дин ишлари бўйича Президент ҳузуридаги давлат қўмитаси раиси Фозил қори Ёсин ўғли эди. Тошкент шаҳар Бош имом хатиби Тошкент шаҳар бош имом–хатиби Анвар Қори Турсунов эди.

Бошқа кўплаб имомлар ва асосан Муҳаммад Солиҳ Муҳаммад Юсуф «адашган»ларни тўғри йўлга чорлаб, ТВда тез–тез маърузалар қилиб туришарди. Булар 1999 йилги портлашлардан сўнг шу лавозимларга тайинлангандилар.

Муфтий Абдурашид Баҳромов 1998 йилдан бери Диний Бошқармага раислик қиларди. Ўша йили ИАКнинг талабига биноан 1993 йилдан бери хорижда яшаётган собиқ муфтий шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф ҳам Ўзбекистонга қайтиб келди.

Бу шайх билан ИАК орасидаги келишувга кўра, бу кимса энди Ўзбекистонда пайдо бўлган турли диний оқимларга қарши курашиши керак эди. Бу шайх аввал муфтийлик пайтида ҳам «Ҳанафий мазҳабига ҳамма амал қилиши керак» деган фикрда бўлган ва бунга амал қилмаган имомларга қарши курашганди. Энди эса унга айна муддао бўлди.

Энди унга муҳолиф имомлар қолмаган эди. Унга муҳолиф бўлган машҳур имомлар йўқ қилинганди. Қўқон Жомеъ масжиди имоми бўлган Муҳаммад Ражаб (Тоштемир Нурматов) 1994 йилдан бери қамокда қолаётганди.

Намангандаги Гумбаз жомеъси имоми Абдулаҳад қори (Аҳад Барноев) ўша пайтда 17 йилга қамалди. Муфтийнинг эски муҳолифларидан бўлган Ислон Уйғониш партияси раиси Абдуллоҳ Ўтаев 1992 йил декабр ойида ўғирлаб кетиб, йўқ қилинганди.

Муфтийнинг мангу рақиби бўлган Андижон жомеъси имоми Абдували қори Мирзаев ва унинг шериги Рамазон Маткаримовлар 1995 йил Тошкент Аэропортидан ўғирлаб йўқ қилинганди. Муҳаммад Содикқа қарши имомлардан бўлган Обид қори Назаров эса имомликдан бўшатилиб, ҳукумат тазйиқидан қочиб, яшириниб юрган пайтлар эди.

Мамлакатда энди МСМЮга қарши гапира оладиган кимса қолмаганди. Унга қарши имомларни йўқ қилиб бўлгач, ИАК уни таклиф қилди. Табиийки, бу кимса ўзига берилган катта миссия билан келди. Уни оёғи Тошкентга етиб улгурмасидан чоп қилинган «Ихтилофлар ҳақида» номли китоби зоналарга кириб келди.

Бу китобни зонадаги библиотекада уч–тўрттаси турарди. Маҳкумлар библиотекага бориб, бу китобни ўқишга мажбур қилинардилар. Ментлар қонунича гўёки, биз «адашган»лар эдик. «Тўғри» йўлдагилар эса шу расмий имомлар ва шайхлар эди. Улар ёзган китобларни зонада ўқишга рухсат берилиши ҳам аслида биз адашганлар тўғри йўлга солиш учун эди.

Ментлар аслида на динни ва на дунёвий қонунни тушунмайдиган махлуқлар эдилар. Лекин, буларнинг Тошкентда ўтирган катталари шу йўлни тутишганди. Қайси диний китобни ўқиш мумкину қайси мумкинмас деган масала ҳам тушунарсиз эди. Бу нарсага аниқлик киритадиган кимсани ўзи йўқ эди.

Товоқсойда пайтимизда зонада турли диний китоблар бор эди. Охир оқибат 1999 йилги портлашлардан сўнг зоналарда катта шмонлар бўлиб, китобларни йиғиштириб кетишди. Товоқсойда мени тумбочкамдан имоми Бухорийнинг тошкентда чоп қилинган саҳиҳ ҳадислар тўпламининг бир томи чиққани учун бир ойлик карцерга қамашганди.

Бу китоб йиллар шу зонада тургани ва бошқа маҳкумлар томонидан ўқилганига қарамай ментлар уни сақлашни ғайриқонуний деб ҳисоблашди. Кейин эса зонага Диний ишлар қўмитаси тасдиқлаган китоблар рўйхати келди.

Бу рўйхатга кўра Тошкентда чоп қилинган қуръони карим ва ўша мени жазолашган саҳиҳ ҳадислар тўплами ўқиш мумкин бўлган китоблар жумласидан эди. Кейин, зонага машинада юриб китоб сотадиган ва маҳкумлар ўз ҳисобидаги пулдан ўтказиб сотиб оладиган магазин келиб қолди. Мен бориб қарасам ўша саҳиҳ тўпламнинг барча сони турарди.

Шу ерда турган тезкор бўлим бошлиғи майор Отажонов деган жингалак соч маҳаллий тожикдан «Командир, бу китоб учун мени бир ой изоляторга қамадингиз. Энди нега бу китобни бу ерда сотаяписизлар?» деб сўрасам, у тиржайиб, «Энди олиб ўқишинг мумкин, энди қамамаймиз» деди.

Бу ментларни довдираган пайтлари эди. Нима мумкину, нима мумкинмас – ўзлари ҳам тушунмасдилар. Навоийда кутубхонада диний маҳбусларни ўқисинлар деб турли хил диний китоблар келтиришганди. Ментлар фикрича бу китобларни ўқиб биз ўз хато йўлимиздан қайтишимиз лозим эди.

Бу китоблардан бири, юқорида айтганимдек шайх МСМЮни ўша «Ихтилофлар китоби» эди. Бундан ташқари бошқа шайх Абдулазиз Мансурнинг янги қуръон таржимаси ҳам бор эди. Бу кутубхонани каттаси Рустам Банк чувалчанг эди.

У келганларга столга ўтқазиб, у бу китобни ўқийман деса топиб берар ва айнаи дамда ўша маҳкумни суҳбатга тутиб уни йўлидан қайтаришга тавба тазарру қилишга кўндиришга ҳаракат қиларди. Мен кутубхонага борганимда у мени суҳбатга тортди.

Рустам Банк жуда кибрли, ўзига бино қўйган одам эди. У ўша ерда зонада ҳам отдан тушсада эгардан тушмасди.

У тинмасдан ИАКни мақтар ва унга ҳамду санолар ўқиб, диндорларни бадном қиларди. Шу иши учун унга кечаю–кундуз шу кутубхонада ўтиришга рухсат берилган эди. Бу ер уни деярли уйи эди. Қийналиб меҳнат қилмасди. Усти боши тоза юрарди. Калтак емасди. Лекин, у ҳам МХХ назоратидаги маҳкум бўлиб, бирорта амнистияга яқинлашганда уни ҳам бирор баҳона билан Изоляторга қамашарди.

Рустам Банк имкон қадар озодликка чиқишга интиларди. Шу учун лозим бўлган ҳамма нарсани икки юз фоизга бажарарди. Уни кутубхонада шахсий компютери бор эди. Мен компютердан узоқ одам эдим. У менга ўша эски совет пайтида чиққан оқ мониторли компютерни кўрсатиб, буни уйдан олдирганман деб мақтанганди. Мен компютер дегани шу оқ монитор деб ўйлардим. Интернетни эса умуман тушунмасдим.

Рустам Банк ўша пайтни даражасида энг крутой маҳкум эди. У компютерида ўтириб, ўзи китоб ёзарди. Бу китобни русча ва ўзбекча матнда ёзиб, оқ қоғозда принтдан чиқариб, шу ерга столлар устига бир нусхадан қўйиб қўйганди. У бу ерга келган маҳкумларга ўзини китобини ўқишни ҳам тавсия қиларди. Мен уни китобини ҳам у–бу ерини варақлаш «бахтига» муяссар бўлганларданман.

«Муҳаммадсолиҳ» дер эди у, менга қараб, «Мен Ўзбекистонда биринчи миллионер бўлганман. У қилдим, бу қилдим» деб, хуллас катта билимдонликни даъво қиларди у. У мендан қаерда ўқиганимни ва диний билимни қаерда олганимни сўради. Мен унга «Менда на диний ва на дунёвий илм йўқ ва бирорта диплом ҳам йўқ» деб жавоб бердим.

Буни эшитган банкир менга умуман илмсиз кимса деган фикрда муомала қила бошлади. Мен унга уни китоби бўйича саволларим борлигини айтдим. Мен ундан «Сизни китобда қуръондаги у бу оятни ва ёки ҳикояни ёзиб, ўзингизча шарҳлагансиз. Библиядан ҳам ва бошқа китоблардан ҳам қандайдир матнларни шарҳлабсиз. Бу нима ўзи?» деб сўрасам, у менга шундай тушунтирганди.

«Мен барча динларни бирлаштириб, келажак динини яратмоқчиман. Бу динда мусулмон, христиан, будда каби ҳар хиллик бўлмайди. Бу динда ҳамма инсонлар ўзаро тинч тотув яшайдилар. Бу ҳозирги динлар эса бу 21 аср талабига жавоб бера олмайди» деди у. Мен у билан мунозара қилолмасдим. У тенг шароитда туриб гаплашмасди. У икки гапни бирида мени ва барча диндор маҳкумларни саводсизлигимизни айтишни унутмасди.

Мен бу кутубхонада ўтириб, турли китобларни ўқидим. МСМЮни "Ихтилофлар ҳақида" китобини ҳам, Бурҳониддин Марғилонийнинг «Ал Ҳидоя» асарини ҳам ва ИАКнинг бир неча қарийб ўнтача китобини ўқидим. МСМЮни "Ихтилофлар ҳақида" асари асосан ваҳҳобийларга ва уларнинг имомларига асосан Абдували Мирзаевга қарши ёзилган китоб эди. МСМЮ зулм билан ўғирлаб йўқ қилинган рақибидан аламини олмоқда эди. Бу китоби МСМЮнинг бошқа китобларидан кўра алоҳида муҳим аҳамият касб этади. Бу китоб уни мусулмонларга қилган хиёнатига очиқ ойдин далил эди. У ҳаммани ҳанафий бўлиши шарт деган иддаоси, динда асли йўқ куруқ сафсатадан бошқа нарсамасди. Мен бу китобни алам билан ва бу шайхга нафрат билан ўқиганман.

Мен шуни алоҳида таъкидлашни истар эдимки, ИАКни китобларини ўз ихтиёрим билан ўзим олиб ўқиганман. Мен бу кимсани кимлигини ва унинг дунё қараши қандайлигини аниқроқ билишни истардим. Диний нуқтаи назардан унга бирор бир хулоса бериш учун уни ўрганиш керак эди. Мен уни ўргандим.

Агар ўша китобларни ростданам ўзи ёзган бўлса, ва бу китоблардаги фикрлар уники бўлса, мен уни ислом динидан ташқаридаги кимса эканига шак шубҳам йўқ. Шунингдек, Чувалчангни ҳам ўша пайтдаги фикрлари уни ислом доираси қолишига асло имкон бермасди. Чувалчанг пайғамбарларни осмондан ваҳий олганлигини инкор қиларди. Унинг фикрича бу китобларни пайғамбарлар ёзиб кетишган. Динларни улар ўзларича ўйлаб топишган. Улар ҳам худди Рустам банк сингари ўз даврининг илғор фикрли одамлари эканлар халос.

Рустам Банк дунёнинг яратувчиси борлигини ҳам инкор қиларди. У ашаддий рационалист атеист эди. Унинг бор илми мантиққа асосланарди. У коммунизм даврининг тарбиялаган типик вакили эди. Уни ИАКдан фарқи йўқ эди. Лекин, бу иккиси бир хил ақидадаги одам, бири иккинчисини қамаб, озодликка чиқармай турарди. Буниси тушунарсиз эди. Диндорларни қамалишини эса, тушунса бўладиган ҳолат эди.

Зонадаги диндор маҳкумларни кўпроқ шу кутубхонада ва клубларда тўплаб, уларга Обидхон Асқаров ва Рустам Банклар маъруза қилишарди. Улар ҳизбутларни ва ваҳҳобийларни адашганлигини ва ИАКни йўли тўғрилигини гапиришарди. Бундай мажлисларда асосан гапни банкир гапирарди.

Обидхон Асқаров очиқ ойдин ИАКни мактамасди. Мақтай олмасди ҳам. Унинг укаси Зайниддин Асқаровни Туркия ҳукумати Тошкентга топширган ва у ҳозир Тошкентда терговда экани хабари телевизорда пайдо бўлганди. Уни ва у алоқадор бўлган Ўзбекистон Исломий Ҳаракатини ўзбек режими Тошкентдаги портлашларни уюштирганликда айблаган эди. Акасини бундан қисман хабари бор эди.

Зайниддин Асқаров маҳкама жараёнларида Ўзбекистон Исломий Ҳаракати ва Эрк раҳбари Муҳаммад Солиҳга қарши берган кўрсатмалар берганди. Кейинчалик 2003 йилда сангородда у билдан учрашган ББС журналисти Паҳлавонга берган интервьюсида у бу кўрсатмаларидан воз кечганди. У 10 йил қамоқ жазосига ҳукм қилинганди. 2010 йилда озодликка чиқишга озгина қолганида турмадан ўлиги чиқди. Акаси Обидхон Асқаров эса 2012 йили охирида озодликка чиқди.

Бу зонадаги бўлаётган зулму зўравонликлар дунё бўйлаб акс садо бераётганди. Жасликдаги қийноқлар ҳақида турли манбалар ёритаётган хабарлар ва инсон ҳуқуқини ҳимоя қилувчи ташкилотлар тарқатаётган хабарлар жаҳон ҳам жамиятини эътиборини жалб қила бошлаганди.

Қўшни Афғонистонда Толибон Ҳаракати иқтидорда турарди. Бу куч ЎИХ деб аталадиган гуруҳга бошпана берганлиги ва уларни эртами–кечми Ўзбекистонга юриш эҳтимоли ИАКни каттиқ қўрқитарди. У ўз халқи ичидаги диний қатламни тугатишни ва шу йўл билан ташқаридаги хавфни агар улар ҳужум қиладиган бўлсалар ички ёрдамдан мосиво қилишни кўзлаганди.

Ичкаридаги диний гуруҳлар эса турлича кўз қарашдаги ва ақидадаги гуруҳлар бўлиб, уларни қўшни Афғондаги гуруҳга умуман алоқаси йўқ эди. Шундай бўлсада бу халқаро қалтис вазиятни ва мавжуд қўрқув ҳиссини ўз халқига қарши курашда амалда ишлатди. Бутун ОАВ ва телевиденияни ва расмий имомларни шу йўналишда ишлашга жалб қилди.

1999 йилги портлашлар ИАК учун бу репрессияга катта йўл очганди. Шу нарса уни қайта сайланишига ва ўз халқига қарши бемалол қатағон сиёсати юритишига имконият берди. Кейинги халқаро майдонда содир бўлган бошқа воқеалар ҳам ИАКни тарозисига тош кўйганди.

2001 йил Феврал

Ва ниҳоят 46 зонада яшай бошганимиздан бери бир ой умрим ўтди. 2001 йил феврал ойи кирди. Мен шу 9 отрядда ҳизбийлар билан бирга семейка бўлиб яшардим. Бу семейкани каттаси Абдувоҳид эди. Бу ажойиб йигитнинг мени ёдимда муҳрланиб қолган хусусияти шу эдики, у исқирт бушлатида эрталабдан туриб чиқишимиз ва бадан тарбия қилиб миска кружкамизни кўтариб ташқарига чиқишимизгача, чойхоначи мужикка кружкасини қайнатиб, чефир дамлаб, самосатни ўраб, тайёр бўлиб, олдида чефирни қўйиб бизни кутиб турарди. Мен чефирни Товоқсойда беш йил ўтириб ичишни ўргандим. Лекин, бу йигит олдин қамалмаганди.

У қамалганига уч–тўрт ой бўлган бўлсада, ўзини тутиши эски арестантлар каби эди. Унга мажбурлаб шу эски бушлатни кийдиришганди. Уни бошқа бушлат топсада, алмаштиришга имкони йўқ эди. Бу уни руҳан синдириш учун отрядник томонидан қилинган иш эди. Лекин, Воҳид руҳан ҳам тетик эди. Мен унга сенсираб гапирардим. У мендан ўн ёш кичик эди чамамда.

Унда диний маҳкумларга хос хусусиятлардан кўра, кўча болаларига хослик кучлироқ эди. У қўрқмайдиган мард бола эди. У фаросатли эди. Масалан менга бирор марта ўз ҳизбий ақидасини тарғиб қилмаганди. Ваҳолонки, у менга яхшилик қилаётган ва менга ҳозир ўз таъсирини ўтказаман деса айни вақти эди. Воҳид нафақат ҳизбий эди, у одамгарчилик тамойилларини тушунадиган инсон ҳам эди. Мен бундайларни кейинги ҳаётимда учратмадим.

Бу йигит ҳизбийлиги ва мени ҳизбга қаршилигим бизларни ўзаро инсоний муомала қилишимизга тўсиқ бўлмаганди. Унда ёш бўлишига қарамасдан ҳикмат ва раислик қобилияти бор эди. Уни бу семейкада бошлиқлиги эса, у бу ердаги ҳизбийларни каттаси бўлгани учун ва мендан олдин бу ерда яшаётгани учун эди. Қолаверса, семейка еб ичадиган нарсалар ҳам уларники бўлиб, менда ҳеч вақо йўқ эди. Мен фақат уларга қўшилиб, еб ичиб юрган эдим халос. Менга учрашувга биров келмаслигини мен унга олдиндан айтган эдим.

Одатда бундай семейкалар шунақа орқасида яқинлари тез–тез келиб турадиганлар орасида ташкил бўлиб, улар топганини ўртада ўзаро баҳам кўришарди. Лекин, кутилмаганда мўъжиза юз берди. Феврални 9да эди адашмасам, мени учрашувга чақириб қолишди. Одатда кимни учрашувга чақиритса, зонадаги ДПНК деб аталувчи зонанинг навбатчиси ўтирадиган бино тепасидаги микрофонда баланд овозда маҳкумларни фамилияларини ўқишарди.

Бу микрофондан одатда қўшиқлар баралла жаранглаб турарди. Баъзида у бу эълонлар ўқиларди. Бу карнайни овозини зонанинг барча отрядлари эшитадиган даражада баланд эди.

Мени ва бошқа аллакимларни узоқ муддатли учрашувга чақириб, фамилиялари ўқилган экан. Мен эшитмай қолибман. Абдувоҳид келиб Муҳаммадака сизни учрашувга чақиритишди деб қолди. Мен ҳайрон эдим. Мени ортимдан учрашувга келадиган одамим йўқ эди. Қари ота онам келолмасдилар. Уларни зонага келишига на пули ва на куч–қуввати бор эди. Қолаверса, укам ҳам Товоқсойда ўтирарди. Уни олдига хотини ва ёш болалари онда сонда бориб туришарди.

Мени олдимга ким келди экан? Наҳотки, ота–онам келишган бўлсая?!

Майли мен бориб биларман деб Абдувоҳидга қарадим. У менга «Устингизга тузукроқ бушлат ва роба топиш керак» деди. Дарҳақиқат бизни уст бошимизга қараб бўлмасди. Бунақа афтодаларни учрашувга келганлар кўрсалар кўрқиб кетишлари аниқ эди.

Шунга бўлса керак, доим учрашувга кирадиган диндорларни сал одам башара бўлишини талаб қилишарди ментлар. Мен у бу кимдан тузукроқ кийим ва бушлат олиб учрашувга кетдим. Бу Товоқсойдаги 1997 йилдаги охириги учрашувимдан бери иккинчи узоқ муддатли учрашувга киришим эди. Яна қачон кираман Аллоҳга маълум.

Йўлда мени учрашув томонга олиб бораётган ТСБ агар чиқсам бир пачка сигарета беришимни олдиндан талаб қила бошлади. Мен унга «Мени ота–онам келишган бўлса керак. Улар сигарета олиб келмайди ошна, улар мени чекмайди деб ўйлашади» дедим.

Йўлда мени режимниклар тўхтатишди. Улар мени уст бошимни кузатиб, озроқ шмон қилишди ва учрашув хонасига кирганимда яқинларимга бу зона ҳақида ҳар–хил гаплар айтмаслигимни тайинлашди. Бу ҳаммага қилинадиган процедура экан. Бу мени Навоийдаги биринчи учрашувим эди. Мен бунақасини ҳали билмасдим. Бу учрашув бу зонадаги биринчиси бўлгани каби, охиригиси ҳам бўлди. Бундан кейин менга учрашув бўлмади.

Хуллас, ҳамма ғарибу бечоралар ота–онасини кўрганда қувониши табиий бўлгани каби, мен ҳам қувонардим. Мени учрашувга киришни насиб этган Роббимга ҳамду санолар айтардим. Мен бу учрашув ортидаги катта синовлар борлигини ҳали у пайтда албатта билмас эдим.

Учрашувга дарҳақиқат ота–онам келган эканлар. Мени шмон қилиб учрашув хонасига киргизишгач, «Фалончи хонага бор» дейишди. Мен ўша номерли хонага кирганимда ота–онамни кўрдим. Кириб уларни бирма–бир узоқ қучоқлаб ўпдим. Улар ҳам, мен ҳам бахтиёр эдик. Мен улардан «Қандай қилиб келдинглар?» деб сўрадим.

Менга шуларни гапириб беришди. Мен Товоқсойда ўтирганимда у ердаги дўсту биродарларим бирин кетин озодликка чиқишганди. Шулардан иккитаси ўзларини машинасида мени уйимга боришибди. Ота–онамни олиб, бозордан майда–чуйда харид қилиб, уларни Навойга олиб келишибди. Улар ҳозир ташқарида меҳмонхонада қолишган экан. Учрашув тугагач, улар яна ота–онамни уйга олиб бориб қўйишар экан. Улар менга салом айтиб, бир хат ҳам бериб юборишибди. Аммо, ўша хатни шмонда ментлар олиб қайтариб беришмабди. Бор гап шу эди.

Мен буни эшитиб, ўша дўстларимга Аллоҳдан икки дунёда ажрлар беришини сўрагандим. Бундай олийжаноб инсонлар дунёда кам бўлади. Улар мени оилавий шароитимни ва ота–онамни қариллигини билиб, мени орқамдан келадиган бошқа одам бўлмагани учун, тириклигида мени кўриб қолсинлар деб, ота–онамни олиб келишган эди.

Аллоҳга қасамки, бу катта олийжаноблик эди. Бу тақво ҳақида фақат оғизда гапиришлик эмас, балким амалда кўрсатишлик эди. Мен ҳалигача шундай одамларни учратмадим. Гарчи улардан бойроқ ва бир неча марта ҳажга борганларни учратдим аммо, бирор ғарибга бир нарсани қилишга улар қодир кимсалар эмасди.

Онам айтишича хатни ментлар ўзлари менга беришар экан. «Майли. Хатни берса берсин, бермаса пишириб еса ҳам майли» дедим. Менга бу муҳим ҳам эмасди. Асосийси, мен дўстларимни соғ–омонлигини билдим. Ва ота–онам билан учрашдим.

Мен уларга бу зонада шароит Товоқсойдаги каби эркинроқ эмаслигини ва бу ерда анча қийинлигини қисқа тушунтирдим. Улар мендан олдин Товоқсойга укамни олдига боришган экан. Кейин, бу ерга келишибди. Укам соғ–омон экан. Менга олиб келган нарсаларини очдим.

Қорним тўйиб овқат емаганимга анча бўлганди. Бир банкада пиширилган гўшт бор экан. Олдин ўшани ейишдан бошладим. Кейин овқат пиширдик. Анчагина гаплашдик. «Маҳалла кўйда нима гап сўзлар? Қариндош уруғлардан ким бор, ким ўлди?» Хуллас, улар чарчаганди, чўзилиб қолишди. Менга фақат бир кунгина учрашув берилганди. Эртага улар кетиши керак эди.

Мен деярли ухламасдан ўтириб чикдим. Намозларни бемалол хотиржам рукуъ ва саждалари билан ўқидим. Намозни бемалол ўқишни катта неъматлигини юрак юракдан ҳис қилдим. Мен ҳали ҳам еб тўймагандим. Ошхонага бориб–келиб, у бу нарсани еб тўймасдим. Мени қорним тўйсада кўзим тўймаганди.

Эртага зонага олиб чиқаман деб ош қилдим. Улар менга анчагина нарсалар олиб келишганди. Қора чойни ўзи беш кило эди. Сигаретлар ва қанд–курс, хуллас бу нарсалар зонада энг муҳим нарсалар эди. Мен ҳеч нарсани ўйламасдан хотиржам тонг оттирдим.

Ота–онам эрталаб туриб бомдод ўкидилар. Кейин чой ичдик. Мен улардан агар кўришолмай қолсак рози бўлинглар деб рози–ризолик сўрадим. Сабаби энди қачон чиқаман? Чиқаманми йўқми? Ота–онамни бошқа кўраманми йўқми? Буларни барчаси мен учун илми ғайб эди. Улардан хизматларини қилолмаганимга узр сўрадим. Улар ҳам рози–ризолик тилашдилар. «Ҳали чиқасан ва уйланасан, биз сени болангни кўрамиз деб умид қилиб яшаяпмиз» деб кўнглимни кўтаришди. «Дўстларимга салом айтинглар» дедим. Хуллас, шунақа гаплашиб ўтирдик.

Соат тўққизларда мени эшигимни кимдир қоқди. Чиқсам шу учрашув хонасида юрадиган дневалний экан. Бу ерда катта пул эвазига бойваччаларгина дневалний бўлишади. Сабаби бу ерда зонадаги каби баланда емасдан яшашади дневалнийлар. У менга «Сени фалон хонада Санакул Рўзиевич кутаяпти» деди. «Ҳа ер ютсин Рўзиевичингни», дедим ичимда, «Менда нима иши бор экан эрталабдан? Хўп бораман» дедим. Ота–онамга ҳозир келаман дедимда, ўша хонага кетдим.

Кирсам икки юзи семизлигиданми ё ичганиданми қип–қизил бўлиб дам солинган шардек шишиб ўтирган экан. Мени кўриб башарасини бужмайтириб, «Сен кимсан?» деди. Мен ҳайрон бўлдим, «Командир чақиртирдингизми?» дедим. «Ҳа, сенга бу хатни ким ёзди?» деди у бир қоғозни кўрсатиб. «Билмасам» дедим. «Қанақа хат бу? Ўқисам бўладими?» дедим. «Йўқ» деди у ғазабланиб, кейин ўзи ўша хатга кўз югуртириб у бу еридан савол бера бошлади.

«Асадуллоҳ ким? Сен имом бўлганмисан? Маҳмуд ким? Рустам ким?» «Командир булар Товоқсойда ўтирган ошналарим. Улардан салом–алик хат келибди шекилли, буни нимаси ёмон?» дедим. У башарасини менга бужмайтириб қарадида, индамай чиқиб кетди. Мен юрагим хижил бўлиб хонамга қайтдим. Энди нима бўлиши даргумон эди. Ота–онамга ҳеч нарса демадим.

Шу пайтда чиқа–чиқ бошланди. Биз ҳам нарсаларни кўтариб чиқа бошладик. Учрашув хонаси бошида турган режимник Шаҳобиддин деган ёш мент мени кўриши билан, худди кутиб тургандек, қўлимдан нарсаларни олди ва «Юринг ўлчаймиз» деди. Мен унга қараб, «Шаҳоб олиб чиқиб кетаверай» десам, «Йўқ, қонун бор, ўлчаймиз» деди. Тарозиси бир курсини устига қўйилган кичкина бир нарса эди. Бу касофат мени нарсаларимни битта сумкани қўйганида ўн килодан ошиб кетди. У менга ва ота–онамга қараб, ичкарига 8 кило олиб кириш мумкин халос деди. Хуллас, ош оғир эди.

Мен бу нарсаларни ичкарига олиб кира олмасдим. Бу золимлар шунақа усуллар билан зулм қилишарди. Бу нарсаларда ичкарида маҳкумлар муҳтож эди. Лекин, булар ичкарига киритилмасди. Ичкарида сунъий очлик ҳукмрон эди. Очлик дўзахдаги азоблар туридан ҳисобланар экан. Ҳатто дўзах азобларини энг ёмони шу очлик экан.

Қуръонда «Дўзах эгалари жаннат эгаларига: «Бизларга ҳам сувдан ё Аллоҳ сизларни баҳраманд қилган нарсалардан беринглар», деб нидо қилганларида, улар: «Аллоҳ бу неъматларини динларини ҳазил–мазах қилиб олган ва ҳаёти дунёга алданиб қолган кофирларга ҳаром қилгандир» деб жавоб бериши айтилади. Бу оят тафсирида уламолар айтишадики: дўзах эгалари олов ичида туриб, жаннат эгаларидан сув ва ейдиган нарсалардан беришни сўраяптилар. Демак, очлик ва ташналик азоби олов азобидан каттароқдир. Агар шундай бўлмаганда улар овқат сўрамаган бўлардилар.

Мен Аллоҳдан сўрайманки, шу ўзбек турмаларида мўминлар сунъий очлик шароити қилиб қийнаган ментларни ва уларни катталарини ИАК билан бирга қўшиб жаҳаннамдаги барча азоблар билан бирга очлик билан қийнасин. Улар динни ҳазил–мазах қилганликларини ўшанда тушунадилар. Аммо, буни энди манфаати бўлмайди.

Мен ноилож саккиз кило нарса олдим. Икки–учта нон ва ички кийим, носки, дафтар ручка ва ширинликлар саккиз кило бўлди. «Ошни олиб кирмайсан» дейишди. Қолган икки қоп нарсани ва тайёр пишган ошни ота–онамни қўлига бериб, улар билан йиғлаб хайрлашдим. Улар чиқиб кетишгач, мени учрашув хонасидан олиб чиқишди. Ташқарига чиқсам Азиз Бозорович турибди экан. Учрашув хонаси олдида қандайдир қурилиш кетаётганди. Мардонов шунга қараб турган экан. Аслида у мени кутаётган эди. Мен буларни анча кейин билганман. Мен уни олдида бордим ва «Началник сиздан илтимос мен ичкарида ош қилгандим, шуни олиб чиқишга рухсат беришмади. Шунга рухсат беринг» дедим. У қасофат менга ўзига хос бўлган кибор билан қаради–да, «Рухсат йўқ» деди.

Гапни қисқа қилиб, кейин менга қатор саволлар бера бошлади. «Сен Товоқсойда нималар қилгансан? Сен қанча одамни йўлдан урдинг? Сени деб қанча одам хонавайрон бўлди?...» ва ҳаказо... ва ҳаказо.... Мен қотиб қолдим. «Командир тушунмадим, нима деяпсиз?» десам, «Тушуниб турибсан ҳаммасини» деди. Кейин ёнидаги ментга қараб «Буни изоляторга олиб бориб қама» деди. Мени шу ердан сумкаларим билан изоляторга олиб кетишди.

Умримда бир марта учрашувга киргандим. «Хурсанд бўламанми?» деб ўйлагандим. Афсуски, камбағални отни устида ҳам ит қопар экан. Менга насиб қилмади. Аввалига мени изоляторга олиб бориб, нулевой комнатага қамашди. Бу ерга ҳали неччи суткага қамалиш ҳақида бошлиқ тарафидан қарор чикмаган маҳкумлар вақтинчаликка қамаларди. Бу комнатанинг камерлардан фарқи шуки, унда пол бор эди. Қўлимдаги нарсаларни олиб қўйишди.

Шундай қилиб, учрашувдан изоляторга кирдим. Ота–онамга нима бўлди, билмасдим. Дўстларим уларни кутиб олдим–йўқми, билмасдим. Бу хатда нима ёзилганди, билмасдим. Энди нима бўлади, билмасдим. Ўйлаб ўйимга етолмасдим. Синов устига синовлар келарди. Бунинг ҳикматини ҳам билмасдим. Ўша куни шу нулевой камерада қолиб кетдим.

Эртасига Штабда ментларни мажлиси бўлганда, мени олиб чиқишди. Мардоновни хонасида олиб киришди. Хона катта бўлиб, катта столни тўрида полковникни ўзи ўтирарди. Тепасида ИАКни расми осилганди. Уни чап тарафида Санакул бор эди. Бу тарафида тезкор бўлим бошлиғи Шавкат бор эди.

Пастдаги курсиларда зонанинг ментлари отрядниклар ўтиришарди. Менга ўртага бориб туришни буюришди. Қўлларим орқада эди. Шапкамни қўлимга олиб олгандим. Маҳбуслар зонада юрганда қўлларини орқада қилиб мент олдида шапкасини ечиб юришарди, бу ёзилмаган қонун эди.

Мен Мардоновга қарадим. Орқамдаги ментлар бир нималар деб ғулдирашди. Мардонов менга қараб, «Сен ваҳобий экансан, одамларни йўлдан ургансан» деди. «Командир, мен тушунмадим нима қилибман?» дедим. «Олиб чиқ» деди у мени олиб келган ментга қараб. Мени бошқа гапиртиришмади. Кабинетдан чиқиб, деворга қаратиб «Кутиб тур» дейишди. Шу ҳолда турдим. Орадан ўн минутча ўтгач, бошлиқни кабинети очилиб, ментлар чиқа бошлашди. Мен шундай ҳолда тургандим. Улар чиқиб кетишгач, мени олдимда беш–ўнтаси қолишди.

Мени ўртага олиб уришни бошлашди. Бирданига бақириб, ҳар тарафимдан мушт туширишарди, тепишарди. Йиқилганимда устимга чиқиб, тепишди. Деворга қаратиб қўйиб почкамга уришарди. Мен бақирардим. Улар ҳам бақириб уришарди. Жон–жонимдан ўтган оғриқни чидолмасдим. Йигирма минутча уришди. Улар чарчашди. Мен тамом бўлдим. Баданимда соғ ери қолмаганди. Бутун баданим қақшаб оғирди. Мени судраб изоляторга олиб боришди. Энди бир кишилиқ бетон камерага қамаб қўйишди.

Ўтган еримда йиғладим. Ётолмасдан ўтирардим, ўрнимдан туролмасдим, турсам ўтиролмасдим. Бу калтаклар нима учунлигини ҳам тушунолмасдим. Ҳаво совуқ эди. Камерада пол эмас, бетон эди. Бетонда ўтиришим ёки тик туриб юришим керак эди. Совуқ баданимдан ўтиб қалтирардим. Бушлатни ечиб олиб битта робада қамашганди. Вужудимда оғриқ ва совуқ мени адои тамом қилди. Буларни неғалигини билмаслигим ҳам мени қийнади. Мен Аллоҳдан «Тезроқ имоним билан жонимни ол» деб ёлворардим.

Изоляторда ётиб нима учун қувончли дақиқалар мана шундай якун топганини тушуна олмасдан қийналардим, сабабини билиш учун тинимсиз ўйланардим, лекин тагига етолмасдим. Орадан йиллар ўтиб, бу масалада аниқлаганим шулар бўлди – хатни ёзиб онамга беришгач, аёл ментлар онамни чўнтагидан шмон қилганда хатни топиб олишади. Кейин, бу менга аталган хат Санақулга етказилади.

Хат мазмуни қуйидагича бўлган:

«Ассалому алайкум Таксир! Соғ–омонмисиз? Биз ҳам яхши юрибмиз. Товоқсойга боргандик, фалончи ва пистончилар яхши экан. Бизлар ҳам ишлаб юрибмиз. Фалончи уйланди. Пистончини ўғли бўлди. Писмадончи Россияга ишлагани кетди. Ота–онангизни олиб келдик сиз билан учрашишга, яна қайтариб олиб бориб қўямиз. Аллоҳ нажот берсин! Дуода бўлинг!...» ва ҳаказо...

Санақул (Шайтонга кул) бу оддий дўстона салом–алиқдан иборат хатни катта бир сирли нарса топган ҳисоблаб, Мардоновга хабар беради. Бу иккаласи Товоқсойга мана шу исмдаги маҳкумларни топиб жазолаш лозимлигини ва улар бу ташқаридаги одамлар билан алоқадорлигини айтишади.

Навоий Вилоят МХХсига хабар йўллаб, қандайдир сирли гуруҳнинг мактуби олинганлигини ва қандай чора кўриш лозимлигини сўрашади. Бу мактуб кечаси биз учрашувда пайтимизда МХХ ва ИИБ тезкор гуруҳлари биргаликда ўрганишади. Улар қандайдир диний экстремистик ташкилот тузилган ва бунга амир Абутов экан ва уни аъзолари баъзиси Товоқсойда ва баъзиси озодликда экан деган хулосага келишади. Бу ментларга ҳам албатта, катта жиноятларни фош қилиш ва катта унвонлар олишга қулай имконият пайдо бўлганди.

Ўша куни ота–онамни олиб кетишга келган дўстларимни кутиб турган ментлар ҳибсга олишади. Ота–онамни эса, «Энди улар келмайди бу ерга, автобусда кетинглар уйга» деб қўлларидаги сумкалари билан чиқариб юборишади. Аллоҳ раҳматига олсин, дадамни айтишларича Мардонов бир ментга "Булар қариялар экан, автобус остановкасига олиб бориб қўй» деб буюрибди. У зонага яқинроқ ердаги автобус тўхтайдиган остановкани айтган экан.

Мардонов бу қарияларни фарзандини (мени) қийнаш учун изоляторга қамаб қўйган бир пайтда, уларга раҳми келиб, остановкага олиб бориб қўйишни буюрибди. Улар сумкалари билан у ерга етиб боришлари ҳам анча муаммо эди. Мен бу иши учун бу золим Мардоновга миннатдорчилигимни билдираман. Аммо, уни бошқа қилган жиноятлари учун комил суратда жазосини олишини Аллоҳдан сўраб қоламан.

Ҳеч қандай жиноят қилинмаган ва ҳеч ким жабр кўрмаган бўлишига қарамасдан, бир бечора дўстини қари ота–онасини зонага учрашувга олиб боргани учун, менинг ўша дўстларим бегуноҳ ҳолида яна қамалиб кетишди. Бу воқедан сўнг уларни қамашган ва уларга қўшиб, менга умуман алоқаси бўлмаган уларни таниш–билишларини ва қўни–қўшниларини ҳам қамашган. Бу катта жиноий гуруҳнинг бошлиғи эса, мен бўлиб ҳисобланганман. Мени эса учрашувдан чиқишим биланоқ изоляторга қамаб итдек калтаклашган.

Олдимга бир «қулоқ»ни киритиб, мендан гап олмоқчи бўлгандилар. «Қулоқ» мен ётган камерага кирганидан кейин бироз муддатдан кейиноқ менга қараб тўғридан–тўғри: «Сен уларга бор гапни гапирсанг ўзингга яхши бўлади» деди. Мен «Нимани гапиришим керак?» десам, «Товоқсойда қандай ташкилот тузгансан ва кимлар аъзо бўлган, шуларни гапир» дейди. Мен «Ҳеч нарса тузмаганман ва ҳеч ким аъзо бўлмаган» дедим. «Қулоқ» бир кунда чиқиб кетди.

Беш суткадан кейин мени ҳам изолятордан чиқаришди. Сумкадаги нонларим моғор босиб кетган экан. Баракка бориб, Абдувоҳидга бўлган воқеани гапириб бердим. Уларда қўйнинг думба ёғи бор эди. Шуни баданимга суртиб, чефир ичириб, мени даволаган бўлишди. Одатда ким изолятордан чиқса мана шундай қилинади.

Шу воқеадан кўп ўтмай мени штабга чақиришди. Борсам «Бошлиқни кабинетига кир» дейишди. У ерда қорачадан келган, озғинроқ, истараси иссиқ бир одам мени кутиб олди. Мен уни олдин кўрмагандим. У фуқаролик кийимида эди. У ўзини Навоий Вилоят МХХси терговчиси эканлигини ва мен билан гаплашмоқчилигини айтди. Юмшоққина гапирадиган мулойим кимса экан бу МХХ.

Мен унга ноҳадан мени изоляторга қамашганини ва калтаклашганини ва мени отрядник доимо уриб азоблаётганлигини ва турли–туман ноқонуний жазолар берганликларини айтдим. Аммо, бу нарсалар уни қизиқтирмасди. Зеро уни булардан яхшигина хабари бор эди. Аниқроғи уларнинг ўзи шундай қилишга буюргани учун ҳам ментлар бизни қийнашарди. У менга сигарета узатиб «Чекасизми?» деб сўради. Мен унга «Самосат чекаман» дедим. У кулди ва «Товоқсойда кимларни танийсиз? деб сўради. Мен унга у ерда беш йил ўтирганимни ва минглаб маҳкумларни танишимни айтдим.

«Мен у зонада имом бўлганман. Мени зонадаги маҳкумлар ҳаммаси танийди. Мен уларни ҳаммасини танимасам ҳам» дедим. У мени қандай диний илмим борлигини ва қаерда таълим олганимни ва ҳизбутга ва бошқа гуруҳларга муносабатимни сўради. Мен унга бирорта гуруҳга ва мазҳабга эргашмаслигимни ва динда фақат қуръону ҳадисни ушлашимни айтиб, ҳамма саволига қандай бўлса шундай жавоб бердим. Мен бугун ҳам шу саволларга, худди шундай жавоб берардим.

У жуда секин мулойим ва самимий гаплашди. Ҳар ҳолда мен шундай деб ўйладим. «Энди нима бўлади? Мени дўстларимни қамайсизларми? Уларни айби шу мени ота–онамни бу ерга олиб келганлари холоску. Бу жиноят бўлмаса керак?» дедим унга. У «Уларни биз қамамаймиз. Уларни ўз шаҳарларига қайтариб юборганмиз» деди. Бу дегани «Улар Навоий вилоятида эмас, ўз шаҳарида қамалади дегани» эди. Мен «Бу адолатсизлик ва бундай қилмаслик керак» деб чиқиб кетдим.

Бу МХХни менга қилган яхшилиги, агар қилган бўлса, у мени шу иш бўйича қайта жиноий иш очиб, яна қайтадан суд қилинадим. Мен ўзи Тогоқсойда қилмаган жиноятим учун уч ярим йил янги муддат олиб бу зонага янги келгандим. Энди жазоимни ўтаб бошлаганда бу воқеа содир бўлди. Шу билан улар менга нисбатан яна суд қилишга ҳолат йўқ деган фикрга келишган бўлсалар керак. Лекин, ўзи суд қиладиган бирорта ишни ўзи йўқ эди–да. Ҳар ҳолда Аллоҳ мени асраган ўшанда. Аммо, биродарларим қамалиб кетишди. Аллоҳ уларни икки дунёда ажрантирсин.

Бу воқеадан сўнг менга нисбатан ментларни муносабати тубдан ўзгарди. Энди мени отрядник чақириб, икки учта отрядник билан биргалашиб урар ва турли хил жазолар тайинларди. Бу жазолардан бири бир ҳафта хожатхона тозалашлик эди, бошқаси эса бир ой ҳаммомга бормаслик каби жазолар эди. Мени ТСБлар ҳам қийнади. Энди олдингидек, бир оз эркинроқ ҳаракат қилолмасдим. 159лар билан биргаликда кўчага чиқариб қўйиб, серкуёш куйлатишарди.

Тинимсиз қўлланилган қийноқлар сабаб бир ой бутун баданим қақшаб юрди. Бу тазйиқлар кундан кунга кучаяр эди. «Отрядник билан айтишгансан» деб мени яна изоляторга олиб боришди. Мен ҳеч ким айтишмагандим. Бу сафар ҳам худди олдинги сафар бегуноҳ қамашгани каби яна қамаш учун бир баҳона эди холос. Бу жирканч отрядник менга кўп жабру зулмлар қилди. Мен иккинчи марта изоляторда ўн кун ўтирдим. Бу энди март ойида эди.

2001 йил. Март

Навоий 46да март ойи кирди. Кунлар қизий бошлади. Лекин, кундан кунга бизни очликдан силламиз куриб борарди. Калтакдан баданларимизни оғримайдиган жойи қолмаган эди. Намозларни имо–ишора билан бир амаллаб ўқирдик. Лекин, энди орқамда ТСБлар пойлаб юрадиган бўлиб қолганди. Ҳар сафар намоз ўқиди деб отрядникка олиб киришарди. Бу нусха ҳам уриб чарчамасди. Мен негадир уларни кўзига балодек кўринадиган бўлиб қолгандим. Бошим гангиб нима қилишимни билмасдим. Бунақа қаттиқ руҳий ва маънавий азобларга одам чидамасди. Нимадир қилиш керак эди. Нима қилишни билмасдим. Бир амаллаб Сангородга кетишни ўйлардим.

Сангородда 1998 йилда бўлганман. У ерда ҳар ҳолда бундай уриб азоблашмасди. Учрашувга кириб чиққанимдан бери менга тинчлик йўқ эди. Ҳар куним хорлик ва азобда ўтарди. Бу кунимдан кўра, ўлимга рози эдим. Лекин, ўлим ҳам келмасди. Ўзимни ўзим ўлдиришдан қўрқардим. Агар менда ўша пайтда ўзимни осонгина ва тез ўлдириш имкони бўлганида албатта қилардим. Шу билан бирга шу ментларни ҳам қўшиб олиб кетишга ҳаракат қилардим. Мени ақидамда одам ўзини ўлдириши ҳаром ишдир. Лекин мен бу ишни ўша вазиятда қилиш имконим бўлганида албатта қилардим. Мени унинг шаръий ҳукми қизиқтирмасди. Чунки, мен ҳаётдан тўйгандим. Мени мана шу ментлар зулми шунга мажбур қилган эди.

Мен нега одамлар ўзини ўзи ўлдириш сабабини ҳам қисман тушунгандай эдим. Аслида бунга шариат рухсат бергани учун эмас, балким золимлар зулму қийноқни ҳаддан оширганлари, асосий сабаб деб ўйлайман. Лекин, мен ўзимни ўзим ўлдира олмадим. Сабр қилай десам сабрим ҳам тугаган эди. Хуллас, осмон узоқ ер қаттиқ эди. Аммо, ҳали яшардим.

То ажал келмас экан, демак яшашга мажбур эдим. Мен бирорта ментни уриб яна срок олиб бошқа зонага кетишни ҳам режа қилдим. Ё ментни ё ТСБни урмоқчи бўлдим. Бир куни Санчасти олдидан бир парча арматура топиб олдим. Уни яширинча олиб келиб, ёстиғим остида қўйдим.Энди бир қулай пайти келса, кимнидир урмоқчи эдим. Мен шундан кейин яна янги муддат олиб бошқа зонага юборсалар, у зона бунақа даражада бўлмаса керак деб гумон қилардим.

Менда озодликка чиқиш деган хаёлни ўзи йўқ эди. Лекин, биз нонуштага кетганда баракни уборка қиладиганлар ёстиғимни тузатаман деб уни топиб олишибди. Нонуштадан келсак, ТСБ уни менга кўрсатиб, «Сен буни нега сақлаб қўйган эдинг?» деб қолди. Мен индамадим. Арматурани олиб бориб, отрядникка берди. Мени зудлик билан штабга олиб кетишди. Шавкат мени сўроқ қилиб, «Сен нега арматура сақладинг?» деб сўради. Мен унга «Командир мен ҳаётдан тўйдим. Энди шу арматура билан бошимни ёрмоқчи бўлиб тургандим» дедим. Шавкат мени изоляторга қамади. Бу сафар қамаш олдидан мени урмадилар. Алҳамдулиллоҳ. Мардонов «Нега арматурани баракка олиб келдинг?» деганда, «Ўзимни ўзим ўлдирмоқчи эдим» дедим. Мен унга «Ментни ўлдирмоқчиман» демадим, дея олмадим. Ўша арматура учун ўн суткага қамашди. Бу иккинчи марта изоляторда ўтиришим эди.

Изолятор азоб эди. Совуқ ва очлик азоби доимо қийнарни. Кечаю–кундуз қийнарни. Пайкалар камайтирилган ҳолда бериларди. Оч қоринлар иштаҳаси очилганда бир ҳўплам сув тугаб қоларди. Қийноқ жон–жонимдан ўтиб ухлолмасдим. Ёдлаган сураларимни такрорлаб, ўқиб вақтни ўтказардим. Вақт умуман ўтмас эди. Бу сафар урмаганлари учун баданимда оғриқлар камроқ эди. Олдинги сафарда умуман азоб устига азоб бўлган эди.

Мен ўн суткани бир амаллаб ўтказиб, изолятордан чиқдим. Мени тўғри Санакулни олдига олиб киришди. У менга қараб тиржайиб, «Сен ўламан деб қўрқитма бизни. Сени ўлимнинг бир тийин биз учун биласанми шуни?». Биз сенга ўхшаганларни кўпини қўрганмиз. Керак бўлса сени ўзимиз ўлдирамиз» деди.

Мен унга қараб «Командир бундай яшагандан кўра ўлганим яхши эди» дедим. У бакириб, сўкиниб «Сен адашгансан ва ўлсанг дўзахга тушасан билиб қўй» деди. «Сизчи?» десам, ғазабланиб «Мен ишонмайман сени жаннату дўзохингга, Худойингга ҳам. Мана мени худойим» деб тепасида осилиб турган ИАКни расмини кўрсатди. Уни жаҳлини чиқаргандим. Бакириб–сўкиб кабинетидан чиқариб юборди. Аллоҳу Таъоло бунга ўзини борлигини ва чексиз қудратини кўрсатишини сўраб қоламан.

Отрядга кириб борганимда мени яна биродарлар кутиб олишди. Худди уйга келгандек хурсанд бўлиб кетдим. Чой ичиб бироз дам олганимдан кейин баданларимга қўй ёғи суркашди. Мени секторда ҳамма таниб қолганди. Маҳкумлар мени қўл билан кўрсатишарди. Арматура воқеъаси катта шов–шув бўлган экан. Лекин, менга тинчлик йўқ эди. Намоз ўқишга имкон йўқ эди. ТСБлар доим кузатиб юришарди. Мен намозларни ҳар куни ўқирдим ва ҳар куни отрядникка олиб киришарди. Бошқаларни ҳам ушлашар эди. Баъзилар умуман ушланмасдан, эҳтиётини қилардилар. Баъзилар умуман намоз ўқимай қўйишганди.

Отрядник ҳар доим мени уриб сўкар ва ё хожатхона тозалашга қўярди. Бир икки марта штабга олиб борди. Бир марта Санакулни олдига олиб киришди. У менга қараб, «Сени нима қилиш керак, ҳайронман. Сенга гап таъсир қилмас экан. Сени урдик–сўқдик, изоляторга қамадик, энди нима истайсан?» деб сўради. Мен унга «Командир менга ҳеч нарса керакмас. Намоз бу экстремистик ташкилот ўйлаб топган нарсамас. Унга қаршилиқ қилмаслик керак» дедим. «Сен ақл ўргатма менга» деб бакириб кетди у. «Бизга буйруқ бор. Сендан сўраб иш қилмайман» деди.

Шу пайтда кимдир кириб, уни ташқи штабда Мардонов кутаётганлигини айтди. Санакул югуриб чиқиб кетди. Отрядникка қараб «Буни олиб бор баракка, кейин гаплашамиз» деди. Биз қайтиб келдик. Мен изоляторга тушаманми деб қўрқиб тургандим Аллоҳ асради.

Зонада Рустам деган миллати қозоқ Навоийлик бир режимник бўларди. Бу нусха бир куни мени чақиртирди. Мени энди ҳар куни ё кун ора ё тезкор гуруҳ вакили, ёки режимник, ёки бошқаси чақириб калтакларди. Мендан бошқа маҳкумларни ҳам бу калтаклаш маросимига чақиртишарди. Мен ўша учрашувга кирганимдан кейингина бу даражада калтак ейиш «шарафи»га эришдим.

Ўша Рустам кабинетиди икки–уч мент билан ўтирган экан. Жуда қўпол оғзидан шоди кириб, боди чиқарди. Ёши мендан кўп бўлса икки–уч ёш катта эди ё балким тенг эди.

Хуллас, бу Рустам мени ҳақоратлаб шундай калтаклагандики, дунёга келганимга пушаймон қилганди. Ўзи баданимда ҳали аввалги еган калтаклар зарби кетмаганди. Бугун буниси эртага униси урарди. Намоз ўқиганимни ҳар куни бир ТСБ кўриб, штабга олиб борарди. Олдинлари унчалик эътибор қилишмасди.

Ўша воқеадан сўнг булар мени қандайдир хавфли одам деган хулосага келишганди. Бунақаларни эса тинч қўймаслик керак деган буйруқ бўлганди. Ментларга эса кимдир буюрса бўлди экан. Булар ит каби талашарди. Рустам мени уриб чарчади.

Мени штабга олиб келган ТСБга «Бунини олиб бор, туалетни қўли билан ювсин, то отбойгача ўша туалетдан чиқмасин, мени ўзим бориб текшираман» деб буюрди. Бу ТСБ Самарқандни қайсидир районида ўзи ёш бўлсада, қаримсиқ башара тишлари тушган кимса эди. Бу мараз хожатхонага олиб бориб, очкони кўрсатиб «Кўлинг билан юв» деб туриб олди. Мен унга «Челакда сув қуяман» десам, «Йўқ. Ювмасанг режимникка айтаман» дейди мараз.

Мен нима қилишимни билмай қолдим. Агар ҳозир Рустамга айтса у яна уради. Агар ювсам бу энди пасткашлик бўлади. Охири кўрқдим ва кўлим билан ювиб кўрсатдим. ТСБ кўлим билан юганимни кўргач хотиржам бўлди. Ташқарига чиқиб кетди. Ўшанда Рустам келиб текшириши керак эди. Мени у хожатхонадан чиқмасликка буюрганди. Чунки, биз шом ва хуфтонни отбойдан олдин ўқир эдик. «Туалетдан чиқмасин» дегани «Намозни ўқиб олишга имконияти бўлмасин» дегани эди.

Ҳалиги қаримсиқ хожатхонани ташқарисида турарди. Мен челак кўтариб, ичкарида юрардим. Хорлик устига хорлик эди бу. Азоб устига азоб эди бу.

Жонимдан тўйгандим. Отбой пайти яқинлашарди. Агар ҳозир намозимни шом ва хуфтонни қўшиб ўқиб олмасам кейин умуман ўқий олмасдим. Ташқарига чиқсам ТСБ келиб қолишидан кўрқардим. Таҳоратни шу ерда қилиб, ташқарига чиқдим. Қаримсиқ кўринмади. Унга мени кузатиб ўтириш ортиқча иш эди. Хожатхона олдидан узоққа кетсам бу ит келиб қолса яна Рустамга айтиши мумкин эди. Рустамни ўзи ҳам келишини айтганди. У ифлос келиб қолса, мен хожатхона ичида бўлмасам яна ёмон эди.

Менда икки кўркув жам бўлганди. Бири ҳозир намозларни ўқимаслик ва бири ўқиб олишлик. Юрагим ёрилиб кетаман дерди. Оғир имтиҳонлар эди бу. Мен хожатхонада намоз ўқиёлмасдим. Ташқарига чиқишим шарт эди. Чиқдим ва хожатхонадан узоқлашмасдан бир чеккага ўтиб, ерда тикка турганча шомни ва изидан хуфтонни ўқидим. Рукуъни қилардим, саждани ўрнига бошни эгилтириб олардим. Бу ерлар тоза эмасди.

Ошкора намоз ўқиш имконсиз эди. Витрни ўқиётганда қалтирай бошладим. Бу кўркувданми ё совуқданми билмасдим. Баданим дир–дир титтарди. Намозларни тугатиб яна хожатхонага кирдим. Бу ер аввал айтганимдек ўнта одам ўтирадиган катта хожатхона эди. Уни икки тарафидан кириб чиқадиган эшиги бор эди. Мен уни ичида у ёқдан бу ёққа ўша ўтирган маҳкумлар олдидан, сассиқни ҳидлаб ўтиб қайтиб юришим керак эди.

Отбой бўлди. ТСБ келди. Рустам келмади. Мен ухлашга отрядга кетдим. Бу кечани ўшандан кейин ҳам кўп ўйладим. «Мен нега қалтирадим?» деган саволга ҳануз жавоб топмадим.

Мен кўрқоқ одам эканимни тушунгандим. Мен кўркувдан титрагандим. Менимча шу тўғри жавоб бўлса керак! Мен баъзида ўша пайтларни эслаб ўзимдан ўзим нафратланаман. Мен сабр қилиш деган гап билан кўрқоқлик деган сўзни орасидаги фаркни унчалик тушунмасдим. Баъзилар мени назаримда бу иккала тушунчани ўрнини алмаштириб қўйишганди. Рустам кейинчалик бошқа ерга ишга кетиб, дом–дараксиз йўқ бўлди.

Мени аҳволим ўта оғир эди. Озиб–тўзиб кетгандим. Санчагга борсам ўлчаб кўришганда 57 кило чиқдим. Уч ой олдин 81 кило эдим. Қорнимдаги терилар шалпайиб қолганди. Тахта кутисига ўтирсам орикликдан куйрукни суяги тахтага ботиб оғрир эди. Курсида кўп ўтиролмасдим. Кечаю–кундуз хожатхона тозалашга ва серқуёш айтиб кўчада дайдишга мажбур қилишарди. Ҳаммомга боришдан маън қилиб қўйишганида эса битлаб, куртлаб кетдим. Менда бу аҳволдан чиқишга ҳеч иложу имкон йўқ эди.

Мен нимадир бўлишини ва бу кунлар тез тугашини истардим. Майли нима бўлса бўлсин, менга фарқи йўқ эди. Шу зонани ер ютиб кетсада, ёки атом бомбаси тушиб йўқ бўлсада, ёки мен ажалим етиб ўлсамда, ёки кимдир келиб ҳаммани отиб ташласаю, менга ҳам ўқ тегиб йўқ бўлсамда, ёки осмондаги самолётлардан битта шу ерга қулаб, шу ерда мен ўлсамда фарқи йўқ эди. Фақат ниманидир тезроқ содир бўлишини истардим. Мўъжиза юз бериб, мени озодликка чиқариб юборишларини ўйламасдим. Буни ўйлашни умуман иложи йўқ эди.

Мўъжиза юз бериб, бу уруш–калтаклар тугаб, намозларни бемалол ўқий оладиган бўлишни ўйлашлик ҳам мумкин эмасди. Мен бу нарсаларни орзу қилмасдим, қила олмасдим. Аммо, Аллоҳ ҳар нарсага қодир Зотдир. Буни фақат мен ўша қийноқлар пайтида ҳис қилолмасдим. Мени кўзим кўриши ёмонлашди. Бу вазиятни ўнглаш учун барибир нимадир қилиш керак эди. Мени шунга ақлим етмасди.

Намозларни ўқиш бу ерда Карантиндан анча фарқ қиларди. Карантинда чўзилиб ётган ҳолда имо–ишора билан пичирлаб ўқилса, бу отрядда намоз ўқиш жараёни уч хил суратда бўларди. Биттаси фақат тик туриб ўқирдик. Бунда қиём фарзи адо бўларди. Рукуъ ва сужуд бўлмасди. Биттасида тик туриш ва рукуъга имкон бўларди. У ҳолда сажда комил суратда қилинмас эди.

Учинчи сурат ўтириб ўқишлик эди. Бунда қаъда адо бўлсада, қиём ва рукуъ саждалар комил бўлмасди. Намоз ўқишни комил сурати учрашув хонасида бўларди. Бундан бошқа пайтда намоз ўқиш мумкин эмасди. Намоз ўқиганларни уриб, калтаклашарди. Мен намозни нега маън қилинганига ҳали ҳануз тушуна олмайман.

Намозни шу ҳолатда бўлсада ўқилгани рост. Икки намозни жамлаб, худди мусофирни намоз ўқигани каби ўқирдик. Ҳанафийчи мазҳабчиларда бир ерга борган одам 15 кундан ортиқ қолиши аниқ бўлса намозини тўлиқ ўқийди деган фатво бор.

Мен ҳаётимда ҳеч қачон ҳанафийчи бўлмаганман. Қиёматгача бўлиш ниятим ҳам йўқ. Аммо, мен намозни зонада ўз вақтида ўқиган бирорта ҳанафийни кўрган эмасман. Мен шахсан ўзим учун бу каби қаср қилиб жамлаб ўқилиши учун аниқ фатвоси нималигини билмасдим.

Мен ҳадисларда касал одамга ва жуда қариб қолганларга икки намозни жамлашга рухсат берилганини билардим. Биз бу тоифаларга кирмасдик. Намозни Карантиндан шунақа қилиб ўқишни бошлаганмиз ва то шундан кейин давом эттираётган эдик.

Мен у—бу илмли одамни кўрсам доим бу масалада фикрини сўраб суриштирардим. Лекин, уламои киромликка даъвогарлар ҳам бу вазиятда намоз қандай ўқилишини менга аниқ—тиник тушунтира олмаганлар. Биз ўша зонада йиллаб ўтирганмиз. Биз бу ердан тезда қаргадир кетмаслигимизни билардик. У ҳолда йиллаб намозни қаср ўқиш мумкинми?!

Биз ихтиёри ўз қўлимизда бўлмаган асирлар эдик. Қачон у—бу ёққа кетамиз ва қачон озод бўламиз ва қачон нималар бўлади билмасдик. Шу ҳолатда намоз қандай ўқилади?! Биз мусофирмизми ё муқиммизми? Биз озодмизми ё кулмизми? Биз касалмизми соғмизми? Биз қари, ожиз кимсалармизми, ёшлармизми? Бизни қайси категорияга мансуб деб, кейин фатво чиқариш керак?! Бу масалада менга аниқ—тиник жавоб берадиган кимса топилмади.

Кейинчалик Сангородга борганимда Наманганлик Ҳусанхон акани учратгандим. У Обид қорини масжидида ҳам юрган эди бир пайтлар. Жуссаси кичкина ва заиф бўлган бу киши авария бўлиб омон қолган ва ҳассада юрарди. У бечорани яна қамашган экан. У Ваҳҳобий деган номда машҳурлардан эди. Мен ундан «Намозларни қаср ўқияпмиз ва буни рухсати фатвосини менга ҳеч ким аниқ айтолмади» дедим. У киши кулиб «Фатвоси бор» деганди.

Мен ундан «Менга аниқ факт керак» деганимда, у «Саҳиҳи Бухорийга фалончи ёзган шарҳнинг фалончи томида ва пистончи бетида асирлик бобида «салотул асир кас салотул мусофир» деган боб бор. Ўша ерда бунга фатво бор» деди. Мен ундан «Биз асирмизми?» деб сўрасам, у «Ҳа бизни вазият асирларники билан бир хил» деганди. Мен унга «У замонда мусулмонлар кофирлар қўлига асир бўлишган. Биз эса ўзини мусулмонман деяётганлар қўлидамызку?» десам, у «Биз ҳам кофирлар қўлидаги асирмиз» деганди. Бу масалада менга маълум бўлган ягона фатво шу эди.

Қўқонлик Муҳаммад Ражаб акадан бу ҳақда сўраганимда, у киши бунга рухсат борлигини ва лекин, ўзи имкон қадар вақтида ўқишга ҳаракат қилишини айтганди. Мен ҳеч қачон ҳанафийлар каби зонадаги намозларни вақтида ўқимадим. Ҳатто кейинчалик Қизил Хоч вакиллари қамоқхонага келганларида намозни ўқишга рухсат берилганда ҳам мен вақтида ўқиган эмасман.

Мен ўша намозларимни ўша вазиятда бундан ортиқ қилиш имконсиз эди деб ўйлайман. Ўша намозларни рукуъсиз, саждасиз, қиёму қуудсиз, хатою нуқсонга тўла бўлган ва ҳар бири учун калтак еб ё изоляторда қамалиб, азоблар чекиб ўқилган намозларни Аллоҳу Таъоло биздан қабул қилган бўлишини ва ажрини зоё қилмаслигини умид қилиб қоламан.

Мана бу шеър ўша оғир ва мусибатли кунларда битилганди:

Кутиб кутиб, тоқатларим тоқ бўлди,
Ҳарна қазо бўлса, бўлдир Худойим!
Ўлим ҳақдир, гар шу билан қутулсам,
Мени имон билан, ўлдир Худойим!

Мен мақсадимни кўп кутдим, келмади,
Аламларим дилга ютдим, келмади,
Мажнун бўлиб шеърлар битдим, келмади,
Сен ярим кўнглимни, тўлдир Худойим!

Яшаб нима, ҳукминг қоим қилмасам,
Бир лойиқ бандалик, доим қилмасам,
Золимга қул бўлиб, роъйим қилмасам,
Менга қазо ҳукминг, қилдир Худойим!

Маъсият ишларим оқлаб оқибат,
Имоним саломат сақлаб, оқибат,
Юрагимни ғамдан поклаб, оқибат,
Ўлишдан олдин бир қулдир Худойим!

Фонийдан Боқийга кўчиргил мени,
Қилган саййиотим ўчиргил мени,
Ё Раб, гуноҳларим кечиргил мени,
Бир башоратингни билдир Худойим!

Ўзингдан ўзгага қулмасман асло,
Тоғутларга рози бўлмасман асло,
Ботилни Ҳақ дея, билмасман асло,
Билганим, яккадир, Бирдир Худойим!

Март ойида Наврўз байрамида зонада дам олиш бўлди. Ош беришмадию, лекин, аввалгидек секторлар очилиб, ҳамма маҳкумлар бир оз сайил қилиб яйрашди. Бу сафар масхарабозлар ҳам келмади.

2001 йил апрел

Мен ёшлигимдан шеърятга қизиққан ва Навоийни девонларини туркий қўлёзма китобларини ўқиган эдим. У пайтларда арабча ҳарф танийдиган одамни ўзи йўқ эди. Мен Яссавий, Махтумқули, Сўфи Оллоёр ва Навоийларни араб ҳарфида эски турк тилидаги қўлёзма китобларини ўқирдим.

Менга таълим берган одамлар шу китобларни инқилобдан олдинги даврда масжидда ўқиган эдилар. Табиийки, мен дин илми деганда қуръон ўқишни ва шу китобларни ўқишни тушунганман. Бу қизиқиш мени кейинчалик ўзимни ҳам шеър машқ қилишимга олиб келди.

Мен Хамсани тўла ўқиб чиққанимда ҳали ўн беш ёшга кирмагандим. Одатда бундай ёшда болалар китоб ўқишмайди. Мен аксинча, ўқирдим. Ўзим учун унчалик тушунарли бўлмасда ўқирдим. У пайтлар ҳали динга қарши кураш авжида турган пайтлар эди. Навоийни мен учун алоҳида ҳурмати бор эди. Мен уни назмдаги маънавий устозим деб билардим. Мен Навоий ғазалларига мухаммаслар ёза бошлаганимда ҳали йигирма ёшга кирмагандим.

Мени араб ҳарфида эски туркий ҳарфда ёзилган «Девони Саҳвий» деган тўпламим бор эди. Мен ундаги шеърларни араб ҳарфида ёзгандим. Сабаби уни ҳеч ким ўқиёлмасди. Мен эса шеърларимни бировга кўрсатишдан уялардим. Мен шу пайтгача шеъримни ҳеч кимга кўрсатмаганман. Қоғоз дафтаримдаги шеърларни кимлардир олиб ўқиса, индамаганман албатта. Мен шу интернетда фойдаланишни ўрганганимга қадар шеърларимни деярли биров ўқимаган.

Мен буларни ёзишдан мақсадим Алишер Навоийни мен учун алоҳида ҳурмати бўлганлигини айтмоқчи эдим. Қазою қадарни қарангки. Мен «Навоий»да яна шунча зулму–зўравонликларни кўрдим. Аввал Навоий деганда хотирамда улуғ сиймо гавдаланадиган бўлса, кейин Навоий деганда зулмгоҳ ва зулматга тўла чўлдаги зона гавдаланадиган бўлди. Мени хаёлимдаги таассуротларим остин–устун бўлиб кетганди.

Мен бир рубойда шуни ифодалаган эдим.

Тахаллусим Саҳвий, хатойи бўлди,
Орзу ҳавасларим ҳавойи бўлди.
Мен ғазаллар ёздим, яхшими ёмон,
Бу йўлда устозим, Навоий бўлди.

Бу рубойдаги Навоий деганда албатта, Алишер Навоийни назарда тутганман. Лекин, менга «Навоий» ҳам кўп нарсаларни таълим берди. Мен зулму–зўравонлик имтиҳонидан шу «Навоий»да ўтдим. Бу мен учун бир умрлик дарс бўлди.

Мен ўзим тушган вазиятдан чиқиш учун чора сифатида қошиқ ютмоққа қарор қилдим. Одатда Товоқсойда баъзи блатнойлар, дўппи тор келиб қолганда шунақа қошиқ ёки мих ютиб, сангородга кўтариларди. Бу услубдан хабарим бор эди.

Мен ўйлардимки, агар қошиқ ютсам, юта олсам, у ошқозонга бориб тиқилади. Кейин, оғриқ бошланади. Кейин, дод–вой солсам санчастрга олиб борса, у ердагиларга шу қошиқ ютганимни айтаман ва улар шу ерда Навоийдаги касалхонага олиб бориб, жарроҳлик қилиб қошиқни олиб ташламоқчи бўлишса, мен бормайман, қаршилиқ қиламан ва мени сангородга юборишни талаб қилиб тураман деб ўйладим. Агар Сангородга бориб олсам, бу дегани бир ой дам олиш имконияти пайдо бўлишини билдирарди. Бу ҳам катта нарса эди мен учун. Агар имкони бўлса ўша ерда бошқа зонага кетаман ё бўлмаса қайтиб келсам ҳам бир оз дам олиб келаманку деган хом хаёллар бор эди.

Аввалига зонани бошлиғи номига бир хат ёздим. Бу хатни ўша қошиқни ютгандан кейин, шу ердаги почта қутисига ташламоқчи эдим. Бу ердаги маҳкумлар хат ёзсалар ўша қутига ташлашарди. У қутини ҳар куни текшириб, хатларини штабга олиб кетишарди. Хатларни штабда ўқиб кўриб, кейин керакли адресга жўнатишарди. Агар хатда ортиқча гап бўлса, у хат зонадан чиқмасди ва шу хатни ёзган маҳкум жазоланди.

Мен Мардоновга хат ёздим. Мазмуни қуйидагича эди:

Ўртоқ полковник фалончи фалончиев!

Мен оддий бир одамман. Тўғри, Тўртқўлда озроқ имом бўлдим. Лекин, менда диплом йўқ. Мен илмсиз одамман. Мен Товоқсойда шунча йил ўтирдим. Кейин раскрутка қилишди. Бу ерда эса менга ҳаддан зиёд зулмлар қилинаёпти. Мени айбим нима? Айбим ота–онамни дўстларим учрашувга олиб келишганими? Мен нима учун бунчалик азобларга дуч бўлаяпман?

Бу зонада сиз топшириқ бермасангиз, бошқалар бирорта ишни ўзича қилолмайди. Демак, мени қийнашга буйруқ сиздан чиққан. Нима учун? Сиз Худодан кўрқмайсизми? Мен бу азобларга чидолмай қошиқ ютдим. Мени бу ерда операция қиламан ва қошиқни олиб ташлаймиз десанглр мен рози бўлмайман. Мени Сангородга юборишингизни сўрайман.

Сиз бу хатни олган пайтда мени ошқозонимда қошиқ турган бўлади. Мен ё Сангородга кетаман. Ё шу қошиқ ошқозонимни тешиб, шу ерда ўлиб кетаман. Лекин, бу ерда ортиқ қолмайман.

Ҳурмат билан маҳкум Абутов. М. М.

Бу хат оқ қоғозга ручка билан ёзилганди. Мен уни чўнтагимга солиб, энди қошиқ излай бошладим. Катта темир қошиқни одам ютолмас экан. Бу жуда катта экан. Кейин бу режамдан доктор хизбий Баҳодирни огоҳ қилдим ва мендагидан кичикроқ кумуш қошиқ сўрадим.

У менга «Ҳазрат» деб мурожаат қиларади. У хайрон бўлиб менга қараб, «Ҳазрат бу нима деган гап?» деди. «Баҳодир ошна мени шаштимдан қайтаришга уринманг, илтимос. Менга бир яхшилиқ қилинг, мени қошиғим катта экан, шуни кичикроғига алмаштирайлик» дедим.

Маҳкумларни миска ва қошиқлари тумбочкаларда турарди. Доим кимдир «Қошиғим йўқолди» ва яна кимдир «Мискам йўқолди» деб тўполон қилиб юришарди. Бу зонада ҳар ким ўз товоқ–қошиғини қўтариб ошхонага овқатланига борарди. Бу шундай бемаъни жойлар эди. Ошхонасига одам сиғмасдан ташқарида туриб ёзда қуёшда ва қишда совукда кутишарди.

Одам кўплигидан ҳамма нарса остин–устун ва умуман кун тартибига амал қилиш имконсиз эди. Қошиқ ва миска йўқотиш ва янгисини нон пайкани бериб сотиб олиш ҳеч кимга ёқмасди. Мен Баҳодирга ўзимни қошиғим билан алмаштириш учун кичикроқ қошиқ топиб беришни илтимос қилдим. У менга гап уқтириш ортиқчалигини тушунди ва «Менда қошиқ бор сизга бераман» деди.

Шундай қилиб, ундан қошиқни олдим. Бу қошиқ катта қошиқдан кичикроқ ва нержавика эди. Мен алюмин қошиқни ютсам ундан чиқадиган моддаларни менга зарар бериб қўймасин деб, шунақа қошиқ излаётгандим. Мен бу ишни ўлиш учунмас, балки сангородга этап бўлиш учун қилаётгандим. Мана шу лаънати зонадан узоқроқ чиқиб кетиш учун қилаётгандим. Қошиқ топилди, энди уни ютиш керак эди. Бу осон эмасди. Эрталаб туриб, бадантарбиядан кейин ҳамма баракка кирганда мен ташқарида қолдим.

Қошиқни ўзим билан олиб чиққандим. Бу кичкина чой қошиқдан каттароқ лекин, катта қошиқдан кичкина эди. Мен уни икки–уч марта томоғимга олиб бордим. Ўтмади. Қошиқни айлана шаклида букдим. Ярим ойга ўхшаган бўлди. Шунда томоқдан ичкарига ўтар экан. Лекин, яна икки–уч марта қусгим келиб, ўқчидим. Бу бир азоб эди.

Мен баракни орқасида ҳали бошқалар ташқарига чиқмасидан бир амаллаб қошиқни ютдим. Томоғимдан ўтганини сездим. Қошиқ қоринга тушганди. Энди мен бу ёғи нима бўлишини билмасдим. Қошиқни ютиб бўлгач, отряддаги маҳкумлар билан бирга эрталабки нонуштага ошхонага кетдим. Йўлда почта қутисига бошлиққа аталган хатни ҳам ташлаб кетдим. Ошхонага бориб, нон пайкани еб ва чойни ичдим. Булардан бош тортиш имконсиз эди.

Очлик мени ҳар дақиқа қийнади. Мен Баҳодир ва Акмалга қошиқни ютганимни ва энди у қачон қаергадир бориб тиқилиб қолиб, оғриқ пайдо бўлишини сўраб–суриштирдим, бу масалада улардан маслаҳат олиб турдим. Улар иккаласи ҳам врач бўлиб, бири ваҳҳобий ва бири хизбий эди. Текширувдан кейин баракни олдига чиқариб, бизга мадҳия куйлатишарди. Шу ерда туриб ўзаро гаплашардик.

Бу ҳайвонларда заррача одамгарчилик йўқ эди. Бошқалар текширувдан кейин иссиқ баракда телевизор кўриб, чой ичиб ўтиришадию, «вовчики на выход!» «хизбути на выход!» «159 на выход!» деб бақира бошлашади.

Зоналарда ҳали асосий тил рус тили эди. Маҳкумлар ҳам ҳали ўзбек тилига ўтмагандилар. Барча нарсаларни номи жаргондаги иборалар ўша Сталин давридаги ГУЛАГдан қолиб келаётган гаплар эди. Мен ҳам бу терминларни баъзиларини бу китобда шу шаклда ишлатдим.

Докторлар айтишича қошиқ икки соатдан кейин фалон ерга боради, тўрт соатдан сўнг пистон ерга боради. Хуллас кечкурунга қараб ё кечи билан эрталабгача приступ бериши керак экан. Мен шуни кутардим. Қорнимда чинакам оғриқ бошланса кейин дод–вой солмоқчи эдим. Лекин, қорин жим–жит эди. Мен ҳам бирор ерим оғримай турган ҳолда ёлғондан додлашни эплаёлмасдим. Мен штабга чақиришларини ҳам кутардим. Чунки, хат почта қутисига ташланганди. У штабга аллақачон борганди. Мен кутиш билан тушликка етдим. Тушликка бориб, у ердаги овқатни ҳам паққос тушурдим. Қошиқни устига нонушта ва тушлик ейилди. Овқатлар ўз йўлига, қошиқ барибир бир ерга бориб, урилиб туриб қолиши ва оғриқ бошланиши керак эди.

Докторлар мени кўрсалар, секин «Нима гап?» деб қўйишарди. Улар ҳам нимадир бўлишини кутишарди. Кечки текширувга чиққанда мен уларга қараб, «Сизлар совет мактабида ўқиб, дипломни сотиб олган сохта докторсизлар» дедим. «Ҳазрат, нимага тинчликми» деди Баҳодир хизб. «Эрталаб икки соатдан сўнг ундай бўлади. Уч соатдан сўнг бундай бўлади деяётган эдингларку?! Балоям бўлмаяпдику?» дедим. Баҳодир менга қараб, «Ўзи ютганмидингиз ҳазрат?» дейди. «Ҳа. Бу иш аниқ. Лекин, негадир қориндан садо чиқмаяпди» дедим аламзадалиқ билан. «Кутингчи, бир гап бўлар» дейишди улар.

Кечки овқатни едик. Мени на штабга чақиришди ва на қорнимда приступ бўлди. Ҳеч нарса бўлгани йўқ. Мени ўзим ҳайрон эдим. Хожатда чиқиб кетмаса бўлди деб кўрқардим ва хожатхонага ҳам бормагандим. Уни чиқиб кетадиган вақт ҳали бўлгани йўқ эди. Лекин, бу пайтгача у қаерга бориб бўлсада урилиши керак эдида. Штабга ёзган хатимни ўқиб ҳали чақиришлари аниқ эди. Агар бу қошиқ хожатхонада чиқиб кетса, мен шарманда бўлардим. Мен уларни алдаган бўлардим. Қошиқ ютганимни исбот қилолмасдим. Мен нима қилишга ҳайрону–лол бўлиб, уйкуга кетдим.

Подёмда турдим. Қоринбой ҳеч нарса бўлмагандек жойида эди. Фақат очлик ич–ичидан сиркиратарди. Бошқа нарсани сезмасдим. Шу куни эрталабки нонуштани едим. Докторларни ўқитган совет институти ўқитувчиларига лаънатлар ўқидим. Текширувдан сўнг отрядник чақиртирди. Унинг олдида бошқа бараклар отрядниклари ҳам бор эди. «Сен нега қошиқ ютдим деб бошлиққа хат ёздинг?» деб уришни бошлашди. Мен уларга «Ростдан ҳам ютдим» дедим. Касофатлар аямасдан уришарди. Бу калтаклар зарбидан ошқозоғимдаги қошиқ бирор еримни тешиб, ростданам ўлиб қоламанми деб кўрқардим. Мени бу хийла найрангим ҳеч натижасиз тугаганди. Бу калтаклар азобидан йиғлаб, бақириб чиқдим. Ифлослар мени алдаган деб ўйлашганди. «Агар қошиқ ютган бўлсанг, у аллақачон приступ бериши керак эди» дейишарди мени савалаб туриб. Мен эса алдамагандим. Қошиқ ғойиб бўлганди.

Қорнимни у–бу ерини босиб кўрсамда бирорта каттиқ нарса борга ўхшамасди. Докторлар ҳам ҳайрон эди. Икки доктор қошиқ қаерга кетганлигини муҳокама қилишарди. Биттаси «Оч ошқозон қошиқни ҳам ҳазм қилиб юборган» деса, униси «Туалетда ўтирганда чиқиб кетган бўлиши мумкин» дерди. Лекин, мен хожатда унақа нарса чиққанини умуман сезмаганман. Ўша пайтларда бунга эътиборлироқ қараган пайтим эди. Улар қошиқ орқадан чиқиб кетган деган хулосага келишди. Хуллас, бу қошиқ операцияси калтак ейишдан бошқа натижа бермаган эди.

Қошиқ воқеъасидан сўнг мени бу сектордан иккинчи секторга рабочий отрядга ўтказиб юборишди. Мен у ерга 3 отрядга тушдим. Мен билан бирга Муҳаммад Бекжон ҳам бор эди. Шунингдек, бошқа хизбийларни ҳам жойини алмаштириб, унисини бу ёққа бунисини у ёққа алмаштиришди. Буни рокировка дейишади. Бу маҳкумларни бир ерга ўрганиб қолмаслиги ва ўзини хотиржам тутмаслиги учун тез–тез ўрнини алмаштириб туришади. Мен эса 9 отрядда одам кўплигидан ётишга жой тополмай ва ачиб сассиб битлаб турадиган ердан бу ишлайдиганлар отрядига ўтганимга биров хурсанд эдим. Нариги отряддан фарқли ўлароқ бу ерда одам камроқ эди. Ҳар одамга биттадан ётишга каравот бериларди. Бу секторда ҳам тўртта отряд бор эди. 3 ва 5 отрядлар битта бинода жойлашганди. 4 ва 6 отрядлар битта бинода эди.

Юқорида айтганимдек мен 3 отрядда эдим. Ҳизбутлар амири Ҳафизуллоҳ 4 отрядда эди. Энди у билан битта секторда эдик. Шунингдек, у пайтлар бу ишчи отрядларда ҳам кам сонли диний маҳкумлар бўлиб, олтинчи отрядда Тошкентлик Абдуллоҳ деган бола бор эди. Бу отрядлар маҳкумлари икки сменали тартибда ишлашарди. Биринчи сменада ишлаганлар эрталаб олтидан кетиб, кечки учда қайтардилар. Иккинчи смена соат иккидан кетиб, кечки ўн бирда қайтарди. Бу ердаги хожатхоналар нисбатан нариги 3 секторга қараганда озодароқ экан. Одамлар нисбатан камлиги учун бўлса керак, секторда тўла бўлиб юришмасди.

Бу ерга мен Муҳаммад Бекжон билан бир вақтда ўтгандим. Адаш акани бу ерга ишчи отрядга нега ўтказишганлигини билмайман. Ундан бошқалар Мамадали Маҳмуд ва Самандар Қўқоновларни ўтказишмаганди. Улар ўша баракда қолишганди. Самандар Қўқонов билан кўп гаплашганман. У одам ИАК билан тенгдош экан. У турмада нисбатан яхши яшарди. Уни ТСБлар бизлар каби уриб хорламасди. Унга учрашувга тез–тез келиб туришарди.

Уни қамалганлигини 1993 йилда телевизордан кўрсатишганди. Ўшанда уни бир гектар ерга уй қурганлигини ва бу уйда хоразмлик усталар ишлаганлигини ва бошқа нарсаларни гапиришганди. Мен ундан шу гаплар қанчалик рост деб сўраганимда у шундай тушунтирганди: Уй қуришлик учун у ўзини, ўғлини, келинини ва хотинини номига биттадан ер участкаси олган экан. Бу тўртта участка ҳаммаси қонуний олинган бўлиб, уни атрофини битта девор билан ўрашган экан. Шунга бу катта уй битта одамникига ўхшаб кўринар экан. У ерда уй қурганлиги ҳам рост экан. Лекин, усталарни қулдек ишлатмаган ва уларга келишилган пулини вақтида бериб турган. Лекин, у ИАКга қарши мухолиф фикрдалиги учун уни турли баҳоналар билан қамашган экан. «Мен то ИАК ўлмагунча озодликка чиқмайман» дерди у. Уни қамалганда йигирма йил срок берилган бўлиб, бу муддат тугамасдан туриб, яна янги жиноий очиб муддат қўшишган. Бу ўша пайтдаги гаплар эди. Бу китоб ёзилаётган 2016 йилда эса, унинг қамалганига 23 йилдан ошиқ вақт ўтганди. У ўзи айтганидек, то ИАК ўлмагунча у озодликка чиқадиганга ўхшамаяпти. Мен Аллоҳдан сўрардимки, ИАК тезроқ ўлсинда у ва бошқа маҳкумлар озодликка чиқишсин.

Мен янги секторда наригидагидан кўра анча яхшироқ шароитлар бўлса керак деб хом хаёл қилгандим. Аммо, бу ердаги зулму–зўравонлик унисиданда каттароқ эканлигини мен билмабман. Мен диндор маҳкумларнинг бу зонадаги ўша даҳшатли даврдаги бир кунини шеърый сатрларда тасвирлагандим. Бу шеър «турмадаги бир кун» деб номланади.

Қуйида шу шеърни эътиборингизга ҳавола этмоқчиман.

Турмадаги бир кун;

Навоийда битта, «қизил» зона бор,
Унинг таърифлари жудаям бисёр.

Бунинг номин кимлар «қирқ олти» дерлар,
Ичида яшайди, қуёнлар шерлар.

Мен бу ерда тўрт йил ўтирган эдим,
Кўп азоблар кўрдим, калтаклар едим.

Бу турма тарихи дostonга сиғмас,
Бу ернинг зулми ер осмонга сиғмас.

Бу шеъримда баён қилайин сизга,
Қандай кўргиликлар етганди бизга.

Аммо, бу азобни ёзиш имконсиз,
Мингдан бирин ёздим десам ишончсиз.

Мен ёзганларимга ўзим гувоҳман,
Сизни ишонтиришга хайрихоҳман.

Бир кунни васфини қиламан халос,
Бир кун қандай бўлса, барчасига хос.

Сабр қилиб ўқиб чиқинг бир нафас,
Булбулга тиканми йўқ, олтин қафас?!

1

.....

Сталин даврида қурилган барак,
Аслида юз маҳбус ётиши керак.

Бу ерда ётибди икки юз, уч юз,
Ким ёлғон гапирса қаро бўлар юз.

Уч қаватли темир каравот бари,
Аслида бир қават бўлган илгари.

Шунда ҳам одамлар сиғмас баракка,
Маҳбуслар ётмасди тўшакда якка.

Ҳар икки маҳбуснинг ўртасига бир,
«Бир юз эллик тўққиз», тикилар мажбур.

Анча тинчроқ яшар, ўғри каззоблар,
«Эллик тўққиз»ларга барча азоблар.

Бир бўлимда шундай тўртта барак бор,
Атрофи ўралган, тортилиб девор.

Демак, бир бўлимда, бор мингта маҳбус,
Лекин ҳожатхона, кам эди афсус.

Ўнта одам учун мўлжал қилинган,
Билмадим ким бунда, не режа қилган.

Ювиниш жойдаги эски турбадан,
Ўнта одам ювиш мумкиндир бадан.

Тартиб бўйича шу, олтида подём,
Катта посбонимиз исми ҳам Артём.

Олтига етмасдан ҳали соатлар,
Посбонлар уйғониб, ишини бошлар.

Наҳорда уйғотар туртиб посбонлар,
Совуқдан танангда музлайди қонлар.

«Тур, бориб кўчани тозалаш керак»,
Тепамизда турар, бир алп бўйтерак.

Қалтираб турамиз бир неча маҳбус,
Эллик тўққизларнинг иши шу махсус.

Қаранг мўминларга берган азобни,
Уйғотмас эдилар, ўғри каззобни.

Шулар тозалайди кўчада қорни.
Лекин, овқатга ҳеч тўймайди қорни.

Бир амаллаб ўқиб олишга намоз,
Посбонлар кўзидан қочамиз бир оз.

Бир четда имою ишора билан,
Ким қандай амаллаб, намоз ўқиган.

Кимни ушлаб олса гар, сергак посбон,
Бақириб бошлайди, қий чув тўполон.

Каттасин чақириб, солади вой дод,
“Фалончини кўрдим, ўқиди бомдод.”

Уни олиб кетар изоляторга,
Ким гап қайтаради, бундай “ботир”га.

Махбуслар тургунча ширин уйкудан,
Биз қор тозалаймиз, титраб кўркувдан.

Соат олти бўлгач, қўнғироқ чалар,
Чироқлар ёнади, қий чув бошланар.

Махбуслар уйкудан тургунча, бўлар,
Посбонлар тарафдан, дўк пўписалар.

Бақира бошлашар барча нозирлар.
Махбуслар кўчага ўзни ҳозирлар.

Бараклар олдида тортилади саф,
Билмадим, бундан бор кимга, қандай наф?

Бошланар зонада «бадантарбия»,»
Бу нарсадан фойда бўлса майлия.

Ташқарида туриб, бир неча зобит,
Кузатар ҳаммани турганча собит.

Кейин айтишади, барча жўр бўлиб,
Мадҳия куйини “завқ шавқ”қа тўлиб.

Совуқ изғиринда, борми оламда,
Мадҳия куйлаган халқ, субҳидамда?

Беш ё олти марта, куйлагач, охир,
Киришга ишора бўлади зоҳир.

Шунда берилади бизга ўн минут,
Эҳ, бу кунлар менга, бўлмагай унут.

«Юз қўлингни ювиб, сафда тур» дейди,
Мўминлар намозин ғамини ейди.

Бир амаллаб, бирор четроққа чиқиб,
Ким қандайин, олар намозни ўқиб.

Ҳамма югуради туалет томон,
Ҳаммага лекин жой, етмаса ёмон.

Илож йўқ, юзингни олишга ювиб,
Посбонлар келади, ортингдан қувиб.

Ювинишга агар тополсанг имкон,
Кузатиб туради ортингда посбон.

Таҳорат қилдими йўқми, кузатар,
Ўзича хатоинг кўрса, тузатар.

Тугамайди сира дўқ пўписалар,
Калтак ер намозни, ким ўқисалар.

Одамнинг кўплиги ташвиш муаммо,
Бунинг яхшилиги бор экан, аммо.

Ур йиқ тўполонда, барча посбонлар,
Баъзан кузатишга топмас имконлар.

Хуллас, кимлар тушса посбон кўзига,
Кейин, қаралмайди унинг сўзига.

Шулар жинойтчи бўлади шу кун,
Изолятор, намоз ўқиган учун.

Ким қўлга тушмаса, омади чопган,
Мискасини олиб, сафда жой топган.

Барчамиз саф тортиб бўламиз равон,
Мадҳияни куйлаб, ошхона томон.

2.

.....

Ошхона дегани кичик бир хона,
Оловга ургандек ўзин парвона.

Бу ерда ишлашлик, улуғ шарафдир,
Инсон қорни доим овқат талабдир.

Маҳбуслар эрталаб кирар, бу ерга,
Тез чиқар оёғи тегмайди ерга.

Чунки, одам кўпдир овқатланишга,
«Нонингни ол тезда отлангил ишга.»

Бир чўмич ювинди, берар эрталаб,
Бундар ортиқ нарса, қилинмас талаб.

Бир парча нон билан ичамиз уни,
Бошланар шу билан, маҳбуснинг куни.

«Бўл, тез чиқ!», садоси остида, барча,
Ишга жўнаб кетар, кун ботгунгача.

«Промзона» деган, томонга бориб,
Ҳамма ҳожатхона, кетар ахтариб.

Эрталабдан имкон бўлмаган учун,
Ҳожатга эҳтиёж бўлмасин нечун?!

Энг муҳим ишлари маҳбус зотини,
Чекиш топиш, сотиб, бор бисотини.

Ким нонин беради, кимдир имонин,
Чекиш топиб тўлдиришга ҳамёнин.

Чекиш деган бало, номи “самосат,”
Кимда кўпроқ бўлса, қилишар ҳасад.

У нарса маҳбуслар, жони дилидир,
Барчаси нон билан, шунинг қулидир.

Самосатни топсанг, бахтинг кулгани,
Ўраш учун қоғоз, топсанг бўлгани.

Лекин қоғоз топиш, эмасдир осон,
Қоғоз учун яна, бериш керак нон.

Газета парчасин тополган маҳбус,
Қанчалик «бахтлидир», билмайсиз, афсус.

Кимда бўлса ўша қоғоз парчаси,
Унга парвонадир маҳбус барчаси.

Агар бўлса у ҳам, саховатпеша,
Тарқатса, эртани қилмай андиша.

Бу одам сахийдир, бунга гумон йўқ,
Бунга ҳар кимда ҳам, журъат, имон йўқ.

Лекин камроқ эди, бундай сахийлар,
Баъзида рад қилар, баъзида сийлар.

Самосатни топиш, бўлса бир азоб,
Қоғоз топиш учун, қанча изтироб.

Агар топа олсанг барин мукаммал,
Демак, хурсанд бўлиб, бошлайсан амал.

Эски бушлатларга ўралиб олиб,
Тушгача ишларсан, қолмасдан толиб.

Бригадирлар турар, тепангда доим,
Буларнинг асрасин Ўзи, Худойим.

Столба цехида ишлаймиз бизлар,
Яъниким, диндорлар, «эллик тўққизлар.»

Бу ерда эртадан, кечгача қий-чув,
Столба ташиймиз, кечиб, лойу-сув.

Столба, чегара учун мослашган,
Тикан симлар тиркаш, учун хослашган.

Тўрт киши кўтарар уни қўлида,
Қувват қолмас одамзодни белида.

У ёқдан бу ёққа, юрамиз шундай,
Кимлигимиз элга, аёндир кундай.

«Вовчик» деб, чақирар, бошқалар бизни,
Заррача қадрингиз бўлмайди сизни.

Чарчоқдан танангни қолмаса жони,
Ўтириб дам олиш, йўқдир имкони.

«Тез бўл, тез бўл!» дея, йиртади томоқ,
Агар тез бўлмасанг, ейдурсан таёқ.

Уларга берилган катта имтиёз,
«Эллик тўққизларни, ўлдирсанг ҳам оз.

Халқнинг душманидир, «эллик тўққиз»лар,
Уларга заррача, раҳм этманг сизлар.

Улар вовчиклардир, улар одаммас,
Уларни ҳақорат қилиш, ҳароммас.

Ўлиб қолса агар деймиз начора,
Касал маҳбус экан, ўлди бечора.

Улар ишламаса гар қойилмақом,
Бизга хабар беринг, гап йўқ, вассалом!»

Бу гаплар айтилган бригадирларга,
Дардинг айтолмассан, қир адирларга.

Тўрт тараф, тикан сим ўралган девор,
Ким билар, бу девор ичида, ким бор?!

Атрофинг тўрт тараф, чўлу биёбон,
Додингни ҳеч кимга, айтолмай ҳайрон.

Келиб кетиб турар, ҳар дам зобитлар,
ИАКни «худо» деб, билган «обид»лар.

Кимки кўзларига кўринса ёмон,
Изолятор сари, бўлади равон.

Ёки, промзона ҳожатхонаси,
Бўлади уларнинг уй, «кошонаси.»

Тагидаги ахлат ичига тикиб,
Итдек расво қилиб, тегишар йикиб.

Бу каби зулмни қилмаган ҳамон,
Мусонинг қавмига, Фиръавну-Ҳомон.

Бизларга қилдилар шундай зулмни,
Ёлғон бўлса сўзим, кесинг тилимни.

Бу каби азобу уқубат билан,
Тушга етиб олсак, хурсанд жону тан.

Кетамиз саф бўлиб, миска кўтариб,
Мадҳияни куйлаб, ғариб, музтариб.

Тушликга етирган Аллоҳга шукр,
Шу кунларни эслаб, қиламан фикр.

3
.....

Промзонани ҳам ошхонаси бор,
Ош ейилар дея, ўйламанг зинҳор.

Бу ерга келади ишчи маҳбуслар,
Ўша тартиб низом, ўша манқуртлар.

Жойни торлигидан қайга кетамиз,
Навбат етишгунча туриб кутамиз.

Мискасин кўтариб юзлаб оломон,
Овқат ейиш учун, кутишса ёмон.

Офтоб иссиқлари, қиш аёзлари,
Кутиш билан ўтар, қишу ёзлари.

Навбатимиз келгач, бир бир кирамиз,
Қайга ўтиришни яхши биламиз.

Ўн киши ўтирар, битта столда,
Пайка нон ва овқат, бор кастролда.

Кимдир чўмич олиб, овқат сузади,
Сузишда ким ундан, кўзин узади?.

Нонни чети учун, бўлар талашиш,
Деманглар бу гапни, ҳаддидан ошиш.

Очлик ўз ҳукмини ўтказар бизга,
Бу гапларим эртак туюлар сизга.

Ўйламанг «буларнинг тақвоси йўқ» деб,
«Ичида ақлли, доноси йўқ», деб.

Булар дини учун қамалган бари,
Ҳаммаси тақводор бўлган илгари.

Бу носоғлом ҳаёт, барин синдирган,
Ҳаётга бўлган умидин, сўндирган.

Ҳеч ким уялмайди, ҳеч кимдан ортиқ,
Қилолмас бир нарса, бировга тортиқ.

Одамзод тушса гар, бу вазиятга,
Эътиборсиз бўлар, кўп азиятга.

Бу ерларга тушиб кўрмаган одам,
Калтак еб тортмаган, сон саноксиз ғам.

Катта гапириши мумкин ўзича,
Амали топилмас, айтган сўзича.

Ўйламанг буларни билмас деб, динни,
Ёки, қули бўлган, шайтону жинни.

Барчасини илми, эътиқоди бор,
Булар бўлгандилар, зулм остида хор.

Ҳизбутми, салафий, ваҳҳобий, хуллас,
Аралаш қуралаш, кунни ўтса бас.

Ҳаммада бор фақат, биргина қайғу,
Ажал етса тезроқ, ўлиб кетса у.

Бу азоблар бари тугаса, тамом,
Бошқа нарса керак эмас, вассалом.

Тез тез ичиб олиб, кади шўрвани,
Кўтарамиз тезда халта тўрвани.

Яна иш жойига, кетамиз чопиб,
Тартиб сақловчилар, олмасдан қошиб.

Бу ерда бир улкан темир матоҳ бор,
Тош эзгич дейилар, шовқини бисёр.

Бу нарса айланар тинмасдан доим,
Шовқинин эшитиб, дермиз; Худойим.

Бу нарса майдалар катта тошларни,
Бизлар ташиймиз сўнг, эгиб бошларни.

Шу тошдан қоришма қилинар кейин,
Бетон қуйиш учун, лозим атайин.

Шу югур югурда амаллаб кимлар,
Намоз ўқиб олар, ғариб мазлумлар.

Қанчаси тарк этди, намоз рўзани,
Эшитсада таънаю, маърузани.

Ҳамма ҳалак бўлган, ўз жони учун,
Кимдир охирати, имони учун.

Шу тахлит кечгача, ишлаймиз ҳар кун,
Кечки соат бешда, иш бўлар якун.

Бошқа гуруҳ келар, тунда ишлашга,
Вақт топмас одамзод, бошни қашлашга.

Хуллас, саф саф қилиб, яна санарлар,
Ҳамма маҳбус, Жилзонага жўнарлар.

У ерда бошланар, оммавий санок,
Бутун зона бўйлаб, санашар узоқ.

Бунда барча маҳбус, туришар қоим,
Барча зобит зоти, тўпланар доим.

Санокқа тўплансак фақат, майлия,
Куйламиз жўр бўлиб, яна мадҳия.

Бутун зона бўйлаб, катта майдонда,
Беш мингтача маҳбус, шовқин суронда.

Мадҳия куйлаймиз, борича овоз,
Посбону зобитлар, бақиришар боз.

Ўн марта, ё шунга яқин, ҳар куни,
Мадҳия куйлашлик, шарт билгил шуни.

Биттаси дирижёр бўлади яна,
Кўринг сизга текин томошо, мана.

Қўлини силкитиб турар ўзича,
Унга қарамайди биров, заррача.

Мадҳия тугагач, маҳбус дирижёр,
Зобитларга қилар, таъзим бажо зўр.

Агар майли деса, демак гап тамом,
Шундайдир бу ерда, тартиб интизом.

Агар йўқ деса у, куйлаймиз яна,
Куйладик ой йиллар, бир қанча сана.

Кейин рухсат бўлар, баракга қайтиш,
Шу санокдан ўтиш, катта оғир иш.

Кейин бошланади яна сафланиш,
Кечки овқат учун, ё таёрланиш.

Кечки овқат билан тугамас ташвиш,
Ҳали уйкугача бордир анча иш.

4

.....

Овқатланиш учун, албатта такрор,
Мадҳия куйлаймиз, боргунча ўн бор.

Ошхона олдида кутамиз яна,
Навбат етиб, кир деб, айтгунча мана.

Кечки овқат билан тонги овқатни,
Топмайсиз орада бирорта фарқни.

Маҳбуслар одатда нонни олишар,
Емасдан қўйнига секин солишар.

Нонга сотиб олса, бўлар самосат,
Бир чимдим куруқ чой, ичишга фақат.

Ёки, ейиш учун баракка келиб,
Агар йўлда биров, кетмаса илиб.

Йўлда турар яна, бир гуруҳ посбон,
Нонни олиб ўтиш, эмасдир осон.

Текшириш бўлади, сафни тўхтатиб,
Кўпчилик нонини кўяр йўқотиб.

Агар кимдир олиб ўтса баногоҳ,
Ана ўшалар ҳам, бўлсинлар огоҳ.

Баракда посбонлар кўриб қолмасин,
Ейдиган нонинга заҳар солмасин.

Кечки овқатдан сўнг, қаранглар ҳали,
Эллик тўққизларни ҳайдар ташқари.

Улар кира олмас баракка дарров,
Уларни қилганчалик, иш қилмас биров.

Улар супурарлар барак атрофин,
Ва ҳожатхонани, сўрманг инсофин.

Тозалаб бўлсалар ҳам, ҳамма ёқни,
Баракка кирсалар, ерлар таёқни.

Турарлар то, соат бўлганича ўн,
Мадҳияни куйлаб, гапиришга жўн.

Соат ўнда ётар ўғри каззоблар,
Эллик тўққизларга, бўлар азоблар.

Кимнидир штабга чақирар ҳали,
Урарлар, маҳбуслар ётган маҳали.

Кимлар ҳожатхона тозалар яна,
Бир кунинг гўёки, бўлар бир сана.

Яна шом намози, билан хуфтонни,
Ўқиш муаммоси, ўртайди жонни.

Имою ишора билан, бир нафас,
Ким қайда амаллаб, ўқиб олса бас.

Баъзида топмайсан, шунгаям имкон,
Уйқуга ётганда, ўқийсан аҳён.

Хаёлан қиласан рукуъ, саждани,
Кўрган куни курсин, мўмин бандани.

Агар ҳаммасидан ўтолсанг омон,
Энди ухлашга жой бўлмаса ёмон.

Одам кўплигидан, ётишга жой йўқ,
Эллик тўққизларга, ичишга чой йўқ.

Бир куни у ерда, бир куни, бу ер,
Бригадир кўрсатиб, сен ётасан дер.

Икки киши ётса, ўртага ётар,
У икки кимсага, бу оғир ботар.

Улар туртиб чиқар, то тонг отгунча,
Гўрда ётган яхши, бунда ётгунча.

Лекин чорамиз йўқ, бечоралармиз,
Гуноҳсиз гуноҳкор, овворалармиз.

Кимга айтиш мумкин, аҳволу зоринг,
Билмайсан қаерда қолгай мозоринг?!

Йиғлагинг келади, дилда исён йўқ,
Ҳатто йиғлашга ҳам, асло имкон йўқ.

Эсини йўқотиб қўйган одамдек,
Довдираб юрасан, бўларми деб чек.

Ўзни ўлдиришга бўласан рози,
Лекин унда бўлар, Аллоҳ норози.

Озод бўлишликни қилмайсан хаёл,
Тушинга ҳам кирмас, қиз, жувон, аёл.

Фақат бир оз тинчлик топайин дерсан,
Тинч бўлсанг, сўнг бошқа ғамингни ерсан.

Қуриб битган ожиз, нотавон тана,
Ухлаб дам олишни, истайди яна.

Эртанинг ғамини ўйлай олмайсан,
Эртага ўламан дейсан, ўлмайсан.

Исқирт бушлатига ўралиб олиб,
Уйқусига кетар маҳбуслар толиб.

Эртага, отмаса майли эди тонг,
Дея, эллик тўққиз, қотиб қолар донг.

Эртага мабодо уйғонса мана,
Бўлар, шу ўқиган нарсангиз яна

.....

Бу битта маҳбуснинг битта кунидир,
Кун эмас, зулматга тўла тунидир.

Агар тушмасалар изоляторга,
Тушмаса бўлади, кўп хавотирга.

Демак, юқорида айтилган каби,
Ўтади шу куни, бу кун талаби.

Агар тушиб қолсанг, изоляторга,
Ўрин бор тушишга, кўп хавотирга.

Бу бошқа мавзудир, бу алоҳида,
Эсимга тушади мени, гоҳида.

Бир кун вақти келса, берарман айтиб,
Балки бу мавзуга, келмасман қайтиб.

Мана шундай ҳолда, ўтди, йил ойлар,
Лекин сал яхшироқ, яшарди бойлар.

Бу эллик тўққизлар, чеккан азоблар,
Тушида ҳам кўрмас, ўғри, каззоблар.

Бу азоб укубат, бўлганди нечун,
Мўмин бўлиб, намоз ўқиган учун?!

ИАК деган бадбахт, пасткаш ҳароми,
Лаънатланиб қолсин, тарихда номи.

Шундай ноинсоний, зулм этди бизга,
Ўқинг деб, мен бир оз, зикр этдим сизга.

Минг азобга солиб, бу жону танни,
Бизга ўргатишди, севмоқ ватанни.

Шундай ўргатишди ватан севишни,
Мен унутолмасман ҳаргиз бу ишни.

Озми кўп, турмада ўн йил ётибман,
Шунда ҳам ватанни севиб ётибман.

Нафрат тимсолидир менга мадҳия,
Ўқирман ватанга энди Марсия.

Менинг нафратимнинг поёни йўқдир,
Ҳануз қасос олиш, имкони йўқдир.

Бу зулм режими тураркан омон,
Бундан ҳам ҳолимиз бўлади ёмон.

Буни йўқ қилишлик керакдир тамом,
Қон тўкиб бўлсада, тамом вассалом!

Навойи 46 сонли зона

3 отряд

Промзона

2001 йил Май

Зонада промкаси борлигини аввалроқ айтгандим. У ерда бир қатор цехлар бўлиб, рабочий отрядлардаги маҳкумлар ўша ерда ишлашарди. Бу цехлар ичида асосийси ва бу зонанинг ихтисослаштирилган цехи столба цехи эди. Бу цех бир қандай бинолардан ташкил топганди. Унинг атрофидаги катта очик майдонлари бўлиб, шу ерга тайёр бўлган столбалар териб қўйиларди. Бу цехнинг ҳар бир бўлагида бир операция бажариларди.

Промкани ўртасида катта тош майдалагувчи дробилка бўлиб, у тарақа туруқ қилиб кечаю–кундуз айланиб турарди. Бу дробилка учта катта бочкадан иборат бўлиб, бу бочкалар ердан уч метр тепада айланиб турарди. Бочкаларни тешиклар бўлиб, уни ичидаги тошлар майдаланганда шу тешикдан чиқиб, пастда айланиб турган қалин резина учига тушар ва резина уни ерга олиб келиб ташларди.

Тешиклардан куқунлар ҳам тушарди ва улар асосан шу дробилкани тагига тўкиларди. Бочкалар ичида тошни майдалайдиган махсус темир тишлар айланиб турарди. Дробилканинг вазифаси турли катталиқдаги тошларни етказиб бериш эди. Бу тошлар шебенлар дробилкадан формовка цехига ташиларди. Бунинг ораси эллик метрча келарди чамаси.

Формовка цехида темир столба формалари қолиплари бўлиб, улар олдинни ичи мойланиб каркас қўйиларди. Кейин унинг устига ўша дробилкадан келтирилган ва шу ердаги қўлбола цемент қорадиган аппаратда қорилган цемент қоришма қўйиларди. Бу ерда бетонни қорадиган алоҳида бино йўқ эди. Бетон қоришда ўша дробилкадан олиб борилган тошларни солиб, яна бошқа ердан цемент олиб келиб солиб, яна ўн беш метрча узокликдаги ерда кичкина бетон ҳовуз қилиб қўйилган ерда пақирда сув олиб келиб, цемент қорилади.

Бу қоришмани ғилдираги бор. Уни бетони билан биргаликда жойидан жилдириб формалар турган ерга олиб борилади. Формовка цехидан ерга темир йўл ётқизилган бўлиб, бу темир йўл устида катта темир ғилдиракли аравалар туради. Шулар устига формалар қўйилиб, жилдирилади. Формага бетон қуйилгач, уни вибраторда қалтиратиб кейин бу цехдан қўшни печка цехига ҳайдалади.

Бу темир аравани ўнлаб маҳкумлар судраб, нариги цехга киритиб қўядилар. Бу ерда у маълум градус парда иссиқликда бир кун туриши лозим бўлади. Кейин уни у ердан чиқариб, ичидаги столбаларни олинади. Бу столбаларни у–бу ерини тозалаб, ҳар еридан чиқиб турган бармоқдек келадиган темирлар краска билан бўялади. Кейин бу столбалар шу промзонага келадиган бир четда жойлашган темир йўл ёнидаги майдонга териб қўйилади.

Битта столбани тўрт маҳкум кўтаради. Столбани оғирлиги 150 кг. Уни иккита илмоғи бўлиб, шунга бир метрча келадиган трубани илдириб, икки маҳкум олдидан, иккитаси орқасидан кўтаради. Буни кўтариб турли масофада баъзан юз метр, баъзан эллик метрча юриб бориш ва уни териб қўйилган столбалар ёнига қўйиш керак бўлади.

Хамма иш қўлда қилинади. Бу зонага ҳали техника тараққиёти етиб келмаганди. Бепул ишчилар – куллар бу оғир ишни кечаю–кундуз бажаришарди. Бу цехдан ташқари яна бошқа цехлар бор эди. Ботинка цехи кичкина бўлиб, унда тўртинчи отряд маҳкумлари ишлашарди. Товуқхонанинг симтўрларини тўқийдиган цех бўлиб, у ерда 6 отряд ишларди.

Терини ошлайдиган цехлар ва мрамор тошга лавҳа ёзадиган цехлар бор эди. Бу цехда мрамор тошларни ингичка қилиб сув билан кесадиган аппаратлар бор эди. Бу ердаги маҳкумлар тошни ҳар–хил размерда кесиб, кейин ташқаридан келган заказга биноан «Фалончиев Пистончи фалон йилда туғилди, пистон йилда ўлди» деб ёзиб беришарди. Бу ерда камроқ одам ишларди. Хуллас, ҳали айтганимдек, промкада асосий иш столба цехи эди. Бу ишга деярли промкада ишлайдиган маҳкумларнинг 90% жалб қилинганди.

Баъзида зонага беш–ўн та вагон келарди. Бу вагон йўли устида битта козловой кран бўлиб, бу кран вагонлар устида у ёқдан–бу ёққа бориб келарди. Бизлар вагон келганда махсус поддон деб аталадиган темир кутилар устига столбаларни юклардик. Битта поддонга йигирмата столба кетарди. Энди бу столбалар озроқ жой олиши учун устма–уст қилиб юкланарди. Ўша кран поддонни кўтариб, вагонни ичига қўярди. Кейин вагон ичидаги маҳкумлар уни поддондан олиб, вагонга жойлардилар. Пастда эса яна бошқа поддонлар бўлиб, буларни устига столбалар қўлда ташиларди.

Вагон келганда биринчи сменада ишлаганларни иккинчи сменага ҳам олиб қолишарди. Бу дегани эрталаб ишга келганлар кечки ўн иккида баракка боришарди. Бундай пайтда бошқа цехлардан ҳам маҳкумларни ёрдамга жалб қилишарди. Сабаби вагонни зонада туриши ҳар соатига фалон пул экан.

Булар тезроқ юклаб ортига қайтаришга ҳаракат қилишарди. Иш қўлда бажарилгани учун оғир иш эди. Тепамизда бригадирлар ва ТСБлар қий–чув қилиб уриб–бақириб юришарди. Промкада катта бригадир Шокир деган бақалоқ эди. Бўйи калта – ўзи семиз бу касофат Промкани бошлиғи майор Жонпўлатни ўнг қўли эди. Одатда Мардонов ёнида ТСБлар бошлиғи Гера, Герман Жумаев юрса, Жонпўлатни олдида гирдикапалак шу Шокир эди.

Бу ерда катта ҳажмда ишлар қилинарди. Маҳкумларни уриб–сўкиб, калтаклаб амалга оширилган бу ишлар учун уларга шу вагон келганда овқатига яна бир чўмичдан овқат ва қўшимча бир пайкадан нон бериларди. Бу уларнинг мукофоти эди. Шунга улар хурсанд эдилар.

Бир куни менга Муҳаммад Бекжон «Адаш бугун вагон келар экан, бугун қорнимиз тўяди» деганди. У шу куни бериладиган қўшимча нонни назарда тутган эди. У киши шунга хурсанд бўлиб ва мени ҳам хурсанд қилиш учун буни айтаётганди.

Бу промкада норасмий қоғоздан, ҳужжатдан ташқари шунақа тош цементлар келтирилиб, улар столбага айлантеририлиб, ташқарига сотиларди. Расмий олди сотдидан ташқари норасмий ишлари ҳам бор эди буларнинг. Бунн хисобига булар катта маблағлар фойда қилишарди. Промкани яна бир жиҳати. Тарбия бўлими муовини айтганидек, бизни «тарбиялаши» эди. Промка бизни тарбиялади. Лекин, Маркс айтгандек эмас, аксинча тарбиялади. Маймунни одамга эмас, одамни маймунга айлантерди.

Мен тушган 3 отряд маҳкумлари мана шу столба цехида ишларди. Бу отряддаги барча маҳкумлар старший бригадир Шокирга итоатда эдилар. Шокирни ўзи ҳам шу отрядга қайд қилинган бўлиб, лекин у баракка келмасди. У промкада ўзига алоҳида хона қилиб олган ва у ерда маслакрат братишқалари билан яшар эди. Шокир промкада ўша хужрасида ўзи овқат пишириб ерди. Унга ташқаридан ментлар ва шу промкада ишлайдиган икки–учта фуқаро ишчилар озиқ–овқат олиб келиб туришарди.

Ҳа Шокир турмадамас, деярли озодликда яшарди. Бу зонада икки шахс бири Гера ва бири Шокир қамокдаги маҳкумлардек эмасдилар. Улар озодликдагилардан яхшироқ яшайдиган, қўлларида юзлаб куллари бор катта власт эгаси бўлган кимсалар эдилар. Улар маҳкумларни қонини ичадиган ва шу ҳисобига ўзлари яхши яшайдиган золимлар эдилар. Аниқроғи золимлар қўлидаги қўғирчоқ золимчалар эдилар.

Мени бу отрядни зовхози Равшан деган йигит ўзи келиб, 9 отряддан 3чи отрядга олиб кетди. 3 отрядга кираверишда кичкина продол (йўлак) бўлиб, тўғрида отрядникни кабинети жойлашганди. Шу продолда икки томонида деворларда турли хил қоғозлар ва зоналар учун чиқадиган «Вақт» газетасининг қайсидир сонлари ва эълонлар бор эди.

Совет даврида стенгазета деб номланган уч бурчакли тахтача бўлиб, унга ҳар хил газета парчалари ёпиштирилганди. Ўша уч бурчакни ўртасида Муҳаммад Солиҳни ёшлигидаги бир расми бўлиб, тагига катта қизил ҳарфлар билан «ватан хоини» деб ёзиб қўйилганди. Шу отрядга уни укаси Муҳаммад Бекжон ва мен келгандим. Бу сурат шу ерда йил давомида турди. Мен бошқа отрядга кетганимда ҳам сурат қолганди.

Биз келган пайтда соат тунги 12лар эди. Мен тунда келиб, отрядга киришим билан ҳали қўлимдаги сумкаларни ерга қўймасдан «Отрядник чақиряпти» дейишди. «Отрядник» деган махлуқ узун бўйли она сути оғзидан кетмаган нусха экан. Уни колхозчилиги башарасидан кўриниб турарди. У ўзи табиатан содда бола эди.

Аммо, унга амал берилган ва маҳкумларни уриш буюрилганди. У ҳали анча тажрибасиз эди. У одамларни уришни энди ўрганаётганди. Аввалига ўтирган ерида у–бу саволлар сўраган бўлдида, ўрнидан туриб келиб ура бошлади. Бечора уришни ҳам эплаёлмасди. Биз индамасдан жим турадиган маҳкумларни уришлик осон эди. Уришни билмайдиган мана бунга ўхшаганлар ҳам бизни устимизда тажриба орттириши мумкин эди.

Уни бармоқлари ориқ ва узун эди. Урганида қўли оғриб, кейин жаҳли чиқиб, таёқ олиб ура бошларди. Ўзи инсонга бировни уриш буюрилган бўлса, сиз уни умрингизда кўрмаган бўлсангиз, у билан учрашганда уни уриш учун қандайдир нафрат керак бўлади.

Бўлиб ҳам бу одам сиздан ўн ёш катта бўлса, уни уриш учун, бемалол уришга қўли бориши учун, қалбидаги виждонини тинчлантириб олиш учун ҳам у нафрат ва адоват пайдо қилишга мажбур бўлади. Бу адоватни эса, суҳбатлашиб ҳосил қилиш мумкин.

Отрядникнинг саволларига қисқача ҳа ё йўқ деб жавоб бериб туришим ёқмади шекилли, кейин уришни бошлади. Бошқа ментларни табиати ваҳшийлиги ва қалбидаги одамгарчилиги ўлиб тугаб битганлиги учун ҳам маҳкумларни уриш улар учун муаммо эмасди. Бу бойтеракни эса ҳали хомлиги кўриниб турарди. У таёқ билан бошимга урганидан сўнг ўтириб қолдим. Зовхоз Равшан кириб мени олиб чиқиб кетди.

У Равшанга мени ва Муҳаммад Бекжонни ҳар куни ишдан келиб хожатхонадан сув ташииб, отряд олдидаги бир парча ердаги ўсаётган гулларга сув қуйдиришни буюрди. Учинчи қаватдаги зовхоз кўрсатган шконкага чиқиб олиб йиғладим. Қаттиқ чарчаган бўлсамда, калтак еган бошим оғриғидан ва дилимдаги аламдан тинмай овозсиз йиғлардим.

Равшан мендан бир ёш кичик эди. У Товоқсойда блатной бўлиб, бу ерга келиб синганлардан эди. Лекин, унда одамгарчилик буткул тугаб битмаган эди. У ўзи ҳеч қачон мени урган эмас. Ваҳолонки, бизни урганларга мукофотлар бериладиган бир шароитда урмасдан қолишлик катта жасорат эди. Бу отрядда ҳамма маҳкумга жой етарли эди. Менга ва Муҳаммад Бекжонга ҳам энг юқоридан – учинчи қаватдан жой беришди.

Мени ҳайратда солган нарса шу эдики, бу секторда хожатхонани 159ларгина тозаламасди. Бу ерда ҳар ҳафта бир отряд тозалар экан. Бу дегани бизни отряд ҳар ойда бир ҳафта тозаларди. Бу бир ҳафтага ҳам отрядда у–бу нарушения қилганлар тўпланиб қоларди. Мана шулар тозаларди. Бу ерда озроқ адолат бор экан. Нариги секторда фақат диндорлар тозаларди. Кечаю–кундуз, ойда–ўттиз кун диндорлар тозалашарди.

Лекин мана шу адолатли отряднинг қора рўйхатлари бошига бизларни исми шарифларимизни тиркагандилар. Шунинг учун ҳам мен ва Муҳаммад Бекжон ишга чиқиб келгач, бошқалар отрядда ўтириб, чой ичсалар биз шу хожатхонадан пақирда сув ташиб, гулларга сув қуярдик.

Биз ишга промкага эрталабки нонуштадан чиқиб, ўтиб кетдик. Промкага киришда санаб киритишди. У ерга борганимизда бизни Шокир чакирттирди. У олдин бизни ўзи урди ва ёнидаги бригадирларига урдирди. Бир ёш бола Адаш акани тепгани ҳали кўз олдимда. Адашни ёши элликларга борганди. Бу маразлар кап–катта отаси тенги одамни тепардилар.

Шокир бизга бу ерда ўзи хўжайин эканлигини ва унга итоат қилиш шартлигини ва намоз ўқиш умуман мумкинмаслигини айтиб, кейин Промкани штабига олиб борди. Штабда промкани ментлари мажлис қилаётган экан. Бу ерни каттаси майор Жонпўлат деган гапирганда қўшиқ айтаётганга ўхшаб гапирадиган ўрта ёшларидаги киши эди. Майор бизни кабинетида кутиб олди.

У Шокирга қараб «Буларни ақлини жойига киритиб қўй. Дробилкада ишласинлар» деб буйруқ берди. Ҳар ҳолда у бизни урмади ва гапни қисқа қилиб, чиқариб юборди. Шокир бизни Дробилкага олиб келди.

Бу зонага янги келганларни синдириш учун қатор амалиётлар қилингани каби, промкага чиққанларни синдириш учун ҳам ўзларининг шахсий амалиётлари бор эди. Булардан бири шу – Шокирни калтаклаши бўлса, кейингиси дробилкадаги хорлик эди. Дробилка аввал тасвирлаганимдек, учта катта бочка айланиб туради. Унинг тарақ– турикидан атрофдаги одамлар бир– бирини гапини умуман эшитолмасдилар.

Бу ерда доимо чанг тўзон бўлиб, тоза ҳаводан нафас олиб бўлмасди. Бу ерда ишлайдиганларни оғзида газовой камерада тақиб юрадиган нафас олиш учун ҳавони тозалаб ўтказадиган нарса бор эди. Учта дробилкани биттасини тагида ўша нарсани тақиб Ҳафизуллоҳ турарди. У бизни таниб, қўлини кўтариб қўйди. Ёнида яна бир йигит бор эди. У Андижонлик бўлиб, ёш бола эди. Уни исмини унутдим.

Иккинчи дробилкада Абдуллоҳ деган ваҳҳобийликда айбланиб, қамалган йигит бор эди. Уни ёнида қандайдир айби учун бу ерга келтирилган ўғри каззоблардан бири турарди. Учинчида ишлаётганлар ҳам диндорлар эди. Бизни олиб келгач, Шокир шу уст бошимиз билан дробилкани остига киришга буюрди. Уни остида тош куқунлари тинмай тушарди.

Бу куқунларни қўл билан тозалаб, пақирга солиб, у ердан олиб чиқиб, нарироқда турган катта уюмга олиб бориб тўқардик. Шу ишни мен икки марта ва Адаш ака икки марта қилдик. Усти бошимиз, сочимиз тамоман оппоқ бўлди. Бизга нафас оладиган нарса ҳам берилмади. Шундай қилиб шу ерда ишлашга буюришди. Шу ерда юрган ўғрини эса жазодан озод қилиб олиб кетишди.

Бу ерда одам бир– бири билан умуман гаплаша олмасди. Бақирганда ҳам зўрға эшитиш мумкин эди. Промкага келганларни деярли ҳаммаси шу дробилкадан иш бошларди. Аммо, бу ерда бир икки ҳафта ишлагач, бошқа ерга олиб кетишарди. Ҳафизуллоҳни ва у ердаги бошқа динийларни эса бу ерда уч ойлаб ишлатишаётган экан. Бу ерда ишлаш соғлик учун катта зарар эди.

Биз Адаш билан биринчи кунни шу ерда бошладик. Тушликка борганимизда шу зонадаги ошхонага бордик. У ерга нариги ошхонадан овқатни бочкаларда олиб келиб, тарқатишаркан. Мана шу овқат ташийдиган баландёрларга мазза эди. Улар биз каби итдек оч юрмасдилар. Улар қори тўқ юрадиган ишчилар эди. Бу зонада гадлар, баландёрлар ва маданият бўлимидаги артистлар тўқ яшашарди. Бу ерда ҳам ҳар бир маҳкум ўзи билан миска қошиқ кўтариб юриш керак эди. Шу сабабли халтамызда доим миска ва қошиқ билан юрардик.

Тушликдан сўнг амаллаб шу ерда имо– ишора билан намозларни ўқидик. Соат учда иш вақти тугади. Промкада ҳам ҳаммом бор эди. У ерга бориб, ювиниб, кейин баракка кетардик. Айниқса дробилкада ишлаганлар ювинмаса бўлмасди. Бу ҳаммом ҳам иккита ердан оқиб турган душ бўлиб, ҳар бирини тагида ўнлаб қип яланғоч маҳкумлар туришарди. Диндор маҳкумлар трусиди юрардик.

Мен сувга кириш учун навбатда турганимда Ҳафизуллоҳ ҳам келди. Мен ўзимни қорнимга қараб осилиб қолган терисини ўйнаб турганимни кўриб кулди. Унинг ҳам қорни териси осилиб қолганди. Семизроқ одам ориқласа шундай бўлади.

Биз шу аҳволда ювиниб, яна ўша исқирт кийимларни қоқиб, кийиб, нариги зонага йўл олдик. Кетишда ҳам бизни санаб, тўрваларимизни титкилаб, шмон қилиб, прозонадан чиқаришди.

Шундай қилиб отрядга боргач, бизни сув ташишга мажбурлашди. Баракка ҳар кирганимизда мен Адашга уни акасини суратини кўрсатардим. У ҳам қараб индамай ўтарди. У менга акаси ҳақида, уни партияси ҳақида кўп нарсаларни гапириб берди. Отрядник бизни ҳар куни чақириб олиб, урарди. Бу ерда бизни «Халқ душмани» деб аташарди. Мени ҳайрон қолдирган нарса шуки, биз халқга ҳеч қачон, ҳеч қандай душманлик қилмагандик. Аммо, бу ерда шундай номни бизга ёпиштиришганди.

«Халқ душмани» деган иборани Сталин даврида қўллашганлигини ва кўп одамларни отиб ўлдирганликларини ўқиганмиз. Миллат зиёлилари шундай бадном қилинган. Бу машъум тарих ИАК даврида яна такрорланган эди. Турмаларда минглаб ёш ёш имону эътиқодли йигитларнинг умри хазон бўлмоқда эди.

Бугунги зулму— зўравонликларни кўлами аввалгидан анча катта эди. Ўзбекистон турмаларида намоз ўқиш маън қилинганди. Мана шу нарса тарихда бўлмаган ёки жуда кам бўладиган ишлар эди. Бизни «Халқ душмани» дер эканлар, бу гапни жинойтчилар орасида атайин кенг ёйишга ва уларни бизга нисбатан нафратини кўзғатишга ҳаракат қилардилар.

Бизга кечаю— кундуз зулмлар қилинаётган пайтда ҳақиқий жинойтчиларга нисбатан камроқ зулм қилинарди. Буларни ўзи ҳам шу бизга зулм қилишликка ўз ҳиссаларини қўшишарди. Булар гадлар, бригадирлар ва ҳатто гейлар ҳам диний маҳкумларга қилинадиган зулмга ўз ҳиссаларини қўшардилар. Улар бирорта диндорни қамашга отрядникка ёрдам беришарди. Улар диний маҳкумга қарши «Мени урди, сўқди, ҳақорат қилди» деб ёзиб беришарди. Шу билан бир киши беш ўн сутка қамокда ўтирарди. Бунга ўхшаган мисоллар сон мингта эди.

Биз бу 3 отрядда Муҳаммад Бекжон билан иккаламиз эдик. Бу ерга бошқа 159ларни ташламаганди. Шунга бўлса керак, бу ерда калтак асосан иккимизни бошимизда синарди. Мен унга нисбатан анча сабрсизроқ ва жанжалкашроқ эдим. ТСБларга ва бригадирларга улар тушунадиган жаргонда гап қайтарардим.

Адаш ака мутлақо индамасди. У анча сабрли ва чидамли одам эди. У менга қараганда жисмонан анча бақувват ҳам эди. Уни укаси Рашидни ва акаси Комилни ҳам қамашган экан ўшанда. Бу оилани барча аъзоси қамалганди. Буларни Туркиядаги акаси Муҳаммад Солих учун қамашганди. ИАК ўша пайтлар ундан кўрққан бўлса керакки, уларни қамаб қатағон қилган.

Адаш ҳам ИАКга кечирим хати ёзганди. Лекин, уни барибир чиқармадилар. Зонадаги барча диндор маҳкумлар карантинлик пайтларидаёқ тавба хати ёзгандилар. Лекин, у хатни итга ҳам кераги йўқ эди. Бу хатлар мажбурлаб уриб, ёздирилганди. Энди улар бошқа услубга ўтишди. Бу услубда уларни ўзида тайёр машинкада босилган хат бўлади. Уни тепасига исми шарифини маҳкумни ўзи ёзиб, тагига имзо чекиши керак эди.

Бу тавба хати ёздириш тактикасини янги хили эди. Бу хили анчагина муаммолар пайдо қилди. Сабаби касофатлар ўзлари ёзган матнни жуда бемаъни қилиб ёзишганди. Яна бунга имзо чекиш—чекмаслигинг ўз ихтиёрингда дерди. Табиийки, бунақа пайтда кўплаб маҳкумлар имзо чекмаганлар.

Ўша матнда қуйидаги мазмун бор эди:

Мен Фалончиев Фалончи (шу ери очик эди қоғозни)

Мухтарам юртбошимиздан кечирим сўрайман. Мен катта хато қилибман ва адашибман. Буни энди тушундим. Юртбошимиз мустақиллик шарофатида динга эркинликлар берди. Биз ҳанафий мазҳабимиздан адашган эканман. Мустақиллик кўролмайдиган қора кучлар тузоғига тушганман. Мен барчасини тан оламан.

Ҳизбут таҳрир, ваҳҳобий, акрабий, таблиғ ва ҳаказоларни хато деб биламан. Агар уларни йиғилиб шу хато таълимотини тарғиб қилаётганлигини кўрсам албатта ички ишлар органларига хабар бераман. Мустақилликка ва президентимизга сидқидилдан хизмат қиламан.

Ва ҳаказо... Ва ҳаказо...»

Аввалига бу хатни кўрсатиб яхши гапириб, «Ўз ихтиёринг билан имзо қўйсанг қўй. Қўймасанг ҳам майли» дейишди. Мени учрашувга чақирганида оперга қараб, «Командир карантинда ёзгандикку, нега яна ёздирасиз?» деб сўрадим. У «Буниси бошқа» деди.

Матнни ўқиб чиқиб, «Бунга имзо қўйиш қўймаслик ихтиёрийми?» деб сўрадим. «Ҳа» деб жавоб берди у. «Унда мен кетдим баракка» дедим. «Бўпди, кетавер» деди. Осонгина кутулганимга шукр қилдим. Бошқаларни ҳам шундай қилишган. Кўпчилик имзо чеккан. Кўпчилик имзо чекмаган экан. Шу имзо чекмаганларни кейин алоҳида чақириб, тарбиявий соатлар ўтказа бошланди.

Шундан кейин Адашни ва мени штабга чақириб, кечаси билан калтаклашганди. Одатда тезкор гуруҳлар тунги сменада қолганда бизни чақирарди. Ҳар бир отряддан икки— учтадан маҳкум ҳар куни штабга борарди. Барчасини коридорда сафга тизиб қўйиб, бирма— бир кабинетга киргизишарди.

Одам кўплигидан калтак ейишга тезроқ навбат келса эди, тезроқ калтак еб, баракка бориб ухласам эди деб ошиқардик. Чунки, биз эрталабдан ишга кетардик. Бу ишиям оғир столба ташишлик эди. Бу ерда яна кечаси билан калтак ейишга навбатда туриш ортиқча эди. На уйкуга тўярдик ва на овқатга. Ҳамма нарса алғов— далғов эди.

Ўша тавба хати баъзилар учун бир тузоқ бўлганди. Ҳизбутлар орасида фитна чиқиб, тавба қилганларни қилмаганлари оқ қилишганди. Бу оқ қилиш ёки музлатиш деб аталадиган нарса шу эдики, тавба хати ёзганлар билан ёзмаганлар орасида алоқалар тўхтарди. На салом— алик, на учрашган пайти гаплашиш бўлмасди.

Тавба қилганлар ва қилмаганлар барчаси биз билан яъни ҳизбут бўлмаган диндорлар билан аввалгидек алоқа қилардилар. Биздан тавба қилганларга ҳам бу қоида юрмасди. Бу фақат ҳизбутларга алоқадор эди ҳалос. Улардан ўша оқ қилингани билан қораси битта ерда ёнма-ён ётсада ўзаро гаплашмайдиган бўлиб қолишди.

Мен Ҳафизуллоҳдан «Бу нима қоида? Сизларда мусулмоннинг мусулмон устида олти ҳаққи бор, учраса саломлашиш, касал бўлса ҳол сўраш, ва ҳақозо ҳадисига амал қилиш йўқми?» деб сўраганимда, у кулиб туриб, «Булар дўппини ол деса бошни олиб келадиганларданда» деб қўйганди. Мен уни гапга тортмоқчи бўлганимда у истамай юриб кетди.

Одатда у ҳеч ким билан кўп гаплашмасди, кўрқарди. Унга гаплашмаслик буюрилганди. Ҳизбийлар уни олдига умуман яқинлашмасдилар. Уни ўзи ҳам қаттиқ назоратда юрарди. У ҳам бизга ўхшаб ишдан келиб отряди олдидаги гулларга сув куярди. Лекин, буларни ўз биродарлари билан мана шундай антиқа ишлар қилгани мен учун бир ғаройибот бўлганди.

Оқлардан биттаси касал бўлса, ундан қоралари ҳол сўрамасди, ёки аксинча. Менга ҳар иккаласиям салом беришардию, бир-бирига бермасди. Бунақаси қизиқ бўлар экан. Ҳизбутларнинг бу бемаъни қоидаси анчага давом этди. Мен чиқиб кетганда ҳам шундайлигича қолганди.

Биз дробилкада ўн кунча ишлагач, у ердан олиб, шебен ташишга қўйишди. Энди дробилкадан шебенни бетон аппарат олдига таширдик. Бу қасофатлар ҳамма ишни қўлда қиладиган қилишганди. Шу ишларни техникада қилинса бунча одамни оввора бўлишига ҳожат қолмасди. Лекин, шуни қилишмаганди.

Дробилкада оғзимизга нафас оладиган нарсани кийиб, тарақа-туруқ остида туриб, кулоқларимиз эшитмай қолганди. Одам дегани бир-бири билан гаплашиб турмасанг ҳам бўлмас экан. Бу ерда уст-бошимиз оппоқ бўлиб, маймунга ўхшаб ишлардик. Шебенга ўтгач, сал бошимиз балодан қутулди. Шебенни солиб, кўтариб кетамиз ва узоқроқ ўша ерда бўлиб, яна қайтамиз. Бу ерда дробилкани овозини кечаю-кундуз тинмасдан эшитиб турардик.

Чўлда қурилган зона атрофида одам яшайдиган аҳоли йўқ эди. Бу овозни фақат биз маҳкумларгина эшитардик. Бир куни бир воқеъа юз берди. Эрталаб Ҳафизуллоҳни ва яна иккитасини Промкани штабига олиб бориб, калтаклашган. Бундан беҳабар қолгандим. Кейин, уларни Шокир ва ТСБлар ҳайдаб келаётганда кўрдик. Бизни яқинлаштиришмади гадлар. Бу уччаласини беш-ўнта гад ўраб олиб, биз ишлайдиган ердаги промкани хожатхонасига олиб боришди.

Бригадирлар у тарафга қарашга қўймасди. Хожатхонани орқасида уни ичига юриб тушадиган зинапоясига бор эди. Шу ерни оғзидаги қопқоқни очиб, ўша ерга уларни бирма-бир кийими билан биргаликда одамни ахлатини ичига бутун жасади қўмилгунча тушириб, кейин ўша ерда промкани ҳаммомига олиб бориб, ювинтириб бошқа кийим бериб, изоляторга олиб кетишди. Бу уччаласи нима қилган, биз билолмадик.

Уларга қилинган бу хорлик инсоният тарихида бирорта золим тарафидан қилинмаган антиқа зулм эди. Ҳафизуллоҳ ўшанда икки ой карцерга ташланган эди. Мен ундан нега бундай қилишганди десам, у Жонпўлат чакириб, «Тавба хати ёзиб бер» деганда «Ёзмайман» деган экан.

Наригилар ҳам ёзмагани учун ғазабланиб, уларни калтаклашга ва хожатхонани ичига тикишга буюрган экан. Мени тушунганим шуки, Мардонов айтмагунча буни промкани бошлиғи ўзича қилолмасди. Бу воқеа зонада катта шов-шувга айланган ва узоқ вақтлар гапириб юрилганди.

Зулму–зўравонлик фақат диндорларгагина эмас, бошқаларга ҳам бўларди. Бизники каттароқ ва уларга қараганда даҳшатлироқ эди. Бир куни Промкада бир маҳкум баландлиги ўн метрча келадиган бир Вишкани тепасига чиқибди. Уни кўриб ТСБлар югуриб бориб Шокирга хабар беришди. Шокир промкани Штабига бориб, ментларга хабар бериб, ўзи тезда югуриб келди. У маҳкум тепадан ўзини ташламоқчи эди. Пастдагилар уни гапга тутиб туришарди.

Шокир ва қаердандир пайдо бўлган Гера унга «Гарантия берамиз сени ҳеч ким урмайди, пастга туш» дейишди. У бечора қўрқарди. Уни бригадир билан қандайдир муаммоси бўлган ва шу дардини айтолмай турган экан. У ўша ерда туриб, барча гапни айтди. Унга «Ҳал қиламиз» деб ваъдалар беришди. Кейин пастга тушди. Ушлаб штабга олиб кетишди. Шундан сўнг ўша вишкани нарвонларини одам чиқолмайдиган қилиб, тикан симлар билан ўраб қўйишган эди. Промкада диний маҳкумлар кам эди. Улар асосан ишламайдиган отрядларга ташлангандилар. 2001 йил май ойида мен 32 ёшга кирдим. Бу санани ҳам изоляторда оч–наҳор, қалтираб ўтириб ўтказганман. Изоляторга қамашлари эса шундай юз берганди:

Юқорида айтганимдек вагон келганида ҳаммани столба ташишга мажбурлашади. Ўша куни ҳамма тез–тез ишлаши керак. Мен на танамда мадорим ва на кучим қолмаган, зўрга юрадиган одам эдим. Столбани ташиб ора–сира дам олардим. Ўтирмасам силлам куриб ташиёлмасдим. Иброҳим деган Наманганлик гад бригадир бақира бошлаганда «Йўқол ишламайман» дедим унга қараб. У мараз олдинлари блатной бўлиб синган гад эди. Жуда кўп одамларни урарди. Шокирга ялтоқлик қилиб бизни калтакларди.

Ёши олтмишдан ошган Олтиариқлик касалванд ҳизбий амакини ҳам «Тез ишла» деб юзига шапалоқ тортганди бу ифлос. Ўша амаки илмли биродар эди. Бечора қалтираб кетганди ўшанда. Уни исми ҳам Иброҳим эди. Қарангки, урган ҳам, калтак еган ҳам Иброҳим эди. Бечора индамасдан, ишлаб кетаверди. Мен унга «Ишламайман. Яқинлашсанг ўзимни очаман» деб қўлимдаги лезвияни кўрсатдим. У менга қараб «Юр Шокир акани олдига» деди.

Шокирни олдига ҳам қўлимга лезвияни ушлаб бордим. «Нега бу уради бизни? Нега бу бақиради?» деб шикоят қилдим. Шокир менга қараб урмоқчи бўлиб келаётганди. Мен унга «Ма Шокир қон ичмоқчи бўлсанг, ич» деб қўлимни томирини кеса бошладим. Билагимдан шарриллаб қон оқа бошлади. Қўлдаги қон томирларим кесилганди.

Мени орқамдагилар тезда қўлларимдан ушлаб, қайириб, ерга ётқизишди. Аввал дўппослаб, кейин штабга олиб боришди. Шавкат мени «Ўз жонига қасд қилмоқчи бўлган» деб расмийлаштириб, ўн суткага изоляторга қамади. Шундай қилиб, қўлимни кесдим, калтак едим ва яна айбдор бўлиб изоляторга қамалдим.

Бу ерда энди унчалик совуқ йўқ эди. Бу ер промкадан ҳам зонадан ҳам нисбатан тинч эди. Бу ерда ўзинг билан ўзинг қоласан. Югура–югур йўқ, бўл–ҳа, бўл йўқ. Бу ерда қуръондан билган сураларни ёддан ўқиб, ухлайверасан холос. Аммо, кираётганда калтаклашгани ёмон, яна очлиги ёмон. Очлик жуда–жуда ёмон. Овоз чиқармай қийнайди одамни. Бирор дақиқа қўймай, қийнайди. Изоляторда ҳам намоз ўқиш мумкинмас. Намозларни искирт бетон деворга таяммум қилиб ўқирдим. Бу ерда на таҳоратга ва на қўл ювишга имкон бор эди. Суткасига бир кружка сув беришарди холос.

Қиблага юзланиш бемалол эди. Камералар шимол–жануб қилиб қурилганди. Камералар тор эди. Бурчакда пақир бор. Унга ҳеч ҳожатга чиқмасдим. Ҳар куни эрталаб сайрга олиб чиқарди. Изоляторни қондаси шу экан. Қишларда сайрга мажбуран олиб чиқиб, усти очик тўрт девор ичида бир соатча қўйишарди. Совукдан қалтираб қақшардим. Бошқалар ҳам шу аҳвол эди. Чунки, устимиз юпун ва қорнимиз оч эди. Бу ҳам азобни бир тури эди. Бир куни таяммум қилиб, намоз ўқиётсам изолятордаги дневалний эшикни урди. Бу кимса рус эди. У менга «Молитва нельзя» деб бақирди. Мен ўқишда давом этдим. У кетди, бориб ментларга айтибди.

Икки соатдан сўнг камера эшиги очилди ва режимник Хасан деган нусха қўлида дубинкаси билан кириб келди. «Намоз ўқидингми» деди у, менга қараб. Мен «Ҳа» дедим. Бу Хасан Чингизхонни зуррёдидан бўлса керак, башараси япалоқ, қўзлари қисик одам эди. Менга қараб «Деворга қараб қўлингни кўтариб тур» деб буюрди. Ташқарида эса дневалний ўрис қараб турарди.

Мен деворга қараб турдим. Хасан қўлидаги дубинкаси билан мени тинмасдан ура бошлади. Ҳали орқамга, ҳали белимга ва ҳали қуйруқни устига урарди. Қуйруқда ёғ қолмаганидан терилар осилиб, калтак суякка тегарди. Ифлос на бақирганимга қарайди, на бошқага. Додлаб, ерга йиқилдим. Тинмасдан калтаклаб, ўзиям чарчаб, сўкиниб чиқиб кетди. Мен на ерга ёта оламан на ўрнимдан тура оламан, тамомий баданим қақшарди. Нима қилишимни билмасдим. Ўзимни юпатолмасдим. Қўз ёшлари юзларимдан беихтиёр оқарди.

«Эй Аллоҳ, бу азобларни намоз ўқиганим учун берганингга шукр» деб нола қилардим. Бу азоблар бошқа иш учунмас, намоз ўқиганим учун бўлаётганди. Бу азоблар қанчалик жоним қийналмасин мен учун руҳан ҳузурбахш эди. Мен буларни эртага менга катта ҳужжатлар бўлишини умид қилардим.

Хасан мени ёмон калтаклаган эди, изоляторда қолган кунларим ҳам ерда ётолмасдим. У–бу тарафга ағанай олмасдим. Тамоми баданим қақшар эди. Қўлларим қалтирарди. Менга бу машаққатларни намоз ўқиганим учун насиб этган Аллоҳга ҳамдлар айтардим. Ўша ердан 32 ёшга кириб чиқдим. Аммо, бу 32 ёшни охириги 5 ойи юз йилга тенг бўлганди. Чиққанимда зонада баҳор тугаб ёз яъни, июн ойи бошланганди.

2001 йил июн

Зонага чиққанимда отрядга бориб, искирт бўлган баданимни ювайин десам, умивалникда сув ҳам йўқ эди. Навоий чўлда жойлашгани учун бу ерда сув муаммо эди. Ичишга ярамайдиган бу шўр сувни ер остидан тортиб, зонага юбориб туришарди. Буниси етмагандек сув тез–тез тўхтаб қоларди.

Шўрлиги сабабли уни ичмасликни тавсия қилиб, у–бу ерда ёзиб қўйиларди. Сувни хом ичмаслик учун махсус катта бир бочкада қайнатилган сув турарди. Бу сув сектордан ташқарида бўлиб, унга чиқиб иссиқ сув олишга рухсат беришарди.

Промкада ҳам шунақа қайнатилган сув турадиган бочка бор эди. Бу бочкадаги сувлар катта кипитилник билан қайнатиладди. Промкада шу сувдан баклашкага солиб олиб бориб ишлаган ерда қўйиб ичардик. Сувни хом ичишлик сабабли, инфекция тарқалиб, кўп маҳкумлар ичбурукка чалинардилар. Мен отрядга келсам бизни отрядда ҳам, бошқа отрядларда ҳам сваршиклар қий–чув қилиб ишлашарди. Зовхоз Равшан ўзи тепасида туриб шконкани учинчи ярусини сваркада кестирар ва ташқарига олиб чиқарди. Бошқа секторларда ҳам шундай қий–чувлар бошланган экан. Мен ҳайрон эдим.

Менга муаммо сув топиш ва ювиниш эди. Бу отрядда мени изолятордан чиққанимда ҳеч ким кутиб олмади. Сабаби бу отрядда диндор маҳкумлар йўқ эди. Бир пайт зонанинг колонкасида этапга чақириб, фамилияларни ўқиш бошланди. Мен бир пақирга иссиқ сувдан олиб келиб, унга қўшишга совуқ сув тополмай, уни ўзи совушини кутардим. Агар шу сув совиса шунга ювиниб олмоқчи эдим. Соат тушлиқдан кейинги учлар чамаси эди.

Бир пайт мен ўтирган умивалникка Равшан зовхоз шошиб–пишиб келдида, менга қараб «Юр тез, сени штабга чақирешаяпти» деди. Мен ҳайрон бўлиб, «Мен ювинмоқчиман, Равшан» дедим. Изолятордан чиққан одам ювинмаса бўлмасди.

У «Санақул сени кутиб ўтирмайди. Лаш–лушларингни ҳам олиб чиқ» деди. Мен тушунмадим. Отрядда каптёрка деган ерда маҳкумларни сумкалари турарди. Уни калити Равшанда бўларди. Каптершиклик қиладиган маҳкум ҳам турарди бу ерда. Мени тўрвамни олиб, югуртириб штабга олиб кетишди. Штабда яна у–бу отрядлардан келган беш–ўнта маҳкум турган эканлар. Мени ҳам улар ёнига қўйиб кетишди.

Бу ерда ҳаммаси диндор маҳкумлар –ҳизбийлар ва ваҳҳобийлар эди. Изоляторга биздан ташқари 80та маҳкумни олиб келишди. Бизни этапга таёрлашмоқчи экан. Қаерга ва нима учун, билмасдик. Мени хурсанд қиладиган нарса шу эдики, шу лаънати зонадан узоққа кетсам бас эди. Қаерга кетишни фарқи йўқ эди.

Изоляторда кечки овқатни едик. Кейин, тунда қўлимизга нон ва консерва беришди. Битта буханкани кўрмаганимга анча бўлганди. Ўша заҳотиёқ ўтириб, еб тугатдим. Лекин, тўймадим. Аммо, доимий оч юрган қоринга биринчи марта каттароқ ҳажмда нон кирди. Аллоҳга ҳамд айтдим.

Тунда бизни олиб чиқиб, вороногга (зековоз) миндиришди. Яна ўша бақир–чақир, ментлар ва итлар қуршовида зонадан олиб чиқиб, вокзалга бориб бир четда турган махсус вагон (столипин)га юклашди. Купеларга жойлашиб олиб, иссиқда сасиб бижғиб кутдик. Эрталабга яқин вагонни поездга улашди. Бомдодни таяммум қилиб ўқиб, уйкуга кетдим. Мени хурсандлигим шу эдики, бу зонадан кетаётгандим. Аллоҳга минг бора шукрлар қилардим. Бу лаънати зонада кетиш йўлини билмай юргандим. Мана ўзлари этап қилишди. Мен учун қаерга кетишни фарқи йўқ эди. Бундан ёмон ер бўлмаса керак деб ўйлардим.

Поезд тошкентга боргач, бизни яна қий–чув қилиб машиналарга миндириб, Тоштурмага олиб келишди. Шу ерда турли хатага бўлиб ташлашди. Тоштурма аввалгидек тинч эди. Ҳали ҳам бу ерда қора турманинг асари бор эди. Продолга қарайдиган бластнойлар ва турмага қарайдиган положенеци бор эди.

Лекин, буларни кундан кунга заифлашиб бораётгани кўриниб турарди. Ўғри оламида парокандалик ҳукмрон эди. Ўзбекистонда Бахтишкadan бошқа ўғри қолмаган эди. Бошқаси ўлиб тугаб бўлди. Бахтишка ҳам наркоман бўлиб кетганди. У Чирчиқдан чиқиб кетган деб эшитгандик. Лекин, Ўзбекистонда озодликда юриши у пайтлар имконсиз эди.

Агар чиққан бўлса ҳам у Россияга кетган ва ёки яна қамалган бўлиши мумкин. Биз буни билмасдик. Тоштурманинг камералари лиммо–лим тўла эди. Бу транзит хата бўлгани учун маҳкумлар бу ерда кўп вақт ўтирмасди. Бир ҳафтача ўтиргач, бизни чиқариб, этапга жўнатишди.

Яна ўша полсиз қоронғу зах хонада тунни ўтказдик. Кейин эрталаб машиналарга миндиришди. Биз поездга борамиз деб ўйлагандик. Бу сафар поездгамас, машинада тўғри зонага кетдик. Тоштурмага яқин зоналарга машинани ўзида олиб боришарди. Икки соатча йўл юриб, Зангиота туманидаги ярим қора ва ярим қизил деб ҳисобланадиган қаттиқ режимли зонага етиб келдик. Ҳаво иссиқ эди. Машинада ўтирган маҳкумлар терлаб, сув бўлиб кетишганди.

Бу зонага кириб, машинадан тушганимизда искирт кийимларимизга ва озиб тўзиб кетган башараларимизга қараб бу ердаги маҳкумлар ҳайрон бўлиб қолишди. Биз келган этапда саксонга одам келгандик. Бундан бештаси диний маҳкум, қолганлари ўғри каззоблар эди. Уларни ҳам ташқи кўриниши афтода бўлгани учун бизга қараб бу ердаги маҳкумлар жирканарди. Кимнидир ичи кетиб машинада расво қилган экан. Уни алоҳида ажратиб қўйишди.

Даҳшатли иссиқда тириклайин қоврилиш учун шу машинада икки соат ўтириш кифоя қилади. Буни ўша машинада ўтириб кўрган одамлар билади. Афтимизга қараб, «Буларни бу аҳволда зонага киргизиб бўлмайди» дейишди ментлар. Ҳаммани фамилиясини бирма бир ўқиб, алоҳида сафга тизиб қўйишди. Кейин, мени ва тўртта ҳизбийни кўрсатиб, «Буларни изоляторга қама» деб буюрди бир каттаси. Бошқаларни эса ҳаммомга олиб боришди. Бизни изоляторга қамашдан олдин иккитаси келиб калтаклашди. Аллақандай қоғозга қўл қўйдиришди. Бу қандайдир жиноят қилганига иқдор қоғози эди.

Бу бизни изоляторга камашлик учун қонуний ҳужжат эди. Бизни зонага чиқармасдан шу ерда қолдирмоқчи эдилар. Сабаби биз 159лар эдик. Мен 159 бўлмасамда, барибир шулар билан бирга эдим.

Мени моддам бошқа эди холос булардан. Зангиота зонаси КИН 64/1 сонли зона эди. Бу ерни об ҳавоси ва баракларни икки қаватли қилиб ғиштдан қурилиши менга Товоқсойни эслатарди. Биз зонага чиқмаган бўлсакда, бу изолятордан кўриниб турарди. Маҳкумларини кийим бошлари ҳам тозароқ ва зонани ўзи ҳам тоза эди. Дарахтлари кўм–кўк бўлиб ўсиб ётарди. Навоийда эса чўллиги учун шу кўринишда ҳам файзи баракаси йўқ эди. Дарахтлари ҳам кўкармасди. Бу зона атрофида аҳоли яшарди. Навоийда эса зона атрофи чўл эди. Иссиқлик ҳам тубдан фарқ қиларди. Айниқса ичадиган сувда катта фарқ бор эди. Бу ерда жазони ўташлик Навоийда ўташлиқдан анча мунча афзалроқ эди. Бу ерда гадлар ҳали унчалик кучга эга эмасди.

Бу зонани элликка эллик дейишарди. Ментлар ва уларга ишлайдиган гадлар ҳам бор. Шу билан бирга братва ва уларга тобеъ блатнойлар ҳам бор эди бу ерда. Зонага маҳкумлар кириб кетди. Аммо, тўртта маҳкум изоляторда қолдик. Булар учта ҳизбий ва мен эдим. Бизни битта камерага тиқишди. Бу ҳизбийлар биттаси Муртазо деган амаки бўлиб, у Олтиариқлик эди. Унинг ёши ўша пайтда тахминан элликларга борганди. Биттаси Тошкентлик Шухрат деган йигит эди. Уни жуда оддий ва соддалигидан мен ҳайратга тушганман. Уни ёши мендан икки ёш катта эди.

Униси Байрамали деган Қаршининг Бешкент деган еридан эди. Булар ҳизбутларнинг каттаси деб ҳисобланишса керакки, буларни этап қилганди. Булар билан камина ҳам бирга эдим. Зангиотани изолятори Навоийникидан анча афзал экан. Бу ерда хатада хожатхонаси ва суви бор эди. Навоийда пақирдан бошқа нарса йўқ эди. Бу ерда киришда бир марта уришган ва кейин биз билан ментларни иши бўлмаганди. Навоийда ҳар куни калтаклашарди.

Навоийда намоз ўқисанг урарди, бу ерда намоз ўқиганимиз учун калтаклашмаган. Овқати ҳам бу ерда камайтирилган бўлмас экан. Навоийда ўзи одам тўймайдиган нормасини яна камайтирарди. Изоляторга тушганларни жазолаш учун шундай қонун бор дейишарди бизга. Аммо, бу қонун бу ерда йўқ эди.

Бу камерада ўтирганимиздан хурсанд эдик. Намозларни бемалол таҳорат қилиб, баланд овозда қироат қилиб ўқирдик. Бу ерда биров «Нима қилаяпсан?» демасди. Ишонаверинг, биз жаннатга тушгандек ҳис қилардик ўзимизни. Ҳали бизни зонага чиқаради деб ўйлардик. Бу ерда қолиб кетамиз деб хурсанд эдик. Бу зонада Наманган гумбази имоми Абдулаҳад қори ва унга бир пайтлар муҳолиф бўлган Наманган қозиси Умархон домла ўтирганди. Биз изоляторда пайтимизда улар шу зонада эдилар. Ҳатто, улар битта семейка бўлиб яшашар экан. Бу икки имом бир пайтлар баррикадани икки тарафида туришган ва кўп фитналар юз берганди. Умархон деган кимса давлатга ишлаган ва мазҳабчиликни қаттиқ тарғиб қилган мутаассиб эди. Барибир униям камашди. Ундан анча йил кейин қамалган Аҳад Барноев ҳам шу ерга келиб икки имом турмада учрашишганди. Қизиғи шундаки, булар тезда тил топишиб кетишган эди.

Айтишадику, агар Сталин ва Гитлерни бир камерада қўйишганида, албатта улар дўстлашиб иноқ бўлиб ўтиришарди деб. Буям биз билмаган ҳикмат бўлса керак—да? Мен зонага кирсам бу иккаласига қатор саволларим бор эди.

Бизни ўн беш суткага қамашганди изоляторга. Мен шу муддат тугаса зонага кирамиз деб ўйлагандим.

Бу ерда баланда таркатадиганлардан зона ҳақида маълумотларни сўраб суриштирардик. Улар бемалол гапириб беришарди. Бу зонада намоз ўқиганни урмас экан. Мен шунга ҳайрон эдим. Агар намозни ўқитма деган буйруқ бўлган бўлса, бу ҳамма зонада бажарилиши керак эдику?! Агар тепадан бунақа буйруқ бўлмаган бўлса, баъзи зоналарда намозга қаттиқ қаршилиқни сабаби нимада?

Вилоятлардаги ва асосан чўлларда жойлашган зоналарда намозлар мутлақо маън қилинган эди. Тошкентда ва Тошкент вилоятидаги зоналарда нисбатан эркинлик бор эди. Буни сири нимада? Балки, бу ерда аҳоли яқин яшаши учунми? Балким, Тошкентдаги элчихоналарга ва чет эллик мухбирларга бу зоналар яқинлиги учунми? Сабабини билмайман, аммо бу ҳақиқат эди.

Ўн беш кунлик "курорт" муддати тугади. Биз энди зонага чиқамиз деган хом хаёлда тургандик. Аммо, бизни чиқаришмади. Бу камерадан бошқа камерага олиб ўтишди. Яна аллақандай айб қилганимиз ҳақида хужжатга қўл қўйдиришди ва яна ўн беш суткага қамалганимизни маълум қилишди. Энди бизни каттароқ камерага жойлаштиришди. Бу камерада аввалдан ўтирган Улуғбек деган маҳкум бор эди.

Бу йигит Шаҳрихонлик бўлиб, лақаби «Бой» экан. Бу шу Зангиотада блатнойлик қилган экан. Уни Навоий 46га этап қилиш учун бу ерга қамашган экан. У ерда уни синдиришни мақсад қилишган экан. Ёши мендан икки уч ёш кичикроқ эди. У шу ўзини зонасида бўлгани учун унга зонадан братвадан у бу нарсалар келиб турарди. У шу ерда қолишни истарди. Навоийга боришга қўрқарди. Биздан у ердаги ломкалар қандай бўлишини сўраб, суриштириб ўтирарди.

Бу камера элликта маҳкум сиғадиган камера бўлиб, бу этапни қабул қиладиган камералардан бири эди. Биз уни ичида бемалол айланиб юрардик. Ҳалиги Бой деган маҳкум отдан тушса ҳам эгардан тушмаганди. У шу ерда ҳам биз билан ўтирмасдан, алоҳида ўтирарди. Унга зонадан сигарета ва чой ва у—бу нарсалар кириб турарди.

Унда кибр пайдо бўла бошлаганди, ёки олдинги кибрлари эсига тушиб яна ўша қиёфага кираётганди. Биз тўртталамиз пастда ўтириб овқатланардик. У биз билан ўтирмасди. У алоҳида ўзи овқат ерди. Хатада Муртазо акадан бошқа ҳамма сигарет чекарди. Байрамали билан Шухрат ҳеч келишолмасди.

Шухрат қанақадир анқовроқ эди. У гарчи ҳизбутлиги учун қамалсада, унда тушунчалар тўла шаклланмаганди. У гапирса мен кулардим. Бир куни у судда судяга қараб, «Бизни халқ душмани деб қамаяпсизлар. Олдинлари ҳам фалончи ва пистончиларни шундай деб қамашган. Лекин, кейин уларга ҳайкаллар қўйишган.

Ҳали бир куни бизга ҳам ҳайкал қўйишади» деб айтганлигини гапириб берди. Мен ундан сизга ҳайкал қўйиши керакми? деб сўрадим. У бўлса, башарасини жиддий қилиб, «Нега қўймайди? Қўйишади бизга ҳайкал» деганди. У жуда ҳам содда эди. У ҳайкал қўйишни ҳали моҳиятини тушунмасди. Тушунолмасди. Лекин, у ўз сўзида самимий эди. Агар бу ўзбек МХХларида озгина фаросат бўлганида уни умуман қамашлик керак эмасди.

Хуллас, биз бу катта камерада у ёқ–бу ёққа юриш имконига эга эдик. Намозларни жамоат бўлиб, бемалол ўқирдик. Мен агар зонага чиқаришмаса, шу ерда муддатимни охиригача ўтиришга ҳам рози эдим. Аммо, ундан бўлмади.

Бу ерда ҳам ўн беш кун ўтирдик. Кейин бизни қайтариб Тоштурмага олиб кетишди. У ерда уч–тўрт кун ўтирдик. Кейин яна этап билан Навоий 46 га олиб боришди. Бизни Зангиота зонасига чиқаришмасдан изоляторида бир ой ушлаб, яна зонага қайтаришганди. У ерга бориб бир ой ўтириб келишлик ҳикматини англаёлмасдик.

Бу пайтга келиб июн ойи ўтиб июл келганди. Ҳаво қаттиқ иссиқ эди. «Яна шу лаънати зонага келдикми?» деб афсус надоматда тургандик, лекин, бу сафар ментларни муомаласи ўзгарганди. Улар бу сафар бизга яхши муомала қилар ва аввалгидек уриб сўкмасдилар. Биз билан бирга келган Улуғбекни албатта, ломкалардан ўтказишди. У умуман қаршилик қилмасдан ҳамма айтганларни бажариб эсон–омон карантинга кетди. Биз эса зонага ўз аввалги отрядларимизга кириб бордик. Биз бир ойдан ошиқроқ вақт айланиб келгандик холос. Биз нега Зангиотага бориб келганимиз сирини баракка боргач тушундим.

2001 йил июл

Зонага чиққанимда отрядга бориб, ҳайрон қолдим. Шконкаларни учинчи яруси йўқ эди. Матраслар тоза ва маҳкумларнинг кийимлари ҳам тоза эди. Мен «Тинчликми?» деб у–бу кимдан суриштирдим. Айтишларича зонага биз кетгандан сўнг намоз ўқишга рухсат беришибди. Ошхонадаги овқатлар озроқ яхшиланибди. Маҳкумларни шароитларини тузатишибди. Аксар одамларни бошқа зоналарга этап қилишибди.

Кейин зонага Халқаро Қизил Хоч ва Қизил Ярим ой Жамияти вакиллари ташриф буюришибди. Улар бир ҳафта бу ерда юриб, турли баракларга бориб маҳкумлар билан учрашибди. Улар келишидан олдин барча баракда қолган диний маҳкумларни бир ерга йиғиб, Мардоновни ўзи маъруза қилибди. «Шунақа–шунақа комиссия келади. Улар келади–ю кетади. Сиз билан биз шу ерда қоламиз. Шунини ўйлаб иш қилинглр.

Келган комиссия олдига бориб у–бу нарса гапирманглр. Биз ўзимиз таёрлаб қўйган одамлар бор. Шулар учрашиб ўзлари гапиришади улар билан, бошқалар жим юргани ўзига яхши» дебди бошлиқ. Табиийки, улар олдига ўша тайёрлаб қўйилганлардан бошқалар яқинлашмаган. Бошқаларни ТСБлар кузатиб юришган.

Улар тайёрлаган маҳкумлар эса, бу зона курортлигини ва бу ерда қийноқлар йўқлигини ва бу ерда Мустақиллик шарофати билан Президентимиз ва Азиз Бозоровичлар катта шароитлар яратиб қўйганлигини гапиришибди. Албатта, Юлдуз Усмоновани келганлигини ва бошқа отарчию масхарабозларни гапириб беришибди.

Мен Қизил Хоч вакиллари келишига бу зонадаги минглаб ортиқча маҳкумларни бошқа зонага этап қилишганини тушундим. Каравотларни тепасини олиб ташлаганликлари ҳам шу сабабли эди. Бунча кўп одам бундай тор ерда яшаши халқаро қонунларга зид эди.

Шу нарсани Қизил Хоч вакиллари билдирмаслик учун кесиб ташлашганди. Бундан ташқари баъзи кўзга кўринган диндорларни этап қилиб бошқа ерга жўнатиб юборишган экан. Биздан кейин ҳам анчагина этаплар бўлган ва кўплаб одамлар бошқа ерга кетишганди. Лекин, уларнинг ичидаги диндор маҳкумлар яна қайтиб келишди. Хуллас, бу давлат миқёсидаги кўзбўямачилик эди.

ИАК барибир халқаро ҳамжамиятдан қўрқарди. У ўзи қилаётган зулмларни дунё жамоатчилигига билдиришни истамасди. ИАК пихини ёрган фирибгар эди. У Қизил Хочни алдаганди. Лекин, барибир шароит аввалгидан анча яхши эди. Зовхоз Равшан менга каптёркадан маҳкумларга бериладиган махсус янги кийим бош олиб берди. Маҳкумларга бир йилда бир марта мана шундай кийимларни бериш қонунда кўрсатилганди. Бу қонун қургур шу Қизил Хоч келгандагина ишларди.

Ҳозир зонада одам камайганди. Ҳаммага ётишга биттадан кравати бор эди. Диндор маҳкумларни уриб–сўкмай қўйишганди. Мўъжиза рўй берганди. Мен бу янгиликларга ҳайрону–лол эдим. Асосийси энди намозларни бемалол рукуъ ва саждаси билан ўқиш имкони бор эди. Намоз ўқиган учун ТСБлар уриб–сўкмасди. Штабга олиб бормасди. Албатта, бомдод намози бундан мустасно эди.

Кечагина намозни имо–ишора билан ўқиганимиз учун калтаклашган маразлар олдида энди тик туриб ерга кийимимизни ташлаб бемалол намоз ўқирдик. ТСБлар индамай ўтиб кетишарди. Бу катта мўъжиза эди. Намоз ўқиш жиноят ҳисобланмай қолганди. Қизил Хочни шарофатидан биз намозни ўқиш имконига эга бўлдик. Бунинг учун Аллоҳга ҳамду санолар айтдик.

Мени яна столба цехига ишга чиқаришди. Муҳаммад Бекжонни қаергадир этап қилганди. Энди 3 отрядда у йўқ эди. Бошқа бир қанча диний маҳкумларни бу ерга ўтказишганди. Биз столбада ишлардик. Энди Иброҳим деган мараз бригадир урмасди. Умуман ТСБларга ва бригадирларга бизни уришни маън қилишганди. Энди улар бизни аввалидек, «враг народа» деб чақирмасдилар. Вовчик демасдилар. Хуллас, уларга ҳам Худо инсоф берганди.

Намозларни ўқишлик энди бемалол эдию, лекин, бомдодга озроқ муаммо бор экан. Маълумки, бомдод ёзда эрталаб тунги 4 да киради. Подём эса 6 да бўлади. Олтигача ётиб, кейин ўқийман десанг, кун чиқиб кетади. Ундан олдин ўқиш учун подёмдан олдин туриш керак бўлади. Лекин, подёмдан олдин туриш режимни бузишлик деб ҳисобланарди. Шу сабаб энди бомдод намозини ўқиш муаммога айланганди. Бошқа намозларни ўқишда муаммо йўқ эди. Мен столбада ишлаб юрганда бир неча марта вагон келган.

Ҳар сафар буларни юклаб чиқариб юборишда катта жанжаллар бўларди. Яна ўша–ўша, бўл ҳа бўл, билан ишлардик. Бригадирлар энди ўзлари урмасди. Аммо, ментга олиб бориб урдиришарди. Ментлар эса ҳали уришда давом этардилар. Лекин, нисбатан камроқ урардилар.

Ҳаёт давом этарди. Бир марта барча диний маҳкумларни қишки клубга тўплашди. У ерда Навоий вилоятидаги расмий имомлар уч–тўрттаси келиб маъруза қилишди.

Уларни маърузаси умумий гаплардан иборат эди. Мустақиллик яхши, ИАК доно президент, адашган гуруҳлар бор. Уларни қора кучлар адаштирган, ва ҳаказо.. гаплар эди. Табиийки, бу маърузалардан бирорта инсоннинг фикри ўзгариб қолмасди. Бу умумий гапларни эшитиб ҳеч ким йўлидан қайтмасди. Бизни яна чақириб, ИАКга тавба хати ёзишни тавсия қилишди. Аммо, «Бу ихтиёрий ва агар ёзмасанглар бу учун сизларни ҳеч ким урмайди ва сўкмайди. Августда яна мустақиллик кунига атаб амнистия чиқиши мумкин, ўшанга ёзсанглар тушишларинг мумкин» дейишди.

Амнистия деган дардисар ҳар йили чиқарди. Бу аслида айтийин зоналарни маҳкумлардан камайтириб туриш учун қилинарди. Чунки, зоналарда жой етишмасди. Яна ўша гап, кимдир ёзди ва кимдир ёзмади. Ҳизбутлар орасида ҳалиям ўша ёзганларни оқ қилиш жараёни давом этарди. Бошқалар бу масалада ўзлари билганича иш қилишарди. Амнистия қарори ҳар йили эълон қилинсада, диний маҳкумлар тушмасдилар бу инсонпарварлик актига. Сабаби уларни йилига камида икки марта изоляторга қамаб, ашаддий тартиббузарлар рўйхатига киргизишарди. Бу рўйхатдан чиқиш учун эса камида бир йил изоляторга қамалмай юриш ёки, бошлиқ тарафидан қандайдир мукофот олиш керак эди.

Байрамларда маҳкумларга яхши ишлагани учун ва яна нимадир қилгани учун деб ташаккурномалар эълон қилинарди. Бунақа нарсаларни олиш ўғри каззобларга қулай эди. Отрядникка икки пачка сигарета берсангиз ташаккурнома беришга тавсия қиларди. Бунақа рўйхатлар ҳамма отряддан йиғилиб берилар ва бошлиқ уларга қўл қўйгач, эълон қилинарди. Бунақа нарсаларга диндорлар яқин йўлатилмасди. Энди уларни ҳам ташаккурномалар олишга тавсия қилиш мумкин бўлди. Отрядникларга узатиш керак эди халос.

Мен Зонадаги қаллобликларни билардим. Билганим шуки, промкага келган машиналар Шокирга у–бу нарсалар олиб келарди. Шунингдек, баъзи машиналар бу ердан столбаларни юклаб олиб кетарди. Мен ўзимча шу нарсаларни ноқонуний бўлса керак деб ўйлардим. Баъзида ўша вагонлар ҳам битта яримтаси ортиқча келиб, ортиқча юк билан кетарди.

Бунақа ишлар столбаларни сотишда, ҳужжатда кўрсатилганидан ортиқча сотиб, пул ишлаш учун қилинарди. Менга баъзи маҳкумлар шунга ишора қилувчи маълумотларни учини чиқаришганди.

Мени бир куни штабга чақиритди. Тезкор бўлим раиси Шавкатни ТСБси югуриб келиб мени олиб кетди. Шавкатни кабинетига кирсам, менга қараб секин «Мана бу хонада МХХ ўтирибди. У сенга нималар деса, чиқиб менга айтасан. Бу ердаги нарсаларни сўраса, ҳаммаси яхши деб айт» деди. «Хўп», дедим. Ичкарига кирсам кичкина бўйли қора ориқдан келган одам ўрнидан туриб келиб, мен билан саломлашди. Одатда МХХлар мулоим гаплашишади. Ҳар ҳолда ментларга ўхшаган қўпол эмас улар. У менга сигарета узатиб «Чекасизми?» деди. Мен унга «Самосат чекаман командир» дедим. У ўзини интеллигентларча тутарди. Ўзи шунақа одамлиги кўриниб турарди. Мен промкадан келган терлаб–пишиб, қоп–қора бўлиб кетгандим. Уст–бошим искирт эди. Жуда ноқулай шароитда гаплашардик.

У барибир мени хурматимни жойига кўйиб гаплашарди. У мендан ўша камалган дўстларимдан хабарим бор–йўқлигини сўради. «Хабарим йўқ» дедим. Диний гуруҳлар ҳақида у бу нарсалар сўради. Булар одатдаги гаплар эди. Мен ундан нимадир асосий нарсани кутардим. Лекин, ундан садо чиқмасди. Шунда мени калламга бир фикр келиб қолди. Мен унга «Командир бизни эшитаётганлари йўқми?» деб сўрадим.

У кулиб туриб, «Мени эшитишмайди, мен эшитаман» деди.

Мен унга «Агар сизга қизиқ бўлса, бир гап айтаман» дедим. «Бу ерда промкада ишлаймиз, мени кўриб билганларим шуки, бу ерда Шокир дегани бор. Жонпўлатни братишкаси у. Унга катта имкону шароитлар яратилган промкада» дедим. «Хўш, кейинчи» деди у сал қизиқаётганга ўхшаб. Шу Шокир бу ерда ноқонуний ишлар қилади. Бу ерда ноқонуний столбалар сотилади. Хуллас, фирибгарликлар кўп» дедим. У промкага доир баъзи нарсаларни сўраб суриштирди. Кейин, «Майли шу нарсаларни янаги келганда гаплашамиз» деб мен билан қуюқ хайрлашди. Мен кабинетдан чиққан заҳотим Шавкат кутиб олди ва кабинетига олиб кирди. Мен унга қараб «Командир иш чатоқку» дедим. «Нима гап?» деди у ранги ўчиб. Мен унга «Бу МХХ мендан промкадаги столбаларни сотишдаги қаллобликларни сўради» дедим.

Мен булар бир–бирини қовлаб юришини билардим. Буларни шу ўзаро ишончсизлигидан фойдаланиб қолмоқчи эдим. Мен душманимга душманимни қўли билан зарба бермоқчи эдим. Менда бошқа имкон ҳам йўқ эди. МХХлар мени чақирганда ўз дардларини дастурхон қилишарди. Лекин, ментлар барибир ҳайиқишарди. Мен Шавкатга «МХХ сизларни столба сотишларингни билган экан» дедим.

Аслида бу нарсани аниқ ҳужжати билан мени ўзим ҳам билмасдим. Лекин, бунақа гап–сўз зонада бор эди. Шавкат «Унга нима дединг?» деди. Мен унга «Янаги келгунингизгача суриштириб билиб айтаман. Мени хабарим йўқ бунақа гапдан» деб айтдим дедим. Шавкат ишонди.

У менга қараб «Бу гапларни Азиз Бозоровичга айтиш керак» деди. Мен унга «Бўпти» дедим. «Сени у яна қачон чақиради?» деб сўради Шавкат. «Билмайман, яна бир ойдан кейин келар экан» дедим. Ичкарида умуман бошқа гап бўлсада, мен унга шунақа деб айтдим. Шавкат менга «Бўпти сен кетавер. Ишгамас, отрядга бор» деди. Мен ишга чиқмай қолдим. Эртасига бригадир келиб «Сен бугун ишга чиқмайсан» деб бошқаларни олиб кетди. Мен отрядда қолдим.

Мазам йўқлиги учун санчагга бориб, дўхтирга учрашаман деб рўйхатга ёзилдим. Эрталабки текширувдан сўнг Санчагга борсам, мени кўрган Санчагга бошлиғи Юсуф деган мўйловли майор «Сен ётасан, бор нарсаларингни олиб кел» деди.

Мен нима бўлди – нима қўйди ҳайрон бўлиб, лекин санчагга ётишимга хурсанд бўлиб, баракка қайтдим. Шу билан маҳкумлар пул бериб ётолмайдиган санчагга ётқизишди. Санчаг дегани шунақа жойки, отрядга ўхшаган бино бўлиб, ярмида маҳкумлар ётишади, ярмида турли хил кабинетлар жойлашган.

Камида 20 та маҳкум ётиши мумкин бўлган ер бу. Бу ерда ҳам текширув бўлади. Лекин, фақат коридорга чиқиб сафда турамиз халос. Келиб санаб кетишади. Бошқа пайтда бекормиз, фақат ухлаймиз. Бу ерда овқати куюқ ва ёғлик бўлади.

Асосий яхши томони шу. Бу ерда пул берганлар бир ҳафта – ўн кунча ётиб кетишади. Бу ерда асосан даволашмайди. Бу ерда фақат дам олиш мумкин. Қандайдир таблетка беришади. Бу ерда диндор маҳкумлар ётмасди. Мени нимага ётганим ҳам тушунарсиз эди. Санчастанда ётганимда зонани текширувга олиб келишди. Санчастан стадионни олдида эди. Шунда маҳкумлардан санчастанга борадигани шу ерда қолиб санчастанга келишди. Мен ташқарида юргандим.

Мен билан Зангиотада изоляторда бирга ётган Байрамали ҳам ишга чиқарди. Ўша келган экан. Мен санчастандагилар киядиган узун халатни кийиб, уларни олдида бориб озроқ гаплашиб турдим. Байрамали менга «Нима бўлди, нега бу ерда ётибсиз? деб сўрагани, мен «Билмайман тўғриси, бу кутилмаганда бўлган иш» дедим. Унга МХХ билан учрашув воқеъасини айтиб бердим. «Ўшандан бери мени ишга чиқаришмади» дедим.

Шунда Байрамали менга қараб: «Ҳа ака, ҳамма ишни қилиб, индамай бу ерга келиб ётиб олибсизда?! деди. «Нима қилдим? десам, у биз неча кундан бери зонадаги столбаларни зонанинг бурчагидаги ётган темир терсақларни очиб ўша ерга ташлаб, устидан темирлар билан бекитиб чиқдик» деб қолди.

Мен ҳайрон бўлдим. Наҳотки, бу марзларнинг фирибгарлиги рост бўлса-я?! Мен «МХХ бу ишларни билар экан» деб Шавкатга айтгандим. Лекин, МХХ буларни билмасди. Мен ҳам билмасдим. Аммо, бу ерда реал қаллобликлар бор эканки, уларни яшириш учун мени санчастанга ётқизиб қўйишибди. Менга эса фарқи йўқ эди.

Мен буларни ўзаро орасига шубҳа ташлаб қўйгандим халос. Аслида бу каззоблар бир-биридан кўрқадиган маразлар эди. Булар Худодан кўрқмасдилар. Булар МХХдан кўрқишарди. Ваҳолонки, ўша мен гаплашган МХХ умуман мулойим одам эди. Уни кўрқадиган ери йўқ эди менинг назаримда. Яна билмадим.

Хуллас, мени санчастандан бир ҳафтадан кейин чиқариб, промкага жўнатишди. Энди мени шахсан Шокирни ўзи чақириб, столбани иши оғирлиги, мен эса жуда чарчаганлигимни ҳисобга олиб, мени енгилроқ ишга жойлашини маълум қилди. Бу ажойиб ва ғаройиб – эни ва бўйи баробар думалоқ инсоннинг (мен уни думалоқ дердим) менга қайғураётгани сабабини тушуниб турардим.

Буни сабабини менга Бешкентлик Байрамали санчастанда айтган эди. Кейин мени сетка рябига деб аталадиган цехга ўтказишди. Бу ер столбадан узокда бир бино ичида бўлиб, бу ерда ишлаганлар столбани қанчаси қонуний ва қанчаси ноқонуний эканлигини билиши имконсиз эди.

Июлни охирида зонага Шахнозобону деган артист келди. Ҳаммани мажбуран олиб бориб, қарсақ чалдиришди. Бу аёл ёзги сахнада ўйнаб, қўшиқ айтди. Бу концертни ҳар доимгидек, Рустам Банк очиб берди.

ИАКга мактовлар ва Азиз Бозоровичга санолар айтиб, биз маҳкумларга кўрсатилаётган яхшиликларни унутмаслигини ва бизга қўшиқ айтиш учун келган аёлга ҳам омадлар тилади. Гул берадиган маҳкумлар олдиндан таёрланган бўлиб, улар олдинги қаторда ўтиришарди. Қарсакчилар ҳам асосан ўша ерда бўларди. Баъзи ўйинчилар ҳам ўша ерда ўтиришарди. Улар қайси қўшиқдан кейин ким гул беришини олдиндан таёрлаб олишган ва шунга кўра ҳаракат қилишарди. Шаҳнозобону қўшиқ куйлаб, унга берилган гулларни олиб хурсанд бўлиб, ўз тарихини ҳам қисқа сўзлаб берди.

Уни ҳозирда ажралишган эри қамалиб қолганда Товоқсойда ўтирган экан. Унга учрашувга бориб, фонардан груз киргизган экан. «Буни сизлар биласизлар бу ерда ҳам бўлса керак шунақа жойлар?» деб ментлардан сўраб қўйганди. Бу аёл ўша воқеаларни гапириб, бу ерда турган ментларни хижолатга қўйди. У бу зонани қизиллигини ва бу ерда фонар (Зонага ташқаридан груз олиб кириладиган ер) йўқлигини у билмасди. Ментлар унга буни айтолмасди. У бу ерда ўтириб қарсак чалаётганлар ноилож ўтирганлигини ва ашула ва қарсак уларни кўнглига сиғмаслигини билмасди. У буларни билмасдан ўтиб кетди. 2016 йил 14 март тонгида хонанда Шаҳнозобону 42 ёшда оламдан кўз юмди деган хабар тарқалди. Мен суратига қараб ўша аёлни танидим.

2001 йил август

Зонада ҳар ойда катта шмонлар бўлади. Баъзида бу шмонларга бошқа зоналарнинг ментлари жалб қилиниб, зонани остин–устун қилиб кетишади. Шмоннинг мақсади шу ноқонуний нарсаларни топса олиб қўйишликдир. Қайси нарса қонуний ва қайси ноқонунийлиги қизиқ масала. Зонада маҳкумда лезвия бўлиши мумкин эмас. Лекин, маҳкумни сочи ўсса олиши шарт. Қандай қилиб олсин агар уни соч–соқол оладиган асбоби бўлмаса? Тўғри, секторни бурчагида сартарошхона очиб қўйишган. У ерда бир маҳкум ишлайди. Қонунга кўра у маҳкумларга бепул хизмат кўрсатиши керак. Аммо, унга чой–сигарета бермасанг ҳеч вақти бўлмайди.

Маҳкумларга келган лезвиялар қўлига берилмасдан, шу сартарошга берилади. У эса лезвияни маҳкумга бермасдан фақат сочини олиши керак. Бунга берилган лезвияларни ярмини бошқаларга ишлатарди. Шу туфайли унга бермасдан, ўзимиз–ўзимизни сочимизни олардик. Соч–сақолни олиш ҳар ҳафта ва ўн кунда мажбурий эди.

Шмонларда асосан қоғозларни излашади. Ҳизбутлар бирор нарсалар ёзиб бир–бирига тарқатиб юришади. Одатда ўша нарсаларни топишса ўша ҳизбийни қамашади. Қоғозни йўқ қилишади. Зонада эркинлик шамоли эса бошлагач, ҳизбийлар фаоллашди. Улар ўғриларни завербоват қилишга ўтдилар.

Ўғри каззоблар баъзилари уларни чой чефирини ичиш ва сигаретасини чекиш учун биродар бўлиб, гапларини эшитиб юрарди. Баъзилари астойдил шу ғояларга таъсирланиб берилиб, ҳали ўзлари учун аниқ–тиниқ бўлмаган Халифалик келса, ундай бўлади, бундай бўлади, ҳаммада тенг олтин бўлади деган афсонавий адолатни тасаввур қилардилар ва уларга шуни уқтиришарди. Буларни дин деб ўрганган нарсаси шу эди.

Ҳизбутларнинг ўзи аксари мусулмон учун бирламчи зарур фикҳни ва зарурий миқдорда қуръонни ёдлаш каби нарсалардан узоқ йигитлар эдилар. Биттаси менга халифаликдан гап очганда, «Менга қара таҳоратда қанча фарз бор?» деб сўрадим, у ўйлаб туриб «Икки» деди. «Қўш яна» десам, «уч» деди, «қўш яна» десам «тўрт» деди, «қўш яна» десам «беш» деди. Ёнидаги шериги билар экан, у менга қараб, «Ундан сиз ҳизбни ҳазорасини сўранг, унақа нарсаларнимас» деганди. Мен унга «Менга керакмас ука ҳазоранг, мен ўзим учун ҳозир билишим шарт бўлган нарсани билиб, амал қиламан» дедим. Хуллас, биз билан ҳизбийлар орасида келишмовчиликлар чиқа бошлади. Бу кенгчилик келганидан кейин бошланди албатта.

Улар ўғриларни даъват қилишар ва «Бизни йўлимиз тўғри, бошқаси хато» дердилар. Ўғрилар келиб биздан сўраса биз ҳам шундай дердик. Шунда улар «Сизларни қайси бирингга эргашайлик ўзи? Биринг у томонга тортасан, биринг бу томонга» деб ҳайрон бўлишарди. Битта Карим деган чўпон бор эди. Жуда содда илмсиз одам эди. Наша чеккани учун қамашганди.

Бир куни мени олдимга келиб, «Мендан ҳизбий фалончи «Худо борми?» деб сўраганди, «Йўқ» деб жавоб бердим» деб қолди. Мен унга «Нега ундай дейсиз? Бу гап яхшимас» десам, «Эй, агар бор десам, «исботлаб бер» деб бошимни қотиради. Мен қандай исботлайман» деганди. Ҳизбий даъватчилар киши учта нарсани Аллоҳни, қуръонни ва Пағамбар А..С.ни ақл билан топиши керак дейишади. Бу учтасига ақлий имон келтириш учун фикрлашга ундашади. Аммо, бу чўпонга ўхшаганлар гапни қисқа қилиб қутулибди.

Бу услубни ҳаммага ҳам баробар қўллаш тўғримаслигини кўрсатарди. Қолаверса, тақлидий имон ҳам қабул эканлиги бор нарса.

Ваҳҳобий ва ҳизбийлар орасида конкуренция кетарди. Бу рақобат ўғриларни ўз томонига оғдиришликда эди. Улар икки томонга ҳам қулоқ солиб, эшитиб юришарди. Баъзилари шу ерда намоз ўқишни бошлашди. Баъзилари ҳизбга қаттиқ киришиб кетди. Ҳатто улардан бир иккитасини шу ерда 159 моддани қўллаб, қайта жиноий очиб, муддат бериб бошқа зонага жўнатишди. Шунингдек, на унисига на бунисига эргашмаганлари кўпроқ эди албатта.

Мен энди промкада сетка рябица деган цехда ишлардим. Бу цехни бригадири Гиждувонлик амаки эди. Бу киши 20 йил муддат олган бўлиб, шундан беш йилини критий режимда Андижон турмасида ўтаганди. У Абдуҳолиқ Гиждувоний мақбараси масжидини қурган одамлардан бири экан. 1990 йилда уни ёнига келиб юрган тожиклар ҳокимни уйини ўмаришибди.

Шунда улар Душанбега қочишган экану, бу кишини қамашибди. Бу одам намозхон эди. Қуъонни тажвид билан ўқиёлмасди, дарс олаётганди. Аммо, уни ажойиб хусусияти бор эди. У жинкашлик қиларди. Уни жини борлигини ва у турли хил ишлар қилиб, фол очиб юришини эшитгандим. Шу ерда у киши билан яқинроқ танишдим. Асли табиати ювош яхши одам эди бу киши. Лекин, уни ростданам жини бор эди.

Мен унчалик ишонмаганим учун бир куни эксперимент ўтказишга келишдик. Бир ерда ўтириб, қўлига қуръонни олди ва ўқиди. Кейин, куф–суф қилди ва осмонга қараб дуо қилди.

Кейин, «Келдингизми?» деб салом берди. Менга караб «Келдилар» деди. У жинини сизлаб, хурматлаб гапирарди. Мен албатта бирор нарсани кўрмадим. Лекин, менимча у ҳам кўргани йўк. У хис қиларди шекилли? Менга караб қўйнидан темир қошиқ чиқарди ва қурьон китобини ичига дастаси ташқарига, боши китоб ичига қилиб қўйиб, рўмоли билан устида маҳкам боғлади. Энди китобни ичидан дастаси чиқиб турарди. Ўша дастадан ушласа китоб тушиб кетмасди. Кейин у менга «Ушланг» деди. Мен китобни ўша қошиқни дастасидан ушладим. Китоб осилиб турарди.

Кейин чол менга караб, «Агар китоб бу тарафга айланса, «ҳа» дегани ва агар чап тарафга айланса «йўк» дегани деди ва «унга савол беринг» деди. Мен ичимда фалақ ва нос сураларини ўқигандим. Бу суралар ўқилган ерда кофир жинлар турмайди. Бу жин турган экан демак мусулмон бўлса керак деб ўйладим. Унга биринчи саволим «мусулмонмисан?» деган савол бўлди. Мени кўлимдаги китоб ўнг тарафга бурилди. Мен қошиқни дастасидан маҳкам ушлаб, уни қимирламаслигига ҳаракат қилардим. Лекин, дарҳақиқат осилиб турган китоб худди биров итаргандек бурилди. Мен қаршилиқ қилишимга қарамасдан буриб юборарди.

Мен саволни давом этдим, «Эркакмисан?» Китоб ўнга бурилди. «Ёшинг неччида?» деганимда чолни ўзи «Санани сиз айтинг» деди. «Минг йилми? десам китоб чапга бурилди. «Икки мингми?» десам чап, «Уч мингми?» Чап, «тўрт мингми?» десам китоб ўнга бурилди. Мен умуман бунақа нарсаларни ишонмайдиган ярий салафий одам китоб бурилатганига ҳайрон эдим. Мен тан оламанки, ўша пайтда китобни қандайдир ташқи таъсир бўлмаганда бурилмасди. Мен уни бурилишга қўймасдим. Мени бармоғим оғриб кетарди. Бу воқеъани кўриб ҳайрон бўлганман.

Мен чолга ақидани ўргатардим. Унга «Ғайбни Аллоҳдан бошқа билмайди» дердим. У шу жинни кўмагида баъзи нарсаларни билганлигини айтди. Масалан шу жини унга Андижон турмасига қараётган положенесини хотини ўғил туққанини айтган экан. Жин унга хабар берибди. Кейин аниқлаштиришса, рост бўлиб чиққанмиш. Ҳайратда қолган положенец чолни анча мунча нарсалар билан сийлаган экан. Мен бу чол билан анчагача бирга ишладим. Бу ерда товукхонага сим тўқирдик. Кунига йигирма, ўттизта топширардик. Бу цехда одам кам эди. Лекин, бу ерда тинч ва калтаклаш йўқ эди. Мен ўша–ўша очлик азобида юрардим. Бу қорин қурғурни ҳеч тўйдириш имкони йўқ эди.

Бир куни рябица цехидаги остатки симларни мусорга ташлаш учун зона четидаги катта мусоркага борсам, у ерда тери цехида терини ошлаб, ўша қўйни терисини ичидаги ёғларни шилиб олиб, ўраб ташлашган экан. Мен уни кўриб, ўйлаб қолдим. Балки, бу қўйни ёғи бўлса, ундан фойдаланиш мумкиндир дерди нафсим. Хуллас, ўша терилар ўраמידан бир муштдек олдим. Уни цехга олиб келиб, шу ерда чой қайнатадиган, тагида газ ёниб турган кичкина темир ўчоқ бор эди. Бир қутига уни солиб, сув солиб қайнатдим.

Шунда ёғ эриб, қайнаган сувни устига тўпланди. Ўшани олиб, бир идишга солиб, баракка олиб кетдим. Мақсад уни нон билан ейиш эди. Қўй ёғини егандек ўзимни ҳис қилмоқчи эдим. Мен ҳатто уни зарарли эканлигини ва терини жунини шилишдан олдин оҳакка солиб қўйишларини, бу оҳак терига ҳам ўтиши ва бу ёғда оҳак бўлишини ҳам ўйламасдим. Мен нонга қўй ёғи суртиб емоқчи эдим халос. Бошқа нарса билан ишим йўқ эди.

Ёғни зонага олиб бордим. Нон йўқлиги учун ёстиқ остида қолдириб, эртасига ишга кетдим. Эртасига нон олиб келаётганда шмонда нонимни олиб қўйишди. Яна ея олмадим. Учинчи куни ёнимдаги қўшним «Нимадир кечаси билан сасиб, нафас ололмадим» деб қолди. Мен «Билмасам» деб қўйдим. Ишга кетаётганда ҳалиги салафанга ўралган ёғни ҳам тўрвамга солиб олдим. Йўлда ҳидлаб кўрсам даҳшат сассиқ чиқарди. Мен уни ташлаб қутулдим. Бу воқеъани ҳаётимда бир одамга айтганман. Онамга айтгандим. «Очликдан шуни емоқчи бўлгандим она» деб айтиб бергандим. Энди мана шу китобни ўқийдиганлар ҳам билиши ва устимдан маза қилиб кулишлари мумкин.

Зонага мустақиллик байрами яқинлашарди. Бу мустақилликнинг 9 йиллиги эди. Бу йил Амнистия Мустақилликда чиқмади. 3 чи Декабрда Конституция кунига чиқди. Аммо, бу мустақиллик куни 31 август зонада байрам куни бўлди. Зонадаги секторлар эшиги очилди. Ҳамма бир–бири билан учрашиб, хурсандчилик қилишди. Талашиб–тортишиб ош едик. Ош бериладиган кунлар жуда оғир бўларди.

Бу кунлар гадлар ва ментлар ошга тўйишарди. Бизлар эса бир чўмичдан еб иштаҳамиз очилиб, қайтардик. Баъзи ошхонада ишловчи гадлар ошни пуллашарди. Бу албатта ўзларини ишончли одамларига икки пачка сигарета учун тала тўпда яна бир қозон ош қўйиб кетиларди. Тезда нариги қозонни олиб кетишгани учун биров билса, биров билмасди. Бунақа столга ўтириш эса олдиндан келишиб амалга ошириларди.

Мени бир тўртқўллик землягим ошхонада зовхоз эди. Уни ўзи мени чакириб «Тўртқўлданмисан?» деб сўраб қолди. «Ҳа» дедим. Хуллас, озроқ гаплашдик. У Отажон Худойшукуровни ёнида доира чалган экан. Ўзи ҳам зонада маданият бўлимида ишларди, байрамларда қўшиқ айтарди. У менга баъзи–баъзи вақтлар овқатдан ёрдам қиларди. Бир–икки марта олдиға «Овқат бер» деб борганимда, мен ўтирган столга иккинчи қозонни қўйиб кетганди. Бу иши ўша пайтда албатта осонмасди.

Бу учун унга ҳам зарар бўлиши мумкин эди. Лекин, у земляклик қилган ўшанда. Мен унга ўша пайтдаги ёрдами учун бу китобимда алоҳида катта миннатдорчилик билдираман. Уни менга ўша пайтда каша бергани, бугун кимдир қўй сўйиб меҳмон қилганидан устун турадиган иш эди. Бу ёрдами учун Аллоҳ уни мукофотласин!

Мустақиллик байрамидаги текин тамошалардан бири ошдан кейин зонадаги барча маҳкумларни ёзги клубга йиғиб атрофимизда гадлар ўраб турган ҳолда маданият бўлимидаги шоввозлар тайёрлаган концерт дастурини тамоша қилиш эди. Бу концертда аёл ролида гейлар чиқишарди. Кимдир онасига бағишланган узундан–узун монологни ўқиб, орасида йиғлаб ҳам олганди. Мени ошхонадаги зовхоз землягим Лазгини қуйлади. Рустам Усмонов ҳар доимгидек бу томошони бошловчиси ва сўзга чикувчиларга навбати билан сўз бериб турувчиси бўлди. Биз эса қарсак чалувчи бўлдик.

2001 йил сентябр

2001 йил сентябрь ойи биз маҳкумлар ёдида икки жихати билан эсда қолди. Бу ойда ёзда келиб кетган Қизил Хоч вакиллари яна қайтиб келдилар. Иккинчиси 11 сентябрдаги Нью Йоркдаги терактлар бўлди.

Қизил Хоч вакиллари бу сафар келганида мен зонада эдим. Бу сафар этап қилишмади. Бу Қизил Хоч дегани турли миллат вакилларида иборат эркагу аёл аралаш гуруҳ бўлиб, улар русча таржимон билан юришарди. Улар йигирма чоғли киши бўлиб, уч–тўрт гуруҳга бўлиниб, турли секторларда, турли отрядга кириб, учраган маҳкум билан гаплашардилар. Уларни зонадаги ментлар таъқиб қилиб юрмасди. Уларга ҳеч қандай тўсиқсиз истаган баракка киришга рухсат берилганди.

Албатта, уларни олдига чиқиб, ўзи гаплашаман деб айтадиган ва гаплашганда зонани мақтайдиган алоҳида маҳкумлар гуруҳи бор эди. Пасткаш ва жирканч одамлар шунақа ишларга рози бўлишарди. Уларга бу хизматлари учун бир чўмич ортиқча овқат беришарди. Қизил Хоч вакиллари ҳам анойи эмас экан. Улар бунақаларни билишар ва ўзи гаплашишга рози бўлганларни қайси модда билан қамалганига эътибор қаратишарди. Маълумки, 159лар ичида зонани ва ИАКни мақтайдиганлари жуда–жуда кам эди.

Бунақалар бир–иккита бўлиб, маданият бўлимида ишлашарди. Улар бўйнига капалаксимон галстук тақиб олиб, узун саф бўлиб туриб, «Ҳеч кимга бермаймиз сени Ўзбекистон» дея куйлашарди. Албатта, бунақа ерда ишлаганлар промкага чиқмас ва қорни тўйиб овқат ерди. Улар исқирт кийимларда эмас, уст–боши тоза юришарди. Буни эвазига улар шу зонани бошлиқларини ва ИАКни мақтаб турсалар кифоя эди.

Бунақа ерда таниқли Хайруллоҳ Ҳамидов ҳам ишлаган экан. Мен унга «Озодлик» радиосида суҳбатга чиққанида «Промкага бориб ишлаганмисиз ва зонада намозга қаршилиқ йўқмиди?» деб сўрагандим. У бечорани жавобларини ўзингиз эшитиб кўришингиз мумкин. Мен буни нимага айтаяпман? Одамлар зонадаги бу маданий тарбия бўлими нима иш қилишини билиб қўйсинлар ва у ерда ишлашни промкада ишлаш билан фарқини англасинлар деб айтаяпман. Мени унинг ўша ерда ишлаганига ҳеч қандай эътирозим йўқ. Бу ҳар кимни ўзини хохиши албатта.

Лекин, ўша ердан чиқиб оламга жар солиш керак эмас эди деб ҳисоблайман. Ўша ердан чиқиб, шу маданият бўлимида ишламай, ментларга хизмат қилмай, «Ҳалигача ўтирган маҳкумлар ўзлари айбдор» дейишлиги керакмас эди. Жим юриши керак эди. «Мен собит туrolмадим» дейиши керак эди. Акс ҳолда мардлар ва номардларни фарқи қолмайди. Акс ҳолда жон фидолар билан фирибгарларда фарқ бўлмайди. Лекин, у негадир бундай қилмади.

Қизил Хоч келганда ўзлари истаган маҳкумларни олдига бориб, «Сен билан гаплашмоқчимиз» дердилар. Моддасини сўраб–суриштирардилар. Кейин у рози бўлса, баракни чеккасидаги бир алоҳида хонага кириб, гаплашишарди. Улар ким билан гаплашганини зовхозлар ва ТСБлар кузатиб туришарди. Булардан штаб ҳам хабардор бўларди, албатта. Мен Қизил Хоч билан гаплашишдан ҳеч маъною манфаат йўқ деб ҳисоблардим. Қолаверса, улар 159лар билан гаплашишарди. Мен эса расман 159 эмасдим.

Лекин, Қўқонлик Ҳабибуллоҳ Ҳамидов менга «Русча билмайман, сиз таржимон бўлинг» деб илтимос қилди. Мен хўп дедим. Кейин уларга учрашиб хонасига кирдик. Ҳабибуллоҳ ака ўзбекчалаб ўзи ва оиласи бошига тушган ташвишларни бирма–бир гапирди.

Уни акаси Қахрамон Ҳамидов ўлдирилганлигини ва ака–укалари бари қамалганлигини ва ўзи ҳам неча йилдан бери турмада ўтирганлигини ва ҳақозоларни гапирди. Мен русча мазмунини айтиб турдим. Рус таржимон уни инглизчага ўгириб турди. У аёл буларни ёзиб олди.

Шу ерда мен ундан «Ўзим ҳақимда ҳам икки оғиз гапирсам майлими?» деб сўрадим. «Хўп» дейишгач, мен аслида ўғри каззоблардан эмаслигимни ва лекин шунақа моддалар билан қамалиб, раскрутка бўлганимни ва укам 159 билан қамалиб Товоксойда ўтирганлигини айтдим. Улар буларни ёзиб олиб, бу ердаги шароитларни сўрашди. Уларнинг асосий иши шу зонадаги шароитларни билишлик экан. Зонадаги шароитлар ҳақида билганимизни айтдик. «Намозларни ўқисак калтаклашарди. Лекин, сизлар келишдан олдин калтаклаш тўхтаган эди. Кейин, шконкалар уч ярусли эди. Энди камайтиришди. Одамларни сизлар келганда бошқа зоналарга этап қилиб, сизлар кетгач, қайтариб олиб келишди.

Энг асосий жиҳати шуки, сизлар келиб кетасизлар, биз қоламиз. Кейин бизни йўқ қилишади булар» дедим. Улар эса «Биз ким билан учрашган бўлсак, шу маҳкумни икки–уч ойдан сўнг топиб яна учрашамиз деб бошлиқларга айтганмиз ва шундай қилиб келаяпмиз» дейишди. Бу жуда муҳим эди албатта.

Амнистияга нега тушмаслигимизни сўрашди. Мен уларга бизга нарушения ёзиб, изоляторга қамаб, амнистияга туширмасликларини ва одам кўплигидан ўғри–каззобларни ноилож амнистияга тушираётганликларини ва катта пул билан – пора билан бу амнистия амалга оширилишини айтдим. «Бизни «ИАКга хат ёз» деб мажбурлашади. Ҳар йили уч–тўрт марта ёздиришади. Лекин, бефойда» дедим. Хуллас, Қизил Хочлар буларни ёзиб, олиб кетишди.

Мен конкрет бу ташкилот бирор нарса қилди деб ўйламайман. Лекин, уларни зонага киришини ўзи, ИАКни қўрқитган ва ўзи ёзиб қўйган қонунга амал қилишга мажбурлаганди. Ментлар ва ИАК Худодан қўрқмаса ҳам булардан чўчишарди. Худо урган одамларгина мана шундай бўлишади.

11 сентябрда Нью Йоркдаги Жаҳон савдо марказида бўлган эгизак бинолар иккита самолёт урилиши оқибатида ерга қулади. Учинчи самолёт Пентагонга бориб урилди ва тўртинчи самолёт Пенсилванияда қулаб тушди.

1999 йилдаги Тошкент портлашлари, ИАК учун оммавий қатағонларга йўл очгани каби, Тошкент портлашларидан икки йил ўтиб, 2001 йил 11 сентябрдаги ҳужумлар Оқ Уй учун Афғонистонни ва 2013 йилда Ироқни босиб олиш ва АҚШ фуқароларининг эркинликларини чеклаш учун асосий расмий сабаб бўлди. Бу ишни расман Бен Лодин уюштиргани иддао қилинди. Уни Афғон Толибларидан АҚШга топшириш талаб қилинди. Толибон рад қилди. АҚШ Толибон режими устига юриш бошлади.

Бу биноларга самолёт келиб урилаётганлигини телевизордан тинмай кўрсатаётганда, мен учинчи отрядда шконкада ўтиргандим. Зонада ҳар отрядда биттадан телевизор бўлиб, у фақат рус каналларини кўрсатарди. Ўзбекча дастурлардан фақат диний воизлар бизга панд насихат қилгани чиққанда, мажбурлаб кўрсатишарди.

Бошқа пайтда ўзбек каналини ит ҳам кўрмасди. Зона ҳали ўзбекчалашмаганди. Руҳи русча эди бу зоналарни. Мен каравотимда чўзилиб ётсам, Шокир келиб, «Қара мана нималар қилишди сени террорист биродарларинг» деди. Мен телевизор кўрмасдим. Ўшанда қарашни бошладим. Бу террор актини рус каналлари ва турли экспертлари бири олиб бири қўйиб муҳокама қиларди. Мен нима бўлганлигини тушунмадим тўғриси. Самолётни олиб бориб уйни деворига уришган экан. Бу ишни террористлар қилганмиш. Тушунганим шу эди.

Кейинчалик бу масалада бошқа фикрлар чиқди. Бунни МРБ (ЦРУ) уюштиргани иддао қилинган видеолар пайдо бўлди. Буларни мен кейин кўрдим албатта. Аммо, шу баҳона бўлиб, АҚШ Афғонистонга қарши уруш бошлади. Бу урушни жон жаҳди билан қўллаб қувватлаган ИАК АҚШга Хонобод ҳарбий Аэродромини фойдаланишга топширди. Афғонистонни бомбалаётган учқичлар Ўзбекистон заминида қўним топганди. Бу қўшни ва диндош халқга нисбатан қилган даҳрий ИАКнинг катта хиёрати эди.

Бу уруш баҳона ИАК Тохир Йўлдошнинг гуруҳи хавфини ҳам бартараф қилмоқчи бўлди. ИАК учун асосий муаммо шу эди. Шу баҳона у Буш билан учрашиш имконига эга бўлди. Бу эса бунақа ИАК каби пасткашлар учун шараф ҳисобланарди.

Буш Афғонистонда жангни бошлагач, кўп ўтмай Толибон режими кулади. НАТО қўшинлари «Тез ғалабага эришдик» деб чучварани хом санагандилар. Бунни улар орадан 15 йил ўтгач, бугунги кунда ўзлари тан олмоқдалар. Шу ўтган 15 йил ичида Толибон гуруҳи Афғонистон сиёсий сахнасидан йўқ бўлмади. Улар билан музокара қилишдан бошқа чора қолмагач, уларга сулҳ таклиф қила бошлашди. ИАКга келсак, у ЎИХдан кутулди албатта. Бу гуруҳ Тохирни ўлиmidан сўнг, партизанлик урушида убу ерларда дайдиб юриб, охир–оқибат Толибонга қарши чиқди. Ва Толибон тарафидан қириб ташланди.

Бу Халқаро майдондаги жанжалларни Ўзбекистондаги сиёсатга ва маҳкумлар ҳаётида таъсири бор эди албатта. Энди бизга тарбия дарсларида ўша 11 сентябр терактларини гапиришарди. Бу ишни тафсилотини биров билмасада, «Бу иш террорчилар иши ва бу террорчилар шу Афғонистонда туришибди. Улар Ўзбекистонга келмоқчи ва биз уларга қарши курашишимиз керак» деган тарзда дарс ўқиларди. Шундай кейин Зонада янги бир одат жорий қилинди. Бу синов учун тревога бериш эди.

Зонада қаердадир ўрнатилган сирена бўлиб, уни овози бутун зонага эшитиларди. Бизга «Шу сирена бўлганда изоляторга югурасан» деб уқтиришди. Диний маҳкумлар изоляторга югуриши шарт эди. Ўғри каззоблар шконкасига чиқиб ётиши керак эди. Бу ўйин қондаси шу эдики, кимки оёғида тик турган бўлса, солдатлар уни уриб синдириб ташлашарди. Биз сирена бўлганда ҳеч нарсага қарамай, шошиб–пишиб изоляторга югурардик. Қиёмат қоимга ўхшарди бу маросим.

Ҳамма отрядлардан диний маҳкумлар бир–бирига қарамасдан чопа–чоп қилиб, тилини осилтириб, ҳаллослаб изоляторга кириб борардик. У ердаги мент бизни камераларга жойлаб, устимиздан беркитиб қўярди. Бир соатдан сўнг отбой команда бўлгач, судралиб чиқиб келардик.

Бунақа расво учения ҳар ойда ўтказиладиган бўлди. Нимага бизни изоляторга қамашларини тушунмасдик. «Биз ҳам каззобларга ўхшаб шконкада ётсак бўлмайдами?» деб ўйлардик. Кейин буни тагига етдик. Бу сирена зонага террористлар ҳужум қилганда чалинар экан.

Террористларга эса қўшилиб кетиш эҳтимоли бўлган маҳкумлар 159лар эди. Шунга буларни барчасини изоляторга қамаб қўйиб, ўша террористларни бартараф қилгач чиқариш учун қамашаркан. Агар террористлар мабодо ғолиб келадиган бўлса, у ҳолда изолятордаги маҳкумларни барчасини отиб ташлаш ҳақида махфий тезкор кўрсатма ҳам бор экан.

Сабаби, бизлар террористларга қўшилиб, ментларга қарши жангга кириб кетмаслигимиз учун йўқ қилинишимиз керак экан. Бу дегани – биз аниқ душман ҳисобида эдик. Бу режим бизни дўппи тор келганда отиб ташлашга таёрланарди. Моссад инспекторлари келиб МХХга диний маҳкумларга қарши қандай курашишни ўргатишарди.

Улар Фаластинликларга қарши қўллаган амалларни, ИАК режими бизга ўз халқига қарши қўлларди. Бу тажрибаларини орадан 4 йил ўтгач, Андижонда амалда қўллаб кўрди. Майдонга чиққан оломонни атрофини ўраб олиб, отиб ташлашди. Бу энди 2005 йилдаги воқеалар эди. Биз ҳали 2001 сентябрида юрибмиз. Бизни зонада диндор маҳкумларга нисбатан пайдо бўлган илиқлик яна совуқлаша бошлаганини ва яна тазйиқлар авж ола бошлаганини сезардик. Булар буқаламундек вазиятга қараб, тез–тез ўзгариб туришарди.

2001 йил октябр

Октябр ойи кирди. Ҳаво совий бошлади. Бизга зонада қишки кийимлар беришди. Бу сафар бушлатлар улашганда сал тузукроғини кийишга имкон беришди. Олдинлари бунақа имконият йўқ эди. Олдинлари диндор маҳкумлар промкада жуда кам эди. Кейинги пайтларда промкани диний маҳкумларга тўлдириб юборишди. Жасликдан эллик кишига яқин диний маҳкумлар бизни зонага этап бўлиб келдилар.

Биздан ҳам бир қанча маҳкумларни Жасликқа жўнатишди. Зонада энди бомдод намоздан бошқасига тазйиқ қилишмасди. Бомдодга тазйиқ қилишлик ҳам «Режимни буздинг, соат олтидан олдин турдинг» деган маънода бўларди. Менимча булар намозга очикдан–очик қаршилиқ қилиш на қонунга, на динга ва на одамгарчиликка тўғри келмаслигини сал тушунишганди.

Мени ботинка цехига ўтказишди. Рябица цехидан кетишимга сабаб – бир кун эрталаб сетка топширадиган ердаги Бухоролик бригадир билан жанжаллашиб кетдик. У мени оёғимдан чалиб ерга йиқитди. Ўша ерда мени ура бошлади. Мен бақириб, ўрнимдан туролмасдим. Бошқалар югуриб келишди. Мен ўрнимдан турдим ва атрофда турган пустой огнетушители кизил темир қутисини кўтариб, уни калласига урдим. Огнетушител ичи бўш эди. Менимча унчалик қаттиқ оғритмасди. Шу тўполонда мени Шокирни олдиға олиб боришди. Шокир промкани штабига олиб борди. Жонпўлат мени қабул қилди. Унга Худо инсоф берганми, негадир бақирмади, урмади. Нормал гаплашди. Мен унга бригадирни урганлигини ва мен урганимни айтдим. «Рябица цехи совуқ, бу ерда куни билан қалтираб чиқаман, почкам оғрийди» дедим. У Шокирга қараб «Буни иссиқроқ ва иши осонроқ ерга, ботинка цехига ўтказиб қўй» деди.

Шундай қилиб Ботинка цехига ўтдим. Бу цехда ўша мен зикр қилган ошланган ва жуни олинган қўй териларини қорага бўяб, ўша бўялган теридан ботинка тикиларди. Бу ботинкалар фақат зоналардаги маҳкумларга мўлжалланган бўлиб, буни озодликда кийишмасди. Ботинкалар жуда сифатсиз ва бир йилга бормасдан у ер – бу ери тешилиб, чокидан тўкилиб кетадиган эди. Уни бу ерда конвейер услубида тикишар экан. Катта бинода столлар қўйилган бўлиб, ёнидаги курсиларда маҳкумлар ўтиришарди. Ботинкалар бир бошдан, ҳар бир маҳкум битта ишни қилар ва унисига ўтказарди. Буниси ҳам бирор ерини тикар ва унисига ўтказарди. Хуллас ҳар ким ўз ишини қилар ва охири ботинка таёр бўларди. Цех ичи иссиқ эди.

Мен бу цехда ишга ўтган куним Шавкат штабга чақирди. Уни промкада «козел»лари бўлиб, улар бу ердаги гап сўзлардан хабардор бўлиб турардилар. Шавкат мендан «Нега бригадирни урдинг?» деб сўради. Мен унга «Бригадирлар ҳалиям бизни уриб сўқаяпдику? Улар урса биз ҳам урамизда» дедим. Хуллас, бу мараз шунақа нарсаларни излаб юрарди. У мени изоляторга қамади. Бошлиқни олдиға кирганимда унга «Бригадир мени урди» десам, у худди адолат қиладиган одамдек бригадирни ва гувоҳларни чақиртирди. Уч–тўртта бригадирлар келиб мени «Бу одам кулоқ солмайди, ўзи шунақа ярамас одам» деб ёмонлашди. Менга бу қилмишим учун ўн сутка изолятор жазоси беришди.

Бу йил ичида шу зонада тўртинчи марта қамалишим эди. Орада Зангиотада ҳам икки марта ўн беш суткадан ўтиргандим. Мени деломга буларни барчасини тиркашган эди. Мен ашаддий тартиб бузувчилардан бири ҳисобланардим. Мен худди шу тартиббузар деган 221 модда билан бу ерга келгандим. Мана келганимга бир йил бўлмасида, олтига изолятор жазоси деломга тиркалганди. Мени яна раскрутка қилиш билан қўрқитишарди. «Сен ашаддий тартиббузувчисан» дейишарди. Мардоновни ўзи «Бу боришда сен озодликни кўрмай ўлиб кетасан» дерди. Мен эса бу қилмишларни бирортасида ўзимни айбдор санамасдим. Шу пайтгача ўзлари уриб калтаклаб қамашганди. Шу охиригисида мен бригадирни урганим рост эди. У ҳам мени урган эди. У биринчи бўлиб урганди. Мени барибир айбдор бўлдим. Мен бу тизимда одам ўзини оқлаши имконсизлигини тушунардим.

Мендан бошқаларни ҳам изоляторга қамашарди. Аммо, улар йилда икки марта норма учун қамалардилар. Меники нормадан ошиб кетганди. Ҳафизуллоҳни ҳам тез–тез қамашарди. Уники нечта изолятор бўлган билмадиму, меникидан каммасди. Мен учун изоляторда очлик асосий азоб эди. Лекин, бу сафар Аллоҳ менга ёрдам берди. Изоляторда баландёр бола зонага янги этап бўлиб келган танишим эди. У мени Товоқсойдан танирди. У мени изоляторда эканимни эшитган экан. У олдинги баландёрлар каби ярим чўмич эмас, чўмични тўлдириб берарди. Ментлар қарамай турганда бир хат ҳам ташлаб кетди. Бу малява мени яна бир танишимдан эди. Бу баландёр уни ҳам танирди.

Товоқсойда бирга ўтирган дўстларимдан бири шу ерда экан. У Товоқсойдан ташқарига чиққач, 159 модда билан қамалган экан. Қизил Тепадаги 64/47 зонада бўлиб, ғишт заводида ишлар экан. Ўша ердаги диний маҳкумларни Қизил Хоч келади деб, бизни зонага олиб келишган экан. Бу ҳукумат Қизил Хочдан зонада диний маҳкумлар кам деб кўрсатиш учун, улар келишдан олдин диний маҳкумларни олиб кетиб, бошқа зоналарга қўйиб, бир ойдан сўнг қайтиб олиб келарди. Бу ГУИНнинг фирибгарлиги эди. Бу халқаро жамоатчиликни алдашлик эди.

Мени танишим ҳозир шу зонада бир алоҳида атрофи арматура девор билан ўралган баракда экан. Баландёр уларга ҳам овқат тарқатганда таниб қолибди. Ўзаро гаплашиб мени изолятордалигимни эшитиб хабар юборган экан. Биз эски танишлар бу ерда яна учрашгандик. Лекин, мен у билан кўриша олмасдим. Баландёр ҳар келганда ундан салом айтарди. Мен унга салом йўллардим.

Бу сафарги изолятор анча енгилроқ ўтди. Очлик унчалик қийнамади. Совуққа эса чора топишни иложи йўқ эди. Мени зонага чиқаришганда отрядга ўтадиган йўлда ўша Қизил Тепадан келган этап жойлашган барак бор эди. Мени отрядник баракка олиб кетди. Санакул олдида «беседа»дан ўтиб, отрядга кетаётиб ўша ердан ўтдик. Мен қўлим орқада бушлат катталиги учун қўлимни орқага қилсам бушлатим бужмайиб турарди. Шу ҳолда мен олдинроқ ва отрядник орқада кетаётиб, Қизил Тепадан келган этап олдидан ўтдик. Улар ташқарида туриб, серкүёш (мадҳия) айтишаётган экан. Улар тахминан эллик кишидан ортиқроқ эди.

Мен сафлар орасига кўз югуртириб, танишимни излай бошладим. Улар жим туриб мени кузатишарди. Мен танишимни топдим. У охириги сафни чап тарафдан охирида турарди. Биз у билан Товоқсойдан яқин кадрдонлар эдик. Орадан тўрт йил ўтиб, мана шу ҳолатда кўришдик. У мени таниб бошини сал қимирлатган бўлди. Мен кўз қисиб қўйдим. Шу ерда тўхтадимда, ортимдаги отрядникка қараб «Началник, агар бу Қизил Тепадан келган биродарлар, бу зонада намоз ўқиган учун калтакланишини ва изоляторга тушишини билганларида, бу ерга келмаганига шукр қилган бўлардилар» дедим ва йўлимда давом этдим. Отрядник аввалига тушунмай ҳайрон бўлдида, кейин ортимдан бақириб, «Бу зонада намоз ўқиганни урмайди. Сен нега буларни олдида бу гапни айтасан?» деб ортимдан бақириб, сўкиниб келди.

Қизилтепани Қизил Хоч текшириб бўлгач, уларни ортига – зонасига қайтаришди. Бу зонада ғишт заводи борлигини ва у ерда маҳкумлар ишлашларини эшитгандим. Бизни зонада столба бўлгани каби, уларни асосий маҳсулоти ғишт эди. Бу зонада кейинроқ ҳозирда АҚШда яшаётган муҳолифатчи Санжар Умаров ҳам ўтирган ва ғишт заводда озроқ ишлаганди. Бу зонада кейинроқ футбол шархловчиси Хайруллоҳ Ҳамидов ўтирган ва маданий тўғарақда «ишлаганди». Бу зонада яна мен билган таниган қанча биродарлар ўтирди. Улар ғишт заводида ишлаган ва у ердан чиқиб индамасдан юришганди. Улар у ердан чиқиб, бу зона яхши демаганди. Аммо, кимдир чиқиб, шунақа гапларни айтганди. Албатта буни айтганлар кимсалар ғишт заводида ишлаган эмасдилар. Бундай гаплар фақат шу маданият бўлимидагилардан чиқарди.

Мен изолятордан чиқиб, отрядга бордим. У ердан яна ботинка цехига ишга чиқиб кетдим. Ишга бошлаганимга бир ҳафта бўлмаган ҳам эди шекилли, зонада демократия ўйини бошланди. Бу ўйинга сабаб бўлган воқеъани эса мен кейинроқ тушунганман. Сабаби Ўзбекистонга БМТнинг қийноқлар қўмитаси маърузачиси Тео Ван Бовен келиши кутилаётганди. Бу одам Ўзбекистондаги зоналарга бориб реал вазият билан ўзи шахсан танишиши кутилаётганди. Уни ташриф буюриши мумкин бўлган зоналар сафида Жасликдан ташқари албатта Навоийнинг 46 зонаси бор эди. Лекин, у барибир бизнинг зонага келмасдан кетди.

Тео Ван Бовенни кутиб олишга ИАК шахсан ўзи ИИВга ва МХХга топшириқ берган ва у бориши эҳтимоли бўлган зоналарни тезда вазиятини ўзгартиришни буюрганди. Бу воқеъларни мен у пайтда албатта билмасдим. Тео Ван Бовен таширифи сабаб бу ойда зонада катта ўзгаришларга асос бўлган бир мажлис бўлди. Ташқарида ҳаво совуқ бўлишига қарамасдан ҳаммани очик клубга йиғиб, мажлисни бошлиқни ўзи олиб борди. У биринчи бўлиб, бу зонада қонун ҳаммага баробарлигини ва Муассаса раҳбарияти ҳаммага тенг назар билан қарабини маълум қилди. У намойишкорона қайсидир отряднинг ТСБсини чақириб, қайсидир диний маҳкумни урган ё сўкканлиги учун шу ерни ўзида ўн суткага изоляторга қамаш ҳақида эълон қилиб, шу ерни ўзидан уни изоляторга жўнатиб юборди.

Катта очик майдонда курсилар қўйилган бўлиб, у ерда зонанинг деярли барча маҳкумлар ўтирардилар. Уни шахсан ўзи икки–уч ерга микрофон қўйдириб, истаган маҳкум истаган саволини бериши мумкинлигини, истаган зобит устидан шикоят қилиши мумкинлигини ва бу учун унга ҳеч ким ҳеч нарса қилмаслигини, бунга уни шахсан ўзи КАФОЛАТ беришини алоҳида уқтирди. Бизлар ҳайрон эдик. У ёнидаги муовинларини ҳар бирини беш минутдан гапиртирди. Улар қайси маҳкумни қандай муаммоси бўлса улар ҳал қилишга тайёрлигини маълум қилишди. Хуллас, зонада демократия бошланган эди. Лекин, биз коса тагидаги нимкосани тушунмасдик. Бу бир тузоқ бўлиб, ким ҳозир у бу нарса деса, уйини куйдиришса керак деб қўрқардик.

Бир неча марта «Ким гапиради?» деб савол сўради Азиз Мардонов. Мен шартта ўрнимдан турдим, мендан уч–тўрт метр нарида турган микрофон олдиға бориб, гап бошладим.

«Ўртоқ бошлиқ, мен кўп йил зоналарда ўтирган ва кўп зонани кўрган эски арестантман. Мен ҳали бу зона каби зонани бошқа ерда кўрмадим ва эшитмадим. Бу зонада додингни айтишга одам топилмайди. Сизни кабинетингизга кириш умуман имконсиз. Сектордан чиқаришмайди. Бу ерда бизга бўлаётган зулмларни ҳамма билса керак. Нега бизга атига саккиз килодан мумкину, бошқаларга истаганча мумкин? Нега биз санчагга ётиб даволанмаймизу, бошқалар бемалол ётишади сигарета бериб?» дедим. Хуллас, мен унга мавжуд проблемаларни бир нечтасини айтиб, мен сизни ҳеч ким тегмаслигини ўзим кафолатлайман деганингиз учун гапирдим дедим. Агар бу гапларим учун эртага бир балога учрасам, унда сизга маълум қилиш учун сизни тополмай қолишдан кўрқаман. Сабаби сизни олдингизга боришни иложи йўқ» дедим. Гапимни тугатиб жойимга келиб ўтирдим.

Ҳамма маҳкумлар менга қараб ҳайрон бўлиб туришганди. «Энди нима бўлади?» деган хавотир ҳаммада ва менда ҳам бор эди. Бошлиқ микрофонни олиб менга жавоб берди. «Абутов биз сизни биламиз» деди у. Расмиятчилик билан сизлаб гапирарди. «Бу айтганларингиз қисман ҳақиқат. Мен Санчагга бошлиқига айтаман, Абутовни санчагга ётқизиб, даволанг» деди. «Саккиз килолик чекловга келсак, бу ҳамма учун баробар қонун. Кимда–ким бу қонунни бузса, жазолайман» деди башарасига қатъий тус бериб. «Мен қайта такрор айтаман, кимки зобитми, бригадирми, ТСБми, маҳкумни урса уни жазолайман» деди. Бу бизга тушунарсиз бўлган ўйин эди.

Шу мажлисдан кейин яна бир ҳафта ўтгач иккинчи марта мажлис бўлди. Унда аввалги мажлисдаги қўйилган мажбуриятлар бажарилдими йўқми, шуни муҳокама қилинди. Азиз Бозоровични ўзи мени микрофонга чақирди.

Мен ўртадаги микрофонга бордим. У мендан «Сени санчаstdа даволашдими?» деб сўради. Мен «Йўқ» дедим. «Ўша кечаги мажлисдан сўнг сени санчаstdга чакиришдими?» деди у. «Йўқ» дедим мен. «Хеч ким хеч нарсa қилмадими ўшандан бери?» деди. «Қилмади» дедим. Бошлиқ ғазабдан тутоқиб кетди. Майор Юсуфга қараб, «Бу ерда мен бошлиқман, бу ерда мени айтганим бўлади. Ким мени айтганимни қилмаса бу ерда ишламайди» деб бақирди. Шу катта жамоат олдида майорни мулзам қилди. «Нега Абутовни санчаstdга ётқизмадинглар?» деди у. Майор довдираб нима дейишни билмасди. У бунақа бўлишини билганида, мени санчаstdга ётқизган бўларди албатта. Лекин, у ўша мажлисдан сўнг у ердаги гапларни унутган эди. Ментлар ҳали айтганига амал қилишни ўрганмаган эдилар. «Шу бугун у санчаstdга ётади Азиз Бозорович» деди у қизариб. Мен жойимга ўтирдим.

Бу ажабтовур мажлислар ҳар ҳафта давом этарди. Биз нимадир ўзгаришлар бўлаётганлигини сезардик. Аммо, нималигини билмасдик. Мени эса шу куни зудлик билан санчаstdга ётқизишди. Мен ноябр ойини ўн кунини шу ерда ўтказдим. Бу сафар ҳам санчаstdга хеч кимга сигарета бермасдан ётгандим. Менда берадиган нарсанинг ўзи йўқ эди. Бу менга Аллоҳнинг марҳамати эди.

2001 йил ноябр

13 отряд

Ноябр ойи мен учун кутилмаганда санчаstdда дам олишдан бошланди. Бу мажлисдаги бошлиққа берган саволимнинг натижаси эди. Бу мен учун яхшиликка бўлганди. Мен Аллоҳга ҳамдлар айтардим. Менда санчаstdни бригадирига сигарета бериб ётишга имконим йўқ эди. Мен аввал ҳам Шавкатни МХХ билан кўрқитганим учун ётгандим. Улар мени промкага чиқармасдан санчаstdга ётқизиб, кейин бошқа цехга ишга ўтказишганди. Ҳар ҳолда бу иккинчи марта санчаstdда ётишим эди. Бу мени изоляторда ётганим сонидан ҳали анча кам эди.

Мен санчаstdда ўн кун ётиб, намозларимни бемалол ўқиб, дам олардим. Бу ерда дам олиш мумкин, даволаниш эмас албатта. Одатда оғир касалларни бу ердан сангородга этап қилишарди. Баъзи пайтлар этап қилишга улгуролмасалар маҳкумлар шу ерда ўларди. Йилига тўрт–бешта ўлик албатта чиқарди зонадан. Булар ўлими яқинлашганда этап қилишга улгуролмай қолганлар эди. Этапга кетганларни кўпчилиги ўша ерда вафот этарди.

Мен ҳар бир куним билан яшардим. Бу кунларим бир кун ундай – бир кун бундай ўтарди. Менда на келажакка режалар ва на озодликка чиқишни ўйлаш йўқ эди. Дарҳақиқат дараги йўқ нарсани ўйлашга нима ҳожат? 2001 йилда 16 ноябрда рамазон кирди. Рамазонда рўза тутишга таъқиқ расман қўйилмасада, уни тутишга имкону шароит ҳам яратилмади.

Зонадаги тартибга кўра маҳкумлар овқатни фақат ошхонада белгиланган вақтда ейишлари лозим эди. У пайтда ужин ифторликка тўғри келарди. Лекин, бошқа пайтларда овқатланиб бўлмасди. Шунингдек, нонни ошхонадан баракка олиб келиш деярли имконсиз эди. Йўлда махсус шмонлар бўлиб, нонлар териб олинарди. Аммо, ўша пайтда зонада рўза тутдик. Бу рўза ҳар куни фақат бир марта ифторлик пайтида овқат ейиш билан тutilганди.

Биз озодликдан кўра ўлимни кўпроқ ўйлардик. Озодликка чиқишдан ўлиб кетишлик реалроқ кўринарди. Ўша оч наҳор бўлишимизга қарамасдан, «Ўлсак рўза қазоларимиз қолиб кетмасин» деб тутардик. Албатта тутадиганлардан кўра тутмайдиганлар кўпроқ эди. Баъзан ифторлик вақти кечки овқатга сафда ўтирганда кирарди. Шу ерда туриб озроқ бир нима биландир оғиз очиб, самосат тутатардик. Рўзадорлар ифторни самосат тутатиб қилишарди. Кейин, бориб овқат ердик.

Ноябр ойида ҳам маҳкумларни тавба хати ёзишга чақириш давом этарди. Амнистия васваси бошланганди. Конституция кунига амнистия чиқиши кутиларди.

ИАК ҳар йили Амнистия чиқариши сабабини мен тушунардим. Бунинг ягона сабаби зоналарда одам тўлиб кетган ва янги маҳкумларни қамашга жой йўқ эди. Мен шуни асосий сабаб деб ўйлайман. Қизил Хоч зонама–зона айланиб юрарди. Маҳкумларни ҳам улар келадиган зонадан бошқасига кўчириб, улар кетгач, қайтариб олиб келишарди. Бу қувлашмачоқ ёки бекинмачоқ ўйини эди. Бу ўйин давлат миқёсида ўйналарди.

Амнистия бўлса, одамлар камайса, бунақа қочиб кўрқиб юришга ҳожат қолмасди. Шу сабабли одамларни зонага қамашдан кўра ташқарида қолдиришга буйруқ берилганди. Баъзи диндорларни қамалмасдан, тавба–тазарру қилиб, «бағри кенг» юртбошини уларни кечирганлиги шунга мисолдир.

Албатта, бу миннадорчилик изҳорлари катта дабдабалар билан матбуотларда ёритилар, телевизорда такрор ва такрор намоёиш қилиниб, «Юртбошимиз ғамхўрлиги, бағрикенглиги учун адашган йигитларни кечирди» деб айтиларди. Қамокда чиқадиганларни ҳам телевизорга тушириб, адашганлигига иқрор қилдиришар ва юртбоши бағрикенглиги учун кечирганлигини қайта қайта уқтирилиб чиқариларди.

Битта одам Арабистондан келиб, Тошкентда қандайдир бизнес қилмоқчи экан. Уни ушлаб қамашган, бор пулини олиб, ўзи турмада серкуёш айтишни ўрганганди. Уни амнистияга тушганида телевизордан кўрсатишган. «Мен Каримовга миннатдорчилик айтаман. Минг раҳмат. Бу яхшилиги умрбод унутмайман. Мен Ўзбекистонни умрбод унутмайман» деганди у, чиқиб кетаётганда берган интервьюсида.

Албатта, бор мол давлатидан ажралиб, турмада ўтирган бу араб, калтак еб серкуёшни қуйлаганлигини унутмаслиги аниқ эди. Биз ҳам буларни унутмасдик. Унутаолмасдик. Юртбошини бағрини кенг қилаётган, амнистия беришга мажбур қилаётган нарсга эса, Қизил Хочни зонама–зона юриши ва тиқилиб кетган маҳкумларни уларга кўрсатмай, у ёқдан бу ёққа олиб қочиб юриш ташвиши эди.

Бу Қизил Хоч деганиям анойи эмас экан. Бир келган зонага икки–уч ой ўтгач\, яна келарди. Ўша гаплашган одамларни сўраб, суриштириб, уларни топиб яна гаплашишарди. Бу эса маҳкумлар хавфсизлиги учун муҳим эди. Зоналардан бу ерга янги этаплар келар ва биздан бошқа ерга кетишарди. Баъзи, биродарлар бу ердаги оғир шароитда очликдан ва калтаклардан касал бўлишарди.

Одатда уларни сангородга юбормасдан ушлаб турилар ва ўлиши аниқ бўлгандагина этап қилишарди. Шунга қарамай зонада уч–тўртта диний маҳкумлар жон топширдилар. Мен шу ерда пайтимда эшитганларим тўрт киши эди. Булар Ҳизбут таҳрир билан камалганлар бўлиб, биттаси Тошкентлик Бахтиёр деган йигит эди. Бахтиёрни жигари отказ қилиб ўлганди. Мен уни ўлишдан олдин кўрганимда қорни шишган ҳолда юарди. Қоринга сув тўпланар экан. Хуллас, уни зонадан ўлиги чикди. Аллоҳ раҳматига олсин. У сап–сарик эди, сочлари ҳам сарик эди. Мулойим гаплашарди.

Битта ҳизбийни миллати татар экан. Уни ҳам тез–тез санчастьга ётқизишарди. Уни юраги ўнг томонда экан. Бунақалар дунёда саноқли бўлиб, туғилганида юраги кўкрагини чапида эмас, ўнг тарафида бўларкан. ТСБларга уни юрагига урмасликка тавсия қилишган экан. У келганидан бери унчалик калтак емаганди. Унга алоҳида кашани қуюкроқ қилиб беришарди. У бечора юрагини ўнг тарафда қилиб яратган Аллоҳга ҳамдлар айтарди. Биз юраги чапдагилар эса, калтак ер эдик. У пайтларда юракни қаердалигини ҳам фарқи бор эди. Мен бу ментларда юракни ўзи умуман бўлмаса керак дердим. Мен санчастьда ётиб даволаниб чиққач, промкага бормасдан мени бошқа, ишламайдиганлар отрядга ўтказиб юборишди.

Бу сафар ўша олдинги ўзим бўлган 9 отрядгамас, 13 отрядга келдим. Лекин, шу учинчи сектор эди. Бу ерда олдинги таниш–билишлар бор эди. 9 отряддаги Абдувоҳид ва бошқалар ҳалигача ўша ерда эдилар. Лекин, энди бушлатлари тузукроқ эди. Самандар Қўконов ҳам шу ерда эди. Муҳаммад Бекжонни Зарафшонга этап қилишганди. Мамадали Маҳмудни таниш–билишлари орқали Чирчиққа кетганлигини эшитдим.

Бошқалар шу–шу одамлар эди. Мен яна ишламайдиган баракда эдим. Лекин, бу баракларда энди шконкалар уч ярус эмасди. Одам ҳам нисбатан камроқ эди. Ўша этапларда кўпчиликни ҳар томонга жўнатиб юборишганди. Бу отрядда учта Тошкентлик йигитлар билан семейка бўлдим. Булар «вахҳобий» деб аталадиган тоифага мансуб эдилар. Булардан бири Жасликдан келганди.

Зангиотадаги янги очилган 64/65–сонли қамоқхонада диний маҳкумларни қийнаб, ИАКга тавба хати ёздирганида ҳар қанча қийноқ бўлсада ёзмаган иккита маҳкумдан бири шу эди. Илми бўлмасада намозини ўқий оладиган ва қуръонни ўқий оладиган киши эди. Бу билан бирга тавба қилмай ўтирган шериги Ҳизбут ҳожи ҳам шу отрядда эди. Бу иккаласи ҳам Жасликдан келтирилгандилар. Улар янги қурилган Зангиотадаги 64/65–сонли турмани диндорларни синдириш учун махсус қурилган турма деб тушунтиришганди. Бу ерда аввалига фақат 159лар олиб келиниб, хаталарга киришдан олдин синдирилган.

Хаталарда ҳам уларга қаттиқ қийноқлар қўлланилган. Аммо, у ерда кўп қолдирмасдан тезда Жасликқа этап қилишган. Жаслик ҳам шунақа фақат 159ларни олиб кириб синдирадиган зона бўлган. Аммо, кейинчалик бу зоналарга бошқа ўғри каззобларни ҳам киргизишган. Диндорларни алоҳида турмада ушлаб туриб, азоблаш халқаро майдонда режим учун мутлақо яхши бўлмаган муносабатлар келтириб чиқариши хавфидан, ИАК режими ўғри каззобларни ҳам диндорларга аралаштира бошлади. Бизнинг отрядда ҳизбутлардан Акмал деган қўқонлик бор эди. Уни ҳизбни энг тиниб–тинчимас аъзоси дейиш мумкин.

Бир кўзи сал қийшиқ бу йигит диний саводи бўлмасада, ҳизбий саводи кучли эди. Биз бу отрядда элликтадан ортиқроқ эдик. Юқорида айтганимдек бу ишламайдиган маҳкумлар сақланадиган отрядлардан бири эди. Қолган учта отряд ҳам шунақа эди. Булардаги маҳкумлар ўзаро алоқалар қилишарди.

Диний гуруҳлар ҳаммаси ўзига мос гуруҳ билан бирга тўп–тўп бўлиб юришар ва ҳар тоифа ўз ичида баъзи дарсларни йўлга қўйганди. Биз ўз отрядимиздаги диндорлар ваҳҳобийлар ичида бошқаларга пешволик қилишарди. Дробилкада бирга ишлаган Абдуллоҳ ҳам шу отрядда эди. Бу ерда турли мавзуларда суҳбатлар, баҳс мунозаралар бўларди. Нисбатан эркинлик бор пайтлар эди.

Мен муддатимни охиригача мана шу отрядда қолганман. Аммо, орада яна бошқа сафарлар бўлиб ўтди. Бу отрядда пайтимизда Тошкентдан уламолар гуруҳи ташриф буюрди. Уларнинг каттаси муфтийнинг муовини бўлган Абдураззоқ Юнус деган кимса эди. Унинг ёнида уч–тўртта саллалик битта қора дўппилик кимса келганди. Бу саллалар катта минбарда ўтириб, бизга маъруза қилишди.

Маърузаларига қараб кимни кимлигини илғаб олса бўларди. Абдураззоқ Юнус маърузасида асосан «Советлар даврида фалонча масжид бор эди, ҳозир пистонча. У пайтда фалон одам ҳажга борган ва ҳозир фалон мингта» деган тарзда сих ҳам, кабоб ҳам куймайдиган маъруза қилди. Уни ёнидаги қора дўппилик эса, мустақиллик неъматига шукроналардан бошлаб, ҳизбут хато, ваҳҳобий хато, ҳанафий мазҳаби тўғри ва ҳаказо шаклида маъруза қилди.

Шунда «Кимда саволлар бор?» деб залга мурожаат қилишди. Залдан бир ҳизбий турди–да унга савол берди. «Бу ерда намоз ўқисак, ўқима деб уришади. Бомдодни ўқиш айникса қийин, шунақа пайтда нима қиламиз?» деб сўради. Ҳалиги қора дўппилик «Амирнинг амри вожиб, агар ўқима деса ўқима» деб жавоб берди. Бу гапдан залда ғала–ғовур бошланди.

Шунда ҳалиги ҳизбий унга «Икра сурасини охириги тўққизта оятини мазмунини шарҳлаб беринг» деди. Шу мажлисда Ҳафизуллоҳ ҳам ва бошқалар ҳам бор эди. У киши аввалига тушунмай турди. Абдураззоқ Юнус унга қараб, қўлидаги қуръонни очиб ўша ерини кўрсатдида, «Сиз айтинг» дегандек китобни унга итариб қўйди. Бу киши бунақа қалтис масалаларда гапиришдан қўрқаётганини тушундим. Қора дўппига эса фарқи йўқ эди. Унда охират қайғуси йўқлиги туркидан кўриниб турарди. У оятларни ўқиб, ғазабланди. Бу оятлар унинг фатвосига хилоф эди. Бу оятларда намоздан қайтарувчи кимсага итоат қилмасликка буюрилганди.

Бандани намоз ўқиётганида?! Қайтаргани кўрдингми?! Айт-чи, агар ўша ҳидоятда бўлса. Ёки тақвога амр қилса. Айт-чи, ўша ёлғонга чиқарса ва юз ўгирса. Албатта Аллоҳ уни кўришини билмасми?!Йўқ! Агар қайтмаса, пешонасидан шиддатла тутамиз. Ёлғончи, хатокор пешонасидан. Бас, ўз тўпини чақирсин. Биз ҳам забонияларни чақирамиз.

Йўқ! Сен унга итоат қилма! Сажда қил ва қурбат ҳосил қил.

(Алақ сураси 9 дан 19 оятлари)

Бу саллалар диний илмий нуктаи назардан ҳам биздан мағлуб эдилар. Улар намозга қилинадиган қаршилиқни ҳеч қандай важ билан оқлолмасдилар. Бу қонунга ҳам зид эди. Қонуний жиҳатдан ҳам намозга тўсиқ бўлмаслиги лозим эди. Аммо, вазият шунақа эди. Намозга тўсиқ қўйишган ва рўза тутиш мумкинмас эди. Ўша пайтда Амнистия васвасаси бўлаётганди. Тавба қилувчилар кўпайиши зона бошлиқларига ҳам обрў бўлса керакки, булар шу ИАКга тавба қилишга ва ҳизбдан чиқишга ваҳҳобийликдан ҳанафийликка қайтишга ундашарди. Имомларни олиб келиб гапиртиришарди.

Ўша пайтларда Обидхон Асқаров ва Рустам Усмоновлар бир қизиқ нарса ўйлаб топишди. Бу нарсага кўра, тавба хати ёзган ҳизбийларга алоҳида имконият яратиш эди. Бу нарса бошқаларига таъсир кўрсатади деб қилинганди.

Ўша пайтда Бошлиқни ўзи бу режага рухсат берган. Бунга кўра ҳизбийлар қасам ичиб, ҳизбга киришган ва улар ҳизбдан қайтсалар қасамни бузган ҳисобланишади. Бу эса гуноҳ. Гуноҳ ишни қилишдан қўрқиб ҳизбутлар қайтмаётган бўлиши мумкинку! Шу сабабли, Обид Асқаров қасамни каффорати ҳақидаги Моида сураси 89 оятни далил қилиб уларга уч кунлик рўза тутишга имконият яратишни бошлиқдан сўрашганди.

Оят:

«Аллоҳ сизларни тилларингиздаги беҳуда қасамларингиз сабабли жазоламайди. Балки (дилларингиздаги) маҳкам туккан қасам сабабли (агар шундай қасамни бузсангиз) жазолайди. Бас, унинг каффорати ўз оилангизни боқадиган ўртача таомлардан ўнта мискинга таом бериш ёки уларнинг сарпосини қилиш, ёхуд бир қулни озод қилишдир. Ким (бу нарсаларни) топа олмаса, уч кун рўза тутсин! Мана шу—қасам ичган (ва уни бузган) пайтингиздаги қасамларингиз каффоратидир. Қасамларингизни (бузишдан) сақланингиз. Шукр қилишингиз учун Аллоҳ сизларга Ўз оятларини мана шундай очик-ойдин баён қилур».

Бу оятда кўрсатилгандек, зонадаги ҳизбийлар ўнта мискинга таом бериш ёки уларнинг сарпосини қилиш, ёхуд бир қулни озод қилиш каби талабларни қилолмасдилар. Аммо, улар уч кун рўза тутишни қилиши мумкин эди. Азиз Бозорович бундай осон йўли борлигини эшитиб хурсанд бўлиб кетган, ва «Ҳизбдан қайтиб, уч кун рўза тутсинлар, мен уларга қўй сўйиб, ифтор қилиб бераман» деган.

Шундай қилиб, тавба қилган ҳизбутларни тўплаб рўза туттиришди. Уларга алоҳида кечаси ошхона очиларди. Улар яхшигина ифторлик қилиб, кейин саҳарга ҳам бориб овқатланиб, уч кунлик рўза тутишди. Бу жараён катта дабдаба билан олиб борилди. Бу тавбачилар шу билан гуноҳдан ювилган бўлишди гўё.

Бу ишлар қулгилик эди. Бу билан қайтганларни сони ошмади. Зонада энди ментлар бизга «Қайтганмисан, қайтмаганмисан?» деб сўраб олиб, кейин шунга яраша муомала қиладиган бўлишди. Бу бир қизиқ ҳолат эди. Ментлар бирор маҳкумни кўрса «Қайтганмисан?» деб сўрарди. У «Ҳа» деса яхши, йўқ деса, ёмон муомала бўларди.

Ҳизбийлар ва ваҳҳобийлар орасида ҳам совуқлик бошланди. Икки тараф у бу масалада чиқишолмас ва бир бирларига маломат тошини отишарди. Мен орадан кўп йиллар ўтгач, Москвада яна қамалганимда ўша турмада ўтириб, бу турмада кўрган кечирганларимни «мустақиллик достони» деган шеъримда тасвирлагандим. Бу дostonдан шу воқеаларга тегишли қисмини эътиборингизга ҳавола қиламан.

Бу дoston 2007 йилда россия турмасида ёзилганди.

Мен нега маҳбусман, нима айб қилдим,
Қайси айбим учун, жазо қилдилар?
Гуноҳим не ахир, ўзим билмасман,
Ушлаб қамаб, жабру жафо қилдилар.

Озмиди, мен кўрган, балою – офат,
Яна қандай тухмат, бўҳтон қабоҳат,
Тугамадику ҳеч, зулму қасофат,
Яна ўз эркимдан, жудо қилдилар?

Ғам ташвишдан, ақли – ҳушин йўқотган,
Умрининг қуёши деярли ботган,
Туролмай, тўшакка михланиб ётган,
Онаи – зоримни, адо қилдилар.

Бормикан ҳақиқат деб, бу очунда,
Ҳайрон бўлиб ўтирибман, мен бунда,
Озод бўлгандимку ўзи, яқинда,
Яна қандай айб, пайдо қилдилар?

Ҳали эсимдадир, ўтказган дамлар,
Бутун умр, унутилмас аламлар,
Баён этай, эшитинглар одамлар,
Қандай балoга, мубтало қилдилар?!

Кўп оғир фитналик, бўлди замона,
Билиб бўлмас, ким дўсту, ким бегона,
Ошёнимиз бўлдику, ҳибсхона,
Подшонинг амрини, бажо қилдилар.

Мусибат етди, мўминлар бошига,
Қаралмади оналар кўз ёшига,
Синовлар келди, ҳар мўмин кишига,
Куфр муддаосин, раво қилдилар.

Тақдир экан, ношукрлик қилмаймиз,
Бошқалардек, қувнаб, ўйнаб кулмаймиз,
Зулм, хорлик ичра яшаб, билмаймиз,
Кимлар тўғри, кимлар хато қилдилар?

Урдилар, сўкдилар, асло аямай,
Каттами кичикми, одамми демай,
Ҳақоратлар кўрдик, турдик индамай,
На кўз ёшга,, зарра парво қилдилар.

Қиёматга йиғилди, қанча ҳужжат,
Ҳар нарсани гапиришга на ҳожат,
Агар бизларга қилсалар мурожаат,
Эй ваҳҳобий дея, нидо қилдилар.

Ўқилди кеча кундуз, маърузалар,
Мумкин эмас, намоз билан рўзалар,
Гўёки, бу билан, ахлоқ тузалар,
Бизга оғир бир, муаммо қилдилар.

Таълим беришди, бўлинглар огоҳ деб,
Тавба қилинглари, ҳаммангиз гумроҳ деб,
Кечиринг, эй адолатли подшоҳ, деб,
Тазарруъ хатларин, иншо қилдилар.

Тавба хати ёзиш учун хаспўшлаб,
Қасам ичганларни кўнглини хушлаб,
Каффоратига уч кун, рўза ушлаб,
Қўйлар сўйиб, ажиб «тақво» қилдилар.

Оғир азобда ўтказдик, қиш – ёзни,
Имо билан ўқиб, намоз ниёзни,
Кўплар ҳатто, тарк этдилар намозни,
Бошимизда оғир савдо қилдилар.

Биздан устун эди, ўғри каззоблар,
Зобит амри ила, бизни азоблар,
Улар бизни қийнаб, қилса ғазаблар,
Зобитлар кулиб, тамошо қилдилар.

Кўп одамга омад кулиб боққанмас,
Дилда имон ҳаловатин топганмас,
Синов оғир пайти, кўплар Ҳақданмас,
Тоғутлардан, хавфу – рижо қилдилар.

Дилида имони борлар, қаранглари,
Ҳалиям оз эмас, аҳволи танглари,
Уриш, калтак билан, оттириб тонглари,
Яна шу билан, интиҳо қилдилар.

Бизларни тарбия қилдилар жуда,
Мадҳия куйлармиз, овоз авжида,
Фитналар тўлқини айни мавжида,
Подшога тобеъ, фуқаро қилдилар.

Билмадим, ё «доно шоҳ» билмадилар,
Тавба қилганни ҳам, кечирмадилар,
Маҳкумларга марҳамат қилмадилар,
Дунё охиратни расво қилдилар.

Бир куни мен, бошлиқни хонасида,
Чақирганди суҳбат баҳонасида,
Шоҳ расми турарди, пешонасида,
Қўл билан кўрсатиб, имо қилдилар.

Деди «Мана шудир, менинг худойим,
Мен уни амрини, қиламан қоим,
Унинг хизматида бўламан доим»,
Деб, ақидасини ифшо қилдилар.

Сўзларини эшитинг мен гувоҳни,
Ҳикматига қойилдирман Аллоҳни,
Ўтмишда ҳам, қанча золим подшоҳни,
Одамлар маъбуду, «худо» қилдилар.

Гапиролмас эдим, тилим лол бўлди,
Бу кунларда кўп нарсалар ҳал бўлди,
Кимлар шаҳид, кимлар мажруҳ, шал бўлди,
Ҳар киши борини, фидо қилдилар.

Уламолар келди, таълим беришга,
Адашганлигимиз маълум қилишга,
Жим эшитдик, журъат йўқ гапиришга,
Адашганлар дея, фатво қилдилар.

Яна келди ажнабийя аёллар,
Учрашишни қилмас эдик хаёллар,
Уларга ҳам аниқ бўлди, бу ҳоллар,
Оламга жар солиб, ғавғо қилдилар.

Бўлган эдик мустазъафин, мазлумлар,
Инсоний қадру қийматдан, маҳрумлар,
Эрталабдан кечгача бу маҳкумлар,
Давлат мадҳиясин ижро қилдилар.

Нимасини айтай, дўстлар сизларга,
Тилим ҳам бормайди, топиб сўзларга,
Тушунмасман ҳануз, нега бизларга,
Халқ душмани деган, тамғо қилдилар?

Қорнимиз тўймади овқатга ҳаргиз,
Очлик ила кун ўтказар эдик биз,
Бари ўтиб кетди дегандим, эссиз,
Яна парча нонга гадо қилдилар.

Ўн йилки турмада ўтди, қиш – ёзим,
Ўчирмоқчидирлар менинг овозим,
Ортимда қолар шу, шеър-у баёзим,
Мени буткул мотамсаро қилдилар.

Яшашга ҳам улгурмадим нетарман,
Балким, фарзанд кўрмай, ўтиб кетарман,
Ортимда қолар деб, дoston битарман,
Хуллас, мени, бахтим қаро қилдилар.

Ўзим ҳам бундай ҳаётдан тўйибман,
Фақат ташвиш машаққатда куйибман,
Ҳаммасини қиёматга қўйибман,
Фиръавн зулмини барпо қилдилар.

Ўқисалар достонимни дўст ёрлар,
Танишу нотаниш, имони борлар,
Билинг сизлар учун, мазлуми зорлар,
Мадад сўраб, хайр дуо қилдилар.

Ғам ҳақида ёзилди бу дастоним,
Кўп зулмлар чеккан эди, бу жоним,
Саломат борса бас, энди имоним,
Бошқа нарсадан, мосуво қилдилар!

2001 йил декабр

8 декабр куни Конституция кунига бағишланган байрам бўлди. Бундан уч кун олдин Амнистия чиқди. Зонада байрам ҳар доимгидек шов-шувлар билан ўтди. Лекин, тушликка ош берилмади. 15 декабр 2001 йил рамазон хайити бўлди. Бу кун деярли байрам сифатида нишонланмади. Аммо, ишдан дам олиш бўлди. Секторлар очилди. Ош беришмади. «Ошни янги йилда ейсизлар» дейишди ментлар.

Бу байрамларнинг ораси яқинлигидан биттасида ош бўлса биттасида бўлмасди. Наврўзда ҳам ош берилмасди. Икки ҳайит кунлари ҳам зонада расман байрам эди. Буларни биттасида берилса, иккинчисида ош берилмасди. Қизиғи шундаки, рўза тутишга зонада рухсат йўқ эди. Аммо, ҳайит куни байрам қилинарди. Турган битгани бемаъниликдан иборат эди буларнинг ишлари.

Байрамлар зонага катта ташвиш ва ортиқча маблағ сарфлашга мажбур қиладиган бош оғриқ эди. Бу байрамларга маданият бўлими икки ой олдин тайёргарлик кўрар ва мафкуравий мазмунда шеър–қўшиқлар куйланиб, пёсалар қўйиларди. Бир марта қизиқ бир пёса қўйишган. Икки–учтаси қўлига ёғоч милтиқ олиб, салла ўраб террорист бўлиб чиқади. Бу қўлбола террористлар ўзаро суҳбатлашади. Суҳбат пайтида микрофонга гапиришади.

«У ерни – бу ерни портлатамиз ва Халифа курамиз» дейди улар бир бирига қараб. Албатта, бу ролларда ўғри каззоблар ўйнагани учун жуда кулгили ва ярашмайдиган бачкана бўларди. Биз на кулишни ва на йиғлашни билмасдик. «Ҳаммасини калласини кесамиз ва ўлдираамиз» деб бир–бирини гапини маъқуллашарди.

Кейин, шу ишни қилмоқчи бўлганда, уларни ментлар формасидаги икки–уч маҳкум уларни ушлаб олади. Орада уришишади. Ментлар кучли ва ботир бўлиб, террористларни тезда уриб, йиқитиб, салласи билан қўлини орқасига боғлаб, қамокқа – парда орқасига кириб кетишади. Орқасидан қарсақлар ва қўшиқ ва ҳаказо...

Бу мафкуравий ва жуда жўн ва саёз пеъсалар маҳкум актёрлар иштирокида Рустам Усмонов раҳбарлигида қилинади. Хуллас, бу тадбирлар бизни тарбиялаш учун эди. Шунингдек, бу пеъсаларда қизилларни мардлиги ва террористларни қўрқоқлиги намоён қилинади.

Байрамларда Азиза Ниёзметова ва яна Насиба Абдуллаевалар ҳам келишган. Обид Асомов ва Навоийни ўзидаги унчалик таниқли бўлмаган артистлар келишган. Буларни келиши учун зонадаги ишлайдиган маҳкумлар ҳисобидан уларга пул ўтказиларди. Булар текин тамошолар эмас эди албатта.

Зонада икки – уч ойда бир очадиган магазин бор эди. У ердан ишчи маҳкумлар ёки ҳисобига яқинлари тарафидан пул қўйилган маҳкумлар чой–сигарета харид қилишлари мумкин эди. Харидни белгиланган юқори миқдори уч минг сўм эди. Бу ердаги қотган пряниклар килоси беш юз сўмдан эди. Бошқа нарсалар ҳам шундай қиммат бўларди. Нон сотилмасди. Мен столбада ишлаганимда ҳисобимга чой чақа ўтказилганди.

Ўшанда шу дўконга келиб, кун бўйи ортядимиз билан навбатда туриб уч минг сўмлик нарса олгандим. Харид учун ҳар бир отряд ўз ТСБлари билан бирга навбати билан чиқиб харид қиларди. Кичкина будкани олдида фақат бир киши кела оларди. У ердаги одамга исм фамилиясини айтса, улар қоғоз титкилаб топишар ва у киши кўрсатган нарсани нархини белгилаб унга беришарди.

Бу нарсалар нархи уч минг бўлганда у маҳкум магазин олдидан кетиши керак эди. Уни ҳисобидаги пулни магазин ҳисобига ўтказиб қўйишарди. Бу зонадаги ягона савдо–сотик имконияти эди.

Бу магазин одатда байрам олдидан зонага карантин бўлиб, ташқаридан учрашувлар тўхтатилиб қўйилган пайтларда очиларди. Карантин пайтида зонага ташқаридан ҳеч нарса кирмас ва зонада чой–чекиш каби нарсаларга тақчиллик пайдо бўларди. Бу сунъий тақчиллик эди.

Бу байрамда ҳаво совуқлиги учун деярли баракдан чиқмай ўтирардик. Бу кунлар яхшилиги шуки, шмон бўлмасди. Ментлар калтаклашмасди. Секторлар очиларди. Лекин, летний эстрадага олиб бориб, мажбурлаб ўтказиб концерт эшиттириши азоб эди. Совуқда одам на дальнякка (катта ҳожат) ва на ближнякка (кичик ҳожат) боролмасди. Ўша ерда қарсақ чалиб ўтириб, қўшиқ эшитишга мажбур эдик.

Байрам куни мени олдимга иккинчи сектордан Қаршилиқ Йўлдош деган киши келди. У киши мени ҳақимда бошқалардан эшитган экан. Сарик тусли одам экан бу Йўлдош ака. Мен ҳам уни ҳақида эшитгандим. Уни Қаршидаги диндорлар орасида энг илмлиси ва пешқадами эди. Уни ваҳҳобийликда айблаб қамашганди. Биз озроқ у киши билан ўтириб суҳбатлашдик.

Бу инсон кейинчалик 2003 йилни амнистияси билан озодликка чиқди. Ва икки–уч ойдан кейин қайта қамалган ва шундан бери ўтирибди деб эшитдим. Аллоҳ унга ва барча мазлумларга нажот берсин. Амнистия бу золимларнинг бир тузоғи эди. Бу билан чиққанларни кейин амнистияга туширмасди. Амнистия билан озод бўлган 159ларни эса, аксарини яна қайтадан қамарди. Улар энди (агар яна муддат қўшмаса) шу муддатини охиригача ўтиришга мажбур эдилар.

Декабр ойи зонага одатдагидан кўпроқ этаплар келарди. Байрам олдида Тоштурмадаги маҳкумларни тез–тез бошқа зоналарга жўнатишарди. Бир куни «Карантинга Қўқон Жомеъ масжиди имоми Муҳаммад Ражаб келган» деган гап тарқалди. Биз Карантин отрядни олдида боролмасдик. Аммо, ошхонага ўтишда ва қайтишда уларни кўрардик. Улар Карантин отряд олдида юрган бўлишарди.

Бу машҳур имом кўп йиллар зонама–зона юрган ва уни доврўғини ментлар биларди. У кишини алоҳида қийноққа олиб, тазйиқлар қилишарди. Карантин отряд зовхози Витя деган ўрис уни карантинда қаттиқ қийнаган. Карантин отряд ташқарисидаги тош йўлакни ювдирган. Совукда бу тош йўлакни латта билан қўлда ювдиришлик фақат одамни ерга уриш ва хорлаш учун қилинади. Муҳаммад Ражаб (Тоштемир Нурматов) карантиндан кейин қайсидир отрядга тушганди. У бошқа секторда бўлиб, мен уни зонада учратолмадим.

Аммо, бизни тақдир кейинроқ учраштирди. Мен у билан бирга Сангородга этап бўлгандим. Аммо, бунга ҳали анча бор эди. Бу пайтда ҳали дунё аҳли ва зонадаги маҳкумлар янги 2002 йилни кутишга ҳозирланишарди. Телевизордан кунда кун ора Афғонистондаги урушларни кўрсатишарди. У ерда Толиблар режими кулаган ва Шимолий Альянс НАТО кўмагида Қобулни эгаллаганди.

Афғонистонни Толиблар давридаги «Исломиё Амирлик» деган номи ўзгартирилиб, «Ислом Республикаси» бўлганди. У ерда янги муваққат президент ва ҳукумат ташкил этилганди. Булар сайлов ўтказиб, қонуний бўлиб олишни режалаётганди. Шу билан бирга Толиблар партизанлик урушлари бошлашган ва уларни ҳали у – ҳали бу ердан чиқиб, ҳужум қилганларини ва қанча НАТО солдати ва бошқалар ўлганлигини гапириб туришарди.

Афғонистонга ва кейинроқ Ироққа қилинган урушлар АҚШни ислом уммати олдидаги улкан хатоларидир. Бу хатолар ёнига Фаластинни Исроил томонидан босиб олинишига кўз юмиб келаётганлигини ҳам албатта қўшиш мумкин. Бу урушларда ЎИХга тегишли жангарилар ҳам нобуд бўлишганди. ЎИХнинг баъзи аскарлари Альянс тарафидаги афғонлар қўлига тушиб қолган бўлса, уларни Ўзбекистонга сотишарди. ИАК режими афғонларга ҳар бир ЎИХ аскари учун тирик ва ўлигига қараб беш минг доллардан пул ваъда қилишганди.

Навоийга мана шу МХХ беш минг доллардан сотиб олган Тохир Йўлдошнинг аскарларидан иккитаси этап бўлиб келганди. Булардан биттаси Марғилонлик Илҳом деган, бири Нажмиддин деган Паркентлик эди. Паркентликни бир оёғини бомба парчаси тегиб, кесиб ташлашган экан. У қўлтиқтаёқда юарди. Бу иккаласи бизни отрядга келди. Бир оёғи йўқлиги учун Паркентликни биз семьяга қабул қилдик. Унга пастдан жой бериб, тепасида мен ётардим. Мен уни «мужоҳид» деб чақирардим.

Лекин, бу «мужоҳид»ни қиссасини эшитгач, уни жиҳод қилганми йўқми, ўзим ҳам тушунолмай қолдим. Гап шундаки, у Тохирни гуруҳига қўшилгач, Толибларга қарши уришаётган шимолий альянс (иттифок) гуруҳига қарши жангларга қўшилган. Мухожирларни бу ички урушларга дахлдор ери бўлмасада, Тохир Йўлдош «Биз ҳам қараб ўтирмаймиз, муртадларга қарши курашамиз» деб аскарларини уруш бўлаётган шимолий минтақага юборган экан.

Шимолий иттифокни лидери Аҳмад Шоҳ Масъуд эди. Бу иттифок тожик ва ўзбеклар иттифоқи эди. Булар пуштунларга (толибларга) қарши урушарди. Ўша урушда қатнашган бизнинг мужоҳидни оёғига осколка тегиб, узиб ташлаганди.

Лекин, унга тезда ёрдам кўрсатиб, ҳаётини сақлаб қолишган экан. У ва унга ўхшаган бир неча ўзбеклар урушда ярадор бўлиб, даволаниш учун бир касалхонага жойлаштирилган экан. Ўша ерга маҳаллий афғонлар (ўзбеклар) келиб уларни куч билан мажбурлаб, ўғирлаб кетишган. Бу касалхона қўриқланмаётган экан. Кейин буларни Термиз билан чегара олди ҳудудда ўзбекларга пуллашган. Ўзбек тарафи буларни МХХ подвалида тергов қилиб, ҳаммасига катта муддатлар берганди. Мужоҳидни сроки 20 йил эди.

Бу «Мужоҳид»лар ҳам Карантинда мадҳияни ёдлаганлар. Булардан бошқа Хаттобни лагерида бўлиб қайтганлар бор эди. Уларни ҳам ушлаб қамашганди. Бу жисмонан бақувват йигитлар илмли бўлмасада, эътиқодли ва саҳиҳ тушунча эгаси бўлган мусулмонлар эди. Буларни бари мадҳия куйлардилар, хожатхона тозалардилар ва бошқа супур–сидир ишларни бажарардилар.

Мен танийдиган Рамиз деган бир йигит Хаттобни братишкаси бўлганлигини айтарди. У эътиқодли йигит эди. Кўп калтаклар еса ҳам менга ўхшаб додламасди. Инграб тураверарди. Шу бола ҳам изоляторда калтакланганида бошқалардан кўра чидамлилигини кўрсатганлардан биридир. Бизни мужоҳид братишка қўлтиқтаёқда туриб, совукда қишда мадҳия куйларди. Уни биздан фарқи шу эдики унга хожатхона тозалаш буюрилмасди. Аммо, бошқа талабларни у ҳам қиларди. Эрталабки, бадантарбияга чиқмаганига уни изоляторга қамашганди. Лекин, барибир бир оёқдаги одамга озгина шафқат қилишарди.

2002 йил ноябрь ойи охирларида Ўзбекистонга БМТнинг қийноқлар бўйича махсус вакили Тео Ван Бовен ташриф буюради. 1999 йилдан бери Ўзбекистон турмаларига бориб кўришга рухсат сўраётганига қарамай, уларга розилик бермаётган ИАК 2002 йили БМТ Бош котиби Кофи Аннан билан учрашгандан кейин, розилик беради. Шу муддат ичида ИАК зоналарни сал пал тартибга келтириб олиши керак эди. Шу мақсадда у Алматовга ва МХХ раиси Иноятовга ҳам тегишли топшириқлар берган.

Бунга кўра, Тео Ван Бовен келишига зоналардаги оғир шароитлар сал яхшиланиши лозим эди. Уриш–калтаклашларни қисман тугатиш ёки анчагина камайтириш ва намоз ўқишга рухсат бериш керак эди. Шу нарсаларни секин–аста зонада амалга оширишарди. Ҳали Тео Ван Бовен келишига бир йил бор эди. Ҳозир 2002 январй ойи эди.

Лекин, зонада рўзага расман рухсат берилмади, аммо, таъқиқ ҳам қўйишмади. Ўтган йилгидек, рўза тутганни уриб, овқат едиришмади. Мужоҳид билан Тоҳир Йўлдош ва у ердаги урушлар ҳақида кўп гаплашганман. Уни гапларини эшитган сари ҳайратим ошарди. Бу мутаассиб йигит эди. У қайсидир ўзбекча китоблардаги ҳадисларни ўқиб ўзича шарҳлар ва Маҳдий келиши ҳақидаги ҳадисдаги сифатлар Тоҳир Йўлдошда мавжудлигини иддао қиларди.

Абдуллоҳ розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи вассаллам:

«Агар дунёдан бир кунгина қолган бўлса ҳам, албатта, Аллоҳ ўша кунни узайтириб, мендан бўлган ёки аҳли байтимдан бўлган бир кишини юборади. Унинг исми исмимга, отасининг исми отамнинг исмига мос келади. У зулм ва жаврга тўлган ер юзини адолат ва инсофга тўлдиради», дедилар».

Абу Довуд ва Термизий ривоят қилишган.

Унинг шу ҳадисдаги **«Унинг исми исмимга, отасининг исми отамнинг исмига мос келади» деган ерини шарҳлаб, айтишича**, Тоҳирни исми Муҳаммад Тоҳир экан. Демак Пайғамбаримиз билан исмдош бўлади. Отасининг исми Абдуҳалим бўлсада, Ҳалим дегани Аллоҳнинг исмларидан биридир. Абдуллоҳ бўлиши шартмас дерди. Пайғамбар а.с. оталари исми Абдуллоҳ бўлган. Аллоҳ ва Ҳалим ҳам Аллоҳнинг турли хил исмлари каби бир хил исмдир дерди. У Тоҳирни ҳадисда айтилган ва келиши кутиладиган имоми Маҳдий деб ҳисобларди.

Бу гапини ҳеч кимдан уялмасдан, очиқ–ойдин ҳаммага гапирарди. «Сени кришанг кетиб қолибди мужоҳид» дердим унга қараб. «Бу ҳадисдаги шахс кимлигини Аллоҳ билади халос. Сен бунчалик тез ҳукм чиқарма» дердим. У «Тоҳир қирқ ёшида Ҳажга боради ва унга Маккада барча имомлар байъат беришади» дерди.

Мен унга «Тоҳирга дайди ўқ тегиб ўлиб қолиши мумкин» дердим. У «Ўлмайди» дерди ишонч билан. Чунки, у ўлмаслиги керак дерди. Мана шунақа эди бу менинг янги семейкам мужоҳид. Аммо, бугун у бу фикрлари хатолигини тушунганига шубҳам йўқ. Аммо, уни бугун қаердалигини билмайман.

III қисм

2002 йил январ

2002 йил бу зонадаги маҳкумлар учун, жумладан мен учун ҳам олдинги йил каби катта синовлар йили бўлди. Декабрь ойида чиққан Амнистияга тушган маҳкумлардан озодликка чиқариш жараёни давом этди. Одатда Амнистия фармони матнига қарасангиз, у ерда доим битта гап ёзилади. «Муддати уч йилгача бўлган муддатга қамалганлар, аёллар ва болалар ҳамда ногиронлар ёппасига тушсин.

Муддати уч йилдан ортиқ бўлганлар ўша муддатни учдан бир қисмини ўтаган бўлса тушсин. Муддати етти йилдан ўн йилгача бўлса, ўша муддатнинг тўртдан бир қисми олиб ташлансин. Ундан катта муддатларга тўртдан уч қисмини ўтаган бўлса тушсин» дейилади. Буларни бари агар маҳкумлар зонадаги тартибни бузмаган бўлсаларгина тушиши алоҳида қайд қилиб қўйилади.

Шу амнистия билан ўғри–каззоблар ментларга пул бериб, озодликка чиқиш имконлари бор. Бу учун улар олдиндан ментлар билан келишиб қўйган ҳолда таёрланишади. Уларнинг делосига изолятор каби катта нарушения тушган бўлса, уни ювиш учун байрамда бошлиқдан благодарность олади. Буни олиш учун эса тўлаш керак бўлади. Мана шунақалар амнистияга тушадилар.

Аммо, диний маҳкумлар МХХнинг алоҳида назоратида туришади. Уларнинг амнистияга тушиш–тушмаслигини зона ментлари эмас, Тошкентдагилар ҳал қилишади. Шу йил диний маҳкумлардан ҳам бир қанчаси чиқиб кетди. Фармонни ижроси феврал–март ойигача бажаралиши лозим бўлади. Шу сабабли охириги этап март ойида озодликка чиқади.

Азиз Бозорович катта мажлис ўтказди. Кимни унга амнистия бўйича саволи бўлса, кабинетига кириши мумкинлигини айтди. Бир қанча маҳкумлар билан биргаликда мен ҳам уни кабинетига кирдик.

Мен унга «Началник мени икки ярим йилдан камроқ муддатим қолган. Қолаверса статям 159 ҳам эмас. Амнистияга мен тушаманми–йўқми?» деб сўрадим. У менга қараб, ва бошқа маҳкумларга қараб «Сизлар тўғри тушунинглар, сизлардан ким тушади ва ким тушмайди буни мен ҳал қилолмайман. Буни Тошкентдагилар ҳал қилади ва бизга фақат исм фамилияларни юборишади. Биз шу одамларни кейин озодликка чиқарамиз» деди.

Бу ростдан ҳам бор гап эди. Полковник ўзининг ҳам куч–қудрати чегараланганлигини тан олганди. Бизни устимиздаги хўжайинлар аслида у эмаслигини ва у бизни на қамашликка ва на озод қилишга қодирмаслигини тан олганди. Бу билан у ўзидаги масъулиятни ҳам соқит қилганди гўё. Амнистияга тушмадим. Товоқсойда ўтирган укам ҳам тушмади. Ўзи бу амнистияга тушганлар жуда камчиликни ташкил қилди. Каттароқ амнистия 2003 декабрда бўлганди. Унгача ҳали анча бор эди. Зонада ҳаёт давом этарди.

Мен ўтирган 13 отрядда ҳизбийлардан Андижонлик Ҳошимхон, Қаршилиқ Алишер Омонов, Тошкентнинг Янгиер районида Маҳмуд, Қўқонлик Акмал ва Тошкент шаҳрининг Ғунча маҳалласидан Муҳаммад Расул каби йигитлар бор эди. Булар ихтиёрий тавба қилишни таклиф қилганда ёзмаганлар эдилар. Булар ҳизбдан қайтмаганлар эди. Ғулом Маҳмуд ва уни отаси Ғулом Қодир дегани қайтганди. Андижонлик Хайруллоҳ ва яна бошқа беш-ўнтаси қайтишганди. Буларни шу қайтгани учун оқ қилишганди. Оқ қилганлар билан оқ қилинганлар гаплашишмасди.

ИАКга «Тавба хати» ёзиш масаласида ваҳҳобийлар орасида ҳам ихтилоф бор эди. Бу масалада «Тавба қилиш ҳаром, мумкинмас» дейувчилар бўлиб, улар Юсуф сурасидаги бир оятни ҳужжат қилишарди. Оят: Ва у (Юсуф а.с.) икковларидан нажот топгувчи деб билган шахсга: «Хўжанг ҳузурида мени эсга ол», деди. Шайтон унга Роббисига эслатишни унуттирди. Бас, у қамокда бир неча йил қолди. (Юсуф сураси 42 оят)

Ёзиб бўлсада чиқиб кетишлик жоиз дегувчилар ҳам шу оятни ҳужжат қилишарди. Бунга далил Юсуф а. с. икки ҳамзиндон дўстига тушларининг таъбирини айтиб бўлганларидан сўнг, улардан нажот топади, деб билган шахсга, яъни, соқийга: «Хўжанг ҳузурида мени эсга ол», дедилар. Дарҳақиқат, тушнинг таъбири тўғри чиқди. Ҳалиги йигит қамокдан озод бўлиб, яна подшоҳга соқийлик қила бошлади. Аммо Юсуфнинг (а. с.) илтимосини бажо келтирмади. Сабаби шайтон унга буни унуттирганди. Шу сабабли у қамокда бир неча йил қолиб кетганди.

Юқоридагилар Юсуф а.с. «Хўжанг ҳузурида мени эсга ол», деган гапини айтиб, хато қилганди. Шайтон унга Роббисига эслатишни унуттирди» деган жумлани эса, шайтон Юсуф а.с. га Аллоҳни эслашни ва нажотни ундан сўрашни унуттирди. Шу хатоси учун қамокда бир неча йил қолди» деб талқин қилишади.

Шу оятни тафсирида Ибн Касир раҳимахуллоҳ шуларни ёзган: «Юсуф а.с. икковларидан нажот топгувчи деб гумон қилган шахсга наригисидан алоҳида ҳолда, «Хўжанг ҳузурида мени эсга ол», деди. Бу калимадаги Робб калимасидан мурод подшоҳдир. Аммо, Шайтон унга Роббисига эслатишни унуттирди.

Шайтон Набиюллоҳни қамокдан озод бўлишини истамасди. Мана шу тўғри тафсирдир. Аммо, «Шайтон унга Роббисига эслатишни унуттирди» калимасидаги унга деганда, замири ўша қамокдан озод бўлган одамга оиддир. Шундай деб Мужоҳид ва Муҳаммад ибн Исҳоқ ва бошқалар айтишган. Ва баъзилар бу ердаги замир Юсуф а.с.га оиддир дейишган. Ибн Жарир шуни Ибн Аббос ва Икримадан ва ўша Мужоҳиддан ривоят қилган.

Бу ерда бир ҳадис келтирилган. Бизга Иброҳим ибн Язид ва Умар ибн Динордан ривоят қилиб у Икрима ва у эса Ибн Аббосдан ривоят қилиб, Ибн Вакиъ айтди, ва Умар ибн Муҳаммад айтди,

Ибн Аббос р.а. айтди, Наби САВ айтдилар: Агар ўша айтган гапини айтмаганда эди (Яъни, Юсуф а.с.) қамокда бунча узоқ қолиб кетмаган бўларди. У Аллоҳдан бошқани ҳузуридан нажот талаб қилди.

Бу ҳадис жуда заифдир. Сабаби Суфён Ибн Вакиъ заифдир. Иброҳим ибн Язид Хузий унданда заифроқдир.

(Бу матн аллома Ибн Касир тафсиридан каминанинг таржимасида)

Бу оятни шу каби икки хил тушунишлик тарихда ҳам мавжуд бўлган ва буни биз ҳам икки хил тушунганмиз. Мен иккинчи тоифадан эдим. Мен ИАКга хат ёзишда ва шу билан озод бўлишда ҳеч ҳаромлик кўрмайман. Аммо, хатни мажбурлаб ёздирганда ёзишлик умуман бошқа масаладир. Қолаверса, ўша хатларда диндан қайтиш талаб қилинмаганди. Бу хатларда ментлар ўйлаган қандайдир адашган гуруҳ ва йўллардан қайтишга тарғиб бор эди. Бу хатда битта жойини тан олмаслик мумкин. У ҳам бўлса, «ИАКни олиб бораётган сиёсатини тўла қўллаб— қувватлайман» деган сафсата ери бизга тўғри келмасди.

Ваҳҳобийликдан ва ҳизбутликдан қайтишни ёзишда карохият йўқ эди мен учун. Мен бунақа гуруҳларда ўзи олдин ҳам умуман бўлмагандим. Бинобарин ундан қайтиш муаммо эмасди. Ҳизбийларда эса ҳизбдан қайтишлиги муаммо эди. Бу масалада уларга осонроқ бўлсин деб, қасамини каффорати учун уч кун рўза туттиришганди. Бу ишлар албатта кулгилик эди. Сабаби, аввал бошдан бу ҳизбга қасам ичиб киришликнинг ўзи хато эди. Бу ҳизбдан чиқишликда эса рўза тутишга ҳожат йўқ эди. Ҳизбдан чиқиш диндан чиқишлик эмас. Дин бу ҳизб эмас. Тавба хатларда адашган фирқалар йўлидан қайтишликка даъват қилинади.

Мен зулмни оқламоқчимасман. Асло! Аммо, бунақа хатни ёзишлик ва шу билан азобдан кутулиш динда рухсат берилган иш эди. Қолаверса, уйда ота—она ва хотин бола—чақалари қараб турганлигини ҳисобга олиш керак эди. Ҳизбутлар «Тез Халифа келади ва бизни озод қилади» деган сафсаталарни айтишарди. Мен эса уларнинг халифаси келишига қалбан ва ақлан ишонмасдим. Улар билан бу масалада умуман келишолмасдим.

Уларга «Реал муаммоларни қарагин. Уйда отанг ва онанг ўтирибди. Хотининг ёлғиз яшаяпти. Болаларинг сени соғиниб йиғлаяптилар. Сен «Халифа келади» деб бу ерда ўтиришинг мутлақо керакмас. Ёз шу хатни ва чиқиб кет. Халифа келса сен озодликда пайтингда ҳам келаверади. Бу ерда ўтиришинга ҳожат йўқ» дердим. Улар мени гапларимни қабул қилмасдилар. Улар «Бир ой қолди — икки ой қолди» деб кутишарди. Улар ўзлари шунчалик ишонишарди.

Ҳатто бир марта Ҳафизуллоҳ туш кўргани ва тушида фаришта келиб, "Халифатни хайитда кутинг" деб, айтиб кетгани хабари тарқалди. Мен байрамда секторлар очилганда уни олдига бориб, шу туш ҳақида сўрадим. У менга тушини гапириб берди. Оқ отларда оқ кийинган ёш йигитлар суратида бир неча фаришта келибди. «Сенга хушхабар бўлсин, Халифатни хайитда кутавер» дейишибди. «Сизлар кимсизлар?» деб сўраган экан, «Бизлар фаришталармиз» дейишибди улар ва тезда отларини учуриб кўздан ғойиб бўлишибди. Шу нарсани айтиб Ҳафизуллоҳ кулиб қўйганди.

Мен ундан «Қайси хайитда, рамазон хайитими?» деб сўрадим. У «Буни билмайман, улар менга аниқ айтишмади» деганди. У бола шу каби нарсаларга ўзи ишонарди. У ўз сўзида самимий эди.

Мен унга ва умуман бу ҳизбутларга ҳайрон қолардим. Булар ҳамма ақидавий нарсани рационал ақл тарозусида фикрласаларда, шу туфайли аҳли суннага хилоф қилсаларда, шу Халифат тикланиши масаласида ақлни мутлақо ишлатмаганга ўхшаб туюлардилар. Рамазон ҳайити ҳизбутлар учун Халифани эълон қилинишини кутиш билан ўтди. Қурбон ҳайитида ҳам Халифатдан садо чиқмади. Ундан бери кўплаб ҳайитлар ўтди. Ҳизбутлар Халифасидан ҳамон дом дарак йўқ. Аммо, Ироқда Бағдодий дегани «Халифаман» деб эълон қилди. Уни эса на ҳизбутлар ва на бошқалар ҳалигача тан олишмади.

Мен эса турмага қамалгунимга қадар бўлган даврда бу Халифат ҳақида ўйлаб ҳам кўрмаган одам эдим. Тошкент портлашларидан сўнг оммавий қама–қамалар бошланганда Товоқсойга ҳизбутлар тўп–тўп бўлиб келишди. Шунда улар билан кўплаб суҳбатлар қилгандим. Бу Халифат ҳақидаги фикрни ўшалардан эшитганман. Кейинчалик мужоҳид гуруҳлар билан учрашиб гаплашганда улар ҳам шу нарсаларни гапиришарди. Лекин, уларда аниқ–тиниқ тушунча йўқ эди. Улар шариат аҳкомларини жорий қилиш каби, умумий гаплар билан чекланишарди халос.

Менда эса Халифат тикланишига доир аниқ–тиниқ манҳаж олдин ҳам бўлмаган ва ҳозир ҳам йўқ. Мен оддий суннатга амал қилиш ва бидъатларга қарши туриш каби масаларда мутаассиблар билан жанжаллашиб охир оқибат қамалдим. Аммо, зонадаги ментлар мени ҳам Халифатчи деб ҳисоблашар ва доим суҳбатларда «Қандай қилиб Халифат курмокчисизлар?» деган истехзоли саволларни беришарди. Мен эса уларга ўзимни ақидамни тушунтириб ўтирмасдим. Бунга ҳолат ҳам йўқ эди. Қолаверса Ислоҳ аҳкомларини амалда жорий қилишлик умуман олганда шаръий мақсад эди. Бунини мен инкор қилмайман. Масала фақат шуни қандай амалга оширишда эди. Уммат ихтилофи ҳам асосан ана шундадир.

Мен эса бу масалани кун тартибига чиқишига ҳали кўп қовун пишиғи бор деб ўйлардим. Бу одамларни ҳали имону–исломга даъват қилиш ва улар исломни тўлиқ тушунганича кўп ишлар қилиш керак деб ўйлардим. Ҳали ҳам шу фикрдаман. Аммо, масалани ҳозир кун тартибига келтирган жамоалар, бунга на ўзлари ва на қавмини тайёр эмаслигини ҳаётда кўришди. Улар имконият ва куч қудрати жуда кам бўлгани ҳолда, жуда катта нарсани мақсад қилиб қўйишганди. Афсус, уларнинг кўплари бу йўлда қурбон бўлиб кетишди. Кўпчилиги эса хануз турмаларда қолмоқдалар. Ота–оналар фарзанд доғида қолишди. Аёллар эрсиз ва болалар отасиз қолдилар. Бу ишлар хато эди. Аввал ҳам бунини хато деб билганман ва бугун ҳам шуни айтаман. Валлоҳу аълам!

2002 йил феврал

46 зонанинг ёнида Цемент заводи бўлиб, уни трубалари зонадан кўриниб турарди. Бу заводда бир пайтлар шу зонадаги маҳкумлар ишлаган экан. Шу сабабли бу зонани «цемзавод» деб ҳам айтиларди. Гарчи энди маҳкумлар у ерга бориб ишламасаларда зонани номи шунақа эди. Бу зона ўзбек зоналари ичида ўз даҳшати билан машҳур бўлганди. Чунки, казо–казолар шу зонада ўлдирилганди. Шу зонадаги гадлар ҳам собиқ машҳур ўғри каззоблар эдилар.

Мустақилликдан кейин ўғри оламига қарши уруш бошлаган ИАК уни қуритиб битирганди. Бирорта қора зона қолмаганди.

ИАК уруш очган иккинчи қатлам – турли хил зиёлилар синфи ва мухолиф фикрлилар эди. Буларни ҳам шўрини қуритгани маълум. Аммо, ИАКдан кўп жабр кўрганлар диндорлар қатлами эди. Бу қатламнинг барча тури уни ғазабига учради. Лекин, расмий имомлар бундан мустасно албатта. Обидхон Асқаров СССР даврида қамалган маҳкум эди. У 1990 йиллар алғов далғовида ўзи яшайдиган Наманган Вилоят Чортоқ районидаги кўзга кўринган Лидерлардан бири бўлган эди.

Қўқонда Қаҳрамон Ҳамидов ва бошқа ерларда шуларга ўхшаган шахслар бўлган. Асқаров ўзи адабиёт ўқитувчиси бўлган ва диний саводи йўқ одам эди. У қуръонни унча–мунча ўқирди. Бошқа саводи йўқ эди. Лекин, ўша пайтларда энг саводли одам бўлиш учун шунинг ўзи етарли эди. У ўша пайтларда динийликдан кўра миллатчиликка мойилроқ бўлган. Ўша замон зиёлиларига теккан касал эди бу.

Асқаров Ленинни ҳайкалини йиқитган ва уни сурати бор деб ўн сўмликларни тўплаб ёққан одам эди. Ўша пайтда ўша пуллар амалда юриб турган пайтда уни ёқишлик аҳмоқликдан бошқа нарса эмасди. Аммо, бу уни қандайдир диний савоб амал деб қилганди. У кўп йиллар турли зоналарда дайдиб юрди. Оиласи отасиз қолди. Турли нохушликлар бўлди. Охир–оқибат унинг муддати шу Навоийда тугади.

Уни бу сафар раскрутка қилишмади. 12 йил ўтирганда унга уйига боришга имкон беришди. Уни чиқишидан олдин бизни йиғиб мажлис қилишди. Аввал одатдагидек Рустам Банк сўзга чиқди. У «Обидхон Асқаров катта хато қилганди. У Халифат кураман деб уринди, аммо ҳеч нарса қилолмади. У хатосини тушунди ва Ислон Абдуғаниевич Каримов номига кечирим хати ёзди. Мана уни юртбоши кечирди. У чиқиб кетаяпди» деди.

Уни ўзига сўз беришганда хатолар қилганлигини тан олди. Энди тушунганлигини ва бошқаларни ҳам ундан ибрат олишини ва уни хатосини такрорламаслигини айтди. Албатта ИАКга ва Бошлиққа миннатдорчилик билдирди. Уни озодликка чиқишидан ҳам тарбия бўлими бизни тарбиялаш учун фойдаланиб қолди. У Амнистияга тушмасада ўзини охириги олган муддатини тугатиб кетди.

Зонада бир гуруҳ тожиклар бор эди. Булар Сурхондарёнинг Сариосиё ва Узун районлари тоғли қишлоқларидан бўлиб, баъзилари ўзбек тилини билмасди. 1999 йилда буларни етмиштacha одамни ушлаб бошига қоп кийдириб тоғдан олиб тушиб, қамашган экан. Сабаби буларни қишлоқдан кўчирмоқчи бўлганда булар «Кўчмаймиз» дейишибди. Булар тоғни тепасида азалдан яшаб келган халқ экан.

1999 йилда Тоҳир Йўлдошни гуруҳи Қирғизистоннинг Боткенига хужум қилганди. Ўш пайтда тоғли қишлоқларга уларнинг одамлари борганлигини телевизордан кўрсатишганди. Бу воқеадан сўнг кўрқоқ ИАК шунақа чегара ҳудудлардаги тоғли қишлоқларни пастга кўчиришга буйруқ берган.

Бу кишлоқларда назорат ўрнатиш анча мушкул бўлгани учун улар анча эркин яшашар ва тоғлар оша келган мужоҳидларни меҳмон қилишарди. Буларнинг кишлоқлари террористлар учун базага айланмасин деб ИАК уларни кўчирмоқчи бўлган. Кўчишга рози бўлмаганларни эса, вертолётларда ОМОН келиб, ушлаган эркакни бошига қоп кийдириб, қўлини орқасига кишанлаб, вертолетга солиб Термизга олиб бориб, МХХ подвалига ташлаган. Аёллар ва болаларни эса пастга тушириб, чўлда палаткаларда яшашга мажбурлашган. Улар ҳукумат уй қуришда ёрдам бермаганлигини озодликка айтишганини ўзим ҳам Товоқсойда эшитгандим.

Хуллас, ўша кишлоқлардан ушланган тожиклар на ўқиш ёзишни ва на ўзбекча гаплашишни билмасди. Улар намоз ҳам ўқимасдилар. Лекин ҳаммасини 159 билан қамаганди. Булар зонада ўзбекча гаплашишни ўрганишди. Улар намоз ўқиганни калтаклаганда калтак ейишмади. Сабаби намоз ўқишмасди. Битта–иккитаси намозни шу ерда ўрганди. Булар ҳизбий ва ваҳҳобий деган гуруҳларга алоқаси йўқ одамлар эди. Булар чўпонликни ва тоғдаги деҳқончиликни билишарди халос. Буларга катта муддатлар беришган экан. Тавба қилсада ИАК уларни кечирмаётганди.

Буларни ичида биттаси фолбинлик қиларди. У киши Ҳажга ҳам борган экан. Ўшани булар мулло дейишарди. Бу мулло ўзбекча биларди. Шулардан тўрттаси бизни отрядда эди. Биттаси шу мулло эди. Мулло баракда фақат мен билан гаплашарди. У ҳизбутларни умуман ёмон кўрарди. Булар кимлар ўзи? деб ҳайрон бўлиб мендан сўрарди. Ҳизбутлар уни бир икки марта даъват қилмоқчи бўлиб уринишгану, кейин индамай қўйишганди. Бу одам ҳизбут бўлмасада уни оқ қилишганди. Бир куни у касал бўлибди. Мен бир кўриб ҳол ахвол сўрасам, менга ҳизбутлардан шикоят қила бошлади. «Булар нега мени касал бўлсам ҳол сўрамайди? Қани мусулмончилик?» дерди.

Мен унга «Эшмурод ака булар ёш, сизни ҳали танишмайди» деб кўярдим. Бу киши кўринишидан каттага ўхшасада, ҳали унчалик қари эмасди. «Бу одамни касал экан нега ҳол сўрамайсизлар?» деб ҳизблардан сўрасам, «Уни оқ қилганмиз» дейишди. «Уни нега оқ қиласан, у ҳизбий бўлмаса?» десам, улар «Ким бизга қарши бўлса ҳам шундай қиламиз» дейишганди. «Мен қаршиманку, нега оқ қилмадинглар» десам, «Ҳа энди сиз бошқасиз» дейишди.

Лекин, ҳизбутлар мени энди шу ерда – Швецияда оқ қилишганга ўхшайди. Мен билан умуман алоқа қилишмайди. Қиёматгача қилмасалар ҳам майли. Зонадагилар билан муомаламиз яхши эди. Ҳеч қачон ҳизбни фикрига қўшилмаганман. Қўшила олмаганман. Доим орамизда ихтилоф бўлган. Лекин, салом–аликлар сақланиб қолганди. Буларнинг оқ қилинганлари биз билан гаплашарди. (қоралари ҳам) Ўша оқлардан кимдир тавба қилиб, қорайса, у ҳам бошқа оқлар билан гаплашмасди.

Зонада бомдодни ўқиш катта муаммо бўлиб қолди, бомдодни ўқиганларни калтаклашга яна рухсат берилди. Эрталаб каравотда намоз ўқиётганимизда гадлар кириб иккинчи қаватдаги каравотдан тепиб туширишганди. Баракда тўрт–бешта ҳизбий ва икки–учта ваҳҳобийгина бомдодга турарди. Ушланганларни олиб кетиб изоляторга қамашарди.

Бу вазиятга чора топиш учун диндор маҳкумлар ўзаро маслаҳатлашиб, очлик эълон қиламиз деган қарорга келишди. Бу очлик эълон қилиш намозни ўқишга рухсат талаб қилиб қилинганди. Очлик бошлаганимиз ҳақида бошлиққа мактуб ёзиб ташлаб, ошхонага борганда олдимиздаги пайка нонни емасдан қолдириб келардик.

Нонуштага борганимизда бизни отряддан икки–уч столда овқатлар қолиб кетди. Аслида қоринлар оч бўлсада, шу нонни емасликка уринардик. Ментлар хабар топгач, тезда чора қўллашга ўтишди. Эрталабдан кечгача, бутун зонани стадионга олиб чиқиб шагат қилдира бошлашди. Ўғри–каззоблар биз учун шагат қилаётганига ғазабланишарди. Улар бизга сизлар туфайли шундай бўлаяпди дейишарди. Итдек чарчаб, яна обедга бориб овқатланмасдан қайтиш азоб эди. Шундай қилардик. Тушдан кейин яна шагат қилдиради. Ужингача шагат қилиб яна кечки овқатни емасдан қайтардик.

Зона уч кун очлик ушлади холос. Бу уч кунда адои тамом бўлдик. Бизга қараб ўғрилар ўшқира бошлашди. Улар ҳам адои тамом бўлишганди. Бу ментларни хийласи эди. Улар биз туфайли ўғриларни ҳам шагат қилдирса, орамизда жанжал чиқишини билишарди. Билиб туриб шундай қилишганди. Санакул бизни уч кун шагат қилдирди. Аммо, охир–оқибат бу очарчиликда биз ғалаба қозондик. Учинчи куни Азиз Бозорович чақириб, «Ҳамманг овқатингни ейсанлар. Қолган кунлардаги нонларингни ҳам олиб ейсизлар, намоз ўқишга кунунда запрет йўқ ва биз ҳам запрет қўймаганмиз» деди.

Бу худди «Ўқийверинглар» деган маънода айтилган гап эди. Намоз ўқишга бошлиқ монёлик йўқ деди. Кейинроқ тиржайиб ошхонадан овқатланиб чиқаётганимизда Санакул бизга қараб, «Сизлар ўйламанглар ютдик деб, намоз ўқишинг мумкин, аммо, подёмдан олдин турганлигинг режимни бузишлик ҳисобланади. Шу учун жазоланасан» деганди.

Зонада икки марта шундай голодовка бўлганди. Иккинчисида бир кундан сўнг очганмиз. Бу голодовкалар маҳкумларнинг ментлар билан ўзаро кураш услубларидан бири бўлиб, бу асосан қора зоналарда қўлланилган. Диний маҳкумлар ичида қора зонани кўрган мен эдим. Ментлар бу ишни ташкилотчиси мен деб ўйлашарди. Аслида буни мен эмас, Ҳизбутлар ташкил қилишганди. Бу ишни бошқалар қўллаб–қувватлаган эдик.

Мени эрталабки намозни ўқиганим учун эрталаб отрядга келган тезкор бўлим ходими татар оперативник мент ушлаган ва ТСБга «Буни изоляторга олиб бор» деб топширганди. Шунда мендан ташқари бир қанча маҳкумлар изоляторга тушдик. Изоляторда бизга ўн беш суткадан сўра беришганди. Мени алоҳида хонага қамаганди. Айниқса тунлари совуқда қаттиқ оччиққанимиз билиниб қийналардик.

Шу ерда ётганимда бир қизиқ воқеа бўлганди. Бу воқеа ҳали эсимдан чикмайди. Изолятордаги дубахлар маҳкумларга ёмон муомала қилиб ўрганиб қолишган эди. Улар изоляторда эрталабки ва кечкурунги текширувларда диний маҳкумларни калтаклашарди. Баъзида йўқ ердан айб топиб, кейин калтаклашарди. Бу нарсага ўрганиб қолгандик. Мени бир кун олдин сув сўраб эшикни тепганимда келиб калтаклаган дубах эртасига кечкурунги сменага тушди. Улар бир кун кундузи ва бир кун кечаси келишарди.

Ўша касофат яна келганида, мен энди эшикни тепиб, сув сўрамай ўтирдим. Сабаби кечаги калтак еганим ҳали эсимдан чиқмаганди. Соат олтида кечки овқат тарқатилади. Бу овқат суюқ ярим чўмич каша бўлиб, нон пайкамиз ҳам камайтирилган бўлади.

Жиноят ижроия Кодексида эса маҳкумларни овқати ҳақида шундай дейилади.

85-модда. Маҳкумларнинг овқати Озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахсларга киши организмнинг нормал ҳаётини таъминлайдиган овқат берилади. Овқат нормаси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан маҳкумларнинг соғлиғи ҳолатига, уларнинг ёши, бажараётган ишининг хусусияти ва оғирлигига қараб белгиланади.

Бу моддадаги “киши организмнинг нормал ҳаётини таъминлайдиган овқат берилади” деган гаплари зонада умуман амал қилинмасди. Зонада очлик ва фақат очлик ҳукмрон эди. Изоляторда янада кам овқат бўлгани учун баттар очлик бўларди.

Мен шу кечаси қаттиқ оч бўлдим. Соат кечки ўнларга яқинлашганда, совуқ тор бетон орасида қалтираб ўтириб, Аллоҳга мурожаат қилдим: «Эй Роббим, Сен қудратли Зотсан. Мен бунга ишонаман. Мен сендан кўп нарса сўраётганим йўқ. Мен ожиз банданг бир парча нон сўраяпман холос.

Мени кечир Сени қудратингга шубҳа қилаётган бўлсам, мени шубҳам йўқ. Менга кўрсат қудратингни. Мен очман, шу нонни ейишни истайман» дердим. Бу мурожаат хаёлан айтиларди. Мен яна ўзимга келиб. Бу гапларим учун тавба қилардим. Чунки, бу изолятордаги камерага кечаси соат ўнда бировга нон кириши эҳтимолдан жуда узоқ эди. Ақл буни рад қиларди. Баландёрлар кетиб қолишганди. Ментлар ўтиришсада, улар ҳали бировга нон беришмаган. Қолаверса, диний маҳкумларга беришмайди.

Бугунги навбатчиликдаги мент эса ундан кеча сув сўраганимга калтаклаганди мени. Мен ундан ҳеч нарса сўрамаётгандим. Мен Аллоҳдан сўрардим. Мен беихтиёр сўрардим. Менга ўшанда нон келмаса ҳам Аллоҳни қудратли зот эканига заррача имоним камаймасди. Мен фақат мўъжиза кўрсатишни истардим. Бу истагим аслида тўғримас эди. Бунақа қилиб Аллоҳга шарт қўйиб тилак тиланмасди. Мени туйғуларим аралаш–қуралаш бўлиб кетганди. Мен очлик азобига чиқай олмасдан шунақа ўй–хаёлларга берилардим. Шайтон васваса қиларди.

Шу пайт дубахни бетон йўлакда қадам товуши эшитилди. У "приготовитес к отбою" деб бакира бошлади. Мен ўрнимдан турдим. Девордаги тахтани мент ташқаридан туриб тушириб берарди. Шу тахта устига чиқиб ухлардик. Бу тахта тўшак ва ёстиқ ўрнида эди. Дубахни тарақ–туруқ оёқ товуши мени хонам олдида тинди. Мен уни рўбарўмдаги одамга ухлайдиган тахтани тушириб бермоқчидир деб ўйладим.

Шу пайт шарақлаб хонамдаги темир эшикнинг кичик дарчаси очилди. «Ма», деди мент. Мен қарасам дарчадан ичкарига кирган қўлда нон пайкаси турарди. Ҳе йўқ – бе йўқ, ўз–ўзидан, кечаги мени калтаклаган мент менга нон олиб келиб берганди. Мен шартта нонни олдим. У дарчани тарақлатиб ёпиб продолдан юриб кетди.

Мен хайрону–лол эдим. Нима бўлганига озроқ ақлим етмай турганди. Мен ҳалигина Роббимга илтижо қилиб, нон сўраётгандим. «Айни дамда буни сўрашлигим хато» деб ўз–ўзимни сўқаётгандим. Рабб Таъоло эса, менга ўз қудратини кўрсатганди. Роббимга қасамки мен қудратига асло шак–шубҳа қилмасдим. Менга Танграм бир каромат кўрсатганди. Мен қайтиб ўтирдим ва қўлимдаги нонга қараб ўйланардим. Қорним нонни кўриб, исини хис қилиб, гўлдираб овоз чиқара бошлади. Қорин оч эди. «Бисмиллоҳ» деб секин нонни оғзимга олиб бордим ва кавшай бошладим. Бу нон бизга бериладиган ярим пайкадан икки баробар катта эди.

Мен ўзида йўқ хурсанд эдим. Мен дунёда бошқа қанча хурсандчиликлар борлигини биламан. Аммо, оч одамни кутилмаганда нон топгани хурсандлигини бошқа хурсандликлардан устунроқ санардим. Менга бугун кимдир ош пишириб, меҳмон қилса ҳам, шу нонни топганчалик хурсанд бўлмаслигим аниқдир. Мен ўша нон каби ширин нонни аввал ҳам, кейин ҳам емаганман. Менга ўша очлик забтига олган совуқ кеча ва шу нон унутилмас тарихий воқеъа бўлиб қолганди. Кейинчалик мен бу воқеъани қаламга олиб, шеърый тасвирлагандим.

Бир парча нон

Навоий шаҳрига яқин бир жойда,
Саҳрода бор экан, улкан цемзавод.
Шуни яқинида бор қамокхона,
Ён атрофи чўлдир, бошқа нарса йўқ.

Зулмда бу лагер, дунёга машҳур,
Гарчи турмалар кўп, Ўзбекистонда.
Мен ҳам ўша жойда жазо ўтадим,
Мустақиллик деган “бахтли” замонда.

Гапни чўзишга ҳам, асли ҳожат йўқ,
У давр таърифи, сиғмас китобга,
Мен сизга ҳикоя қилмокчи эдим,
Бир воқеъа эсга тушди, шу тобда.

Намоз ўқиганни уриш жазолаш,
Ҳибсга тикишлик эди, оддий ҳол.
Бир кун мени, намоз ўқиган учун,
Ҳибсга тикдилар, жазолаб дарҳол!

Ҳибсхона деган жойи, Лагерни,
Ичидаги, махсус зулм ўчоғи.
Бу ердаги зулм, чандон оғирроқ,
Унутилмас ҳануз, алами–доғи.

Кичкина тор хона, ҳаммаёқ бетон,
Бурчакда бир пақир, эҳтиёж учун.
Яхшилаб калтаклаб, тикар шу ерга,
Эшик ҳам бекилар, эҳтиёт учун.

Совукда очпикдан қалтираб қақшаб,
Ўтирасан ўн кун, ёки ўн беш кун.
Шукрим, бу уқубатлар, азоблар,
Чекар эдик, намоз ўқиган учун!

Бир совук кечада ётардим титраб,
Хаёлимдан кетмас эди, сира нон.
Оғзимга тош солиб, сўрардим доим,
Очлик ҳам забтига олганди, ёмон.

Очликку, доимо ойлару–йиллар,
Бизни қийнайдиган ҳамроҳимиздир.
Билмадим, шу кеча қийналдим қаттиқ,
Аллоҳ бу ишларга, гувоҳимиздир!

Беихтиёр, кўнгил айларди нола,
Ё Раббим, йўқ менда очликка тоқат.
Ўзинг биласанку, ожизлигимни,
Сендан тилагим шу, парча нон фақат!

Ўзинг Қодирсанку, Қудратли Аллоҳ,
Менга нон етказиш, Сен учун осон!
Лекин, ақл айтарди менга шу пайт:,
«Бунинг иложи йўқ, мутлақо нодон!..»

Мени бу истагим, аслида асло,
Туюларди мумкин эмасдек менга.
Лекин, дилим Ҳақдан, узмасди умид,
Тиларди, эй Аллоҳ, осон деб, Сенга.

Бир пайт эшитилди, оёқ товуши,
Тош йўлакдан соқчи, келарди юриб.
Товуш келиб тинди, менинг хонамга,
Бақира бошлади эшикни уриб.

Бақирарди, “ётиш вақти бўлди” деб,
Очди менинг эшигимни дарчасин.
Мулойимлик билан деди – “ма, ушла!”,
Узатарди менга, бир нон парчасин!

Нонни бериб яна, кетди йўлига,
Тарақлатиб ёпиб, темир дарчани.
Мен турардим бўлиб, хайрон лол,
Хайрат билан ушлаб, бу нон парчани.

Кимгадир туюлар балки, оддий ҳол,
Буни англамасдир, кўрмаган одам.
Лекин, у ҳолатда эй, биродарлар,
Бундай нарса мумкин эмас эди, ҳам!

Йиғлаб яратганга шукрлар айтдим,
Аста едим нонни, “бисмиллоҳ” дея.
Хатто ярмин емай, тўйиб ҳам қолдим,
Пичирлардим “Қодирсан Аллоҳ,” дея!

Лекин, шу нон каби, ширин лаззатли,
Туюлмаган менга, бошқа таомлар.
Мен ҳануз туяман, унинг таъмини,
Ундай ширин эмас, кейинги нонлар!

Нега айнан шу кун, бошқаларгамас,
Менга олиб келди, бу соқчи нонни?!
Бир кун олдин, ўзи калтаклаганди,
Хайвонни ўрнинда кўрмас, инсонни!

Мен Ҳақ Қудратига қойиллар қолиб,
Ақлим бовар қилмас, шукр айтардим.
Нонни нега менга, олиб келганин,
Соқчи билмаса ҳам, мен хўп билардим.

Қудратли зотлигин яна бир марта,
Роббим қилган эди, менга намоён!
Аллоҳнинг Қудратин, чексизлигига,
Мен яна бир марта, келтирдим иймон!

Бу воқеъани мен, шеър қилиб ёздим,
Балки ибрат бўлар, бир мусулмонга?!
Аллоҳнинг Қудратин эслашлик билан,
Шояд қувват бўлса, бир оз иймонга?!

2002 йил март

Мен март ойини бошида изолятордан чиқдим. Шу йил 16 мартда қурбон хайити бўлди. Ҳизбутлар кутган Халифаси келмади. Аммо, бу кунги байрам 21 мартга – Наврўзга яқинлиги учун «Байрам ошини Наврўзда ейсизлар» дейишди. Лекин, бу байрамда ҳам одатдагидек, секторлар очилиб, маҳкумларни летний эстрадага (ёзги клубга) олиб бориб концерт қўйиб беришди.

Қурбон хайитини стадионда ўқишга рухсат беришди. Намозни ўқишни эса, ментлар бошқа бир модда билан қамалган шу маҳаллий бир кишига таклиф қилишди. У одамни бошлиқ танир экан. У мулла бўлса керак билмадим, лекин, 159мас эди. У ёши катта одам эди. Уни орқасида барча зонадаги намозхонлар ва ўғри–каззоблардан ҳам бир гуруҳи чиқиб намозга турдик. Ерга кийимларимизни ташлаб ўқидик.

Бу зонадаги биринчи ва охирги хайит намози бўлди. Кейинги хайитларда секторлар алоҳида бўлиб ўқишганди. Ўша пайтда бир марта стадионда ҳамма намоз ўқишига рухсат берилди. Мен Товоқсойда пайтим кўп марталаб намозларни мана шундай стадионда ўқиганман. Бу ерда эса бундай бўлиши етти ухлаб тушимга кирмаганди. Мен буни бизга Аллоҳни нусрати ва марҳамати деб тушундим. Зонада кимга посилка келган бўлса, катта микрофондан ўқиб эшиттиришарди. Мен изолятордалигимда мени ҳам чақиришганди. Микрофондан ўз фамилиямни эшитгандим.

Изолятордан чиққач, штабда Санақул билан учраштиришди. Ундан «Менга посилка келган бўлиши керак, изоляторда эшитгандим» десам, «Ёзги клуб»дан (летний эстрада деб аталарди) бориб оласан» деди. Штабдан ўша ерга кетдим. У ерда тезкор бўлим вакили бўлиб, у диний маҳкумларга келган посилкаларни улар олиб кетишмаса, сақлаб қўяр экан. Мен изолятордалигим учун уни штабдан эмас, бу ердан олаётгандим.

Менга кичкина бандерол келган экан. Ичида дафтар ручка ва бир кило пряник бор эди. Кичкина баклашкага солинган сгушенный молоко бор эди. Менга қутини очиб, бу нарсаларни текшириб, кейин берди. Молокони елим қутичага солинганлиги учун уни ичига бир чўп суқиб, айлантириб текширган бўлди. Зубной пасталарни ичини очиб, сиқиб чиқариб кўрарди. Ментлар худди бизни уйимиздагилар шуларни ичига солиб сирли бир хат хабар юборади деб ўйлашса керакда. Бунчалик аҳмоқона текширувга аслида умуман ҳожат йўқ эди.

Отрядга боргунча чидамасдан, пряниклардан ея бошладим. Баклашкадаги молокодан ичиб, пряник едим. Мен нафси ёмон одам эдим. Шу битта еб тўхтатаман деб битта едим. Кейин яна битта едим. Йўлда юриб бораяпману йўл ҳам мени «бахтим»га узайгандек эди. Нафсим чидолмасдан яна едим. Молокодан ичиб роса иштаҳам очилганди. Ваҳоланки, ёзилмаган қоидага кўра, менга келган нарсани семейкадагилар билан тенг бўлиб ейишим керак эди. Бу қоидани биров айтмаган бўлсада ўз–ўзидан тушунарли эди.

Учрашувга кирган одам у ерда еганича ейди. Аммо, чикқач у нарсаларни фақат ўзи емайди. Бу одамгарчиликкаям, дингаям тўғри келмайдиган ишдир. Мен ўша пайтда изолятордан чиқиб қўлимга олган пряникдан уч–тўртта едим. Бу менинг хиёнатим эди. Ўша очлик хукмрон муҳитда мен сабр–тоқат билан туrolмагандим. Мен шерикларсиз ўзим егандим. Бу эса хато эди. Баракка боргач, яна улар билан бирга еганман. «Менга берманглар, мен йўлда едим» десам ҳам. Улар тенг тақсимлашган ва мен яна еганман. Шу ишимни ўша пайтда қилган хатоларимдан бири сифатида ҳануз афсус билан эслайман.

Бу зона «об–ҳаво»сига тушунолмасдик. Бир қарасанг вазият сал юмшагандек бўларди, бир қарасанг калтаклаш бошланарди. Аниқ–тиниқ бир сиёсат юргизилмасди. Бу нафақат зонанинг бошлиғи даражасида, ИАКни даражасидаги довдираш ҳолатининг акси эди бу.

Қизил Хоч зонага яна келганида сектор олдиға махсус қўйилган маҳкумлар, уларға қараб «Кетинглар, бизни текширманглар. Биз сизларнинг ёрдамингизға муҳтож эмасмиз. Биз жуда яхши яшаяпмиз» деб, уч–тўрт аёлни сектордан қувиб чиқаришган, уларға қараб тош отган деб ҳам эшитдим. Мен кўрмагандим.

Шу воқеъдан кейин. Қизил Хоч зонани тарк этган эди. Кейинчалик шу маҳкумларни изоляторға қамаб, жазолаган бўлишди. Аслида буларға штабдан айтмаса, улар ўзича бир иш қилмасдилар. Лекин, бу воқеъа Тошкентға етиб бориб, бу масалада юқоридан булар гап эшитганми, билмадим. Гўёки, уларни айби йўқдек, буни ўша маҳкумлар ўзларича қилган қилиб кўрсатишган ва шунинг учун уларни изоляторға қамашганди.

Бу воқеъадан кейин анчагача «Қизил Хоч»чилар кўринмай кетишди. Аммо, уларни бошқа зоналарға бораётгани хабарини эшитиб турардик. Бу зонага янги келган Муҳаммад Ражаб домлани қайсидир секторға тушганлигини эшитгандим. Бўйи пастгина озғинроқ бу домлани мен 1992 йилда Қўқонда у имом пайтидан танирдим. Ўша масжидға боргандим. Бу кишини кейин Пайариқдаги имоми Бухорийни қабрини зиёрат қилишға борганимизда ҳам учратгандим. Бу киши водийдаги машхур имомлардан бири эди. У кишини изоляторға қамашган экан, хайитда кўришолмадим.

Уни зонаға келганида карантинда пайтида хабар тарқалганди. Карантинни зовхози Витя уни калтаклаб, ташқарида баракни олдидаги тош йўлакни совуқ сувда латта билан ювдирганди. Биз узоқдан кўргандик. Шубҳасиз у кишиға кўп зулмлар бўлган ва бўлаётганди. Бу зонаға келган бўлса барибир учрашармиз деб юрардим. Аммо, у билан ҳали учрашмагандим.

Қурбон хайити ҳам шу ойда бўлди. Ҳизбийлар кутаётган Халифаси келмади. Бизни отрядда Андижоннинг районидан Фахриддин деган ҳизбий бор эди. У оқ қилинганлардан бўлиб, гаплашадиган одами мен эдим. Ўзиям менга яқин ерда тепада ётарди. Ёнида яна бир Абдурахим деган Андижонлик ҳизбий бор эди. Иккаласиям ёши мenden уч–тўрт ёш катта эди. Фахриддин ўзини оқ қилинганини нотўғри деб ҳисобларди.

У менга «Ҳафизуллоҳға айтинг, мени бу ердаги ҳизблар нотўғри оқ қилишган» дерди. Мен олдинги хайит байрамда Ҳафизуллоҳға бориб, шу одами дардини билдиргандим. Уни тавба қилгани учун эмас, бошқа нимагадир оқ қилишган экан.

Хуллас, уни козёлликда айблашарди. У эса ўзини айбсизлигини уқтирарди. Мен илтимос қилганим билан Ҳафизуллоҳ уни қорайтирмади. Аксинча, у менга «Бу ишларни ўша ердаги масъуллар ҳал қилади» дегандек жавоб берганди. Аслида реал ҳизбутларни уни ўзи бошқарарди. Буни билдирмасликка тиришарди. Ўзиниям ўзгаларниям қийнар эди бу йигит.

Фаҳриддин акани шу хайитда қорайтиришибди. Унга «хушхабарни» олиб келишганда отряддаги барча ҳизбутлар уни бирма–бир қучоқлашиб, табриклаганди. Аммо, у энди ўша ёнида ётадиган Абдурахим ака билан гаплашмай қўйди. Куни–кеча бирга ётиб турадиган ва бирга чой ичадиган одамлар энди бир ерда ётсаларда, саломлашмасдилар.

Мен Фаҳриддин акадан «Нега сизни мен илтимос қилиб борганда қора қилишмади. Энди қорайтиришди» деб сўрадим. У эса «Улар текширишган, мени айбсизлигимни тушунишган» деб жавоб қилди. Мен ундан «Нега сиз Абдурахим ака билан салом–алик қилмаяпсиз?» деб сўраганимда, кулиб «Мен шуни сўрашингизни билардим. Мен энди бу қўйилган тартибни бузолмайман. Мени ўзи энди авф этишди. Агар бу тартибни бузсам яна оқ қилишади» деди. Бу одам ихтиёрий тавба хати ёздириш пайтида штабга чақирганида ёзган экану, лекин, баракка келиб «Ёзмадим» деган экан. Буни аниқлагач, уни оқ қилишган экан. Лекин, энди нимага қорайтиришди тушунмасдим.

У ҳалиям қайтганлар рўйхатида турарди. У киши олтита боласи ва хотини бўлишига қарамасдан бирор марта узоқ муддатли учрашувга кирмаганди. Сабаби, уни хотини билан ЗАГСдан ўтган гувоҳномаси йўқ экан. Хотини келганида ментлар икки соатлик учрашув беришарди ва узоқ муддатлига киргизишмасди. Шу каби оддий қонуний тартиблар ҳам катта тўсиқлар ва муаммолар пайдо қилганди.

Уни хотини Мардоновга учраганида, унга Навоий ЗАГСига бориб, бир киши олиб келиб, шу ерда эри билан никоҳланса, кейин узоқ муддатли учрашув беришини айтибди. Бу одамни хотини шу ЗАГСдан кимнидир гаплашиб олиб келиб, шу ерда эрига қонуний никоҳланганди. Бу воқеъадан кейин Фаҳриддин ҳизбий узоқ муддатли учрашувга кирганди. Бу киши билан икки йил чамаси бирга ўтирдим. Уни келган пайтини ва оқ пайтини ва қора пайтини ва бошқа ҳолатларини яхши билардим.

Озодликда ҳизбни катта масъулларидан бўлган бу одамда диний саводи йўқ эди. Аммо, уни ҳизбий саводи катта эди. У Халифаси келишига ишонадиган кимсалардан бири эди. Бир куни у менга шундай деганди: «Агар Халифа келса Абдували қорини қатл қилади. Сабаби, у умматни адаштириб ихтилофга туширмаслиги учун шундай қилинади.

Чунки, у ҳизбни тан олмасликни айтиб, умматни ҳизбга киришдан тўсган одамдир. Бундайлар Халифа келса қатл қилинади» деганди. Мен унга қараб, «Сизларни Халифани ИАКдан нима фарқи бор? Буям қатл қилаяпти. Халифаям қатл қиладиган бўлса, унда уни келмагани яхшику. Чунки, ИАК ўзи номидан қатл қилаяпти. Халифа келса дин номидан қатл қилади. Унисидан буниси афзалроқ, албатта» дедим.

Мен ўша пайтларда ҳизбутларга кўп марта «Агар сизларни Халифа келса, мен уни тан олмайман» деб айтганман. Бугун ҳам шу сўзимда турибман. Фаҳриддинга ҳам айтганимда, у менга «Сизни ҳам Халифа келса қатл қилади» деганди.

Мен унга «Мусулмонларни қатл қиладиган Халифаларингни келганидан кўра келмагани яхшироқ эканку унда» дедим. Хуллас, у билан кўп нарсаларни гаплашардик, тортишардик ва лекин, мен у билан оқлигидаям ва қоралигидаям салом—аликни тарк этмаганман. У ҳам кейинчалик 2002 декабр ойидаги амнистия билан озодликка чиққан эди.

Ҳизбутлар ичида Андижонлик Ҳошим ҳикматлироқ бола эди. У «Халифа келса сизни қатл қилмайди, Фахриддин ака нотўғри айтган» деганди. Буларни одати шуки, шахсларни айби учун Ҳизб жавобгар эмас дейишарди. Акмал Қўқоний ҳам мен билан анча очилишиб гаплашарди. У Жасликдан келган бўлиб, Қорақалпоқ гимнини ёддан биларди. Жасликда ўзбекча ва қорақалпоқча иккита мадҳияни куйлатишаркан. Дубахлар қорақалпоқ бўлгани учун, Жаслик ўша ерда жойлашгани учун улар «Ўзимизни мадҳияни ҳам ўргатайлик» деб ўйлашган бўлса керак. Нима бўлгандаям иккита мадҳия куйланиши бу тушунарсиз нарсаси эди. Аслида бу мадҳияларни иккаласиниям кераги йўқ эди.

Акмал Жасликқа борганида қандай кутиб олишганини айтиб берарди. Уларни кутиб олишган тарихини ўзи тарихда қон билан ёзиладиган фактлардир.

Ўзбекистон Жазони ижро этиш кодексида маҳкумларни кутиб олиш тартиби ҳақида шундай дейилган:

56–модда. Маҳкумларни жазони ижро этиш муассасаларига қабул қилиш тартиби

Маҳкумларни жазони ижро этиш муассасаларига қабул қилиш муассаса маъмурияти томонидан Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги белгилаган тартибда амалга оширилади. Муассасага етиб келганларидан сўнг маҳкумларга жазони ўташ тартиби ва шартлари тўғрисида керакли ахборот берилади, шунингдек уларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари тушунтирилади. Мана шу қонундаги шунингдек уларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари тушунтирилади.

Акмалнинг ва ундан бошқа маҳбусларнинг айтишларича, у ерга борганларни вороногдан тушганидан икки коридор бўлиб турган ментлар орасида ўтказар экан. Улар қўлларида дубинка ва баъзилари темир арматуралар ушлаб туришар ва ўтиб бораётган маҳкумни ҳар тарафдан савалар эканлар. Коридорни охирига боргунча калтақдан одам тамом бўлар ва баъзилар йўлда йиқилиб қолар экан. Уларни ечинтириб, турмани кийимларини кийдиришганида, ҳаммасини уриб, устма—уст ётқизишган экан.

Битта маҳкумни ерда яланғоч ҳолда юзини ерга қаратиб қўйиб, уни устига иккинчисини ётишга мажбурлашаркан. Уни устига яна, хуллас беш—ўнтаси бир—бирини устига яланғоч ҳолда ётқизилар экан. Бунини қилмаганларни ўша ерда калтақлаб, қийнаб айтганларини бажаришга мажбур қиларкан. Бу воқеъани Акмалдангина эмас, олдинроқ Муҳаммад Бекжондан ҳам эшитгандим. У ҳам Жасликда бўлиб келганлардан эди.

Жаслик турмаси азобларини дунёдаги машҳур Абу Ғурайб ва Гуантанамо турмаларидаги қийноқларга солиштириш мумкин. Жасликдаги азоблар у ердагидан кам эмасди. Фарқи шундаки, Жасликда «Мусулмонман» деб турганлар мусулмонларни уришар ва намоз ўқишдан, рўза тутишдан тўсишарди.

У тарафларда эса, демократман деяётган, гегемон давлатнинг кофир солдатлари мусулмонларни азобларди. Гуантанамода камерада маҳкумни ҳар соатда бир хил положенияда ўтиришга мажбурлашганини ўқигандим. Жасликда ҳам камерада шундай 12 та положения бўлиб, маҳкумлар ҳар соатда бир шу ҳолатларда ўтириши керак эди.

Ўйлаб кўринг, Жаслик атрофида энг яқин шаҳар уч юз километрлик узоқликда жойлашган бўлса. Атроф кимсасиз чўл ва саҳро бўлса. Уни ўртасида қурилган қамоқхонанинг тор камерасида ўнта–ўн иккита одамни, подёмдан отбойгача қаравотга ўтиришга рухсат бўлмаса. Улар кундузидан то отбойгача, ўша ўн ики хил ҳолатни ҳар бирида бир соатдан ўтириши керак бўлса? Буни тасаввур қилишни ўзи даҳшат эди. Мен бунақа жойда ўтирмаганман ва буларни ўз танамда синаб кўрмагандим.

«Бундай азобу укубатларни ИАК, қандай қилиб шу мусулмонларга раво кўрган экан?» деб ўйлаб қолардим. Кейин, билсам бу Моссаднинг мусулмонларга қарши қиладиган қийноқ услубларидан бўлиб, ИАК режими улардан ўрганган эканлар.

Шунча зулму–зўравонликлардан қилсада уни ўз ўрнида ўтирганлиги мени ҳайратга соларди. Мен бундай золимга Аллоҳнинг балоси келишига шубҳа қилмасдим. Лекин, у жуда узоқ ўтирди. Гуноҳга ботган сари унга у истаган нарсалар берилаётганди. Шунда мен буни истидрож эканлигини ва бу кимсани Аллоҳ шундай қилиб ҳалок қилмоқчи эканлигини англадим.

Бунга қатор далиллар шаръий далиллар бор эди.

Уқба ибн Омир розияллоху анҳудан ривоят қилинган ҳадисда Пайғамбарлар А.С.:

«Агар Аллоҳ таолонинг маъсиятларга ботган бир бандага у яхши кўрадиган нарсаларни бераётганини кўрсангиз, билингки, бу Унинг тарафидан истидрождир» дедилар, сўнгра Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам Аллоҳ таолонинг: «Энди —ўзлари учун эслатма қилиб берилган нарсани унутган вақтларида, уларга ҳамма нарсанинг эшикларини очиб қўйдик.

Қачонки ўзларига берилган нарсалар билан шод турганларида, уларни тўсатдан ушладик. Бас, бутунлай номурод бўлдилар. Бутун оламларнинг Парвардигори—Аллоҳга ҳамд бўлсинки, золим қавмнинг думлари қирқилди (ҳалок қилиндилар)» (Анъом: 44, 45) оятларини ўқидилар».

Аҳмад, Байҳақий ривоят қилганлар.

Мен ИАКни мана шу ҳадисда зикр қилинган бадбахт кимсалардан бири деб биламан. Валлоху аълам.

2002 йил апрел

Шу ойда мени яна изоляторга ёпишди. Ўтган ойда ҳам ўтириб чиққандим, яна ёпишди. Муаммо шундаки, эрталабки намозларни каравотда тик туриб ўқишга ҳаракат қилдик. Бу уриниш оммавий суратда бўларди. Бизнинг 13 отрядда камида ўн бештача диний маҳкум шконкада намозни тик туриб ўқиш учун турарди. Бунга эса маъмурият қаттиқ қаршилик қиларди. Бу кураш қора зоналардаги маҳкумларнинг ментлар билан курашига ўхшаб кетади. Сабаби худди шундай курашлар натижасида, бир пайтлар мужиклар қаттиқ калтаклар еб, очлик эълон қилиб, оммавий иш ташлаш қилиб, зоналарда ўғрини тартибини ўрнатишган.

Бизлар ҳам ўзимизни талабимизни бомдод намозини ўқиш ҳаққимизни қўлга киритиш учун курашардик. Бу гапирилмайдиган курашда бизни отряддан камида йигирмата маҳкум қатнашарди. Буларнинг ярмиси ҳизбий ва ярмиси ваҳҳобийлар эди. Бошқа гуруҳлар бунақа ишларда қатнашмасдилар. Бошқа отрядлардан ҳам бу каби келишилган ҳолда оммавий ҳаракатлар бўлаётганди. Бу фақат бомдод намози учун қилинаётган кураш эди. Бошқа намозларга энди ментлар томонидан аввалгидек эътибор бериб қаралмасди.

Одатда штаб бунақа пайтда тез реакция кўрсатарди. Эрталаб бизни отряддан тўрт–бешта маҳкумни олиб кетишди. Бошқа отрядлардан ҳам анчагина одам тўпланганди. Аввал изоляторни нулевой камерасига ёпишди. Кейин, эрталабки текширувдан сўнг келиб, бирма–бир штабга чақириб, кимга қанча сутка қамоқ жазоси бера бошлашди. Ҳаммамиз штабда продолда саф тортиб турардик. Салим режимник бизни изоляторда тарбия қилишини айтиб, дўқ–пўписа қиларди.

Мен бизни отряддаги Алишер билан бирга изоляторга тушдим. Асли Қаршилик бу йигит аввал хужрада ўқиган ва озми–кўпми қуръон ёдлаганди. У кейинчалик ҳизбутлик қилиб қамалган ва энди ҳизбдан яна қўнгли совуган эди. Уни ҳизбдан қайтгани аниқ эди. Аммо, намоз ўқишга тургани учун уни қамашди. Маълумки, намоз ҳизб ўйлаб топган нарса эмасди. У Аллоҳ томонидан барча мусулмонга фарз қилинганди. Мени ва яна олтита одамни бир камерага қамашди.

Мен Алишер билан кейин яна бирга ўтирганман. Аммо, бу биринчиси эди. Камерада мендан бошқаси ҳизбутлар эди. Улар ичида қайтганлари ва қайтмаганлари ҳам бор эди.

Ҳафизуллоҳни эса карцерга қамашганди. Биз изоляторда ўтирган бир пайтда карцерда тўртта маҳкум ўтирарди. Биттаси Ҳафизуллоҳ ва яна иккита бошқа ҳизбийлар ва биттаси Аҳмаджон Одилов эди. У иккала ҳизбдан бири, бизнинг сектордан бўлиб, бу Маъруф исмли Фарғоналик йигит эди. У негадир штабга балодек кўриниб қолганди.

Уни карцердан кейин яна икки марта изоляторга ёпиб, қайта суд қилиб, режимини ўзгртиришди ва критий зонага этап қилишди. Ўзи озғин, бўйи ўртачадан келган бу йигитни албатта диний саводи йўқ эди. Лекин у ҳизбий саводли эди. Ментлар уни бирорта каттароғи деб ўйлашди ва раскрутка қилишди. Иккинчиси кейинроқ мен билан Сангородга этап бўлганди.

Аҳмаджон Одилов эса бу зонага раскрутка учун олиб келинганди. СССР давридан машхур бўлган бу колхоз раисини эшитмаган одам йўқ эди. Аммо. Уни ўша ерда камераси олдидан ўтиб кетаётганда кўрганмиз. Изоляторда йигирматадан ортик маҳкумлар бор эди.

Изолятор билан карцерни фарқи шундаки, изоляторда одам кўпи билан ўн беш сутка ўтиради. Карцерда эса ками бир ой, кўпи уч ва иккинчи марта бўлса олти ойгача ўтирарди. Карцерда ётганларга матрас ва адёл бериларди. Уларга китоб ўқиш мумкин эди. Улар овқат пайкасини тўлиқ олишарди. Камерасида хожатхона ва сув крани бўларди. Хонаси каттароқ бўларди. Изоляторда ўтирганларни эса пайкаси яримта ва хонаси тор ва матрас адёлсиз ўтиришарди. Мен учун изоляторда ўн беш кун ўтиргандан кўра, ўша карцерда бир ой ўтирган афзал эди. Аммо, жазони тури бўйича карцер каттароқ ҳисобланарди.

Камерага киришдан олдин Салим бошлиқ режимниклар кийим бошларимизни ечтириб, изоляторни искирт кийимини кийдиришди. Мени ичимда иссиқ кишки бельё бор эди. Тўполонда мен уни ечмасдан изоляторни робасини кийиб олдим. Бир–икки дубинка еб камерага кириб олдик. Бу камера кенгроқ ва шунга яраша одам ҳам кўп эди. Ҳар бир камерада уч–тўрттадан маҳкум бор эди. Мен олдин фақат бир кишилиқ камераларда ўтирганим учун бунақа каттароғини кўрмагандим. Бу ерда сал қимирласа бўладиган майдони бор эди. Бу ерда олтига ҳизбий ва мен бор эдим. Алишер эса гарчи ҳизбий бўлиб камалган бўлсада, у бошқа ҳизблардан кўра менга яқинроқ эди.

Бу хонада эртаю кеч улар билан мунозара тортишув бўларди. Буларни ҳеч бирини диний саводли деб бўлмасада, улар ҳизбий саводли маҳбуслар эди. Биттаси ёши каттароқ Тошкентлик одам эди. Уни «Тоға» деб чақиришарди. У ошпазлик қилган одам экан. Қандай қилиб ҳизбут бўлиб қолган экан билмадим, ушлаб қамашган ва уни муддати 17 йил эди.

Қий–чувга тўла камерада бир ҳафта ўтирдик. Намозларни шу ерда таяммум билан жамлаб қаср қилиб ўқирдик. Карцер тарафда ўтирган Аҳмаджон Одилов намоз вақти кирганда бақириб, озон айтарди. Ментлар уни овозини ўчиришга уринишарди. Чол қайсар одам эди. Уни иши терговда бўлгани учун унга матрас адёл берилган ва овқати тўлиқ бериларди. Унга қайнаган сувни уч–тўрт марта бериларди. Бизга кунига бир марта бир кружкадан қайнаган сув бериларди.

Изоляторда ҳар куни эрталаб бир соатлик сайрга олиб чиқишарди. Бу сайр хонаси тепаси очик бўлиб, атрофи бетон девор эди. Шуни ичида қалтираб, айланиб юрардик. Бу ерга бошқа камералардан ҳам маҳкумларни олиб чиқишарди. Айтиш мумкинки, ҳар куни тонгда шу ерда бир учрашув бўларди.

Карцерда ўтирганларни ҳам шундай битта жойга тикиб, сайр қилдиришарди. Бу сайр аслида маҳкумлар учун азоб эди. Устимиз юпунлиги учун эрталабки олтида, совуқда ташқарига олиб чиқиб, бир соат қўйиши азоблаш учун эди. Улар буни атайин қилишарди. Уни ичида тинмасдан айланиб, қизишга ҳаракат қилардик. Баданларга иссиқ кирмасди. Шу эрталабки сайр қилдиришлари ёмон эди. Камерада нисбатан иссиқроқ бўларди.

Бу ерда ўн кунча ўтирганимда бир воқеъа бўлди. Режимниклар кунда–кунора камераларни текширардилар. Шу текширувда пайтида Шаҳоб деган мент мени ичимдаги ички кийимни кўриб «Еч» деб қолди. Улар изолятордаги маҳкумлар имкон қадар кўп азобланиши учун ҳаракат қилишарди. Совуқда ва очликда кечаю–кундуз тинмасдан азобланишимизни билишарди аблаҳлар. Мен Шаҳобга «Ечмайман» дедим. У камера эшигини очмасдан тешикдан гапирарди. Бу ментни ўша мен узоқ муддатли учрашувга кирганимда, нарсаларимни тарозида ўлчаб, саккиз килодан бошқасини қайтариб бериб юборганидан бери танирдим ва ундан нафратланардим.

Бу одатда зона ичида унча кўп кўринмайдиган, шу учрашув хонасида юрадиган ментлардан эди. Бу эшитишимизча Азиз Бозоровични қариндоши бўлиб, ментларни эркатойи эди. Ўзи ёш бўлсада, кибру ҳаво пайдо қилишга улгурганди. Мен унга «Ечмайман ички кийимни» дедим ва камерани дарчасини ёпиб қўйдим. У ўша ерда қараб гапирётганди. Мени ёпиб қўйишим билан камерадагилар кулиб юборишди. Мен уни башарасига дарчани ёпгандим. Бу унга алам қилди, дарчани беркитиб кетди. Шу билан бошқа кўринмади.

Эртасига эса эрталабки текширувдан сўнг мени камерадан чиқариб, штабга олиб боришди. Азиз Бозорович олдига олиб киришди. Бошлиқ менга қараб «Сен нега муассаса зобитини ҳақоратладинг?» деди. Мен унга тушунтирмоқчи эдим, у «Бас қил» деб тўхтатиб қўйди. Кейин, менга қараб «Бу ишинг учун сенга жазо берамиз. Лекин, сен ўзи шундоғам изоляторда ўтирибсан, энди сенга карцер бераман» деди. Мен унга «Жуда яхши» дедим. Шу билан мени кабинетдан олиб чиқиб кетишди.

Ҳеч қаерда ҳеч гап йўқ, мени изолятор камерасидан олиб чиқиб, карцер камерага ўтказишди. Бу камера анча кенгрок эди. Менга отряддаги матрас ва адёлимни олиб келиб беришди. Овқатни тўлиқ пайка берадиган бўлишди... Камерада хожатхонаси бор эди, крандан сув келарди. Бу сув ичишга ярамасада таҳорат учун яхши эди. Буларни кўриб мен изоляторидан кўра карцер яхши эканлигини билдим.

Мени ўн кун изоляторга қамагандан кўра бир ой карцерга қамагани маъкул эди. «Ҳафизуллоҳ уч ой карцерда ўтириб маза қилар экан» деб ўйладим. Изоляторга қараганда анча имконияти кенг эди. Бу ерда бетон ерда эмас, матрасда ётардим. Тўйиб ухлашга имконим бор эди. Овқатни, гарчи тўймасамда ҳар ҳолда наригидан кўра тузукрок беришарди. Карцерни анчагина яхши тарафлари борлигини тушундим. Бу ерда ётганларга китоб ўқиш мумкин экан.

Менга қўшни хонада Аҳмаджон Одилов ўтирарди. Чолни ментлар билан гаплашгандаги овози изоляторни тутиб кетарди. Сочлари оппоқ, оқ кўйлак ва иштон кийиб олган, бу очкарик чолни ИАК нега раскрутка қилаётганига тушунмасдим. Бу одамни гап сўзларидан билдимки, бу диндан узоқ одам эди ва беш вақт намозни ўқирди. У мавжуд давлат сиёсатини таҳлил қилишидан, уни «На дин ва на сиёсат арбоби эмас» деган хулосага келганман. Балки, чол қариганлиги учун шундай бўлиб қолгандир билмадим.

Шундай қилиб, май ойини тўлиқ шу камерада ўтказдим. Июньни ўртасига қараб изолятордан чиқдим. Шунгача бу карцердаги ҳангомалар билан банд эдим.

2002 йил май

Мен май ойини тўлалигича шу изоляторда ўтказдим. Аммо, орада ўн кунча санчастьга бориб ётиб олмаганда шу май ойи йигирма еттисида 33 га кирган куним ҳам карцерда бўлардим. Мен изолятордан карцерга ўтганимдан кейин у ерда ўн кундан ортиқча ўтирдим. Бу муддатда карцер ҳаётини тўлиқ ўзлаштириб олгандим. Бу карцер, такрор айтаман, изолятордан анча афзал ер эди. Мен олдинроқ бу ерда ўтирмаганимга афсусландим. Лекин, карцерни ками бир ой бўлиб ундан ками йўқ эди. Энди ҳар куни эрталаб сайрга чиққанда карцердагиларни битта камерага қамаб сайр қилдиришарди. Совукда сайр қилиб юриб, ўзаро гаплашардик.

Ҳизбутлар Ҳафизуллоҳни «Мужтаҳид» дейишарди. Бу гап энди кулгули эди. Мен бу гапни у ўзига–ўзи айтмаса керак деб ўйлардим. Мен ундан ўша масаладаги фикрини сўрадим. «Сиз мужтаҳидмисиз ростданам ё муридларингиз алжираяпдими?» дедим. У бу гап ростлигини тушунтиришга ҳаракат қилди.

Уни озодликда пайтида бир компютери бор экан, унда барча ҳадислар ва қуръон жамланган экан. У пайтда компютерни мен тушунмасдим. Уни айтишича ўша компютер ўша пайтда муфтиятда ҳам йўқ экан. Бу одам шунга қараб қайси мавзуда, фатво чиқариш керак бўлса, ўша мавзуга доир ҳадисларни ва оятларни топиб олиб, жамлаб ўқиб чиқар экан ва шулардан хулоса қилиб фатво берар экан. Бу уни мужтаҳидлигини исботи эди. Яна у айтгандики, олдинлари Абу Ҳанифалар минглаб китобларни ўқиб, кейин улардаги ҳадисларни ўзаро солиштириб, у бу нарса устида қанча изланиб кейин фатво беришган бўлса, бугун бир ёш йигит компютер билан 20 минутда шу ишни қила олар экан. Замона шундай ўзгариб, энди мужтаҳидлик унчалик катта муаммо эмас экан. Бу унинг мужтаҳидлик бобидаги қарашлари эди.

Мен бугун компютер деган нарсани унча мунча биламан деган фикрдаман. Мен шунга аминманки, хотирасига дунёдаги барча ҳадислар жамланган компютердан йигирматаси бўлса ҳам, бу бир одамни ҳали фатво берадиган мужтаҳид бўлишига кифоя қилмайди. Араб диёрларидаги ҳизбутларда компютерлари бор ва лекин улар ўзларини мужтаҳид деб айтишмайди. Улар тан олган олимларига қадамма–қадам эргашишади холос. Мен ундан «Сизларни Халифа келса, унга қарши чиққан имомларни қатл қиладими?» деб сўрадим. У кулимсираб, «Бу нима савол, тушунмадим?» дегандек сўради.

Мен «Муридларингиз шундай дейишди» деб, Фахриддин акани гапларини айтиб бердим. У эса «Ундаймас. Лекин, Халифа уммат ичида фитна чиқмаслиги ва умматни бирлигини сақлаб туриш учун унга итоат қилмайдиган уламоларни, ким бўлсада қамаши ёки қатл қилиши мумкин» деди. Бу билан у деярли Фахриддинни гапини тасдиқлаганди. Мен «Тақсир бу йўл бошдан оёқ хато» деб айтганман унга. У мени ҳизбутга қаршилигимни биларди. У мен билан муомалада вазиятни кескинлаштирмасликка ҳаракат қилиб гаплашарди.

Мен ҳозир ҳам Ҳафизуллоҳни фикрини ва тутган йўлини хато деган фикрдаман. У билан фикрлардаги жиддий ихтилофга қарамасдан, салом–алигимиз то срокимни охиригача сақланиб қолган.

Шундай қилиб карцерда кунларимиз аста секин ўтарди. Ҳар куни эрталабки ва кечки текширувда ментлар келиб «Нима проблемалар бор?» деб сўрарди. Мен «Докторга учрашим керак» дегандим. Одатда улар камерадагилар «Докторга бораман» деса, уларни олиб бормасдан, докторни шу ерга чақирарди. Ўша куни кечқурун санчасти бошлиғи майор Юсуфни ўзи изоляторни айланди. Мени хатамга келиб, «Нима гап?» деб сўради. Мен унга «Началник ичимдан қон кетаяпди» дедим. Мени ичим қотганда одатда геморройдан қон оқарди. Бу ерда ич қотиши табиий эди.

У дубахга камерани очтирди ва мени «Туалетга ўтир» деди. Мен у ерга ўтириб, далнякка чиқишга ҳаракат қилгандим, очкони усти қон бўлиб кетди. Мен унга ўтирган еримдан турмасдан сурилиб, қонни кўрсатдим. У «Бўлди» деб чиқиб кетди. Мен уни бирорта дори берадими десам, у бошқа қайтмади.

Шундай қилиб эртасига келиб, мени изолятордан олиб чиқиб, санчастга олиб бориб ётқизди. У эрталабгача кутган ва Бошлиқ келгач, унга мени санчастга ётқизмаса бўлмаслигини айтган экан. Шундай қилиб мен ўн кун изоляторда ўтириб, ундан карцерга ўтиб, у ерда ҳам ўн кун ўтириб, кейин санчастга чиқиб кетдим. Ҳали мени карцерда ўтириш муддатим тугамаганди. Ундан кейин эса изоляторда ўтириш муддатим ҳам тугамаганди. Аммо, мен ҳозир санчастда эдим.

Санчастда ётиб яна куюқроқ каша еб, нонни тўлиқ пайкада ея бошладим. Бу менга Аллоҳни марҳамати эди. Санчастда ётганимда ўша ердан чиқиб, библиотекага бордим. Рустам Банкдан китоблар олдим. Санчастда ётиб ўқиб ётардим. Булар қуръон китоби ва бошқа ўзбек тилидаги китоблар эди. Ўша ерда ўн кунча ётгач, мени отрядга қайтарса керак деб ўйлагандим. Аммо, мени яна карцерга қайтаришди. Карцерга ўзим билан китобларни ҳам олиб кетдим. Аммо, санчастда пайтимда май ойи охирлари эди.

Мен ўша ерда ўттиз уч ёшга кирдим. Июнь ойида яна карцерда ўтирдим. Олиб келган китобларни ўқиб вақт ўтказардим. Шу ерда мен яна бир нарсани кашф қилдим. Одатда мен қуръон ўқисам овозни баланд қилиб, маъносига эмас, кўпроқ қироатига эътибор қилиб ўқирдим. Ўша карцерда мен қуръонни худди бир роман ўқиган каби овозсиз, ҳатто лабимни пичирлатмасдан шундай тикилиб кўз билан ўқидим. Бу ўқишда уни ҳар сатридага маънони уқишга уринардим. Бунақа ўқишлик жуда–жуда таъсирли ва ажойиб бўлар экан. Лекин, одатда қуръонни умуман бунақа ўқишмасди.

Карцерда ўтирганимда ҳам, санчастда пайтимда ҳам турли масалаларда ҳизбийлар билан ва бошқалар билан гаплашиб ўйланардим ва кўп саволлар устида бош қотирардим. Зонада акрабийлардан бўлган бир футболист йигит бор эди. У 12-отрядда бўлиб, мен у билан икки марта учрашганман. Мен бу гуруҳларни барчасини шу турмада кўрганим учун «Улар кимлар ва нима мақсадлари бор?» деб қизиқардим. Мен олдин буларни умуман кўрмаган ва эшитмагандим. Мен у билан учрашганимда ундан нега намоз ўқимаслигини сўрадим. Акрабийлар зонада намоз ўқишмасди. У менга ҳали унга намоз фарз бўлмаганлигини айтди. Мен унга «Қачон фарз бўлади?» деб сўрадим. У «Фарз бўлса менга ташқаридан хабари келади» деб жавоб берди. «Ким сенга хабар бериши керак?

Ахир намоз қуръонда фарз қилинган бўлса?» десам, у жавоб беришдан қочди. «Ташқарида бор буни биладиган одамлар» деди у. Мени у билан савол жавобим шу тахлит қисқа бўлганди. Мен акрамийларни ғояларини эшитгандим. Улар «Биз ҳозир маккий даврдამиз, намоз эса мадинада фарз бўлган» деб, янги имонга келган одамни намоз ўқиши фарз бўлмайди деб ҳисоблашар экан.

«Пайғамбар а.с. саҳобалари ҳам имон келтиргач намоз ўқишмаган. Демак, бугун ҳам кимдир имон келтирса, намоз унга шу заҳоти фарз бўлмайди» деб тушунишар экан. Уни имони мукамал бўлгач намоз фарз бўлар экан. Мен акрамийдан «Намоз сизларга 13 йилдан сўнг фарз бўладими?» деб сўраганимда у «Ҳа» деганди. «Ароқ ҳам Мадинада ҳаром бўлганди, чўчка гўштини ейишлик ҳам Мадинада ҳаром бўлганди. Бу нарсалар сизларга ҳозирча ҳаром эмасми?» деганимда ҳам шундай деганди. Мен бу акрамийни исмини унутдим. Бу йигит аввалги қамалганлардан бири эди. Уни Акрам Йўлдошлар билан бирга қамашганди. 2005 йил Андижон воқеъасидан кейин эса, бошқалари қамалди.

Бу ҳали 2002 йил эди. Мен акрамийлар йўлини ва ақидасини ўрганишга уринардим. Шунингдек, ҳизбутларни ўрганардим. Нурчи ва Таблиғчиларни жиҳодчи ва сўфиларни ҳамма–ҳаммаси билан гаплашардим. Мени тушунмаган саволлар кўп эди. Мен тинмасдан жавоблар излардим. Акрамийларда Халифат қуриш режаси йўқ эди, ҳизбутда бор эди. Жиҳодчиларда Халифат тушунчаси аниқ–тиниқ бўлмасада аммо, бор эди. Таблиғда йўқ эди. Нурчи деганлари мен учун сирлигича қолди. Буларни сиёсий мақсади борлигини мен англамадим. Лекин, булар диний ва дунёвий илмларни баробар олиш ва замонага мослашиш манҳажда эдилар.

Мен турмада бир туркиялик муаллимни кўргандим. У Тошкентдаги қайсидир турк коллежида дарс берадиган муаллим экан. ИАК коллежларни беркитиб, уларни ҳайдаб юборганди, баъзиларини қамашганди. Бу одам билан анча гаплашганимда уни йўлини анча муътадил бир қарашдалигини англагандим. У учун аниқ бир стратегик мақсад нелиги тушунарсиз эди.

Ҳизбийлар учун диннинг манбаси қуръони карим ва мутавотир ҳадислар эди. Бу дегани мавжуд ҳадисларнинг 99% улар ақидага олишмасди. Бу ҳозирда янги чиққан қуръонийлар гуруҳига жуда яқин йўлдир. Бугунги қуръонийлар гуруҳи учун диннинг манбаси фақат қуръондир. Улар юз фоиз ҳадисларни тан олишмайди. Булар билан ҳизбутларни ўхшаш жиҳати жуда кўп эди. Улар қабр азобини, дажжол чиқишини, Исо а.с. тушишини ва Маҳдий чиқишини ва бошқа шундай масалаларни рад қилишарди. Рационал фикрга тўғри келадиган нарсаларнигана ушлашарди.

Акрамийлар манҳажи эса, Имон келтириш бобида ҳизбга ўхшарди. Ҳизбларни бир китобида «Иймонга йўл» деган боби бор. Акрам Йўлдош шу номли китоб ёзганди. Буларни имон масаласидаги қарашлари бир хил эди. Ақл билан имон келтириш масаласига урғу беришарди. Аҳли суннада имон тақлидий бўлиши мумкинлиги тан олинади. Буларда эса тақлидий имон рад қилинади. Бошқа ибодатларни саҳобалар даврида босқичма–босқич фарз бўлганлигини, улар асосий далил қилиб, бизга ҳам худди шундай бўлиши керак дейишарди.

Мен "Бугунги кунда «Мен сизнинг динингизни мукаммал қилиб бердим. Сизга неъматимни батамом қилдим. Ва сизга Исломни дин деб рози бўлдим.» (Моида 3 оят) деган оятдан кейин, мўмин киши қайси фарзни бажаришга қодир бўлса қилиши шарт» деб тушунардим. Яъни, биз қуръон оятлари тўлиқ тушгандан кейин яшаётган инсонлармиз. Биз бугун у пайтдагилар каби, «Имон келтириб ўн уч йил юриб, кейин намоз ўқийман» дейишимиз хатодир. Биз бугун имон келтирсак демак намоз ўқиш фарз бўлади.

Рамазон кирса узримиз бўлмаса, рўза фарз бўлади. Уйланмоқчи бўлсак, никоҳ фарз бўлади. Ароқ ва чўчка шу заҳоти ҳаром бўлади. «Биз Макка давридамиз» деб, бу нарсаларни бажармай кейин, «Мадина даврига келдим, энди бажараман дейишимиз, тўғримас. Қолаверса Макка давридамисан ё Мадина давридамисан бунини қандай аниқлайсан? Мадинада ислом ҳукмлари жорий бўлганди. Сен Ўзбекистонда юз йил яшасанг ҳам шаръий ҳукмлар жорий бўлмаслиги мумкин. Унда бир умр Маккий даврдан деб, намоз ўқимай ароқни ҳалол деб, ўтиб кетиш керакку?! Бу нима деган гап?» дердим.

Энди шаръий ҳукмлар жорий қилиш масаласига келсак – жиҳодчилар бу масалада адашдилар. Улар «Шу мавжуд вазиятда бирданига куч билан шаръий ҳукмлар жорий қилиш мумкин» деб ўйлардилар. Бу эса на ақлан ва на шаръан мумкинмасди. «Бу масалада биз Маккадаги каби ожиз давримиздир. Аммо, мен бугунги жамиятларни бунақа Маккий ва Маданий даврга ажратиб баҳолашдан йироқман.

Мен қодирлик асосида амал қилиш позициясидаман. Макка–Мадина демасдан, ким қайси мамлакатда яшаса ўша ердаги вазиятда қодир бўлган нарсасига амал қилиш керак. Халифат қуришга қодир бўлмасанг, қурма. Ёки, шаръий ҳукмлар жорий қилолмасанг қилма. Лекин, намоз ўқиёлсанг ўқи. Никоҳ ўқий олсанг ўқи. Яъни, қодир бўлган нарсани қилишинг керак» деб билардим. Аллоҳ ҳеч бир жонни тоқатидан ташқари нарсасига таклиф қилмас. (Бақара 286) ояти ҳам ана шунга далолат қилади деб ўйлайман. Валлоҳу аълам.

Бу мен билан ўша гуруҳлар орасидаги ақидавий ва фикҳий ихтилофлар эди. Бу ерда бир–иккита сўфилар ҳам қамалиб қолишганди. Улар нега қамалгани тушунарсиз бўлсада, уларда мени ўйлантираётган муаммоларга тегишли ҳеч нарса йўқ эди.

Карцерда ўтирган Аҳмаджон Одиловни қайта тергов қилиб, судга олиб бориб келиб туришарди. У чол умрини 24 йилини турмаларда ўтказганди. Шундан 4 йили Россияда ва қолганини Ўзбекистонда ўтирган. Уни зонама–зона раскрутка қилиб юришарди. Чолга яна уч йил муддат қўшиб бериб, қайтадан бошқа зонага этап қилишди.

Уни 2008 йилда озодликка чиқаришган. У Навоийдаги раскруткада уч йил олган, муддатидан сўнг яна бир раскрутка бўлиб, 83 ёшида озодликка чиққан. Совет даврида Социалистик меҳнат қаҳрамони бўлган бу чол ҳалиям овози шиддатли гапиришлари дадил эди. Мен уни ўша изоляторда кўрганимдан бошқа аввал ҳам, кейин ҳам кўрмаганман.

Мен карцерда ётиб бемалол қуръон ўқирдим. Бошқа китобларни ўқирдим. Бу ерда одам маза қилиб дам оладиган ер эди. Шу ерда июн ойини ярми ўтди.

2002 йил июн

Тошкент

Сангород 64/18 сонли ЖИЭМ

Изолятордан чиққанимда июнни ўн куни ўтганди. Мен майни тўлалигича ва июнни ўн кунини ўша ерда ўтказдим. Изоляторга апрелда тушгандим. Ўн кун ётганимда карцерга ўтдим. У ерда яна ўн кун ётиб, санчастига кетдим. У ерда ўн кун ётиб, карцерга қайтдим. Карцерда яна йигирма кун ётиб, икки ойдан сал камроқ муддатда зонага чиқиб бордим. Мен камалганда қиш, совуқ эди. Чиққанимда иссиқ ёз бўлганди. Худди қамоқдан озодликка чиққан каби, у ердаги дўст–ёрлар билан учрашиб кучоклашиб кўришдик.

Мен ҳали ўзимга келмасдан туриб ДПНКдан микрофонда этапга кетадиган маҳкумлар рўйхатини ўқий бошлашди. Бу этап қаерга кетишини билмасдик. Баъзида у бу зонага кетса, баъзида сангородга кетарди. Мен ҳам этапга кетадиганлар ичида бор эдим. Зовхоз келиб «Нарсаларингни йиғиштир» деди. Хуллас, ҳеч нарсага тушунолмай шериклар билан хайрлашиб, лаш–лушларни йиғиб, зовхоз билан штабга кетдим.

У ерда бир қанча маҳкумлар бор эди. Бизни штабдан олиб чиқиб, изоляторга қамашди. Одатда этапга кетадиганларни изоляторга қамаб қўйишарди. Биз қаерга кетаётганимизни билмасдик. Бизга штабда «Сангородга борасизлар» дейишди. Бундай ҳе йўқ, бе йўқ этапга – Сангородга олиб кетишларига ҳайрон эдик. Бу умуман кутилмаган воқеа эди.

Этапдагилар орасида Муҳаммад Ражаб Махсим ака бор эди. У билан шу ерда кўришдик. Бу одам ИАК давридаги энг кўп қамоқда қолаётган имом эди. Уларни 1994 йилда қамашган ва 2000 йилда яна қайтадан суд қилиб, 159 модда ва унга яқин бўлган моддалар қўйиб, 20 йил муддат берганди. Бу киши билан кўп суҳбатлашдик. У мени Товоқсойдаги саргузаштларимни эшитган экан. Товоқсойда бир Ғулом ака деган Қўқонлик киши ўтирганди. Уни фамилияси Сармисоқов бўлиб, ўзи диний саводи йўқ ва лекин диндорлиги учун қамалганди. У одам мени бошимга кўп фалокатлар солганди. У билан ҳеч келишолмасдик.

Бу воқеаларни зонадаги маҳкумлар билишарди. Шулардан бири бошқа зонага этап бўлганда Махсим ака билан учрашган ва унга мана шу воқеаларни гапириб берган экан. Сармисоқов ўша пайтларда Махсим акага ҳам қарши бўлган экан. Мутаассиблар ва ваҳхобийлар орасидаги жанжалларда бу одам мутаассиблар томонида бўлган ва шунақа тўполонларда фаол иштирок этган экан.

Бу этапда асосан йигирматача киши эдик. Биздан ташқари яна бир–иккита касаллиги билан кетаётганлар ҳам бор эди. Буларни ўнтаси ваҳхобий дейиладиганлар ва ўнтаси ҳизбийлар эдик. Ваҳхобийлар иккитаси мен ва Муҳаммад Ражаб домла бўлса, яна бири Карим деган Тошкентлик йигит экан. У МХХда лейтенант бўлиб ишлаган ва 1999 йилдаги Тошкент портлашларида алоқадорликда айбланиб, йигирма йилга қамалган экан.

Мен уни олдин кўрмагандим. Яна бири Олтиариқлик йигит бўлиб, у Тошкентда хужраларда дарс берган экан. Уни исми Дилмурод эди. У Обид қорини яхши танир экан. Ўша пайтларда у қори акани қаердалигини ҳам билишини айтганди. Ҳизбийлардан ҳам казо–казолари тўпланганди. Хуллас, шунақалардан иборат эди бу гуруҳ.

Бизни вороночка солиб поездга олиб боришди. У ердан вагонга юклашди. Шу ерда кутиб ўтирдик. Қўлимизга биттадан буханка нон ва биттадан консерва беришганди. Уни ўша ерда вагонда едим. Эрталаб кун чиққач, вагонни поездга улашди. Йўлда Махсим ака билан бир вагонда бўлмадик. Мен бошқалар билан кетдим.

Тошкентлик Салоҳиддин деган ҳизбий мен билан бирга эди. Йўлда мен "Қачон орқага қайтар эканмиза, ишқилиб Сангородда қолиб у ердан бошқа зонага кетсак яхши бўлардида" десам, у "Ака мен қайтмайман орқага иншааллоҳ, мен Сангороддан чиқиб кетаман" деб қолди. Мен хайрон бўлиб, "Нима тавба хати ёзганмисан?" десам, у кулиб, "Йўқ" деди. «Қандай чиқмоқчисан бўлмаса?» десам, судларни порахўрлигини айтиб, «Йўллари кўп экан–ку» деди. Мен "Судга пора берсанг ҳам, тавбасиз чиқармаса керак" дедим. У уйидагилари адвокат ёллаганини ва ўша адвокат юқори инстанция судидаги таниши билан гаплашганини, суд эса «Тавба хати» бўлса, ишини қайта кўриб чиқиши мумкинлигини айтганидан хабар топганини гапирди.

Кейин ўша адвокат уйидагилар билан бирга Навойга келган ва бундан оқ қоғозга қўл қўйиб беришни сўраган. "Оқ қоғозга қўл қўйишлик динда ҳаром эмас–ку, шундайми?" деб сўради. Шунақа бўлса керак, билмасам" дедим. У адвокат энди ўша қоғозга нима ёзади, бу ўзини иши" деди. Хуллас, адвокати нима ёзса ёзган. Буни мен билмайман албатта. Лекин, унга Сангородга келиши ва ўша ердан озодликга чиқиши хабари берилган экан. Ўша йигит Сангороддан озодликка чиқиб кетди. Ҳизбутлар ичида «Тавба хати» ёзмайдиган, пулдор кимсалар ўзига яраша ҳийлаи шаръий қилиб чиқиб кетишарди.

Мен Сангородга келганимда бошқаларни тезда қабул қилиб олишди–ю, мени қабул қилишмади. Ечинтириб, у ёқ – бу ёғимни кўрганида баданимдаги калтакдан қолган доғлар уларни кўрқитганди. Мен уларга «Қорнимда қошиқ ҳам бор» деганман. Бизни олиб келган мент менга келиб, «Агар уларга «Бу баданимдаги қора доғлар йиқилганимда бўлган» деб ёзиб бермасанг сени орқага, зонага қайтариб юборишади» деди. Мен бу ерда қолишни истардим. Хуллас, уларга «Ўзим йиқилганман» деб ёзиб бердим. Аслида бу калтак еганимдан қолган дубинкани излари эди. Буни ўзлари яхши билишарди.

Бизни турли тарафга бўлиб ташлашди. Мени тубиклар барагига олиб бориб қўйишди. Рентген қилиб қорнимни кўришганда қошиқ йўқлигини айтишди. Мен шу қошиқни қаерга кетганлигини билолмай қолганман. Балким уни оч ошқозон ҳазм қилиб юборган бўлиши мумкин. Ё далнякда чиқиб кетгану мен билмай қолганман. Нима бўлгандаям шу қошиқ менга зарар бермай йўқолди.

Мени нега тубиклар ичига ташлаганлигини сўраганимда дўхтирлар «Билмаймиз. Шунақа йўлланма билан келган экансан» дейишди. Ваҳолонки мен ҳеч кимга бу масалада мурожаат қилмагандим.

Шу ерда ётиб, ўтган йили тутолмай қолган рўзамни қолган ўн беш кунини тутдим. Бу ерда ҳам маҳкумларга пайка берилади. Лекин, бу ерда ташқаридан у бу нарсалар олиб киритиш имкони бор эди. Пул бўлса имконият бор эди. Аммо, менда пул йўқ эди. Пайкани ўзига одам тўймасди.

Атрофимдагилар кунда кун ора ўлиб қоларди. Бу катта барақда ётган юзлаб сил касалга учраган маҳкумлар қўлларида шиша идиш ушлаб, йўталиб балғам тупуриб юришарди. Мен суяги чиқиб қолган озғин касалларни шу ерда кўрганман. Мени шконкам иккинчи ярусда эди. Уни устида куни билан рўза тутиб ухлардим. Эрталабки ва кечки текширувга чиқиб келсам бошқа иш йўқ эди. Ифторга кундузи олиб қўйган пайкамни ердим. Овқатга тўймасдим. Аммо, бошқа иложим ҳам йўқ эди. Шундай қилиб рўза тутардим.

Сангород яхши ер эди. Бу ерда калтак, ҳақорат йўқ эди. Даволаш ҳам деярли йўқ эди. Мен бу ерга даволанишга келмагандим. Бир ойдан ошиқ муддат мени шу сил касаллари ётган ерда сақлашди. Кейин яна ўн кунча неврологик бўлимда ётдим. У ерда пайтимда кўп одамларни учратдим. Тошкентлик Шарафиддин деган одам ва Наманганлик Хусанхон деган олим кишиларни кўрдим. Яна Андижонлик Хусан деган милиция майори бўлган бир кишини учратдим. Унга йигирма йил срок беришган экан. Унинг айби шуки, акаси Козим Полвон Абдували қори акани яқин одами бўлган. У киши ўғирлаб кетилгач, Козим Полвон Қозоғистонга чиқиб кетган.

Тошкент портлашларидан кейин уни ушлаб келиб қамашди ва ўлим жазоси бериб юборишди. Укаси милиция майори Хасан ва Хусанларни ҳам қамаб, кейин Хасанни чиқариб юборишган ва бунисига акасига алоқадорликда айблаб срок беришган экан. Козим акадан ҳали дарак йўқ. Уни отганми–йўқми буни оиласига маълум қилишмаган. Аммо, укаси Хусан ака Жасликда ўтирган еридан бу ерга келиб даволанаяпти экан. У киши умуман ментга ўхшамасди.

Мен ментлар ичида ҳам одамга ўхшаган одам борлигини ўшанда кўрганман. Мен ментларни одамлигини ҳам шу кишини кўриб гаплашиб англаганман. Ментлар ҳам биздек одам экан. Улар ичида ҳам одамгарчилиги мукамал, Хусан акага ўхшаган кишилар бор экан. Хусан ака мени ментларга бўлган муносабатимни ўзгартирганди. Мен улардан ёппасига нафратланардим. Хусан акани айтган ва эсимдан чиқмайдиган гапларидан бири шуки, «Дунёда энг қаттиқ азоб очлик азоби экан Муҳаммадсолиҳ» деганди у менга. У Жасликда ўтириб келган эди. Бу гапини тўғрилигига менда шак–шубҳа йўқ эди. Бу бизнинг тажрибадан келиб чиқиб билиттифоқ тан олган ҳақиқатлар эди.

Сангородни хангомалари кўп эди. Бу ерда кўп одамларни кўриб, учрашдим. Июньда келган бўлсам августгача шу ерда ўтирганман. Бу ерга бизни олиб келишдан мақсад сил касаллигини юқтиришлик бўлган экан. Аммо, менга бу касаллик юқмади. Аллоҳ мени асраган эди. Бу учун роббимга ҳамдлар айтаман. Орқага қайтганда биз билан Муҳаммад Ражаб ака бирга қайтмади. Уни бошқа ерга этап қилишган экан. Шу билан бошқа кўришмадик.

2002 йил июл

Бу ой тўла Сангородда бўлдим. Августни бошида яна Навоий 46га кириб бордим. Сангород барча маҳкумлар боришни орзу қиладиган зонадир. Бу зона Тошкент шаҳари ичида жойлашган бўлиб, ёнида трамвайлар ўтиб қайтадиган йўл бор. Атрофдаги баланд қаватли уйлар кўриниб турарди. Озодлик билан қамоқ ораси эса ўн метрча масофада эди. Мен трамвайни юрганидаги овозини эшитиб турардим.

Мен бу ерда 1998 йилда ҳам бўлгандим. У пайтларда бу ерлар қора зона ҳисобланарди. Ўғри Бахтишқа шу ерда ўтирарди. У пайтлар қора зоналар кўп эди. Ўғри–каззобларда озроқ куч ва имконият бор эди. Аммо, ИАК уларни ҳам уйини куйдирганди. Ҳозир, яъни 2002 йилда Сангород барибир қорага ҳисобланарди. Бу ерда режим йўқ эди. Бу зона аслида маҳкумлар касалхонаси эди. Бу ерда Анвар Банк номи билан машҳур бўлган собиқ миллионерни кўргандим. У одам шу ерда ўлганди.

Бу ерда Обший режимдан келганлар ҳам, строгий режимдан келган, фирибгарликни пихини ёрадиган жиноятчилар ҳам ва Қоровулбозордаги особий зонадан келган, кийимлари оқ қора полосатий рецидивистлар ҳам бор эди. Бу ерда ўғриям–тўғриям, диндору–динсиз ҳам, касалу–соғлар ҳам аралаш–қуралаш эди. Аслида касаллар ётиб даволанишга мўлжалланган бўлсада, бу зона қамалган бойваччаларнинг ўтирадиган ери эди. Улар пул эвазига бу ерда узоқ вақт яшашарди. Бу ерда учрашувлар қисқа бўлиб, лекин, истаганча кирса бўларди. Сангород ментлар учун катта пул ишлаш манбаси эди. Умуман зоналар ментлар учун ойликдан ташқари ҳам пул ишлаш манбаси ҳисобланади.

Бу ерда ҳали кунига қанча одам озодликка чиқса, кунига қанчаси вафот топарди. Бу ерда ишлайдиганлар ментлар ва дўхтирлар шу Тошкентни ўзида яшашардилар. Уларга маҳкумлар баъзи нарсалар заказ қилишар ва улар эрталаб келганида олиб келишарди. Бу ерда текширувлар ҳам Навоийдаги каби қаттиқ эмасди. Бу ерда қолиб срокини ўтказиш ўғри–каззоблар орзуси эди.

Бу ерда қолиш учун эса дўхтирга пул бериб қолиш мумкин эди, ёки шу ерда қандайдир ишга кириб қолиш мумкин эди. Столовойда ишлайдиганлар кўп бўлиб, ошпаз ёки овқат ташувчи баландёр ва ҳаказо каби ишларда ишлаб қолиш мумкин эди. Бу ишлар ўғрилар ақидаси паст ишлар саналарди. Қолаверса у ерда ишлаш учун асосан кичкина сроклар қолдириларди.

Беш йилдан катта сроги борлар бу ерда ва Тоштурмада баландёр ё ошпаз бўлиб ҳам қололмасди. 159 модда билан қамалганлар умуман бу ерда қололмасдилар.

Сангород олдинги даврларда ўғрилар ўтирадиган марказ бўлган. Бошқа турли зоналардан бу ерга этаплар келар ва бу ердан этаплар кетарди. Маҳкумлар доим ўғриларга мурожаат қилиш, у ёки бу муаммони ҳал қилиш учун сангородга кўтарилишарди. Бу зона совет давридаги ўғри каззобларнинг марказий қароргоҳи эди. Бу ерда аёл дўхтирлар ва медсестралар ишлашарди. Бошқа ерда зонада аёллар бўлмасди.

Аёл зотини кўрмаган маҳкумлар учун бу ер янада жозибали эди. Бу ерда яширин фахшлар бўларди, ароқ ва нашалар сотиларди. Наркоманлар ташқаридан героин олдириб, укол қилишарди. ИАКнинг бурнини тагида жойлашган бу масканда кечаю–кундуз дахшатли, чиркин ва жозибали ҳаёт қайнаб турарди.

Сангородда одам кўп бўлар ва доим тиқилинч эди. У ерда бошқа зоналардаги каби катта майдон ё промка йўқ эди. Олдинлари бу ерни икки қисмга ажратиб қўйишган бўлиб, бир тарафида 64/09 сонли қаттиқ режимли зона бўлган. Шу зона сил касаллари зонаси деб ҳисобланган. Бир тарафи касалхона бўлган. Бу иккиси орасида бир девор бўлиб, маҳкумлар у девордан ошиб, у томон – бу томонга ўтиб юришарди. Ҳозир бу иккиси бирлаштирилган ва одам кўплигидан икки тарафгайм касаллар ташланарди.

Бошқа зоналардаги тубикларни шу ерга олиб келиб даволашган. Бу касални даволаш имконсизлиги учун асосан бир таблеткадан бошқа нарса беришмасди. Уларни ўзи ажали етиб ўлгунча сақлашарди. «Ўлиши аниқ бўлган маҳкумлар уйига юборишса бўлмасмикан? Барибир ўладиган бўлса, умрини охирида бола–чақасини кўриб ўлса бўлмайдим?» деб ўйлардим. Бу қонунлар жуда ғайриинсоний ва шафқатсизми? Ёки уни бажарувчилар шундайми – мен тушунмасдим.

Кейинроқ Зарафшондаги 64/36 зона ҳам ва Когонда янги очилган турма тубиклар учун алоҳида зонага айлантирилди. Энди тубикларни шу ерларда сақлашар ва ўладиган пайтда Сангородга олиб келишарди. Сангород маҳкумлар ўлиб оладиган ер эди. Бу ерга барча зоналардан касаллар келарди. Даволаниш деярли нол даражада бўлгани учун, бу ерда маҳкумлар аста–секин жон беришарди.

Ўлган маҳкумни устига оқ чойшаб ёпиб, носилкага солиб коридорга чиқариб қўйишарди. Ҳар куни қарасангиз бир–икки ўлик шу ерда турар ва бу бошқа бўлимларга ҳам тегишли эди. Бу ерда катта ўликхонаси бўлиб, у ерда юзлаб маҳкумлар ўлиги бир ҳафтача сақланар ва кейин маҳсус қабристонга яширинча кўмиларди.

Баъзи маҳкумларни жасадини яқинлари олиб кетишарди. Ўлган маҳкумларни жасади албатта ёрилар ва яна мабодо тирилиб кетмасин деб оёқ ва қўл қон томирлари кесиб қўйиларди. Бу ҳар эҳтимолга қарши маҳкум уйига борганда тирилиб қолса, яшай олмаслиги учун қилинади. Ўликни заррача қадри қиммати йўқ эди. Зеро буларни тириклигида ҳам қадри бўлмагач, ўлигини қадри қаердан бўлсин?

Мен бу ерда Тошкентлик Шарофиддин деган одамни учратдим. У ҳам 159 билан қамалганди. Узун бўйли, оқ сочли бу одам араб тилини ҳам билар ва шеърят шайдоси эди. Асли касби инженер экан. Бу кишини диний ва дунёвий илмдан бохабарлиги ва шеърят сирларини тушуниши серқирра талант соҳиби экани ва жуда паст феъллиги мени ҳайратга солди. Унда Тошкентликларнинг 99%га хос бўлган кибр йўқ эди. Бу нодир ҳолат эди. У билан ўша ерда бир қанча кун ҳамсуҳбат бўлганман. У ҳақида фақат яхши таассуротлар қолганди менда.

Бу ерда яна Наманганлик Хусанхон ака билан учрашдим. У киши авария бўлиб оёғи лат еган ва ҳассада юрарди. Олдинроқ уни қамаб чиқаришганлигини эшитгандим. Энди яна 159 билан қамашганди. Кичик жуссали озғиндан келган бу киши ҳам жуда кичик феъл одам эди. Бу домлалар бошқа мен кўп учратган, башарасини ақллик қилиб, одоб ахлоқдан дарс берадиган сурбетларга ўхшамасдилар. Бу киши билан узоқ суҳбатлар қилганмиз. «Намозни қаср ўқияпмиз, Тақсир. Аммо, Муҳаммад Ражаб домла ўз вақтида тўлиқ ўқир экан. Мен қаср қилиб жамлаб ўқияман. Товоқсойда тўлиқ ўқиганман лекин, шундан бери қаср ўқийман» дедим.

У ўзи ҳам қаср ўқир экан. У менга «Аввал айтганимдек, салотул асир кассалотул мусофир деган бобни айтиб, бу далил фалон китобни фалон ерида бор» деганди. «Мен ҳанафий мазҳабда эмасман. Менга у бу кимдан бирор нарсани сўрасам албатта, ҳанафий мазҳабида шундай деманг. Менга аниқ ҳадисни кўрсат ва ё шу ҳақидаги турли ҳадисларни айт, ҳанафийни фикрини айтма» дердим. Мен ҳанафийлардан нафратланардим. Аниқроғи ўзини ҳанафийман дейдиган ИАКга хизмат қиладиган динфурушлардан нафратланардим. Мен ҳозир ҳам улардан нафратланаман. Менга ҳанафий деб айтилган фатво худди динфуруш каззобларнинг фатвосидек туюлади.

Бу ҳанафийчилар Ўзбекистон ичида ИАКга хизмат қилиб бизни «Адашганлар» десалар, Афғонда турганлари ҳанафийга кирмаганларни урибсўкиб қамаб қийнашганди. Тохир Йўлдош мутаассиб ҳанафийчи эди. У ўз сафига борган кўплаб одамларни «Шу мазҳабга кирасан» деб қийнаган. Лекин, у ИАКга қарши ҳанафий эди. 2001 йилдан бошлаб Муҳаммад Солиҳ Муҳаммад Юсуф (МСМЮ) ҳам турли туман китоблар нашр қила бошлаганди. Бу китобларда асосан у ўзи қарши бўлган ваҳҳобий имомларни асосан Абдували қори акани қораларди. МСМЮ бутун умр шу кишига қарши бўлиб ўтди. У бу китобларида ҳанафийликка чақирарди. Ҳанафий мазҳабига кирмаганларни «Адашганлар» деб фатво берарди. Ваҳхолонки уни бунга шаръан ҳаққи йўқ эди. Аслида бу қонунан ҳам тўғри эмасди.

Ҳатто, ИАК ҳам ҳатто, мажлислардан бирида, ҳанафийликка тарғиб қилиб гапирганди. Конституцияда эса, «Фуқаролар истаган динга ёки мазҳабга киришга ва кирмасликка ҳақлидир» деб ёзиб қўйилган. Диний Бошқарма, ИАК ва бошқалар на динга ва на дунёвий қонунларга тўғри келмасада, бизни яъни, халқни доим ҳанафий мазҳабига ўзлари тушунган шаклига киришга даъват қилишарди. Бу эса уларнинг бизга нисбатан катта хатоси ва зулми эди. ИАК режимига хизмат қилган кўплаб шахслар ўтган ва ҳозирда ҳам бор. Абдулазиз Мансур, Абдуғани Абдуллоҳ, Абдураззоқ Юнус, Юсуфхон Шокир, Анвар Турсун, Фозил Қори, Раҳматуллоҳ Қосимов ва бошқалар шулар жумласидандир. Буларнинг каттаси эса шубҳасиз шайх МСМЮ эди.

Бу ерда пайтимда Тошкентдаги бирорта яқинларга хабар бериб, улардан пул олмоқчи бўлиб уриндим. Аммо, бунга иложи бўлмади. Ўша ердалигимда озроқ пул топганда сал қорин тўйиб овқат еб олардим. Лекин, бунга имкон бўлмади. Шу аҳволда хуллас бир ойни ўтказиб яна этап билан машинада аввал Тоштурмага олиб боришди. У ердан столипинда Навоий 46 га қайтдим.

Энди зонага келганимда август бошланганди. Зонада ҳаёт ўша—ўша давом этарди.

2002 йил август

Навоий

64/46 сонли ЖИЭМ

Менга айтишларича зонага мен йўқлигимда Юлдуз Усмонова келибдиймиш ва қайсидир ментлар бошқа ерга кетиб ўрнига бошқалар келганмиш ва ҳаказо... янгиликларни эшитдим. Афғонистондаги урушлар ва 2001 йил сентябридаги воқеъларга доир кўплаб кўрсатувлар телевизордан намойиш қилинарди. НАТОнинг терроризмга қарши кураш иддаосида Афғонистонга келиши ИАК учун айтиш муддао бўлганди. ИАК Буш билан учрашишга АҚШга бориб келганди. Яна бир томони шуки, ИАК ўзи қилаётган зулму зўравонликлар нариги афғон шов-шувлари остида кўринмай қолганди.

Лекин, БМТ қийноқлар бўйича маърузачиси Ўзбекистонга келишга тайёрланаётган пайтлар эди. ИАК уни келишига рухсат беришга мажбур эди. Олдин бу ердаги зўравонликларни камайтириш лозим эди. Шу йўналишда олти ойдан бери иш қилинаётганди. Августда ҳам ҳар доимгидек амнистия лихорадкаси бошланди. Лекин, амнистияси августда чиқмади.

13 отрядда Наманганлик Бадриддин амаки деган Жасликдан этап бўлиб келган бир киши бор эди. Ёши олтмиш бешдан ошган бу амаки 159 билан 17 йилга қамалганди. Одатда амнистияларда ёши олтмиш бешдан ошганлар тушиши ёзилган бўлади. Амаки ҳам «Амнистияга тушаманми?» деб ўйларди. У кишини нега 159 билан қамаганлар, ҳеч тушунолмаيمان. Оддий намозхон одам эди у. На ваҳҳобий ва на ҳизбут ва на бошқа нарсани тушунмасди. Том маънодаги оддий намозхон одам эди бу амаки.

Яна битта Хасанхон деган одам бор эди. Бу киши энди Гумбазга қатнаган ва ваҳҳобий деб аталадиган тоифадан бўлган. У ҳам оддий намозхон одам эди. На бир қавмни пешвоси ёки илмли одам эмасди. Унга 20 йил беришганди. Бу киши ҳам Жасликдан келганди бу ерга. Хасан акани инсон сифатида жуда яхши одам деб ҳисоблайман. У одам билан икки йилдан ошиқ бир отрядда бўлган бўлсам, кўриб кузатган хулосам шуки, Хасан ака ажойиб одам эди. У ментларга қарши гапиришга кўрқарди ва имкон қадар кўзга кўринмасликка ҳаракат қиларди. Лекин, уни бу кўрқиши бошқа фазилатларига таъсир кўрсатмасди.

У Тошкентлик бир бойвачча билан бирга яшарди. Бу бойвачча ҳам 159 билан қамалганди. Бойваччани мен «Думалоқ» ёки «Бақалоқ» деб чақирардим. Ҳамма очликдан озиб-тўзиб кетсада, у думалоқлигича қолганди. У доимо кулиб турадиган, соддагина йигит эди. Лекин, унда Тошкентликларга хос кибр бор эди. Хасан ака ва Бадриддин амакилар шу бақалоқ билан семейка эди.

Бақалоқни хотини тез-тез учрашувга келарди. Бақалоқ менга бир куни бир нарсани кўрсатганди. У қанақадир беданани қуритилган гўшти бўлиб, уни асал билан еса одамни жинсий қуввати ошармиш. Бу нарсани у учрашувга кириши олдидан қуёшда қўйиб қуритиб юрарди. Беданани еса шу ердан ушлабди.

Кўпчилик уйланган маҳкумлар учрашувга кирганда хотинларига яқинлашолмай қолишарди. Менда хотинни ўзи йўқлиги учун бу муаммо ҳам йўқ эди. Лекин, улар ўша пайтда бақувватроқ бўлишга ҳаракат қилишарди. Хасан ака бақалокни братухаси эди. Мен уларни доим тортишиб–талашиб юрганига гувоҳ бўлганман.

Бақалок «Хасан ака манақа қип қўйинг, анақа қип қўйинг» деб кетарди. Хасан ака уни айтганини қилиб юрарди. Мен бақалокқа «Сен бойваччалигингга кибр қилма мараз. У одам сени отанг билан тенги» дердим. У олдин наркоман бўлган экан. Кейин қандай қилиб, жиҳодчи бўлиб қолибди. Нимадир қилганми, йўқми, 16 йил срок олиб келганди. Энди у яна ўша аввалги табиатига қайта бошлаганди. 2003 йил декабридаги амнистия билан озодликка чиқди. Кейин эшитишимча озодликда передозировка бўлиб ўлибди. Аллоҳ гуноҳларини кечирсин.

Амнистияга думалоқ ва бошқа ўнлаб диндор маҳкумлар тушган бўлсада, ўша Хасан ака тушмай қолди. У «Тавба хати»ни ёзган бўлсада, барибир туширишмади. Уни уйини ҳам тортиб олишган ва бола–чақаси қийналиб қолган экан. Умуман бировга озори йўқ бу одамни ИАК ни МХХлари нега чиқаришмади ҳайронман. Бадриддин амаки 2003 йилдаги амнистияга тушганди.

Мустақиллик кунига атаб амнистия чиқмади. Аммо, 31 августда зонада яна текин тамоша бўлди. Бу байрамда ҳам ош беришди. Энди зонада янги бир тартиб жорий қилинди. Ҳар бир отрядда ҳафтасига бир соат ҳамма маҳкум ўтириб, тарбиявий дарс эшитиши керак экан. Бу топшириқ умум зона бўйлаб ҳаммага тааллуқли эди. Тарбиявий дарсни олиб борадиган одамни ўзи йўқ эди. Обидхон Асқаров озод бўлганди.

Рустам Усмонов катта мажлисларда дарс қиладиган одам эди. Бизни зовхоз менга келиб «Сен тарбиявий дарс олиб бор» деб қолди. Мен унга «Ўзимда йўқ тарбияни бировга бераманми?» десам, «Мана қуръондан у бу нарсга ўқиб бер» деди. Қуръон ўқишлик энди мумкин эди. Мен «Хўп» дедим. Ҳамма маҳкумлар жамланиб, продолда курсиларга ва ерга ўтириб олишди. Телевизорни ўчиришди. Мен қуръонни очиб маъруза бошладим. Аввал арабчасини ўқиб кейин таржима қилиб борардим.

Ҳаётни кизиғини қарангки, бу ерда мен ўқиган оятларни ўша пайтда озодликда шунча одам йиғиб ўқишлик амри маҳол эди. Ақиқага йиғилганлар 159 билан қамалаётган пайтлар эди. Мен у ерда ўтириб шу ментларни қиладиган ишларига умуман зид бўлган оятларни ўқирдим ва диний маҳкумлар ҳайрат билан тинглашса, ўғри–каззоблар ҳайрон бўлиб тинглашарди. Мен ўша дарсларда Оли Имрон сурасини баъзи оятларини қисқа шарҳлаб тафсир қилганман. Ҳар сафар беш–ўнта оят ўқиларди. Буларни ўқиётиб «Ё роббим, қандай кунларга етиб келдик–а?», деб ҳайратланардим.

Шу зулм зўравонлик остида шу қуйидаги оятларни баралла ўқиб шарҳланса ҳайратланмай бўладими?!

Албатта, Аллохнинг оятларига куфр келтирадиганлар, Пайғамбарларни ноҳакдан ўлдирадиганлар ва одамлардан адолатга буюрадиганларни ўлдирадиганларга аламли азобнинг башоратини бер.

Ана ўшалар амаллари бу дунёю охиратда ҳабата бўлганлардир ва уларга ёрдам берувчилар йўқдир. (Оли Имрон 21 ва 22 оятлар)

Ёки мана бу оятларни ўқиганда диндор маҳкумлар ҳайратланмаслиги мумкинмиди?!

Эй аҳли китоблар! Нега иймон келтирганларни Аллоҳнинг йўлидан тўсиб, қайтарасиз?! Ўзингиз шоҳид бўлиб туриб, у(йўл)нинг қинғир бўлишини хоҳлайсиз?! Аллоҳ қилаётган ишларингиздан ғофил эмасдир. (Оли Имрон 99 оят)

Мен бу оятни шарҳида «Хозир бизни Аллоҳнинг йўлидан тўсаётганлар аҳли китоблармас, ўзини мусумонман деяётганлар тўсаяпти» дея шарҳлардим.

Аллоҳга ва Расулига итоат этинг. Шоядки раҳм қилинсангиз. Роббингиздан бўлган мағфиратга ва кенглиги осмонлару ерча бўлган, тақводорлар учун тайёрлаб қўйилган жаннатга шошилинг. Улар енгилликда ҳам, оғирликда ҳам нафақа қиладиганлар, ғазабини ютадиганлар ва одамларни авф қиладиганлардир. Аллоҳ яхшилик қилувчиларни ёқтиради. Ва улар фоҳиша иш ёки ўзларига зулм қилган чоғларида Аллоҳни эслаб, гуноҳларини мағфират қилишни сўрайдилар, гуноҳларини Аллоҳдан ўзга ким ҳам мағфират қиларди?

Ва улар, билиб туриб, қилган гуноҳларида бардавом бўлмаслар. Ана ўшаларнинг мукофотлари Роббиларидан бўлган мағфират ва остидан анҳорлар оқиб турган жаннатлар бўлиб, улар унда абадий қолурлар. Амал қилувчиларнинг ажри қандай ҳам яхши!

(Оли Имрон 132дан 136 оятлар)

Бу оятлар зулмда ўтирган бечоралар қалбига ором бағишлар ва уларни сабр тоқатли бўлишга ундарди. Айниқса Бўшашманглар! Хафа бўлманглар! Сизлар, агар мўмин бўлсаларингиз, устунсизлар. (Оли имрон 139 оят) ояти мен учун шиорга айланганди.

Мен бу оятни мазмун мағзини ўша пайтда юрак–юракдан ҳис қилганман.

Кейинчалик Европага келиб сайтлар очганимда ҳам бу оят сайтимни тепасига ёзиб қўйилган. Бу оят мен учун ҳаётимдаги энг кўп умидбахш оят бўлганди.

Қизиғи шундаки, бу гапларни гапираётганимда ҳамма маҳкумлар мажбуран ўтириб, эшитардилар. Отряддаги ТСБлар уларни мажбурлаб ўтқазиб қўйишарди. Бу гапларим учун биров калтакламасди, уриб–сўкмасди.

Аслида худди шу гапларни ўша пайтда озодликда айтиш амри маҳол эди. Бу гаплар учун бемалол 20 йил муддат олиб кетиш мумкин эди. Аммо, Аллоҳу Таъоло шунақа имкону шароитлар қилиб қўйгандики, ҳаммамиз хайрон эдик.

2002 йил сентябр

2002 йил сентябрда зонага Президент комиссияси келди. Бу комиссия дабдабаси анчадан бери эшитилаётганди. У зонага борибдиймиш, бу зонага борибдиймиш каби гаплар юрарди. Энди навбат бизга келган шекилли, 46 га келишди. Президент ҳузуридаги Диний ишлар қўмитаси томонидан махсус ташкил этилган бу давлат комиссияси МХХ, СУД ва диний бошқарма имомларидан ташкил топган эди. Бу комиссия қамалган диндорларни қайта тест синовидан ўтказиши ва ким «ҳақиқий экстремист», ким оддий фуқаро эканлигини билиш ва маҳкумлар ичида тавба қилганларни аниқлаши лозим эди.

Бу йилги Амнистия катта бўлишини ва «Бағри кенг» юртбошимиз, «билмасдан», «адашиб», «хато йўлга кириб қолган» маҳкумларни авф этиши мумкинлиги ҳақида зонада кўп гап–сўзлар болалагандан болаларди.

Мен ИАКни ҳар бир ишидан уни шу ишга мажбурлаган сиёсий омилларни ахтараман. Бу комиссия нимага ташкил этилди ва уни вазифаси нимадан иборат эди? Бу нарсаларни ўйлаб охирига етолмасдим. Афғонистонда Толибон режими қулаган ва АҚШ ҳарбийлари бу минтақада сероб эди. АҚШ Кубада Гуантанамо қамоқхонасини очганди. Афғонистонда улар ушлаб олган толибларни ўша ерга жойлаб, қийноққа тутат бошлаганди.

Энди президент Буш Ироқ диктаторини қоралар ва халқаро майдонда Саддамга қарши ОАВ ҳужуми фаол давом этарди. Уни ўз фуқароларига қилган зулму зўравонлиги тинмасдан айтиларди. Аини замонда Саддамни ишини қилаётган ИАК билан мунофиқ Буш кучоқлашиб кўришар ва афғон урушида у билан ҳамкорлик қиларди.

ИАК дунё ҳамжамияти Саддамни қоралаб диктатор деб турган бир пайтда ўзини диктаторлигини яширишга уриниши табиий эди. Бунинг учун у маҳкумларни бир оз камайтириши керак эди. Тео Ван Бовенга ҳам мамлакат зоналарини кўришга рухсат беришга мажбур эди. ИАК бу комиссия зиммасига уч йилдан бери тинмасдан елиб югуриб, ушлаб қамаган диндор фуқароларни «бир оз камайтириш» вазифасини қўяди.

Навоийга келган комиссия таркибида Диний Бошқармадаги «уламолар», МХХ ходимлари, Олий Суд ва Ўзбекистон Парламенти қошидаги инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи давлат қўмитаси ходимларидан иборат, жаъми тахминан 50 тача киши бор эди. Бу қўмига Президент девони ҳузуридаги Диний ишлар қўмитаси раиси исми эсимда йўқ бир ёш йигит раҳбарлик қиларди. Фозил қори Ёсин ўғли бу мансабдан бўшаганди. Қўмига қамоқхоналарга ташриф буюриш ва диний маҳкумлар билан биттама–битта суҳбатлашиш ва ўша суҳбат асосида уларнинг қайсилари Президент чиқарадиган авф этиш Фармони бахтига дохил бўлишга лойиқ ва қайсилари «бу бахтдан» маҳрум бўлишини, бу кимсалар аниқлашлари лозим эди.

Бу комиссия Ўзбекистон қамоқхоналари бўйлаб вилоятма–вилоят сафарга чиққанди. Аввалроқ Тошкент Вилоятларидаги қамоқхоналарга ташриф буюргани ҳақида бизларга хабарлар келиб турарди. Бу 2002 йилда ваҳимаси улкан «Президент Комиссия» деб ном олган гуруҳ таркибидаги уламолар раиси Анвар Турсунов эди.

Қазони қарангки мени семейкамдаги учта Тошкентлик йигитлар шу кимсани маҳалласидан эдилар. У аввал шу маҳалла масжидида имом бўлган ва буларга таълим берган экан. Кейинчалик булар қамалган ва у энди буларни экстремистми, йўқми аниқлаши керак эди. Улар келиши билан зонадаги ментлар алоҳида ҳурмат ила қарши олдилар.

Шу пайтгача бунақа комиссия қамоқхоналарга келмаганди. Бизни қишки клуб олдиға сафға тизишди. Ўғри–каззобларни отрядларга тикиб, кўринмай ўтиришни уқтиришди. Шу куни промка ишламади. Менимча Азиз Бозорович «Дробилкани овози юқори мартабали меҳмонларни безовта қилмасин» деган шекилли.

Зобитларнинг бизга муомаласи бир пасда ўзгарди, улар хушмуомала одамга айланиб қолишди. Тушликдан кейин соат бирларда ТСБ (Тартибни сақлаш бўлими) ходимлари бўлмиш маҳкумлар (Гадлар) бизни – диний маҳкумларни отряд олдида саф тортишга чақира бошлашди. Хуллас, секторлар очилиб, гуруҳ–гуруҳ бўлиб ташқарига чиқа бошладик.

Ҳар бир отрядни олдида отряд бошлиғи ва тезкор бўлим зобитлари назорат қилиб туришарди. Бу сафарги сафда юришни бошқаларидан фарқи шундаки, бугун «Мадҳия» куйламасдан, бемалол юриб бордик. Одатда бирорта сафда юриш Мадҳиясиз бўлмасди. Зимний эстрада деб аталадиган қишки клуб олдиға бориб саф тортдик. Бошқа секторлардан келганлар ҳам навбат кутиб туришарди.

Тахминан 500тача одам муллалар билан учрашувга навбатда турдик. Атрофимизда зонадаги барча зобитлар гирдикапалак бўлиб юришарди. Зона бошлиғи полковник Азиз Бозорович Мардоновни ўзи ҳам у ёқдан бу ёққа югуриб юрарди. Ёнида лўккиллаб, айикқа ўхшаб Санакул юрарди. Уни башараси одатдагидек хўмраймаган бўлсада, лекин у кулмасди. У кулгу нималигини билмай ўтадиган аблаҳ бўлса керак валлоҳу аълам.

Нима бўлар экан деб ҳаммамиз ҳайрон эдик. Лекин, шу бир кун бўлсада, бизга нисбатан муомала ўзгарганига ва озроқ бўлсада дам олаётганимизга хурсанд эдик. Куёш чарақлаб қиздирарди. Лекин, бизга сояға ўтишга рухсат йўқ эди. Тезкор бўлими бошлиғи Шавкат кўлида қоғоз кўтариб олиб, маҳкумларни исм шарифини ўқиб ичкарига таклиф қила бошлади. Ўнтacha маҳкум кириб кетди. Қолганлар кутиб турардик. Шу зайлда ўн–ўн беш дақиқа ўтгач яна шунча одам таклиф қилинди.

У қоғозда кимни исми–шарифи ўқилса, ўша маҳкум сафдан чиқиб ичкарига кириб кетарди. Кейин, улар бошқа эшикдан чиқиб ўз отрядларига кетишарди. Шу зайлда мен ҳам то ўз навбатим келгунича кутдим. Охири «Абутов Муҳаммадсолиҳ» деб қолди. «Мен» деб чиқдим. Битта зобит кўлимдан ушлаб, ичкарига олиб кирди.

Катта залда ўнта ёки ўн бешта стол айланасига қўйилган бўлиб, ҳар бирини ортида уч–тўртта киши ўтирарди. Улар орасида салла ёки оқ дўппи кийган биттаси диний бошқарма вакили экани кўриниб турарди. Қолганлари костюм шим кийган кишилар эди.

Ўртадаги столда Анвар Турсун ўтирарди.

Барча столлар устида ранг баранг ичимлик сувлари ва стаканлар бор эди. Бунақа нарсаларни йиллаб кўрмаган маҳкумлар буларни кўриб ичида ютиниб қўйишарди. Мени зални чеккасидаги бўшаган курсига олиб бориб ўтказган зобит қўлидаги қоғозни мулланинг кўлига бериб кетди.

Курсига ўтиришим билан оқ кийимда, оқ дўппида ўтирган мулла менга кўзойнаги остидан тикилиб қараб, «Ассалому алайкум тақсир» деб, салом берди. «Валекум салом» дедим. Ичимда («Ало ман иттабал ҳудо – Тўғри йўлдагиларга салом бўлсин») деб қўйдим. Ўша пайтда унинг ёнидаги костюм шим кийиб, галстук таққан иккита кимсалар унга бир нарса деб туриб кетишди. Столда мулла билан мен ёлғиз қолдик. Атрофдаги бошқа столларда ҳам ўнлаб маҳкумлар ўтиришар ва олдидаги муллалар билан нималарнидир гаплашишарди.

Мен олдимдаги одамни қаердадир кўрганга ўхшардим–у, ҳеч эслаёлмаётгандим. Бир пайт у қўлидаги мени маълумотларим ёзилган қоғозга қараб ўтириб, «Сиз 159 модда билан қамалмаган экансизу?» деди. «Ҳа, мен қамалган модда бошқа» дедим. «Нега сизни бу ерга таклиф қилишди?» деди. «Билмадим» дедим.

Кейин, нарироқда турган тезкор зобитни чақирди. У келгач, иккаласи четроққа ўтиб, озроқ гаплашишди. Чамада, мулла зобитга «Бу оддий жинойтчини бу ерга адашиб чақирилибди» деди шекилли, зобит унга бир нималарни тушунтирган бўлди. Мулла бир пас зобитни эшитиб туриб, кўнди шекилли, индамай, бош чайқаб столга келиб ўтирди. Менимча, зобит унга «Буни моддаси бошқа бўлсаям сизлар суҳбатлашадиган одамлар жумласидан» деб, тушунтирди шекилли.

Хуллас, мулла кўз ойнагини тагидан менга тикилиб, «Қанча йилдан бери ўтирибсиз?» деди. «8 йилдан ошди» дедим. «Диний таълим олганмисиз?» деб сўради у. «Тақсир менда диний илм йўқ, бирорта диний илм даргоҳида ўқимаганман. Оддий намозхонман» дедим столда турган ранг–баранг ичимликлардан кўзимни узолмай.

«Ҳмм», дея қўлидаги қоғозга қараб ўтирган мулла, «Президентимизнинг олиб бораётган сиёсатларига қандай қарайсиз? деб қолди.

«Мен айтдимку тақсир, мен на диний ва на дунёвий таълим олмаганман. Сиёсат ҳақида гапириш учун уни тушунадиган ўқиган одамлар гапириши керак–да. Мен нимаям дердим билмасам» дедим. Шу пайтда уни телевизорда кўрганимни эсладим. У «Ҳидоят сари» деган диний эшиттириш олиб борувчи кимса эди.

Кўзойнаги остидан менга ўқрайиб қараётган муллага бу гапим ёқмаганини англадим. «Намоз ўқийсизми?» деб сўради у бир пас жимликдан сўнг. «Ҳа, намоз ўқишга рухсат борку, намоз таъқиқланган экстремистик амал эмаску?!» дедим. «Ҳа, албатта», деди у бир оз юмшаган оҳангда. «Намозни қайси мазҳабга асосан ўқийсиз?» «Тақсир мен тўғриси бирорта мазҳабни тушунмайман. Ҳамма ўқиган каби ўқияпман» дедим.

Мулланинг башарасидан кулимсирагани сезилди. «Қайси мазҳабдасиз?» «Ҳмм, шу эл қатори намозхонман. Мазҳабни нималигини билганимда балки, айтардим. Менда бу нарсалар тўғрисида илм йўқ» дедим.

Иккаламиз ҳам яхши тушуниб турган нарсалар устида, ўзаро сўз ўйини қилиб гаплашаётган эдик. Лекин, у мени гапдан ушлай олмаётган эди. Қочириқлар ва сўз ўйинлари яна давом этди.

«Қанча сура ёдлагансиз?» «Озроқ ёдлагандим ёшлигимда, эсимдан ҳам чиқиб кетган ҳозир». «Қорақалпоқда ҳам диний хужралар борми?» деб қолди у, бир пас ўйланиб. Мен унга «Қорақалпоғистонни биласизку, на диний ва дунёвий илм ривожланмаган бир жой. У ерда водийдаги каби, диний уламолар йўқ. Мени ҳам адашиб қамашган аслида. Мен на диний на дунёвий илми йўқ одамман. Мақсадим шу қари ота–онамга хизмат қилишлик, оила қуришлик. Одамларга ўхшаб тинчгина яшашлик», дедим.

Хуллас, мени жавобларим муллани қониқтирмаётгани кўриниб турарди. У кўлидаги қоғозга қараб тез–тез саволлар бера бошлади.

Менинг жавобимга қараб, ўша савол ёзилган қоғоздаги катакларга ёки +, ёки – белгиларини кўярди.

«Қайси диний оқимга аъзосиз?»

«Ҳеч қайси».

«Қаерда ва кимдан диний таълим олгансиз?»

«Ҳеч қайси мадрасада диний таълим олмаганман. Ота–онам намозхонлиги учун ўшалардан ёшлигимда намозни ўрганганман».

«Машҳур диний олимлардан кимларни танийсиз?»

«Тақсир мен Қорақалпоқданман ва айтганимдек, у ерда на бир машҳур диний уламо бор ва на диний таълим бор».

«Водийдагилардан кимни танийсиз?»

«Шу одамлар ҳамма танийдиган касеталарини эшитадиган битта иккитасини танирдим».

«Улар кимлар?»

«Анвар кори Турсунов. Шайх Муҳаммад Содиқни ҳам эшитганман».

«Бошқа яна кимларни биласиз?»

«Абдулазиз Мансурни, яна исмларини унутдим баъзиларини».

«Учрашганмисиз?»

«Ким билан?»

«Ўшалар билан».

«Тақсир мен кичкина одамман. Катта имомларни олдида ўтирмаганман. Узоқдан кўрганман халос».

Диний Бошқарма фаолиятига қандай баҳо берасиз?»

«Энди Диний Бошқармани биладиганлар баҳо бермаса, мен ҳеч кимни танимасам, билмасам нима дейишим мумкин?!»

«Ўзбекистонда диний таълим ва ибодатларга эркинлик берилган..., Шундайми?!»

«Ҳа, мана сиз намоз ўқияпсиз. Демак, рухсат бор эканки, ўқияпсиз».

«Ваҳҳобийлик, Ҳизбут Таҳрир оқимлари ҳақида нима дея оласиз?»

«Мен уларни шу ерда кўрдим. Бирга жазо ўтаяпмиз. Булар ким, нима қилган билмайман»...

Шу орада ҳалиги туриб кетган икки шериги қайтиб келиб ўрнига ўтиришди. Улардан бири менга қараб, «Озодликка чиқсангиз нима қиласиз?» деб сўраб қолди.

«Озодликка чиқсам ота–онамга хизмат қилардим. Уйланардим. Нима қиламан бошқа? дедим.

Мулла эса, кўлидаги қоғозни катакчаларини тўлдириб бўлганди. У ердаги эллитача саволдан менга шу 20 тачаси савол берилди. Шу билан мулла зобитга қараб, «Бўлдик» ишорасини қилди. Менга қараб, «Сиз кетаверишингиз мумкин» деди. Индамай столдан туриб, олдимга келган зобитга эргашиб, залнинг бошқа эшигидан чиқиб кетдим.

Қишки клубдан ташқарига чиқиб, юзимдан тинмасдан оқаётган терларни артдим. Сахро куёши қаттиқ қиздирар, нафас олиб бўлмас эди. Мендан олдинроқ чиққан беш олтита маҳкумлар Муассаса зобитлари билан гаплашиб туришарди. Ташқарида турган зобитлар «Тезда отрядларинга кетинглар» деб буюришди.

Йўлдаги шерикларим билан ўзаро гаплашиб кетдик. Клубдан чиқиб, атрофига тикан сим тортилган секторнинг темир панжара эшигигача икки юз–уч юз метрча йўл. «Ким ким билан суҳбатлашди? Кимга қандай савол тушди?» каби масалаларда ўзаро қисқа гаплашиб бордик. Мени ўйлантираётган нарса, отрядда мен билан бирга «оила» (Семейка) бўлган Тошкентлик биродарлар кимга учрашгани ва натижаси нима бўлгани эди. Клубдаги учрашувда ўшалардан кимдир суҳбатга Анвар қорини олдига тушиб қолганми–йўқми шуни билолмаётгандим.

Бу биродарларни жазо муддатлари 17 ва 20 йил орасида бўлиб, энди бу муддатнинг икки–уч йилини ўтагандилар. Булар учун амнистияга тушишликнинг аҳамияти бор эди. Булар Анвар қорининг маҳалладоши бўлмаганида ва айнан унда ўқимаганида ва айнан Зонага Анвар қори келмаганида ҳам бу унчалик муҳим бўлмасди. Лекин, аксинча бўлгани учун ҳам натижаси қизиқ эди. Бирон соатларда семейкамиз барча аъзоси отрядга йиғилдик. Бир–биримизга қараб кулишиб, ким–кимга учрадию, қандай савол–жавоб бўлганини гаплашдик.

Ёши мендан каттароқ битта биродаримиз Анвар қорига рўбарў бўлиб қолибди. Қори уни танибди. Ҳол–аҳвол сўрабди. Уйдагилари тинч–омонлигини айтибди. У билан деярлик «оғир» савол жавоблар бўлмабди. Иккинчиси, ҳам ундан кейин кириб, айнан Анвар қорининг столига дуч бўлибди. Булар ўз маҳалладошлари бўлгани ва айнан Анвар қорининг ўзи уларга «Ҳизбут Таҳрирнинг» китобидан ҳужраларда дарс берганлиги учун ҳам Анвар қори уларни табиийки, таниган ва улар билан инсоний муомала қилиб, яхши гапириб, ўша қоғоздаги катакларни + қилиб, уларни юртбошининг марҳаматига «лойиқ» қилиб қўйганди. Бу иши уни аллоҳнинг марҳаматига лойиқ қиладими йўқми? бунисини Аллоҳ билади.

Яъни, Анвар қори уларга китобдаги саволлардан бермаган ва уларни қамокдан чиқиб кетишлари учун қўлидан келганича ҳаракат қилган. Тан олиш керакки, бу Анвар Турсунни ўз маҳалладошларига қилган беминнат «яхшилиги» эди. Агар уни ўрнида бошқа кимса ўтириб, ўша саволларни берганида, уларнинг жавоблари уларни Амнистияга тушишга имкон бермаган бўларди. Бу ишни Анвар Турсун ўз шогирдлари олдида виждони қийналгани учун қилдими ёки, у ростданам ИАКни золимлигини яхши биладиган ва билиб туриб, кўрққанидан уни мақтайдиган иккиюзламачими, Аллоҳу аълам.

Лекин, яна битта йигит бошқа бир кишига рўбарў келиб қолган. Табиийки, савол–жавоблар бўлган. Унинг жазо муддати— 20 йил эди. 2000 йилда қамалганди. У ҳалигача ўтирибди.

Бу савол–жавоблар натижаси ўлароқ, 2002 йил декабрда конституция қабул қилинганининг ўн йиллигига чиққан амнистия билан 159 модда билан қамалганлардан ҳар бир зонадан элликдан юзгача маҳкум 2003 йилда озодликка чиқди. Ҳар йили декабрда амнистия чиқар экан, уни ижроси кейинги йил ичида бўларди. 2003 йилда озод бўлганлар 2002 йилги амнистия туфайли эди. Лекин минг–минглаб маҳкумлар муллалар синовидан ўтолмай, турмаларда қолиб кетишди. Уларнинг баъзиларига эса, биринчи муддатлари тугагандан сўнг яна жиноий иш очилиб, қайта муддат қўшиб берилди. Озодликка чиққанларни аксар қисми кейинроқ яна қамалди.

2002 йил октябр

Президент комиссияси келиб кетганидан кейин анчагача гап–сўзлар бўлиб турди. Аммо, ҳали декабргача икки ой бор эди. Ўшангача кутиш даври бошланди. Ҳизбийлар ўзлари орасида, биз ўзимизча ким қайси саволга қандай жавоб берганлигини муҳокама қилардик. Саволларга тўғридан–тўғри жавоб берганлар бор эди. Табиийки, улар амнистияга тушмади. Шунингдек, саволларга ҳийлакорлик билан жавоб берганлар бор эди. Шулардан бири мен эдим. Мен ҳам тушмадим. Саволларга тўла қониқарли жавоб берганлар бор эди, улар тушди. Анвар қори ўзича тўғрилаб ёрдам бериб кетганлар ҳам тушди.

Булардан ташқари Хасан акага ўхшаган астойдил тавба қилганлар бор эди. Улар тушмади. Муҳаммад Бекжон ва Самандар Қўқонов каби сиёсий маҳкумлар ва Муҳаммад Ражаб каби диний арбоблар гарчи ўша саволларга қониқарли жавоб берган бўлсаларда амнистияга тушмадилар. Ўзи бу амнистияга тушиш критерияси ноаниқ эди.

Ўғри–каззобларга эса бу каби тавба тазарруъни умуман алоқаси йўқ эди. Рустам Усмоновга келсак, у комиссия келганида роса хурсанд бўлиб, улар олдида елиб–югуриб ўзини кўрсатганди. У костюм шимда юрар ва худди шу комиссия аъзоларига ўхшарди. У ўзи ёзган «Письмо детям» китобини шу келган комиссия аъзоларига ҳам биттадан тарқатиб чиққанди.

У зонадаги ментлардан берухсат ўзини принтдан чиққан китобини тарқатаётганда Санакул уни олдида чиқиб йўлини тўсмоқчиам бўлганди. Лекин, комиссия олдида одоб сақлаётган Азиз Бозорович унга «Индама» дегандек ишора қилди шекилли, четга чиқиб турди. Уларга Рустам Банкни ўзбошимчалиги ёқмаганди. Бундан ташқари бу комиссияга берилган бу китобни улар ўзлари билан олиб кетишди.

Орадан кўп ўтмай нимадир юз берди. Мен буни «Рустамбанк шу куни ўзини бемалол тутиб, бошлиқдан сўрамасдан китобини тарқатгани учун у ғазабланиб, унга ким бу ерда хўжайин эканлигини кўрсатиб қўйди» деб ўйладим. Аммо, баъзилар «Ўша комиссия уни китобини ўқиб кўриб, қандайдир салбий муносабат билдирган ва бу бошлиққа етиб келгач, унга шундай муносабатда бўлди» дейишди.

Мени фикрим шуки, бу комиссия аъзолари у китобни ўқиб чиққанда ҳам уни мазмуни динга зидлиги учун хафа бўлиб, шу одамга чора кўришни бошлиқдан талаб қилмаса керак эди. Диний идора динга зид нарсаларни кўрганда ҳайрон бўлмайдиган одамлардан ташкил топгандир.

Нима бўлгандаям Рустам Банкни кутубхонадаги ёғли жойидан ишдан бўшатишди. Ўзи ёмон кўрадиган ҳизбутлар орасида баракда ётишга мажбур бўлди. Барча китоблари йиғиштириб йўқ қилинди. Ўзини изоляторга қамашга иккита мент баракка келганда, «Мени чиқариб отиб ташланглар!» деб бақирганини ўзим эшитгандим. Уни изоляторга қамашди, кейин яна қамашди. У амнистияга тушишдан жуда–жуда умидвор эди. У минг марталаб тавбалар қилганди. Кечаю кундуз ИАКни мактарди. Барибир уни амнистияга туширмаслик учун иккита изоляторга ёпишди.

Бечора шунча қилган хизмати ҳабада бўлганидан ғазабланиб, ишдан ҳам мосуво бўлиб, яккаланиб қолди. Шундан сўнг у отрядда ўзи ёлғиз айланиб юрарди. Охири уни Жасликқа зонага этап қилиб юборишди. Мен у одамга инсон сифатида ачинаман албатта. У айби бор–йўқлигиниям билмайман.

Аммо, диний нуқтаи–назардан қараганда у киши мусулмон ҳисобланмасди. Буни ўзиям айтарди. Инсонийлик жиҳатидан эса, одам ИАКга бунчалик подҳалимлик қилиши жуда хунук пасткашлик эди. Уни олдинги муддати тугаганда яна муддат бериб қўйишганлигини эшитгандим. Бу энди ИАКда ҳам заррача одамгарчилик йўқлигига бир мисолдир.

Бу мараз маҳкумларни амнистияга туширганида «Президентимизга раҳмат, бизни кечирдилар. Адашганмиз, тан оламиз» деган гапларни айтишга мажбурлайди. Аниқроғи уни МХХси журналистлардан шуни талаб қилади. Маҳкумлар шуни айтишлари шарт бўлади. Лекин, Самандар Қўқонов ва Рустам Банк кабиларни шунақа тавба қилдириб ҳам озодликка қўйиб юбормайди. Айтиш керакки, Самандар Қўқонов ҳам ИАКни назоратидаги маҳкумдир. Лекин, у Банкирдан кўпроқ ўтирганига қарамасдан ўзини унчалик пастга урмаган. Уни бирор марта ИАКни мақтаганини ва ўзини адашганлигини айтганини эшитмадим. Самандар ака мард одам эди.

Бизга одатда учрашув хонасидан зонага олиб кирадиган талқонни маън қилиб қўйишди. Талқонни барча маҳкумларни яқинлари ҳам киритавермасдилар, баъзи бир маҳкумларнинг уйидан келганда киргизишарди. Уни рўза пайтида еб маза қилиб ердик. Унга ёғ ва шакар аралаштириб, сувга бўктириб қўйса ажойиб нарса бўларди. Талқонни маън қилинишига сабаб бу ердаги наркоманларга талқонга героин аралаштириб олиб келишар экан. Уни текширувда кўз билан билиб бўлмагани учун киргизишарди.

Кейин эшитишимизча шунақа биттасига келган талқонни бир мент унга бермасдан, олиб қўйган экан. Бу ментларни шунақа босқинчилигини ва кўзи очлигини кўрсатишга бу ҳам яққол бир мисолдир. Бу маҳкум ҳам талқонга нимадир аралаштирилганини айтмаган. Албатта айтишга қўрққан. У мент уни уйига олиб бориб, талқонни болаларига едирган. Ўшанда ментни болалари передозировкадан ўлган. Текширсалар талқонга героин аралашган экан. Бу талқонни мент бу ердан олиб борганлиги маълум бўлган. Шундан кейин талқон зонага ўтмайдиган бўлди. Ментни очкўзлиги ўзигаям, норасида гўдакларигаям, бизгаям бало бўлди.

Шу пайтда Герман Жумаев Каттакурганский озодликка чиқиб кетди. Уни ТСБларни каттаси номли лавозими бўшаб қолди. Герман кўп ўтирган ва муддати яқинлашганда, манзил колонияга чиққанди. Бу дегани жазо муддатини оз қисми қолган ва у энди зонадан ташқарига чиқиб ишлайдиган ярим очиқ муассасага кетди. Уни ўрнига бизни отряддаги Давлат деган башараси қоп–қора кишини қўйишди. Бу одам мени землягим экан. Уни келганига бир йил бўлганди. Бу одам аввалига келиб, ҳизблар билан аралашиб юрди. Кейин уни «Ҳизбут бўлдингми?» деб аввал калтаклаб, сўнг изоляторга қамадилар.

Ўша ердан чиқиб, президентга шикоят хати ёзиб почтага ташлади. У хатни менгаям кўрсатганди. Мен унга «Бу хат штабдан нарига чиқмайдику» десам, «Биламан, бу бошлиқни кўрkitиш учун–да» деганди. Хуллас, бошлиқ ростданам кўрқдим, ёки Герани ўрнига одам керак бўлдим бунини олиб бориб, ҳе йўқ – бе йўқ ТСБлар бригадири қилиб қўйишди. Энди у Герани ўтирадиган ерида ўтирадиган бўлди.

Бу одам барибир табиатан колхозчи бўлгани учун қўлига қизил лента боғлаган билан блатной бўлиб қолмас экан. Уни ориқ – қотма башарасидан бу ишга адашиб келиб қолганлигини сезиш мумкин эди. Бу кимса бу ерда анчагача ишлади. У одамларни урмасди, у қандайдир қонунчи одам эди. Одамгарчиликдан бошқа барча қонунни биларди. Гад бўлгач мен билан ҳам саломлашмай қўйганди. Озодликда ҳам кимнидир ёзиб тухмат билан каматган экан. Хуллас, бу кимса профессионал ёзувчи – чақимчи эди. Энди гад бўлди.

Мен унга «Кеча ҳизбут бўлиб юргандингку, бугун нега уларга қарши бўлиб қолдинг?» десам, у менга «Мен буларни тўғри йўлда деб ўйлаб бирга юргандим. Кейин билсам улар мени адаштираяпти экан. Шуниси сезиб қолиб уларга қарши бўлиб қолдим» деганди.

Аслида эса, бу касофат келганида унга ит ҳам қарамагани учун шу ҳизбутларга қўшилиб, улар билан чефир ичиб, сигаретидан чекиб юриш учун уларга яқинлашганди. Кейин кутилмаганда «из грязи в князи» дегандек ТСБ бригадир бўлиб қолди. Ўша ТСБ раиси пайтида зонада маҳкумларнинг иккинчи марта голодовкаси бўлганди. Бу голодовкада бутун зонани шағат қилдиришганда шу гад тепасида турган. Мен буни ТСБ қилиб қўйганидан кейин ўзимча ўйладимки, бу Мардонов аслида жуда қўрқоқ одам экан. У ўзи ҳақида Тошкентга ёмон хабар боришини умуман истамайдиган «трус» бўлган. У қандай қилиб шунча маҳкумни ўлдириб юборганига ҳайронман. Албатта, ГУИНдан рухсат, балким буйруқ берилган бўлса бажаргандирда?!

Мен зонада ҳам шеърлар ёзардим. Бу шеърларни баъзи маҳкумларга ўқиб берардим. Хасан ака баъзида эшитарди шеъримни. Қўшни отрядда Иброҳим ака деган одам бор эди. У кунда – кун ора келиб, очиқ турган ойнадан бошини суқиб, «Янгисидан борми? Саҳвий ғазалларидан эшитайлик» деб қоларди. Бир–иккита шеърим ҳизбутларга аталганди. Бу шеърлар ўша жанжал пайтларда ёзилганди. Буларни Иброҳим ака ўқиса, дарҳол тушунарди. Ўзи у ердаги шеърларимни ким ўқиса ҳам тушунарли эди. У пайтда «Қайтганларданмисан?» деб сўрашлик одат бўлган пайтлар эди.

Мени ёзган бир шеърни номи **«Мен бундай йўллардан қайтганларданман»** деб номланарди.

Эй, мени “уйқу”дан уйғотмоқчи дўст,
Бас қил.–мен “уйқу”дан турганларданман.
Сен мени орзулар қаърига отма,
Мен орзу қилишдан, тўйганларданман.

Сени ҳали орзу–ҳавасларинг кўп,
Ҳали сен тушмаган қафасларинг кўп,
Сен олмаган совуқ, нафасларинг кўп,
Мен бу босқичлардан ўтганларданман.

Мен “улуғ ғоя”лар излаганим йўқ,
Чиқишга қоялар излаганим йўқ.
Ётишга соялар излаганим йўқ,
Қазою–Қадарни билганларданман.

Сен ўз амалидан мағрур одамсан,
Қафасда яшашга мажбур одамсан,
Фақат дунё билан машғул одамсан,
Мен булардан қўлни ювганларданман.

Кимлар фалокатда, кимлар нажотда?
Кимлар пиёдадир, ва кимлар отда?
Шу ёшгача яшаб, ушбу ҳаётда,
Озми–кўпми, китоб кўрганларданман.

Кўзинг ҳақиқатга боқмаса нетай?
Сув пастдан юқори, оқмаса нетай?
Сенга бу сўзларим ёқмаса нетай?
Мен дилда борини айтганларданман.

Суянган “тоғ”ларинг йиқилса – агар,
Қуруқ сафсатага дил тўлса – агар,
Ўз дилинга сўзинг зид бўлса – агар,
Мен бундай йўллардан қайтганларданман.

Сен мени “холис сўз айтмади” дема,
Ё “айтган сўздан, қайтади” дема,
Ё “тикан симлардан кўрқади” дема,
Тикан сим ортида юрганларданман!

Яккаю–ёлғиздир Худойим мени,
Бандаликдир ишим, ҳар доим мени,
Кўп бўлсада гарчи, хатоим мени,
Ҳақ раҳматига кўз тутганларданман.

Бас, етар турли хил таъна маломат,
Яқинлиги аниқ, келгай қиёмат,
Ҳақ билур, ким борар имон саломат,
Мен ҳам умид қилиб, кутганларданман.

Бу шеърни Иброҳим ака ўқиб маза қилиб кулдида, «Баракда ўқиб бераман» деб олиб кетди.
Бу шеърни Акмал хизбий ўқиб кулган ва «Буни менга атаб ёзибсиз–да» деганди. Бу шеърни
ёзилган қоғоз парчасини шмонда ментлар топиб, олиб кетганди. Орадан анча ўтгач, бир
опер бир куни менга учраб қолганда, «Тикан сим ортида юрганларданман денг», деб қолди.
Мен унга «Бу нима гап командир?» десам, «Бу сени шеъринг–да» деди тиржайиб.

Бу шеър ўша пайтда маҳкумлар ичида машҳур бўлган эди.

2002 йил ноябр

2002 йил 5 ноябрда рамазон кирди. Ўша пайтларда рамазон қиш кунларида келарди. Бу
биз маҳкумлар учун катта енгиллик эди. Биз бу рамазонни Аллоҳнинг мадади ила амаллаб
тутдик. Бу рўза ҳам фақат ифторлик еб тутилган рўзалар жумласидан эди. Ужинда
ифторлик ейиш мумкин бўларди.

Соат ўнда отбой олдидан яна ҳар ким борини ўртага ташлаб, нимадир ейиш имкони бўлса, ейиларди. Бўлмаса демак шу ифтор билан яна рўза тутардик. Рамазонда рўза тутишга ментлар қаршилиқ қилмадилар. Лекин, шароит ҳам яратмадилар. Ўтган йили қасам ичганларни каффорати учун уч кун рўза тутишганда уларга алоҳида шароит қилиб беришганди.

Аммо, бу фарз рўзани тутишга умуман шароит йўқ эди. Биз ошхонада овқатлар олдида ўтириб, емасдан қайтардик. Рўзадор маҳкумларниям ошхонага боришга мажбурлашарди. Овқатни баракка олиб кетиш ва кечкурун ейишга рухсат йўқ эди. Баъзан эплаб нонни олиб борардик. Баъзида йўлда тўхтатиб, шмон қилиб, нонни ҳам териб олишарди. Қонунга кўра маҳкум баракда нон ейиши мумкинмас экан, кечаси туриш ва овқатланиш мумкин эмасди. Овқатни ўзи йўқ эди. Рўза негадир осонроқ ўтганди шу йил. Қиш кунлари бўлгани учунми, кундуз узоқ эмасди, иссиқ эмасди. Бу рўзаларни бугун эслаб, қандай тутганимизга ҳайрон қоламан.

Оммавий очлик пайтида рўза тутишлиқ баттар очликка маҳкумлик эди. Лекин, Аллоҳ ўша пайтда ўзи ёрдам бериб қўяр экан, рўзаларни амаллаб тутардик. Мен Навоийда чиққанимда гарданимда қазо рўза йўқ эди. Албатта, «Бу рўзаларда кундузлари тақводорлик ила кунни ўтказдик» деган иддаодан йироқман. Ўша аҳволимиз билан рўза тутардик. Жунуб бўлиб қолсак, ювиниш имкони йўқ эди. Лекин, ғусл нияти билан таяммум қилиб, рўза тутардик. Албатта, бу дегани «Ҳамма диний маҳкум рўза тутди» дегани эмас, тутмайдиганлари кўпроқ эди. Озодликда, уйда юриб тутмайдиганлар эса, унданда кўпроқ эди.

Ноябрда мени ўн суткага изоляторга қамашди. Бу мени бирорта айбим туфайли эмас, отрядникка мени қамаш ҳақида штабдан буйруқ келгани учун эди. У айб тополмаса, ўзи уюштирарди. Менга «Отрядник чакиряпти» дейишди. Келсам гадлар «Сен шу ерда ўтириб тур, у ҳозир банд» дейишди. Ўша ўтирган еримга отряддаги гейлардан биттаси келиб менга ўчакиша бошлади. Мен булар бир нарсани махсус тайёрлашаётганини сездим. У мен ўзини уришимни кутишарди. Одатда гейлар бизларга умуман гапирмас ва биздан узоқроқ юришарди. Улар ўғри–қаззоблар орасидан клиент излашарди. Ўшаларга кўзини сузишарди. Мен уни «Кет бу ердан, мараз» деб, ўтирган проходимдан ҳайдаб чиқардим.

Шу пайт отрядникни эшиги очилиб, «Нима бўлаяпти?» деб чиқиб келди. Гей унга «Бу одам мени урди» деб яна бир қанча тухматларни гапириб ташлади. Мен отрядникка қараб «Демак мени қамашга буйруқ бўлган экан–да» дедим. У менга «Кабинетда гаплашамиз» деб хонасига олиб кирди. Ўша ерда мен унга, «Командир бу ўйин керакмас, мени қамашлик буюрилдими?» дедим. У «Ўзингиз биласизку, шу қоғозга қўл қўйинг» деди. Бу отрядник мендан ўн ёш кичик бўлиб, янги келганди, сизлаб гапирарди. Зонада мана шундай қилиб, кўп маҳкумларни қамаганларини биламан.

Бу гейлар зонада уялмай–нетмай баракни бир четида кучоқлашиб ётишарди. Бу ифлосларга биров гапирмасди. Бу зонада калтакни фақат биз ердик. Булар маза қилиб яшарди. Менга «Маҳкумни урдинг» деб беш сутка беришди. Шу пайтда бизнинг отряддаги Алишер олдинроқ қамалганди. Мени у ётган камерага олиб киришди. Унга ўн беш сутка берган бўлиб, ўнтаси қолганди. Менга ўн сутка берилганди.

Шу ерда ўн сутка бирга ўтирдик. Бу камерага кирганимдан уч кун ўтгач, берадиган пайка нонни камлиги учун ментлар билан жанжаллашиб, «Нонни граммини ўлчаб кўрсат» деб талаб қилдик. Алишер қизикқонроқ эди. У ментни чақириб сув сўраганда, дубах келмади. Жаҳли чиқиб эшикни тепиб, бақириб турганда мент келиб дарчани очди ва кружкани узатди. Алишер кружкани олиб уни устига тешиқдан сепиб юборди. Дубах сўкиниб кетди. Ярим соатдан сўнг Салим мўйлов начальник режимник кирди. У аввал менга қараб келиб «Сен бу болани йўлдан ургансан» деб мени мушти билан уришни бошлади. Мен унга гапиришга ҳам қўймасдан қўли билан роса урди. Кейин Алишерга қараб униям урди. Хуллас, калтакни еб ўтирдик.

Тушликни олиб келганда қабул қилмадик. Ментга қараб «Биз очлик эълон қиламиз» дедик. Ужинда каша олиб келганда Салим келди. У бизга қараб «Мискани олиб камерада қўй, емасанг ема» деди. У мараз одамни қийнашни биларди. Биз унга «Тарози олиб келиб, шу нонни ўлчанглар, бу қонунда белгиланган миқдордан кам. То шуни қилмасанглар овқат емаймиз» деб турдик. Шундан кейин ужинни овқати, то эрталабгача камерада турарди. Биз оч–наҳор унга тикилиб, емасдан ўтирардик.

Эрталабки овқат берилганда ужиндаги мискани олиб кетиб, янгисини қолдирарди. Биз унга қараб, ҳидини ҳидлаб, оч ўтиришга мажбур эдик. Шундай қилиб у овқат ва нон тушгача турарди. Тушда тушлик кирар ва у кечгача турарди. Оч бўлган ҳолда, ёнида овқат турган ҳолда уни емай ўтиришлик азоб устига азоб эди. Биз сўзимизда туришимиз учун ҳам уни емасдик. Бу каттиқ синов бўлганди. Ичлар қотиб ҳожатга боролмасдик. Жуда қийин аҳволга тушдик.

Ментлар гарчи бизга сир бой беришмасада, кузатиб туришарди. Бизни муддатимиз тугашига икки кун қолганди. Биз уч кундан бери овқатга тикилиб, оч ўтирардик. Хуллас, учинчи куни битта мент келиб бизга, «Сизлар шу овқатни енглар, мен нонни ўлчаб бераман» деди. Биз унга «Ўлчаб кўрсатинг» дедик. У бизни камерада олиб чиқди. Пайка нонни олиб ярмини кесиб, ўлчади. «Мана фалон грамм чиқди. Мана бу қисми билан пистон грамм бўлади. Бу қонунда кўрсатилган миқдор. Сизлар емай қолган кунлар учун ҳам нон бердираман. Лекин, ҳозир овқат ейсизлар» деди.

Бизга шу керак эди, ейишни бошладик. У бизга икки буханкадан нон берди. Лекин, бу нонни камерада ея олмадик. Уни изоляторда сақлаб қўйишди. Озодликка чиққач, отрядга ҳар биримиз иккита буханкадан нон кўтариб бордик. Бу бир қизиқ ва унутилмас воқеа бўлган эди.

Бу зонадаги сиёсат тушунарсиз эди. Маҳкумларга тавба қилдириш ва амнистияга тушсин деб ҳаракат қилиш билан бирга уларни қамашлик давом этарди. Зоналарда доимо кураш давом этади. Зоналар ҳеч қачон сокин турмайди.

Ментлар ва маҳкумлар орасидаги доимий кураш майдонидир зоналар. Гадлар ҳам ментлар тарафидаги кимсалардир. Озодликда ҳам ҳукумат халқ билан домий кураш олиб борарди. Озодликда гадлар ўрнига посбонлар пайдо қилинди. Халқ билан Ҳокимият ва МХХ, ИИБ, СУД ва Прокуратура курашади доим.

Бутун Ўзбекистонни катта бир зонага ўхшатаман. ИАК бу зонани бошлиғи ҳисобланади. Биз эса шу кичик зонадан каттароқ зонага чиқишни орзу қилардик. Катта зонани бунданда баттарлигини билмагандим. Катта зонада на иш, на пул йўқлигини ва у ёқда ҳам битмас тугамас муаммолар борлигини англамасдим. Катта зонада газ, ток ҳам йўқ эди. Кичик зонада ток бор эди. Бараклар одамларни дамига қизсада, ток ўчган эмас. Зонада ток ўчиши билан тревога бўлади. Маҳкумлар ётиб олиши шарт бўлади. Тезда движокни қўшиб светни ёқишади. Светсиз қолган зоналар хавфли бўлади. Маҳкумлар исёни айна шунақа пайтда бошланади. Ментларни уриб ўлдиришлар шундай пайтда содир бўлади. Шу сабабли свет ўчганда ментлар баракка кирмайдилар.

Қизил Хоч ва Қизил Ярим Ой қўмитаси 2002 йилда Ўзбекистон Ички ишлар Вазирлигининг муттасил назорати остида мамлакатдаги қамоқхоналардан тўққизтасида текширув ишлари олиб борганди. Зоналарга яна Қизил Хоч ташрифи давом эта бошлади. Уларни учинчи сектордан ҳайдаб чиқаришгандан кейин икки ой ўтиб яна қайтиб келишди. Хочга маҳкумлар ҳам ментлар ҳам ўрганиб қолишганди. Уларга аввалгидек унчалик катта эътибор қилинмасди. Уларни фаолиятидан конкрет бир фойда борлиги сезилмасди. Албатта, аввалги ташрифи олдида жиддий ўзгаришлар бўлгани рост гап. Овқатлар улар келгандан кейин анча тузалганди. Улар келганда гўшт еганмиз. Улар кетгач калла почани тозалаб беришарди. Бу энди зонанинг бори шу эди.

Зона ошхонасига деворига маҳкумларнинг бир кунлик овқат меъёри кўрсатиб қўйилган. Унга кўра бир маҳкум бир кунда фалон грамм гўшт ва фалон грамм нон ва картошка ейиш керак экан. Лекин, бу граммларни овқатни ичидан тополмас эдик. Турган битгани фирибгарликдан иборат эди. Ёлғон ва фирибгарлик ҳукмрон муҳит ичида яшардик. Зулм ва адолатсизлик остида яшардик. Озодликдаги халқ аҳволи ҳам биздан ортиқ эмасди.

Биз ҳалиям шу эрталабки ва кечки текширувларда мадҳия куйлардик. Аммо, энди алоҳида диний маҳкумларни барак олдида эрталабдан кечгача куйлатишмасди. Бу энди ўша демократия ўйини бошланганда тугаганди. Намозлардан эрталабки намозда проблема бор эди. Бошқа намозларни тик туриб рукуъ ва саждаси билан, аммо қаср қилиб жамлаб ўқирдик. Бизга хайит намозини секторни ичида жамоат бўлиб ўқишга ҳам рухсат беришганди. Аввалига иккита хайитни шундай ҳар секторда алоҳида жамоат бўлиб ўқидик. Охирги марта стадионга чиқиб, ҳамма бир жамоат бўлиб ҳам намоз ўқилди. Бу декабрни бошида бўлганди. Ҳаво совуқ эди. Аммо, буларни бари ўша пайтда қизил Хоч ва Тео Ван Бовен келиши сабабли бўлган эди.

Кейинчалик 2005 йилги Андижон исёнидан кейин ИАК Қизил Хочни киргизмай қўйди. Зоналарда яна намоз ва рўзага яна запрет қўйилди. Яна калтаклар бошланди. Аммо, буни мен кўрмадим. Буни ўша ердаги биродарлар олдида бориб келган яқинларидан эшитдим. 2009 йили Қизил Хочга яна киришга рухсат берди. Лекин, бир йилга бормаи яна киргизмай қўйди. ИАК халқаро ташкилотлар билан ит мушук ўйини ўйнади. Лекин, диктаторга АҚШ ғиринг демасди. Чунки, у АҚШни Афғон урушида қўллаб–қувватлаган иттифоқчиси эди.

2013 йил апрелида Халқаро Қизил Хоч қўмитаси раҳбари Ив Даккор ўз ташкилоти Ўзбекистон қамоқхоналарига боришни тўхтатганини эълон қилиб, бунга маҳкумларни бориб кўриш йўлида турли хил тўсиқлар қўйилаётгани сабаб бўлганини билдирган.

Ҳозиргача уларга зонага киришга рухсат берилмаган. Ташқаридан бегона кўз кўрмайдиган пайтда, зоналарда маҳкумларга турли хил қийноқлар қўлланиларди. Шунинг учун ҳам халқаро ташкилотларни зонага киритмай туришарди.

2002 йил декабр

Зонада 2002 йил 4 декабрда рамазон хайити бўлди. Бу хайит билан Конституция куни ораси атиги 4 кун эди. Шунга табиийки, ошни 8–декабрда беришди. Рамазон хайитида эса стадионда намоз ўқишга рухсат бўлди. Декабр ойида бсида Конституциянинг 10 йиллигига атаб Амнистия чиқди. 8 декабрда яна байрам бўлди. Хуллас, бу байрамлар кўп эди шу декабр ойида. Янги йилгаям озгина қолаётганди.

Амнистия чиққанда одатдагидек ҳаммани тўплаб бошлиқ маъруза қилди. У бу амнистияни ижро этиш бўйича алоҳида кўрсатма келишини ва шунга қараб бу фармон ижро қилинишини айтди. «Ҳозирча биз аниқ билмаймиз ким амнистияга тушади, ким тушмайди» деди у.

Табиийки, 8 декабрда зонада ҳар доимгидек байрам бўлади. Ошхонада ош берилди. Секторлар очилиб, маҳкумларга бошқа отрядларга бориб, ўз таниш–билишини кўришга имконият туғилди. Клубда Рустам Банкдан кейин қолган маданият арбоблари концерт дастури қўйиб беришди. Хуллас, ҳаммаси одатдагидек бўлди. Фақат бизни мажбуран совукда қалтираб ўтирганимизни айтмаганда шов–шувли байрам куни шу билан тугади.

Шу пайтларда БМТ қийноқлар қўмитаси махсус маърузачиси Тео Ван Бовен Ўзбекистонда юарди. Уни юрганлигини биз билмасдик. Бунақа нарсалар биздан сир тутиларди. Унга кўрсатиб қўйишлик учун бўлса керак, Амнистия Фармони чиқиши билан тезда, Тошкент атрофидаги зоналардан аввалдан тайёрлаб қўйилган, тавба тазарру қилган диндор маҳкумлардан бир гуруҳини чиқариб юборишди. Ҳар куни ТВда озодликка чиқаётган ва ИАКга раҳмат айтаётган маҳкумлар кўрсатиларди.

Тео Ван Бовен қайси зоналарга бориши аввалдан белгиланган бўлади шекилли, у ўша зонага боришидан олдин зонани тайёрлаб олишарди. Бу одам кўрган кечирганларини жаҳон минбаридан чиқиб гапириш ҳуқуқига эга эди. Унга зоналарни яхши қилиб кўрсатиш керак эди. МХХ ва Алматов шунга тиришарди. Лекин, у одам анойи эмас экан.

У вазиятдан олдиндан хабардор бўлган ҳолда келганди Ўзбекистонга. Уни келиши сабабидан зоналарда зулм–зўравонликлар бир мунча камайган. Овқатларни сал куюқлашганди. Гадлар бизни алоҳида қийнаб урмасдилар. Бомдоддан бошқа намозни ўқишда муаммо йўқ эди. Буларни барчаси шубҳасиз Аллоҳнинг ёрдами эди. Бунга сабаб Тео Ван Бовен ва ундан олдинроқ ташриф қилишни бошлаган Қизил Хоч жамияти бўлганди.

Халқаро майдонда ўзгаришлар ИАКни ўз қатағон сиёсатини юмшатишга мажбурларди. Ўша пайтда Халқаро майдонда АҚШ бошчилигида яна бир фитна тайёрланаётганди.

Лаънати Буш отаси йиқитолмаган Саддам режимини йиқитишга бел боғлаганди. Бу фитна олдида Саддамни қоралаш кампанияси давом этар ва уни асосан инсон ҳуқуқини поймол қилаётганликда айблашарди. АҚШни иккиюзламачилиги шундаки, уни ўзи ўша пайтда Гуантанамода турма очиб, АҚШ қонунчилигига умуман зид равишда, Афғонистонда ушланган толибларни ўша ерга олиб бориб, турли туман қийноқларга дучор қиларди.

Айни дамда Саддамни диктатор деб қоралаб, ундан баттар диктатор ИАКни ўзига ҳамкор санарди. Буш даври АҚШ тарихидаги энг катта фитналар даври бўлди. Буш даври АҚШни Ислом оламида бор обрўсини тушишига сабаб бўлган давр эди. Буш даври АҚШни, иккиюзламачиликни ошкора қиладиган даври эди.

Саддамни оммавий қирғин қуроли ишлаб чиқарган деган, иддао билан унга қарши урушни қонунийлаштирилган бўлди. Аммо, унда бунақа нарса йўқ эканлигини улар билишган. Кейинчалик «Бизга МРБ (ЦРУ) хато маълумотлар тарқатган» деган сафсаталар айтилди. НАТОнинг оғир қуроллари Форс Кўрфази атрофидаги АҚШ билан иттифокдош давлатлар ҳудудига олиб бориладди.

Ироқ режимига қарши уруш бўлиши тобора аниқроқ бўлганди. Бу урушни қўллаб қувватлайдиган давлатлар рўйхати телевизордан эълон қилинганда, улар орасида Ўзбекистон ҳам бор эди. Мен буни телевизордан кўриб ҳайрон бўлгандим. ИАК ўзи диктатор бўла туриб, ўзи каби диктаторга қарши урушни қўллаб қувватларди. Буниси қизиқ эди?

Ўша пайтда БМТ бош котиби бўлган Кофи Аннан бу урушни халқаро қонунчилик нуқтаи назаридан ноқонуний деб атаганди. Англия Бош Вазири Тонэ Блэр 2015 йилдаги CNN телеканалига берган интервьюсида ўша урушни хато бўлганлигини ва шу уруш оқибатида Ироқда фитналар пайдо бўлиб, охир оқибат ИШИД пайдо бўлганини тан олган эди. Аммо, булар кейинги гаплар эди. Ҳозир эса 2002 йил декабр ойи бўлиб, халқаро майдонда Ироққа қарши урушга тайёргарликлар давом этарди. Ўзбекистон турмаларида БМТ маърузачиси айланиб юрарди.

Қийноқларга қарши БМТ қўмитасининг Қийноқлар бўйича махсус ҳисоботчиси жаноб Тео ван Бовен ҳисоботи 2003 йил март ойида эълон қилинганди. Тео Ван Бовен ўз ҳисоботида Ўзбекистон қамоқхона ва ҳибсхоналарида қийноқлар мунтазам қўлланишини айтган эди.

Халқаро инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи ташкилотлар кўмагида ўзбек ментларини инсон ҳақ-ҳуқуқини риоя қилишга ўргатиш бўйича "Қамоқхоналарда инсон ҳуқуқларига риоя этилиши халқаро норма ва стандартлар» номли семинарлар ҳам бўлиб ўтган. Унда зоналардаги ментларни ўтқазиб, чет эллик экспертлар маърузалар қилишган. Ўзбек ментлари учун маҳкумларни урмаслик имконсиз эди. Улар урмасдан ишлаш мумкинлигини билмасдилар.

Жазони ижро этиш кодексида маҳбусларга нисбатан куч қўллаш учун махсус рухсат берувчи моддалар бор.

69-модда. Маҳкумларга нисбатан жисмоний куч ишлатиш

Озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахслар томонидан содир этилаётган жиноятлар ва ҳуқуқбузарликларни тўхтатиб қолиш мақсадида, шунингдек уларни ушлаш чоғида, агар бошқа усуллар билан муассаса маъмуриятининг қонуний талабларини таъминлашнинг иложи бўлмаса, маҳкумларга нисбатан жисмоний куч ишлатилиши мумкин. Жисмоний куч ишлатиш натижасида маҳкумлар ҳаёти ва соғлиғига зарар етказилган ҳар бир ҳодиса ҳақида прокурорга хабар қилинади

70-модда. Тинчлантириш қўйлагини қўллаш

Маҳкумларга нисбатан, агар улар жазавага тушсалар, тинчлантириш қўйлагини қўллашга йўл қўйилади. Тинчлантириш қўйлаги тиббий ходим иштирокида қўлланилади ҳамда уни қўллаш муддати икки соатдан ошмаслиги керак. Тинчлантириш қўйлаги вояга етмаган маҳкумларга ва маҳкума аёлларга нисбатан қўлланилмайди.

Бу моддалар ўзбек ментларига маҳбусларга қарши куч ишлатишликка қонунан рухсат берарди. Улар урмасдан сўкмасдан иш қилолмасдилар. Улар совет тузуми тарбиясини олган махлуқлар эди. Дунёнинг бирор давлатида маҳбусни уришликка рухсат берувчи қонун йўқ. Бор бўлса ҳам мен билмайман. Лекин диктатор ИАК бошқараётган давлатда шундай қонун бор эди.

IV қисм

2003 йил январ

Зонада кириб келаётган янги 2003 йилни кутиб олиш билан бу ой бошланди. Ҳар доимгидек янги йил зонада байрам бўлди. Декабрда еганимиз учун ош берилмасада, шу куни дам олиш куни бўлди. Ўзимизни «артист»лар қўшиқ куйлашди. Бу сафар қўшиқчилар антиқа услуб топишган экан. Бу услубга кўра элликтача маҳкумни уч қатор қилиб сафга териб қўйишади. Биринчи сафдан иккичи сафни бўйи узунроқ бўлади. Иккинчи сафдагилардан учинчида турган бўйи узунроқ. Булар бўйнига капалаксимон галстук тақиб олиб, у бу қўшиққа жўровоз бўлиб туришди.

Юлдуз Усмоновани «Ҳеч кимга бермаймиз сени – Ўзбекистон» қўшиғини магнитофондан қўйишганда, булар ўша охириги жойида «Ҳеч кимга бермаймиз сени – Ўзбекистон» деб бақирарди. Биз эса ҳайрон эдик. Ўзбекистонни биров олиб кетмоқчими бир ёққа? Биров менга бер деярми? Бу беъмани қўшиққа тушунмаганман. Давлат мактаган шоир Муҳаммад Юсуф бу шеърида нимани назарда тутган билмайман. Менимча у киши озроқ пахта қўйиш мақсадида ёзган бўлса керак. Бу ерда бошқа ҳеч маъно–ю, мантиқ кўринмайди. Амнистия Фармони ижроси амалга ошира бошланди. Ҳар ҳафтада бир гуруҳ маҳкум амнистия актига кўра озод қилинарди.

Биринчи ойларида чиққанларни албатта Марказий Телевидения ва Навоий Вилоят телевидениясидан келиб суратга олишган. Уларга аввалдан қоғозга ёзилган матнни бериб ёдлатишган. Кейин улар шу текстни камерага қараб ўқиб берганлар. Бу текстни ўқишлик диндор маҳкумларга анча қийин эди. Дабдабали гаплардан иборат бу текстда маҳкум энг аввало ИАКга катта раҳматлар айтиши керак эди. Кейин зона бошлиқларига раҳмат айтарди.

Адашганлигини тушунганини ва энди мустақиллик учун хизмат қилишини таъкидлаб гапирарди. Бу энди ўта кулгули ва турган битгани фирибгарликдан бошқа нарса эмасди. Мени семейкамдагилар ҳам амнистияга тушишганди. Анвар Турсун буларга ёрдам берганди. Энди шу камерага қараб, матн ўқиш балосидан қутулиш қолганди. Ўзи бу камерачилар аввалги этапга келишар ва кейингиларини индамасдан чиқариб юборишарди.

Мени шерикларим ҳаммаси озодликка чиқиб кетишди, биттаси қолди. Уни бошқа отрядга ўтказиб юборишганди. Мен бошқа маҳкумлар билан яшай бошладим. Амнистия Сурхондарёнинг Сариосиё ва Узун тумани тоғларидан келган тожикларга ҳам текканди. Тожиклар хурсандлик билан ИАКни мақтаб–мақтаб чиқиб кетишди.

Қирғизистондан ҳам бир неча маҳкум бор эди. Уларни МХХ ушлаб бошига қоп кийдириб, чегарадан олиб ўтиб, 159 модда билан 20 йилга қамаган экан. Қарангки, ўзбек МХХлари учун на чегара ва на давлат дахлсизлиги бир пул экан. Мен уларни кейинчалик Россиядан ҳам ўнлаб диндорларни ўғирлаб олиб кетишганлигини эшитганман. Мени ҳам ўғирлашга уринишганди. Бу МХХлар учун чегара ва қонун бўлмас экан.

Қирғизистоннинг ўзбеклар яшайдиган районларидан ўғирлаб келтирилган йигитлардан бири бизни отрядда эди. Уни исми Хусниддин эди. Мен уни «қирғиз» дердим. У кўриниши қирғизга ўхшаб кетадиган ўзбек эди. У бўйи пастроқ қорамағиз бўлиб доим кулиб турарди. «Қирғиз» бу зонага Жасликдан этап билан келганди. У Жасликда кўп калтаклар еб, кўп азоблар кўрганди. Бу ерда ҳам ундан кам азоблар кўрмади. Хусниддин юмшоқ, содда, қандайдир майин эди.

Ментлар одатда амнистияга тушган маҳкумларни штабга чақириб, «Бугун озодликка чиқасан» деб айтишарди. У озодликка чиқиши хабарини билиб келганида жуда хурсанд эди. У хаяжонда йўлида дуч келган маҳкум билан кучоқлашар, рози ризолик сўрар ва ҳатто ТСБ гадлардан ҳам узр сўрарди. У ўзида йўқ хурсанд эди. У довдирарди.

Чиқиб кетаётганида шунақа йиғладики, мен бунақа кўз ёш тўккан одамни олдин ҳеч кўрмагандим. Мени кучоқлаб «Рози бўлинг ака» дерди. Мен унга қараб «Қирғиз йиғлама. Сенга нима бўлди?» дердим. У ўзини тўхтатолмасди. Бу қувонч кўз ёшлари эди. Хусниддин «қирғиз» мана шундай хайрлашиб чиқиб кетди.

Бу катта амнистия эди. Бу билан кўплаб йилларга қамалган маҳкумларни тавба қилганлари озод қилинди. Баъзиларни пул эвазига «Тавба қилган» деб озод қилишди. Хуллас, ўша пайтда диний маҳкумларни учдан бир қисми ё шунга яқинроғи озодликка чиққанди. Қолганлари эса анча мунча эди. Булар тавба қилмаганлар ва тавба қилсада тавбаси қабул бўлмаганлар эди.

Бу пайтда ҳали зонада ҳафталик дарслар давом этарди. Бу дарсларни бошқа одам йўқлиги учун мен олиб борардим. Бу дарсларда юқорида айтганимдек Оли Имрон сурасидан дарслар қилинганди. Ўша пайтларда шеърлар ёзардим. Бу шеърларимни мазмунига кўра, ташқарига олиб чиқишга рухсат беришмасди. Буларни олиб чиқиш менга муаммо эди. Менга буларни шу ерда сақлаб туриш ҳам муаммо эди.

Шмонлар бўлиб баракларни остин–устун қилишарди. Баъзида уни олдиндан билиб қолиб, дафтарни ташқарига бирор ерга яшириб кетардим. Одатда шмонлар бизни стадионга ҳайдаб бориб, кейин қилинади. Биз келганда остин–устун бўлиб, бирор нарсангизни топиш амри маҳол бўларди. Матрасларни ичигача титиб ташлашарди.

Мени дафтарларимни олдин промкада сақлардим. Ишдан қолганимдан сўнг уларни асраш муаммо эди. Тумбочкамни тагига бир амаллаб ёпиштириб устига тахта қўйиб яширганман. «Барибир булар бир кун топиб олади» деган қайғуда эдим. Шу орада Товоқсойдан укам озодликка чиққани хабари келди. Аллоҳга ҳамдлар айтдим. Бу хабарни эшитганда ҳам бир шеър ёзгандим. Аммо, мен шеърларим ичида ўзим энг ёқтирадиган бир шеъримни эътиборингизга ҳавола қилмоқчиман.

Бу шеър ўша амнистияга тушиб кетаётганда йиғлаганларни кўриб ёзилган эди.

Йиғламоқ осон эмасдир, эй жигарбандим эшит,

Мулки дил садпора бўлгач, дийдасидин нам келур,

Машраб.

Йиғлатар:

Хаётимда кўп синадим, одамни
Меҳр муҳаббату, эҳсон йиғлатар.
Аслида йиғламоқ, осон эмасдир,
Инсонни, доимо, инсон йиғлатар.

Таърихдан ҳам ибрат олмоқлик керак,
Қуръон берар, Фиръавн, Намруддан дарак,
Салтанат соҳиби бўлса, тош юрак,
Зулм қилиб халқни, султон йиғлатар.

Юртда фитналар кўп бўлди, огоҳсиз,
Тутиб қамайдилар, исбот гувоҳсиз,
Бадном бўлса одам, ҳеч бир гуноҳсиз,
Ноҳақ бўлса, тухмат бўҳтон йиғлатар!

Бу замонда, қадрин йўқотди имон,
Хор бўлди мўминлар, хор бўлди қуръон,
Жабру-зулм кўрар, қанча мусулмон?,
Золимга йўл бериб, замон йиғлатар!

Турмаларда ётсанг, хор маҳкум бўлиб,
Эрку ихтиёрдан ҳам, маҳрум бўлиб,
Дину имон учун, бир, мазлум бўлиб,
Калтакларнинг зарби, зиндон йиғлатар.

Қочиб қайга борай, золим зулмидан?,
Офиятли макон йўқдир, журмидан,
Билганим шу бўлди, қуръон илмидан,
Адолат топмассан, сарсон йиғлатар.

Имон йиғлатаркан дилни, куфрмас,
Аламлар йиғлатар, жоду, сеҳрмас,
Ҳалимлик йиғлатар, кибру жаҳлмас,
Хор бўлганинг англаш, ёмон йиғлатар!

Ҳар кимни бошида, ҳар хил савдолар,
Бу жонимизга кўп чекдик, жафолар,
Биздан ўтди, кўп беҳисоб хатолар,
Баъзида эслатиб, виждон йиғлатар!

Синовлар келганда, қиламиз фарёд,
Истаймиз ғамдан тез бўлишни озод,
Агар яхшиликга, етса одамзод,
Кўрдимки қувонч ҳам, чунон йиғлатар!

Тинчу оромин йўқотган дилларни,
Балолар қаърига ботган, дилларни,
Кўрдимки тош каби, қотган дилларни,
Гоҳида, ўқилган, куръон йиғлатар!

Шундай одамлар бор, асли нокада,
Қафасда қуш қўйиб, сақлаш, ҳавасда,
Тутқун бўлса булбул, олтин қафасда,
Уни олтин қафас, ошён йиғлатар.

Ҳали қийналаман, эслаб бу ғамдан,
Юрагим тўлгандир, дарди аламдан,
Ҳар ким ўзи учун, азиз одамдан,
Айрилса, соғинчи, чандон йиғлатар!

Тушундим, шундайин яралган олам,
Ҳаёт бошдан оёқ, машаққату-ғам,
Баъзида калтак еб, йиғламас одам,
Баъзан бир оғиз сўз, гирён йиғлатар!

Югуриб, еламиз, мол-дунё учун,
Бевафо эканин, англамай, нечун?!
Эътимод қилсанг бу дунёга, бир кун..
Бор йўғингни қилиб вайрон, йиғлатар!

Ўғилми–қиз, бўлса агар дилбандинг,
Яхши бўлгай хулки, шу жигарбандинг,
Меҳр билан боққан, азиз фарзандинг,
Баъзан, ота–онасин, қон йиғлатар.

Қизик экан, бу дунёнинг ишлари,
Тугамайди, муаммо ташвишлари,
Юракларни ўртар, соғинч ҳислари,
Айрилиқ ҳасрати, ҳижрон йиғлатар!

Адаштирди Иблис, бизни кўп ёмон,
Кошки тузоғидан, чиқолсак омон?,
Қарангки, одамзод туғилган замон,
Келиб озор бериб, Шайтон йиғлатар!

Фарқи нима, гадомисан, шоҳмисан?,
Нодонмисан, доною, огоҳмисан?,
Ё тақволи банда, ё гумроҳмисан?,
Ажал етиб, тўлса паймон, йиғлатар!

Оғирдир, бир давоси йўқ, дард берса,
Яхшидир, бир ёнингга ҳамдард берса,
Мурувватни рад айлама, мард берса,
Муҳтож бўлиб келсанг, нодон йиғлатар.

Етар бас, Сахвиё, дилни тиглаш ҳам,
Ҳар нарсани сабабига, боғлаш ҳам,
Кулиш ҳам Аллоҳдан бўлар, йиғлаш ҳам,
Аслида, Қудратли, Раҳмон йиғлатар!

2003 йил феврал

2003 йил 11 февралда қурбон хайити бўлди. Одатдагидек бу кун байрам ва дам олиш бўлди. Лекин, ош емадик. Намозни секторни ичида йиғилишиб, ўқиб олдик. Ўша намоз пайти бир қизиқ воқеа бўлганди. Имомликка ўтган бир Тошкентлик маҳкум биринчи ракатни ўқиб тураётганда тик турдида, ерга ташлаб қўйилган жойнамоздан чиқиб, олдига қараб юриб кетиб қолди. Мен орқасидаги сафда эдим. Уни кетганини кўриб турардим. «Уни таҳорати бузилди шекилли, бўлмаса кетмаган бўларди» деб ўйладимда, шартта олдинга ўтиб, Фотиҳани қироатини овоз чиқариб ўқий бошладим. Орқадагилар ҳайрон эди. Улар аввалги ракатдаги имомни овози билан иккинчи ракатдагини фарқлашганди. Мен зам сура ўқиб, уч марта такбир айтиб, қўлни кўтариб тушириб, кейин рукуъ ва сажда билан намозни тугатдим.

Шундай қилиб хайит намознига икки киши имом бўлиб ўқидик. У йигит қайтиб келиб, бир ракатини ўқиб, салом берди. Кейин маълум бўлишича, уни иккинчи ракатга тураётганда таҳорати бузилган экан. У бундан пайтда орқадагиларга сигнал бериш учун Аллоҳу Акбар деб қаттиқроқ айтиши керак эди. Лекин, у бундан қилмасдан, индамай жўнаб қолди. Мен бу ёғини ўзим давом эттиргандим. Бунақа пайтда шундай қилиш кераклиги китобларда ёзилганди. Аммо, ҳаётда бунақа нарсага дуч келмагандим. Одатда бундай ҳолатлар жуда кам учрайди. Айни шу ҳолат бизга учраганди. Бу воқеани анчагача гапириб юрдик.

Мени яна узоқ муддатли учрашувга чақириб қолишди. Мен Навоий 46 зонасида ўтирганим уч йилу 6 ой мобайнида икки марта узоқ муддатли учрашувга кирганман. Товоксойда ҳам беш йил ичида икки марта киргандим. Навоийда биринчи марта ота–онамни дўстларим олиб келишганлигини ва шу учун уларни қамаб юборганлигини айтгандим. Иккинчи мартасига эса кутилмаган учрашувга укам Абутов Саидкамол келган эди. Товоксойда ўтирган укам амнистия билан озодликка чиқиб, учрашувга келган экан. Мен албатта буни кутмагандим. Албатта хурсандлигимнинг чеки йўқ эди. Асосийси «Укам уйда бўлса, қари ота–онамга қарайди» деган маънода хурсанд эдим.

Мен амнистияга тушмадим. Мени ҳали озод бўлишимга яна бир ярим йил бор эди. Ундан кейин ҳам озодликка чиқаманми–йўқми, аниқ эмасди. Чунки, яна раскрутка бўлишим мумкин эди. Бу масалада менда аниқ–тиниқ тасаввур йўқ эди. Мен кутилмаганда укам билан учрашувга кирдим. Ҳаётни қарангки, у 1999 йил февралда қамалганди. Уни портлашлардан кейин оммавий қама–қамалар пайтида қамашганди. У этап билан Товоқсойга келди. Мен эса у ерда аввалдан ўтиргандим. Товоқсойда укам билан бирга яна бир йилча ўтирдим. Кейин, мени у ердан раскрутка қилишди. Укам ўша ерда қолганди. Орадан уч йил ўтиб, у озодликка чиқиб бу ерга учрашувга келганди.

У Товоқсойдаги барча таниш–билишларимни танирди. У билан мен кетганимдан кейин нима гаплар бўлганлигини ва мени ота–онамни учрашувга олиб келган дўстларимни қамалганлиги воқеъасини ва бошқа нарсаларни гаплашдик. Бу пайтда қизиқ воқеъалар бўлган экан. Мени бу ерда изоляторга қамаганларида укамни у ёқда қамашган экан. У билан бирга зонадаги барча Асадуллоҳ деган исмли маҳкумларни қамашибди.

Менга дўстларим ёзиб онамдан бериб юборган ўша машъум хатда улар Товоқсойга борганлигини ва у ерда Асадуллоҳ билан учрашганлигини ёзган эканлар. Бу гап ўша хатда бор экан. Санакул менга хатни кўрсатган эмасди ўша пайтда. Бу гапни улар Товоқсойга етказишган ва ўша одамни топиб жазолашни талаб қилишган экан. Ўша пайтда Товоқсой ментлар зона бўйлаб Асадуллоҳ исмли маҳкумларни ушлаб қамашга бошлаган. Буларни бирортаси учрашувга чиқмаган экан. Шундай бўлсада уларга уч беш суткадан муддат беришибди. Зонада олтига Асадуллоҳ бор экан. Ҳаммаси укам билан бирга ўтиришибди.

Ментлар Асадуллоҳ исмли маҳкумларни излаб Товоқсойни отрядма–отряд кезиб, учраганга «Исминг нима?» деса, «Асадуллоҳман» деса, бўлди ушлаб қамаган экан. Аммо, буларни бирортаси ўша хатда мени танишларим учрашган Асадуллоҳ бўлмаган. У бизга таниш бўлган Асадуллоҳни исми аслида бошқа бўлган. Биз уни шунақа деб чақирардик. Бечора Асадуллоҳлар фақат шу исми Асадуллоҳ бўлгани учунгина изоляторда ўтиришган. Буларни эшитиб қотиб–қотиб кулишдик. Бу ментларни аҳмоқлигига шак–шубҳам йўқ эди.

Улар йўқ ердан ваҳима қилиб ўзларича жинойтчи топган бўлиб, бечора айбсиз одамларни ноҳақдан қамаб юбордилар. Турмаларда ўтирганлар бирорта қилган жинойтлари йўқ инсонлар эдилар. На одам ўлдирмаган ва на ўғирлик қилмаганлар турмада катта сроклар билан ўтиришарди.

Укам Тўрткўлдаги воқеъаларни гапириб берди. Қариндош уруғлардан ким ўлгани ким қолгани ва ҳаказо... анча гаплашдик. 1999 йилдан кейин Тўрткўлда кўп одамлар қамалган экан. Мени қаматган мараз мутаассиб имом бошқаларни ҳам қаматган. У МХХга ким ваҳхобий, ким бошқа маълумот бериб турувчи эди. Бу мараз ўзи Туркманистондан келганди. Халқ ундан норози бўлиб, ҳайдаб юборишибди. Хуллас, у Тўрткўлдан кетган экан. Наркоман ўғлини қабристонда қуръон ўқиб ўтирадиган мулла қилиб қўйган экан. Уям кўпга бормай жуфтакни ростлабди.

Муаммолар асосийси ота–онам аҳволи эди. Улар касалванд ҳолда шу уйда пенсия ҳисобига яшаб келишарди. Дадам Муҳаммадияқуб хўжа 1928 йилда туғилган ва сил касалига учраган нафақахўр эдилар. Онам Малика пошша Қандли диабет касалига учраган ва нафақахўр эди.

Ота онам олдида мен ва укам Саидкамол бор эдик. Аммо, ҳозирда биз иккимиз турмада эдик. Катта акам Икром Абутов эса ўз уйида ўз оиласи билан алоҳида яшар эди. Мен учун қайғу шу қари ва касалванд ота онамга бирорта яхшилик қилаолмаётганлигим эди.

Хуллас, бу учрашув мен учун кутилмаганда бўлган иккинчи учрашув эди. Мен изидан учрашувга келадиган хотини ва бола чақаси бор маҳкумлардан эмасдим. Укамни озод бўлишига хурсанд эдим. У ота–онамга қарайди деб хурсанд эдим. Уйда уни хотини ва ёш болалари бор эди. Укамни келиши мендек тўймайдиган оч ва ғариб маҳкумни бир марта қорни тўйиб овқат ейишига сабаб бўлди. «Камбағални байрами – бир қорни тўйгани» деган гап бор. Менга қорним тўйган куни байрам эди. Қорин эса, йиллаб тўймас эди. Шундай учрашувдагина тўярди.

Доимо оч юриб, учрашувга чиққанда қорин тўйса ҳам кўз тўймасдан, кўп еб ошқозонга оғирлик қилганидан кейин ич кетиб, зир–зир бўлардик. Барча маҳкумлар учрашувдан чиқиб хожатга югурадиган бўлиб қолишарди. Жасликда ўтирган биттаси гапириб берганди. У ерда ҳам овқат жуда оз бўлган. У ерга Қизил Хоч борадиган бўлгач, овқатга гўшт солиб, ҳар бир маҳкумни косасига катта гўшт бўлагини солиб берибди. Бу бечоралар доим оч ўтириб, энди кўп гўшт еб қўйгани учун ичи кетиб, зир–зир бўлиб қолишган экан. Жасликдан келганлар буни гапириб беришарди. Бизга унчалик ич кетадиган гўштлар берилмаганди. Биз шу учрашувга кирганда мазамиз қочиб чиқардик.

Шу куни бир ҳизбий маҳкум уйланмоқчи экан. Уни уйлантириш учун келинни олиб келишибди. ЗАГСдан келиб, уларни расман никоҳ қайд қилишган. Уларга энди шаръий никоҳ ўқиш керак экан. Ўша йигитга уч кун учрашув беришганди. У мендан никоҳ ўқиб қўйишимни илтимос қилди. Шу куни учрашувга кирганлардан икки учтасини тўплаб бир ерга йиғилдик. Унга никоҳ ўқилди. Шундай қилиб биз хонамизда укам билан эртагача гаплашиб ўтирдик. Чефир ичиб гаплашиб ўтирдик ва бомдодни ўқиб ётдик.

Ўша ерда мен укамга битта илтимос қилдим. Мен унга «Агар пулинг бўлса, мен бир ментга шеър дафтарларимни бераман. У сенга олиб чиқиб беради. Сен эртага учрашувдан чиқиб, бир ерда уни кутиб тур. У борганда дафтарларни олиб, кўлига пул бер» дедим. Бу икки–уч минг сўм пул арзимаган пул эди. Ўзи ментни қиладиган иши ҳам йўқ эди. Мен отрядник билан гаплашиб, дафтарни бериб қўйгандим. Кеча учрашувга кирадиган бўлганимда бериб келгандим. Укам рози бўлди. Мен унга бир чўпни бердим. «Ментдан дафтарни олсанг уни кўлига шу чўпни бер. Менга олиб келиб берсин» дедим. У чиқиб кетди. Мени нарсаларимни текшириб зонага чиқаришди. Укам ташқарида қаердадир туриши керак эди. Келишув шундай эди.

Баракка борганимдан сўнг дўстлар билан олиб чиққан нарсаларимдан еб, гаплашиб ўтирдик. Баракдаги ТСБлар, гадлар, бригадирлар ва бошқа таниш–билишларга бирма–бир чой, сигарета ва ширинлик улашиш керак эди. Бу ишни ҳар бир учрашувга кириб чиққан одам қиларди. Шу аснода отрядник келди. Уни олдига кириб сўрадим. У мени қўлимга чўпни тутқазди. Мен унга «Рахмат, командир» дедим. У мени шеърларимни ўзи у бу ерини ўқиб кўрганди. Бу оддий шеърлар эди. Бу нарсани озодликка чиқиши жиноят эмас эди.

Бунинг учун уч минг сўм олиши янаям яхши эди мент учун. У шу пулга шу ишни қилишга кўнганди. Бу отрядник анча тажрибасиз ёшгина йигит эди. Гейларга айтиб, ёлғон важлар билан изоляторга қамасада, бунақа ишларни бажаришдан қочмасди. Шеърларим уйга кетди. Кейинчалик Россияда қамалдим. У ерда ётганимда ёзган шеърларимни ўзим билан бемалол олиб чиққандим. Бу уйда қолган шеърларни кейинчалик Россияга олдирганман. У ердан эса флешкага кўчириб, ўзим билан Швецияга олиб келдим. Бу китобда сизларга тақдим қилаётган шеърларим шу мент олиб чиқиб берган дафтардандир.

Кейинчалик яна бир дафтарни тўлдирдим. Бу дафтарни чиқариб юбориш имконсиз бўлди. Уни бир Навоийлик маҳаллий йигитга бердим. У бир таниш ментдан уни уйига чиқарадиган бўлди. Мен унга «Шу дафтарни сени уйинга бориб, олиб кетаман» деб келишгандим. Лекин, мен боролмадим. Мени ментлар автобусга миндириб юборишганди.

Мен ўша дафтаримни йўқотдим. Кейинчалик Навоийда яшайдиган Товоқсойда бирга ўтирган бир танишдан уй телефондан гаплашиб «Шу фалон адресдаги фалончида мени бир шеър дафтарим қолиб кетганди. Шунини олиб менга посилкага солиб юбор» деб илтимос қилдим.

Мени уй телефоним эшитувда экан. Мен ўша пайтда билмагандим. Кейин Швецияда билганманки, уни уйига иккита мент борган ва ундан «Ўша дафтарни олишга бирга борамиз» деб уни олиб кетишган. Улар ўша йигитни уйига борсалар у Россияга кетган экан. Онаси «Дафтар–пафтарни билмайман» дебди.

Хуллас, у дафтарни топиш учун менгина эмас, ментлар ҳам анча овора бўлишган. Уни қайси мент зонадан олиб чиққанлигини ахтаришган. Ментни топишганда у «Мен дафтар олиб чиқмаганман» деб тонган. Шу билан уни қўйиб юборишган экан. У йигит буларни менга анча йилдан сўнг телефонда гапириб берганди.

Зоналарда ҳам шеърлар ёзардим. Шмонларда топса ментлар олиб кетишарди. Бир катта шеър дафтарим йўқ бўлиб кетган. Ташқарига амаллаб битта дафтаримни чиқарганман. Бу ҳам ментга пул бериш орқали бўлганди. Шеърларимни расман ўзим билан олиб чиқишим учун замполитни рухсати керак экан. У касофатга «Рухсат бер» деб борганимда, дафтаримни олиб қолган ва бир ҳафтадан сўнг борганда «Йўқ бу шеърларни озодликка олиб чиқиш мумкинмас» деб жавоб берганди.

Қизиғи шундаки, у дафтаримни қайтариб қўлимга берган. Мен ундан «Командир конкрет қайси ери сизга ёқмади?» деганимда дафтарни титкилаб битта шеърни кўрсатганди. У шеър золим подшога аталган бўлиб, «Бу нима дегани бу? Бу кимга аталган?» деб сўраганди. Мен унга «Командир бу шеър қадим замонда ўтган подшоҳлар ҳақида, биласиз ҳозир подшоҳ дейилмайдику» дедим.

Замполит ҳам анюйи эмасди. У бу шеър қайси подшога тегишлилигини тушуниб турарди. Лекин, у мени қўлимдан дафтарни олиб қўймасдан кабинетидан чиқариб юборганди. Бу дафтар йўқолди. Лекин, нариги мент чиқариб берган дафтардаги шеърлар бугунгача сақланиб қолди.

Ўша шеърларимдан бир парча эътиборингизга ҳавола қиламан.

Рубоийлар:

Серкуёш... Куйладик қорда–бўронда,
Барчамиз жўр бўлиб, шовкин–суронда.
Зўрлаб куйлатишди, куёш ҳақида,
Совуқ–зулмат ичра, Ўзбекистонда.

.....

Керак эмас эди, курсинг бизларга,
Қолаверсин мерос бўлиб, қизларга.
Бизга зулм қилмай, тинч қўйсангиз бас,
Молу–мансаб қолаверсин сизларга.

.....

Тожу–тахт, мафтункор бўлсада чунон,
Аллоҳни наздида, йўқ қадри чандон.
Пашша қанотича қадри бўлганда,
Унга эришмасди, Фиръавну – Ҳомон.

.....

“Халқ сайлаган” деган, сўз бўлди удум,
Халқ номидан, халққа ўқилар ҳукм.
Золим ҳам, мазлум ҳам, халқ бўлса агар?,
Ҳеч тушунолмадим – “халқ”, бу ўзи ким?!

.....

Не қилайин ё Раб, ожиз бандаман,
Қилмадим ҳеч, ёмонликни кандаман.
Раҳм айлаб, нажот бергил ё Раҳмон,
Йўкса икки дунёда, шармандаман.

2003 йил март

2002 йил март ойида зонадаги маҳкумларнинг ва бутун дунёдаги мусулмонларнинг ёдида сақланиб қолган нарса, АҚШ бошчилигидаги НАТО қўшинларининг Ироққа ҳужуми бўлди. Бу урушни телевизордан кўрсатилиб бориларди.

Мен зонада отрядлардаги барча маҳкумлар учун ўрнатилган телевизор орқали русча каналдан ҳар куни «Новости»ни кўриб, кузатиб борардим. Баъзи–баъзида Олий Мажлис сессиялари бўлиб қолса, ўзбекча канални ҳам кўрардим. Бирорта маҳкум кўриб, кўришни, эшитишни истамайдиган сессияларни мен астойдил томоша қилардим, тинглардим. Одатда ўғри каззоблар концертлар ёки кинолар кўришарди.

2003 йил мартда АҚШ бошчилигидаги НАТО ҳарбийлари Бағдодга ҳужум бошлади. Саддам Хусайн режими кўпга бормай қулади. Бутун дунёда унинг диктаторлиги ва инсон ҳаққига риоя қилмаслиги гапирилди.

Ҳатто ИАК ҳам бир сессияда, Саддам ҳақида гапира туриб, "У Ҳукуматни якка ўзи эгаллаб олиб, барча мансабларни ўз яқинлари орасида тақсимлаб, давлат мулкани ўзлаштирган. Якка ҳокимлик билан сиёсат юргизиб, халқни оҳу–ноласига қулоқ осмаган. Ўзини бу каби агрессив ҳатти–ҳаракатлари билан ён атрофдаги қўшниларини хавфсизлигига путур етказганди." деганди. ИАК иккиюзламачи эди. У Саддам қилган ишларни ўзи ҳам қилаётганди.

Саддам диктатор эканлигига шак–шубҳа йўқ эди. Лекин, ИАК ҳам диктаторлигига шак–шубҳа йўқдир. Бу иккала махлуқ бир ишни қилсада, бирига қарши тўполонлар қилинди, иккинчиси эса, буни қўллаб қарсак чалиб турди. Бу двойной стандарт амалиёти эди.

Саддам ўз халқига қаттиққўллик сиёсати юргизди. У Ироқ халқига зулм қилган диктатор эди. Лекин, уни тахтдан қулашлиги учун ҳам, ироқликлар учун кўп қурбонлар беришга тўғри келди.

Бу урушларда қурбон бўлганлар сон–саноғини Аллоҳдан ўзга биров билмайди.

Шу уруш туфайли охир–оқибатда бир миллион одам ўлгани хабар қилинди. Мен шубҳасиз Саддам каби диктаторга қаршиман. Мен ИАК каби диктаторга ҳам қаршиман. Мен барча диктаторларга қаршиман. Лекин, бу диктаторларни ағдаришда оддий халқдан берилган қурбонлар сони кўлами даҳшатлидир. Ўша урушдан кейин Ироқда бир миллион етимлар пайдо бўлгани айтилади. Ўша урушдан кейин бошлашган фитна ҳали ҳануз тўхтаган эмас. Саддам режими тезда қулади. Ироқда шиалар ҳукуматга келди. АҚШ армияси Ироқда Абу Ғурайб турмасини ўзларининг назоратига олдилар. Бу турмага Саддам армияси аскарларидан ушлаганлар қамай бошлашди.

Гуантанамодан кейин, мана шу Абу Ғурайб турмаси дунёда қийноқларнинг қаттиқлиги билан машҳур бўлди. ИАКни Жаслиқ турмаси ҳам азобу даҳшати булардан қолишмасди. Ироқда омонсиз жанглار бошланди. НАТО аскарларига ва Шиа ҳукуматига қарши, Саддам армиясининг чор тарафга тўзғиб кетган аскарлари ва жиҳодчи сунний гуруҳлар партизанча жанглар бошлашди. Турли хил жиҳодий гуруҳлар бутун дунёдан Ироққа йиғилди. Бу урушлар жуда–жуда чўзилиб, адо бўлмай кетди.

Саддамни ушлаб дорга осишди. Аммо, бу уруш тинмади. Буш Боғдодга бориб Бош Вазир Нури ал Маликий билан учрашганида шу мажлисда ўтирган Ироқлик журналистлардан бири Мунтазир Аз Зейди Бушга қараб, бақириб, бу «Бу сен итга Ироқлик етимлардан ҳадя» деб туфлисини улоқтирганди. АҚШ Ироқдан чиқиб кетгач, шиа ва сунний можароси авж олди. Охир–оқибат ўзини «Ироқ ва шом ислом давлати» деб ном олган гуруҳ пайдо бўлди. Бугун улар «Халифат қурганмиз» деган иддаода ўтиришибди. Булар катта фитналар эди. Умуман олганда мелодий учинчи минг йиллик нафақат мен учун, балки барча ислом уммати учун оғир ва машаққатли бошланди.

Тео Ван Бовен икки ҳафталик муддатга келади ва уни боришни истаган зона ва турмаларга олиб боришади. Аммо, улар, режа бўйича бормасдан, қандайдир сабабларга кўра доим кечикиб боришади. Ва шу зайдда Тео Ван Бовен бораётган зонада у кўриб гаплашадиган майиб–мажруҳлар қолдирилмайди. Изоляторларда маҳкумлар бўлмайди. 6 соатга мўлжалланган бўлсада, Жаслик турмасида унга икки соатгина туришга имкон берилади.

Бу муддатда имкон қадар Зона тозаланиб, айб топадиган имкон қолдирмасликга ҳаракат қилинганди.

Гарчи унга «Истаган қамоқхонага киришга рухсат бериш ҳақидаги келишув»га қарамасдан, барибир уни Тоштурмадаги ўлимга маҳкум қилинганлар ётган камераларга ва Тошкентдаги МХХ турмасига киритилмайди.

Ўзбекистон қамоқхоналарини қисқа муддат ичида бўлсада, кўриб чиққан БМТнинг қийноқлар бўйича махсус маърузачиси, 2003 йил март ойида БМТда қилган ҳисоботида бу мамлакатда маҳкумларга нисбатан қийноқлар мунтазам қўлланишини ва маҳкумлар оғир шароитларда сақланишини айтиб, баёнот беради ва Ўзбекистон ҳукуматида Жасликни ёпишни тавсия қилади.

Аммо, бу ҳисоботдан ғазабланган ИАК мамлакатга қийноқлар бўйича БМТ маърузачинигина эмас, бошқа маърузачиларни ҳам мамлакатга киритмай қўйди. ИАК Буш билан яхши алоқада эди. Бушни эса Гуантанамодаги қамоқни террористларга атаб курганини яхши биларди. Унга ҳам террористларга қарши курашиш учун Жасликда қамоқхона курганлиги мумкинлигига шу далолат қиларди. ИАК Жасликни беркитмади. Жасликда эса 2004 йилдан бошлаб янги зона қурила бошланади. Бу энди бир умрлик қамоқ жазосига ҳукм қилинганлар учун алоҳида зона эди.

Айни вақтда ИАК «Шанхайская пятёрка» деб аталадиган иттифокка қўшилди. Бу ташкилот бугун ШОС деб номланади. Буларга аъзо олти давлат гўё терроризмга қарши курашда ўзаро ҳамкорлик қилдилар.

Бу кураш ниқоби остида Хитой у ердаги Уйғурларга қарши курашса, Россия чеченларга қарши курашарди. ИАК ўз фуқароларини Россия ва Қозоғистондан ушлаб олиб келиб, қамарди. Мазмун моҳияти ислом ва мусулмонларга қарши курашиш учунгина ташкил қилинган қурилма эди бу халос. Шундай қилиб халқаро майдондаги мавжуд сиёсий вазият ИАКга қулай келмоқда эди.

Одатда зонада маҳкумлар кино кўрсалар мен «Время» кўришга интилардим. Дунёдаги воқеалардан бохабар бўлиб туришга уринардим. Мени ҳизбий дўстларим ҳам янгиликларни кўришарди. Улар ҳар бир нарсани ўзларича, бошқача бир таҳлил қилиб гапирардилар. Тан олиш керакки, уларни бу масалада фикрлари анча тиниқ ва равшан бўларди. Шайх МСМЮни келгани хабари чиққанда битта ҳизбий менга, «Уни дабдурустдан мамлакатга қайтарилиши бизга қарши ишлатиш учун» деганди. Бу гап кўп ўтмасдан ўз тасдиғини топди. Мен масалан уни келиши хабарини эшитганимдаёқ шу фикрга бормагандим. Бу ва бунга ўхшаш бошқа масалаларда мен уларни фикрига қўшилардим. Баъзида аксинча уларни қарашларида мантиқ топмасдим.

Зона ҳаёти ғала—говур билан ўтарди. Амнистия ижро қилиш муддати тугаб бораётгани учун қолганларни ҳам тезда озодликка чиқаришга ҳаракат бўлаётганди. Ҳар куни қий—чув бўлиб уч—тўрттаси чиқиб кетарди.

2003 йил апрел

Амнистия билан озодликка чиқариш жараёнлари кетаётган бир пайтда 159 моддаси билан янгидан қамаш жараёни ҳам давом этиб борарди. Нисбатан камроқ бўлсада, бу қамаш жараёни тўхтаган эмасди. Буни мисоли шу зоналарга келган янги диний маҳкумларни баъзилари озодликдан янги қамалганлар эканидан билардик. Кўпчилиги у бу зоналардан этап бўлиб келишарди. Мен келганимда таниганларимда зонада Самандар Қўконов қолганди. Иккинчи секторда Ҳафизуллоҳ бор эди. Алишер чиқиб кетди. Муҳаммад Бекжон бошқа зонага этап бўлди. Бошқа мен таниган—билганлар кўпчилиги ё озодликка чиқди, ёки бошқа зонага этап бўлди.

Мен ҳафталик «тарбиявий дарслар»ни давом этардим. Зонада энди диний маҳкумларни ўғри— каззобларга таъсири катта бўлиб қолганди. Энди аввал ўғирлик билан қамалганлардан анчагина маҳкумлар намоз ўқийдиган бўлиб қолишди. Ҳизбийлар ва бошқалар уларга таъсир кўрсата бошлашганди. Ментлар кейин ўшаларни алоҳида изоляторга қамаб, «Намоз ўқимайман» деганларни чиқариб, бошқаларини бошқа зонага этап қилишди.

Зонада тревога сигналини беришлик анча тезлаша бошлади. Ўтган йили бир йилда икки марта тревога бўлган бўлса, бу йилда негадир ҳар ойда бўларди. Бу ваҳимали тревогани бошланиши билан диндор маҳкумлар изоляторга қараб югурардик. Бу қонун каби мажбурий эди. Ўғри—каззоблар шконкасига ётиб олишарди. Уларга маза эди.

Бу даҳмаза икки соат давом этса, улар икки соат ухлаб олишарди. Биз изоляторни хоналарида элликтадан кириб қимирлашга жой бўлмасдан, кутардик. Қачон отбой команда бўлса, изоляторни очишарди. Кейин судралиб отрядларга жўнардик. Бу бемаъни тревогасини нима кераги бор экан, ҳеч тушунмайман.

Кейин эшитишимча ўша пайтда Қизил Тепада 64/47да диний маҳкумлардан бир—иккитаси ментга арматура билан ҳужум қилибди. Ментни уриб, вишкага чиқишга ҳаракат бўлган экан. Лекин, уни солдатлар отиб ташлашибди. Бу воқеадан кейин у ердаги диний маҳкумларни алоҳида калтаклаб, кечаю—кундуз шагат қилдириб, қийнаган экан.

Бу каби воқеалар тез—тез рўй бериб турарди. Шунақа нарсаларга тайёр туришлик учун ҳам тренировка қилиб, тревога бериб туришарди. Бизда ҳам бир мужикни запреткага ташлаганини эшитдим. У диний маҳкум бўлмаган. Ўзи учрашувга кириб чиққан экан. Қандайдир нохуш хабар эшитганми билмадим, бор нарсасини мужикларга улашган ва промкага ўтиб, зонани ўраб турган биринчи девордан ошиб, запретний зонага сакраган.

У ердан нариги токи бор сим ўралган деворга тирмашганда, солдат отиб ташлаган экан. У ўзини ўлдириш учун шу ишни қилганлигини айтишади.

Агар солдат отмаганда ҳам у девор тепасига чиқа олса, у ердаги тикан симдан ўтган катта қувватдаги токдан ўлган бўларди. Хуллас, у нега ўзини ўлдирди, бу номаълумлигича қолди. Бу воқеъа зонада гап–сўз бўлиб юрди.

Бизни отрядда ҳам бир–иккита ёш қизиққон йигитлар шунақа бир иш қилиш кераклиги ҳақида гап–сўзлар қилишганди. Мен улардан буни диний далили қандайлигини сўраганимда, улар «Шундай қилиб ментни ва ёки бирорта золим гадни ўлдириб, кейин запреткага ташлаб ўлиб кетиш мумкин» деган гап қилишганди.

Мен уларга «Сени ота–онанг ва хотин, бола–чақанг бор. Қолаверса, сендан кейин бу зонада қолганлар нима бўлади? Битта ментни ўлдириш билан муаммо ҳал бўлиб қолмайди. Бу билан зулм–зўравонлик йўқолмайди. Аксинча баттар бўлади. Жиход кураш воситаси бўлиб, у зулмни кўтариш учун восита қилинади. Агар сен қилган ишинг зулмни кучайтурса буни қилмаслик керак. Чунки, воситани ўз ўрнида ишлатмаяпсан ва кўзлаган мақсадга эришолмайсан» дердим.

Хизбутларда бунақа ўй–хаёллар бўлмасди. Улар мужтаҳидлари чизган чизиқдан чиқмайдиган кимсалар эди. Шу мужтаҳидга итоатга қасам ичишганди. Мен бу партияни ва уни ақидаси–ю, қасамини ҳаммасини турган битгани залолат деб биламан. Лекин, жиходга интилувчи ёшлар кўп нарсани тушунмасдан иш қилишарди. Булар ёш, куч–қуввати бору, лекин, қилаётган ишлари на жиход ва на бошқа шаръий мезонга тушмасди.

Мен бу жиходчи гуруҳларни у бу ерда бир–икки ментни ўлдирганлигини ва оқибатда ўзлари ўлиб кетганлиги ва ўша атрофдан юзтача одам қамоққа олинганини кўп эшитганман. Бунақа ишлар ҳикматга зид ишлар эди. Кутилган натижага олиб бормасди. ИАК қўлидаги ҳарбий куч–қувватни ва унга иттифоқчи бўлган бошқа давлатларни ҳарбий қудратини ҳисобга олиш лозим бўларди.

Бу нарсаларни ўйламасдан, у бу ерда бир–икки ментни пичоқлаб кетишлик жиход дейилмасди. Бунақа ишлар шаръан кутилган мақсадга олиб бормасди. Бу нарсаларни бу болалар тушунмасдилар. Мен уларга шундай мавзуларда гап очилиб қолганда, тушунтиришга уринардим. «Ўзингни бос, Мирғиёс», деб қўярдим.

Қолаверса, вазият аввалгидан анча енгиллашган бир давр эди. Озми–кўпми зулмлар албатта давом этсада, ўша олдинги йилдагидек, бир кунда 24 соат зулм бўлмасди. ИАКни катта хатоси шундаки, у мараз шундай қилиб қийнашлик билан булар тарбияланади деб ўйлаганди. Бу катта хато эди. Аксинча зулм нафратни зиёда қиларди. Бу калтаклаш ва мажбурлашликлар билан биров тарбияланиб қолгани йўқ. Лекин, азобдан қутулиш учун «Тавба хати» ёзишлик бу тарбияланишликка кирмасди. Ўзи тарбиялаш учун ИАК режимида мафқурани ўзи йўқ эди.

Қадимда совет мафқурачилари совет халқини ўзлари ишонган сафсатага ишонтира олишган. Улар ақидасида социал тенглик ва синфий тенглик ва бошқа тенглик тушунчалари одамларга ҳақиқат бўлиб туюлган. Улар шу нарсаларга астойдил ишонганлар. Улар коммунизм қуриш ғояси билан яшашган. Бу ғоялар учун кўп одамлар жонини қурбон қилишган. Халқ бу нарсага ишониб яшашган.

ИАК эса халққа деярли ҳеч қандай ғоя таклиф қилолмади. Динни фақат ибодатга боғлаб қўйди. Масжиддан ташқарига чиқмасин деди. Коммунизмни қайта тикламади. У ўлган мафкура эди. «Демократия–демократия» дея, аввал бошида бир–икки йил алжираб юрдию, охири жим бўлди. Қараса, бу демократияси ҳам унга тўғри келмас экан.

ИАК мустабид эди. Лекин, қўшни Туркманбошига ўхшаб, ўзини умрбод президент деб ҳам эълон қилмади. Подшоҳлик қилиб, давлатни отадан–болага қоладиган ҳам қилмади. Буни хоҳласада, қилишга ботинолмади. У нима қилишини билмасди, тахтда ўлгунча ўтиришни истар, лекин, буни сохта сайловлар орқали демократик услубда қилишга уринарди. ИАК халққа янги дунёқараш ғоя бера олмади. «Миллий мафкура» деган сафсатаси давлатнинг устувор ғояси бўлолмади.

Бу миллатнинг тилини унинг ўзи, хотини ва қизлари билмасди. Улар бу халқ устида доим ҳукмронлик қилишни иташарди. Лекин, халқни алдаб туриш учун шунақа миллий мафкура ва бошқа олди қочдилар лозим бўларди. ИАК том маънода на коммунист, на мусулмон, на демократ ва на миллатпарват шахс эмасди. У ўлгунча маза қилиб тахтда ўтиришни ўйлаган, залолатдаги пасткаш ва худбин шахс эди холос. Унга на дин, на халқ, на миллат ва на демократия муаммоси бир пул эди. У буларни бирортасини астодил ўйлайдиган одам эмасди. У бу нарсаларни ҳарбирини қурбон қилишга тайёр кимса эди. «Мендан кейин нима бўлса бўлар» деган фикрда яшайдиган нусха эди бу.

Мен ИАКни бу халққа ҳеч нарса беролмаганлигини ва бундан кейин ҳам беролмаслигини биламан. Аммо, бу кетгандан кейин нима бўлади? Кейингилардан кимдир бирор нарса таклиф қила оладими? Агар қила олса, у қандай йўл бўлади? Мени бу нарсалар ўйлантирарди.

Ҳизбутлар Халифат таклиф қилишади. Мени ақли ожизим эса бу лойиҳани Ўзбекистонда амалга ошишига шубҳа қилади. Бу лойиҳа глобал лойиҳа бўлиб, у Ўзбекистонга чегараланмайди. Халифат проекти бутун ислом умматини бирлаштиришдир. Бу уммат эса бугун бир ярим миллиарддан ошиқроқ бўлиб, дунёнинг турли давлатларида яшашади. Буларни бирлаштириш улкан муаммолар гирдобига киришликдир. Буларни бугун куч билан бирлаштиришга уриниш муваффақиятсизликдир. Қолаверса агар Халифат бўладиган бўлса, бунга биздан кўра исломга яқинроқ давлатлар ҳақлироқ.

Биз бугун Ироқдаги Халифат тиклашга уринишни кўриб турибмиз. Бу уриниш буткул мағлубиятдан бошқа нарсага олиб келмаяпти. Бу йўл назаримда нотўғри эди. Қолаверса, Тоҳир Йўлдошни ёки жиҳодчиларни лойиҳаси ҳам ўта тушунарсиздир. Бу лойиҳа бугунги Ўзбекистонда ёки марказий Осиёда амалга ошиши даргумондир. Биз советлар истелосидаги халқлар эдик. Ҳозир ҳам динга қайтиб улгурмадик. Атеистлар ҳали давлат тепасида ўтиришибди. Бу ҳудудлар, кўполроқ айтганда Москванинг томорқаси саналади. Бу тарафда Хитой бор.

Бу ерда бир гуруҳ одам келиб, агар Оксаройга кирганда ҳам, улар давлатни бошқариб кета олмайди. Фараз қилинг, ИАК қочди. Оксаройда Тоҳир Йўлдош ўтирибди. Энди у давлатни ушлаб қолиши керак. У айна дамда шаръий ҳукмлар билан мамлакатни бошқариши керак.

Турли соҳаларда ишлайдиган вазирлар керак. Эрондаги каби салла кийган вазирларни, суд ва қозиларни ва турли соҳада мутахассисларни топиб, ишлатиши керак. Салла–ку топилар, аммо саллалар тагидаги каллаларда ҳали ислом илми тушунчаси қаердан бўлади? Оддий халқни қандай қилиб, мажбурлаб намоз ўқитиб, рўза тутдириб, рўмол ўратиб, динга амал қилдиради? Халқ қаршилик қилса, Армия, милиция ва бошқа куч ишлатар органларини ҳаммасини кириб йўқ қилиш мумкинми? Қўшни давлат Россия ва Хитой бу каби авантюрага жим қараб туришадими?

Бу каби саволларга менга жиҳодчи Халифатчилар жавоб бера олмасдилар. Бу саволларга ҳозиргача ҳам менга жиҳодий гуруҳлар жавоб беришмаган. Мен бугунги вазиятдан келиб чиқиб иш қилиш тарафдориман. Мен ИАКни зулмига қаршиман. Бу зулмни тугатиш керак. Бу зулмни тўхтатиш керак. Бу асосий масаладир. Менда зулму–зўравонликни тўхтатиш ва ҳаммани ўз эркига қўйишдан бошқа талаб бўлган эмас. Мен бугун ҳам шундан бошқа нарсани талаб қилмайман. Шу сабабли мен хориждаги пайтимда Эркчилар ва Демократик дунёвий ташкилотлар билан ҳамкорлик қилганман. Ҳали ҳам шундай ҳамкорликни давом эттираяпман.

2003 йил май

Мен шу 2003 йил май ойининг 27 сида 34 ёшга кирдим. Бундан роппа–роса етти йилу беш ойи турмаларда ўтган эди. Мени озод бўлишимга, яъни муддатим тугашига яна бир йил қолганди. Бу бир йилдан сўнг нима бўлиши Аллоҳгагина аён эди. Агар шу муддатда қамокдан чиқсам саккиз йилу олти ойда чиқардим. Агар яна раскрутка бўлсам унда, бу турма саргузаштларим яна узоқ йилларга чўзилиши мумкин, валлоҳу аълам.

Мен зоналарда турли сиёсий маҳкумларни кўрганман. 159 моддалар билан қамашлар бошлашдан олдин ҳам диний маҳкумлар қамалган. Улар ўша пайтларда наркотик моддалар ташлаб ва ёки қурол–яроғ ташлаб, қамалардилар. Муҳаммад Ражаб қорини Калашников автомати ташлаб қамалгани ва шунга ўхшаган бошқа юзлаб мисоллар бор.

ИАК ментлари бу каби амалларни наглий – сурбетларча қилишарди. Халқ бунақа нарсага ишонмаслиги ҳам уларни қизиқтирмасди. Диктатура режими табиати шуки, халқни ишончи улар учун бир пулдир. Бундай кишилар МХХ назоратида туради. Улар зоналарда амнистияга туширилмайди. Муддати тугаса қайта қўшиб, раскрутка қилинади.

Баъзи маҳаллий авторитетларни ҳам қамашганда шунақа назорат остида қўйишган. Шухрат Домбрабадский ва Наманганда адолат гуруҳи ташкил қилган криминал лидерлардан бири Сатимхон деганлар шулар жумласидандир. Мен Товоқсойда ўтирганда шунақа крутой разборшиқлар билан ўтирганман. Буларни ҳам ҳар йилда икки марта амнистияга тушмаслик учун изоляторга қамаб туришарди. Буларни ҳам муддати тугаса раскрутка қилиб туришарди.

Шунингдек, Мурод Жўраев, Самандар Қўконов, Мамадали Маҳмудов, Муҳаммад Бекжон ва Аъзам Турғунов каби қатор журналист ва инсон ҳуқуқини ҳимоячилари бўлиб, улар ҳам МХХ назоратида туришарди.

Буларни барчаси Тошкент портлашларидан анча олдин қамалганлар. Баъзилари кейин қамалган. Булар ҳам раскрутка қилиб туриладиган шахслар ҳисобланади.

Бундай шахслардан баъзи машҳурроқлари вақти–вақти билан халқаро ташкилотлар босимлари остида озод қилиб турилади. Одатда ИАК бирорта ғарблик давлат мулозими келиши муносабати билан баъзан баъзи бир маҳкумларни озод қилиб туради. Шундай усул билан озод бўлганлардан менга маълум бўлгани, ҳуқуқ фаоли Мўътабар Тожибоева, шоир Юсуф Жума ва мухолифатчи Санжар Умаровларни айтиш мумкин. Аммо, мен буларни кейин билганман.

ИАК режими дунёдаги ўта репрессив режимлардан бири бўлиб, бу режимда ўзи қабул қилган қонунларга ўзлари амал қилишмайди. Агар ҳукумат ўзи қонунга амал қилмаса, бундай жамиятда ҳеч қачон адолат бўлмайди. Бундай жамиятда фуқаролар рўшнолик кўрмайдилар. Элни косаси оқармайди. ИАК мана шу ҳалокатли йўлни танлаган ва шу йўлдан кетаётган диктатор эди. Унинг бу сиёсати нафақат ўзини балки бутун жамиятни жарлик сари олиб кетарди.

Зонадаку ҳаёт деярли ўзгаришсиз ўтсада, озодликдаги ҳаёт борган сари оғирлашарди. Мен турмада пайтимда свет ўчганини эслолмайман. Аммо, озодликда одамлар уйларида кунига икки соатгина чироқ ёнарди. Мен буларни учрашувга кириб чиққанлардан эшитардим. Ишсизликдан Тўртқўлликлар оммавий суратда Россияга ишга кетаётганларини эшитардим. Бу ИАК келажаги буюк деган давлат иқтисоди борган сари чўкиб борарди. Зонада буларни эшитиб, ҳайрон бўлардим. Мен қамалганда ҳали совет давридаги система ишлаб турганди. Турли корхоналар мавжуд эди. Энди буларни барига қирон келганди.

Мен ташқаридаги ҳаётни оғирлигини эшитсамда, уни ҳали ўз танамда ҳис қилиб кўрмагандим. Мен озодликка чиққанимда бунга амин бўлдим. Бунинг тафсилотлари «Мустақиллик шарофати» номли асаримда зикр қилинган. Аммо, ҳали мени озодликкача бутун бошли бир йил кутарди.

Зонада ички судлар бўлади. Масалан баъзи маҳкумларни муддатига муддат кўшиш учун, ёки уни режимини ўзгартириш учун Навоий вилоят судлари таклиф қилинарди. Улар баъзида олдиндан белгиланган маҳкумларни манзил колонияга чиқариш масаласини ҳал қилиш учун ҳам келишарди. Манзил колония дегани тўрт девор ичида ўтирмасдан, озодликда, аммо махсус манзилда ишлашликдир. Бу зонада ўтиргандан кўра афзалроқ саналади. Зонада маҳкумларнинг делоси таёрланиб, судлар таклиф қилинарди. Судлар келганда асосан уч–тўрт ойда бир келар, штабда ўтириб ва ароқни ичиб, майшат қилиб, белгиланган маҳкумларни чақириб, биттама–битта бир минутга бориб–бормаган суҳбатлар қилишарди.

Бу судлар номига суд бўлиб, аслида у бу дело устидан қилинадиган ҳукмни унга айтилар ва у бунга ўша иш жойида ёзиб, тайёрлаб келарди. Ёки кейин ёзиб юборарди. Шу ерни ўзида у бу дело устида муҳокама–мунозара умуман бўлмасди. Қонунга кўра прокурор ҳам иштирок этиши лозим бўлган бу сохта судларда улар кўринмасди. Албатта номига кимнидир қатнашгани ёзиб қўйиларди.

Бу судлар амнистия актига кўра баъзи бир маҳкумларни муддатидан қисқартириш учун ҳам қарорлар чиқаришарди. Баъзида бунақа қарорларни улар олдиндан тайёрлаб келиб зонага топширар ва маҳкумларни штабга чақириб, ўша қарорларни нусхалари бериларди. Ундай пайтда судни башарасини маҳкумлар кўрмай ҳам қолишарди.

Мен умримда бир марта, 1996 йилда ҳали Нукус турмасида пайтимда чиққан амнистияга тушгандим. Унга кўра мени муддатимдан бир йилу олти ой олиб ташланганди. Шу муддат олиб ташланиши Товоксойда бўлди. Одатда буни амнистия чиққанидан кейин уч ой ичида эмас, шу йил давомида ижро қилишарди. Ўшанда мени Товоксойда штабга чақириб, бир қоғоз беришган. Бу Бўстонлик район судининг қарори эди. Унга кўра ўша амнистия муносабати билан бир ярим йил муддат олиб ташлаганди. Кейин эса мени амнистияга туширишмади. Доим изоляторларга ташлаш орқали тушишга имкон берилмади. Охир оқибат қолган муддатни ўтаганимда уч ярим йил янги срок беришди. Шу билан Навоийга этап бўлгандим.

Навоийда ҳам мени бирорта амнистияга туширишмади. Лекин, Шу муддатимни ўтаб бўлишга озроқ қолганида судга олиб киришди. Одатда судлар келса кўплаб маҳкумлар штабга чақирилади. Мени ҳам чақиришганда ҳадиксираб бордим. Мени муддатим оз қолган ва менга қандай муомала бўлишини била олмаётгандим. Амнистияга тушмасамда шу муддат тугаганда озод бўламанми–йўқми, шу ноаниқ эди. Бу судларни келишидан кейин кимдир раскрутка бўлиб, бошқа зонага этап бўлса, кимдир озодликка кетарди. Бунақа судлар йилда икки–уч марта бўларди.

2003 йил июн

«Судяни олдига мени киришим раскрутка учунми?» деб қўрққандим. Буларни назоратда турган маҳкумларни раскрутка қилиш одати бор. Зоналардаги раскрутка тарихи мисли кўрилмаган зулмнинг янгича туридир. Бу каби зулм тури Сталин даврида бўлмаган. У пайтда маҳкумга бир муддат берилган ва шу муддат тугаса уни озод қилишган. Бу каби зулм фақат ИАК режимига хос деб ўйлайман.

Одамзод ҳар турли зулмга чидар экан. Хайвонот оламида бунчалик зулму–зўравонлик бўлмаса керак. Улар ақлсиз хайвонлардир. Агар улар бир–бирларига зулм қилсаларда, буни ҳис қилмасдан қиладилар. Инсонга қилинган зулмни эса ақлли инсонлар қилишади. Мазлумлар ҳам инсонлардир. Буни амалга оширувчилар ҳам одамлардир. Муаммонинг каттаси мана шундадир. Нега энди одамзот тинч яшай олмайди? Нега улар бир–бирига зулм қилмасдан яшаши имконсиз? Бу зулм қилувчиларда инсоний меҳр–шавқат туйғулари йўқми? Уларни бу одамларга жони ачимайдими? Менда бу саволларга жавоб йўқ.

Раскрутка қилишлик инсон учун энг оғир азоблардан биридир. Бир инсон узоқ йиллар умид билан кутиб яшайди. Уни ота–онаси ва бола–чақаси кутади. Лекин, уни муддати келганда яна турли тутуруқсиз баҳоналар билан уч ё беш йил қўшиб беришади, яна умид пучга чиқади. Кутган хурсандлик насиб этмайди. Маҳкумларни бесабаб қамоқ жазоси муддатини узайтирганлар эса уйида бола–чақаси олдида хурсанд бўлиб яшашади.

У бечорага шу оддий инсоний ҳақни раво кўришмайди. Шундай қилиб турмаларда узоқ йиллардан бери у зонадан бу зонага судралиб юрганлар қанча? Йигирма йил ва йигирма уч йилдан бери ўтирганлар қанча? Мен бир марта раскрутка бўлганман. Аммо, бошқа юзлаб уч–тўрт мартадан раскрутка бўлганлар ва шу муддати тугамай ўлиб кетганлар қанча?

Судга мени бу сафар шунчаки гаплашиб кўйиш учун чақиришган экан. Уни олдида тарбиявий ишлар бўйича бошлиқ муовини ва иккита отрядник бор эди. Судя менга қараб «Абутов сенми?» деди, уни башарасидан одамни назар писанд қилмаслиги кўриниб турарди. Мен унга зонадаги қоида бўйича «Сом алейкум. Мен маҳкум фалончиевман» дедим.

У қўлидаги сигаретасини тутатиб туриб, менга ўқрайиб қарадида «Сен яна раскрутка бўлишни истайсанми?» деди. «Йўқ» дедим. У ёнидаги ментларга қараб кулиб қўйди. «Агар истамасанг нега бунча кўп нарушения қиляпсан?! Сени бу нарушенияларинг учун яна 221 моддани 2–қисми билан раскрутка қилишимиз мумкин» деди у.

Мен уни мендан нима истаётганини тушунолмасдим. «Сени делонгни кўриб чиқишни айтишди. Мен сен билан келишиб олмоқчиман» деди у. Мен нима дейишни билмай ҳайрон турардим. «Началник мен озодликка чиқишни, уйланишни ва ота–онамга хизмат қилишни истайман холос» дедим.

Судя қўлидаги қоғозларни титкилаб туриб, «Сенга бир гап» деди. Мен нима дер экан деб ҳайратда кутардим. «Сен энди изоляторга тушмасдан юрсанг, бошлиқларни ҳамма айтганларини бажарсанг, озодликка чиқишинг мумкин». «Нима қилиш керак, командир?» десам, «Шу нарушенияларингни ювишинг керак. Бу учун благодарност олишинг керак. Бошлиқлар нима деса, шуни қилишинг керак» деди у. Шу билан гап тамом дегандек, «Кетавер» деган ишора қилди. Мен кабинетдан чикдим. Ташқаридаги ТСБ мени отрядга олиб кетди.

Отрядга бора боргунча, бу судя мени нимага чақирганини ўйлаб бошимни қанчалик қотирмай барибир тушунмадим. Отрядга кирганимдан кейин бошқа маҳкумларга бўлиб ўтган воқеани гапириб, уларни фикрини сўраган бўлдим.

Ҳатто Самандар Қўқоновга учрашиб, шунақа шунақа бўлди десам, у менга қараб «Булар раскрутка қиламан деса, бунақа гаплашиб юрмаган бўларди» деди. У кўп раскрутка бўлган ва бу нарсаларни яхши тушунарди. Мен бунга ўша пайтда тушунмаган бўлсамда, кейинроқ тушундим.

Тарбиявий ишлар бўйича муовин майор мени чақирди. У одатда маҳкумларни урмасди. Ҳамма ментлар урсада, бу одамни урганлигини кўрмагандим. У менга «Сени нарушениянгни кўп, биласан–а?» деди. «Ҳа» дедим. «Биз сени раскрутка қилмоқчимасмиз. Аммо, сен буни учун бизни айтган ишни қиласан» деди. «Нима қилиш керак, командир?» десам, менга қараб тиржайиб, «Сен шеър ёзишни биласан–а?» деди. «Ҳа, озми–кўпми ёзиб тураман» дедим.

Уни шеър ёзишимдан хабари бор эди. Шеър дафтаримни унга кўрсатиб «Уйга бериб юборай» деганимда, рухсат бермаганди. У менга қараб «Сен маҳкумларнинг алоҳида наشري бўлган «Вакт» газетасига президент Каримовга мурожаат қилиб бир мақола ёзасан. Бу мақолада ўз айбингни тан оласан, адашганлигингни тушунганлигингни тан олиб, зонадаги шароитни ва бошлиқни алоҳида мақтайсан ва шу нарсани ёзиб менга олиб келсанг, у бу ерини тузатиб, ўзим редакцияга юбораман» деди. Мен унга қараб, «Бу мени амнистияга тушишим шартими?» деб сўрадим. У менга, «Йўқ сен амнистияга тушмайсан. Сени нарушениянг кўп, ўзинг биласан» деди. Мен унга қараб «Бу нима учун, раскрутка бўлмаслигим учунми?» дедим.

У «Ҳа, бу ўзинг учун яхши. Агар шунақа тез–тез мақола ва шеърлар ёзиб бериб турсанг, сени нарушениянгни благодарност билан снимат қиламиз ва срогинг тугаганда раскрутка бўлмайсан. Яна мен сени тарбиявий бўлимга ўтказиб қўйишим мумкин. У ерда қорнинг тўқ юрасан ва қиладиган ишинг шу шеър, мақола ёзиб туришлик бўлади» деди.

Мен бироз ўйлаган бўлиб туриб, кейин унга қараб, «Командир биласиз, мен бирор жойда ўқимаганман. Саводим йўқ. Бунақа мақолаларни дипломлилардан талаб қилинг. Ака мендан хафа бўлманг ва бу учун мени раскрутка қилмайсиз деб умид қиламан. Мен ужинга бормасам, овқатдан қоламан» деб ўрнимдан турдим. Мент асабийлашгандек «Бор кетавер» деди хўмрайиб. Уни таъби тирриқ бўлгани сезилиб турарди. Мен бу каби мақолаларни ростданам ёза олмасдим. ИАКни ва Бошлиқни мақтаб мақола ёзишлик мен учун имконсиз иш эди. Мени бундай нарса ёзишга саводим етмасди. Чунки, менда диплом йўқ эди. Бунақа нарсаларни дипломлилар ёзишса ярашади.

Ана Рустам Банк профессор эди. У доим ёзарди ва гапирарди. Аммо, унга булар ёрдам бера олмади. Унга ўхшаганлар ёзиб ётишибди. Менда эса диплом йўқ. Мени саводим ИАК каби маразни ва уни югурдакларидан бири бўлган бошлиқ ҳақида мақтаб эмас, бор зулму–зўрвонликларини рўй–рост очиб берадиган китоб ёзишга етади холос. Мени бунча зулмдан кейин уларни мақташлигим имконсиз эди. Бу талаб одамни ғурурини чилпарчин қиладиган талаб эди. Бу талаб одамни ориятини ўлдирадиган талаб эди. Бу талаб қорани оқ, ва оқни қора дейишликни талаб қилаётган адолатсиз талаб эди. Мен уни олдидан чиқиб ошхонага кетдим.

У ерда бизни отряд ужинга кирганди. Мен шошиб–пишиб овқат еб олиб, баракка кетдим. Бу воқеадан кейин, мени ментлар бошқа бу каби талаблар билан чақиришмади. Лекин, бу каби талаблар фақат менгагина бўлмагани аниқ эди. Бу каби талаблар қилинганда қанчадан–қанча одамлар бунга рози бўлиб шу ишга киришган ва кўриб–билиб туриб золим ИАКни мақташганди.

Бу каби ишлар аслида ИАК режимини асл башарасини кўрсатувчи ойна эди. Агар бу золим адолатли бўлганда, уни адолатини халқ у айтиб мажбурламасада ўзлари айтишган бўларди. Тилларда дoston қилган бўларди. Бугун халқ ИАКни мақтайдими? Албатта, телевизорда чиқадиган уч–тўртта оқсоқоллардан ташқари уни астойдил майтайдиган одам борми? Диктаторлар мақтовни хуш кўришади. Бу мақтовни улар бирорта яхшилиқ қилиб эвазига кутишса ҳам майли эди.

Улар зулм қилиб, зўравонлик қилиб, яна мақтов эшитишни исташарди. Бу мисли кўрилмаган разиллик эди. Лекин, шундай бўлсада, уни мақтайдиган имомлар ва шоиру журналистлар етарлича топиларди. Замона зўрники эди. Минг афсус, ҳозир ҳам шундайлигича қолмоқда.

2003 йил июл

Июл ойи Навоий зонасида маҳкумлар учун оғир келди. Зонада қандайдир инфекция тарқалиб, кўпчилик ичбуруғ касалига учраб зир–зир бўлиб қолди. Зонада карантин эълон қилинди. Бу дегани учрашув хонаси номаълум муддатга бекитиларди. Зонада сунъий тақчиллик бошланарди. Касал маҳкумларни бошқалардан алоҳида ётқизишарди. Баъзиларини Сангородга этап қилишарди. Азиз Бозорович барча маҳкумларни «летний эстрада»га тўплаб, мажлис қилди. Бу мажлисда у ҳар бир отрядда чойхоначи борлигини ва бирорта маҳкум хом сув ичмаслиги шартлигини таъкидлади. У сувни қайнатиб ичиш шарт деди у.

Бу касаллик Вилоятдаги бошқа зоналарга ҳам тарқалганди. У томонларда ҳам шундай карантин бўлаётгани хабари келарди. Зонадаги барча маҳкумлар учун катта бир бочкани сувга тўлдириб, қайнатиб қўйишарди. Шу сувни сектордаги чойхоначилар пақирда олиб келиб, яна озроқ қайнатса кейин чой дамлаб ичса бўладиган қайноқ сув бўларди.

Шу сувни совутиб қўйиб маҳкумлар ичиши лозим эди. Бундай исқирт зоналарда бунингдек касаллик тарқалса, юзлаб–минглаб одамларни ётқизиб қўядиган даражада касаллик тезликда тарқаларди. Бу ҳолда зонага карантин эълон қилинар ва ташқаридан ҳеч нарса кирмасди ва учрашувга ҳам ҳеч ким чиқолмай қоларди.

Шундай қилиб зонада карантин бўлди. Бир ой давом этган бу карантинда маҳкумларга учрашув берилмади. Посилка ва бошқа нарсалар ҳам зонага кирмади. Зона тамоман қуриб қолди. Одамлар чой–сигарета тополмай қолишди. Бу нарсалар бўлмаса маҳкумлар ҳаёти ўтмай қоларди. Бир қути самосатни баҳоси бир буханка нон бўлди.

Одатда ташқаридан нарса кириб турса маҳкумлар пайка нонини емасдан, баракка олиб келиб шунга чой ва чекиш сотиб оларди. Ноннинг нархи бор эди бу ерда. Сигаретнинг нархи бор эди. Ҳамма кимдадир озгина самосат қолганини билса, атрофини ўраб оларди. Битта самосатни бир неча маҳкум айлантириб тортишарди. Кимдир кимгадир шу савилдан озроқ қолдирса, у катта эҳсон қилган одам ҳисобланарди.

Шу карантин пайтида зонани магазини очилди. У ерда мохорка бор эди. Бу магазин зонаники бўлиб, у ердан бошқа ерда харид имкони бўлмагани учун маҳкумлар шу ердан олишга мажбур эдилар. Бу бизнес қилишни бир йўли яна бир йўли эди. Ҳамма одам эртадан кечгача навбатда туриб, ўз ҳисобидаги пулга шу магазиндан қиммат баҳода мохорка ва пряник сотиб олишарди.

Маҳкумларнинг ота–онаси келганда унинг ҳисобига деб ўтказган пуллари шундай қилиб магазин орқали зона ҳисобига ўтарди. Ишлаган маҳкумларга ойлик ёзиларди. Бу ойликлар уч минг ё тўрт минг сўм бўларди. Шу пулдан улар савдо қилишарди.

Шундай қилиб, бу ойликлар ҳам зона ҳисобига ўтарди. Мен умуман тасаввур қилолмайман, бу зонадаги магазин савдосини ким назорат қилади? Бундан ким фойда кўради? Мен билмайман. Шуни биламанки, бу магазин орқали зона анча–мунча пул ишлаб оларди.

Карантин тугагач учрашув вақти ўтиб кетган маҳкумларга қисқа муддатли учрашувлар берилди. Бошқалар эса узоқ муддатли учрашувга кира бошлашди. Шу карантин пайтида кўплаб маҳкумлар ота–оналар хотин бола–чақалари оввора бўлиб узоқ ерлардан келиб, киролмай олиб келган нарсаларини қайтариб олиб кетишга мажбур бўлишганди.

Бу каби нарсалар маҳкумларга ҳам, уларнинг яқинларига ҳам зулм эди. Бу билан бировни иши йўқ эди. Зонадаги касалларга биттадан таблеткадан бошқа нарса берилмасди. Бу ерда сил касаллари отряди бўлиб, Санчастанда ишлайдиган фелдшерлар келиб, уларга ҳам ҳар куни эрталабки ва кечки текширув пайтида биттадан таблетка улашишарди. Шу таблетка бу зонада касалларни даволайдиган ягона восита эди.

Бундан бошқа маҳкумлар қўлида умуман дори–дармон бўлмасди. Кимдир уйидан заказ қилиб дори олдирса, уни қўлига берилмасдан, учрашув хонасидан тўғри санчастанга кетарди. Санчастан уни дорисини сақлаб кўяр ва у маҳкум ўша ерга қатнаб, укол оларди. Албатта, бунақа пайтда ўнта уколдан бештасини ололган маҳкум хурсанд бўларди. Уни қолгани эса, кимгадир сотилиб кетарди.

Бу ерда ҳатто маҳкумларни тишига пломба қўйишга ҳам имконият бор эди. Мени семейкам Тошкентлик йигит уйидан олдирган пломба дори–дармонларни санчастандаги тиш докторига берилганди. У маҳкум ўша докторга қатнаб, ўша уйидан келган кукундан тишини ковагига пломба қўйдирганди. Бу иши учун у докторга яна икки пачка филтрли сигарета ҳам берганди. Бу энди раҳмат миннатдорчилик белгиси эди. Доктор ундан қолган кукунни бошқаларга пуллаб, яна фойда кўрарди.

Зона кимлар учун жазони ўташ маскани бўлса, кимлар учун кун кўриш ва бола–чақа боқиш маскани эди. Бу майда ментлар шунақа майда нарсалардан пул ишлашарди. Каттароқ ментлар табиийки, каттароқ пул ишлашарди. Каттароқ бойлар келиб қолса, табиийки, улар соғин сигирга айланишарди. Қора зоналарда бунақаларни ўғри–каззоблар соғарди. Бу ерда Санакул ва бошқа ментлар соғарди. Агар улардан ортса зовхоз ва бригадирлар ҳам улуш олишарди. Бойларни ҳамма ерда яхши кўришгани каби, бу ерда ҳам улар кутиладиган меҳмонлар эди. Бизга ўхшаган камбағалларни ўша ерда ҳам қадримиз бир пул эди. Мана шундай жой эди Навоий 46 зона.

Мен тарбиявий ишлар бўйича бошлиқ муовини олдиға кириб чиққанимдан кейин, мени ҳар ҳафталик кечки «тарбиявий дарс» олиб боришдан маън қилишганди. Бу воқеъа қизик бўлган. Аслида мени бу дарсни олиб бораётганимни штабдагилар билмаган, ёки, алоҳида эътибор қаратишмаган. Шу воқеъадан сўнг муовин отрядникни чақириб мени ҳақимда сўраб суриштирганда у «Абутов яхши бўп қолди. У ҳозир дарс ўтаяпти» деган. «Абутов қанақа тарбиявий дарс ўтади? Йўқот уни» деган муовин.

Отрядник ўзиям ҳайрон эди. Мени ҳафталик дарс ўтишимни отрядник биларди. У бир марта ўзи ҳам ўтириб эшитганди. Муаммо шунда эдики, на отрядник ва на бошқалар мени қуръон оятларини тафсир қилаётганимни, аслида уларга қарши кетаётган бир улкан дарслигини англамасдилар. Улар «Шу нарсани ўтказишга бошлиқ буюрдими, демак уни ўтказиш керак» деб тушунардилар. Мени нималар деяётганимни биров билмасди.

Отрядник муовиндан гап эшитгач, менга келиб кабинетга чақирди. «Сен энди дарс қилмайсан. Муовин сени қилмасин деди. Лекин, мен тушунмайман нега ундай бўлаяпти. Сен биласанми сабабини?» деб мендан сўради. Мен унга «Командир мен ўтмасам майли, ўтмайман. Менга зовхоз айтгани учунгина ўтаётгандим. Бошлиқ ҳар бир отрядда албатта тарбиявий дарслар ўтказилсин деган экан. Шунга ўтгандим» дедим.

Бошлиқ зовхозни чақириб, «Энди бу дарсни Абутов ўтмасин» деди. Зовхоз бир унга қараб, бир менга қараб ҳайрон бўлдида, «Хўп, лекин, бошқа одамни ўзи йўқда дарс ўтадиган» деди. Отрядник унга «Бўлмаса топамиз, лекин буни ўтказма» деди. Шундай қилиб мен бошқа қуръондан тафсир қилмайдиган бўлдим.

Бу дарслар маҳкумларга жуда катта руҳий ором берган ва бизни назаримизда бир мўъжиза бўлиб кўринадиган воқеа эди. Чунки, бу гапларни айтишликка ўша муҳитда шароит бўлиши етти ухлаб тушга кирмайдиган ҳодиса эди. Албатта, бундан бошқа пайтларда ҳам қуръонни ўқишимиз мумкин эди. Лекин, у дарсадаги каби ҳамма тўпланиб ўтиролмасдик. Икки–уч кишидан ортиқ тўпланиб бўлмасди. Бунақа ерга тезда ТСБлар етиб келиб нимага тўпланаяпсизлар деб тарқатиб кетишарди. Бу зонада беш ўнта маҳкумни бир ерга тўпланиши мумкинмас эди. Ўша Қизил Тепадаги воқеадан кейин, маҳкумлар тўпланишидан ментлар чўчиб қолишганди. Шу сабабли икки–уч киши бўлиб, сектор ичида айланиб юардик.

Зонага ташқаридан нарсалар киришни бошлаганда сигарета ва чой яна етарлик бўлиб қоларди. Байрамлар олдидан ва ортидан бир–икки ҳафта мана шундай карантинлар бўларди. Ўшанда ҳам зонага нарса кирмай, тақчиллик юзага келарди. Ўша пайтда магазин очилиб, савдо қилишга рухсат бериларди. Савдо тугагач яна карантин тугарди. Шундай қилиб бу магазин қаердандир топиб келадиган қотиб қолганлигидан, қувалда билан урсада синмайдиган пряниклар тезда сотилиб кетарди. Зонани ички сиёсати шундай эди. Бу сиёсат тагидаги сирни нималигини биз билмасдик.

Зонада тез–тез режимниклар тўпланиб текширув ўтказишарди. Текширув эрталабки ёки кечки текширувдан сўнг мадҳияни куйлаб бўлиб, баракка қайтишда бўларди. Санақулни ўзи ҳам иштирок этадиган бу текширувларда стадиондан чиқаётган ҳар бир отряд тўхтатилиб, шу ердан ким уларнинг кўзига айбдор кўринса уни четга чиқариб қўйишарди. Отрядни эса жўнатиб юборишарди.

Шундай қилиб ҳар отряддан йигирматача маҳкумни ушлаб қолишарди. Ҳамма тарқалиб бўлгач, бу икки юз–уч юзтача маҳкумни изоляторга қамашарди. Ўша ерда биттама–битта ҳаммаси текшириларди. Худди бир ердан бир нарса олиши мумкиндек, бу ментлар маҳкумларни беҳуда қийнаб, қонларига ташна қилишарди.

Бу текширувда маҳкумлар сочи, кийган кийимлари ва биркаси текшириларди. Бирка дегани бу ҳар бир маҳкумнинг кўкрагига тақилган бир кичкина нарса эди. Унга маҳкумнинг исми ва фамилияси ёзиларди. Шунингдек қайси отряддан бўлса ўшани ва бригадаси сони ёзиларди. Масалан: мен 13 отрядда 131 бригадада бўлганман. 3 отрядда пайтимда 30 бригада бўлгандим.

Ҳар бир отрядни бригадалари ҳам шу сондан бошланарди. Ҳар отрядда учтадан бригада бўларди. Баъзан маҳбуслар ўша биркани хато ёзишарди. Баъзан уни қора матога оқ ип билан тикиб ёзишарди. Бу кийимни ювганда ўчиб кетмаслиги учун яхши эди. Хлор билан ёзганларники ювилганда ўчиб кетарди. Шунақа биркаларни ментлар олиб олиб, улоқтириб ташлашарди. Бу дардисарни ёзмасдан юриш нарушения хисобланарди. Зонада ремен мумкин эмасди. Шунингдек, волчий ботинкалар яъни, озодликдан олиб келинган пойабзаллар кийишлик мумкин эмасди.

Ментлар текширганда ТСБлар ва бригадирлар қолиб, оддий маҳкумлар текшириларди. Биркалар юлиниб, улоқтирилар ва сочлари қайчи билан шу ерни ўзида у ер – бу еридан чукчага ўхшатиб қирқиб қўйиларди. Шу аҳволда агар ботинкаси зонада берилган ботинка бўлмасдан кўчадан олдирган бўлса, ечиб олинарди. Устидаги ички кийимлари ҳам зонада берилганидан бошқача бўлса ечтириб ташланарди.

Маҳкумлар текширувдан ўтиб изолятордан чиқиб, отрядга қайтганда кимдир қўйлаксиз, кимдир биркасиз, кимдир оёқ яланг ва кимдир сочи қирқилган ҳолда қайтарди. Кейин булар шу отрядлар зовхозларига топширилиб, уларга ҳамма маҳкумларни шу нуқсонлари тузалишини назорат қилиши буюриларди. Шунақа ҳолатлар тез–тез бўлиб турарди. Бундай пайтда бир кун ўша изоляторни ичида кутиб ўтарди. Бу каби ишлар маҳкумларни таҳқирлашдан бошқа нарса эмасди. Ҳали бошимиздаги сочимиз сал қорайишга улгурмасдан уни лезвия билан қиришга буюришарди. Агар сартарошга бормасдан ўзимиз у ер, бу ердан лезвия топиб кирсак, уни кўриб қолган мент бизни ушлаб олиб кетарди. Лезвия билан зонада қўлга тушган маҳкумлар изоляторга қамаларди. Лекин, сочни олиш шарт эди. Шунақа мантиқсиз талаблар бор эди бу ерда.

2003 йил август

Август ойи ҳар доимгидек мустақиллик байрами бўлди. Бу байрам ташвиши ҳам ўша–ўша аввалгилардан кам бўлмади. Свиданка карантин бўлди. Зонага икки ҳафта ҳеч нарса кирмади. Аммо, тушликка ош берилди. Бу ошига еса кучук ҳам тўймайдию, лекин, «Ош бердик» деб оғзини тўлдириб айтишга ярайдиган нарса эди. Қолаверса ментлар ва гадлар тўйиб ер эди бу ошни албатта.

Зонадаги байрамларни ҳам тутуриғи қолмаганди. Бу сафар Насиба Абдуллаева келди. Уни келади деб ҳаммани катта «летний эстрада»ги тўплашди. Лекин, нимадир бўлиб, у жуда кеч келди. Биз ўша ерда уч–тўрт соатча ўтириб қолдик. Бошқа отрядлардан ҳам биродарлар келганлиги учун улар билан ўтириб гаплашиш имкони бўлди. Лекин, бунча кўп ўтириш ҳаммага малол келди.

Кейин айтишларича артист келаётган машина йўлда авария бўлибди. Лекин, унга балоям бўлмаган экан, хуллас, келди. Оқ енгсиз кўйлакда кўшиқ айтди. Ҳар доимгидек, унга гуллар тақдим этилди. Олдиндан таёрлаб қўйилган маҳкумлар чиқиб ўйнашди. Концерт охирида тарбия бўйича муовин чиқиб, албатта бизга бундай концертлар уюштираётгани учун Азиз Бозоровчига ва келган артистга барча маҳкумлар номидан миннатдорчилик айтди. Герани ўрнига келган гад Давлат чўтир адабий тилда унчалик эплаб гапиролмасада, амаллаб Азиз Бозоровчига барча маҳкумлар номидан миннатдорчилик билдирди. Хуллас текин тамошо тугаганда қуёш ботганди. Биз пешин ва асрни шу ерда таяммум билан карнай–сурнайни орасида ўтирган ҳолда ўқиб олгандик. Бошқа иложимиз йўқ эди. Бу ердан туриб кетиш имконсиз эди.

Энди зонада маҳкумларнинг аксари қайтмаганлар эди. «Қайтганман» деб ёзсада, ҳали амнистияга тушмаганлар бор эди. Наманганлик Баҳриддин амаки чиқиб кетди. Лекин Хасан ака амнистияга тушмади. Дунёда иккита яхши одам бўлса, бири шу одам деб гувоҳлик берардим. Битта бўлса унда ўшани ўзи деб гувоҳлик бераман. Мен ундан яхшироқ одам бор десалар ишонмайман. У илмсиз эди. Муллолик иддаоСИ йўқ эди. Лекин мен уни мен кўрган ва билган муллаларнинг юзтасидан афзал деб биламан. У инсон сифатида олийжаноб одам эди. Лекин, шундай одамни негадир амнистияга туширишмади. Унга ўхшаганлар сероб эди. Аллоҳ уларга нажот берсин.

Ўша пайтларда мени бир куни штабга чақиришди. Нақ «Бошлиқнинг хонасига кир» дейишди. Бошлиқ хонасида ёлғиз эмасди. Мен кирганимда у билан иккита одам ўтирганди. Мен кириб «Сом алейкум. Маҳкум Абутов келди» дедим. «Абутов, мана бу акаларинг сен билан гаплашмоқчи эканлар. Ўтир деди» бошлиқ стулни кўрсатиб, кейин ўзи уларга қараб «Мен шу ерда бўламан хизмат бўлса» деб чиқиб кетди. Акаларим менга қараб «Биз сиз билан очик ойдин гаплашмоқчимиз» дейишди. Мен уларга «Бемалол «дедим.

Биттаси ёши элликка борган қорамтир юзли, бошқаси сарғишроқ оқ юзли одамлар экан. Қораси сал кўполроққа ўхшади. Сарик анча юмшоқ экан. Сарик менга кўпроқ саволлар бера бошлади. Қорасиям қайта–қайта савол ости саволларидан беришда ундан қолишмади чамамда «Биз очик–ойдин суҳбатлашмоқчимиз» деди. Мен уларга қараб «Мен очик одамман начальник. Мен доимо очикчасига гаплашаман. Менда сирли гапни ўзи йўқ» дедим.

«Бизда бир қанча саволлар бор. Шуларга жавоб бер. Сен қаерда, қандай диний таълим олгансан?» Бу уларнинг биринчи саволи эди. Мен олдинга буларни ГУИНдан келган ментлар деб ўйлаётгандим. Лекин уларни саволлари ментларникига ўхшамасди. Мен уларга «Менда диний илм йўқ. Яъни, мен бирорта мадрасада таълим олмаганман» дедим. Улар мени янада очикча гаплашишга ундай бошлашди. «Сен илмсиз бўла туриб қандай масжидда имомлик қилгансан? Биз билан очикча гаплаш дедик–ку сенга? Биз биламиз сени ҳақингда барча маълумотни. Биз гаплашиб олмоқчимиз сен билан» дейишди.

Мен уларга «Агар билсангизлар, демак мени бирорта мадрасада ўқимаганимни билсанглар керак» дедим. Сарик мендан «Бўпти, сенга конкрет савол – Тоҳир Йўлдошни танийсанми?» деди. «Ҳа» дедим. «Қаердан танийсан уни» дейишди. «Телевизордан» дедим. «Учрашганмисан?» «Йўқ». «Уни террорчи гуруҳини Боткендаги қилган ва бошқа ишларига нима дейсан?» «Нотўғри, хато дейман». «Жиҳод бу нима сен учун» деди қорамтир.

«Жиход бу куръонда Аллоҳ буюрган фарз амаллардан бири» дедим. «Ўз ватанига қарши одам жиход қиладими?» дейишди. Мен «Жиход куфрга қарши қилинган ва бундан кейин ҳам қилиниши керак бўлган амал» дедим.

«Ҳизбут Таҳрир «Халифат курамиз» деяпти. Сени улар ҳақидаги фикринг қандай?» деб сўрашди улар. «Мен Ҳизбутларни озодликда кўрмаганман. Шу зоналарда учрашдим улар билан. Мен уларни ақидаларига ва манҳажларига умуман қаршиман» дедим.

«Сени Халифат қуриш манҳажинг қандай?» деди сариқ. «Менда Халифат қуриш манҳажини бўлмаган командир. Мен ҳали суннатга амал қилишлик, ширкдан сақланишлик ва шунга ўхшаган бидъату хурофотларни тарк этишга чакирганимда, мени ваҳҳобий деб бадном қилиб, қамашди. Менда ҳали Халифат қуриш ҳақида ҳеч қандай тушунча бўлмаганди» дедим. «Демак сен жиходчилар йўлидаги Халифатчисан» дейишди.

Мен уларга «Шу Халифат масаласида мени аниқ–тиниқ танлаган манҳажим йўқ. Мени бу масалага ақлим ва илмим етмайди умуман. Мен бу гуруҳларга қўшилмаганман. Сабаби уларни йўлини тўғримас деб биламан. Лекин, ўзимда шу масалада бирорта йўл йўқ» дедим. Мен бу гапларни ёзишимдан мақсад шуки, **МЕНДА ҲАЛИ ҲОЗИР ҲАМ БУ МАСАЛАДА АНИҚ БИР МАНҲАЖ МАВЖУД ЭМАС.**

Улар мендан Ал–Қоида ҳақида сўрашди. Мен «Бунақа гуруҳни умуман билмайман. Бу гуруҳни АҚШдаги икки башняни самолёт уриб кулатганлиги ва кўплаб одамлар ноҳақ ўлганлиги яхшимас» дедим. Толибон ҳақида сўрашди. «Бу гуруҳни унчалик танимайману, лекин, шу телевизордан эшитганимга қараганда кўп хато ишлари бор деб ўйлайман» дедим. Худкушлик ҳақида сўрашди. «Мен бу амални шаръан мумкинмас деб биламан. Ҳозир ҳам шундай фикрдаман» дедим.

Тахминан икки соат давом этган бу суҳбатда менга турли хил саволлар берилди. Мен ўша саволларга жавоб бердим. «Озодликка чиқсанг режаларинг қандай?» деган савол ҳам бўлди. Мен бу масалада мени режам бошқаларники каби шу умумий нарсалар, ота–онамга хизмат қилиш ва уйланиб бола–чақа қилиб яшашлик» дедим.

Менга «Абдували қорини танирмидинг?» деган савол ҳам бўлганди. «Ҳа» дедим. «Уни қаердан танирдинг?» дейишди. «Мен у кишини мухлисларидан бири эдим. Кассеталарини кўп эшитардим» дедим. «У ваҳҳобийларнинг каттаси бўлган» дейишди. Мен эса «У киши Ҳанафий мазҳабда бўлганман деб айтган эди» дедим. Буларни мазҳабларга унчалик қизиқиши йўқ экан шекилли, у масалада кўп нарса суриштиришмади.

Мен уларнинг олдидан чиққанимда шом кирганди. Штабдан чиқиб бораётиб, шунақа бошим айландики, гандираклаб ерга ўтирдим. ТСБ келиб мени турғазмоқчи бўлардию, мен оёғимда туролмасдим. Негадир ўша куни бош айланма бўлдим. Секин аста юриб отрядга бордим. Бу келганлар МХХлар эди. Буни улар айтмасада, фаҳмлагандим. Улар менга «Озодликка чиқасан» ҳам дейишмади ва ёки «Яна раскрутка бўласан» ҳам дейишмади. Ҳеч нарсани билдирмасдан хайр–маъзур қилиб чиқариб юборишганди.

Бу касофатлар назаримда мени ҳалигача ўрганишаётганди. Булар мени яна раскрутка бўламанми? ёки озод бўламанми, шуни ҳал қилишмоқчи эди валлоҳу аълам. Мен эса аниқ билардимки, бу масалани Аллоҳ азалда ҳал қилиб қўйган эди. Бу нарса ўша азалдагидан ортиқ ва кам бўлмас эди. Аммо, у нималиги менгаям ва бу МХХларгаям ҳали қоронғу эди.

Ўша пайтда августни 27сида Аллоҳ йўлида жонини фидо қилган тавҳид муаллимим Абдували қори Мирзаевнинг ўғирланиб йўқ бўлганига 8 йил тўлганди. Мен Навоий 46 зонасида у кишига атаб мана шу шеъримни ёзган эдим.

Ҳолингиздан на хат ва на, хабар бор?
Бир чора қилишга ночормиз, ночор?!
Шубҳасиз Яратган Ўзи хабардор,
Ўзиндадир Улуғ Қудрат – Устозим!
Сизга Аллоҳ берсин нусрат – Устозим!

Имонга лойикдир синовнинг бари
Буни хабар берди, Ҳақ пайғамбари,
Шундай бўлиб келган доим илгари,
Ўзига маълумдир ҳикмат – Устозим!
Азалдан битилган қисмат – Устозим!

Осон эмас ахир зиндонда ётмоқ,
Мудраб ётган ғофил халқни ўйготмоқ,
Золимлар олдида Ҳақ сўзни айтмоқ,
Ҳар кимда йуқ бундай журъат – Устозим!
Бу ҳам сизга улуғ неъмат – Устозим!

Сиғдира олмасман ҳеч хаёлимга,
Бунча зулм бўлди, – шундай олимга?
Мусулмонларни хор этган золимга,
Икки дунё бўлсин лаънат –, Устозим!
Қилгай энди мангу ҳасрат, –, Устозим!

Куфр доим ғолиб бўлиб турмагай,
Аҳли имон ҳаргиз мағлуб бўлмагай,
Ҳаёт низомини инсон қурмагай,
Уларга ҳам келар навбат – Устозим!
Ўлмасак қўрармиз албат – Устозим!

Илм лозим экан ҳар мусулмонга,
Ҳидоят истовчи оқил инсонга,
Илм берди Аллоҳ, – Ўзбекистонга,
Қадрингиз билмади давлат – Устозим!
Ҳақни рад қилди бу «бадбахт» – Устозим!

Фалокатни кўра олмайди инсон,
Ҳақни рад қилганлар, қолмаган омон,
Келади, Аллоҳнинг ҳукми бегумон,
Бордир Аллоҳ битган муҳлат – Устозим!
Чунки бу ўзгармас суннат – Устозим!

Сиз кетдингиз, даъват бўлмади тамом,
Ҳали даъватдасиз собит бардавом,
Сиз сабаб ҳидоят топмоқда авом,
Қолдирдингиз улуг ибрат – Устозим!
Ҳануз қилаяпсиз хизмат – Устозим!

Сизга Аллоҳ илм, – ҳикмат берганди,
Шижоату – журъат – ҳиммат берганди,
Шунга лойиқ синов, қисмат берганди,
Аллоҳ сизни қилгай раҳмат – Устозим!
Жаннатда кўргайсиз иззат – Устозим!

Бу қисмат асли Ҳақ инояти бу,
Қуръон хабар берган ривояти бу,
Яратган Аллоҳнинг ҳидояти бу,
Саҳвийда бор, шундай ният — Устозим!
Жаннатда қилгаймиз суҳбат — Устозим!

2003 йил сентябр

Зонада ўтган умрим давомида турли–туман диний гуруҳларни учратдим. Уларнинг ақида ва манҳажлари билан танишдим. Бу ихтилофлар кўлами чуқурлиги ва ечими йўқлиги мени ҳайратга соларди. Мен мусулмонлар орасида бу қадар ихтилофлар ва парчаланиш борлигини олдин умуман билмагандим.

Мен қамалганимда шу ваҳҳобий ва бидъат хурофотни дин деб одамларни алдаб юрадиган куф–суфчи динфурушлар ва сўфилар бор эди. Мен буларга қарши курашгандим. Мен буларни диний илми йўқлигидан шунақа адашган мусулмонлар деб ўйлардим.

Зоналарда эса, кўп йиллар ўтириб, турли–туман фирқаларни кўрдим. Булар орасидаги умуман қиёматгача келишолмайдиган ихтилофлар борлигини тушундим. Бугунга келиб эса, бу фирқалар орасидаги рақобатлар қуролли тўқнашувларга айланганлигини ва энди мусулмон бошқа бир мусулмонни бошини кесаётганлигини кўриб турибман.

Мен динни жуда–жуда содда тушунган эканман. Мен динни «Мўмин мўминни биродаридир» деган ва «Кимки, ўзига раво кўрганини биродарига раво кўрмагунча мўмин бўлолмайди» деган ҳадиси шарифларга биноан тушунардим.

Бу каби ояту—ҳадислар китобда тўла бўлишига қарамай, ҳаётда турли хил диний гуруҳлар орасида катта—кичик низолар адо бўлмасди. Ҳамма ўзи ушлаган йўлни тўғри деб билади. Шу йўлда бошқалар ҳам ҳаракат қилишини истайди. Мана шу истак улар орасида адоватни авж олдирмоқда. Умнат парчаланмоқда. Бу парчаланишга турли хил режимлар ва уларга хизмат қилаётган уламою—шайхлар ҳам катта ҳисса қўшмоқдалар албатта. Ҳар бир тоифанинг тепасида шайхлар турибди.

Сўфилар тариқатлари сони қанча? Улар ҳам бир—бирларига ихтилоф қиладилар. Ҳанафийман деганлар қанча гуруҳга бўлинган бўлиб, бир—бирларини ўлдиришга тайёрдирлар. Жиходчи гуруҳлар орасида бир—бирига қарши урушлардаги қурбонларнинг сонини Аллоҳдан ўзга биров билмайди. Мусулмон давлатдаги ҳукуматларнинг ўз халқига қилаётган зулму—зўравонликларини ҳам сон—саноғи йўқдир.

Булар ҳаммаси имон даъво қилаётган мусулмонлардир. Булар ҳаммаси бир умматдир. Мусулмон давлатдаги мустабид режимлар ўз халқига ва мусулмон жамоаларга қилаётган тазйиқлари ҳам, қурбонлари ҳам шулар жумласидандир. Чунки, улар ҳам ўзларини мусулмон санайдилар. Бу дегани ислом уммати ўз ўзини қириб тугатмоқдадир. Менга бу аччиқ ҳақиқатни англашлик жуда оғир эди. Мен бу уммат дардига малҳаму чора тополмасдим. Бу ғам мени бугун ҳам тарк этган эмас.

Зонага яна Диний Бошқармадаги «Уламолар» гуруҳи ташриф буюрди. Улар юқоридан бўлган буйруққа биноан зоналарни айланишарди. Бу ердаги бизни тўплаб, бир соат гапириб кетгани билан биров уларни гапидан таъсирланиб, ўз хатосини англаб олиб тутган йўлидан қайтмаслигини улар ҳам англашарди. Бу нарсa бир соатда бўладиган иш эмас эди албатта. Қолаверса, улар бу ерда ётиб, кечаю—кундуз маъруза қилсаларда бу мақсадларига эришиши имконсиз иш эди.

Чунки, бу ақидалар ва манҳажлар Ўзбекистон учун янгилик бўлгани билан, бошқа мусулмон давлатларда буларнинг ҳаммасини жиддий шайхлари ва кўп минглаб эргашувчилари мавжуд гуруҳлар эди. Булар ўзбеклар учун янгилик ҳисобланарди. Советлар тузуми кулагач, дунёдаги мавжуд исломий гуруҳлар ақидалари Ўзбекистонга қириб кела бошлади. Бундай бўлиши табиий эди. Очиқ мамлакатда яшашликка ўрганмаган ИАК бундай гуруҳлардан чўчирди.

Диний Бошқарма номли мутаассиблар гуруҳи ҳам бундай диний гуруҳлардан чўчишарди. Уларнинг бу гуруҳларга қарши қуроли шу фақат «Сизлар илмсизсизлар ва адашгансизлар» деб алжирашдан бошқа нарсани гапирмасдилар. Шайх МСМЮ айниқса бу соҳада катта фаолият кўрсатганди. Айни замонда у бошқа давлатларда бу гуруҳларнинг катта уламолари борлигини яхши биларди.

«Таблиғ гуруҳи»ни тарихи юз йилга яқиндир. Уни Покистон ва Ҳиндистонда улкан шайхлар бор. «Ҳизбут»ларда ҳам Иорданияда ва бошқа жойларда илмли шайхлари ва мужтаҳидлари бор. «Ваҳҳобий»лар шайхлари Саудияда ва бошқа араб давлатларида тўлиб ётибди. «Жиходчи»лар ҳам шундай. Уламосиз қолганлар «Акрамийлар» дейиш мумкин.

Улар локал гуруҳ бўлиб, Ўзбекистоннинг баъзи вилоятларидан бошқа ерда мавжуд эмасдир. «Нурчи»ларнинг ҳам асосан Туркияда ўз шайхлари бор. «Сўфи»ларда эса турли тарикат пирлари бутун дунёда тўлиб ётибди. Бу гуруҳларнинг ҳаммаси асли бошқа ерда пайдо бўлган ва кейин дунё бўйлаб тарқалиб Ўзбекистонга ҳам келган эди.

Чегараларни ёпмасдан, очиқ яшайдиган давлатларда бу гуруҳлар фаолияти чекланмаган ва барчасига баробар шароит берилганди. Лекин, марказий Осиё давлатларида булардан битта Ҳанафийчиман дейдиган расмий имомларга рухсат берилиб, бошқалари қатағон қилинди. Шу сабабли улар озодликда масжидда бемалол фаолият олиб боришарди. Бошқалари эса турмаларда ётардилар. Бу турмадагиларга эса улар келиб «Адашгансизлар» деб маъруза ўқиб кетишарди. Бу маърузаларини сариқ чақалик таъсири бўлмасди. Буни улар ўзлари ҳам албатта билишар эди.

2003 йил октябр

2003 йил 26 октябрда рамазон кирди. Бу ой менинг бу зонадаги охирги рамазоним эди. Кейинги йилдаги рўзани уйда тутар эдим. Лекин, мен буни ҳали билмасдим. Рўзани бу йил ҳам Аллоҳнинг мадади ила аввали йилдагидек тутдик. Табиийки, рўзалар кундуз қисқалиги учун осонроқ эди. Лекин, овқат йўқлиги ва ифтордан бошқа пайтда ҳеч нарса емаслигимиз малол келарди. Зона раҳбарияти рўзани маън қилмаган бўлсада, уни тутишга имконият ҳам қилмасди.

Диний ибодатларни адо этиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Жиноят–ижроия кодексида шундай дейилган.

12–модда. Маҳкумларнинг виждон эркинлигини таъминлаш

Маҳкумларга виждон эркинлиги кафолатланади. Улар ҳар қандай динга эътиқод қилишга ёки ҳеч қандай динга эътиқод қилмасликка ҳақли.

Қамоқ ёки озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазони ўтаётган шахслар ҳузурига, уларнинг илтимосига кўра, белгиланган тартибда рўйхатдан ўтган диний бирлашмаларнинг руҳонийлари таклиф этилади. Маҳкумларга диний расм-русумларни адо этишга, ибодат учун керакли нарсалардан ва диний адабиётлардан фойдаланишга рухсат этилади.

Диний расм–русумларни адо этиш ихтиёрий бўлиб, бу нарса жазони ижро этувчи муассасанинг ички тартиб қоидаларини бузмаслиги, шунингдек бошқа шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини камситмаслиги лозим.

Мана шу қонуннинг охирги бандидаги «Бу нарса жазони ижро этувчи муассасанинг ички тартиб қоидаларини бузмаслиги, шунингдек бошқа шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини камситмаслиги лозим.» деган қисмига кўра, биз рўзадорларни отрядда қолмасдан ошхонага боришга мажбурлашарди.

Худди шу қонунга мувофиқ бомдод намозига турганимизда, «Ёнингдаги маҳкумни уйқусини буздинг» деб изоляторга тикишарди. Бошқа намозлар вақти эса уйқу вақтида келмагани учун уларни ўқишда муаммо йўқ эди. Энди бизга қарши кураш мана шу қонунга асосланганди.

Ҳар доимгидек, шу қонунга кўра ошхонага рўздорларни ҳам боришга мажбурлашарди. Овқатни ейиш–емаслик маҳкумнинг ихтиёридаги иш ҳисобланарди. Уни ейишга ҳозир мажбурлашмас эди. Олдинлари эса албатта уриб, едиришган. Лекин, нонни баракка олиб кетишга рухсат йўқ эди. Биз рўздорлар овқатга тикилиб уни еяётганларга қараб ўтирардик. Рўзада овқат емасдан юриш муаммо эмас. Аммо, биров еяётганда ёнида ўтириш осон эмасди. Бошқа чорамиз ҳам йўқ эди.

Рўзалар масаласида аслида биз тутмасдан, кейин – озодликка чиққанда тутсак ҳам бўларди. Чунки, биз намозларни қаср қилиб ўқиётган эдик. Бу шароитда бизнинг асирлик ҳолатимиз ҳали тугамаганди. Лекин, рўзани тутишликка уриниш сабаби, ўша озодликка чиқишимизга ва кейин рўзани қазосини тутишимизга қафолат йўқ эди. «Шу қазо рўзаларни кўтариб кетмайлик» деган ниятда рўзалар тутиларди. Дарҳақиқат, ўша пайтдаги маҳкумлардан ҳалигача турмада қолиб кетаётганлари бор. Аллоҳ уларга нажот берсин. Қанчалари эса турмадан чиқмасдан, дунёдан ўтиб кетдилар. Аллоҳ уларни мағфират қилсин.

Мени ўша пайтда уч ярим йиллик муддатим тугашига, етти ойдан кўпроқ муддат қолганди. Мени муддатим 2004 йил 8 майда тугаши керак эди. Лекин, унғача нималар бўлишини Аллоҳ билади. Зонада давом этаётган судларда кўплаб маҳкумларни манзил колонияга юборишар ва баъзи диндор маҳкумларни режимини ўзгартиришарди. Режими ўзгаришлиги яхши ва ёмон тарафга бўларди. Бу зона қаттиқ режимли зона эди. Баъзи маҳкумларнинг режими умумий режимга ўзгартирилди.

Одатда аввал бошдан кўплаб диний маҳкумларга қаттиқ режимли зоналарда жазони ўташга ҳукм қилинганди. Бу менимча зоналарда жой етишмаслиги учун қилинган бўлса керак. Бу 159ларнинг судларини бутун мамлакат бўйлаб МХХ назорат қиларди. Буларнинг судлари Судьяларнинг ўз ихтиёрида бўлмас эди. Уларга кимга – қанча йил беришни ва қайси режимга ҳукм чиқаришни тепадан айтишар ва улар буни бажаришариди. Бу судлар режим қўлидаги қўғирчоқлар эди.

Умумий зоналар сони қаттиқ режимли зоналарга қараганда икки баробар камроқдир. Шу сабабли диний маҳкумлар биринчи марта қамалаётганликларига қарамасдан қаттиқ режимли зонада жазо муддатини ўташга ҳукм қилингандилар. Бу нарса Ўзбекистон қонунчилигига зид эди. Энди эса Қизил Хоч ва бошқалар келиб туриши сабабли, ва яна албатта «юртбошининг бағрикенглиги» сабабли зоналарда маҳкумларни сонини анчагина камайитиришганди.

Энди олдинги қаттиқ режимга ҳукм қилинганларни умумий режимга айлантириш жараёни борарди. Мана шу сабабли баъзи диний маҳкумлар режими ўзгартирилиб, умумий режимда жазони ўташга ҳукм чиқарилар ва улар умумий режимли зоналарга этап қилинади. Баъзиларини эса критий режимга ҳукм қилишарди. Бу дегани уларнинг жазосини янада қаттиқлаштирилди деганидир.

Критий режим Ўзбекистонда иккита турмада бор. Бири Қоровулбозордаги турма ва бири Андижон турмаси эди. Жаслик ҳам моҳиятан критий режим ҳисобланарди. Чунки, маҳкумлар у ерда ҳам фақат камерада ўтиришарди. Лекин, у ерда критий режимга ҳукм қилинганлар эмас, аралаш умумий ва қаттиқ режимга ҳукм қилинганларни олиб боришарди. Бу ўзи умуман қонунчиликка зид эди. Лекин, бу қонунни чиқарганлар унга амал қилиш ва қилмасликни ўзлари ҳал қилишар экан.

Шу ойда мени бомдод намози ўқиганим учун изоляторга қамашди. Буни қонунга тўғрилаш учун иккита маҳкумга «Эрталаб мени уйқумни бузди» деган мазмунда тушунтириш хати ёздириб олишди. Отрядникни котиби бўлиб юрган Комил деган маҳкум бор эди. Бу одам ёши мендан ўн ёш катта эди. У киши шу ўздан йигирма ёш отрядникка баъзи хужжатлар ишларида кўмак берар, қоғозларни ёзиб бериб юрарди. У одам Эллиққалъа районида бўлиб, мени землягим ҳисобида эди.

Мени Азиз Бозорович олдида киритишганда у мендан «Нега режимни буздинг? деб сўради. Уни олдида ҳар доимгидек зонани барча отрядниклар ўтиришарди. Бу маҳкумларни изоляторга қамаш ҳар доим шу штабда ментларни «пятиминутка»си пайтида бўларди. Мен унга қараб «\командир мен режимни бузганим йўқ, бомдод намозини ўқидим холос» дедим. У менга қараб «Намозингни айтма менга, намоз, бу сенинг шахсий ишинг. Мен сендан режимни нега буздинг деб сўраяпман. Нега сени деб бошқа маҳкумлар уйқуси бузилиши керак?» деди ўшқириб.

Одатда бунингдек муҳокамалар пайтида маҳкумларни кўп гапиртирмасди. Хуллас, у менга беш сутка жазо берди. Мени изоляторга олиб борган дубахни қўлида менга тегишли қоғозлар бор эди. У изоляторга олиб бориб, хонада қоғозларни қўйиб ўзи нимагадир чиқиб кетди. Мен у ерда устимдаги робаларни ечиб, изоляторни исқирт кийимларини кийишим керак эди. Шу кийимларни кийиб, ўша столдаги қоғозларга кўз югуртирдим.

Не кўз билан кўрайки, мени уйқумни бузди деб менга қарши атайлиб ёзилган иккита тушунтириш хатидан бири ўша Комил аканики эди. Бошқаси эса бир ўрис эди. Ажойиботни қарангки, булар мени ёнимда эмас, баракни нариги бурчагида ётишариди. Мени намоз ўқишим уларни безовта қилиши мутлақо имконсиз эди. Мен Комил акани бунақа қилишини кутмагандим. У учрашганда қуюқ салом—алиқ қиладиган одам эди.

Кейинчалик мен изолятордан чиққанимдан кейин «Комил ака, узр, мени намозим сизни уйқунгизни бузган экан. Бу ҳақида ёзган хатингизни кўрдим» дедим. Ҳали виждонини еб битирмаган одамлиги учун қизариб келиб «Ука мени тўғри тушун, отрядник айтди ёзиб бердим» деди. У бу ишдан анчагача уялиб юрди. Бир марта учрашувга кириб чиқиб, ўша ерда ош пишириб олиб чиқибди. (Диндор маҳкумларга олиб чиқишга ҳалиям рухсат йўқ эди) Ўша ошдан ейишга мени проҳодига таклиф қилди. Ош едириб, меҳмон қилди. Ўша ерда яна бир марта мендан узр сўради.

Кейинчалик мен уни озодликда Тўрткўлда кўриб қолдим. Қучоқлашиб кўришдик. Ўша хати учун яна бир марта узр сўраганиди. Шунақаям бўлар экан. Одам бир хато қилиб қўйиб, кейин шу хатоси учун ўзини ўзи кечиролмай юрар экан. Бу албатта виждонини еб қўймаган одамларда бўладиган ҳолат бўлса керак валлоҳу аълам!

2003 йил ноябр

2003 йил 25 ноябрда рамазон хайити бўлди. Бу хайитда ҳам зона бошлиқлари одатдагидек байрам қилишди. Байрам одатдагидек ошсиз ўтди. Бу китобни ўқиётганлар нега бу одам ҳадеб байрамларни ва уларда ош егани ё емаганини ёзади деб ҳайрон бўлишлари мумкин. Мен уларни тушунмасликларини тушунаман. Бу байрам кунлари зонада дам олиш бўладиган ва секторлар очиладиган кунлардир.

Бундан бошқа кунларда дам олиш йўқ. Бозор куниси ҳам зонада иш куни бўлади. Расман дам олиш бўлсада, маҳкумлар ишлашади. Бундан ташқари секторлар бошқа кунларда очилмайди. Нариги сектордаги бир танишингизни шу кунларда кўрмасангиз бошқа пайтда кўрмайсиз. Кўриша олмайсиз.

Бу маҳкумлар учун ягона эркинлик кунидир. Ошга келсак, аслида биз оддий маҳкумлар унга ҳеч қачон тўймаганмиз. У куни бош оғриғи каттароқ бўлади аслида. Лекин, гадлар тўйиб ош ейишади. Бизга бу байрамларда бўладиган узундан–узун концерт тамошоларини ҳам умуман кераги йўқ эди. Лекин, у ерга бориб ўтиришга мажбур эдик. Бизга ётиб, тўйиб ухлаб олишга изн беришганда шуниси ҳақиқий байрам бўларди. Лекин, бунақаси бўлмаган.

Байрамларда одатдагидек, катта микрофондан бошлиқнинг бу байрам муносабати билан, «виждонан қилган меҳнатлари учун» маҳкумларга миннатдорчилик эълон қилган буйруғи ўқиб эшиттирилади. Бу буйруқнинг маҳкумлар учун аҳамияти албатта катта эди. Шунақа буйруқларга одатда бирорта диний маҳкумлар исми киргизилмасди. Бу зонада фақат ўғри–каззобларгина «виждонан қилган меҳнатлари учун» миннатдорчилик олишарди.

Бу виждонан меҳнат қилиб миннатдорчилик олиш учун ҳамма биладиган икки пачка филтрли сигаретани отрядникка бериб қўйиш керак эди ҳалос. Аммо, бунга биз эмас диний маҳкумлар эмас, бошқалар қилишарди. Бу билан уларни агар делосида нарушениеси бўлса, ўша йўқолар ва муддатлари етган бўлса, делоси қайтадан кўриш учун судга тақдим қилинади.

Шундай қилиб, улар умумий муддатини учдан иккисини ўтирган бўлсалар манзил колониясига кетишлари мумкин эди. Диний маҳкумлардан эса бирортаси манзил колониясига чиқарилмасди. Амнистияга атайин тушурилмасди. Мени муддатим тугашига олти ой қолган бўлсада, мен на амнистияга тушдим ва на манзил колониясига чиқдим.

Бизга ўхшаганларга бу каби қонунда кўрсатилган енгилликлар қўлланилмасди. Биз бу каби «марҳамат»лардан маҳрум эдик. Барча енгилликлар ўғри–каззобларга насиб этарди. Ўғрилар ҳукмрон давлатда ўғриларга енгиллик бўлиши аслида ажабланарлик нарса эмасди.

Зонада шеърлар ёзишда давом этардим. Сектордаги диний маҳкумлар барчаси ҳизбутми ваҳҳобийми фарқи йўқ, буларни ўқиб туришарди. Баъзилар мени кўрганда «Янгисидан бўлса эшитайлик» деб қўйишарди. Бир куни беш–олти маҳкум турган ерга бориб янги ёзган «Соғиндим» деган шеъримни ўқидим.

Самоларга боқиб, симлар ортида,
Ҳажрингизда дилни ёкиб соғиндим.
Қўмсаб дилим муҳаббатингиз беҳад,
Булутларга маънос боқиб, соғиндим.

Изтироблар қуршаб олди хаёлим,
Ўзим ҳам билмайман ўзимни ҳолим.
Жавоби топилмас қўпдир саволим,
Армонлар баҳрида оқиб соғиндим.

Безди дилим баридан охир бориб,
Мақсадга етказар йўлни ахтариб,
Гўё осмондаги булутни ёриб,
Дилимда бир яшин чақиб соғиндим.

Дил баҳрида бўрон довуллар бўлди,
Қаърида садафлар, дурларга тўлди,
Умидим гуллари очилмай сўлди,
Хазон япроқларин қоқиб соғиндим.

Таскин олай дейман шеър қаламдан,
Ўзимни ўзим юпатиб аламдан,
Дилимдаги битмайдиган ярамдан,
Шеърларима безак тақиб соғиндим.

Шеър тугагач доктор Баҳодир ҳизбий қўлимдаги қоғозни олиб ўқиб чиқди—да, «Ҳазрат шеърингиз маънос одамни ғамгин қилади» деди. Мен унга «Сиз мендан қувноқ шеърлар кутаяпсизми?» деб сўрадим. У менга қараб, «Ҳа қувонадиган нарсамиз йўқ дейсизми? Одам изласа шукр қиладиган қўп неъматлар борлигини англайди» деди. Мен «Ҳа албатта, шукр қиладиган неъмат бисёр, лекин, биз зулмдамиз ошна. Зулмда одам қандай хурсанд бўлади» дедим. Баҳодирни гапини бошқа турганлар ҳам қўллаб қувватлашди. Мен «Сизларга тушунмадим, бу шеърдаги ғамгинлик сизларга ёқмадими?» дедим.

Баҳодир менга қараб, «Шеър аслида зўр. Лекин, бу шеър ғоявий жиҳатдан кишига руҳий қувват бермайди. Одамни баттар чўктирадиган шеър экан» деганди. Мени тушунганим шу бўлдики, Ҳизбийлар шеърларни ҳам жанговар курашга чорлайдиган бўлса яхши деб баҳолаб, агар руҳий ғамгинлик ҳиссини уйғотадиган бўлса ёмон дейишар экан.

Мен хурсанд бўладиган шеър ёзмаганман. Бунақасини ёзишни билмайман ҳам. Менинг руҳим ҳолатим қандай бўлса, шеърда шу ҳолат намоён бўлади. Менда эса хурсанд бўладиган нарсани ўзи йўқ эди.

«Йиғлайин» деган шеъримни ота–онамга атаб ёзгандим. Мен уларга «Унда мана буни эшитинглар» деб ўша шеъримни ўқидим.

Яна бағрингизга қайтсам бир куни,
Севиниб, қувониб, кулиб йиғлайин!
Қучоқлаб сизларни, кўнгил хотиржам,
Дилни поклаб, тўйиб–тўйиб йиғлайин!

Қутулсам бу ғурбат можаросидан,
Интизор кутишдек бир балосидан,
Эркин нафас олиб уй ҳавосидан,
Таниш туйғуларни, тўйиб йиғлайин.

Хазон бўлган умр–дамларни эслаб,
Мени деб, чекилган ғамларни эслаб,
Хато нуқсонимни–камларни эслаб,
Дарду аламимдан куйиб йиғлайин.

Неки бўлса бўлиб ўтди илгари,
Унут бўлса ғамли ўтмишим бари,
Умид билан боқиб келажак сари,
Дилим қувончларга тўлиб йиғлайин..

Кўрмасин кўзларим бу кунни қайтиб,
Дилимга ёт бўлган, ҳаёту тартиб,
Яратган Роббимга шукрона айтиб,
Саждага бошимни қўйиб йиғлайин.

Бу шеърни эшитиб улар «Буниси унисидан ҳам баттар йиғлатадиган эканку» деб қолишди. Мен уларга «Албатта одамзод ота–онасини соғинади ва бу соғинчлари шеърга айланиб дафтарга тушади» дедим. Зонада гарчи ҳамма битта ерда йиллаб яшасада, кимдир шод ва кимдир ғамгин яшарди. Ҳизбийлар бир–бирини руҳан чўкмаслиги учун ва йўлидан қайтмаслиги учун турли воситалар билан қўллаб–қувватлаб туришарди. Уларга мени ёзган руҳий ғамгин шеърларим табиийки ёқмасди. Мен негадир доим ғамгин шеърлар ёзганман.

Буни сабабини ўзим ҳам билмайман. Балким, менга илҳом шу пайтда келар? Балким, мен доим қайғуда юрадиган одамдирман? Лекин дунёга назар солиб қараганда қувонадиган нарсани кўрмайди одам. Мен эшитган ва кўрган фожеъали хабарлар менга таъсир қилади. Бу ўз навбатида шеър бўлиб қоғозга қуюлади. Мен ҳозир Швецияда ҳам кўплаб шеърлар ёздим. Буларнинг барчаси ғамгин шеърлардир. Турмада менга ҳамроҳ бўлган бу ғамгинлик туйғуси мени ҳозир ҳам тарк этмади.

Битта Тошкентлик Ҳизбий адабиёт ўқитувчиси бўлган экан. У ўзи ҳам унча мунча шеър ёзарди. У ҳизбга аралашиб қамалган ва энди ҳизбдан қайтганди. У мени шеърларимни адабий баҳолаб у бу ерига ўша илмий адабий нуктаи назардан фикр билдириб турарди. Ўша йигитгина мени шеърларимни ва баъзи ғазал ва мухаммасларимни юқори баҳолаган эди.

2003 йил декабр

3 декабрда яна Конституция кунига бағишланган амнистия чиқди. Лекин, зонани байрами ҳар доимгидек 8 декабрда бўлди. Бу байрамда тушликда ош едик. Гарчи янги йилга оз қолган бўлсада, бу сафар «саховат» кўрсатишди. Зонадаги ошхонада ош пишириш имконсиз эди.

Шунинг учун ош пиширадиган кунда ошпазлар гуруҳини зонани ташқарисидаги штабга олиб чиқиб, махсус ғиштдан қурилган ўқочлар устига катта қозонларни қўйиб, ўша ерда пиширишар экан. Баъзи пайтда озодликдан ошпаз таклиф қилиб, унга пиширтиришар экан.

Бу зонада тўрт–беш минг маҳбус бор эди. Шунча одамга ош бериш учун 600 дан 800 кггача гуруҳни бир неча ўнлаб қозонда бир пайтни ўзида пишириш керак бўларди. Бу катта иш ва ташвиш эди. Кейин бу ошни бочкаларда зонани ичкарасидаги ошхонага олиб кириб, у ерда майда қозонларга солиб столларга тарқатиларди. Бир столда ўн кишидан ўтирардик.

Кимдир уни чўмичда косаларга солиб чиқарди. Ошни еб тўйган пайтимиз бўлмаган. Аммо, иштаҳамиз очилиб турганда қайтиб келардик. Албатта нон билан еганимиз учун қандайдир кифояланардик. Бу ош ейиш зона учун катта муаммо бўларди. Лекин, байрамларда ҳаммасида бўлмасада, йилига уч тўрттасида ош бериларди.

Бошқа кунлари одатдаги ёвғон шўрва еб, кун кечирардик. Айтишларича зонада пишган овқатга махсус одамни эркаклик қувватини сусайтирадиган нимадир қўшар экан. Бу нарса бу ерда йиллаб ўтирган маҳкумларни жинсий қуввати ошиб кетмаслиги учун қилинар экан. Баъзи маҳкумлар учрашувга хотини келадиган бўлса, уч кун зонани овқатини емасдан юришарди.

Бу амнистия билан ҳам яна ўша тавба қилган диндорлардан бир гуруҳини янги йилдан олдин озодликка чиқаришди. Албатта бу биринчи гуруҳ ИАКга раҳматлар айтиб, телевизорга тушиб чиқиб кетишди. Бу йилги амнистияда ўғри–каззоблардан ҳам каттагина гуруҳи озодликка чиқди.

Бу амнистиялар сири Европа Тикланиш ва Тараққиёт Банки Ўзбекистонга берилажак кредитлар эвазига ИАКдан сиёсий ва иқтисодий соҳаларда ислоҳотлар ўтказишни талаб этган эди. Шунингдек улар ИАКдан мамлакатда ислоҳотлар ўтказишни, сиёсий ва диний маҳкумларни озод этишни ва инсон ҳуқуқини ҳимоя қилувчи ташкилотларни ва мухолиф сиёсий партияларни рўйхатга олиш талаб қилган эди. Бу талаблар эвазига улар ИАКга пул қарзга фоизсиз пул берар эди. Амнистия мана шунақа талаблар босими остида чиқариларди. Бу билан бир ўқ билан икки қуённи уриш мумкин эди. Ҳам зонадаги тикилиб кетган одамларни камайтириш ва ҳамда хориждан пул олиш мумкин эди.

Мамлакатдаги оғир иқтисодий аҳволни ўнглаш учун валюта етишмасди. ИАК режими ташқи банклардан қарзга пул сўрар экан, улар албатта бу пуллар эвазига ўз талаб ва шартларини қўйишади. Чунки, диктатура режимларида одатда валюта тушумлари амалдорлар томонидан гумдон қилиниб, уни кўзлаган мақсад учун эмас бошқа мақсадлар сарфланиб, йўқ бўлиб кетишини хориждагилар яхши тушунишарди. Шунинг учун ҳам жиддий ва қатъий талаблар эвазига пул кредит бериларди.

ИАК учун ўз армияси ва ҳаддан ошиб кетган ИИБ ва МХХ каби куч ишлатар тизимларини таъминлаш муаммоси устивор масала эди. Булар ИАК режимининг таянчлари бўлиб, бу ИАКнинг хавфсизлиги учун ҳам зарур эди. Хориж банклари эса буларга сарфлаш учун пул бермасдилар. Шу сабабли ИАК улардан ўзи ўйлаган кредитни олиш учун турли хийлалар қиларди.

Лекин, у банклар олдидаги мажбуриятларни бажармасди. Буни улар ҳам тезда пайқаб қолишди.

Бунинг мисоли сифатида АҚШда чиқадиган "Лос Анжелес Таймс" газетасидаги мақоладан иқтибосга назар солишни ўзи кифоядир.

«Европа Тикланиш ва Тараққиёт Банки Ўзбекистонга берилажак кредитлар эвазига Тошкент раҳбариятидан сиёсий ва иқтисодий соҳаларда ислоҳотлар ўтказишни талаб этган эди.

Бироқ, инсон ҳуқуқлари ташкилотлари баёотларида Ўзбекистон раҳбариятида бундай ислоҳотлар сари интилиш кузатилмаётгани таъкидланади. "Каримов ислоҳотларни бошламас экан, Европа Тикланиш ва Тараққиёт Банки кредитлар беришни тўхтатиши, Қўшма Штатлар ҳам бу давлатга берилажак ёрдам миқдорини камайтириши керак. Агар Каримов репрессиялари Ўзбекистонда хаос яратиб, уни террорчилар кўрғонига айлантирса, ўз фуқароларини қийноққа солувчи ҳукумат билан иттифоқчилик Вашингтонга зиён етказди", - деб ёзади "Лос Анжелес Таймс". 2004 йил март сониди.

Шунга қарамасдан ИАК Буш билан яқин алоқада турарди. Сабаби АҚШнинг Афғонистон ва Ироққа қилган урушларида Ўзбекистон уни қўллаб-қувватлаб турарди. Шунга қарамай ИАК 2003 йилда Ўзбекистон Жиноят Кодексига янги бир модда киритишга мажбур бўлди. Бу моддага биноан энди терговдаги маҳбуслар ҳамда зонада жазо ўтаётган маҳкумларни уриш ва калтаклаш жиноят ҳисобланадиган бўлди ва бу жиноятга жазо белгиланди.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодекси 235—моддасида шундай дейилган.

235—модда. Қийноққа солиш ва бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки кадр-қимматни камситувчи муомала ҳамда жазо турларини қўллаш

Қийноққа солиш ва бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки кадр-қимматни камситувчи муомала ҳамда жазо турларини қўллаш, яъни гумон қилинувчига, айбланувчига, гувоҳга, жабрланувчига ёки жиноят процессининг бошқа иштирокчисига ёхуд жазони ўтаётган маҳкумга, уларнинг яқин қариндошларига улардан бирор бир ахборот, жиноят содир этганлигига иқрорлик кўрсатуви олиш, уларни содир этилган қилмиш учун ўзбошимчалик билан жазолаш ёхуд бирор бир ҳаракатни содир этишга мажбурлаш мақсадида суриштирувчи, терговчи, прокурор томонидан ёки ҳуқуқни муҳофаза қилиш органининг, жазони ижро этиш муассасасининг бошқа ходими томонидан қўрқитиш, уриш, дўппослаш, қийнаш, азоб бериш ёки қонунга хилоф бошқа ҳаракатлар воситасида содир этилган қонунга хилоф руҳий ёки жисмоний таъсир кўрсатиш —

уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки бир йилдан уч йилгача озодликни чеклаш ёхуд уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша ҳаракатлар:

а) ҳаёт ва соғлиқ учун хавфли бўлган зўрликни қўллаган ҳолда ёки шундай зўрликни қўллаш таҳдиди билан;

б) миллий, ирқий, диний ёки ижтимоий камситиш замирига асосланган ҳар қандай сабаб бўйича;

в) бир гуруҳ шахслар томонидан;

г) такроран;

д) вояга етмаган шахсга ёки ҳомиладорлиги айбдорга аён бўлган аёлга нисбатан содир этилган бўлса, —

уч йилдан беш йилгача озодликни чеклаш ёхуд уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ушбу модданинг биринчи ёки иккинчи қисмларида назарда тутилган ҳаракатлар баданга оғир шикаст етказилишига ёхуд бошқа оғир оқибатларга сабаб бўлса, — муайян ҳуқуқдан маҳрум этиб, беш йилдан саккиз йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

2003 йилда бу қонун чиққан пайтида тарбиявий ишлар бўйича бошлиқ муовини ҳар бир баракка кириб, маҳкумларни йиғиб, шу модда билан тиништириб чиқди. «Энди ким сизларни урса мана шу моддага биноан жиноий жавобгарликка тортилади» деди у.

Қонун чиққанига хурсанд бўлиб кетмадик. Чунки, бу қонунлар амалда ишламаслигини биз билардик. Қайси бир қонунга амал қилиндики, энди бунга амал қилинса? Бизга буни қизиғи йўқ эди.

Дарҳақиқат шундай бўлиб чиқди. Бу қонун чиққанидан кейин ҳам калтак едик. Бу қонун чиққанидан кейин бирорта нарсa ўзгариб қолмади. Бирорта мент бу қонунга биноан қамалгани ҳам йўқ. Ва ҳозир ҳам бу қонун ишлаётгани йўқ.

Зонада янги йилни кутишга таёргарлик давом этарди. 31 декабр куни кечаси зонада тунда маҳкумлар ухламади. Уларга баракдан чиқмасдан, телевизор кўришга рухсат берилди. Эртасига эса 2004 йил кирганда дам олиш бўлди. Одатдагидек байрам концерти қилиб, ош тарқатишди. Шу билан Бу зонага келганимга роппа роса уч йил тўлиб ошганди. Яна 5 ойча муддатим қолган эди.

V қисм

Навоий 46 зона

2004 йил январ

Янги йилни кутаётганлар доим бу йилда яхшиликлар келишини кутишади. Бу бир яхши ният албатта. Аммо, реал ҳаётда ҳар доим одам ўзи кутган яхшиликларни тополмайди. Биз маҳкумлар ҳам бу йилда мазлумларга қандайдир яхшиликлар бўлишини орзу қилдик.

Айниқса мен 8 йилдан бери турмада ўтирган ва қари ота–онасини кўришга уларга хизмат қилишга иштиёқманд маҳкум, уйланиб бола–чақалик бўлишга орзуманд жазо муддатим тугашига беш ой қолган банда ҳам яхшиликларни кутдим. Бу йил гарчи мен учун нисбатан яхшилик бўлган бўлсада, дунё ва бизнинг мамлакат мусулмонлари учун оғир йиллардан бири бўлди.

Халқаро майдондага воқеалардан Афғон ва Ироқ уруши давом этаётгани бўлса, Ўзбекистонда ҳам баъзи фитналар юз берди. Бу фитналар оқибатида яна юзлаб ёш диндорлар қамокқа ташланди. Зоналарга яна 159лар оқиб кела бошлади. Ироқ уруши 2003 йил мартда бошланган бўлса, шу йил охиригача бўлган қурбонлар сони 2004 йилдаги расмий маълумотларга кўра 19 429та Ироқ армияси аскарлари ҳалок бўлган.

НАТО қурбонлари 4804 кишини ташкил этган. Шундан АҚШлик ҳарбийлар 4423 аскар бўлса, Англия аскарлари 179 таси ҳалок бўлган. Бошқалари НАТО таркибидаги бошқа давлат аскарлари бўлган. Булар тинч фуқаролардан ташқари ва шу 2003 йил март ойидан декабр ойигача бўлган қурбонлар сонидир. Булардан ташқари ярадорлар сони юз мингларни ташкил этади. Бу уруш АҚШ учун ҳам арзонга тушмади. АҚШ фуқароларининг ҳақли норозилигига сабаб бўлди.

Ўзбекистонда эса бу йил Тошкент ва Бухорода 47 кишининг ўлимига сабаб бўлган портлашлар юз берди. Ўша йилнинг июли охирида Тошкентда яна портлашлар рўй берди. Бу сафар АҚШ ва Исроил элчихоналари ҳамда Ўзбекистон Бош прокуратураси бинолари нишонга олинди. Бу портлаш 1999 йил 16 февралдаги портлашлар каби оммавий қама–қамаларга йўл очиб берди. Ўша йили Тошкентда яшаб турган бир неча ёш илмли йигитлар МХХ томонидан ўғирлаб кетиб, йўқ қилинди. Булардан бири ўзи ҳукуматдан қочиб, яшириниб юрган имом Обид қори Назаровни ўғли Ҳусниддин Назаров эди.

Булар оқибатида зоналардаги вазият янада ёмонлаша бошлади. Булар бу йил давомида бўлган баъзи воқеалар эди. Аммо, ҳозир январ ойи бўлиб, бу воқеаларга ҳали анча бор эди.

Халқаро ҳамжамият томонидан маҳкумларга нисбатан қўлланилаётган қийноқлар туфайли танқидларга учраган Ўзбекистон ҳукумати қийноқларга қарши кураш бўйича бир қатор дастур қабул қилди, лекин ушбу дастурлар амалиётда деярли ўзгаришларга олиб келмади.

Лекин, зонада бир мунча уриш ва калтаклаш камайган эди. Аммо, бу дегани умуман ментлар маҳкумларни урмайдиган бўлди дегани эмасди. Изоляторда калтаклашлар давом этарди. Энди ошкора намоийшкорона эмас, сал яширин калтаклашарди. ИАК режимининг бу фирибгарликларини дунё ҳамжамияти пайкамай қолмади. Охир—оқибат улар ИАК режимига бераётган ёрдам пулини тўхтатиб қўйишди.

2004 йил март ойида ўзининг бир йил олдин Ўзбекистон ҳукумати олдида қўйилган сиёсий талабномаларини бажариш муддати тугаганидан сўнг Европа Таъмирлаш ва Тараққиёт Банки (ЕТТБ) Директорлар Кенгаши Ўзбекистон ҳукуматига тўғридан—тўғри ажратиладиган ёрдам пулини тўхтатиб қўйиш каби мисли кўрилмаган қарорга келди ва «Ўзбекистон ҳукумати қўйилган талабномаларни бажара олмади», деб хулоса қилди дейилади халқаро «Хьюман Райтс Вотч» (Human Rights Watch) ташкилотининг 2004 йилги ҳисоботида.

Мана шу ташкилотлардан пул ундириш учунгина ИАК маҳкумларни энди олдингидек очик ошкора эмас, яширин, сал эҳтиётроқ бўлиб уришга буюрганди. Зонада юрган маҳкумларда на куч—қувват ва на танасида жон бўлади. Улар зўрға кун кўраётган доим оч наҳор юрган заиф одамлардир. Уларни организми калтак зарбига чидамайди. Шу сабабли тезда майиб—мажруҳ бўлиб, ё ўлиб қолишади.

Бу ментларда заррача одамгарчилик бўлганда, уй—жойи, ота—онаси, бола—чақаси, мол—мулкидан айрилиб, йиллаб сарғайиб, оч—наҳор юрган бу бечораларни яна калтаклашмасди. ИАК ва уни ёнидаги золимлар буйруқ берсада, бу зонадаги ментлар уни бунчалик «аъло» даражада бажаришмасди. Мени фикрим шундай бўлганки, бу мент халқи шунчалик тошбағир ва жаллод кимсалардан ташкил топган экан.

Турмадан уйга шеърий мактублар ёзиб юбориб турардим. Шу орқалик баъзи шеърларим уйга чиқиб кетган. баъзи землякларга шеърларимни уйига юбориш учун бергандим. Улардан озодликка чиққач, олиш ниятим бўлганди. Лекин, уларни бошқа кўрмадим. Ота—онамни кўнглига ором берсин деган ниятда ёзиб уйга зонадан жўнатган шеърларимдан бери шудир.

Навоий турмасидан уйга жўнатилган шеърий мактуб

Дадажоним сизни—азалда Аллоҳ,
Шукрим—кўнглингиз кенг қилган экан.
Сабр косангизни ҳеч тўлмайдиган,
Гўёки уммонга тенг, қилган экан.

Мўминлар учун бу улугъ фазилят,
Ҳаётда ҳар кимга бермаган буни.
Ҳалимлик—босиқлик—бу икки сифат.
Кимда бўлса—Аллоҳ севаркан уни.

Роббим, сизга яна кўп неъмат берган,

Аждодингизни ҳам килган мусулмон.
Ота-онангизга ҳам ўзингизга,
Насиб этган Худо, фазлидан имон!

Узоқ умр берди, – ризку–рўз берди,
Имонли аёлу, кўп зурриётлар.
Бир икки фосиқлар учун, ғам еманг,
Кофир фарзанд кўрди, кўп улуғ зотлар!

Азиз Ота–Онам, сизларга беҳад,
Беҳисоб яхшилик қилган Худойим.
Неъматларин бир–бир, санаб бўлмайди.
Факат шукр айтмоқ керак, ҳар доим!

Қаранглар Иброҳим халилуллоҳни,
Отаю–Онаси кофир ўтдилар.
Нух пайғамбар ўғли–Лутни аёли,
Имон эмас, куфр йўлин тутдилар.

Гарчи бу ҳаётда чекдингиз кўп ғам,
Аллоҳим ажрини берсин буларни!
Ахир пайғамбардек улуғ зотлар ҳам,
Чекканлар ҳаётда кўп-қайғуларни.

Таърих ва замонга боқиб англадим,
Кўпларда йўқ, бу биздаги неъматлар.
Синов бобида ҳам бизга улардек,
Етган эмас улкан, оғир кулфатлар.

Худонинг ишига тафаккур қилиб,
Ҳикматини фикр қилмоқ лозимдир.
Бизда йўқ неъматга қайғу чеккандан,
Борин эслаб, шукр қилмоқ лозимдир.

Шукрким, Худойим ўз фазли билан,
Саломат сақлаган кўп саййиотдан.
Ҳар нарсада, биз билмаган ҳикмат бор,
Улуғ бахт пок бўлиб ўтмоқ ҳаётдан.

Мени Парвардигор сизларга фарзанд,
Қилганига беҳад шукр, ризоман.
Мен учун бебаҳо неъматсиз Ҳакдан.
Сизлар учун қиларман, илтижоман!

Солиҳ фарзанд бўлиб яшасак, кўриб,
Онажон кўзингиз нурга тўлсайди.

Дадажоним менинг ифтихоримсиз,
Сизни ахлоқингиз менда бўлсайди.

Аллоҳ учун рози бўлинг бизлардан,
Икки дунё сизни хотиржам қилсин!
Аллоҳ Ўзи рози бўлгай, сизлардан,
Ҳаммамизни жаннат ичра, жам қилсин!

Қиёслаб фикрлаб кўрсак, мабодо,
Маълум бўладики—ғамга ҳожат йўқ.
Аллоҳга ҳамд айтиб хотиржам яшанг,
Дунёда бундан бир афзал роҳат йўқ!

2004 йил феврал

2004 йил февралда мен учун муҳим нарсалардан бири рўй берди. Мен шу пайтгача ўзимни муддатим тугагандан кейин нима бўлишини билмасдим. Бу золимлар калласида нима ўй—хаёл борлиги мен учун тушунарсиз бўлиб қолаётганди. Одатда раскрутка қилмоқчи бўлсалар аввал карцерга қамашар, кейин яна икки марта изоляторга қамаб, кейин 221—модда билан дело очардилар. Судга чақиргунча мана шуларни қилиш керак эди. Мени карцерга қамашмади. Олдинги бир ой қамалганим билан раскрутка қилишмаса керак деб ўйлардим. Иккита изоляторга келсак, менда булар етарлича бор эди.

Мени зонага келган Суд олдиға таклиф қилишди. Одатда суд келса, микрофондан ярим соат фамилияларни ўқиб, штабга келишга чақиради. Бизни отряддан бир қанча маҳкум бор эди. ТСБ бизларни сафга тизиб, штабга олиб борди. У ерда бошқа отрядлардан келган яна ўнлаб маҳкумлар бор эди. Продолда туриб навбат кутардик.

Суд ўтирган кабинет тарбиявий бўлим муовини кабинети эди. У ердан бир мент чиқиб, фамилияни айтар ва шу маҳкум кабинетга кириб кетарди. Ҳар бир маҳкумни камида ўн минут, кўпи йигирма минутча суд қилишар ва кейин чиқариб юборишарди. Маҳкумлар аксари хурсанд тиржайиб чиқарди. Булар ўғри—каззоблар бўлиб, уларни манзил колонияга юбораётганди.

Фарғоналик Маъруф деган хизбийни изолятордан судга олиб киришди. Уни режимини критийга ўзгартириб беришди. У кейинчалик Қоровулбозорга этап бўлди. Мени энг охирида чақиршди. Кун бўйи штабда тик туриб судни кутдим. Суд олдиға кирганимда эса уни гапира оладиган аҳволда эмаслигини кўрдим. Ароқ ичиб олган судя алжираб қолганди. Оқ костюм—шим кийиб олган бу судя менга қараб, «Сен воляга чиқасан. Лекин, олти ой уй қамоғида ўтирасан тушундингми?» деди.

У ичиб олгани кўриниб турсада, дадил гапирарди. Яна нимадир демоқчи бўлдию, кейин кўлини кўтариб «Кетавер» дегандек ишора қилди.

Мен бирор нарса гапирмасдан чиқиб кетдим. Мени судим шу икки минут бўлди холос. Аммо, бу ерда менга хушхабар берилганди. Мени яна раскрутка қилмасликлари маълум бўлди. Отрядга бориб, дўсту–биродарларга бу хабарни етказдим.

Бухоронинг Гиждувонидан бўлган жинкаш амаки мени кучоқлаб табриклаб, «Мен шуни айтгандимку аввал» деб қолди. У мени кўнглимни кўтариш учунми «Бу сафар раскрутка қилмайди, чиқиб кетасиз» дерди. Шундай ҳам бўлди. Мен энди олти ой уй қамоғида ўтиришим керак экан. Бу қанақа нарса тушунмасамда, уйда бўлишимдан хурсанд эдим. «Уйда олти ой ўтираманми – бир йилми нима фарқи бор?» дердим. Мен қанчадан қанча маҳкумларни мана шундай қайта–қайта раскрутка қилиб юрганларини билардим. Мени ҳам худди аввал раскрутка қилганлари каби, яна қилишлари мумкин эди. Лекин, аллоҳни мадади ила менга «чиқиб кетасан» дейишганди.

Мен Самандар Қўконов ёки бошқалар каби ҳамма танийдиган, чет эллардаги радиолардан номи чиқиб турадиган машҳур маҳкум эмасдим.

Мени на радиочилар ва на ҳуқуқбонлар танимасди. Мени уларга ўхшаб, доим зонага келиб, хабарлашиб турадиган на шахсий адвокатим ва на адвокат ёллашга пулим йўқ эди. Мени раскрутка қилсада биров билмасди. Мени бор–йўқлигимни бировга қизиғи йўқ эди. Қари ота–онамдан бошқа ҳеч кимим йўқ эди. Улар мени қутқариш учун бир иш қила оладиган одамлар эмасди. Менга Аллоҳни ўзигина ёрдам берди халос.

Бундан ташқари халқаро майдондаги вазиятлар ва халқаро ташкилотларни Ўзбекистон билан алоқалари турли хил жанжаллар билан давом этарди. Мени озодликка чиқаришга қарор қилганлар бу барчасини ҳисобга олган бўлиши мумкин. Мен МХХ назоратидаги маҳкум эдим. Мени озодликка чиқишимни на зонадаги ментлар ва на судлар ҳал қила оларди. Мени тақдиримни Тошкентдан ҳал қилишарди. Аниқроғи ўша ердаги МХХлар «Биз ҳал қилувчимиз» деб ўйлашарди. Аслида эса, уларни ҳам, мени ҳам тақдиримизни азалда буюк Аллоҳнинг Ўзи ҳал қилиб қўйган эди.

Буни МХХлар албатта тушунмасдилар. Булар ўзларини беҳад куч–қудрат эгаси ҳисоблайдиган кибр эгалари эди. Аммо, булардан–да буюк ва улардан бекиёс чексиз улуғ Зот Аллоҳ борлигини ва ёлғиз у Зотгина бандалар тақдирини ҳал қилувчи эканлигини булар билмасдилар.

Мен уйга бу хушхабарни ёзиб юбордим. Ота–онамни хурсанд бўлиши учун уларни ҳам хабардор қилиб қўйдим. «Худо хоҳласа мен май ойида уйга бораман. Мени зонадан чиқишимни кутиб олиш учун бу ерга келиб юрманглар» дедим. Баъзиларни уйидагилар келиб зона олдида кутиб олиб уйига олиб кетишарди. Мен ҳам мабодо шунақа келиб оввора бўлиб юришмасин дедим. Ўша хурсандлик пайтларимда одамни хаёлини турли хил ҳис туйғулар одамни чулғаб олар экан. Бир томондан хурсандлик бўлса, бир томондан бу ердаги дўсту биродарлардан кўп йиллик қадрдонлардан ажралиш, фироқ туйғуси одамни дилини ғаш қиларди.

Ўша пайтларда мен Алвидо номли ғазалимни ёзган эдим.

Алвидо, эй дўстларим, эй меҳрибонлар алвидо,
Келган ўхшар ажралиш вақти, ёронлар алвидо!

Бизни кўп синовга дуч этди Худонинг қисмати,
Билмадим қандай тугар, бу имтиҳонлар, алвидо!

Неча йиллар, тикан симлар ортида умри ўтиб,
Ноумидлик қилмаган, умри хазонлар алвидо!

Доимо очлик билан, калтак билан, кун ўтказиб,
Ҳақ йўлидан қайтмаган, чин қаҳрамонлар алвидо!

Ҳақ нажот берсин биродарлар, тилагим шу менинг,
Қолди қалбим сиз билан, эй кадрдонлар, алвидо!

Кеча кундуз одамизод қадрини барбод этиб,
Устимизда дўк уриб, турган “аён”лар алвидо!

На ётишда, на туришда, на яшашда маъни бор,
Ҳидоятдан бенасиб, эй “нотавон”лар алвидо!
Зулм бирла етсин, умрингиз ўзин поёнига,
Доимо заҳрин сочиб, чаққан “илон”лар алвидо!

Эрталабдан кечгача, биз мадҳия куйлаб, яна,
Тонгача калтак еган, мазлум замонлар адвидо!

Саҳвий истайдир Худоё, энди ҳеч кўрсатмагил,
Кўргали йўқдир кўзим, нохуш маконлар алвидо!

Шеърларимни ўқиган биродарлар одатдагидек у бу фикрлар билдиришди. Янгийўллик Рустам ака деган бир киши бор эди. У бечора озроқ кўз ёши ҳам қилиб олди. Бу киши ҳам ўша пайтда амнистия билан мендан олдин чиқиб кетди. Кейин уни яна қамашганини эшитдим. Аллоҳ барча мазлумларга нажот берсин!

2004 йил март

2004 йилда бўлган воқеалар Ўзбекистонни ларзага солди – булар март ойи охири, апрель ойи бошларида Тошкент ва Бухоро шаҳарларида содир бўлган портлашлар ва отишмалар, ҳамда 30 июль куни Америка Қўшма Штатлари, Исроил давлатлари элчихоналари ва Ўзбекистон Республикаси Бош Прокуратураси бинолари олдида содир бўлган портлашлар эди.

Ташқарида нима воқеъа содир бўлса, бунинг акс-садоси зонада сезиларди. Биз бу воқеъаларни телевизордан кўриб, яна нима бало бўлди экан деб ҳайратга тушардик. Бундан портлашлар мусулмонлар бошига ҳеч яхшилик олиб келмаганди. 1999 йилги портлашдан кейин мамлакатда оммавий қама-қамалар бошланиб, то ҳануз давом этаётганди.

Бу воқеъалар биз мусулмонларнинг сиёсий тушунчаларимиз ўта торлигидан билиб билмай йўл қўядиган хатолар эди. Аввалига мен буларни барчасини мусулмонлар қилганига шак-шубҳа қилмаганман. Кейинроқ эса бу масалада турли фикрларни ўқидим ва эшитдим. Бу каби портлашлардан олдинроқ аслида МХХ хабардор бўлар экан. Улар шунга йўл қўйиб бериб, портлатганидан кейин оммавий қама-қамаларни бошлашар экан.

Бу портлашлар ИАК режими учун диндорларга нисбатан қатағон сиёсатни оқлай учун керак эди. Бу халқаро ташкилотлар олдида ўз жиноятларини оқлаш учун керак эди. «Терроризмга қарши курашяпман» деб, ўз фуқаролари орасидаги мухолиф фикрли кишиларни қамаш учун керак эди. Диндорлардан ташқари турли инсон ҳуқуқи ҳимоячилари, журналистлар ва ёзувчи шоирлар 159 модда билан қамалишини бошқа қандай изоҳлаш мумкин?

Бу даҳшатли воқеъалар бўйича яна оммавий қама-қамалар бошланди. Бу воқеъалар тўғрисида ўша пайтларда Ўзбекистонда мониторинг олиб борган халқаро Human Rights Watch ташкилоти ўзининг 2004 йилги ҳисоботида қуйидагиларни ёзди.

«Март ва апрель воқеалари бўйича қарийб 1000 тача одам терроризм, қотиллик ва бошқа айбловлар билан судланди. Human Rights Watch ва бошқа кузатувчилар қатнашган суд жараёнлари халқаро одил судлов меъёрларига жавоб бермади. Кўпгина судланувчилар террорчилик ҳаракатларида қатнашганликларидан бош тортишган ва тергов жараёнида милиция ходимлари уларга ҳимоячи ва оила аъзолари билан кўришишни ман қилишгани, улардан зарур кўрсатмаларни олиш учун уларга нисбатан қийноқлар қўллашгани, таҳдид қилишгани ва босим ўтқазишганини хабар қилишган.

Ўзбекистон ҳукумати қийноқларга барҳам бериш учун кўзга ташланарли ҳеч ҳаракат қилмади ва БМТ нинг Қийноқлар бўйича Махсус Ҳисоботчиси томонидан 2002 йил Ўзбекистонга қилинган ташрифидан сўнг чиқарилган тавсияномаларни бажаришда эса энг паст кўрсаткичларни намоиш этди. Ўзбекистон Республикаси Олий Суди қийноқлар ва бошқа ноқонуний усуллар йўли билан олинган кўрсатмаларни далиллар ва исботлар қаторидан чиқариш ҳақидаги қарор қабул қилди. Амалиётда эса судьялар ушбу қарорни бажаришмайди.

Ўзбекистон ҳукумати қийноқлар ва бошқа ноқонуний ҳаракатларга йўл қўйган ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимларини жазога тортилганини таъкидлаб турсада, Human Rights Watchнинг қийноқлар масалалари юзасидан қилган мурожаатлари ҳукумат томонидан мунтазам равишда жавобсиз қолдирилган. Судьялар мунтазам равишда қийноқлар қўлланилиши натижасида олинган ва судланувчининг тергов пайтидаги босимлар натижасида берган кўрсатмаларга асосланиб, ҳукм чиқаришади. Human Rights Watch тергов ва суддан олдин ушлаб туриш жараёнидаги қийноқлар тўғрисида ҳам ишончли манбаалардан маълумотлар олиб турибди." дейилади Human Rights Watch ташкилотининг 2004 йилги ҳисоботида.

Биз эса зонада бу воқеъларни кўрқув ва ҳадик билан кузатардик. «Бу портлашлар мени озодликка чиқишим ҳақидаги суднинг қарорига ҳам таъсир қилиб қолармикан» деган кўрқув бор эди менда. Лекин, бу тўполонларда МХХни менга эътибор қаратишга вақти бўлмади шекилли, ҳар ҳолда мени Судга кириш учун бошқа штабга чақиришмади. Мен эса озодликка чиқсам кийиб кетишим учун фуқаролик кийими излардим. Зонада изолятордан янги келган этапларни кийимларини ечинтириб, зонанинг робасини кийинтириб чиқариб юборишарди. Ўша кийимларни у ерда ишлайдиган дневалнийлар зонага олиб чиқиб, сигарета ёки нонга сотишарди. Мен ҳам ўшалардан пайка нонимни бериб, уйга кийиб кетиш учун бир кўйлаб ва шим олдим.

2004 йил апрел

2004 йил апрел ойида мени штабга чақиришди. Мен билан тезкор гуруҳ бошлиғи Шавкат икки соатча суҳбатлашди. У менга «Сени озодликка чиқарамиз. Лекин, сен у ерда ўша чиққан кунинг милицияга борасан ва улар сенга нима қилишни тушунтиради. Сен олти ойгача ўша яшаётган шаҳардан ташқари чиқиб кетолмайсан. Кечаси уйингда бўлишинг шарт.

Буни тартиб–қондасини ўша районингдаги ментлар тушунтиради сенга. Ҳеч кимга аралашма, ҳеч қаерга борма, ҳеч ким билан учрашма, индамай уйингда ўтир» деб топширди. Мен унга «Командир, бу ҳамма одамни шундай шартлар билан озод қиласизларми ё фақат меними?» дедим кулиб. «Бу сенга тегишли. Бу шунақа қонунда бор нарса. Сен назоратдаги одамсан ва сен озодликда ҳам шундай назоратда яшайсан» деди Шавкат.

Дарҳақиқат бу гаплари тўғри эди. Мен буни кейин тушундим. Мени бирор дақиқа назоратсиз қолдиришмаганидан кейин тушундим. Мени ҳозир ҳам Швецияда ҳам ўша МХХлар назорат қилиб туришади. Мени сайтларим ва барча ёзадиган шеър–мақола ва бошқа китобларим уларнинг қаттиқ назоратидадир. Менда шундай эканлигига гумон йўқ. Аммо, мен у пайтда буни унчалик тушунмасдим.

Шавкат менга озодликка чиқиш куним 9 май эканлигини айтди. Шунингдек у менга «Агар уйингдагилар келиб, кутиб олсалар уларга телефон қилишинга ёрдам бераман» деди. Мен унга «Керакмас командир, мени ўзим боравераман» дедим. Хуллас, мен штабдан умримда биринчи ва охирги марта хурсанд бўлиб қайтдим. «Наҳотки», дердим туйғуларим ичимга сиғмай. «Наҳотки, менинг кўрган кўргуликларим шу билан тугаган бўлса? Наҳотки, мени ҳаётимда энди яхши кунлар бошланса? Наҳотки, мен орзу қилган ниятларимга эришаолсам? Наҳотки? Наҳотки? Наҳотки?»

Мен чучварани хом санаган эканман, буни озодликка чиққач, тушундим. Озодлик бу мен ўйлаган ва кутган озодлик эмас экан. Бу ҳам зона экан. Фақат бу зонада ҳудуди кенгроқ эди. Бу зонада пайка нонни биров бермасди. Уни ишлаб топиш керак эди. Ишлай десанг ишни ўзи йўқ эди. Менга ўхшаган арестантни биров ишга олмасдиям. Ишласанг ҳам ойлик ололмасдинг. Бу ойлигинг эса еб ичишга ва кийинишга етмасди. Бу зонада азобу–уқубатлар кичик зонадан каттароқ эди. Бу зонада чироқ икки соат ёнарди.

Бу зонада кишда уйни қиздиришга на газ ва на кўмир йўқ эди. Кичик зонада чироқ ва кўмир муаммоси йўқ эди. Фақат бу катта зонада кичкинадаги каби, калтак йўқ эди. Намозларни уйда бемалол ўқиса бўларди. Бу зонада ота–онангни кўришинг мумкин эди. Катта зонада кунда кунора милицияга қатнардим. Кичик зонада штабга чақиришарди. Хуллас, мен озодликкамас, кичик зонада катта зонага кетаётгандим. Мен буларни ўша пайтда албатта билмас эдим.

Одамзод бир нарсани кутса вақт ўтмай кетаркан. Мен шу қолган бир ойни қандай ўтказганимни билмайман. Бу ой жуда–жуда узооооқ бўлгани эсимда. Ҳар кун у бу биродарлар билан кўришаман, гаплашаман. Уларни энди бир умр кўролмаслигимни ўйлаб қандайдир хафа бўламан. Бу зулмат макони менга қадрдон бўлиб қолганди. Мен бу ерда кўплаб ёру–дўстлар орттирдим. Бу ердаги мазлумлар ҳар биримиз бир аянчли қисмат соҳиби эдик. Ҳар биримизнинг умримизни ёзса бир китоб бўларди. Бу ерда қанчадан–қанча азобу укубатлар тортдик. Қанчадан–қанча оҳу–воҳлар тортдик. Қанчадан–қанча кўз ёшларимиз қолди бу ерда?

Қанчадан–қанча биродарлар бу ерда жон топширдилар? Қанчадан–қанча биродарлар бу ерда имон лаззатини тотиди? Қанчадан–қанча кимсалар бу имондан жудо бўлдилар? Қанчадан–қанча воқеъа ва ҳодисаларга гувоҳ бўлмади бу зона? Навоий 46?! Мени апрел ойим мана шундай турли туман ўй хаёл оғушида ўтди. Менда Роббимга бир илтижо бор эди. Бу ҳам бўлса, бу имтихондан мени яхши ўтганлар сафидан қилгин деган илтижо эди. Мен бу имтихонларни қандай ўтганлигини билмасдим.

Мен сабр–тоқат қилолмай, кўп хатолар қилгандим. Қошиқ ютишлик шаръан тўғри ишмас эди. Яна бошқа қатор амалларим хатою–ғуноҳларим бор эди. Мен бу кунларни имтихонлигини тушунардим. Лекин, у менга ўтмайдиган ва адо бўлмайдиган кунларга ўхшаб туюларди. Мана энди бу кунлар ҳам ўтар экан. Охири бор экан кўриб турибман. Энди бу кунларни қандай ўтказганимни билмасдим. Бу амалларни ажрини зоеъ қилмаслигини Роб Таолодан тилардим.

Бу менинг узоқ йиллик сафарим поёнидаги ўй–хаёлларим эди. Бу сафар саккиз ярим йиллик сафар бўлди. Бу сафарга йўлга чиққанда мен ёш бола эдим. Энди ўттиз бешга кирардим. Энди ақлим жойига келган ва оқ–қорани таниган ва анча ўзимни босиб олган бир одам эдим. Менга эндиги орзуим фақат шу ота–онамни хизматини қилишлик ва уйланиб, бола–чақа қилиб, тинч яшашлик эди. Менда аввал ҳам бошқа орзу бўлмаганди. Энди ҳам асосий орзуим шу эди.

Мен бир нарсага тушунолмасдим. У ҳам бўлса бизга етган синовлар ўз хатоимиз учунми ёки имон йўлидаги синовлар эдими?! Мен бу масалани устида Товоқсойда ҳам кўп бош қотиргандим. Навоийда ҳам бу масала мени кўп ўйлантирди.

Мен ҳозир ҳам бу масалани жавобини аниқ билмайман. Маълумки, синовла уч турли бўлади. Яъни, инсон бошига келадиган мусибатлар қуръони карим таълимотига кўра, уч нарса туфайли келади. Булардан бири оммавий балою–офатлар бўлиб, бу кофиру–мусулмонга, ҳайвону–инсонга баробар келади.

Бири мўминлар ўз хатолари туфайли бошларига бало келади. Уҳуд жангидаги мағлубият саҳобаларнинг хатоси учун бўлгани хабари берилади. Батаҳқиқ, Аллоҳ ваъдаси устидан чиқди. Токи заифлашиб, амр ҳақида ихтилоф қилиб ва сиз суйган нарсани кўрсатганидан сўнг исён қилгунингизча сизлар Унинг изни билан уларни қира бошладингиз. Орангизда дунёни хоҳлайдиган кимсалар бор ва орангизда охиратни хоҳлайдиган кимсалар бор. Сўнгра сизларни имтиҳон қилиш учун улардан буриб қўйди. Батаҳқиқ, сизни афв этди. Аллоҳ мўминларга фазл эгаси бўлган зотдир. (Оли Имрон 152 оят)

мана шу оятда мўминлар бошига тушган мусибат уларнинг пайғамбар а.с. амрига хилоф иш қилганликлари учунлиги айтилади.

Яна бир синов эса, мўмин кишига унинг имонини синаш учун берилади. Бу бирорта хатоси учун эмас, имони учун бериладиган синовдир. Мана шу имон синови саҳобаларга келган эди. Улардан кейинги то қиёматгача келадиган ислом умматига келадиган синовдир бу синовлар.

Қуръон яотлари бунга далолат қилади.

Оят: Сиздан аввал ўтганларга келганга ўхшаш нарса сизларга келмасдан туриб, жаннатга кирамиз, деб ўйладингизми? Уларни бало ва мусибатлар тутган ва ларзага туширилганлар. Ҳаттоки, Пайғамбар ва у билан иймон келтирганлар: «Аллоҳнинг нусрати қачон бўлади?» деганлар. Огоҳ бўлинглар, албатта, Аллоҳнинг нусрати яқиндир. (Бақара 214)

Одамлар «иймон келтирдик» дейишлари билан имтиҳон қилинмай, тарк этилишларини ўйладиларми? Ва, батаҳқиқ, Биз улардан олдингиларни ҳам имтиҳон қилганмиз. Бас, Аллоҳ, албатта, содиқларни ҳам билади ва ёлғончиларни ҳам билади.

(Анкабут сураси 2, 3 оятлар)

Албатта, молу–жонда синовга учрайсиз. Албатта, сиздан олдин китоб берилганлардан ва ширк келтирганлардан кўплаб озор эшитасиз. Агар сабр қилсангиз ва тақво қилсангиз, албатта, бу салмоқли ишлардандир. (Оли Имрон сураси 186 оят)

Мана шу уч тоифа синов яъни, балою–офат инсон бошига тушар экан, булардан қайси бири бизга аниқроғи менинг бошимга тушганлигини мен билмас эдим.

Агар бу синовлар «ўрмонга ўт кетса хулу–куруқ баробар ёнади» деган мақолага уйғун бўлиб, оммавий кофиру мусулмонга келган бало бўлса, Аллоҳ ўша бало учун ажр берсин дейман. Агар бу менинг қайсидир хатоим учун келган жазо балоси бўлса, мени Аллоҳим мағфират қилсин дейман. Агар бу имон йўлидаги синовлар бўлса, мени ва барча мўминларни бу синовлардаги хатоларимизни Аллоҳ кечирсин ва шу синовдан яхши ўтганлар жумласидан қилсин деб дуолар қиламан. Нима бўлганда ҳам бу оғир синовлардан бири эди. Бу синов охирига етиб борарди.

2004 йил май

Озодлик!

2004 йил 8 май мени штабга чақирди. Улар менга эртага кетишимни ва бугун зонада охириги куним эканини ва эртага улар хужжатларни тайёрлашгач, менга ўзлари хабар беришини айтишди. Шундай қилиб мен отрядга қайтиб шу пайтгача хайр–маъзур қилиб юрган дўсту–ёронлар билан яна бир мартада хайрлашишни бошладим.

Бошқа отрядларга бориб, у ердаги биродарларга «Эртага кетиб қолишим мумкин. Агар тезда чақирсалар хайр–маъзурга вақтим бўлмаса керак. Шунга бугун хайрлашиб кетай деб келдим» дедим. Шундай қилиб ҳамма таниш билишларни кўриб, учрашиб, хайрлашиб, розилашиб олдим. Мен тошбағирроқ одамман шекилли, кўзимдан заррача ёш чиқмади. Шу кун кечаси отряддаги биродарлар ўтириб, чой ичиб, анча суҳбатлашдик. Ҳазил–мазах гап–сўзлар кўп бўлди.

Косонсойлик Баходир ҳизбий билан кучоқлашиб хайрлашдик. Баходир кўзига ёш олди. Мен йиғламадим. Бунга ҳайрон бўлмадим. Мен баъзи вақтда шундай тошбағир бўлиб қолардимки, ҳамма йиғалаганда ҳам йиғламасдим. Менинг йиғлатадиган нарсалар бошқа нарсалар эди. Мен узоқ йиллик кадрдонларни бошқа кўрмайдиган бўлиб хайрлашсамда, йиғлолмасдим. Бунга уринмаганман ҳам.

Ошхонадаги зовхоз артист землягим билан ҳам хайрлашдим. У ҳали қолиши керак эди. Унга насиб қилса Тўртқўлда учрашармиз деб хайрлашдик. Эрталаб туриб, эрталабки текширувдан сўнг отрядга келиб, пакирни олиб умивалникка бориб совуқ сувда чўмилиб олдим ва олиб қўйган фуқаролик кийимларни кийдим.

Саккиз ярим йилдан бери бунақа кийим киймаганимга анча ўзимни ноқулай ҳис қилардим. Робаларни у бу кимга бердим. Отряддаги болаларга ошқол дашқолларни улашдим. Миска лошқа каби турли хил майда–чуйда нарсаларни тарқатиб, тайёр бўлиб турдим. Тушга яқин мени штабга чақирди. Яна бир бор ҳаммага хайр–маъзур қилиб, «Дуода бўлинглар дўстлар» деб сектордан чиқдим. Ёждувонлик жинкаш амаки йиғлаб хайрлашди.

ТСБ мени штабга олиб борди. У ердан ДПНК мени ташқи штабга олиб чиқди. Мен ҳали кўрмаган ерларни ўшанда кўрдим. Зонани ташқарисида яна бир шунақа девор айланган бўлиб, ўша ерда қатор бинолар бор экан. Улардан бири штаб бўлса, бошқаси бошқалар эди. Мени ҳовлига ўхшаган ердан олиб ўтиб ўша штабга киргиздилар.

Мен ўша кун битта ўзим озодликка чиқаётгандим. Бошқа одам бўлмагани учун ментлар бари мени кўриб у бу гап отишарди. Лўли оперативник келиб, дубинкасини кўтариб «Ураинми?» деб сўради. Мен унга «Командир шунча урганингиз етмайдими?» дедим. У кулиб «Ҳазиллашдим» деб ўтиб кетди. Ментлар ҳам ҳазилкаш бўлишини биринчи марта кўрдим.

Мени штабда бир ментга топширишди. Бу ментни мен ҳеч кўрмагандим. У шу ерда ташқарида ишлар экан. У мени кузатиб қўйиши керак экан. Мен унга «Командир хужжатларни берсанглар, ўзим кетаверардим» дедим. У менга қараб «Мумкин эмас» деди. Бу ёш йигит жуда кам гап эди. У билан штабда ўтирдик. Бухгалтер келиб, менга бир минг икки юз ўзбек сўми берди. Аллақайси қоғозга қўл қўйдирди.

Мен пулни кўрмаганимга анча йиллар бўлганди. Бу пул қанча, кўпми–камми билмасдим. Бу пул автобус учун эди. Ёнимдаги ментдан «Автобус қанча туради?» деб сўрасам, у «Минг сўмча бўлса керак» деганди. Мен Навоийдан Тўртқўлга кетишим керак эди. Бу мент мени шу ердан Автобус бекатига олиб бориб қўйиши лозим эди. Хужжатлар битди. Биз йўлга чиқдик. Ташки штабнинг темир даврвозасидан Бисмиллоҳ деб чиқиб, бир оз юриб, орқамга қарадим. Бу кетаётган еримизда саҳро бошланарди. Узоқда бир йўл кўринарди.

Зонадан кетган йўл шу узоқда кўриниб турган йўлга уланарди. Мен борган сари юриб орқамга – зонага қараб–қараб қўярдим. Зонага ҳеч узоқдан тикилмаганман. Биз доим ичида бўлганмизда. Пиёда мент билан асфальт йўлдан юриб кетар эканмиз, бу зона қуш учса қаноти ва одам юрса оёғи қуядиган саҳрони ўртасида жойлашганлигига амин бўлдим. Бу тарафда эса Цемзвод кўриниб турарди. Бу Цемзавод бу зонадан икки–уч километр нарида бўлсада, бу зона негадир Цемзавод дейиларди.

Биз бир километрдан узоқроқ йўл юриб, ўша узоқдан кўринган йўлга келдик. Бу йўлдан шаҳарга борадиган автобуслар ўтар экан. Ўша ерда автобус останковасида туриб кутдик. Ҳаво иссиқ эди. Мен узоқдан зонага тикилиб, тўймасдим. Мен бу зонани саҳро ичидаги атрофида кумдан бошқа нарсаяўқлигини кўриб турардим. Дробилкани овози улук–юлук келиб турарди. Мен бу зулм масканидан узоқлашар эканман, бу ерда қолаётган минглаб мазлумларга Аллоҳдан нажот сўрардим. Менинг руҳимни қувониш ва қандайдир ғамгинлик кайфияти баробар эгаллаб олганди.

Мен ментга «Ўзим кетаман командир бу ёғига, сиз кетаверинг» дедим. У гапни қисқа қилиб «Мумкин эмас» деди. Бу мент доим маҳкумларни шунақа кузатиб қўявериб, ўрганиб қолганми билмадим, уни парвои палак эди. У ҳеч нарсага анграйиб менга ўхшаб, ҳайрон бўлиб қарамасди. Бу ҳар куни бу ердан ўтиб қайтиб ўрганган йўллари эди. Унга мени ҳайратимни мутлақо қизиғи йўқ эди. Автобус келгач, биз унга миндик.

Мент мени олдимга ўтирарди. У озодликда ҳам мени таъқиб қиларди. Мени мақсадим агар бу мент кетса, мен Навоий шаҳрида яшайдиган шу зонадан озод бўлиб чиқиб кетган бир танишимни топмоқчи эдим. Унда мени шеър дафтарим қолганди. Мен шуни олиб кетишим керак эди. Лекин, бу мент мени қўйиб юбормасди. Унга мени Тўртқўлга кетадиган автобусга миндириш топширилганди.

Биз Навоий шаҳри автобус станциясига бордик. Станцияда Тошкентдан Нукусга кетадиган автобусни кутиб ўтирдик. Ўша автобус Навоийдан ўтар экан. Ўша автобус Тўртқўлдан ҳам ўтар экан. Автостанцияда мент билан ўтириб, у бу ёқдаги одамларга қараб ҳайратланардим. Атрофда ларкларда у бу нарсалар сотишарди. Мени қорним оч эди. Мен ментдан «У бу нарсая олсам бўладими?» деб сўрадим. У менга «Бу пул автобусни билетига» деди.

Бу ментлар юраги тошдан ясалган бўладими, дейман. Унда зарра инсонийлик асари кўринмасди. Мен унга «Автобусга қолганини тўлайман» дедим. Бориб сотувчига иккита тортчани бўлагини кўрсатиб «Шуни беринг» дедим. У «Бу тўрт юз сўм бўлади» деди. Мен бу кичкина тортчани донаси икки юз сўмлигини билмабман. Унга тўрт юз сўм бердим. Бу тортчани еб, тўймадим. Пулим эса автобусни билетига ҳам етмасди. Энди олишга имкон йўқ эди. Мен кутиб ўтирдим.

Юрагим кинидан чиқадигандек типирчиларди. Нукус автобуси келди. Мент мени автобусга миндирди. Ва шофёрга бир нарсани бериб, «Шуни бу одам тушаётганда кўлига беринг» деб тайинлади. Бу нималигини мен билмасдим. Мени бу қизиқтирмасди ҳам. Кейин автобус йўлга тушди. Навоий шаҳридан чиқиб, Тўрткўлга равона бўлдик. Йўлда то боргунимча ҳаяжонда ўтирганман. Уйга борсам қандай бўлишини тасаввур қилиб, қувониб кутиб ўтирардим. Йўлда кетаётиб автобус радиосидан Чеченистон Президенти Ахмад Қодиров ўлдирилганлигини эшитдим. Бу мен озодликда эшитган биринчи хабар эди. Бу хушхабарми, ё нохушхабарми мен ҳанузгача билмайман.

Каттакўрғонда автобус тўхтаб, ҳаммани туширди. Ҳамма ўша ерда овқатланар экан. Менда эса автобусчига берадиган пулдан бошқа пул йўқ эди. Мен ҳам тушиб, шу атрофда айланиб юрдим. Одамлар ошхонага кириб, ҳар–хил овқатлардан заказ қилиб, еб ича бошлашди. Мен оч эдим. Менда пул йўқ эди. Автобус шофёри қорақалпоқ киши мени кўриб, чақириб қолди. У менга мент берган нарсаларни берди. Булар паспортим ва ичида қандайдир мени суратим ёпиштирилган қоғоз эди. Унда мени турмадан чиққаним рус тилида ёзилган эди. Мен автобусчига «Тўрткўлгача қанча бўлади, мен тўлаб қўяй» дедим. У «Минг сўм» деди. Мен унга менда саккиз юз сўм бор дедим. Шу пулни бердим. У «Бўлади» деб олиб кетди.

У мени турмадан чиққанимни ва бошқа пулим йўқлигини биларди. Бир оздан кейин, у менга «Кел биз билан овқат е» деб қолди. Мен боришга уялардим. «Йўқ, раҳмат» деб нари кетдим. Овқатлар ҳиди шунақа ширин эдики, бу хидларга чидашни ўзи азоб эди. Мен чидашим керак эди. Бу зонамас, бу озодликнинг биринчи соатлари эди. Мен зонада чидолмаган очликка озодликда чидашим керак эди. Озодлик одамлари буни тушунмасди. Ўша куни тунги соат икки ё учларда мен автобусдан Тўрткўлда тушиб қолдим.

Ўша–ўша уйлар, кўчалар ва дарахтлар ҳеч нарса ўзгармабди. Мен уйга тунда эшикни уриб ота–онамни уйкусини безовта қилмаслик учун тонггача кутишга қарор қилдим. Шу ерда кўчада ўтириб, бомдод намозини ўқидим. Шундай қилиб менинг Навоий 46 зонадаги сафарим ниҳоясига етган эди. Мен Аллоҳнинг мадади ва ёрдами ила 1995 йил декабрдан шу уйдан чиқиб кетганимча, 2004 йил 9 майда шу уйга соғ–омон уйга қайтиб келган эдим. Мен бу 8 йил 6 ойга чўзилган сафаримни Аллоҳу Таъоло қиёмат куни ажр мукофотини беришини умид қиламан. Зеро Марҳаматли Зот ўз китобида шуни ваъда қилгандир.

Оят: Ҳижрат қилганлар, диёрларидан чиқарилганлар, Менинг йўлимда азият чекканлар, жанг қилганлар ва қатл бўлганларнинг ёмонликларини ўчираман ҳамда уларни, албатта, остидан анҳорлар оқиб турган жаннатларга киритаман, бу Аллоҳнинг ҳузуридан савобдир. Ва Аллоҳ–ҳузурида гўзал савоб бор зотдир»

(Оли Имрон 195 оят)

Хулоса:

Бу китоб менинг Навоий зонасига келганимдан то чиқиб кетгунимга қадар бўлган уч ярим йиллик зонадаги азоб уқубатлар қиссасидир. Бу китобдан кейинги воқеълар ва Россия турмасидаги саргузаштларим «Мустақиллик шарофати» номли китобимда ҳикоя қилинган.

Агар Аллоҳ мадад берса, бу китобдан олдинги Товоқсой даврини алоҳида бир китоб қилиб ёзаман. Товоқсой даври мен учун улкан синовлар ва турли ажойиботлар даври бўлган. Мен Товоқсойда беш йил ўтирганман. Ўша китоб ёзилса, демак, бу учала китоб бир бўлиб, менинг кўрган кечирганларимни яхлит бир тасвирловчи уч жилдлик китоб бўлади.

Бу китоблар нафақат менинг шахсий ҳаётим балки, бил мусулмон шахснинг кўрган жабру зулмлари тарихидир. Мен бу зулмларни кўрган биринчи ва охириги шахс эмасман.

Бу зулмларни минглаб одамлар кўришган. Лекин, буларни китоб қилиб ёзадиганлар бармоқ билан санарли. Бугун ҳам бу зулмлар давом этмоқда. Бу зулмлар барчаси Мустақиллик давридаги ИАК бошлиқ режимнинг ўз халқига қилган жабру зулмларикидир.

Бу зулмлар тарихда қолиши ва ИАК каби мустабидлар лаънатланиши учун ҳам булар ҳақида китоблар ёзилиши керак. Менинг бу китобларим мана шу қонли тарихнинг бир киши қисматида акс этган жилосидир.

Мен бу каби зулмлар ҳақида ёзилган китобларни, келажак авлодга ИАК каби диктаторни қилган зулму зўравонликларини ўқиб ўрганиб ибрат олишлари учун бир дарслик бўлади ва бундай ноинсоний зўравонлар тизимига қарши курашиш керак керак деган хулосага келишларига умид қилиб қоламан.

Аллоҳу Таоло бу китобни ўқувчилар ва муаллиф учун дунё ва охиратда манфаатли қилсин. Юртимиздаги золимларга кифоя қилиб, мазлумларга нажот берсин! Омин.

Муҳаммадсолиҳ Абутов.

Саҳвий

22 май 2016 йил.

Швеция